

# Шарк юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар  
союзининг органи

ОЙЛИК, АДАБИЙ-БАДИИЙ,  
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

■  
49-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ  
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ  
НАШРИЁТИ

1981 6

# МУНДАРИЖА

С. Мамажонов. Ленин ва миллий адабиётлар . . . . .	3
О. Ҳожиева. Бўзтўрғай. Шеърлий қисса . . . . .	11

## ҲИКОЯЛАР

Н. Қиличев. Ҳокисор. Қушлар учуб кетдилар . . . . .	26
А. Асиров. Ёмғирли кунлар. Малҳам . . . . .	41
Р. Мирҳайдаров. Йўлда йўловчи кўп . . . . .	49
М. Мирзаев. Тассурот. Янги йил оқшоми. Балоғат ўйлари. Хотира дафтарларим. Шеърлар . . . . .	58
Б. Исроил. Менинг қўшиғим. Ҳамроҳимга. Шеърлар . . . . .	61
Қ. Мирзо. Мубтало бўлдим сенга. Қисса . . . . .	63
Ғ. Исмоилов. Раққоса. Она қалби. Шеърлар . . . . .	111
Ж. Алимардон. Кутиш лавҳалари. Шеър . . . . .	113
П. Қодиров. Наҳот. Афсонавий қисса. Охири . . . . .	114
Ҳ. Раҳмат. Ширин қиз. Шеърлар . . . . .	157
Н. Куликов. Авлодлар. Поэма . . . . .	159
Г. Марьяновский. Минг бир тақдир. Ҳужжатли қисса . . . . .	163
Ж. Шарипов. Устоз Ойбекнинг ғамхўрлиги . . . . .	215

## ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Б. Қосимов. Ҳурриятга чорловчи шеърят . . . . .	219
М. Юнусов. Бадий адабиёт назария кўзгусида . . . . .	225
Ҳ. Сулаймон. Асрлар қаъридан қад кўтарган шоир . . . . .	231
Гулқайчи . . . . .	237
Маданий ҳаёт . . . . .	239
«Звезда востока», «Йилдиз» журналларининг июнь сон- ларида . . . . .	239

Замондошларимизнинг ёрқин образини яратишда ижодий ходимлар, шубҳасиз, ютуқларга эришдилар. Бу образлар одамларни ҳаяжонлантирмоқда, баҳсларга сабаб бўлмоқда, ҳозир ва келажак ҳақида ўйлаб кўришга ундамоқда. Партия энг яхши асарларга хос бўлган гражданлик пафосини, камчиликларга нисбатан муросасизликни, санъат жамиятимиз ҳаётига оид проблемаларни ҳал этишга фаол аралашаётганини табриклайди.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

Салоҳиддин Мамажонов

# ЛЕНИН ВА МИЛЛИЙ АДАБИЁТЛАР

Ушбу Октябрь социалистик революцияси кўп миллатли совет халқлари, шу жумладан туркий тилда сўзлашувчи халқлар маданиятида янги даврни бошлаб берди. Асримиз бошида туркий тилда сўзлашувчи халқлар адабиётининг ривожланиш даражаси рус ёки украин адабиётлари даражасидан анча орқада эди. Ҳатто туркий тилда сўзлашувчи миллатларнинг адабиётлари ҳам ҳар хил босқичда эди.

Маълумки, туркий тилда сўзлашувчи миллатларнинг сони кўп, мамлакатимизнинг ўзида йигирма олтитадан ортади. Улардан баъзиларининг халқи кўпроқ, баъзилари камроқ. Айтайлик, ўзбек тилида ўн икки миллиондан кўпроқ одам сўзлашса, олтой тилида эллик олти минг, барабин ёки сари-уйғур тилида ундан ҳам оз одам сўзлашади. Буларнинг адабий мероси, анъаналари ҳам бир хилда эмас. Совет адабиёт-

шунослари СССР халқлари адабиётининг шаклланишини ўрганганда адабиётларнинг Октябргача бўлган ҳолатидан келиб чиқиб, уларни бир қанча гуруҳларга бўладилар. Масалан, таниқли совет адабиёт-шуноси Г. И. Ломидзе «Буюк муштараклик туйғуси» китобида совет адабиётини учта группага ажратади. Биринчи группага рус, украин, белорус, грузин, арман, озарбайжон, молдаван, тожик, ўзбек, татар адабиётлари киради. «Улар Октябрни кўп асрлик бадий тараққиёт тажрибасига эга, етук ҳолда кутиб олди», дейди олим. Муаллиф, буларнинг тараққиёт даражаси ҳам, анъана ва тажрибалари ҳам бир хилда эмаслигини таъкидлайди. Иккинчи группага қозоқ, қирғиз, марий, қалмиқ, мордван, балқар, ёқут, бурят, кабардин адабиётларини киритади. Буларда асосан оғзаки шеърӣ ижод шаклланган. Учинчи группага эса Октябрдан кейин туғилган адабиётларни киритади. Булар — чуқот, нанай, ненец, нивх, мансий, гагауз, юкагир, долган адабиётларидир.

Бошқа адабиётшунос З. Кедрина эса бир мақоласида кўп миллатли совет адабиётини тўртта типга бўлади ва қуйидагича изоҳлайди: «1. Оғзаки шеърӣ нутқ шаклига эга, гоҳо заиф тараққиёт этган; 2. Фольклори юксак ривожланган ва ёзма адабиёти (асосан поэзия) куртак ҳолида бўлган; 3. Қадимий (классик) шеърӣ анъанага эга ва замонавий адабиёти сусти ўсган (айниқса проза соҳасида); 4. Классик анъаналари юксак даражада ривожланган ва кўп жанрли замонавий адабиёт тили» (Взаимодействие литератур и художественная культура развитого социализма, М., 1977, стр. 27).

Иккала таснифнинг ҳам ўз афзалликлари бор. Биз фикр юритаётган масалага кўпроқ З. Кедринанинг таснифи мос келади. Туркий тилларда сўзлашувчи халқлар адабиётлари биринчи, иккинчи ва учинчи гуруҳга — типга киритилиши мумкин. Ҳозирги замон тушунчасидаги проза, драматургия жанрлари туркман ёки ўзбек адабиётида Октябрдан кейин майдонга келди. Озарбайжон, ўзбек, татар, туркман адабиётлари учинчи типга, яъни қадимий классик шеърӣ анъаналари ривожланган ва замонавий адабиёти — прозаси сусти ўсган адабиёт типига мансуб бўлса, қирғиз, қозоқ, қорақалпоқ, ёқут каби адабиётлар иккинчи типга, яъни фольклори ривожланган ҳамда ёзма адабиётининг фақат поэзия тури куртак ҳолида мавжуд бўлган адабиёт типига ва ниҳоят долган, гагауз каби адабиётлар эса биринчи типга — оғзаки шеърӣ нутқи ўртгача даражада ўсган адабиётлар типига киради. Ҳозир мазкур адабиётларни бундай группа ёки типларга ажратиб бўлмайди, улар ўртасидаги фарқ, узилиш деярли барҳам топган. Бу халқлар адабиётида роман, драматургия, ҳикоя, очерк, шунингдек опера, тасвирий санъатнинг замонавий турлари вужудга келибгина қолмасдан, улар адабиёти тараққиёт даражаси жиҳатидан жаҳоннинг илғор адабиётларига етиб олди. Мазкур адабиётларнинг Самад Вургун, Сулаймон Раҳим, Меҳди Гусейн, Мухтор Авезов, Чингиз Айтматов, Абдужамил Нурпенсов, Аали Тўқимбоев, Ғабит Мусрепов, Тугелбой Сидиқбеков, Берди Кербобоев, Хидир Деряев, Сайфи Қудаш, Мустай Карим, Мажит Ғафурӣ, Қувончбек Баянилов, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ғафур Ғуллом, Зулфия, Шароф Рашидов, Яшин каби ўнлаб вакилларининг номи Иттифоқимиздан ташқарида ҳам маълум. Адабиётларнинг тезкорлик билан бундай ривожланишида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий омиллар билан бирга совет халқлари адабиётларининг ғоявий-эстетик идеал бирлиги, ижодий метод бирлиги ва коммунистик партиянинг доно раҳбарлиги ҳамда рус адабиёти, рус тилининг роли ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди. Тобора ривож топаётган турли типдаги адабий алоқалар (декадалар, учрашувлар, юбилейлар ва аиниқса таржима ишларининг ривожланиши), бадий асарларда олға сурилган дўстлик,

қардошлик, интернационализм ғоялари, айниқса қардош халқлар ҳаётини акс эттирувчи асарларнинг кўплаб ёзилиши ҳам адабиётларнинг тараққиёт даражасини бир-бирига яқинлаштирмоқда ва улар ўртасидаги ўзаро алоқани, муштарак жиҳатларни тобора кучайтирмоқда.

Миллий адабиётлар ривожини тезлаштирган бошқа энг катта ва ҳал қилувчи омил ҳам бор, биз бу ерда эътиборни шунга тортмоқчимиз. Бу — доҳий В. И. Лениннинг миллий маданият ҳақидаги буюк, ўлмас таълимотидир. В. И. Ленин революциядан аввал ва революциядан кейин ёзган асарларида миллий ва интернационал маданият билан боғлиқ қатор жиддий масалаларни ҳам илмий, ҳам назарий жиҳатдан ҳал қилиб берди, совет ҳукуматини қуриш жараёнида бу принципларини ҳаётга татбиқ этиб, амалда исботлади. Бу таълимот буржуача миллий маданият шиорининг прогрессив инсоният манфаати учун мутлақо зарарли эканлигини исботлаб бериш ва бу борадаги марксча таълимотни ўртага ташлаш, яъни ҳар бир миллий маданиятда икки маданият — буржуа маданияти ва социалистик ҳамда демократик маданият элементларининг мавжудлиги, ҳар бир маданиятдаги миллийлик ва интернационаллик каби масалаларни ўз ичига олади. Буржуазиянинг миллий маданият шиорини қаттиқ туриб ҳимоя қилиши остида миллатларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, уларнинг дўстлашиши ва маданиятларининг интернационаллашишига тўғаноқ бўлишдек разил ният ётади. Энг муҳими, улар бу сохта шиор ниқоби остида эзувчи синф билан эзилувчи синф ўртасидаги синфий айирмани беркитишга, ишчилар, деҳқонларнинг ўз озодлиги учун олиб бораётган синфий курашини заифлаштиришга ва уларнинг бирлашишига ғов ташлайди. Маълумки, Россия кўп миллатли мамлакат эди, унинг 57 процентини эса эзилган миллатлар ташкил этарди. «Лаънати самодержавие тарихи,— деб таъкидлаган эди В. И. Ленин 1913 йилда ёзган «Программамизда миллий масала» асарида,— бизга шу самодержавие томонидан эзилган турли халқлар ишчи синфининг бир-биридан жуда ажралганини мерос қолдирди» (В. И. Ленин, Тўла асарлар тўплами, 7 том, 277-бет).

Буржуача миллий маданият шиори ана шу миллатлар ўртасидаги низони янада алангалатиши ва илғор кучларнинг бирлашишига халақит бериши, улар диққатини асосий нарсадан — революция масаласидан четга тортиб кетиши мумкин эди.

«Ҳамма миллат буржуазияси,— дейди В. И. Ленин.— Австрияда ҳам, Россияда ҳам «Миллий маданият» шиори остида амалда ишчиларни ажратиб юборади, демократияни кучсизлантиради, халқ ҳуқуқларини ҳамда халқ озодлигини сотиш тўғрисида крепостниклар билан савдогарларча тил бириктиради» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 24 т., 136-бет).

Доҳий буржуазиянинг бундай реакцион назарияси ва шиорига қарши миллатларнинг бир-бири билан яқинлашишига кўмак берувчи, биринчи навбатда уларни озодликка олиб келувчи — ҳоким синф устидан ғалаба қилишда муҳим омил бўлувчи интернационал маданият шиорини қарши қўяди ва баланд кўтаради.

Хуллас, В. И. Ленин буржуача миллий маданият назарияси ва шиорига қарши турди. Шу асосда унинг ҳар бир миллий маданиятда икки миллий маданият мавжудлиги тўғрисидаги машҳур таълимоти яратилди.

Доҳий Россияда Пуришкевичлар, Гучковлар ва Струвеларнинг великорус маданияти билан бирга Чернишевскийлар, Плехановлар номи билан характерланадиган великорус маданияти мавжудлигини, худди шундай икки хил маданият бошқа халқларда ҳам борлигини уқтиради. У ҳар бир миллат адабиётида мавжуд бўлган демократик

ва социалистик элементларни интернационал маданият деб атади. 1913 йилда латиш тилидаги газетада босилган бир мақоласида бу борада очиқ-ойдин бундай деганди:

«Биз барча миллатларнинг тенг ҳуқуқлигини крепостниклардан ва полициячи давлатдан қўриқлашимиз билан, «миллий маданият»ни эмас, балки интернационал маданиятни ёқлаймиз, бу интернационал маданиятга ҳар бир миллат маданиятидан фақат изчил — демократик ва социалистик мазмунгина киради» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 23 т., 234-бет).

В. И. Ленин миллатларнинг интернационал бирлигини эса олий даражадаги бирлик деб ҳисоблади. Бундай бирлик Октябрь социалистик революциясида кейин совет мамлакатида яшовчи миллатлар ва уларнинг маданияти тақдирида вужудга келди. Доҳийнинг социализм миллий маданиятни «батамом интернационаллаштиради» деган буюк башоратини кўп миллатли совет адабиёти тўла тасдиқлади. Пролетар интернационализи ғояси бу адабиётнинг қон томири, бош пафосига айланди.

Доҳий интернационализм ғояси совет маданиятида етакчи фазилат касб этишини, ижтимоий-иқтисодий сиёсий даражаси турлича бўлган миллатларнинг тезкорлик билан ривожланиши ва ўзаро яқинлашуви-нинг сабабларини ҳам теранлик билан кўрсатиб берган эди:

«Социализм ишлаб чиқаришни синфий зулмсиз ташкил этиб, давлатнинг барча аъзолари учун фаровонлик яратиш билан аҳолининг «раъбатига» тўла эркинлик беради ва худди шунинг орқасида миллатларнинг яқинлашуви ва қўшиливини осонлаштиради ва жуда ҳам тезлаштиради... Социализм шароитида меҳнаткашлар оммасининг ўзи юқорида кўрсатилган соф иқтисодий сабабларга кўра ҳеч бир ерда бекинишга рози бўлмайди, сиёсий формаларнинг хилма-хиллиги, давлатдан ажралиб чиқиш эрки, давлат қурилиши тажрибаси,— ана шуларнинг ҳаммаси умуман ҳар қандай давлат ўлмагунча, бой ва маданий турмушнинг асоси бўлади, миллатларнинг ихтиёрий равишда бири-бирига қўшилув ва бир-бири билан қўшилув жараёнини тезлаштириш гарови бўлади» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 30 т., 37-бет).

В. И. Ленин бу сўзларни 1916 йилда айтган эди. Октябрдан кейин кўп миллатли совет адабиётидаги етакчи жараён, яъни миллий адабиётларнинг тезкорлик билан ривожланиши ва бир-бирига яқинлашиши, муштарак жиҳатларнинг кўпая бориши доҳийнинг келажакни олдиндан кўра олишини тасдиқловчи яна бир ёрқин далилдир. Дарвоқе, В. И. Ленин 1922 йилда «Обсервер» ва «Манчестер Гардиан» газеталари мухбирларининг саволларига берган жавобида барча миллатларга бирдай эътибор берилаётганлиги, уларнинг барчасига ривожланиши учун зарур шарт-шароит туғдирилганлиги сабабли уларнинг маданияти барқ уриб ўсаётганлигини таъкидлайди.

«Тажрибамиз бизда шундай қатъий ишонч ҳосил қилдики,— дейди Ленин,— турли миллатларнинг манфаатларига жуда катта эътибор берилгандагина ихтилофларга сабаб бўладиган замин йўқолади, ўзаро ишончсизлик йўқолади, шундай ишонч, айниқса турли тилларда сўзловчи ишчи ва деҳқонларда шундай ишонч туғдирадими, бунингсиз халқлар орасида тинч муносабатлар бўлиши ҳам, ҳозирги замон цивилизацияси эришган барча қимматли ютуқларни бир қадар бўлса-да муваффақият билан ривожлантириш ҳам асло мумкин эмас» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 45 т., 274-бет).

В. И. Ленин интернационал маданият тўғрисида жон куйдирар экан, бу билан маданиятдаги миллийликни сира ҳам камситмайди, балки уни қаттиқ ҳимоя қилади. Бунда у ҳар бир маданиятда ўзига хос миллий сифатлар мавжуд деган ҳақиқатга асосланиш билан бирга

ҳар бир миллатнинг тарихий йўли ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражасининг ҳар хиллиги туфайли улар маданиятида ҳам ўзига хослик, ранг-баранглик муқаррар эканлиги фактига ҳам диққат қилади.

«Ҳозир эса миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши масаласида гапнинг моҳияти шундаки, турли миллатлар бир хил тарихий йўлдан бораётирлар, бироқ жуда ҳам турли-туман, эгри-бугри ва сўқмоқ йўллар билан бораётирлар ва маданийроқ миллатларнинг йўли маданияти камроқ миллатларнинг йўлидан тамомила фарқ қилади...— дейди В. И. Ленин ва программадан миллий масалани ўчириб ташлаш керак деган нотўғри фикр тарафдорларига кескин жавоб беради.— Агар одамларнинг миллий хусусиятлари бўлмаганда эди, буни қилиш мумкин бўлар эди. Лекин миллий хусусияти бўлмаган одамлар йўқ, бинобарин, биз социалистик жамиятни бошқача йўл билан ҳеч қура олмаймиз» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 38 том, 216—217-бетлар).

Демак миллийлик ҳар бир адабиёт, ҳар бир маданиятга хос туб фазилатдир. Миллийлик асосини халқнинг эстетик идеалидан, воқеликни ўзига хос тарзда кўриши, миллий қизиқиши нуқтаи назаридан, шу воқеликни идрок этиши ва уни образли тушунтириши тарзидан қидирмоқ лозим. Миллийлик асар мазмуни, тили, шакли, материали, сюжети, вазият, характерларда ва улар ҳаракат қилаётган жой, шарт-шароит, муҳитда намоён бўлади. Бадий асарда мазкур миллат ҳаёти, тақдиридаги муҳим ҳаётӣй, инсоний масалалар чуқур, ҳаққоний ва юксак бадий шаклда талқин этилган тақдирда ундаги умуминсоний, интернационал пафос ҳам кучаяди. Айни чоқда унинг миллий ўзига хослиги ҳам яққол кўринади. Шу билан бирга иқтисодӣй, сиёсий ва маданий турмушдаги муштараклик, сиёсий идеал бирлиги миллий эстетик идеалга ҳам таъсир этади, натижада адабиётларни ўзаро яқинлаштириб, улардаги интернационал фазилатни чуқурлаштиради.

Дарвоқе, В. И. Лениннинг миллийлик интернационал адабиёт учун хос туб фазилат эканлиги тўғрисидаги фикри ва таълимотини кўп миллатли совет адабиёти тўла тасдиқлади. Совет мамлакатида бир-бирига ўхшамаган ёрқин талантларнинг бўлиши ва улар номининг жаҳон бўйлаб таралиши остида ҳам шу улуг ҳақиқат ётибди. Доҳийнинг «Ҳа, интернационал маданият номиллий маданият эмас, муҳтарам бундчи. Ҳеч ким уни номиллий дегани йўқ. Ҳеч ким: на поляк, на яҳудий, на рус ва на бошқа «соф» маданият бор, деб баён қилгани йўқ», деган ажойиб сўзлари ҳозир ҳам, совет мамлакатида миллий адабиётлар сунъий равишда ўстирилиб, бир қолипга солинади ва улардаги миллийлик, ўзига хослик барҳам топган деб ҳар солаётган буржуа мафкурачиларига қақшатқич зарба бўлиб тушади.

Ҳозирги кунда буржуа идеологлари социалистик миллатлар ҳамкорлигининг гуруллаб ўсишига, ягона оила туйғусининг чуқур илдиз отишига ва миллий маданиятлар интернационал негизининг тобора кенгайиб борishiга раҳна солиш учун ҳар хил разил усулларни қўлламоқда. Доҳий кескин фош этиб ташлаган ўша «миллий маданият» ҳомийларининг ворислари бугун ҳам шу сохта шиор остига беркиниб олиб, социалистик мамлакатимиздаги илғор ва самарали жараённи — миллий маданиятларнинг ўзаро яқинлашиши ва интернационаллашишини тўхтатиб қолиш ниятида зўр бериб уринмоқдалар. Бунда улар танқид тиғини рус тили ва рус адабиётига қарши қаратмоқдалар. Бу бежиз эмас, албатта. Бой рус адабиёти ва қудратли рус тили миллий адабиётларнинг тезкорлик билан ривожланиб, ҳозирги замоннинг илғор адабиётлари даражасига кўтарилишига маълум таъсир кўрсатди. Урта Осиё ва Қозоғистон халқлари, умуман туркий халқлар ўтмишда роман, повесть ва драматургия каби жанрларга эга бўлмасаларда

уларнинг қадимий бой классик шеърӣ ижодида, ривожланган фольклориди воқеликни, ҳаётни кенг эпик кўламда идрок этиш ва бадий тушунтириш анъанаси мавжуд бўлиб, асарларда умумбашарий масалалар кўтарилган ва шулар орқали умуминсоний фикрлар, ўткир гуманистик ғоялар олға сурилган эди. Демак, бу халқларда роман, драматургия учун зарур бўлган замин, шарт-шароит, яъни эстетик тайёргарлик—романга хос фикрлаш илдизи бор эди. Рус адабиёти мазкур жараёни тезлаштирди, рус тили миллий адабиётларнинг жаҳон прогрессив маданиятига кириб бориши ва унинг сарчашмасидан баҳра олиши йўлида кўприк воситасини бажарди.

«...Миллатлар ўртасида маънавий бойликларни айирбошлаш тобора интенсивлашиб бормоқда,— дейди Шароф Рашидов,— миллий маданиятлар тобора яқинлашиб ва бир-бирини бойитмоқда, уларнинг интернационал негизи кенгаймоқда. Маданиятларнинг яқинлашуви социалстик негизда, ҳар бир миллий маданиятда мавжуд бўлган жамии қимматли, прогрессив нарсалар тобора тўлароқ рўёбга чиқаётганлиги ва ривожланаётганлиги йўли билан юз бермоқда» («Правда», 1980, 23 май).

Ўзбек адабиётида ёки қирғиз, қозоқ, озарбайжон адабиётида туғилган проза ва драматургия каби янги жанрларда шундай етук асарлар майдонга келдики, булар ўзининг ёрқин миллий ва чуқур интернационал фазилати билан кўп миллатли совет адабиёти хазинасини, жаҳон адабиётини бойитмоқда. Ойбек, Мухтор Аvezов, Чингиз Айтматов прозасини эслаш мумкин. Қозоқ романчилигидаги фольклорга хос эпиклик («Абай» романи), қирғиз прозасига хос шартли воситаларга, мифга мойиллик (Чингиз Айтматов асарлари) ҳеч кимга сир эмас. Ўзбек романчилигида романтика, публицистик кўтаринкилик, актив дидактика ва юмор ҳиссининг кучлилиги, тасвирда сербўёқлик, лиризмга интилиш, воқеа, қаҳрамонларни кенг ва катта давр ҳамда макон доирасида кўрсатиш каби фазилатлар ёрқин кўринади. Озарбайжон театри ва операсидаги оромбахш юмор, ўйноқи халқ музикаси, доғистон шеъриятидаги донолик, фалсафийлик (Расул Ҳамзатов ижоди) тан олинган ҳақиқатдир. Совет адабиётининг бойлиги ва қудрати ҳам унда бир-бирига ўхшамаган бетакрор ва ёрқин миллий адабиётларнинг эркин, дўстона бирлигидан иборат эканлигидадир. Совет юридида моддий бойлик ҳам, маданий, маънавий бойликлар ҳам ҳаммага баробар. Миллий адабиётларда юзага келган ҳар қандай ёрқин асар ҳамма қардош халқларнинг маънавий бойлиги сифатида қадрланади.

В. И. Ленин ҳар бир халқнинг, у каттаими, кичикми — бундан қатъи назар, миллий туйғуси, миллий хусусиятларини ҳурмат қилиш ва унга қўлдан келганча ёрдам бериш зарурлигини алоҳида уқтириб ёзган эди:

«Капитализм замонида эзувчи миллат бўлиб келган миллатларнинг ишчилари томонидан эзилган миллатларнинг миллий туйғусига (масалан: великоруслар, украинлар, поляклар томонидан яҳудийларга нибатан, татарлар томонидан бошқаларга нисбатан ва ҳоказо) алоҳида эҳтиёткорлик билан иш кўрилиши, капитализм давридан мерос бўлиб қолган ишончсизлик ва ётсирашнинг ҳамма қолдиқларини йўқотиш учун илгари эзилган миллатларнинг меҳнаткашлар оммасини ҳақиқатан тенг ҳуқуқли бўлишигагина эмас, балки уларнинг тили, адабиётининг ривожланишига ҳам ёрдам кўрсатилиши талаб этилади» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами, 24 том, 139-бет).

В. И. Ленин бирон жараёни, у маданият соҳасидаими ёки сиёсий масаладаими зўрма-зўракилик ва шошма-шошарлик билан тезлаштиришга мутлақо қарши туради. У айниқса маданият соҳасида шошма-шошарликка йўл қўймасликни такрор-такрор уқтирган эди.



Доҳийнинг маданият масалаларида «шошма-шошарлик қилиш ва ҳаддан ошиб кетиш ҳамма нарсадан кўра зарарлидир», дейиши ва шунга қаттиқ амал қилиши остида ҳаётни, революцион воқеликнинг ривожланиш жараёнини ва қонуниятларини, янгиликнинг қарор топишидаги сабабият ва заруриятни чуқур билиши ётади. Зотан миллий адабиётлардаги, айниқса социалистик революция арафалари ва революциянинг дастлабки йилларида миллий анъаналарни ва халқ ижодини революцион ғояларни ифодалашга хизмат эттиришнинг кучайиши ҳам бежиз эмас эди. Озарбайжон, татар, ўзбек ёки тожик адабиётида шеърятдаги янгиликлар — революцион маршлар, вазн ва ритмдаги ўзгаришлар халқ ижодий заминидан амалга оширилиб борди (Ҳамза ва Айнийни эслайлик), драматургия жанрини олиб киришда ҳам халқ ижоди ва музыкасига суянилди (Озарбайжон ёки ўзбек драматургиясининг илк даври). Ҳамзанинг «Қизил гул» (1916) тўпламига ёзган сўз бошисидаги: «Бу — адабиётдан хабарсизлик эмас, ...элимининг тушунувига ўнғай бўлсин учун бўлса керак, деб шояд бизнинг тарафимиздан жавоб берувчилар-да бўлур», деган сўзлари фақат унинг шеърятигагина (шаклидаги соддалиги, ҳар бирининг устига халқнинг қайси қўшиғи куйига мос келишини кўрсатиб қўйиши каби) эмас, балки драматургиясига ҳам, прозасига ҳам тўла тааллуқлидир («Янги саодат» асарининг сўз бошисида ҳам Ҳамза оддий халқни ўйлаб «тушунмоқларига шояд осон бўлур эди, деб бутун эски имло ва эски услубда тартиб берилди ҳамда соддароқ ёзилди», дейди). Ёки ўзбек адабиётида реалистик роман жанрига асос солган улкан ёзувчимиз Абдулла Қодирийнинг анъана ва новаторлик, жанр ва шакл масалаларига муносабатини кузатиш мумкин. Умуман совет тарихий романчилигининг илк намуналаридан бўлган «Ўтган кунлар» асари ғарб ва шарқ романчилиги заминидан вужудга келди. Ёзувчи ана шу ғарб ва шарқ романчилиги заминидан яратилган асарини ўзбек халқининг руҳига, қалбига, онига, бадний фикрлаш тарзи ва даражасига яқинлаштиришга уринди ва самарали муваффақиятга эришди. Ўзбек шеърый романчилиги ва фольклориданги эпик анъаналар (Алишер Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» дostonлари ёки халқнинг «Тоҳир ва Зухро»лари каби), шарқ анъаналари («Минг бир кеча») Абдулла Қодирий учун ўзбек миллий романини яратишига кўмак берди. Бу жиҳатдан баъзи мунаққидларнинг романда эски усуллар қўлланилган деб айб қўйишларига нисбатан адибнинг берган жавоби ниҳоятда муҳим илмий ва амалий қимматга эга.

«Ўтган кунлар»да кўпроқ қўлланган дидактика тўғрисида,— деб таъкидлайди Абдулла Қодирий,— дидактика усулининг кўпроқ қўлланишининг сабаби «Ўтган кунлар»нинг **оммамизнинг савиясига қараб ёзилишидандир** (таъкид бизники — С. М.). Маълумки, бизнинг омма то шу кунгача ҳам Ўрта аср дoston ва ҳикоялари билан озиқланиб келадир. Омманинг шу ҳолини назарга олганда бармоқ билан санарли беш-ўнгина (улар ҳам ўз ҳунарларидан нўнақлар) ёшларимиз учун «сўнгги приёмни бериш — тиши чиқмаган болага қурт шимитиш каби бўлар эди. Ҳолбуки, бу эски приём жўрттага, халқимизнинг савиясини эътиборга олиб қабул қилингандир. Халқнинг завқини, руҳини назарда тутилса, — «сўнгги приём» деб Европанинг сўнгги модасини тақдим қилинса, бундан нима маъно чиқариб бўлар эди...

Модомики асар савияси ўзимизга маълум шу халқ учун ёзилар экан, яна бирмунча вақт «сўнгги приём»лардан кўз юмиб туриш, оралиқда «сўнгги приём»ни оз-оз қистира бориш лозимдир. На учунким «сўнгги приём»да ёзилган «шеър» ва «наrsa»ларимиз бир табақагагина хос бўлиб қолабергани даъвомизга далилдир. Вақтики биз кўпчилик ишчи ва деҳқон оммасига ёзар эканмиз, «эски приём билан ёзади,

биноан алайхи бу ёзувчига биринчи номерни бермаймиз» деб қилинган танқидлардан ҳурқмаймиз» (Абдулла Қодирий. Кичик асарлар. Т., 1969, 194—195-бетлар).

Аслида Абдулла Қодирийнинг мана бу мулоҳазаларининг остида битта катта мақсад—ният ётибди (ҳар хил «изм»ларга тақлид қилиб ёзилган асарлар ҳеч кимга, ҳатто энг ўқимишли тоифага ҳам заррача маъқул бўлмагани адабиёт тарихимиздан маълум): ўзбек романчилигининг асосчиси бадиий асарнинг халқчил бўлиши тўғрисида қайғурди ва ўзи шунга ҳаракат қилди.

Бу ерда совет шарқи халқлари адабиётининг йирик вакиллари билан бири Мухтор Аvezовнинг миллий роман, миллий шакл ва адабиётларнинг ўзаро яқинлашуви тўғрисидаги қуйидаги теран мулоҳазаларини келтириб ўтиш ўринли бўларди.


«Ижодий ҳамкорлик туфайлигина совет шарқининг кўпгина адабиётларида проза, драма каби жанрлар пайдо бўлди, улар сўзсиз рус реализми анъаналарини ўзлаштириш орқали вужудга келди. Унинг устига бу янгиликларни китобхонлар, халқ ўз қалбида етишган азиз нарса, жонажон, яқин, энг яхши нарса сифатида қабул қилди. Ўзбек, қирғиз, туркман романи ўзбек, қирғиз, туркман китобхонлари томонидан миллий роман тарзида, янги миллий шаклдаги халқ тафаккурининг, халқ онгининг ифодаси тарзида, яратувчилик — ижодий қобилятининг, ўз бадиий сўзларининг тараққиёти тарзида қабул этилди. Шунини айтиш керакки, қозоқ, ўзбек, тожик драматургияси янги шаклни қабул қилиб олган бўлсалар-да, тил жиҳатидангина эмас, балки ҳаётни, хатти-ҳаракат психологиясини, образли-тил тафаккурини, инсоний муносабатларни, бутун характерларни акс эттиришдаги барча хусусиятлари билан айни чоқда чуқур миллийдир» (Мухтор Аvezов. Собрание сочинений. т.5., М., 1975, стр. 341).

Туркий тилда сўзлашувчи, жумладан Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётларининг, умуман кўп миллатли совет адабиётининг ривожланишида ва уларнинг ҳар бирининг ёрқин ўз миллий қиёфасига эга бўлиши ҳамда шаклан миллий, мазмунан социалистик, моҳияти жиҳатидан интернационал маданиятининг вужудга келишида улуғ Лениннинг миллий ва интернационал маданият тўғрисидаги ҳам назарий қарашлари, ҳам амалий ғамхўрлиги беқиёс катта аҳамиятга эга бўлди. В. И. Лениннинг миллий маданият ҳақидаги ўлмас таълимоти миллий адабиётларнинг бундан кейинги тараққиётида, уларнинг янада бир-бирига жипслашиши ва интернационал моҳиятининг тагин чуқурлашишида йўлчи юлдуз бўлиб хизмат қилади.



Ойдин Ҳожиева

# БЎЗТЎРҒАЙ



ШЕЪРИЙ ҚИССА

*Тўйчи Ҳофиз ва Мукаррамахонимнинг  
порлоқ хотирасига бағишлайман.  
Муаллиф.*

## Дебоча ўрнида

Намозшом.  
Офтобнинг нурлари юмшаб,  
Боғларда шабада ҳилпираган чоқ.  
Полиз тепасида ҳофизга ўхшаб  
Муаллақ бўзтўрғай чулдираган чоқ.  
Кўкатларнинг ранги,  
Терак сояси  
Кутар мусаввирнинг мўйқаламини,  
Тўрғайнинг бўзлаши,  
Ёниқ ноласи  
Эслатди бахшининг дард-аламини.  
Бўзларди оҳангдан адашмай ул қуш,  
Шамга ўхшаб эриб борарди қуёш.  
Ҳаёт тўла завқу, эзгулик, олқиш,  
Ерга илдиз отар ҳатто тоғу тош.  
Балки Шакар Булбул руҳи, овози  
Дала юрагида чарх урган ул қуш.  
Балки Тўйчи Ҳофиз шуқуҳи, сози  
Ватан боғларида ҳар бир булбул қуш.  
Чайладан бир ҳалим,  
Ёқимли овоз  
Эфир тўлқинида жаранглар баланд.

Тўйбека эди бу — куйларди на соз!  
Халқим юрагига қўшиғи пайванд!

Бўзтўрғай, бедана қайрар товушин,  
Машшоқ чирилдоқ ҳам чолғусин созлар.  
Сувнинг шилдираши,  
Қизлар кулиши —  
Тириклик қўшиғи бу хуш овозлар.  
Биз елиб ўтамиз.  
Томошабин Вақт  
Қўлимизга берар минг пардали най.  
Мангулик топгуси.  
Топгусидир бахт  
Бўлса ким халқига лойиқ Бўзтўрғай!

### *Хаёл деган сеҳрли қушлар*

Ҳаёт қондай оқар томирлар аро,  
Домна печлардаги темирлар аро,  
Ҳаёт — чевар қизнинг игна учида  
Ерқин кашталарга айланар бўзда.  
Муҳандиснинг оддий бир чизигидан  
Тушган шаҳарларда баҳорлар сўзлар.  
Ҳаёт — чарчоқ енгиб уйқуга кетган  
Бешик қучиб мудраб қолган кўзларда.  
Ҳаёт — илдизлари ер қучиб ётган  
Чинорлар пичирлаб айтган сўзларда.  
Ҳақиқатни туққан баҳсларда — ҳаёт,  
Ўтмишдан келгувчи сасларда — ҳаёт!  
Етти ухлаб тушга кирмаган ҳоллар,  
Амалга ошмоғи жумбоқ хаёллар  
Кўз очиб юмгунча рўй берар гоҳи,  
Тасодифга кондир ҳаёт даргоҳи.

Тун. Кўкдан қараса мисоли гавҳар  
Ер узра ярақлаб ётар шаҳарлар.  
«Ил» учар кумушранг наҳангдай шитоб,  
Кимдир шахмат сурар. Ким — ўқир китоб.  
Тўйбека ёдида жонланар фақат:  
Саҳна. Муҳожир чол. Кўзлардаги дард.  
Сўнгра отажони қуриб чордона,  
Бетимсол авж билан жўшқин, дурдона  
Танбурни бағрига босганча, оғир  
Мақом йўлларида куйларди. Ҳозир  
Аниқ-тиниқ бари эсига тушар!  
Сайранг, хаёл деган сеҳрли қушлар!

«Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,  
Нечукким марҳамат ўлсун неча мендек дилафгора.

Нигоҳинг ташлағил, лутф айлабон, эй шўҳи бепарво,  
Йўлингда интизор ўлғон мани бул ошиқи зора.

Мени «лоядхулу» деб маҳрум этма, боғбон аҳли,  
Азал деҳқони бағрим қонини сочган бу гулзора.

Харидор ўлдум ул «наҳнуқасамно»да санга, дилбар,  
Замон аҳлини кам деб солма кўп ҳуснингни бозора»

## Шакар Булбул қиссаси

Қўшиқ!  
 Қўшиқ қалбнинг эмикдоши-ку!  
 Мавриди келганда сўйламоқ яхши:  
 Яшаб ўтган эди  
 Исми бошукуҳ,  
 Овози булбулни маст этган бахши.  
 Қўшиқ эди унинг учқур қаноти.  
 Наинки қаноти,  
 Ҳаёт-мамоти!  
 Баҳору ёзи ҳам,  
 Субҳу шоми ҳам  
 «Қўшиқ» каломида эди жамулжам!  
 Қишлоқда бирор тўй ўтмас унингсиз.  
 Қишлоқда бирор иш битмас унингсиз.  
 Оҳанг тортиб қўшиқ бошласа борми,  
 Сел бўлувчи эди дунёнинг ярми.  
 Танбур жўрлигида айтарди фақат.  
 Оҳанг ўрганарди ундан табиат.  
 Авжига чиққанда, дердингиз, ҳозир  
 Дарё тошиб кетар куй суруридан.  
 Тоғлар қалтираркан овозга асир,  
 Отлар адашарди ўз уюридан.  
 Ёниб сўнг тирилган самандар қушдай,  
 Гоҳ хазин, гоҳ қизғин, гоҳи беҳушдай  
 Шакар Булбул нола бирлан куйларди.  
 Қўшиғида эди одамзод дарди.

У ҳам ошиқ эди Мажнундан баттар.  
 Тоҳирдан ортиқроқ кўнгил берди у.  
 Ишқ йўлида кимлар хазина сарфлар,  
 Ёлғиз овоз билан ишққа кирди у.  
 Чўкка тушди Нозгул остонасига.  
 Танбурин созлади, куйлади тинмай.  
 Уч кеча-уч кундуз парвонасига  
 Атаб ғазал айтди мисли сирли най:  
 «Эй, пари, раҳм этки, кўнглум зор эрур, бечора ҳам,  
 Ишқу савдо даштида Мажнун эрур, овора ҳам.

Тандағи пайконлару ашким ёрутмас уйниким,  
 Дуди оҳимдан қорормиш собиту сайёра ҳам.

Заҳми кўп бағримни тикмак мумкин эрмас, эй рафиқ,  
 Ким эрур юз порау мажруҳ эрур ҳар пора ҳам.

Васи иқболию мен, ҳайҳотким, рухсорини  
 Тоқатим йўқтур йироқдин қилғали наззора ҳам.

Уйла сув қилди бало кўҳсорини оҳим ўти,  
 Ким олиб кўксумга урғунча топилмас хора ҳам.

Телбараб иттим Навоийдек жунун саҳросида,  
 Қилмади ёдимни ҳаргиз бир пари рухсора ҳам!»

Одам оқиб келди етмиш гузардан,  
 Ким тўн, кимлар эса қўй боғлаб кетди.

Ҳаттоки Бухоро деган шаҳардан  
 Қушбегининг ўзи сўроқлаб кетди.  
 Қоп-қоп гуруч келди, хумчаларда — ёғ.  
 Қимхобу адреслар бир тўнлик бўлди.  
 Елчиб нон кўрмаган бир ялангоёқ  
 Уч кунда давлатли, қирқ қўйли бўлди.

Юксак қояларда очилгандай гул  
 Ун саккизда эди ўшанда Нозгул.  
 Ўттизни қоралаб қолган Шакархон  
 Қизнинг ишқи билан оттирарди тонг.  
 Тунлари илтижо қиларди торга.  
 Оҳанглардан излар эди бахт, нажот.  
 Тонггача суяниб пахса деворга,  
 Ўрганарди усул, нағмаю баёт.  
 Шошқин шамоллардан, тошқин селлардан,  
 Майин кулгилардан, доду фарёддан,  
 Куй ахтарар эди йироқ йўллардан,  
 Изламай ким қўшиқ топибди зотан?  
 Нозгул ҳам бир қўшиқ эди ул учун,  
 Унингсиз бу жаҳон бўм-бўш чўл эди.  
 Санъат — дунёси йўқ йигитга бу тун  
 Энг сўнгги чораю сўнгги йўл эди.

Ҳар галгидай уни бир ит дастури  
 Қувиб юбормади остонасидан.  
 «Бу ҳам бўлса — тақдир. Қизимнинг шўри.  
 Розиман, кўрсин ўз пешонасидан». —  
 Сўнгра оқ фотиҳа тортиб юзига  
 Ёмон кўринмай деб элнинг кўзига,  
 Ичида йиғласа ҳамки, хуш-хушон  
 Қизини узатди савдогар Султон.

### Илк куртаклар

Олтита қиз кўрди улар кетма-кет.  
 Бири биридан шўх, суйгун ва гўзал.  
 «Тангрим, мушқулимни ўзинг осон эт!  
 Ўғил бер меросхўр, чироқчи азал!»  
 Шундай ният унинг дилида эди.  
 Сеҳрли қўшиқлар тилида эди.

У Машрабдан куйлар тўлғаниб.  
 Ғарқу ғарқоб эди одамлар.  
 Ёнғин каби борар чулғаниб  
 Еру кўкка дилдаги ғамлар:

«Агар ошиқлиғим айтсам, куюб жону жаҳон ўртар.  
 Бу ишқ сиррин баён қилсам, тақи ул хонумон ўртар.

Қишиға ишқ ўтидан зарраи етса бўлур гирён,  
 Бўлуб бесабру бетоқат, юрак-бағри чунон ўртар...»

Созин ғилофлади бахши, қисталанг  
 Дамланган қозоннинг бошига борди:



«Қани, икки капгир насиба!»

Дилтанг

У чопон барини тутиб турарди.

Ошпаз эса бўлмади ҳайрон.  
Ошдан сергўшт қилиб бостирди.  
Шакар бахши шамолдан чаққон,  
Қушдан учқур уйга югурди.  
Қўшиқ эса эрка боладай,  
Эргашарди ортидан қолмай:  
«Тўйлар муборак бўлсин!  
Фарзанд саломат бўлсин!  
Тўйчи саломат бўлсин!  
Тўйлар муборак бўлсин!»

Уйга кирди. Хиёл бодакайф.  
Чакиллаб ёғ томар баридан.  
Бирдан кайфи ҳам кетди тарқаб:  
Хотинининг этакларида  
«Инга»ларди қизча — чақалоқ.  
«Ношукурлик бўлмасин, эгам,  
Берганингга минг шукур қилмоқ  
Одат бўлсин бу бандангга ҳам!»

Уша кеч тўн баридан тутиб  
Келган эди патила соч қиз.  
Атадилар қутлуғ қадам деб,  
Тўйбекайди ўша қоракўз.  
Отасининг ёнида доим  
Зийраккина ўлтирарди қиз.  
Ота қалбин порлоқ, мулойим  
Орзуларга тўлдирарди қиз.  
Ота қўшиқ айтганда мунгли  
Хўрсинарди кийикдай сезгир.  
Чашма бўлиб оқарди кўнгли,  
Чарх урарди кўкларда чир-чир.

## Тонготар йиллар

Иигирманчи йиллар. Еришарди тонг.  
Эсиб келмоқдайди орзу-шамоллар.  
«Кураш», «Қасос!» дея урар эди бонг  
Минг йиллаб мудраган сокин хаёллар.  
Худди ёш гўдакдек тетапоялаб  
Оёққа босмоқда эди ҳур ҳаёт.  
Кўз очмоқда эди янги ғоялар,  
Чиқармоқда эди эркинлик қанот.  
Бир парча ер олиб ўшанда деҳқон,  
Баҳорда илк бора сочганда уруғ,  
Илк бор англаганди: уники осмон,  
Энди бўйнида йўқ зил бўйинтуруғ.  
Энди қадам босса — ўзиникидир,

Нафас олса — энди ўзига тегиш,  
 Супраси ун кўриб, хумчаси — мой-жир,  
 Иссиқ уйда ўтди ўшанда илк қиш.  
 Шакар Булбул энди кун кўриб бир оз  
 «Қизил бурчак»ларда қатнашар фаол.  
 Ва лекин изғиган бўрилар мисол  
 Ёт унсурлар пусиб чека-чекада  
 От суриб юрарди нотинч ўлкада.

### Хотиралар баёни

Колхознинг сердарахт, баҳаво боғи.  
 Дарёга туташар битта адоғи  
 Анжиру шафтоли, беҳидан тортиб,  
 Ёзда мева пишар инсонга тортиқ,  
 Қайрағоч тагида қўш сўри доим  
 Меҳмон-измон учун ясоғлиқ қойим.  
 Шу боғда яшарди Шакархон фирқа,  
 Кунни туғиб қолган камбағалга эш.  
 Қўршапалак нурдан қанчалар қўрқар,—  
 Бой-боёнлар шундай уни кўрмас хуш.  
 Урта бўй. Шоп мўйлов. Гайратли, қувноқ  
 Ҳазил-ҳангомада йўқ унга тараф.  
 Шакар Булбул билан тирикдай қишлоқ.  
 Унинг умри эди қишлоққа шараф.

Нозгулнинг қўлида бўлса бир бола,  
 Этагидан тутар йўлга киргани.  
 Баъзида иккиси билмай ҳам қолар  
 Гўдаклар тўрғайдай тилга кирганин.  
 Йиғинми, мажлиси ё бирор тўйми,  
 Иззатли меҳмонлар вақт топиб бирров  
 Зиёрат қилишар ҳофизнинг уйин,  
 Дошқозон қурилар, ёқилар олов.  
 Яна қишлоқ бўйлаб учарди қўшиқ,  
 Дилларни жўшдириб янграр патефон.  
 Еру осмонларни қучарди қўшиқ,  
 Тўйчи Ҳофиз бўлар ғойибдан меҳмон.

Унинг ҳовлисида олам гуллардан  
 Ранглардан порлаган нурга ўхшарди.  
 Тонгги хонишлари не манзиллардан  
 Баҳорни чорлаган сирга ўхшарди.  
 Оёғида доим қайтарма этик  
 Кун нурун қайтариб ялтирар эди.  
 Чойхонага кириб, деса: «Биз келдик!»  
 Ғийбатчи, бекорчи қалтирар эди.  
 Қизларин хуржуннинг кўзига солиб  
 Олиб борар эди мактабга ҳар кун:  
 «Замони келибди, билимдон бўлиб  
 Қизларим ўқишсин келажак учун!»  
 Хомработ ва Бўстон унга бир қадам.  
 «Шунчалар ҳимматли эдингиз, отам!



Бизлар занжир бўлдик оёғингизга!  
 Севардингиз бизни қўшиқ билан тенг!  
 «Тўй» сўзи кирса бас қулоғингизга,  
 «Фалончининг кўнгли тўлгунча денг,  
 Овозимга мадад бергил, ё пирим!»  
 Шундай қилардингиз ҳамиша ирим.  
 Тўну сарпо учун, пул учун деб ё  
 Қадам босмасдингиз тўйларга асло!

Хаёлу фикрлар гирдоби ҳамон  
 Тўйбека қалбини тортар беомон...

## Булбулигўлар базми

Куннинг дарвозасин очар саратон,  
 Олтин ғоздай офтоб сузар хиромон.  
 Тўрт томон жилдирар нурли ирмоқлар.  
 Гулу ғунчалардан ифорли боғлар.  
 Тахти равонидан тушаркан қуёш,  
 Қора соч тун кирар оламга йўлдош.  
 Қутб юлдузига гирдикапалак  
 «Катта айиқ» бирдай айланар ҳалак.  
 Қизлар сочи каби гажим, жингала  
 Кўзга ташланади нозик «Сунбула».  
 «Оққуш» деб аталган тўрт улфат юлдуз  
 «Сомон йўл»ларидан излар ризқу рўз.  
 Бозингар ҳиндудай куй чалар осмон,  
 Чириллар чирилдоқ, куйчи саратон.  
 Эсида. Қўқондан келган ҳофизлар.  
 Қўшиқ санъатида ноёб, ёлғизлар.  
 Абдулла Андалиб, Умархон бахши.  
 Мақомчилар гули, нажиби, нақши.  
 Базм қуришганди тонготаргача.  
 Тоғу адирликдан ўру жаргача  
 Дердилар, ўша кеч гулзор бўлганмиш.  
 Йиғламаган — йиғлаб, дардли — кулганмиш.  
 Дердилар, эртақдан булбулигўё  
 Учиб келмиш бундан тергали наво.  
 Бундай сел қилгувчи хониш, навозиш  
 Жаннат қушларига буюрган эмиш!  
 Яхшиям, осмон олисдир, олис,  
 Йўқса нола гирён этганда ҳофиз,  
 Эриб кетармиди коинот шамдай!  
 «Бузрук» мақомлари янграб ўшанда  
 Худди маталдаги тилсим шаҳардай  
 Кишлоқ тош қотганди. Субҳи саҳарда  
 Тирикликнинг ёруғ нафаси кезиб,  
 Қолганди қишлоқни жодудан узиб.  
 Сада қайрағочли ҳовуз бўйида  
 Ҳофизларнинг муштоқ рангин куйидан  
 Қирғоққа чиққанмиш сув парилари,  
 Эзгулик, сирлилик муштарийлари.  
 Оёғи шол бўлиб ётган Қулжон чол  
 Қўй етаклаб келмиш базмга хушҳол.

Дунёни, борлиқни унутиб тамом,  
 Қўшиққа сиғиниб у файзли айём  
 Тингларди Тўйбека лолу бахтиёр.  
 Нохун тегар-тегмас оҳ урарди тор  
 Шунда Шакар Булбул сўрайди навбат.  
 Юрагида тўла таҳсин ва ҳурмат,  
 Тандирсоз кийдирган адрас чопонда,  
 Ҳофизлик қудрати жўш уриб жонда  
 Бошлади фарёдли, ўксик бир ғазал:

«Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,  
 Зулоли завқ шавқин ташнайи дийдор ўландан сўр.

Гўзу ёшлуларинг ҳолин на билсун мардуми ғофил,  
 Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Лабинг сиррин гелуб гуфтора бандан ўзгадан сўрма,  
 Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Ғамингда шаъмтек ёндим, сабодан сўрма аҳволим,  
 Бу аҳволи шаби ҳижрон банимла ёр ўландан сўр.

Хароби жоми ишқам, наргиси мастинг билур ҳолим,  
 Харобот аҳлининг аҳволини хуммор ўландан сўр.

Муҳаббат лаззатиндан беҳабардур зоҳиди ғофил,  
 Фузулий, ишқ завқин завқи ишқивор ўландан сўр!»

О, юртим, санъатинг нақадар гўзал!  
 Урушлар, тўфонлар, зилзилалардан,  
 Қирғин-баротлардан, сувдан-оловдан,  
 Ҳадди-ҳисоби йўқ силсилалардан,  
 Бўғзингга тиг урган қора ёвлардан  
 Бу қадар мусаффо, тиниқ, бетимсол —  
 Асраб ўтолганингми бу қўшиқ!  
 Омон қолмоқлиги бўлурди маҳол  
 Қалбинг бўлмасайди уларга бешик!

Бу совуқ симларда бунча аланга,  
 Ёнғиндай чирмашар бир олов танга.  
 Дарё йўқ. Само йўқ. Йўқ гўё Замин  
 Ёрқинроқ ёнади тириклик шаъми!

«Эй сарви равон, надур хаёлинг,  
 Жон ўртади ваъдаи висолинг.

Пайваста дуои хайр этармен,  
 Мақсудим эрур сени камолинг.

Ул ойни юзига баҳс этарсен,  
 Етмиш магар, қуёш, заволинг.

Ушшоқларинг ғамингда ўлди,  
 Йўқдур сени заррае малолинг.

Эй, хаста кўнгул, фироқ ичинда  
 Дам ургали қолмади мажолинг.

Эй, Нодира, лофи ишқ урарсен,  
 Машҳури халойиқ ўлди ҳолинг.»

Тебраниб, бошлари солиниб қуйи,  
 Меҳмонлар тингларди ром бўлган кўйи.  
 Тоғларда оҳулар солмишлар қулоқ.  
 Шерлар наъра тортмиш ғорларда муштоқ.  
 Илоннинг захри ҳам, дерлар, эҳтимол,  
 Уша тун бўлганмиш бу қўшиқдан бол.  
 Тўйбека бир қалқиб тушар, воажаб,  
 Нима бу — кўксида каптарга ўхшаб  
 Учиб кетаман деб питирлар юрак.  
 Онгида, зеҳнида пинҳон гулдирак!  
 Етти яшар қизнинг бу ҳолин кўриб,  
 Унинг елкасига меҳр-ла уриб,  
 Нафас қилган эди Абдулла Булбул.  
 «Мана, Сизга шогирд бўлғувчи ўғил!  
 Булбул ҳам сизчалик фиғон қилмағай!  
 Жумла халойиқни ҳайрон қилмағай!  
 Агар Уртачўлда бор икки булбул —  
 Бири сиз, бир эса — у ҳам сиз!»

Нукул

Кўз ёшин артганча Умархон ҳофиз  
 Дерди Шакархонга бир ҳайратангиз.

## Завол шони

Уша базм туни, фолми, башорат!  
 Неча йилки ҳамон ўйига етмас.  
 Бир тўйда имонин еган бир бадбахт  
 Шакархонга сурма ичирган нокас.  
 Рашкми, ҳасадми ё ичқораликми,  
 Ёки пул авраган бечораликми,  
 Ўтмас пичоқ билан уни сўйдилар,  
 Қўшиғидан жудо қилиб қўйдилар.  
 Ярадор оҳудай бесас, бемакон  
 Қалбида қўшиғи йиғлар паришон.

Бир кун Тўйбекага тикилди узоқ,  
 Кўзидан ёш оқди бодроқ ва бодроқ.  
 Қизнинг пешонасин силаб зўрба-зўр  
 Пичирлади: «Қизим, мана шу танбур,  
 Менинг жоним, руҳим, узмаган қарзим!  
 Сен ҳали нораства, бегуноҳ қизим,  
 Чанг босиб ғилофда қолмасин шу соз!  
 У дунё, бу дунё, сендан илтимос!  
 Ўйладим, ҳали мен яшарман узоқ!  
 Дасти пир бермоққа ҳали бор фурсат...»  
 Ёстиққа суяниб, бошдан тер қуйиб,  
 Булбул қўшиқ айтди ўртаниб-қуйиб,  
 Танбур тори уни куйдиргучийди,  
 Юрагини мойдай ийдиргучийди.  
 Ҳофизнинг дардидан инграниб зор-зор  
 Кул бўлмоқчи шекил садоқатли тор.  
 Илҳом қуши нолон сайраб, чирқираб,  
 Сўнгги бор куйлади ҳофиз хирқираб.  
 Авжига чиқолмай ўртанар эди,

Аламлар — бўғзида пўртана эди.  
 Чўлдаги ярадор бўзтўрғай — ҳофиз,  
 Ҳол-беҳол симларга қўл урғай ҳофиз:

«Меҳр кўп кўргуздим, аммо меҳрибоне топмадим.  
 Жон баса қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Ғам била жонимга еттим, ғамгусоре кўрмадим,  
 Ҳажр ила дилхаста бўлдим, дилситоне топмадим...»

Изтироб пиликли наво эди бу!  
 Қўшиққа, умрга видо эди бу!..

Ўша тун тонггача ўчмади чироқ.  
 Қўшиқнинг чироғи сўнди саҳар чоқ...

Ота кўзларида жавдираган мунг,  
 Ҳаловатдан жудо айлаган ҳасрат,  
 Билмасди қиз, неча йиллар ўтиб, сўнг  
 Ерқинроқ хазинроқ, ўтлироқ, беҳад  
 Бетимсол қўшиққа айланмоғи бор,  
 Мўъжиза торларда куйланмоғи бор...

### *Тўйбека қиссаси*

Тўнғич қиз бўй етиб, кенжаси эса  
 Ун ёшга тўлмаган нораства эди.  
 Етти қиз чулдираб манаман деса,  
 Она бир муштипар шикаста эди.  
 Қаддин тиклар эди аста хонадон.  
 Катта оиланинг пилигида жон,  
 Қўли-оёғи ҳам Тўйбека эди,  
 Суянган тоғи ҳам Тўйбека эди.

Ўттизинчи йиллар. Ўзбек элининг  
 Истеъдод гуллари берган нишона.  
 Тарих она каби феъли, бағри кенг.  
 Унга шон-шухратлар мангу дугона.  
 Ўша йиллар бўлди халқнинг севари  
 Рақслар илоҳаси Мукаррамахон.  
 Ҳалимахонимнинг ҳур қўшиқлари  
 Билан файзга тўлди бу Ўзбекистон.  
 Пири комил адиб, қилқалам шоир  
 Ойбек ўсиб чиқди қоядай юксак.  
 Бахшидай ёниқ соз, шеъри жавоҳир  
 Ҳамид Олимжонга тан берди юрак.  
 «Турксиб йўлларида» урди зарбу бонг  
 Донишманд файласуф, сухандон Ғафур.  
 Уйғун байтларида отди кумуш тонг.  
 Илк шеърларин битди Зулфия масрур.  
 Мактаб партасида ўшанда илк бор,  
 Юзларин тўсганча чилдирма билан,  
 Бир қизча куйлади нафис, беғубор,  
 Худди қўнғироқдай овози баланд.

Қайта чорладилар қизчани, аммо  
 Ҳаяжон, ҳаёдан қуш каби учиб,  
 Залда тоғасини кўрган ҳамоно  
 Тўйбека уйига кетганди қочиб...

## Балоғат йиллари

Қишлоқларнинг не-не ўғлонин  
 Ютди уруш деган аждаҳо.  
 Бўй қизларнинг гулдай армони  
 Истар эди севгидан зиё.  
 Ҳаёт экан. Қиз эшигидан  
 Узмас эди совчилар оёқ.  
 Куйланмаган дил қўшиғидай  
 Ишқ кутарди Тўйбека порлоқ.  
 Қайдадир жанг суронларида,  
 Бир йигитнинг сўнгги оҳида,  
 Нотаниш дил армонларида,  
 Соғинчида, зор нигоҳида  
 Қотиб қолган сўнгги видоми?  
 Ушалмаган ё ширин армон?  
 Излар эди Тўйбека фақат  
 Хаёлидай бир соф муҳаббат!  
 Юракдаги туғён, нидони  
 Қандай қилиб кўмгуси Инсон?  
 Сулув қизлар ишқсиз, чорасиз  
 Гўшангага кирди бағри қон!  
 Кўндирдилар Тўйбека қизни,  
 Эл-юртчилик, қариндош-уруғ.  
 «Гап-сўзларга қўймагил бизни,  
 Қиз тушмагур, қилсанг-чи қуллуқ!»

Қўш чилдирма сайрар эди.  
 Хотин-халаж яйрар эди.  
 Тўйбеканинг кўнглин сурнай  
 Пора-пора айлар эди.

«Акам узатган марварид-а  
 Ярми тилло, ёр-ёр!  
 У тиллодан бермадилар-а  
 Илло-билло, ёр-ёр!  
 Бир салом, икки салом-а  
 Қалам қошга, ёр-ёр!  
 Токай салом берайлик-а  
 Бағритошга, ёр-ёр!  
 Бағритошга, ҳо бағритошга!»

## Севинча интизорлик

Одамларни севинч этди интизор,  
 Тўйларда қувнамоқ, ўйнамоқ орзу.  
 Инсонга не қувонч, не байрамки бор —  
 Дилда яшар эди эртақдай эзгу.

Дастурхонда қуруқ нон билан ёвғон,  
 Сўқдан палов қилар тўқроқ хонадон.  
 Лекин тарк этмади дилларни бир бахт:  
 Ҳаётга, қўшиққа, юртга муҳаббат.  
 Рўзи хўроз деган бир чол бор эди.  
 Тўй-ҳашам, даврани гуллатар полвон.  
 Қайдаки ош бўлса, у тайёр эди.  
 Тоғни бир кифт урса — қулатар полвон.  
 План тўлган куни колхоз раиси  
 Қозон осдирибди элу юрт учун.  
 Гуруч камчил экан, шунинг боиси —  
 Ош эмас, ҳалимга етибди кучи.  
 Қувноқ чол ётаркан уйқуни уриб,  
 Бир бола «Ошга!» деб айтиб келибди.  
 (Имиллаб келганча қизиқчи полвон  
 Қозонда ҳалимдан қолмабди нишон.)  
 У ўчоқ бошида айланиб юриб,  
 Этигин ечибди, маъюс кулибди.  
 Қозонга тушибди, ҳалимнинг юқин  
 «Худога шукур» деб ялабди роса:  
 «Дунёнинг тагига етамиз энди»,  
 Ичак узилганча ким кулса тоза,  
 Қимларнинг кўзига қатралад инди.  
 Рўзи полвон ихчам мўйловин силаб,  
 Колхоз хирмонига барака тилаб,  
 Дебди: «Беллашмоққа борми бирор мард?!»  
 Ҳижрону қорахат, қийинчилик, дард  
 Одамлар завқини сўндирганми ҳеч!  
 Халқ деган шундай зўр, матонатли куч.

«Эҳ, Шакар Булбулнинг ўтди-да қадри.  
 Қани, билганингча бир куйла, қизим!»  
 Йўқ деса, ўт бўлиб ёнғудай бағри,  
 Уялиб, қимтиниб қилдию таъзим,  
 Чилдирмани чертиб, чимириб қошин,  
 Бир томонга хиёл эгганча бошин,  
 «Тановор» қўшигин куйлади озод.  
 Азиз, дилкаш эди нақадар ҳаёт!

«Эмди сандек жоно, жонон қайдадур,  
 Кўриб гул юзингни боғда бандадур,  
 Сақлай ишқим токим жоним тандадур,  
 Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур!

Меҳринг ўти ногаҳ тушди жонларга,  
 Парвойим йўқ зарра хонумонларга,  
 Лола янглиғ тўлиб бағрим қонларга,  
 Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур.

Йўқ сан каби малоҳатлик ягона,  
 Кўрганмикин мисолингни замона,  
 Бўлуб халқ ичида мундоғ афсона,  
 Ўзим ҳар жойдаман, кўнглум сандадур!»

Авжга чиққан сари ёқимли оҳанг,  
 Бир йигит бўларди тажангу дилтанг.

Тўйбека кутарди олқиш ва мақтов.  
 Тунд эди, сўз демай борарди куёв.  
 Уйларди ўзича куйиб, тутақиб:  
 «Наҳот менга қўшиқ рақибдур, рақиб!»

## Танбур суҳбати

Гоҳ рўзғор ишлари бўлар фаромуш.  
 Худди кўраётган каби ширин туш,  
 Тўйбека шунча кенг оламга сиғмай,  
 Танбурни оларди қўлига йиғлаб.  
 «Қизим, юрагингда гуриллаб ёнган,  
 Орзунинг кўзлари бўлиб уйғонган  
 Ноёб истеъдодинг сочма шамолга,  
 Менинг армоним бўл, етгил камолга!  
 Отанг соз олганда, қилганда нола,  
 Дурга айланарди ҳатто шалола.  
 Олам тингламаган усулларимни,  
 Қўшиқнинг, савтнинг гул-гулларини  
 Тушларингда аён айтиб берарман!»  
 Тўйбекани этиб шундай андармон,  
 Ғилофдаги танбур сўзларди гўё.  
 Соҳир созандасин изларди гўё!

## Узилган тор

Бир ёғи бедазор, бир ёғи токзор  
 Ҳайҳотдай ҳовлида иморат қатор,  
 Нақшинкор дарвоза, ойнаванд айвон  
 Тўқчилик, ҳашамдан беради нишон.  
 Одамлар қон кечиб, жон берган уруш —  
 Қадамин бу ҳовли кўрмагандай туш.

Тимдай безатилган келиннинг уйи.  
 Рах урилган эди гулдор шифт бўйи.  
 Палакнинг бурчида, ғилофи бахмал  
 Танбур турар эди нохунга маҳтал.  
 Тўйбека келинчак. Онадан олис.  
 Юрагига тушган эзгу армон-ҳис  
 Тунлари бедорлик бўлгани ҳам рост.  
 Кундузлар хуморлик бўлгани ҳам рост.  
 Энди хаёллари тиниқ тортганди.  
 Кўз остига нафис чизиқ тортганди  
 Ҳаёт деб аталган моҳир муҳандис.  
 Бу ёшда нақ олма гулидай тигиз  
 Дилда қулф уради орзулар бодраб.  
 Бу ёшда турмайсан йўлларда мудраб.  
 Кўзларинг бошқача кўрар жаҳонни.  
 Аниқроқ биласан яхши-ёмонни.

Тўйбека аркдай қиз, пешонаси кенг,  
 Не оғир иш бўлса шимарарди енг.  
 Беда, ғўзапоя таширди боғ-боғ,  
 Молу ҳолдан тортиб, то идиш-товоқ,  
 Ҳаммасин тиндирар эпчил келинчак,  
 Қўли гул, озода кўнгил келинчак.  
 Хирмон кўтарарди, шопирарди дон,  
 Сигмай кетар эди танасига жон.  
 Агар у ёлғондан қилса хиргойи,  
 Олам нигоҳлардан бўларди ғойиб,  
 Нафис, ширали хуш овоз дарёси  
 Шағиллаб келарди ер-кўкни босиб.  
 Томир-томирларда сузган азоблар,  
 Ғашлик, иситмалар, санчиқ, итоблар  
 Ғалаёнли дарё тўлқинларида  
 Ғазалнинг фусункор талқинларида  
 Олис-олисларга кетарди оқиб,  
 Саргашта булутлар каби улоқиб.  
 Янги ой чиққандай масъуд бир шамол  
 Дилларни эркалаб кетарди хушҳол.  
 Ҳозир ҳам бир ўзи. У беихтиёр  
 Танбур торларини чертар беозор.  
 Ҳазрат Навоийнинг ўтли, мафтункор  
 Сўзлари янграрди ҳей мажнуншиор:

«Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келмади.  
 Кўзларимга кеча тонг откунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор.  
 Келди жон оғзимгаю ул шўхи бадхў келмади...»

Йўқ, у келди, қаҳру ғазабдан  
 Остонада турар гезариб.  
 Хабари йўқ ҳеч қандай гапдан,  
 Салом берди келин қизариб.  
 Улжасини кўрган калхатдай  
 Бўлган каби худди бўғзидан,  
 Олар экан танбурни шартта,  
 Уқлар учди эрнинг оғзидан:  
 «Қасофат танбурга қўйибсиз ихлос,  
 Хиргойи қиласиз маза-бемаза.  
 Отангиз бошини еган-ку бу соз!  
 Келтирсинми энди менга ҳам аза!»  
 Остонага отди танбурни Мансур.  
 Садафлари сачраб кетди тўрт томон.  
 Ташқарида эса бор ғала-ғовур.  
 Дамлаган ғунажин узган эди жон.  
 Бедазорга кириб қорақўрпадан  
 Дами қайтгунча еб, шишган эди мол.

Сўнг қайнана кирди уйга дафъатан:  
 Деди: Сен савдойи, беҳуш, беҳаёл!  
 Яна беҳосият, шумқадам, деди!  
 Бу қандай ҳақорат, не алам эди!  
 Садафлари кўчган, тори чилпарчин  
 Танбур бурдаланган юрак эди нақ.  
 Қўшиққа дил берган нозиктаъб келин  
 Сўрмади ким ҳақу ким эса ноҳақ.





Танбурни авайлаб солди қийиққа.  
 «Нону тузингизга бўлингиз ризо!» —  
 Шундай деб кўзига ёш тўлиб жиққа  
 Кетганича сўнгра қайтмади асло.

## Йўлда

Она билан суҳбат.  
 Она лол. Жимлик.  
 Юрак билан суҳбат.  
 Юрак лол. Жимлик.  
 Орзу билан суҳбат.  
 Орзу лол. Жимлик.  
 Ҳаёт билан суҳбат.  
 Ҳаёт лол. Жимлик.  
 Кишлоқ қолди.  
 Йўллар қолди.  
 Кўприк қолди.  
 Гуллар қолди,  
 Кўш парракли тегирмон ҳам,  
 Мол боққани — кенг яйлов ҳам.  
 Ҳув қуёш ҳам —  
 Қай сеҳргар қўли билан  
 Еқилган сўнмас олов ҳам.  
 Уй тўрида қош чимирган  
 Отанинг суврати ҳам,  
 Уқтин-ўқтин тушга кирган  
 Ишқ топмаган қисмати ҳам,  
 Йўлда қолди,  
 Минг тўққиз юз қирқ еттинчи  
 Йилда қолди.

(Давоми келгуси сонда)

## Нортўхта Қиличев



**К**имсасиз хиёбондан велосипедини хомуш ҳайдаб бораётган Раҳимов атроф-теваракка ҳайрон боқди: вақт чошгоҳдан оғган бўлса ҳам шаҳарда одамлар сийрак — кечагина гавжум бўлган кўчалар бугун ҳувиллаб қолган — у ер-бу ердагина якка-ярим йўловчи кўзга чалинади. Магазинлар, идораларнинг эшиклари ёпиқ, мактаб томондан шовқин эшитилмайди; ресторан ёнидаги ишком остида Искандар новча билан Шокир бухгалтер қандайдир тажанг алпозда турибди. Ҳаммаёқ жимжит.

«Болғачинг уddaбурон бўлса, юнг қозик ҳам ерга кирар.— Беҳтиёр Раҳимов шу мақолни эсларкан, мийиғида кинояли кулимсирадида, ҳали замон қандай кайфиятда қайтишини ўйлаб, пешонаси тиришди. Бирдан жазаваси қўзиган васвас одамдек:— Йўқ!— деб юборди.— Бари бир йўқ, дейман!»

Салқин ҳовуз бўйида велосипеддан тушди. Шапкасини олиб, симллаб оғриётган икки чаккасини қисиб-қисиб қўйди, оппоқ оқарган сочларини бармоқлаб таради, почасидаги қисқични чўнтагига солди. Сўнг хазонларни босиб, симон йўлкадан рўпарадаги бино томон юрди.

Айлана зинапоялардан иккинчи қаватга кўтарилди. Таниш қабулхонада ҳеч ким йўқ, ўнг тарафдаги залворли эшик қия очик.

Секин эшикка яқинлашиб, ичкарига мўралади. Райижрокомнинг раиси Расулов лодак гилам тўшалган кабинетда оппоқ сурп сирилган маҳобатли диваннинг юмшоқ болишига тирсагини тираган кўйи мудраб ўтирарди.

Ёши олтмишларга бориб қолган, ориқ, қоқчакак бу одам олдин қўшни районда ижроком раиси эди, бу ёққа ўтганига ҳали бир йил бўлгани йўқ. Шу боис одамлар ҳар хил фикрда: бировлар «чўрткесар» деса, айримлар: «янгиработликлар Расуловдан қутулганлари учун

хайри худойи қилганмишлар», деб таърифлайдилар. Раҳимов ҳам уни яхши билмайди — иккинчи марта қабулида бўлиши. Ҳар гал негадир юрагини ваҳм чулғаб олади.

Мана, у ҳозир ҳам тараддуланиб, томоқ қирди.

Расулов қовоқлари салқи кўзларини ҳорғин очиб, эшик томонга оғир қаради.

— Ассаломалейкум!— дея Раҳимов чап қўлини кўксига қўйиб, рухсат сўради.— Мумкинми?

— Кириг.

Раҳимов вазмин келиб, Расулов билан қўл бериб кўришди-да, бир қадам орқага тисарилди.

— Хўш, охири қандай хулосага келдингиз?— деб раис унинг кўзларига қаттиқ тикилди.— Утасизми?

— Хўп десангизлар, ўртоқ Расулов, ўз ўрнимда ишлайин. Хотиним касалманд..

— Майда гапни қўйинг!— деди жеркиб у.— Йўқ десак, нима қилмоқчисиз?

«Бу қандай бедодлик?— деб кўнглидан ўтказди Раҳимов ички бир титроқ билан.— Нима десам, экан?..»

— Илтимос, ўртоқ Расулов, менга озор берманг?— дея қўлларини қовуштирди у.— Ўз ўрнимда тинчгина ишлайин. Майли, оддий методистликкаям розиман. Фақат...

— Сиз ўзи қанақа одамсиз-а?— раиснинг кўзлари қизариб кетди, дивандан сапчиб туриб, шартта ўрнига ўтди.— Қизиқ!— деди стол устидаги қоғозларни нари суриб.— Бунинг нимаси сизга озор бўларкин?

— Тўғриси айтсам, Пионерлар уйини қабул қилиб олганимда, шунчаки унинг номи бор эди. Утган йили ВДНХнинг бронза медалини олдик. Пионерлар уйига, ўртоқ Расулов, сал кам йигирма беш йиллик меҳнатим сингган. Худди уйингдек бўлиб қолган ишхонангни тортиб олсалар, алам қиларкан. Ўзим бир фақир одамман. Илтимос...

Унинг гап оҳангидаги синиқлик раиснинг кўнглини юмшатди, пешонасидаги ажинлари ёйилиб, кўзларида илиқ бир самимият жиллоланди.

— Агар сиздек фақир бир кичкина одам, ўзингиз ўйлаб кўринг, сўзимни қайтарса, менга алам қилмайдими?

Раҳимов индамай, ерга қаради.

— Йўқ!— деди Расулов кескин бош чайқаб.— Сиз — Раҳимов, болалар уйига директор бўлиб ўтишингиз керак. У ерда мустаҳкам тартиб ўрнатиб берасиз. Эҳтимол кейинчалик ўз ишингизга ўтказишимиз мумкин бўлар. Хўш? Тушунарлими?

— Ҳа, тушуниб турибман,— деб, Раҳимов ичида райОНО мудирини Олимовадан қаттиқ ранжиди. «Сағирхона директорлиги! Уф-ф... Мен у жодугарга нима ёмонлик қилган эканман?..»

Директорликка унинг номзодини Олимова кўрсатиб: «Бўйнига олса, Болалар уйини қаторга қўшадиган энг муносиб одам шу. Унга аввалроқ ҳам айтганмиз. Аммо ишидан кетишга асло рози бўлмайди», деган. Уни кўндиришни эса Расулов ўз зиммасига олган. Бундан у хабардор эди. Утган сафар чақириб айтганларида: «Уйдагилар билан маслаҳатлашиб кўрай», деб зўрга қутулган эди. Бу гал қандай қутулсайкин?

— Хўш?— деди Расулов столни чертиб.— Нега жим бўлиб қолдингиз? Сиздан бошқа одам бўлганда, шундай пайтда бизга ёрдам берган бўларди. Кечадан бошлаб ҳамма шаҳарликлар пахтага — ҳашарга чиқиб кетди. Сиз нуқул ишдан қочасиз.

— Ишдан қочаётганим йўқ, қочмоқчиам эмасман,— деди Раҳимов бир қадам олдинга юриб.— Майли, қанақа топширингиз бўлса, мен

га юклайверинг. Ишқилиб, Пионерлар уйидан узоқлаштирмасангиз бўлди.

— Демак, Болалар уйига ўтмоқчи эмассиз. Шундайми?

— Илтимос, ўртоқ Расулов,— деб у яна ёлворгандек қўлларини кўксига босди.— Шаҳарда чаққон, ишчан, ёш ўқитувчилар жуда кўп. Шулардан бирортасини...

— Етар!— деб бақриб юборди раис.

Раҳимовнинг ранг-рўйи оқариб, кўзлари катта-катта очилиб кетди.

— Боринг!— деди Расулов қўл силтаб.— Қимни қўйишимизни, нима қилишимизни ўзимиз биламиз.

Унинг хўрлиги келди, бир зум... бир зумгина кўзлари илтижоли мўлтиради. Сўнг ночор ҳолда эшик томон йўл олди. Бўсағага етганида орқага бир ров хоксор назар ташлади: раис жаҳл билан стол устида терилиб турган ранг-баранг телефонлардан бирининг чамбарагини шошилинч айлантирмоқда эди.

Раҳимов пастга тушди, иккиланиб тўхтади — ортига қайтмоқчи бўлди. Қайтмади. Сўнг чанқаётганини сезиб, катта йўл ёқасидаги газ-сув дўкони тарафга юрди.

Халатининг энгларини гилос шарбати қизартириб юборган бақалоқ жувон лаш-лушларини йиғиштирмоқда эди.

Раҳимов клеёнка қопланган пештахта устига бир неча сариқ чақа ташлаб:

— Сув борми?— деди.

— Сув йўқ,— деди жувон.

— Йй-э!— деб ҳайрон бўлди Раҳимов.— Ҳа?

— Катталар, сувингни далада сот, деб қўймаяптилар.

Раҳимов ажабтовур бош чайқаб, чақаларига қўл чўзди.

— Шошманг,— деди жувон ундан олдин чақаларни йиғиштириб. — Сизга бир кружка қуйиб бераман.

Раҳимов дарз кетган кружкадаги вижиллаб турган муздеккина сувдан озгина ичди. Тиши зирқираб, тагин бир қултум ҳўплади, қолганини сепиб ташлади. Хаёли паришон, уч-тўрт қадам юриб, нимасидир ёдидан чиқиб қолаётгандек тўхтади. Эслаёлмай, йўлида давом этди. Чорраҳага яқинлашганида, Расуловнинг орқа ойнасига парда тутилган қаймоқранг «Волга»си елиб ўтди.

«Расулов чиндан ҳам чўрткесар экан.— Раҳимов дилтанглик билан шундай хулосага келиб, туйқусдан тоғасини эслади. Бейхтиёр одими тезлашди.— Тоғамга айтаман... Балки, кейин тинч қўйишар».

Раҳимов муюлишдан чиқиши билан Пионерлар уйининг дарвозаси ёнидан қайтиб кетаётган Расуловнинг машинасини таниб, юрагига ғашлик ўрлади. Шу аснода велосипедини ҳовуз бўйида унутиб қолдиргани ёдига тушиб, баттар тажанглиги ортди, сўкинди. Ва райком ходими Қаримов билан қуймичи гумбаздек Олимовани, тагин бир новча йигитни кўрдию аянчли мунғайиб, қадамини секинлаштирди.

— Ўртоқ Раҳимов, шу қайсарлигингиз қолмади-қолмади-да!— деб Олимова уни истеҳзо билан қарши олди.— Сиз учун бизлар ҳам гап эшитдик.

Раҳимов унинг доғ босган юзларига ,қовоқлари шишинқираган чақноқ кўзларига хўмрайиб:

— Зийнат, қизим тенги аёлсан,— деди.— Тўғрисини айт-чи, мен сенга нима ёмонлик қилдим? Нега мени бунча ўртайсан?!

Олимова саросималаниб:

— Мен?.. Менга ҳеч ёмонлик қилган эмассиз,— дея мадад истаб Қаримовга юзланди.— Мен бу кишига ёмонлик қилмоқчиманми, ўзингиз айтинг, ўртоқ Қаримов? Буйруқчи буюради, бизлар ижрочимиз. Шундай эмасми?

— Бизлар ҳаммамиз сизнинг ўқувчиларингиз — шогирдларингиз-миз, — деди Қаримов унинг қўлини бўшатмай. — Ишни, мана, ўқувчингиз Салимга топширасиз. Топшириқ шу, домла. Бошқа илож йўқ.

— Ишними?— Раҳимов қора костюм-шим кийиб, галстук таққан йигитга қаради. Йигит ундан кўзларини олиб қочди.— Ишни топширамиз. Юринглар.

Улар биринчи «Шон-шуҳрат зали» деб аталувчи кенг, ёруғ хонага кирдилар. Тўртала деворда ҳам зарҳал ҳарфли фахрий ёрлиқлар, мақтов қоғозлари ва турли дипломлар ҳар бири алоҳида ромларга солинган ҳолда осиглиқ турарди. Дераза тагидаги узун ойнаванд қутида эса бир талай минорасимон катта-кичик совринлар кўзга ташланарди.

Зийнатхон рангин совринларни суқланиб томоша қиларкан:

— Сиз жиддий киришсангиз, Болалар уйининг доврўғини ҳам Достонга етказасиз!— деди кулиб.

Раҳимов индамай, бош тебратган кўйи тўрдаги хонага ўтди.

— Тўғри айтасиз. Болалар уйига домладек тиришқоқ раҳбар керак,— дея Қаримов оёғининг учида кўтарилиб, фахрий ёрлиқлардан бирини ўқий бошлади.

— Бу ёқда яна ўнтача рамкага солинмаганиям бор,— деди Раҳимов уларнинг гапига энсаси қотиб.— Келаверинг, ўқишингиз осон бўлади.

Хона ўртасидаги узун стол устида шаҳарнинг ёғочдан ишланган каттакон нусхаси турарди.

Қаримов остонадан бериди тўхтаб, унга завқ билан тикилди.

Салим аста бориб, диванга ўтирди.

— Шуниям пионерларингиз ясаганми-а?— деди Қаримов.

— Ҳа, ҳаммасини,— деди негадир бетоқатланаётган Раҳимов гапни қисқа қилиб.— Ишни нимадан бошлаймиз?

— Менимча, ҳужжатлар билан танишишдан бошлаганимиз маъқул-а, Зийнатхон?— дея Қаримов курсига ўрнашиб, чарм папкасини стол устига қўйди.— Пионерларингизнинг жами қанча?

— Доимий қатнашаётгани икки юзу элликдан кўпроқ.

— Ишчиларингиз-чи?

— Ҳаммаси бўлиб ўн бир киши. Директор билан қоровул ҳам шунинг ичида. Саккизтаси кечадан бошлаб пахтага чиқиб кетди. Бир методистимиз юқори қаватда ишлаб ўтирибди.— Раҳимов шундай дея ғаладондан иккита сариқ муқовали қалин дафтарни олиб Қаримовга узатди.— Бир инвентарлар рўйхати билан иш план. Иккинчиси журнал ҳамда тўгаракларнинг машғулот жадвали. Билганларингизни қилинглар. Мен кетдим.

У вазмин юриб, ташқарига чиқди, қоровул чолни чақирди.

Дарвоза олдидаги фиштин супачада, октобрўяда деворга суяниб ўтирган чўққи соқолли қоровул овоз берди:

— Ҳо-о, Раҳимуп, ман бу ердман.

— Бобожон ака, сўрасалар, чой-пой дамлаб берарсиз,— деди Раҳимов негадир унинг безовта кўзларига тик қаролмай.— Қодирга айтинг, болаларга жавоб бериб, пастга тушсин. Меҳмонларнинг ёнида юриб, сўраган нарсаларини топиб берсин, кўрсатсин.

— Хўп бўлади, ҳозир чиқиб айтаман,— дея чол ўрнидан туриб, яктагининг барини қоқди.

— Валасапедни ҳовуз бўйида қолдирибман. Бориб шуни олиб келай.

— Неваралардан бирини юборай, Раҳимуп?— деди чол бирдан тўхтаб.— Дарров физиллатиб миниб келади.

— Йўқ-йўқ,— деди шошиб Раҳимов.— Ўзим...

□

Ой шуъласидан уй ичи гира-шира ёруғ. Дераза қаршисидаги сер-бутоқ олманинг акси деворда тинмай тебранади. Раҳимов сояларнинг сирли ўйноқлашига ўйчан тикилиб ётарди. Бирдан телефон жиринглади. У шошилинич қоматини ярим тиклаб, трубкани олди-да:

— Алё?— деди. Овоз эгасини таниб, чеҳраси ёришди.— Тоға, сизми?..

Қўшни уйнинг эшиги секин гижирлаб очилди.

Раҳимов бурилиб, эшикка қаради: узун тункўйлак кийиб олган қизининг оҳудеккина ҳуркиб турганини кўриб, жилмайди.

— Раҳмат, тоға! Сизни бир оз овора қилдим-да... Хўп. Хайр!— дея у трубкани жойига қўйди.

— Дада, нима дедилар?

— Ишлайверарканман, қизим,— деб Раҳимов кафтини кафтига ишқалади.— Расулов рози бўлипти. Яхши-и... Онанг ухладими, қизим?

— Ҳа, ҳозиргина ухладилар,— деди қизи.— Сиз ҳам энди ухланг, дада.

— Ухлайман, қизим, ухлайман.

Раҳимов ширин хаёллар суриб, алламаҳалгача ухлай олмади. Эрталаб ҳар қачонгидан кеч уйғонди. Илиқ сувда роҳатланиб ювинаётганида тўнғич ўғли келиб, райижроком раиси чақиртираётганини айтди.

— Яна нимага чақирар экан у?

Ўғил елкаларини учуриб:

— Секретари телефон қилди,— деди.— Дарров борармишсиз.

Раҳимов тўнғиллаб, нари-бери артинди-да, уйга кириб, тезгина кийинди. Хотини эланиб тутқазган иссиқ чойни тик оёқда бир бурда нон билан ичиб, паришон алпозда йўлга тушди.

Расулов уни ўдағайлаб қарши олди:

— Чучварани хом санаб юрган экансиз, биродар!— Раҳимов бўзариб гапириш учун чоғланган эди, раис жаҳл билан қўл силтади.— Бас қилинг! Агар келишиб ишласангиз обрў-эътибор орттирасиз. Шунинг яхши билиб қўйингки, тайсаллайдиган бўлсангиз, бадном бўлиб инингизга кирасиз!

— Ўртоқ Расулов, агар арзимни тингламайдиган бўлсангиз, ихтиёрингиз, аризамга...

— Йўқ!— дея Расулов ўрнидан турди-да, столни айланиб ўтиб, унинг қаршисида тўхтади.— Аввал сиз бизнинг арзимизга қулоқ соласиз, кейин биз... Ким айтди сизга, ўртага одам қўйгин, деб?! Тўғри, тоғангизнинг юзидан ўтолмадим — кекса партия ходими, областда, республикадаям ҳурматли, таниқли одам. Майли, ишлайверсин, дедим. Ҳалиям гапим — гап! Лекин эртадан детдомни қабул қилиб олинг! У йигит ўрганиб-кўникиб кетгунча домпионернинг ишини ҳам ўзингиз бошқарасиз. Гапим тамом. Гапингиз бўлса, айтинг!

— Гапми?— Раҳимов раиснинг важоҳатини кўриб:— Гапим йўқ,— деди.

— Гап деган бундоқ бўпти-да!— Расулов чаққонлик билан унинг шалвираб турган қўлини қаттиқ сиқиб, елкасига қоқиб қўйди.— Ишингизга муваффақият! Боринг, ука. Яхши ишланг...

Раҳимов қўлидан ипи узилиб, варраги учиб кетган боладек сўппайиб кабинетдан чиқди.

□

Ниҳоят, Раҳимов янги ишга кўнғил қўя бошлади. У энди Пионерлар уйига кам борар, кўпчилик вақтини Болалар уйида елиб-югуриб ўтказар, гоҳо, эски ишхонасидан тобора узоқлашаётганини ўйлаб, юра-

ги увишиб кетар эди. Аммо шунинг баробарида қалбида рўй бераётган сурурбахш ғалаённи ҳис этиб, энтикиб қўярди.

У деярли ҳар куни тун яримдан ўтганда уйга кириб келарди. Қон босими ошиб, асаб касалига чалинган хотини кўзлари қизариб, унинг йўлини пойлаб ўтирарди.

— Вақтинча бу, онаси, вақтинча.— Раҳимов аксари ҳолларда хотинини шундай юпатарди.— Янги иш-да, ўргангунча сал оғирроқ бўлади. Балки кейинчалик эски ишимга қайтаришар...

Бироқ, кун сайин унинг ташвишлари янада кўпайиб, болалар уйига буткул боғланиб қолди.



...Раҳимов ойнабанд айвон чеккасидаги Ленин бурчагида аллақандай қоғозларни кўздан кечирган кўйи ёзлик емакхонадаги болаларнинг овқатланиб бўлишини кутарди. Айвон эшигининг тепасидаги хандалакдек чироқ изгирин шабадада чайқалади, соядек қорайиб турган гужум дарахтларининг кўланкаси намчил супада судралади, олислардан тракторларнинг тариллаши бўғиқ эшитилади. Доира стол атрофида гуж бўлиб ўтирган қизлар эса овқатдан сўнг жимгина суҳбатлашмоқдалар.

Йигитлар идиш-товоқларни йиғиштириб, бирин-бирин тарқалаётганларида Раҳимов уларни тўхтади-да, мўйлаби ўзига ярашиб турган узун бўйли тарбиячи йигитни чақириб, болаларни сафга тизишни буюрди.

— Китобларни ҳам олиб чиқинг!— деди у.— Мукофотларни тарқатгандан кейин маҳалла комитетига бориб келишим керак. Тез бўлинг.

Болалар бир зумда саф тортдилар.

Раҳимов озода кийимда кўзлари чақнаб турган болаларга синчков разм солиб, ён чўнтагидан икки букланган дафтар чиқарди. Ундан ўн беш нафар ўқувчининг исми шарифини ўқиб:

— Беш қадам олға!— деди.

Болалар олдинга чиқиб, директорнинг ўнг тарафига биттадан қатор тизилдилар.

Раҳимов болалар ўртасида қаттиқ интизом ўрнатиш, аъло ўқишни уюштириш учун ўйлаб-ўйлаб, гарчи халқ маорифи бўлимидагилар: «Хукуматнинг болаларини тамағир қилиб юборасиз», деган бўлсалар ҳам маданий-оқартув фонди ҳисобидан мукофот улашишни жорий этиб, тарбияланувчиларнинг ҳар бири учун алоҳида кундалик дафтарчаси очтирган эди. Мазкур кундаликка ўқувчининг мактабда ва ўқишдан бўш вақтларидаги хулқи атвори, қандай жамоатчилик юмуши билан машғул бўлганлиги мунтазам ёзиб борилар, ўзига хос бу мусобақанинг натижаси эса ҳар ўн кунда маълум қилинар эди.

— Булар ўтган ўн кунликда намунали хулқи ва яхши ўқиши билан ўз синфдошларига ибрат бўлганлар ҳамда темир-терсак тўплашда актив қатнашганлар,— дея эълон қилиб, Раҳимов кулиб турган йигит-қизларга меҳр билан юзланди.— Сизларни Болалар уйи дирекцияси бадий китоблар, альбомлар билан мукофотлади,— деб тарбиячи йигитга фармойиш берди.— Буларнинг мукофотларини топширинг.

Тарбиячи йигит уларга рўйхат бўйича биттадан китоб, альбом улашди.

— Бугун ҳаммамиз сизларга раҳмат айтамыз,— деди Раҳимов мукофотланганларга қараб.— Қани, шоввозлар!

Ўқувчилар директор жўрлигида уч марта баралла:

— Раҳмат! Раҳмат! Раҳмат!— дедилар.

Мукофот олиб, олқиш эшитган болалар шодон жилмайиб, сафда-

гиларга қувлик билан кўз қисадилар. Улар эса шерикларига ҳавас билан боқадилар.

Ҳар хил сохталиклардан йироқ бу содда манзара шу қадар гаштли, шу қадар завқли эдики, Раҳимовнинг баҳри дили яйраб, беихтиёр уларга ҳаваси келди.

У рўйхатдан яна етти ўқувчининг номини ўқиди.

Сочлари патила-патила бўлиб елкасига ёйилиб тушган дўмбоққина бир қизча шерикларидан олдин сафдан ажралиб чиқди-да, маънос юриб келиб, директорга кўзларини мўлтиратиб тикилди. Унинг жавдираган кўзларида филтиллаётган ёш томчиларига шабадада беором тебранаётган чироқнинг акси тушиб турарди.

— Ҳа, қизим?— деди Раҳимов унинг сочларини силаб.

— Манга уят айтмасинлар?— деди қизча ёлвориб.— Ушанда ўзингиз айтганингиздан кейин бизнинг ётоқхона озодаликда ҳамиша биринчиликни эгаллаб келяпти.

— Муаллим, Тамара бугун адабиётдан ҳам «5» олди!— деди болалардан бири.

Раҳимов савол назари билан тарбиячига қаради. У, тўғри, дегандек бош ирғади.

Қизча чопқиллаб бориб, сафдан ўз жойини эгаллади.

Директор ерга боқиб турган олти болага ўгирилиб, бошини чайқади-да:

— Аттанг!— деди.— Акбар билан Рустам ҳалиям «2»дан қутулгани йўқ. Зумрад билан Нигоранинг навбатчилик кунида жонли бурчакдаги она-қуён ўлиб қолган. Мана бу Тўлқин ялқов эса эллик ўрнига йигирма килограмм темир-терсак тўплаган. Ашир... уҳ-ҳ! Бугун охири дарсдан қочган. Қани, болалар, шаънимизга доғ тушираётган безбетларга нима деймиз?

Йигитлар, қизлар бараварига бор овозда бақириб, такрор-такрор:

— Уят! Уят! Уят!— дедилар.

Дашномдан қутулган Тамара севишиб, меҳрибон муаллимининг ўйчан кўзларига миннатдор кулиб боқди.

Мулзам бўлиб турган болаларнинг баттар хомуш тортганини кўриб, Раҳимовнинг юрак-бағри эзилиб кетди. «Жудаям шафқатсизлик бу!— деб ўйлади.— Бошқача бирор усул топиш керак...»

Қутилмаганда бир енгил машина пастлик тош йўлдан шуъла сочиб, отилиб чиқди-да, темир панжарали дарвоза ёнида тўхтади. Ҳамма жим бўлиб, шу ёққа қаради. Ундан шляпа кийган узун бўйли бир киши тушди-да, ичкари кириб, қувраган гулзор биқинидаги ариқча бўйида туриб, ён-верига кўз югуртирди.

— Райисполком раиси-ку!— деди тарбиячи йигит.

— Уша!— деди Раҳимов.— Мен ҳозир...

У ариқчага яқинлашганда, гавдасини сал орқага ташлаб, бирдан сакради — нариги томонга ўтди.

— Йигитлардек ёшариб кетибсиз,— дея раис кулиб, унга қўл узатди.— Яхшимисиз?...

— Шукр, — деб Раҳимов ҳам кулди.— Болалар билан бирга юргандан кейин ёшараркансан киши.

— Болаларингизга ҳамма нарса етарлими?

— Раҳмат, бор ишқилиб,— деди ийманиб Раҳимов.— Лекин гўшт йўқ, сабзавот камчилроқ.

— Айтамиз, беришади,— деди Расулов пўписанамо томоқ қириб.— Хўш, бу қанақа мажлис?

— Шу... яхши ўқувчиларимизга мукофот улашаётгандик.

— А-а, чошгоҳ пайти «Коммунизм» колхозида ўтказган йиғилишингизда катталарга нима улашдингиз? Ҳозир ўша ёқдан келяпман.



— Э-э, уми?— деди Раҳимов пешонаси тиришиб. Раиснинг такаббу-  
рона кулиб тургани эса баттар дилини оғритди.— Мажлисбоз дедилар-  
ми мени?

— Қизишманг.

— Ахир, мен маҳалла комитети раисман, ўртоқ Расулов. Маҳалла-  
миздан пахтага борган ҳашарчилардан биттаси бригадир билан жан-  
жаллашган экан. Қисталанг пайтда одамларнинг бошини қотириб, кат-  
таларни ишдан қўйиб, ота-гўри қозихона қилиб юрмасин, деб ўша ерда  
ўзимиз тартибга чақириб қўя қолган эдик. Дарров шуни сизга етказ-  
диларми?

— Жуда тўғри қилгансиз,— дея Расулов унинг тирсагидан ушлаб,  
машина томон йўл бошлади.— Уйга кетасизми?

— Иш кўп. Ҳали маҳалла комитетига ҳам боришим керак.

— Айтганча, Олимовнинг аризасини олдиқ,— деди Расулов.—  
Қаранг-а, ёдимдан чиқиб кетибди. Пионерлар уйи, Болалар уйи, Маҳал-  
ла комитети — буларингизнинг ҳаммасини эгаларига топширасиз.  
Хўш?!

Раҳимов бирдан:

— Йўқ-йўқ!— дея тирсагини бўшатиб, қатъий бош чайқади.— Удда-  
лай олмайман.

— Уддалайсиз,— деди Расулов яна такаббурона кулиб.— Бемалол  
уддалайсиз.

— Ўз ҳолимни ўзим биламан-ку!

— Билмас экансиз-да!

— Ўртоқ Расулов, жон акажон...

— Майли, бу ерда тортишиб турмайлик,— дея раис шартта қўл  
чўзиб хайрлашди-да, очиқ эшикдан ичкарига кириб ўтираркан, фар-  
мойишкорона уқтирди.— Кабинетда айтган гапларимни унутманг!

← Машина бир силтаниб, ўрнидан оғир қўзғалди.

Раҳимов кичрайиб бораётган қизил чироқларга қандайдир адоват  
билан тикиларкан, бир-биридан ширин, бир-биридан хоксор сағирлар-  
ни ўйлади — кўкси қалқиб, чуқур хўрсинди. Ногоҳ патила-патила соч-  
лари елкасига ёйилиб тушган дўмбоққина қизчанинг дилгир чеҳраси  
кўз ўнгида гавдаланиб, юраги ачишди. Шунда бутун вужуди билан бо-  
лалар уйига пайваста бўлиб қолганини англаб: «Йўқ, бормайман,— дея  
у, ҳовли саҳнида ўйнаб юрган болаларни кўзлари билан қучоқлагандек  
ўкинчли пичирлади. — Буларни кимга ташлаб кетаман?..»



## Қушлар ўчиб Кетдилар

Зулфиянинг синглиси Зарифа кеча эри билан Бухородан Нурободга  
кўчиб келди. У институтда ўқиб юрганида шаҳарлик бир кампирникида  
ижарада яшарди. Кейин унинг фабрикада ишлайдиган хушсурат ўғлига  
турмушга чиққан эди.

Энди негадир кўчиб келибди...

Нуробод ажойиб қишлоқ. Пахта экилмайди. Шунинг учун самолёт-  
лар ҳам пастлаб учмайди, тракторлар ҳам тариллаб ётмайди. Қушлар-

нинг хониши билан мактаб қўнғироғининг жарангини ҳисобга олмаса, ҳаммаёқ осуда, ҳаво беғубор.

Қишлоқда қучоққа сиғмас чинорлар, шохлари бир-бирига чирмашиб кетган қари ёнғоқлар, бодом, ўриқ, гилос дарахтлари кўп; чарос, тойифи, буваки, шивирғони каби узумлар ҳам. Нурободликлар фақат боғдорчилик билан шуғулланадилар.

Қишлоқнинг ўртасидан ёзин-қишин шарқираб катта анҳор оқиб ётади. Анҳорнинг ўнг қирғоғида михдан тортиб кунжарагача сотадиган битта магазин, атрофи панжара билан ўраб олинган саккиз йиллик мактаб, чап соҳилида эса тунука томли мўъжазгина шифохона билан пахса деворларига ҳар хил қушлар, қўғирчоқларнинг расмлари ранг баранг бўёқда чизиб ташланган боғча бор. Зарифанинг опаси ана шу боғчанинг мудираси.

...Ўнг кўзи сал ғилайроқ, хўппа семиз, кўкраклари тўлиқ Зулфия ётоқхонадан қиқиб, тош зинада бир дам тўхтади. Мажнунтоллар соясида ўйнаб юрган болалар томонга тикилиб қаради: дарахтга суяб қўйилган кичкина курсида китоб ўқиб ўтирган оппоқ халатли, лўппи юзли қизни кўриб:

— Шойиста, бу ёққа кел!— деди.

Қиз қўлида китоб билан югуриб келди.

Хунуккина Зулфия унинг гўзал қоматига суқланиб:

— Болаларни ўз майлига қуйе-еб, китоб ўқиб ўтирибсанми?— деди.

— Ўйнаб ўтириптилар-ку, опа,— деди Шойиста.— Ишингизни айтинг?

— Ишимми?— Зулфиянинг тегажоглиги кўзиб,— ўғил бола бўлсайдим... — деди-да, кўкракларини селкиллашиб, қиқирлаб кулди.— Туф туф, кўзим тегмасин. Жуда хушруй бўлиб кетибсан. Бўйнингга кўзмунчоқ тақиб ол.

— Э-э, боринг-э!— деб қиз бурилиб кета бошлади.

— Шойиста, тўхта, ишим бор.

У истамайгина изига қайтди. Зулфиянинг кўзларига қарамасди. Шойистанинг боғчада ишлаётганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Зулфиядан ҳайиқади.

— Қўлингдаги китоб ўлдим-куйдим тўғрисида ёзилганми-а?— Зулфия ўнг кўзини қисиброқ ушинг муқовасига разм солди.— Ана, айтмадимми! «Ишқ савдоси»дан болаларга тарбия бераёбман, де?!

— Вуй-ей-й, мунча...

— Бўлди, қичиғмолга ўхшаб тервонаверма кўп!— деди Зулфия фармойишкорона.— Холжон кампирнинг ҳовлисига Зарифа опанг кўчиб келганини эшитгандирсан?.. Ҳа. Ҳозир бориб, ёрдамлашгин.

— Мен нима ёрдам бераман?— деб сўради Шойиста.

— Зарифанинг қорни бурнига тегай деб ўтирибди. Биласан-ку, кампир ўғли билан районга кўчиб кетганидан бери у ҳовлига одам боласи қадам босган эмас. Шунинг учун уйларда исириқ тутатиб, шамоллатинглар. Исириқ ҳам юбортирганман, оҳақ ҳам. Яхшилаб оқланглар. Сипириш-сидириш... Иш кўп. Хуллас, шугун-эрта киши кўргилик бўлсин!

Шойиста киприкларини пирпиратиб:

— Кетсам, буларга ким қарайди?— деди болаларга ишора қилиб.

— Хавотир олма. Ўзим шу ерданман.

— Майли.

— Йўқ, шошма ҳали, — деб уни тўхтатди Зарифа. — Яна бир гапти айтиб қўяй, Зарифа опангни эри жуда сипо йигит. Шаҳарлик. Тагин билар-билмас бепарда сўзлардан гапириб, Зарифа опангни уялтириб қўйма, ўзингниям шарманда қилма. Кейин, биз — ёввойиларнинг устидан кулиб юрмасин куёв. Тушундингми?

— Тушундим.

— Энди боравер,— дея Зулфия лўмбиллаб ошхона томонга кетди. Шойиста эса сочлари тўлганиб, халатини ечгани ётоқхонага кирди.

□

Шойиста анҳор кўпригидан ўтгач, бир оз юриб, чапга бурилди. Икки томонида сомон сувоқли уйлар саф тортган салқин, қумлоқ йўлда одам кўринмасди. Ҳовлиларнинг деворларидан ошиб тушган ток новдалари орасида чумчуқлар чуғурлашар, ошқовоқ палакларининг сарғайган барглари остидан эса тўрлаган қовоқлар кўзга чалинарди.

У тез юргани сайин атлас кўйлаги баданига ишқаланиб, қитигини келтираётганини сезди, одимини секинлаштирди.

Шойиста бир ёни қари тутга туташ қўштабақали дарвоза олдида тараддуланиб тўхтади. Кафтидаги рўмолчаси билан терларини артаётиб пешайвонга уя қурган мусичаларни кўрди. Мусичалар ачомлашмоқчидек қанот керишар, тумшуқ уриштиришиб, ку-кулашарди. У занглаган зулфини аста қоққан эди, қушлар патиллаб учиб кетдилар.

Ичкаридан аёл кишининг «Хув-в, ҳозир», дегани эшитилди.

Салдан сўнг дарвозанинг бир табақаси оғир гижирлаб очилди.

Шойистанинг юраги жиз этдию беихтиёр орқага тисарилиш баробарида:

— Салом,— деди қизариб. Рўпарасида чарос кўзлари кулгига мойил, киприклари қизларникидек узун-узун, қоп-қора сочлари пешонасига тушган, йўгон билаклари тукдор, кўкрагидаги жуллар майкасидан кўпириб чиққан, буғдойранг, йигирма беш ёшлардаги баланд бўйли йигит турарди. Қиз хиёл саросималаниб:— Зулфия опам юбордилар мени,— деб ийманибгина сўради.— Зарифа опам бормилар?

Йигит сохталиги сезиларсиз бепарволик билан:

— Борлар,— дея йўл бўшатди.— Марҳамат.

Йигит дарвозани ёпаркан, сочлари тўлганиб бораётган хипчабел қизнинг орқасидан қараб туриб, тилининг учини тишлаб, беихтиёр бошини ликиллатиб қўйди.

Шойиста бостирмадан ўтиб, кенг супага чиқди.

Шакароб қилиб сув сепилган супанинг у ер-бу ерида чопилган ўтлар, хас-хашак чошлаб қўйилган. Кулча юзларига доғ тушган, бўйчангина Зарифа узун, ҳалпиллаган кўйлагининг енгларини шимариб, ҳовли супурмоқда эди.

У атлас кўйлакда яшнаб турган қизни кўриб:

— Шойистамисиз ўргилай?— деди-да, жилмайиб, бир неча қадам лапанглаб пешвоз юрди. Қучоқлашиб кўришди.— Қап-катта қиз бўлиб қолибсиз-ку, Шойистажон! Зумрад холам яхшилами?.. Юринг, ўтирайлик.— Зарифа шундай дея уни ғовлаб кетган ток новдалари осилиб ётган ишком остидаги сўрига бошлади.— Мактабни тамомладингизми?

— Ҳа, опажон,— деди Шойиста гўё улғайиб қолганини сездириб қўймоқчидек мунис навозиш билан.— Саккизни битирдим. Ҳозир боғчада ишлаёбман.

Улар сўрига чиқиб ўтирдилар. Атрофда кўрпа-тўшак, китоб-дафтар, турли идиш-товоқлар уюлиб ётарди.

— Кўчиб келганларингиз яхши бўлди-да, опажон. Ўзимизнинг мактабда ишлайверасиз.

— Ноиложликдан бу, Шойистажон,— деди дабдурустан дардчил бош чайқаб Зарифа.— Юрак ўйноғи касалига йўлиққанман. Бир марта мактабда ўлиб қолишимга сал қолди. Ўлгур, ҳаво етишмайди шаҳарда. Дим, устига устак шовқин-тўполон! — Зарифа кўйлагини олдига тортиброқ қўйди, энтикиб нафас олди.— Юрагим ўз-ўзидан лорсиллаб, сиқи-

либ кетади. Мана, кўрдингизми, қанордек кўйлагим ҳам торлик қилади. Ҳлсин... Дўхтирга борувдим, вақтинча бўлсаям иқлимни ўзгартиринг, дейишди. Келавердик.

— Иби-и...— деди Шойиста олудек лабларини чўччайтириб.— Буткул кўчиб келдингизларми, деб ўйлабман. Шундай экан, бизларникида турсангизлар ҳам бўларди, уйимиз кўп.

— Э-э, укажон, ўзимизникидаям кўп-ку!— дея қошларини алланечук киборона чимирди Зарифа. — Шунисигаям шукр. Жасур акангизнинг таъблари сал нозикроқ.

Шу пайт йигит уйдан эски пақирларга тўлдириб солинган суприндиларни кўтариб чиқди. У спортчиларнинг икки чети қизил хошияли сиёҳранг шимида ихчам кўринарди.

«Бунинг оти Жасур экан-да...— Гурс-гурс одим отиб, боғ томонга ўтаётган йигитга Шойиста зимдан кўз қирини ташларкан, унинг исми ҳам қандайдир жозибадор эканлигини ўйлади, ўзиникидан эса бир оз қаноатланган бўлди.— Шойиста ҳам ёмон эмас».

Жасур пақирларни бўшатиб қайтгач:

— Зарипош, юрагингиз безовта қилмаяштимиз?— деб сўради.— Чарчамадингизми?

Шойистанинг юраги беихтиёр орзиқиб, кўзлари чақнаб кетди. Ҳтли бир ҳавас билан Зарифага тикилди, негадир ўзини ноқулай ҳис этди. Сездирмади.

— Йўқ,— деди Зарифа эрига миннатдор жилмайиб.— Келинг, сиз ҳам бирнас дам олинг.

— Ташаккур!— деди Жасур енгилгина бош силкиб.— Аччиққина кўк чой дамлаб берайми?

Зарифа индамай Шойистага қаради: «Ичасизми?»

— Йўқ, опажон,— деб, Шойиста туришга чоғланди.

— Мен энди оқлайвераман бўлмаса.— Жасур шундай деб уй томон йўл олди.

— Тўхтанг, Жасур ака,— дея Шойиста уни тўхтатди.— Уйларни оқлашдан аввал исериқ тутатиш керак экан, Зулфия опам тайинлаб юборувдилар.

— Ҳа-я... Зарипош, қаердаямдир кўрувдим-а?

— Ҳозир келтириб бераман.

— Айтинг, ўзим олиб келаман.

— Тандирнинг «кифти»даги қоғоз халтани қаранг.

— Ҳа, бўлди-бўлди! — деди Жасур. — Ҳша ерда кўрган эканман...

Зарифа кафтига тираниб жойидан ҳоргин тураркан, бирдан афти буришиб кетди. Сўнг хижолатли кулимсираб Шойистага ишком поясидаги михдан парчагулли кўк халатни олиб берди.

— Сизга сал каттароқда, ўргилай.

— Ҳзим эски кўйлақдаман-ку, опажон.

— Устидан кийиб олаверинг.

Шойиста дарров сочини чамбарак қилиб, рўмолини қуюқ қошлари устидан танғиб боғлади. Халатни кийди. Чиндан ҳам катта экан — кенг, узун. Белини боғлаётганида ланг очиқ деразадан қараб турган Жасурга кўзи тушди. Епирай, негадир жилмайди. Аммо унинг ҳам мийғида мафтункор жилмайганини кўриб, юраги шув этди. «Бекор кулдим,— деди сўнг ўз-ўзини койиб.— Энди нима деб ўйлайди?... Лекин хотинига мунчаям меҳрибон?»

Хотинига унинг бу қадар меҳрибонлиги қизгинага жуда ёқиб қолган эди.

Ажаб! Яна қизнинг йигит томонга қарагиси келди. «Нима бўляпти менга ўзи?!», дея пичирлаб... юзлари ҳаёдан ловуллаб кетди.

Шойиста қалбида жўш ураётган қандайдир ўтли туйғудан сархушланиб, тез-тез ишларди. Бир зумда хас-хашакларни тандирхона ёнидаги гўзапоя ғарами қошига элтиб ташлади. Чаққон ҳаракат қилгани сайин аллақандай оташин интиқлик бутун вужуди бўйлаб таралаётганини ҳис этаркан, аввал ҳеч бундай бўлмаганини ўйлаб, беихтиёр таажжубланар эди. Супани чиннидек тозалаб супураётганида эса йигит томонга қараш истаги зўраяётганини сезиб, энтикиб қўйди. «Ана, юрагим ҳам беором гурсиллапти. Ҳозир... ҳозир қарайман. Зарифа опам кўриб қолса! Йўқ, бари бир қарамаслигим керак. Хай, қарасам-чи?— Ужарлик билан ўзидан сўради қиз.— Бирор нарса бўлиб қоладими?— Ногоҳ қулоқлари остида бир овоз гумбурлагандек туюлди. — Уят-э!»

Қиз, ниҳоят, қарамасликка қатъий аҳд қилди. Лекин пешонасидаги тер резаларини артаётиб, гўё беихтиёр уй тарафга назари тушди. Йигит эшик бўсағасида бошини ҳовучлаб ўтирар, ичкаридан исириқнинг паға-паға оқиш-кўкиш тутуни бурқсиб чиқар эди.

— Жасур ака, қочинг!— деди Шойиста куйинчаклик билан. Ва ҳаёлан атрофга ваҳим гирдобида аланглади: Зарифа ошхонада эди. — Тутунга кўмилиб кетдингиз-ку!

— Ухў-ухў...— деб Жасур йўталди, аммо индамади.

Шойистанинг кўнгли хиёл оғринди. Унинг ёнига боргиси, қоп-қора сочларини силаб, бўртиб турган мушакларини ушлаб кўргиси... келди. Лекин у олов билан ўйнашгиси келаётганини, оқибат — парвонадек жизғанақ бўлиши мумкинлигини хаёлига келтирмасди. Чунки чиройли йигит хотинига меҳрибон, унга эса бепарво эди: «Бепарвомикан?..»

Шойиста дарвозахонанинг сомон сувоқли деворини оқлаб бўлгач, сўри томон ўтаётиб, ланг очиқ деразаларга қаради: йигит кўринмасди. Қизнинг юраги сиқилди — қилинадиган ишлар тамом бўлган, энди уйга кетиши керак эди.

У ҳафсаласизлик билан халатни ечди, сўрига чиқиб ўтирди.

— Чарчамадингизми, Шойистажон?— деди Зарифа.

— Йўқ, опагон,— деди у.— Энди иш бўлмаса, қайтсам...

Жасур боғ тарафдан ишшайганча хандалакдан каттароқ, кўм-кўк ошқовоқ кўтариб келди.

— Зарипош, бир кади бичак<sup>1</sup> пиширинг. Шойистажонни яхшилаб меҳмон қилайлик.— Қўлидаги ошқовоқни хотинига узата туриб:— Ишлаб, чарчаган бўлсалар ҳам, сизга ёрдам берарлар,— деди Жасур.— Шундайми?

Шойиста йигитга хоксоргина жилмайиб, бошини қимирлатди.

Зарифа эса ошқовоқни эрининг қўлидан олмай:

— Э, шаҳарлик тўрам!— деди чимирилиб.— Палакмурда кадингиз биттаям бичакка етмайди-ку!

Жасурнинг ранги бўзариб, севинчи кўзларида муздек қотди. Ошқовоқни сўрининг остига улоқтириб, шитоб билан уй томон кетди.

«Бечоранинг кади бичак егиси келипти-да,— деб ўйлади Шойиста кўз остидан Зарифага хўмрайиб.— Битта бўлсаям пишириб бериши керак эди...»

Кейин, у ногоҳ безовталаниб, ўрнидан турди.

— Энди кетаман, опа.

— Ўтирибсиз-да, ҳали барвақт-ку.

— Қаранг, кеч бўлиб қолди,— дея қиз қош учириб, кунботарга ишора қилди. Қуёш кўринмас, аммо уфқ томон шафақ нуридан шуьлаланиб турарди. — Борай, онам ёвондан қайтгунларича овқат пишириб қўйишим керак.

— Ундай бўлса, майлингиз.

<sup>1</sup> Кади бичак — қовоқ сомса.

Шойиста қудуқдан сув тортиб, құл-бетини ювди. Олма шохига осиг-лик каштали сочиққа тезгина артиниб:

— Хайр, яхши қолинглар,— деди.

Зарифа оёқларини уқалаб ўтирарди.

— Зумрад холамга салом айтиб қўйинг,— деди ўрнидан турмай.—

Бирга келинлар.

— Узларингиз ҳам боринглар...

Шойиста чаққон юриб, дарвозага етди. Зулфинни тортаётганида негадир юраги зирқиради.

Худди шу пайтда қулоқларига интизорона бир овоз эшитилди:

— Шойистажон, эртагаям келинг.

Қиз ялт орқага қаради: кўзлари дилгир чақнаб турган йигитни кўриб, ёноқлари ловуллаб кетди. Ва беихтиёр ўтли жилмайиш билан:

— Майли, келарман,— деб дарвозани очиқ қолдирганча чиқиб кетди.

□

«Шойистажон, эртагаям келинг».

Қиз бирдан кўзини очди, атрофга хумор боқди. Сўнг мўъжазгина гулзор чеккасидаги ўсмалардан узаётган онасига тикилганча қаердадир — яқин орада эзиб сайраётган бедананинг хонишига қулоқ солиб ётаверди. Ҳаво шундай майин, шу қадар ёқимли — баҳри дили яйрар, ҳеч тургиси келмасди. Лекин туйқусдан юрагига чўғ тушгандек бўлди: «Зарипош, бир кади бичак пиширинг...»

Шойиста бормаса, ўша чақноқ кўзларни яна бир кўрмаса бўлмаслигини сездди: чиройли, сипо, хотинини яхши кўрадиган, аммо хотинидан маломат эшитган йигитни кўргиси... келарди: «Туриш керак!»

□

У тушга яқин дастурхон кўтариб кириб борди. Кеча уюлиб ётган кўрпа-тўшак, идиш-товоқ, китоб-дафтарлар йиғиштириб олинган, ҳовли ораста, жимжит.

Шойиста дастурхонни сўри устидаги гулдор хонтахтага қўяётганда кўзи попукли болишга суяб қўйилган қўштиғ милтиққа тушди. Милтиқнинг ёнида бир нечта ўқ сочилиб ётарди. Милтиқни фақат киноларда кўрган эди — юрагига гулғула тушди.

— Зарифа опа!— деди негадир чўчиб.— Қим бо-ор?

— Ий-э, салом, Шойистажон!— қиз ялт этиб овоз чиққан томонга ўгирилди. Жасур лаҳм оғзидек қорайиб турган уйнинг эшигидан бошини чиқариб, қандайдир ҳадиксираган куйи жилмайиб турарди.— Унинг боши каштали белбоғ билан боғланган, юзларига оҳак сачраган эди.— Келишингизга ишонувдим,— деди.

— Опам қаердалар?

— Опангиз онасиникига кетди.— Жасур сўрига яқинлашиб, оҳак чаплашиб кетган қўлларини панжарага тиради. Хонтахта устидаги яп-янги дастурхонга имо қилиб, сўради.— Буни сиз олиб келдингизми?

— Ҳа,— деди қиз.— Милтиғингизни кўриб, тавба, қўрқиб кетдим-э! Кеча қуппа-қуруқ келганим учун онам, нимага қуруқ бординг, одамгарчилик ҳам шунақа бўладими, деб уришдилар. Озгина кади бичак пишириб келдим.

— Э-э, овора бўлибсиз-да!— деб Жасур қизнинг ўсмага қонган қошларига алланечук сирли тикилиб:— Раҳмат!— деди сўнг.— Лекин...

— Аввал иссиқлигида енг, раҳматини кейин айтарсиз,— дея Шойиста эгилиб, қумғонни олди-да, токнинг тагига яқин борди.— Келинг, қўлингизни ювинг.

Жасур кулиб, қўлига қаради: оқариб, буришиб кетган.

— Майли, қўйинг.

Шойиста жилдирашиб сув қўйди.

Жасур бошидаги қийғини олиб, силкиди, сўнг унга қўлини арта бошлади.

Шу пайт ўрик шохига олашақшақ келиб қўнди. Бўйинини чўзган кўйи думини ликиллатиб шақиллади. Сарғайган бир неча япроқ ерга пирпираб тушди.

Жасур белбоғни шартта сўрига ташлаб, милтиқни олдию қўндоғини елкасига тиради.

Шойиста беихтиёр ғужанак бўлиб:

— Қўйинг, отманг! — дея юз-кўзларини кафти билан тўсиб олди.

«Гум! Гум-м!!»

Гумбурлаган товушлар баробарида Шойиста аянчли чағиллаган овозни эшитиб, сескандию кафтларини туширди. Олашақшақнинг чирпирак бўлиб тушаётганини кўриб, юраги эзилиб кетди ва:

— Ўлдирдингиз! — деди кўзлари совуқ йилтиллаб.

— Бу иккинчиси! — деди йигит милтиқни қайириб отилган ўқ пойнақларини чиқариб ташларкан, тигга «пуф-пуф»лаб.

— Энди ҳамма қушлар учиб кетади.

— Қушларда ақл борми? Келаверади бари бир, — деди Жасур сўрига чиқиб. — Келинг, бичакни биргалашиб еймиз.

— Сиз ўзингиз ейверинг, — деб Шойиста уй томон йўл олди. — Мен даҳлизни оқлайвераман.

Қиз даҳлизга кириб, исириқ ҳиди анқиётган пастаккина вассажуфт уйга разм солди: лолазордек гилам четларидан бўйра кўриниб турарди. Девор ёнлаб узун, янги кўрпачалар тўшалган. Ҳарир парда енгил эсаётган шабадада секин тўлқинланади. Бурчакдаги бухорий темир чандиқ устига тахланган кўрпа-тўшаклар қадимий сўзана билан ўралган. Рўпарадаги деворга келин-куёвнинг зарҳал чорчўпга солинган сурати илиб қўйилган эди. Токчада эса олма гулли, пахта гулли чойнак-пиёлалар гумбаз қилиб териб қўйилган.

Шойиста қачонлардир ўзининг ҳам шу каби мўъжазгина уйи, рангин суратлари, тилла суви югуртирилган ашёлари... бўлишини ўйларкан, йигит томон нигоҳ ташлаб, аста энтикди. Сўнг эринчоқлик билан қўлига оқлагични олди.

Ажабо, бугун унинг негадир ишлаш иштиёқи сусайган эди.

— Жуда пазанда экансиз. — Ногаҳоний овоздан қиз чўчиб, эшикка қаради. Жасур қўлининг орқаси билан лабларини артиб, кулимсираб турарди. — Ўлик еса тириладиган бўлипти ўзиям.

— Мақтаманг кўп, — деди Шойиста ийманиб. — Қўнглингиз тусаб еганингиз учун мазали туюлгандир.

— Рост айтаёбман, рост! — деди Жасур ичкарига кириб. — Икковлашиб бу ерни тугатайлик, сўғин палов пиширамиз. Мен паловга устаман.

— Майли, — деди Шойиста. — Лекин бу ер тор экан-да.

— Қўнглингизни кенг қилинг. Шойистажон! Кенгга — кенг дунё бу...

Жасур иккинчи пақирдан калта дастали оқлагични олиб, ишга киришди.

Даҳлиз чиндан ҳам тор эди.

Шойиста негадир ҳаяжонланмоқда эди. Терлади. Сатин кўйлаги баданига шиппа ёпишди.

Жасур қизнинг хипча бел, дўмбоққина қоматига дамба-дам суқланиб, пинҳона ютинарди.

— Жасур ака, Нуробод бир овлоққина қишлоқ,— деди Шойиста нимагадир.— Шаҳрингизни соғинмайсизми?

— Шаҳрим... Соғинаман!— деди Жасур.— Нуробод ҳам яхши экан — тоза ҳаво, шифобахш сувлар, боғлар сероб. Мева кў-ўп...

— Лекин бу ерда шаҳардагидай томошахоналарни пулгаям тополмайсиз-да.

— Пулдор одам зерикмайди, эрмак топиб туради,— деб гўё бепарволик билан сўради Жасур.— Тоққа олиб чиқасизми мени?

— Лекин қушларни отмайсиз!— деди Шойиста.— Олиб чиқаман. Кўрасиз, тоғларимиз ажойиб.

— Сиздай қизлариям...— деди Жасур.

— Э-э!— деди Шойиста қандайдир истиғноли кулиб.— Нурободда хушрўй қизлар жуда кўп.

— Сиз ҳаммасидан ҳам гўзалсиз!

Қиз, дилида лазиз бир қаноат ҳиссини туяркан, бирдан қорачиқлари кенгайиб кетди. Жим қолди.

Жасур яна чуқур хўрсинди.

— Нима бунча уф тортасиз?

— Ўзингиз-чи?— деди йигит овози қалтираб.

— Ҳаво етишмаяпти.

— Ҳм-м... Мен қизиб кетяпман.

Шойиста унга қиё сузилиб, пақирни ўзига яқинроқ қўйиш учун эгилди. Шунда йигитнинг сезиларсиз титраётган қўли қизнинг биқинига тегиб кетди. У дик этиб, қоматини тикладию йигитнинг бежо кўзларидан ҳадиксираб, шафқат тилаётгандек хиёл жилмайган кўйи четланди.

Лекин қизнинг шахло кўзларида ўзига чорловчи аллақандай ўтли ҳайқириқ изғиётганини йигит пайқаган эди. Дадил яқинлашди.

— Қўрқиб кетдим-эй!— деди Шойиста кўкси қалқиб.

— Шунақаям чиройлисизки, Шойистажон!— Жасур сирли шивирлаб, унинг билагидан аста ушлади. Қизнинг бадани мисдек қизиб кетган эди.— Сиз... қўрқманг.

— Қўлингиз бунчаям иссиқ.— Йигитнинг панжалари гимирлаб, тобора юқорига ўрлади. Қизнинг юрагига ғулғула тушди.— Олинг, дейман, қўлингизни олинг!

Жасур бирдан қизнинг белидан маҳкам қучоқлаб, бағрига тортди.

— Қўйворинг! Жасур акажон...

...Шойиста унинг бағридан жон-жаҳди билан силтаниб чиқди. Тиззалари дир-дир қалтираб, деворга мажолсиз суянди. Ва беихтиёр олашақшақни эслади, хўрлиги келди.

Қизгина кечадан бери гўзал бир номсиз шаклни муқаррар яхши кўриб қолган эди. Лекин тасавуридаги гўзаллик кўз ўнгида аждаҳога айланиб домига тортгани — алдангани қаттиқ алам қилиб, қаддибўйини чулғаб олган паришон сочларини юзига босди-да, унсиз йиғлаб юборди. Сўнг елкалари титраб, мискин алфозда эшикдан чиқаркан:

— Ўл-э, ёввойи!— деди.



Асад Асиров



# Эвирли КУНЛАР

**Д**ам олиш куни эди. Соҳиба ваннада кир ювиш билан банд. Шу пайт эшик журъатсизгина тақиллади. Бахтиёр қийқириб, хонама-хона чопиб юрар, эси кириб қолган Саодат эса укасини дам жеркар, дам овунтирарди. Шу туфайли эшикнинг тақиллашини ҳеч ким эшитмади. Келгувчи бир оздан сўнг эшикни қаттиқроқ қоқди.

— Опа-опа, биров чақиряпти,— ичкари хонага югуриб кетди Саодат, Бахтиёр эса уддасидан чиқмаса ҳам, эшикни очиш учун тирмашарди:

— Тўхтаб туйинг, кетиб қоманг, ҳозий очаман...

Жужуқ тилли гўдак товушини эшитган эшик орқасидаги одам оғир хўрсинди. Соҳиба тез-тез юриб келиб, калитни бурамоқчи бўлди.

— Тегманг, ўжим очаман!

— Оббо, маҳмадона-ей!

Соҳиба «қайсар» ўғлига кўмаклашиб юборди. Эшик очилди, кўча остонаси бўсағасида маҳзун қиёфада Меҳри хола турарди. Соҳиба саросимада бир оз жим қолди. Сўнг ўзини тутиб олиб, қайнонаси билан кўриша кетди:

— Кела қолинг, ойижон, киринг ичкарига. Саодат айвонга жой қилиб юбор, кўрпача сол. Айвонда ўтира қолайлик-а, ойи, баҳавороқ.

— Майли, болам.

Қайнона-келин ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгунча Саодат чиройли дастурхон тузаб, кампирнинг серажин бармоқли қўлини оҳиста тутди.

— Юра қолинг, бувижон!

Меҳри хола дастурхондаги ноз-неъматларга ора-чора қўл узатар, бир пиёла чойи сира тамом бўлмасди.

— Ойижон, олиб ўтиринг, ишқилиб, тобингиз жойидами?— ташвишли товушда қайнонасини дастурхонга ундарди Соҳиба. Бу самимийлик

таъсириданми, невараларини бағрига босиб ўтирган онанинг юзларидаги беҳисоб ажинларга кўзларидан оққан ёшлар оҳиста ўрмалай бошлади.

— Қанийди кўнглим равшан, бағрим бутун бўлса-ю, еганим ичимга туша қолса. Ҳамма билмасаям, сиз биласиз-ку, айланай! Мани жоним бу ерда, у ёқдаги уйингизда фақат жисмим юрибди, мандан овқат ўтадим, жон болам...

— Унақа деманг, ойи,— ғамгин гапирди Соҳиба,— уй-жойларга сира-сира даъвомиз йўқ. Мана, давлатнинг уйида туппа-тузук яшаб турибмиз. У уйлар сизники, қўлингизда қайноғамнинг боласи бор. Армияни битириб келгач, уйлантирасиз, уйли-жойли бўлиб, сиз билан бирга ўтиришади. Биз мингдан-минг розимиз сиздан, ойижон!

— Вой қизим-ей, сизни келиниммас, қизим дегандим. Ўғлим ноншуд чиқди, қандоқ қилай, қарғай десам, тилим бормаиди, қарғама-сам... шунчалик ҳам нодон бўладими! Бир ҳаёсизга эргашиб болачақасини ташлаб кетиб ўтирса-я! Бундай гапларни менга бошқа гапирманг, унда кўкрагимдан орқага туртгандек бўласиз, жон болам. Не-не орзу-умидлар, яхши ниятларминан ғишт қуйиб, лой қорганларингиз мани эсимдан чиқармиди. Саодатхонга оғироёқ эдингиз ўшанда. Кўзим юмилиб, у дунёга кетгунимча шу уй-жойни сизники дейман. Чироғимни ёқадиганлар сиз, мана булар...

Кўзлари қайта-қайта ёшга тўлаётган Меҳри хола набираларини бағрига янаям қаттиқроқ босди, гапдан бир зум тўхтаб, ўзини сал қўлга олди, рўмолча билан юз-кўзларини артди. Сўнг юракни эзиб юборадиган ғамгин товушда давом этди.

— Уйдаги неварам овунчоқ бўлиб турувди, униям армияга кузатвотман. Эртага болаларимни олиб боринг, айланай, қўни-қўшни, қариндош-уруғлар келади, ёнимда мадад бўлиб туринг. Майли, энди ман бора қолай...

Кетиш тараддудида махси-калишини кияётган она ўзи келтирган тугуннинг кираверишда ҳануз қўл теккизилмай турганини кўрди.

— Вой, мани эсим қурсин!

У тугунни ечиб, невараларига келтирган совғаларни, кийим-бошларни бир-бир улашди. Епиб келган ширмой нонларни Соҳибага тутди. Энди Соҳибанинг кўнгли бўшаб кетди. У ўзини тутолмай она қучоғига отилди, бошини унинг меҳрибон кўксига қўйди.

— Қариганингизда сизни сарсон қилиб қўйдик, ойижон! Кечиринг! Она зиналардан бир-бир босиб тушиб, ғариб қиёфада узоқлашиб борди-да, одамлар оқимиға қўшилиб кетди. Бу кўриниш онани кузатиб чиққан Соҳибанинг кўз олдидан ҳадеганда ўчавермади. У анча вақт ўзига келолмай, кўп қаватли уйлар орасидаги хиёбонларни хомуш кезиб юрди. Шаҳарнинг шарқ томонида бунёдга келаётган бу кварталлар чиндан ҳам кўркам эди. Ҳаммаёқ озода, йўлкаларнинг чеккаларига ўтқазилган дарахтлар бўй чўзиб, баланд уйларга бараварлашиб борарди. Ёғиб ўтган ёмғирдан сўнг кўчалар ва уйларнинг оралиқларидаги кўм-кўк майсалар яшнаб турибди. Ёмғирдан қолган сув зарралари қуёш нурида биллурдек товланади.

Соҳибанинг нигоҳи кўркам манзарага қадалган, хаёллари бўлса бутунлай бошқа томонда кезади. У сирли севги сўқмоқларидан ўтиб турмуш қурган ва беш йил бирга яшагач, арзимаган баҳона сабаб бўлиб, турмуши бузилган кунларини эслади. Ушанда тўғри қилдимикин? Сал оғир бўлганда, ким билади, бунчаликка боришармиди, йўқмиди...

Орага ароқ раҳна солди. Беш йилгача бинойидек юрган Эркин катта омборга мудир бўлди-ю, ўзгарди-қолди. Авваллари оғзидан ичимликнинг ҳиди келиб юрди. Бора-бора гандираклаган Эркиннинг қўли-қўлтиғида, чўнтакларида ароқнинг ўзи ҳам қўшилиб келадиган бўлди. Бундан хавотирга тушган Соҳиба «касал»нинг олдини олишга уриниб

кўрди.— Ичагон бўб кетяпсиз шекилли, адаси! Кўча-кўйда гандирак-лаб юриш сизга ярашмасов...

Хотинининг насиҳати ёқмади шекилли, Эркиннинг қовоқ-лунжи осилиб тушди. Соҳиба хушёр ва эҳтиёткор эди. У ҳавотирланиб, бир поғона пастга тушди ва гапининг давомига дарҳол «шакар» қўшиб юборди:

— Қаранг, бир-биридан ширин ўғил-қизингиз, ёнингизда ойдек хотинингиз бор...

— Ие, ҳали ўзлари ойдек бўб кетдиларми?! Ой шунақа қоп-қора бўларкан-да, ха-ха-ха!.. Ё бозор тусаб қолдиларми?..

Бундай «тил» Эркиндан биринчи марта чиқиши эди. Шунинг учун табиийки, Соҳибага қаттиқ ботди. Ҳарчанд ўзини оғирликка олди, бўлмади, ундан ҳам тиканакли жавоб қайтди:

— Нима, сизнинг ўйнашингизмидим, ўзимни бозорга солиб? Бундан олти йил аввал «Фариштам, ой ва қуёшга ҳам алмашмайман сизни!» деб кўкларга кўтарган, кўкрагига муштлаб юрган ким эди?! Энди пуф сассиқ бўлиб қолдикми?!

— Ҳа, энди лақмалик қилиб бир қўлга тушган эканман-да, ўшанда! Эркин киноя қилибми, ҳазил тариқасидами ёки чин кўнгилдан айтдимми, маълум эмасди. Ҳар қандай бўлганда ҳам бу қочирим Соҳибанинг юрагига тигдек санчилди. Унинг юзида нотаниш нафрат ифодаси пайдо бўлди. Шахло кўзларида ярқ этиб совуқ ўт чақнади. Оғзига келган гаплар қайтмай, бирин-кетин лабларидан учаверди:

— Сиз-чи, авлиёмидингиз?! Бор-йўғи аёллар юз ўгирган «ўтмас пичоқ»лардан бири эдингиз! Яхшиям мен содда-сурангни лақиллатиб, ўйланиб олган экансиз, бўлмаса ҳар кимларнинг кетидан ҳалиям юрардингиз, лўкиллаб!

— Нима дединг?!

Эркин ўрнидан сапчиб туриб, Соҳибанинг устига ўдағайлаб келди. Унинг вазоҳати ёмон эди. «Тилим қурсин, камида бир тарсаки есам керак энди, бўлар иш бўлди». Шу хаёл калласига келган Соҳиба эрининг кўзларига тикилиб қолган, ҳуши бошидан учгандек турарди. Эркин хотинининг кўзларига нафрат билан ўқрайгач, туфуклар сачратиб ўшқирди:

— Ху, қора илонга ўхшамай ўл! Одамни нақ юрагидан чақасан-а!

— Пичоқни аввал ўзингизга уринг, кейин...

— Сенга «ўтмас пичоқ» ҳам ҳайф, кўрамиз ким юраркин, лўкиллаб!

Эрининг жазавасига Соҳибаники тутантириқ ҳам бўлмади. Уйдан тамоман чиқиб кетиш тараддудида апил-тапил кийинаётган эри билан ярашиб олиш истаги пайдо бўлганда унда. Бироқ, ғишт қолиндан кўчган эди. «Кайфи тарқагач қайтиб келар, болалари бор-ку», деган умид аёл қалбининг бир чеккасида милтиллаб турарди. Эртаси эса...

Соҳиба эндигина ишга отланиб турганда бошдан-оёқ янги кийиниб олган Эркин кириб келди. Кўринишидан кайфи йўққа ўхшарди-ю, совуқ боқишлари кайфлик пайтларидагидан ҳам ёмонроқ кўринарди. У бир кундаёқ мутлақо бегона тусга тушиб қолганди. Эридан, болаларининг отасидан бирдан айрилиб қолиш Соҳиба учун энг катта ситам ва алам эканлиги сезилди, шу зумда. Унинг дили вайрон бўлиб, қора кўзларига ёш қуйилди, нажот сўрагандек икки қўлини беихтиёр олдинга чўзиб:

— Эркин ака,— деди,— болаларимиз бор ахир...

— Бари ўзингизга сийлов, уй-жойлар ҳам, болаларингиз ҳам,— кетаётиб хотинининг илтижосини чўрт кесди дағал овозда Эркин.— Истасангиз кўчага чиқинг, кеннойингиз билан таништириб қўяй!

Бу бемаврид киноядан юраги шув этиб, беихтиёр дераза олдига бориб қолган Соҳиба Эркиннинг ёнида кетиб бораётган қадди-қомати

келишган, сўнги модада кийинган бўйдоргина аёлга тушиб, ўзини бутунлай йўқотиб қўйди. «Тушимми, ўнгимми, бир кунда-я, наҳотки икки оғиз тахир гап муҳаббат қурган иморатни вайрон қилиб ташласа! Йўқ, энди бу ғамхонада мен ҳам қололмайман...»

Шу кунларда туғишганлариникида меҳмондорчиликда бўлиб қайтган Меҳри хола уйдан на ўглини, на келинини топа олди. У ўглининг бегона аёл билан кетганини эшитиб, воқеага сал тушунгандек бўлди-ю, бари бир, ҳеч нима унга маълум эмасди. Ўғли-ку, биттасига илашиб кетибди. Келин-чи, наҳотки у ҳам... Йўғ-э, шундай оқила, институтни битиргач, беш йилдан бери бола ўқитиб, тарбиялади. Яна ким билади дейсиз, атиги йигирма беш ёшга тўлди, бунинг устига кўзга яқин...

Онанинг кўнглига келган фикр ҳам чакки эмасди. Аввалига Соҳиба эридан бошлаб ўч олмоқчи бўлди. У ишдан бўш пайтларида ясантусан қилиб, Эркиннинг ишхонаси яқинидаги кинотеатрга қатнаб қолди. Соҳиба азалдан кўзга яқин эди, ўзига оро бергандан кейин эса ҳуснтаровати янада очилиб кетарди. Ихчам сумкасини билагига осиб, бошини баланд кўтарган ҳолда товусдек товланиб юрар экан, жами эркаклар, ҳатто аёллар ҳам ҳавас билан беихтиёр кўз қирини ташламай ўтишолмасди, унинг ёнидан.

Шундай кунларнинг бирида Соҳибанинг кўзлари эрига тушиб қолди. Эркиннинг қўлтиғидан ўша кунги хотин қўл ўтказиб олган, улар бамайлихотир яқинлашиб келишарди. Соҳиба аввал бир оз довдиради, бирдан қўзғолган рашк ғазаби эса унда журъат найдо қилди. У бора солиб, нарироқда сигарета чекиб турган, аҳён-аҳёнда Соҳибага ер тагидан разм солиб кўяётган йигитнинг қўлтиғидан олди.

— Кечирасиз,— шивирлади аёл лабини йигитнинг юзига деярли теккизиб, — мен билан хиёбонда бирпас айланиб, кейин бирга кинога боришни истайсизми?!

Йигит ҳанг-манг бўлиб қолди. Унинг ўзи қандай қилиб бу қизни гапга солсам экан, деб турганди. Омаднинг келишини қаранг!

— Жоним билан!

Йигит Соҳибанинг тирсагидан тутиб, ғоздек гердайганча аёл измига тушди. Соҳиба атайдан Эркин қаршисига бошлади йигитчани. Ана, ўртадаги масофа яқинлашиб қолди. Соҳибанинг журъати йўқолиб, ўрнини кўрқув ва андиша аралаш қандайдир кўнгилсизлик эгаллади. Унинг бутун бадани дир-дир титрар, оёқларини зўрға кўтариб босарди. Улар юзма-юз келдилар. Эркиннинг кўзи Соҳибага ва уни қўлтиқлаб бораётган йигитга тушиб, биринчи марта кўраётгандек уларга қаттиқ тикилиб қаради. Ғазабдан эрининг бети тиришиб, кўзлари қисилиб кетгандек туюлди, Соҳибанинг назарида. Сўнг...

Аламзада аёлнинг кутгани бўлмади. Эркин «ошиқ-маъшуқ»ларга яна бир марта кинояли совуқ илжайиш қилгач, ўз йўлига ўтаверди. Шу ондаёқ Соҳиба учун бу дунё бўм-бўш ва хунук кўришиб кетди. «Нима қилиб қўйдим! Демак, севмайди, севмас экан! Ёнимда кетаётган мана бу найнов ким ўзи?!

Аёл тирсагини йигит панжасидан шоша-пиша бўшатиб олди:

— Кечирасиз, болаларимни боғчадан олишим керак эди!

Йигит лол қолди. «Нима деди, болаларимни боғчадан оламан, дедими? Мен бўлсам... Аёлларнинг макри қирқ эшакка юк бўлади, деб бекор айтишмаган экан-да».

Бу пайтда Соҳиба катта йўлни тарақлатганча чопиб кетмоқда эди. Муюлишдан ўтгач, унинг бутун дард-аламлари кўксидан ўкирик бўлиб отилиб чиқди. Кимсасиз ўриндиққа ўзини ташлаб юбориб, обдан йиғлади, тўйгунча йиғлади. Эри қайтиб келмаган тақдирда ҳам бошқа эркак билан турмуш қила олмаслигини у шу ерда биринчи ва охирги марта ҳис қилди.

«Үч олиш» каби ҳар хил аҳмоқона хаёлларни ҳам, ҳатто Эркинни ҳам миясидан улоқтириб ташлаб, бор меҳр-муҳаббатини икки фарзандига бахшида этаётган Соҳибанинг тинчи Меҳри холани кўрганда бузиларди. Икки ўртада шу она увол бўлди. Аслида, уйдан чиқиб кетмаса бўларкан. Кўз олдига Меҳри холанинг ёшли, мунис ва паришон чеҳраси келганда Соҳибанинг юраги лов-лов ачирди.

Бугун яраси яна янгиланди. Нима қилиш керак, қайтиб борсаммикин? Йўқ-йўқ, эшитган қулоққа яхши эмас бу! Меҳри хола-ку, қучоқ очиб кутиб олар, одамлар-чи? Ул-э, болаларингни боқолмай ахир қайтиб келибсан-да, дейишмайдами! Хўш, деса нима, оғзига қучи етмаганлар гапираверади-да!..

Бундай оғир хаёллардан холи бўлиш учун Соҳиба хиёбонни тарк этиб, уйи томон тез-тез юриб кетди. Майдончада ўйнаб юрган Бахтиёр билан Саодат ойиси истиқболга чопдилар. Иккаласи келиб Соҳибанинг бўйнига осилишди, шўртанг (кўз ёшларидан кейинги) юзларидан «чўлп, чўлп» ўпишди. Бу уч меҳрибон бир кунда неча марта кўришса шунча қучоқлашишиб, бир-бириларининг дийдорларига тўйиб олардилар.

Меҳри холаникида неварани армияга кузатиш тараддуди бормоқда. Қариндош-уруғлар, қўни-қўшнилари, йигитчанинг ўртоқлари йиғилишган. Ҳамма ҳушнуд. Фақат она ғамгин. У одамлар кўзига хурсанд бўлиб кўрингани билан ичига чироқ ёқса ёримайди. «Қани, бу уй эгалари, нега шундоқ кунда улар йўқ? Қазо куним етганда ҳам бошимда улар турмас эканда!».. Оғир хаёлларни она юраги ўзидан ситиб чиқаролмай, тобора қон бўлиб бормоқда эди. Шу пайт этагидан кимдир тортгандек бўлди. Угирилиб қараган кампир ёнгинасида Саодат билан Бахтиёрни кўриб, ҳушдан кетишига сал қолди.

— Вой, оналаринг жонларингга тасаддуқ бўлсин, кўзичоқларим! Бувисини йўқлаб келган ширинларимдан айланай... Хай ойиларинг — Соҳиба қизим қани?!

— Юкларини олиб, мошинада келармишла.

— Вой, тилиннга онанг гиргиттон бўлсин, болагинам!..

Меҳри холанинг кўзларидан ёш тинмасди-ю, юзи тўла хурсандчилик, қувонч эди. Бу манзара эзиб ёққан ёмғирдан сўнг чарақлаб чиққан қуёшли кунга ўхшаб кетарди.

# Малҳам

Юқори маҳалла кишилари барвақт ётишади, шунинг эвазига бўлса керак, азонда туришиб, ишларига жўнашлари олдидан ўзларининг анча-мунча юмушларини битириб олишади.

Қилич билан Қорасочга эса бу «кун тартиби»нинг унчалик дахли йўқ. Қўшни қишлоқдан келин бўлиб тушган Қорасоч ерли қизларга нисбатан дадилми, жасоратлими, ҳар ҳолда бошқачароқ. У ҳар қанча

ишни бирпасда қотириб ташлайди, бўш пайтларда ўйин-кулги, айниқ-са, сайрни яхши кўради. Қилич аввал ҳамқишлоқларидан андиша қилиб, унинг бу одати учун унчалик рўйхуш бермай юрди. Қорасоч бунга ҳам чора топди. Улар сайрга ҳамма ухлагач, тунда чиқадиган бўлдилар.

Сутдек ойдин тун. Учоқда милтиллаб турган чўғ юзини кул қоплаган. Улар қозонга дайди ит-мушуклар йўламасин деган хаёлда қопқоқларига тош бостириб қўйишди. Сўнг қўл ушлашган ҳолда, овоз чиқармай бордилар-да, пастқам уйларни ортда қолдириб, тоққа туташиб кетадиган адирга чиқиб олдилар. Бу ёқда ҳеч ким йўқ: табиат, эркинлик...

Бирдан Қорасочнинг жарангдор кулгуси янгради. «Етиб олинг-чи!» деди у ва оҳудек чаққонлик билан олға югуриб кетди. Қилич хотинининг ортидан қувлай бошлади. У жон-жаҳди билан югурарди. Аёл кишига етолмай уялиб қолишдан, Қорасочнинг «эрим жисмонан ожизроқ экан», каби хаёлларга боришидан қўрқиб чопарди. Қишлоқ ортда қолиб, хашаротлар хонишига тўла дала бошланди. Кимсасиз ва нотаниш адир салобатидан хадиксирашми, ёки йигитнинг ҳаллослаб югуришига раҳми келдими, ишқилиб оҳудек илдам кетаётган Қорасоч одимларини секинлатди. Қилич хотинига етиб олиб, бағрига маҳкам босди, тўйиб-тўйиб бўса олди.

Бундай ширин онлар деярли ҳар куни такрорланарди, бахтиёр дамларнинг адоғи йўққа ўхшарди. Аммо Қиличнинг бир ойга командировкага юборилиши ишнинг белига тепди. Қорасоч бу ерлиларга нотаниш эди. Чол-камбирнинг у билан деярли ишлари йўқ. Куннинг кўп қисмини ҳовли-ю боғда чўпчак териш, салқинда мудраш билан ўтказишади. Кеч тушар-тушмас хуррак отиб ухлаб қоладилар. Қилич билан овуниб юрган эканми, Қорасоч икки-уч кун ўтмай қаттиқ зерикди. Қилаётган ишидан ҳузурланмас, умри уйда қамалиб ўтиб кетаётганга ўхшарди. Бир ойнинг ўн куни кетмай шундай аҳволга тушди, қолганига қандай чидар экан?!

Хайрият, Қилич командировкадан эрта қайтди. Обдан соғинишган экан, иккаласи бутун кунни бир-бирларини ялаб-юлқаб ўтказишди. Кеч тушгач, Қорасочнинг яна сайр қилиб келиш истағи билан ёнаётгани унинг имо-ишораларидан шундоққина кўриниб турарди. Қилич эса негадир хомуш эди. Ниҳоят, бардоши тугаган ёш келинчак эрининг қўлидан тутиб, дала томон бошлади. Оёқ остидаги ер тушиб кетадигандек Қилич эҳтиёткорлик билан одим ташлаб борарди. Қорасочнинг бўлса танида ёшлик шиддати кўпирар, қувлашмачоқни қўмсарди.

— Тутиб олинг, бўлмаса тоғларга чиқиб кетаман!

Қилич бутун куч-иродасини тўплаб югурди. Хотини узоқлашмасданок тутиб олмоқчи эди, бўлмади, ўн-ўн беш одим отмасдан инграниб тўхтади. Унинг оёғи биров пичоқ суқиб олгандек сирқираб оғрирди. Йигит майса устига ёнбошлаб олди. У ҳатто ўтиролмасди ҳам: болдирига чипқон чиққан эди.

Бу галги сайрдан Қорасочнинг кўнгли тўлмади. Улар хомуш ҳолда уйга қайтдилар. Йигит ҳар замонда беихтиёр инграниб қўярди.

— Нима бўлди, тобингиз йўқми?— тўсатдан сўраб қолди Қорасоч. Йигит билдирмайман, тузалиб қолар, деган хаёлда эди. Жон ширин экан, бугунги туннинг ҳам азобда ўтишига кўзи етиб турган йигит аламли товуш билан гўлдиради:

— Оёғимдаги ярани кўриб қўйсангиз бўларди!..

Томдан тараша тушгандай айтилган бу буйруқ Қорасочга бошқача таъсир кўрсатди. Аччиқланди, ранги ўчди, шартта «бу ерда малайингиз йўқ», демоқчи бўлди-ю, шу йигитнинг хотини эканлиги ёдига тушди шекилли:

— Қаерингизда эди у зорманда?— деди аламли товуш билан.— Тўғри келган жойда ётиб юриб орттиргандирсиз-да!

Хотинининг бу гапи Қиличнинг суяк-суягидан ўтиб кетди. Тоғ-у тошларда, гоҳо кимсасиз жойларда иссиқ-совуқсиз — не-не азобларда ўтадиган командировкани тушунмаганлар «роҳат» деб ўйлар экан-да! Бир кўнгли, бор-э, деб кўрсатмай қўя қолгиси келган йигит яна ўзини босиб олди ва ўгирилиб ётди. Болдиридаги чипқон шишиб кетган, қувлашмачоқ зўридан яранинг учи очилиб, қон аралаш йиринг оқиб турарди. Бун кўрган келинчакнинг юраги орқасига тортиб кетди, эрига раҳми келди. Шунда ҳам у кўнгилчанлигини йигитга билдиргиси келмади.

— Пишиб турибди, ситиб ташлайми?— сўради бепарво товушда.

Йигит иккиланди-ю, хотинига «қўрқоқ»лигини сездириб қўйишдан чўчиди шекилли, «майли» деб жавоб қайтарди у ҳам «бепарво» товушда. Қорасоч сал босган эди, бир оз фасод чиқди. Оғриқ зарбидан йигитнинг кўзларидан ўт чақнади:

— Қаттиқроқ боссангчи, эрмак қилиб ўтирмасдан! — бақириб ва сенсираб юборди у.

Бақирик, айниқса бемаврид сенсираш келин қулоғига ҳақорат бўлиб эшитилди. Бугун гавдаси оғирлигини бармоқларига солиб ярани жаҳл аралаш босиб юборди. Йигит азобдан бир силкинди-ю, тишини-тишига қўйиб, «Бос, бос!» деди беихтиёр. Ахийри яра ўрни пучайиб қолди. Бироқ, сал вақт ўтгач, тошбақа косасидек бўлиб қайта шишиб чиқди. Беморнинг ҳарорати ҳам кескин кўтарилиб кетди. Нима қилишини билмай серрайиб турган хотинига азобдан алахсираётган йигит харсиллаб, ҳазил аралаш деди:

— Нима бало, қўлингизнинг турган-битгани захар шекилли!

Бу ҳазил ёш келинчак бардошини бутунлай тугатди. Эрига бирпас ҳайрат билан тикилиб турган Қорасоч, кўзларига дув келган ёшларини қўли билан тўсди-да, шартта ўгирилиб, кўчага отилди. У хўрдиги келиб йиғлаб, ота-онасининг уйи томон кетиб борар экан, «Турмуш шунақа бўлса, ордона қолсин, кераги йўқ», дея шивирларди ўзига-ўзи. Йўлдан машиналар физ-физ ўтиб турибди. Қорасоч сал ишора қилса ҳар қайси шофер олиб кетиши аниқ. Келинчак ҳеч кимга ва ҳеч қаёққа боқмай яёв кетиб борарди. Йўлнинг ярмини ўтмасдан унинг кўнгли алланечук бўлди. Урмаса, сўкмаса, анчайин жаҳл устида айтилган бир оғиз гапга аразлаганини эшитганлар нима дейишаркин?!.. Шу ўй таъсиридан одим ташлаши сушлашди-ю, бари бир йўлидан қайтмади. Уч чақирим йўлни пиёда босиб, уйга кириб борганда, хайрият, укаларидан бошқа ҳеч ким йўқ экан. Кўнглига қил сиғмай турган Қорасоч бош ювишга тутинди...

Рўзмат ота урушдан бир оёқсиз бўлиб қайтганди. Шунда ҳам оқ эшагини минволиб, йигитликда ов қилиб юрган дала-тоғларни кун ора кезиб келади. Турли хил гиёҳлардан дориворлар тайёрлайди, ёз чилласи ўтгач, ўзи ясаб қўйган уячаларга оқиб тушган мўмиёларни йиғиб олади. Йўл-йўлакай зира каби тоғ неъматларидан териб тушади.

Ота бугун халта-тўрваларини тўлдириб қайтган эди. У ҳовлига киргач, оқ хангини оғилга боғлади, эгар-жабдуғини олди, сўнг қўлтиқтаёқлари ёрдамида қушдек енгил хаккалаб, ҳовлига кираркан, кўзи қизига тушди. Куёви кўринмасди. У салом-аликни ҳам унутиб, қизидан сўради.

— Қилич қани, қизим?

Қорасоч бир оз муддат сукутда туриб қолди, сўнг бошини қуйи эгиб, паст овозда жавоб қайтарди.

— Куёвингиз бетоб, баданларидан чипқон чиққан экан, мен... мен дори излаб келувдим.

— Айни вақтида кебсан, она қизим, — самимий гапирди ота, — ма-на, мўмиёнинг ҳам янгисини олиб тушгандим, гиёҳлардан тайёрланган

малҳам бераман, дарров бориб куёвимнинг ярасига боғланглар. Мўмиёдан ҳам оз-оздан, кунига уч маҳалдан ичиб турсин. Худо хоҳласа, бир ҳафта орасида яхши бўлиб қолади...

Ота гапдан тўхтаб, қизига сергакроқ тикилди.

— Қачон келувдинг, қизим?

— Эрталаб, тушга яқинроқ...

— Беморни бунчалик узоқ вақт ёлғиз қолдириш ярамайди, қизим. Мана бу дориларни ол-у, ғизиллаб Қиличнинг ёнига бор!..

Хотинининг кетиб қолиши чипқондан ҳам баттар бўлди. Оғриқ кўзига кўринмай қолган Қиличнинг дили хуфтон мук тушганча ётар, нима қиларини билмай лол эди. Хаёл сура-сура унинг кўзи илинибди. Шу оннинг ўзидаёқ йигитнинг марҳум онаси тушига кирипти.

— Қийналиб қолдингми, болам,— дея она қадоқ кафтлари билан ўглининг юзларини силаётганмиш. Қилич бўлса она бағрига талпинармиш-у, сира етолмасмиш...

— Онажон!!

Йигитнинг кўзлари ўз-ўзидан очилиб кетди. У ёнбошига ўгирилиб қолган, кўзларидан оқаётган ёш ёстиққа сингиб кетмоқда эди. Ҳароратнинг баландлигидан ҳарсиллаб нафас оларди. Қилич шу зумда кимнингдир қўли пешонасида турганини сизди. Буни ич-ичидан ҳис қилди-ю, ҳозиргина кўрган туши ёдига тушиб, «Онажон!» дея яна бақариб юбораёзди. Йигитнинг орияти кучлилик қилди, ўзини аранг босди ва бир амаллаб қўл эгасига ўгирилди. Қорасоч жиққа ёш кўзлари билан эрига тикилиб ўтирарди.

— Малҳам олиб келдим, Қилич ака, ҳозир боғлаб қўяман-да, «тез ёрдам» чақираман!

Йигит бир ўкиниб, бир яйраб хотинига боқди.

— «Тез ёрдам» керак эмас Қорасочим, фақат ўзинг доимо ёнимда бўлсанг бас!

Қорасочнинг бир томчи кўзёши кипригидан узилиб, йигитнинг суякдор ёноғига томди. У бу томчини яшириш учун ловуллаб турган юзини йигитнинг юзига босди.

Ғазалкент.



Рауль Мирхайдаров



ҲИКОЯ

Котлован тубида ишлаётганлар ўн икки киши эди — еттига камиш шляпа, бешта қозоқи телпак. Тепадан юзлари кўринмайди.

«Ўн учинчи бўларканман,— деб ўйлади Қутуев.— Анави чорпахили бригадир бўлса керак».

Чеккага тиралган нарвондан пастга тушиб борди. Мўлжали тўғри экан, ҳалиги чорпахил одам қўлидаги қорғични четга қўйиб, унга пешвоз чиқди.

— Мусаев бўламан,— деди у юзини белбоғига артатуриб.— Қани, қоғозингни бер-чи?... Хў-ўш, иккинчи навбат... тозалаш комплекси... Тўғри топибсан, Қутуев, биз билан ишлайверасан. Бу — цемент қорғични ҳеч ишлатиб кўрганмисан?

— Сал-пал, — деди Қутуев.

— Тузук... Майли, менинг вибраторимни ишлатавер. Заводга кетяпман, йўл-йўлакай бошқасини опкеларман. Келишдикми?..

Мусаев йигитнинг кифтига қоқди, сўнг котлован четидаги нарвон тарафга юрди.

Қутуев қорғични қўлда салмоқлаб кўрган бўлди, кейин суюқ бетонга ботирди. Зум ўтмай жиққа терга ботдию кўйлагини ечиб ташлади. Бадани оппоқ эди. Бетончилар бунни кўриб, ўзларича жилмайган бўлдилар. Лекин ҳеч ким гап қотмади. Қутуев аввалига уялиброқ турди, кейин, чарчагани сайин парво қилмай қўйди. Елкаси, бели оғриди. Бармоқларидан жон қочиб, карахтланди. Аҳён-аҳёнда теварагига ўғринча қараб оларди: йўқ, уларга бало ҳам ургани йўқ, баданлари чўяндай қора, оғир асбобни ўйинчоқ қилиб ишлашяпти. Қутуевнинг бо-

шидан иссиқ ўтди, кўзларига тер қуйилди. Лекин асбобни қўйиб бирпас тин олгани номус қилди — ишлайверди.

— Озгина дам олгин,— деди кимдир.

Қутуев бошини кўтариб, ишига разм солиб турган кексароқ ўзбекни кўрди.

— Шошилма, ўғлим,— деди ҳалиги киши пешонасини белбоғи билан артатуриб.— Ҳали хомроқсан. Қўйлагингни кий, офтоб билан ҳазиллашиб бўлмайди. Қани, сояга юр...

Қутуев бригада аъзоларига қўшилиб котлован четидаги бир парча сояга ўтди. Кимдир қуруқ ерга, ким тахта қутига ўтирди. Девор тагида биғиллаб ётган қумғонни олиб чой дамлашди. Навбати билан икки пиёладан чой ичишди. Қутуев ишчиларнинг қорайган, чарчоқ инган юзларига жимгина қараб ўтирди. Гапиргудай мажолги йўқ эди. Чамаси, ишчилар ҳам буни тушуниб туришарди.

Маъданли баланд тоғлар этагида жойлашган бу яшил ўзбек шаҳрига Шариф Қутуев комсомол йўлланмаси билан келган эди.

Зарбдор қурилиш штабида ўтирган қизча кўринишдан нозик бўлса ҳам, анча жиддий чиқиб қолди. Қутуевнинг саломига алик олар-олмас масалага кўчди:

— Қайси касбни ўрганмоқчисиз, ўртоқ...

— Қутуев...— деди йигит кулимсираб.

— Гишт терувчи, сувоқчи, бўёқчи...— дея қизча йигитнинг илжайганига парво қилмай, ўрганиш мумкин бўлган касбларни санашга тушди.

Қутуев унинг столига ҳужжатларини қўйди.

— Шофёрлик қилишим мумкин,— деди у.— Трактор ҳайдаганман, комбайнчи бўлганман. Қурилишда озроқ вақт гишт тердим, бетончи бўлдим.

— Яхши,— деди жиддий қизча.— Комбайнчидан бошқа ҳаммага иш топилади. Ҳозирча бетончилар етишмаяпти. Иши сал оғир, жазирама иссиқда ишлайсиз. Чидасангиз, тозалаш комплекси қурилишига юбораман.

Шу гапни айтдию синовчан қараб турди: қани, кўнармикан? Бетончилик дегани айтишга осон, оғир иш, жуда оғир.

— Керак бўлса боравераман,— деди Қутуев.— Сайр қилгани келганим йўқ.

Шу тариқа, Шариф Қутуев Мусаев бригадасига тушиб қолди.

Шариф бетончилар билан тезда чиқишиб кетди-ю, лекин асл касбини унутолмади. Узиям бу ерда машина деганнинг энг зўрлари ишларди: йигирма беш-қирқ тонна ортадиган «БелАЗ», «КрАЗ», хориждан келтирилган «Татра»лар.

У тушлик пайтлари бошқалардан илдамроқ тамадди қилиб олиб, маъдан комбинати оғзида навбат кутиб турган машиналарни томоша қилгани борарди. Кўпчилик шофёрларнинг отини ҳам билиб олди. Унга айниқса, яқинда ҳарбийдан қайтган, унниққанроқ аскарлик кийимидаги икки йигит ёқарди. Улар колоннага яқинда келишган бўлса ҳам, ҳаммадан ўзиб ишлашарди. Йигитлар ҳам Шарифнинг машиналар атрофида ўралашиб юрганини тезда пайқашди.

— Ҳа, йигит, дардманд кўринасан?— деб сўради бир куни қорачадан келгани, машина радиатори устига қўндирилган айиқ шаклини силаб туриб. Зўр-а?

— Зўр,— деди Шариф нягини қашлаб.— Машинанг зўр, менга ёқади.

— Ёқса, нега қараб турибсан, бизга ўтгину қўй-да!— деди шофёр йигит.— Бегонага ўхшамайсан...

— Иккинчи класс,— деди Шариф.

— Ҳа, балли! Бизга сендай йигитлар керак.

— Йўқ,— деб бош чайқади Қутуев.— Аввал анави компрессор биносига пойдевор қуриб олайлик. Бирдан кетсам, номардлик бўлар...

Эрта баҳорда, компрессорни топшириб, электролит цехида иш бошлаганларида, бригада кун бўйи бекор туриб қолди. Шариф чойхонада тамадди қилиб, озроқ теннис ўйнади, кейин маъдан бойитиш комбина- тига қараб юрди.

Ҳалиги таниш йигитлардан бири, Сергей дегани, юкини ташлаб, машинасини четга олиб чиққан, резина ичакдан сув пуркаб чангини юварди.

— Ҳали эрта-ку, мунча ясан-тусан қилмасанг?..— деб ҳазиллашди Шариф.

— Узинг-чи, бекорчи, нега иш вақтида санқиб юрибсан?— дея кулиб жавоб қайтарди Сергей.

— Бетон йўқ.

— Қани, машинага чиқ, нега бетон йўқлигини билиб келасан, — деди Сергей.

Шариф кумушранг «Татра»нинг кабинасига чиқди.

— Кетдик, оғайни!— деди Сергей машина эшигини ёпаркан.

Машина енгил қўзғалди. Бетон йўлга чиқдию тоғ тарафга елиб кетди. Йўлда учраган ҳайдовчилар қўл силкитиб, баъзида сигнал бериб, бир-бирларини қутлашарди.

Қутуев бу юртларнинг баҳорини биринчи марта кўриши эди. Келганидан бери бир ёзу бир қиш ўтди, бригадаларини гоҳ у ерга, гоҳ бу ерга ташлашди, ташвишу тинимсизлик билан баҳорнинг қандай келганини ҳам сезмай қолибди.

Атрофдан ер ҳиди келарди. Сергей машинани катта йўлдан чиқариб, кенг дала ўртасига ҳайдади.

— Қара, Шариф, кўриб ол!..— деб қичқирди Сергей.

Баланд қирлар ва улар орасидаги сойликлар бошдан оёқ ўт билан қопланган, ўтлар орасида қизғалдоқлар чўғдай қизариб ётар эди.

— Тўйиброқ қара, икки ҳафтадан кейин бу мўъжизани қайтиб кўрмайсан, қовжираб қолади, худди саробни кўргандай эслаб юрасан,— деди Сергей.— Бу ерларнинг баҳори жуда тез ўтаркан, оғайни, одамнинг ичи ачийди.

Машина тўхтади. Йигитлар ўтлоққа тушдилар. Шариф қизғалдоқ узмоқчи бўлиб энгашган эди, Сергей унинг қўлидан тутди.

— Шуни қўй,— деди у қиз боладай маъсумлик билан.— Қизғалдоқнинг ўсиб тургани маъқул. Узсанг, бир зумда сўлийди. Майли, бир кун бўлсаям алвонланиб турсин.

Шариф қирларга бир чиқиб келдию тагин эски касбини қўмсай бошлади. Ҳамкасби Қудрат ака буни сезди шекилли, сўраб-суриштирди. Шариф кўнглидан кечирганини яшириб ўтирмади, айтди.

Бир куни тушликдан сўнг чекиб ўтиришганда, бригадир Мусаев Шарифнинг ёнига келиб ўтирди.

— Қийналдинг, бола,— деди у.— Машиналар хаёлингни ўғирлаган кўринади. Яқинда ошналаринг ҳам келиб кетди. Узингдан бир садо чиқармикан, деб юрувдим. Нима дердим, ука, агар кўнглинг шофёрликни тусаса, майли, бора қол. Меҳнатнинг оғиридан қочмаслигингни биламан. Кейин, ука, бундай катта машинани ҳайдаш ҳам ўйинчоқ эмас. Ният қилибсанми, ниятингга ет. Агар у ёқда ишинг юришмаса, майли, ўзимизга қайтиб келавер, бригада сендан юз ўғирмайди. Шу гап, Шариф, энди кетар жафосига битта палов билан сийлайсан, Қудрат ака ёрдам беради...

Колонна бир неча янги машина олди. Дўстлар аралашган бўлса керак, Шарифга яп-янги «Татра» тегди. У ҳужжатларни расмийлашти-

риб, машинанинг «оёғини синаб кўргунча» чўлнинг бир тутам баҳори ҳам ўтиб кетди. Бир гал ўша Сергей билан борган жойга чиқди. Чўлнинг яшил либосини кимдир атай куйдиргандай эди. Баланд қирлар устида қуюнлар ўйнар, сойликлар ҳам аввалгисидан чуқурроқ бўлиб қолгандай эди.

Календарь баҳорни кўрсатиб турса ҳам, ҳарорат қирқдан юқори эди. Кабинанинг тандирдан фарқи йўқ, офтоб тагида сал туриб қолсанг бас, нақ ёниб кетади. Қутуев пастқам воҳалардаги қишлоқларни кёсиб ўтадиган сойларга тез-тез тўхтаб ўтадиган бўлди. Қирғоқнинг тайпоқроқ жойини топиб, кумушранг «Татра»ни сойга олиб кирар, сўнг ярим белгача яланғоч бўлиб, машинага челақлаб сув урар эди. Қишлоқ одамлари унга яхна чой олиб чиқишар, сўнг сой лабида ўтириб олиб, кулимсираганча «тасалли» беришарди: «Ҳали кўп ўрганмапсан, ошина, ҳеч қисн йўқ, ўрганиб ҳам кетарсан. Фақат сувни озроқ ич, бўлмасам, машинани совутгани қолмайди...» Шариф уларга қўшилиб куларди. Кулардию сой биқинидан ўтган йўлда елаётган таниш машиналарни кўриб, кўнглига гулгула тушарди. «Нормасини бажармасам нима бўлади? Машинани олиб қўйишмасмикан?..»

Тушлик тугаб, шофёрлар газ-сув сотадиган дўконча ёнида уймаллашиб турганларида, Шариф киши билмас тимирскиланиб кўрсаткичлар ёзилган тахта ёнидан ўтар, негадир мудом мўлжалдагидан кўпроқ рейс қилганини кўрар эди. Сўнг газабга миниб, ошналарини излаб кетарди. Улар пинақ бузмай туриб олишарди: «Хўш, бир-икки рейсини сенга ёзсак нима бўпти, осмон узилиб ерга тушадими? Ҳали сен ҳам бизга ёрдам берасан, балки анави Зайни Хабибуллиндан ҳам ўзиб кетарсан. Майли, ўндан, ўзсанг ўзгин-у, лекин ўхшаб қолмагин...»

Шариф ҳали янги бўлгани учун тунги сменага чиқмасди. Ҳозирча кундузлари юриб, ўзича трассани ўрганарди. Бир куни Хабибуллин келиб, смена алмашайлик, деб қолди. У илғор шофёр саналарди. Сурати тахтадан тушмасди-ю, лекин уни негадир бошқа шофёрларнинг ики суймасди.

Колоннада Хабибуллинга ўхшаганлар бармоқ билан санарли эди. Чуй трактида ишлаган, кейин Мўғулистоннинг узоқ аймақларига юк ташиган, Помир йўлларини кезган, ҳатто бир-икки йил Қримда бўлиб, айтишларича, яп-янги таксини капитал ремонтга ҳам етказмай адо қилган экан. Бу трасса, гарчи, унчалик осон бўлмаса ҳам, Хабибуллин учун ўйинчоқдек бир гап эди.

Хабибуллин шўх эди. Шўхликлари бошқаларнинг асабига тегарди. Ҳеч қачон, юклими ёки юксиз-салт кетяптими, одам боласига йўл бермасди. Чорраҳада дуч келадими, сой устидаги чоғроқ кўприкдами, кечами, кундузми — унга бари бир. Ҳатто комбинатнинг булбул кўзидай келадиган торгина майдонида ҳам кимўзарга ҳайдарди. Гина қилган ҳамкасбларидан тезроқ қутулиш учун: «Шофёрликда асаб зўр бўлиши керак, меники лифтнинг трасидай гап, керагидан ўн икки баробар мустаҳкамроқ!», дерди.

Колоннадаги шофёрларнинг кўпчилиги бола-чақали кишилар бўлиб, ҳар ким ўзининг тинчини кўзлагани учунми, бундай якдил бўлиб йигитнинг танобини тортишмади, аниқроғи, шунчаки қўл силтаб қўяверишиди. Бошлиқларга келсак, улар Зайнини жуда севишарди. Ахир, уни севмай бўладими? Илғорларнинг илғори! Отпускалар кўпайганда ёки ишнинг қизғин пайтида план тақалиб, дўппи тор келиб қолган кезларда Хабибуллиннинг тенги топилмасди — кунига икки норма бажаради!

У бирорта машинани ҳам муддатига етказиб минган эмас. Лекин янгилисини олиши доимо енгил кўчган. Туллак йигит эди, машина олишга қолганда Ҳурмат тахтасию барча ёрликлар, хуллас, бутун имкониятини

ишга соларди. Кейин унинг ташаббус бобида суяги йўқ эди. Каттами-кичикми, ташаббус бўлса бас, Зайни уни жон-жаҳди билан қўллаб-қувватлар, кейин кези келганда ташаббускорлигидан улуш чиқариб олар эди.

Агар Сергей билан Комил бўлмаганда, Қутуев янги «Татра»ни эмас, балки Хабибуллиннинг мажақланган «КрАЗ»ини минган бўларди. Йигитларнинг Хабибуллин билан нималарни гаплашгани номаълум, лекин, ҳар ҳолда, учар йигит қўлга кирай деб турган «Татра»дан воз кечди.

Ҳозир ҳам, смена алмашишни таклиф қиларкан, Зайни Хабибуллин секин писанда қилди: «Мана шундай, йигитча, гўрлигингиз бўлса ҳам, ўзимизга тегадиган машинани бердик, энди бизга ҳам салгина қайишасиз». Шариф рози бўлмасди-ю, лекин Хабибуллиннинг тунги сменадан кўрқаркан, деб ўйлашидан чўчиди, ноилож қўлини берди.

Мўъжизани қаранги, тунги сменада омади чопди — биринчи бор нормани ошириб бажарди. Шу-шу, тунда ишлайдиган бўлди.

— Бойўғлига ўхшайсан,— деб ҳазиллашарди Комил.— Кундузи ухлаб, кечалари ишлайсан.

Энди кўрсаткичлар тахтасида Сергей билан Комилнинг номига ёзилган ортиқча рейслар пайдо бўла бошлади.

Шариф Татаристонда эканида қишлоқлар ўрнини янги саноат районлари эгаллаб олаётганини кўрган. Кечаги галлакорлар бугун нефтчига, газчию кимёгарларга айланиб қоларди. Кең ўтлоқлар, ўрмонларга туташиб кетган экинзорларда нефть қувурлари пайдо бўлганини кўриб юраги ачишарди. Туғилиб ўсган қишлоғи ҳам ер юзидан йўқолди. Битта ходасигача қолдирмай бузиб юборишди. Шариф ақли билан тушунарди: «Ҳа, тўғри, шундай бўлиши ҳам керак, замон ўзгаряпти, одамлар ўзгаряпти, бусиз қийин...» Лекин кўнгил... кўнгил деганлари ақлга кўпда бўйсунмас, болаликдан кўриб-ўрганиб қолгани--қадрдон манзараларни қўмсар эди.

Ўзбекистонда ҳам шунга ўхшаш аҳволни кўрди. Маъдан ва кимё комбинатлари колхозларнинг ўнлаб гектар серҳосил ерларини ўзларига чегириб олишарди. Шу сабабдан бўлса керак, бир куни у қирлар устида бир талай бульдозер, скрепер ва «Киров» тракторларини кўриб ўзида йўқ қувонди. Сездики, бу ерларни текислаб, сув чиқаришади, пахта экишади — ҳамма ёқни яшиллик қоплайди. Пахта далалари йил сайин кенгайиб боради ва унинг ёнида одатдагидек қишлоқ қад кўтаради.

«Зўр,— деб ўйларди Қутуев.— Булар зўрроқ. Ахир, бир парча экинзорни бут қилиш фабрика ёки завод қуришдан осон эмас-ку!»

Чидаб туrolмади, машинасини чўл тарафга бурди. Сўрашмай ўтиб кетиш ўнгайсиз эди. Келганига бир йил бўлибдики, вақт топди дегунча деҳқонлар билан гаплашади. Аввалига иймангандай ҳам бўлди, кейин қараса, сал-пал фарқи бўлса бордир-у, лекин тушунишни истаган одам тушуниб олаверади.

— Ҳорманглар!— деб қичқирди у кичкина вагонча ёнида тўхтаб.

— Э, саломат бўлинг!— деб алик олишди тракторчилар.

Қутуев уларнинг икковини таниди — ҳар гал тўхтаб ўтганида, уни чой-нон билан иззат қиладиган кишилар.

— Э-э, ўзимизнинг чойхўр укамиз-ку!— деб кулишди улар.

— Чойни камроқ ичамиз, Маҳмуд ака, — деб кулди Шариф. — Энди сув баттар танқис бўлади, сизлар экадиган пахтани ҳам суғориш керакми, ахир?..

— Бўлмасам-чи!— дейишди улар.— Қирқ гектар ер очамиз, янаги йил яна қирқ гектар!..

«Бийдай қўриқда қирқ гектарли пахтазор!..— деб ўйларди Қутуев қўриқчилар ёнидан узоқлашаркан. — Бу сенга картошка ёки арпа экиш учун очилаётган ер эмас, пахта учун, кафтдай текис бўладиган ер!..»

Сал ўтмай, колоннадагилар ҳам янги ер очилишидан воқиф бўлдилар. Комбинат қурган трассада ҳаракат кучайди — янги ер очгали келган техника ҳам қўшилди. Қўриқчилар ишга борарда ёки қайтиб келарда йўл четида туриб, комбинатнинг тезюрар машиналарига қўл кўтарадиган бўлишди. Биров уларни олиб кетарди, биров елдай югуриб... Кўп ўтмай, қўриқчилар ўзларига керакли машиналарни узоқдан ҳам фарқлайдиган бўлишди. Қунлардан бирида Қутуевни катта йўл четида турган «газик» шофёри қўл силкиб тўхтатди. Машина қўриқ очаётган колхознинг раиси Усмон акага тегишли экан.

— Салом, Шариф,— деди раис.— Бир соатча бўлди, сени пойлаб турибман, бир гап бор эди.

Шариф Усмон аканинг машқи пастроқ эканини кўриб, ташвишга тушди:

— Айтинг, қўлимдан келса бажонидил...

— Эрталаб битта машиналаринг...— деб Усмон ака Хабибуллин хайдайдиган самосвалнинг номерини айтди.— Бизнинг сув ташийдиган машинамизни сойга тиқиб кетибди. Хайрият, шофёр сакраб улгурган. Машина сал лат еган. Бошлиқларингга борай десам, улар ҳам менга ўхшаган банд одамлар, хуллас, сенга шикоят қилмоқчи бўлдим, ука. Шофёрларинг ўзбошимча экан, ҳамма ундан нолиб гапиради. Бизнинг йигитлар, эҳтимол, йўл қондаларини сизларчалик билмас, лекин улар ўзларига эҳтиёт бўлиб юришади, тезликни оширишмайди. Сен ўзинг ўша билан гаплашиб қўй, бундай қилсак инсофдан бўлмас, деб айт. Ҳарна, қўшничилик деган гап бор, қилаётган ишимиз ҳам бир...

Қутуев Усмон акадан уялди, кўзини олиб қочди.

— Гаплашамиз, Усмон ака,— деб ваъда қилди.— Шофёримиз ўзи ёмон йигит эмас, тушунади.

У Хабибуллинни тушлик пайтида тутиш учун машинасига газ берди. «Йўқ, Зайни қилаётган ишимиз бирлигини тушунмайди,— дея гижиниб ўйлади. — У билан бошқачароқ, ўзи тушунадиган тилда гаплашмаса бўлмайди».

Юкни бўшатиб, Хабибуллинни ахтариб топди: кўрсаткичлар тахта-сига бугунги ишини бўр билан ёзаётган экан. Сергей Шарифнинг ёнига бир стакан минерал сув кўтариб келди.

— Кейин,— деб рад қилди Шариф, сўнг Зайнини чақирди:— Бери кел, Хабибуллин!

— Хўш, ёш авлоднинг бизда нима иши бор экан?— дея Хабибуллин у тарафга бефарқ ўгирилди.

— Нега сув ташийдиган машинани сойга тиқдинг?— деди Қутуев.

— Мен-а? Унинг ўзи сойга уриб кетди чоғи-ку...— деб тиржайди Хабибуллин.

Шариф чидаб туролмади, шартта бориб Хабибуллиннинг ёқасидан бўғди, шундай бўғдики, Зайнининг кўйлаги орқасидан ширр йиртилди.

— Аблаҳ экансан, сенга бу бир ўйин, унинг эса уйда болалари кўз тиқиб ўтиради.

— Ҳаддингдан ошма, болакай, эсингни киритиб қўяман!..— деб, дўқ урди Хабибуллин.

— Кейин, кейин гаплашасизлар,— дея Сергей уларни ажратиб қўйди.— Сен, Зайни, эсда тут, биз бу ерга узоқ вақт ишлагани келганмиз, ҳаммани ўзингга ўхшатаверма.

Хабибуллин йигитларни нафрат билан бир қур кўздан ўтказди,

кейин оёқлари остига тупурди-да, сўкиниб, чеккада қатор турган машиналар томон кетди.

Куз кирди. Ҳарорат пасайиб, жизгинак бўлиб ётган даштни икки бор ёмғир ювиб ўтди. Чанг босган япроқлар яна пистоқи тусга кирди. Сойларда сув кўпайди. Ер ҳам худди баҳордагидай намхуш ис тарата бошлади. Йўл четларида ёмғирдан баҳра олган ажриқлар қайтадан кўкариб чиқди. Кунлар ҳали узун эди. Карьер тепасидаги ўрмонзорлар секин-аста сарғая борди. Қушлар пастга, тоғ этақларига тушиб келдилар.

Насос станцияси ёнида колхозчилар чойхона очишди. Усмон ака комбинат шофёрларини ҳам таклиф қилиб, очилиш маросимида кичкина зиёфат берди. Шу кундан бошлаб колонна шофёрлари чойхонада тушлик қиладиган бўлишди. Бу ернинг шўрваси кўп мазали, сомсаси гўштли бўларди. Қабоби ҳам зўр. Самовар азондан то кеч шомгача бақирлаб қайнаб туради.

Шариф кейинги пайтларда Усмон аканинг нимадандир ташвиш чекиб юрганини сезарди. Кўпинча тонг отар-отмас колхоз агрономи билан йўл ёқасида айланиб юради. Шариф бу ҳақда Сергейга сўз очди, сўнг иккови раиснинг ёнига боришди.

— Сизга бирор нафимиз тегармикин, раис бобо?— деб сўради Сергей салом-алиқдан сўнг.

— Раҳмат, ўғлим,— деди раис.— Кўнгил сўраганларинг учун ҳам раҳмат, бошим осмонга етди. Ташвишим шуки, анави лэмка деганлари ишимизнинг белига тепди. Улар йўлни кесиб, сув ўтадиган қувурларни ётқизиб бермоқчи эди, лекин кучлари етмади. Нимжонроқ ташкилот экан. Насосларни ўзимизнинг кучимиз билан қурдик, десак ҳам бўлади. «Полвонлар» ремонтда, қувурлари ҳам, ётқизадиган машиналари ҳам, асфальт қиладигани ҳам, хуллас, ҳеч вақолари йўқ. Кутиб туришимиз қийин, ука.— Раис чеккада мунғайиб турган аргономига қараб қўйди.— Бу йил синовга бўлса ҳам, бир марта суғоришимиз керак.

Усмон ака ўзининг зорланиб гапирганидан орланди чоғи, алам билан қўл силтади:

— Э, падарига лаънат, қувурниям ўзимиз ётқизамиз!..

Чойхонага келганларида шофёрлар тушлик қилиб бўлган, сўриларда ўтирганча Зайни Хабибуллиннинг оғзига қулоқ туттишган эди.

— Жаннат тугади, болалар,— деб вайсарди у.— Ҳаммаёқни ўйдим-чуқур қилиб ташлашди. Йўл ёқасига уюб қўйилган қувурларни кўрдингларми? Бу ҳали ҳолва, энди пахта деган даҳмазаси бошланади, «зангори кема»лар имиллаб йўлга тушади, кечалари пахта ортган тошбақа тракторлар... Лекин бунисиям оз, кеч кузда шундоққина асфальт юзига пахта ёйганини кўр! «Оқ олтин»идан бир мисқолини ғилдиракка ўраб кетсанг, шўринг қурийди, нақ елкангга олов қалашади! Менга қолса, аввалгидай елдирсаму орқамда оппоқ булут қолса!..

— Ҳай, ҳай, Хабибуллин, сал пастроқ туш! Нега мунча пахтани ёмон кўрмасанг?— деб, уни тартибга чақирган бўлишди.

— Пахта менинг муҳаббатимга арзимайди, мен нейлонни маъқул кўраман.

— Балки сенинг юрагинг ҳам нейлондан бўлиб чиқар?— деб секин гап қотди Сергей.

Хабибуллин унга ўқрайди, лекин индамади.

Бир кечада қиш бўлди—қолди. Тоғ бағирларидаги барг тўкиб бўлган ўрмонларни қор қоплади. Сойларнинг соҳиллари ҳам бирдай оққа бўялди, шундан улар баттар шўх, баттар тезоқар бўлиб туюлади.

Йўллар муз тўнди. Машиналарнинг юриши қийинлашди. Лекин атрофда ёрдамчи техника кўп эди, колхознинг тракторлари қайдан бўлмасин судраб чиқишарди.

Шариф, Усмон аканинг колхоз агрономи билан дала айланиб юрганини кўриб турарди. Гап-сўзларига қараганда, уларнинг кайфияти ёмон эмасди. Ёғин мўл, шамол йўқ, қор дала юзида бир текис қалин ётибди, хуллас, ер улар истагандай намга тўйиниб олади.

Қиш бўйи колхоз тракторчилари Хабибуллиннинг машинасини икки марта трассадан чойхонагача судраб келишди. Улар моторни очиб кўришда Зайнига ёрдамлашишаркан, афсусланиб бош чайқар эдилар:

— Биринчман, деб айтасан-у, лекин машина жониворни аяш эсингга келмайди.

Хабибуллин уларни менсимасди чоғи, жавоб қайтармасди. Баъзида у ётоқдаги тўшагига чордона қуриб олиб, дунёдаги ҳамма нарсани: муз тўнган йўлни, қўшни колхозни, пахтани ва ўзининг «КраЗ»ини ҳам қолдирмай, бир-бир сўкиб чиқарди.

— Бўлди-да энди, намунча зорланмасанг!— деди бир куни Комил унинг гапларидан энсаси қотиб.— Ёқмаса, ана, катта йўл, кетавер, ким сени ушлаб турибди?!

— Кетадиган аҳмоқ йўқ,— деди Хабибуллин.— Машинага учинчи бўлиб навбатда турибман. Илғорман, қани, «Волга»ни бермай кўришин!.. Сўкасанми, йўқми, мenden ўтказиб ишломмайсан. Чидайсан энди, Хабибуллин машинасини олгунча ҳамманг чидайсан. Кейин... Сизлар шу пахта билан овора, нақ колхозчи бўп кетдинглар. Уларнинг плани бошқа, бизники бошқа. Дўстингга дўст бўлгин-у, лекин бурнакингдан берма!..

— Сен, Зайни, бошқаларни ўзингнинг газинг билан ўлчам!..— деди Сергей.

Баҳорда чигит экилиб, то униб чиққунича колонна шофёрлари колхозчилардан кам ташвиш чекишмади. Хайриятки, ҳамма нарса маромида бўлди: ёғин ҳам, қатқалоғу иссиғи ҳам. Чигитлар гуркираб униб чиқди. Ҳамма хурсанд эди. Айниқса, Усмон аканинг шодлиги зўр, боёқши бирор ўн йилга яшариб кетгандай кўринади — қомати гоз, юзига қизил югурган.

Қутуев эрта тонгда далага қараб ўтиришни севарди. Салқинда кетмонларини хира ялтиратиб эгат бошида юрадиган миробларнинг ишини кузатарди. Баъзида Хабибуллин ҳам унинг ёнига келиб ўтирарди. Афтида заҳарханда, ҳозироқ бирор сассиқ гап қиларини билиб, Шарифнинг ўзи унга биринчи бўлиб ҳужум бошларди:

— Хўш, кўнгли нейлон йигит, дала қалай, маъқул бўляптими? Утган йилги жазирама иссиқ қайда, деб сўрамайсан ҳам? Ариларнинг учиб келаётганини кўрдингми?

— Нима бўпти?..— дея энсаси қотиб сўради Хабибуллин.

— Ҳеч нарса. Улар ҳам сенга ўхшаб ишнинг кўзини биледи. Бекорга келишмаган чиқар?..

— Бошимни қотирма, бола. Навбатим яқинлашди, энди иккинчи бўлиб турибман, ҳадемай, чойхонада битта ош қилиб бераману бошим оққан тарафга кетаман. Лекин ош қилиб беришим тайин, Хабибуллин одамгарчиликни унутмаган.

— Одатда бунақа ошларнинг таги сал куйиб кетади,— деди Шариф.

Ёзнинг охирларига бориб, Шариф умрида биринчи бор пахтанинг очилишини кўрди. Кўрак ичида яширинган бир парча момиқ, бамисо-



ли тухумни ёриб чиқаётган жўжадай нурга интилар, сўнг эрталабки шудринг учиб кетиши билан чаноқ устида оппоқ гул пайдо бўлиб қоларди. Бир ҳафта ичида эгатларга бир маромда оқ ранг инди, худди оппоқ қор ёққандай, худди осмондаги дайди оқ булут йўл ёқасига келиб қўнгандай...

— Теримни қачон бошлаймиз?— деб сўрашарди шофёрлар агрономдан.

Шўрлик агроном уларга, ким билсин нечанчи бор, эринмай тушунтирарди:

— Қўлда терсак, аввалроқ бошлаган бўлардик, лекин бу ерни машинага атаганмиз. Самолёт чақирсак, дори сепиб, баргини тўкиб беради, кейин пахта терадиган машинани киритиб юборамиз...

Йигим-терим арафасида Шариф тунги сменага ўтди. Унинг биратўла йигирмата комбайн пахта даласига тушадиган пайтни кўриш орзуси бор эди. Қани, пахта териш қанақа бўларкан, кўрмай қолса, ким билади, яна бир йил кутишга тўғри келадими...

Тунлари у Хабибуллиндан ҳам ўтказиб ишларди. Шу сабаб, баъзида ариқлар ёнида тўхтаб ювинар, ҳовурини босиб, яна бемалол йўлга тушар эди. Бир тун саҳар пайти шундай тўхтамлардан бирида папирос чекиб ўтираркан, узоқроқда олов шуъласини кўрди. Назарида, олов кучайиб бораётгандай туюлди. У папиросни оёғи билан эзгилаб, кабинага чиқди. Зум ўтмай, колоннага тегишли машиналардан бири ёнаётганини кўрди. Шофёр очиқ капот олдида куймаланар, лекин енгил камзули билан оловни уриб ўчиришнинг уддасидан чиқолмасди. Шариф уни бирдан таниди — Хабибуллин! У эғнидаги пиджагини ечиб, ёнаётган машина тарафга югурди.

— Машинага тузукроқ қарасанг ўласанми!— деб бақирди Шариф. У ёнғин чиқиш сабабини дарров тушунган эди.

Бирпасда унинг ҳам пиджаги мойга беланиб, бурқсий бошлади.

— Рулга ўтир, сувга олиб кирмасанг ўчиरोлмайсан.

— Ақлдан оздингми, шу битта шалақ аравани деб жонимни хатарга қўяйми? Бак тўла ёнилғи, қўшимча бак ҳам ўрнатганман. Йўқ, оғайни ёнса ёнаверсин, жонимдан тўйганим йўқ!..— Зайни ёнаётган камзулини йўл четига отиб юборди.

— Тушунсанг-чи, аҳмоқ, агар машина портласа, ланъати ёқилғинг пахтазорга тушади. Мен бўғдойнинг ёнганини кўрганман, худо кўрсатмасин, ёмон, жуда ёмон!.. Қани, тез рулга ўтир!..

— Йў-ўқ, мен ҳали яшашни истайман!..— Зайни қўрқиб, машинадан нари тисланди.

— Аблаҳ, сендақалар нега яшайди ўзи!..

Шариф Зайнини бир уриб ағанатди-да, ўзи машинага чиқди.

Русчадан Мурод МУҲАММАДДУСТ таржимаси.

Мирпўлат Мирзаев

## Таассурот

□  
X азонларга чўмган боғлар гоҳ  
Юракларда хазин куй чалар...  
Шаҳар узра бир оқшом ногоҳ  
Баланд учиб ўтди турналар.

Термилиб мен, элас ва элас —  
Тингладим-у улар садосин,  
Ич-ичимдан туйдим шу нафас  
Кезиб юрган кузнинг сафосин.

Кўз олдимга келтирдим маъюс  
Мезон тўла дала-қирларни.  
Мудом менга ҳадя айлар куз  
Вазмин хаёл, теран сирларни.

Баланд учиб ўтган турналар  
Қишлоғимни солдилар ёдга.  
Ҳануз ажиб меҳрим сақланар  
Болалигим кечган ҳаётга.

Дунё бунча турланмаса тез,  
Бир мунг қоплар кўзларим уфқин.  
Кечагина гўдак эдик биз,  
Олдик бу кун оталар бурчин.

Онам меҳри, олис масканим,  
Туғилган юрт лавҳалари шан —  
Қириб келди қалбимга маним  
Учиб ўтган турналар билан.

Балки ҳозир ҳовлида укам  
Хаёл сураб кўкларга боқиб.  
Балки боғни кезиб ушбу дам  
Хазонларни юргандир ёқиб...

Масъуд яшамоқ ўз қўлимизда-ку,  
 Қайдан туғилар бу низолар бот-бот?  
 Бахти бекам умр наҳот бир орзу,  
 Турмуш рутубатсиз кечмагай наҳот?  
 Кундуз оғушидан қайтаман ҳориб,  
 Оқшом қаршилайсан сен мени толғин.  
 Чеҳрангдан чарчоғинг қувиб юбориб,  
 Бу дамлар менга шод термула олгин.  
 Эҳ, бизга бўйсунмас гоҳида асаб,  
 Зеро урунгаймиз иккимиз ҳарчанд:  
 Арзимас жумбоқни қилолмаймиз даф  
 Ва диллар зириллар, зириллар фарзанд.  
 Дилгир йўналаман ҳовлига шунда,  
 Тепамда ой боқар, милтирар юлдуз.  
 Жами ташвишларга парвосиз бунда  
 Олма барглари чирт-чирт узар куз...  
 Недандир юрагим кетар увишиб,  
 Мунча шитоб кечар умригузарон?  
 Билъакс, изтироблар комига тушиб,  
 Нечун кечмоғи шарт кунлар заъфарон?  
 Наҳот, эзгу сўзлар бисотимда йўқ —  
 Инъом айлагали кўнглингга учқун.  
 Токи бу асрда сени беандуҳ,  
 Ўзимни устивор кўрмоқлик учун?!  
 Гоҳо тушунмайман одамзод феълин —  
 Қўнганда юракка зарра ғам-ғубор,  
 Ундан фориг бўлмоқ шунчалар қийин,  
 Мардона жилмаймоқ шунчалар душвор!

□

Қиш чилласи. Уйқуда замин.  
 Гоҳ қор узра ел ўйнар қуруқ.  
 Яйдоқ боғлар —  
                                 ним туман, хазин,  
 Шохларида кумуш булдуруқ.  
 Теваракда  
                                 кун бўйи гоҳо  
 Янграр унсиз турфа оҳанглар.  
 Вужудимга руҳ этиб ато,  
 Тушларимга кирасан тонглар...

### *Янги йил оқшоми*

Кириб келар тараддудбахш шом,  
 Алланечук туйғудан дил маст...  
 Бу кеч биз ҳам  
 Тузаб дастурхон,  
 Дўст йўлини пойлаймиз,  
 Келмас...  
 Ун иккига  
 Соат урар занг,  
 Ўзгармайди одатий ҳолат.  
 Фақат  
                                 нафис безакларидан  
 Чека бошлар арча хижолат...

## Балоғат ўйлари

Теран, ажиб хаёллар аро  
Тунларимиз бедордир гоҳо.

Лек баридан устивор ва шан  
Ўйимизда бўй тиклар Ватан.

Ўйимизга ошно бир сурур,  
Ўйимизда — қисмат ва умр.

Кошки, яраб биз ҳам корига,  
Арзий олсак ифтихорига...

□

Кўҳна табиатнинг ибтидо ҳусни  
Тобора униқиб бораркан бу кун,  
Биласизми шундоқ хилват гўшани —  
Унда сукунатни  
Қушлар нағмаси  
Ва зилол чашмалар сасидан бўлак  
Ҳеч нарса,  
Ҳеч нарса буза олмасин...

У сўлим оғушда тунаб бир кеча,  
Ҳамдамингиз — мўъжаз гулхан қошида  
Қолиб ўзингиз-ла танҳо, юзма-юз,  
Милт-милт юлдузлардан узолмайин кўз,  
Умрингизни илк бор туюб бир тутам,  
Тириклик сеҳрига сиғинганмисиз?  
Ҳамда тун қўйнидан кузатганмисиз  
Серқутқу асримиз ял-ял жамоли —  
Ҳалқоб-ҳалқоб бўлиб ёнган уфқларни?..

Мавжудотни олиб оташли комга,  
Тобора ўрларкан у чўғ-аланга,  
Сиз ҳам шунда беҳос сесканганмисиз?..

## - Хотира дафтарларим

Кечир,  
Хотира дафтарларимни  
Ўқитмаганман сенга.  
Яшириб сақлайман уларни ҳануз.  
Аммо

ҳузурингдан кетсам гоҳ йироқ  
Ё бирор фалокат бетланса,

дастлаб

Шу дафтарлар келар кўзим олдига  
Ва бир безовталиқ чулғар дилимни:  
«Тушиб қолмасайди улар қўлингга...»  
Ўзимни койийман мен шунда такрор  
Асраб юрганлигим учун уларни —  
Ёқиб юбормайин  
Аллақачонлар.

Барот Исроил

## Менинг кўшиғим

Кўкда нуқта бўлиб  
пилдираётган,  
Улкани мадҳ этиб  
чулдираётган,  
Куйлаб, дашту қирни тўлдираётган —  
Тўрғай кўшиғимас,  
Менинг кўшиғим.  
Самога урилиб берган акс-садо,  
Момақалдиरोқмас, билиб қўй, ошно!  
Кўксимдан отилиб чиққан бу нидо —  
Менинг ҳайқирғим,  
Менинг кўшиғим.  
Қоядан отилган сув гувиллаши,  
Уммонлар гирдоби, тўлқин қувлаши,  
Ёмғир, қор аралаш аёз увлаши —  
Шамол ноласимас,  
Менинг кўшиғим.  
Боғларда хушнаво сайроқи қушлар,  
Деманг, фақат гулни севиб олқишлар.  
Улар куйга муштоқ кўнглимни хушлар,  
Демакки улар ҳам —  
Менинг кўшиғим.  
Хаёлим кўкларда қилмоқда парвоз,  
Жаҳонда нима бор — тинч яшашдан соз?!  
Тинчликни ёқлаган минг турли овоз —  
Бу менинг овозим,  
Менинг кўшиғим.

## Ҳамроҳимга

Осмон мисли — беқирғоқ денгиз,  
Курра гўё елканли кема:  
Кемадамиз,  
йўл оғир,  
тенгсиз,

Кураш енгил бўлади, дема.  
Дўстим, билгил.

    Ҳаёт уммони —  
Узра борар биз минган кема,  
Тўлқин суриб келган замони  
Сен ўзингнинг гамингни ема.  
Кемадамиз — демак битта жон,  
Жанг қиламиз бериб қўлга қўл.  
Фидоилар қолгуси омон,  
Сермашаққат ҳаёт деган йўл.  
Сафар чоғи пок бўлсин кўнгил,  
Мендан кўнглинг тўқ бўлсин, бироқ  
Ҳамроҳимсан!— шуни яхши бил:  
Биз кўзлаган манзил кўп йироқ.

□

Саҳронинг қоқ ўртасида ўсар эди бир дарахт,  
Якка ўзи сувсиз чўлда яшашни қилгандек аҳд.  
Адашганлар қора тортиб у томонга еларди,  
Ҳатто қушлар соясига нажот излаб келарди.  
Саҳронинг-ку қаҳри қаттиқ, бўронлари беаёв,  
Ёз оташи, қиш аёзи инсонга бўлолмас гов.  
Бири шарқдан, бири ғарбдан, интилар дарахт томон,  
Дарахт эса барчага тенг, соя ташлайди ҳамон.  
Шу дарахтга ўхшашлар бор, яшар, ишлар беминнат,  
Барчага сояси тегар, беғараз, олийҳимнат.





Қўлдош Мирзо

# Муборак буладим сејза

Ўғлим Алишерга бағишлайман.  
Муаллиф.

ҚИССА

1

Ташқарида гумбирлаб қоқилган довул овози мадраса сабоқ-хонасидаги Алишербек билан Ҳусайн мирзонинг қизгин суҳбатига чек қўйди.

— Одамларо, одамлар, боғда биткон бодомлар! Эшитмадим деманглар, эшитконлар қолманглар. Жаннатмакон Темурхон наслидин султон Абулқосим Бобир мирзо бу кун тонг-саҳарда ўзининг Машҳадаги хос қароргоҳида бандаликни бажо айлаб, тангри раҳматига рихлат қилмиш. Зоти боборакот марҳумнинг муборак жасади дорус — салтанага элтиб дафн этилғай. Намози пешин сўнгида масжиди жомеъ ва қолгон барча масжиду хонақоҳларда жанозаи фарз ўқилур. Бул ҳожати вожибдин мустасно қолмангиз, аҳли муслим...

Қўзларини катта очиб, иккови бир вақтда бир-бирига қаради. Улар султон Абулқосим Бобирнинг қора безгакка гирифтор бўлиб бемор ётганини билар, уни кечагина зиёрат қилиб чиқишган эди. У ҳатто Алишербекка «Гулшани роз»ни ўқиттириб, ажаб меҳру ихлос билан тинглаган эди ва лекин дафъатан бундоқ...

Алишербекнинг қарашида ташвиш, изтироб, Ҳусайн мирзонинг қарашида эса ҳайрат, бир оз ваҳм, нимадандир умидворлик маъноси акс этди. «Оллоҳ раҳмат қилсун», дея иккови юзига барабар фотиҳа тортди.

Суворий жарчилар отларининг тасир-тусурлари узоқлашиб тинди. Иккови ҳеч қандай гап-сўзсиз ўрнидан турди-да, қозиқдан бир хилдаги феруза ранг мовут чакмонларини олиб кийди; бошларига каштали тақия устидан чакмонлари рангидаги дасторни қўндирдилар. Ҳусайн

мирзонинг дастори фақат шаҳзодалик нишони билан фарқ қилар эди. Кавушандоз қирғоғига ўтириб, така терисидан тикилган баланд пошнали қашқарий нусха этикларини кияётганларида ҳам бир-бирларига қарамадилар, гапга оғиз очмадилар. Тахта лавҳда очиқ китоб, хонтахта устида варақ-варақ қоғозлар, давот, пат қалам ўз ҳолича қолаверди. Ташқарига чиқиб, мулозимларга от келтиришни буюрдилар. Алишербек ўзининг суюкли оқ йўргасига, Ҳусайн мирзо қорабайир арғумоғига миниб, султон Абулқосим Бобир қароргоҳи томон йўл олдилар. Отларини тезлаб боришар экан, ҳар қайсиси ўз ўйлари билан банд эди. Ҳусайн мирзо узангига оёқларини тираб от устида қаддини ғоз тутиб борар, у одатда отни тезлаганда шундай қилгучи эди.

Машҳаднинг эрта баҳори, яъни аямажуз<sup>1</sup> кунларидаги қиёфаси, дов-дарахту томлардан бурқираб кўтарилаётган паға-паға ҳовур, кўкда қуёшни пардалаб ташлашга интилиб, унга томон сузаётган лахтак-лахтак қора булутлар иккисининг ўйлар пардаси тўсган нигоҳларига илинмас эди. Муюлишга етганларида, ҳаяжон суронидан чип битган қулоқларига нариги кўчадан яна довул овози, жарчиларнинг даъвати чалинди...

Шу кетганича Алишербек мадрасага роса икки ҳафтадан сўнг қадам қўйди, Ҳусайн Бойқаро эса бу даргоҳга қайтиб келмади.

□

Алишербек сабоқдан чиқиб келар экан, халифаи мударрис Нуриддин Муҳаммад унинг қўлига хат тутқазди. Най қилиб ўралган бу мактуб дўсти аржуманди мирзо Ҳусайн Бойқародан эди. Ёрлиғини авайлаб кўчирди-да, мактубни очди. Олти қиррали япалоқ гишт ётқизилган мадраса саҳнида битта-битта қадам босиб, мактубни ўқишга тутинди. Мактубдан кўзини узмаган ҳолда мадраса ҳовлисидаги адлбўй сарвлар билан қуршалган сарҳовуз бўйдаги супага бориб ўтирди, арғувон танасига суянди. Ҳусайн мирзо мактубни мударрис Султоналидан ўрганган янгича хат билан битган эди.

«Қитъа:

Бўлмагай эрди жунун даштида саргардонлигим,  
Зулфи печу тобидан бошимда савдо бўлмаса.

Гавҳари мақсуд топмоқ мумкин эрмас, эй кўнгул,  
Кўз ёшинг то васл умиди бирла дарё бўлмаса...

*Қўлдош Мирзо ўшлик шоир, таъби назми кўпларга маъқул бўлиб қолган, самимий ёш қалам. Унинг вақтли матбуотда ўхтин-ўхтин кўзга ташланиб турган шеърлари бугунги адабий муҳитнинг эътиборинигинамас, шеърятни яхши билладиган, қадрлайдиган мухлисларнинг ҳам эътиборини тортган.*

*Қўлдош Мирзо ёш муаллим. Шу сабаб кўп ўқийди, кўп мутолаа қилади, бадиий адабиётнигинамас, тарихни ҳам кўп варақлайди, титади, ўзининг она тарихини, адабиётини, санъатини, маданиятини, қолаверса умумхалқлар тарихини мутолаа қилади, шогирдларига кўпроқ билим беришга интилади.*

*Қўлдош айниқса классик адабиётимизни яхши кўради, тинмай ўқийди уни, ўқий билади, унинг ўз қаламига теран таълим эканлигини яхши билади. Шундан унинг тили ҳам гализмас, камбағалмас, рангпармас. Бу хусусан, кейинги*

<sup>1</sup> Қиш билан баҳор оралиғи.



Дўсти содигим Алишербекка етиб маълум бўлғайким, сўзимнинг ибтидоси — дуойи салом. Ун олти навкар бирлан камина Марв шаҳрига келиб, Санжар мирзо даргоҳида паноҳ топдим ва ул саховат пешага куёв бўлдум. Мазкур хуш пайғомдин<sup>1</sup> воқиф ўлғайсизким, Санжар мирзонинг ожизали зурриёти Бека Султонбегимни манкуҳаликка<sup>2</sup> олдим. Кўнглум чоғ, равиш-рафторим ёмон эрмас.

Ҳасби ҳолингиз, равиш-рафторингиз қондоқ? Ҳирийга<sup>3</sup> бормадингизму? Мадрасадаги сабоқларга иштирокингиз нечук? Ҳамсабоқларга дуо дегайсиз. Машқи назмингиз нечук? Манинг режаю амолларим бисёр, муқарраби меҳрибон.<sup>4</sup>

Сарфу харажатингизга Ҳиротдин сармоя келиб турарму?

Падари бузругворларимиз кўкалтош<sup>5</sup> сға-ини эдилар, зероки, биздаги оға-инилармиз. Бир-биримиздан воқиф бўлуб турайлик. Мактуб йўлланг.

Шукр лиллоҳким, жамолингдин кўзум равшан дурур,  
Хаста кўнглумга висолинг гулбуни маскан дурур.

Ўтлуқ оҳимдинки ҳажринг ичра чектим шуълалар,  
Шамъи икболим бу кун ул шуъладин равшан дурур.

Дурфишон кўзум жамолинг жавҳарининг аксидин,  
Гар бурун дуржи гуҳар эрди, букун маҳзан дурур.

Не учун гулдек очилмай базми ишрат ичраким,  
Мажлисим шамъи бу кун ул сарви сиймитан дурур.

Ашк<sup>6</sup> ила ишрат гулин очтинг яна ишқ илкидин,  
Эй Ҳусайний, санга юз таҳсину минг аҳсан дурур.

Мирзои дарбадар Ҳусайн ибн Мансур Бойқародурмен.  
Вассалом-вал-икром».

Алишербек чуқур энтикди-да, мактубдан нигоҳини узиб теваракка боқди, кўнгли ғаройиб ҳисларга тўлиб, чуқур-чуқур нафас олди. Оламжаҳон кўзларни қамаштиргудай чароғонлашиб кетган. Илк баҳор осмони булоқ сувидек мусаффо ва мовий. Мадрасанинг зумрад гум-

*Йиллари машқ қилабошлагани кичик нарсаларида кўзга ташланади, новеллаларида, тарихий мавзулардаги машқларида. Унинг қўлимизга олганимиз Навоийнинг ёшлик даври ҳақидаги бир чимдимгина қиссаси ана шу тилда, ана шу тарзда ёзилгандир. У балки ҳали ҳақиқий қисса даражасига қадар етилмаган илк машқдир, аммо муаллифнинг кузатишлари, шоир образига, замонига, қисмати драмаларига муносабатлари, ҳаяжон ва фикр тўла саҳифалари катта адабиёт эшигини дадил тақиллатаётган адибнинг даъвогарлигидан далолат. Аввалдан сизни бу асар ҳақида бир фикрга йўллаб қўймоқчи эмасман. Лекин шунини айтсам адашмайманки, ёш муаллиф сизни буюк шоиримизнинг илк ижодий даври гулшанига олиб кира олади. Сизнинг бунга ишончингизни тилаб, муаллифнинг ижодини илгаритдан кузатиб келгувчи*  
**Туроб ТУЛА.**

<sup>1</sup> Хат.

<sup>2</sup> Рафиқаликка.

<sup>3</sup> Яъни, Ҳиротга.

<sup>4</sup> Меҳрибон сирдош.

<sup>5</sup> Эмуқдош.

<sup>6</sup> Кўзёш.

базларига беҳисоб юлдузлар сочиб юборилган. Бу юлдузларнинг бири ўчиб, бири порлар. Майин-мулойим сабо юзларни ноз билан силаб-сийпалайди. Ёқимли сабонинг қанотида қушларнинг нағмаси. Бутун оламни қушларнинг нағмаси босиб кетган.

Алишербек бу чароғонликдан, бу сабо, бу қушлар нағмасидан, кўнглидаги тўлиб-тошиб ётган ҳислар мавжидан сархуш бўлиб қанча фурсат ўтирди — билмайди.

Қаёқдандир турналарнинг «қур-қур» деган овози эшитилдию мовий осмон қўйнида чарх уриб, умбалоқ ошиб ўйнаб учаётган оқ, кўк, новвотранг, ола-була кантарлар тўпи бирдан тўзиб кетди. Ақлу ҳуши ҳислар уммонидан шўнғиб чиқди-да, Алишербек ўзига келгандай бўлди. Қўлидаги мактуб юзига хас келиб тушди: паррандалар ин қуриш ҳаракатида. Алишербек арғувон тепасига назар ташлади-да, ўрнидан туриб кетди.

Бир гуруҳ талабалар салом бериб ўтишди. Мадраса ҳужраларига кимлардир кирар, кимлардир чиқар эди. Ҳовли гавжум. Ҳозир Алишербекнинг кўнгли танҳоликни истар эди. Шунинг учун у тўғри кўчадан юрмай, анҳор томон бурилди. Анҳор ёқалаб кетади. Бу йўл камқатнов, хилват. Арава, от-улов деярли юрмайди.

Олам мунча гўзал. Анҳор пастда, чуқур ўзандан оқар, унинг юзаси шундай осуда, бешикастки, гўё оқмай тургандай. Ҳув ана, сувга тегиб турган мажнунтол новдаларининг қимирлашигина унинг оқаётганини маълум қилиб турибди. Бу новдаларнинг куртаклари писта мағзидек бўлиб бўртиб-бўртиб қолган. Шамшодлар анҳор ёқалаб ажиб виқор билан саф тортиб туришибди. Бақатеракларнинг таналари кумушдек товланади. Чархпалак инграб айланади, новга шар-шар этказиб сув қуяди.

Шу асно пастликдаги анҳор бўйида кўзанинг оғзи кўринди-ю, йўқолди. Кўза оғзи иккинчи марта кўринганда, кимдир кўзани юқорига қўймоқчи бўлаётганига фаҳми етдию Алишербек дарҳол югуриб бориб, анҳор ёқасига чўнқайди. «Вой!» деган бир садо янгради-да, унинг пастга узатилган ўнг қўли шундайлигича қотиб қолди. Ҳайратдан нафаси ичига тушиб кетди, юраги бир дам уришдан тўхтади. Сув тўла кўза гурсиллаб ерга тушгандагина юраги ҳаракатга келди. Пастда, уч киши аранг сиғадиган майдончада соҳибжамол бир қиз турар эди. У ҳам ҳайратдан киприк қоқмай туриб қолган. Ағанаб ётган кўзадан биқирлаб сув оқар, у билан икковининг ҳам иши бўлмас эди... Қиз ўзига келиб, бошидаги дуррасини ҳаяжон ва ҳаёдан қип-қизариб кетган юзига тортди. Кенг енгларини юзига парда қилганича энгашиб, ағанаб ётган кўзани олар экан, шундагина оёғининг учига кўзанинг қирраси ёмон тушганини сизди ва кавуш устидан бармоқларини ушлаб қўйди.

— Оёғингизга қаттиқ тушмадиму? Ман эҳтиётсизни маъзур тутгайсиз, — деди бир оз ҳушини йиғиб ўрнидан турган Алишербек.

Ҳаяжон ва хижолатликдан нима қилишини билмас, у қўли билан бу қўлини эзғилар эди. Қиз эса кўзани икки қўли билан тутамлаганича Алишербекка орқа қилиб чўнқайиб ўтирар, ям-яшил мурсаги<sup>1</sup> ерни саропардадай қоплаган, унинг устидан сим-сиёҳ ялтироқ қирқ кокили ёпирилиб тушган, патила-патила учлари ерда чувалиб ётар эди.

Ниҳоят, Алишербек тилга кирди:

— Кўзани тўлатинг, бул ёққа олишиб берайин.

Қиз индамасдан кўзани сувга ботирди. Ўрнидан туриб, бошини ердан кўтармай, кўзани икки қўллаб Алишербекка узатди. Кўзани олар экан, Алишербек «Бале!» деди ва «Раҳмат» деган мусиқий бир

<sup>1</sup> Аёлларнинг пахтастик тўни.

овозни эшитиб, кўкси беихтиёр қалқиб кетди. Қиз яна кенг енгини юзига парда қилиб, ерга боққанича ёнбоши билан турар эди...

Алишербек гўё ҳавода муаллақ сузиб бораётгандек эди. Қанча юрганини билмайди, бир маҳал машҳур шоирларнинг ҳуру парилар ҳақидаги сатрлари хаёлига ёпирилиб келдию тўхтади. Шуурига бўйсунмаётган ички бир туйғунинг амри билан орқасига ўгирилди. Бу орада қиз қиблага қараган, ёнларида супа кўтарилган икки тавақали ўймакор дарвозага яқинлашиб қолган эди. Алишербек қиз дарвоза ичига кириб кетгунича қараб турди. У кўздан ғойиб бўлгач, бирдан ҳушёр тортиб: «Во, оллоҳ! Одамий жинсидинму бул ёхуд малакму?»— деб қўйди ўзича сўзланиб. Эшикка тикилиб турганидан хижолат тортиб, йўлга тушди. Лекин қаёққа кетаётганини билмас, хаёлида ҳозиргина рўй берган манзарани, воқеани тикламоқчи бўлар, лекин нима-сидир етишмай, кўнгли тўлмасди. Қайта бошдан яна бир-бир хаёлидан кечириб кўрди, бари бир кўнгли тўлмади. Кейин у анҳор ўзанида кўргани паривашнинг сувратини тасаввурида гавдалантиришга тиришди, паривашнинг овози қулоқлари остида, наинки қулоқлари остида, балки бутун жисму жонида янграб кетди. «Бу не овоз? Рубобнинг овозими, ғижжакнингми?— ўзича гудранарди.— Ҳошолиллоҳ! Менга не бўлди?»

Шундай қилиб, бир вақт Чинорон мавзеида кўрди ўзини. Шундагина қаерга келиб қолганини, қанча юрганини пайқади. Қуёш ҳам мағриб томон оғиб, пешин вақти бўлиб қолган. Алишербек ниҳоятда толиққан, очиққан. Лекин руҳи тетик, кўнгли равшан эди. Сўл томонга, йўлдан анча ичкаридаги етти оғани чинорлар остидаги хўракхона томон бурилди. Кўнлар илиб қолгани учун чорпоялар ташқари чиқарилиб, хўракхона саҳнининг ҳар қаер-ҳар қаерига қўйилган. Бошларига каштали оқ дўппи кийган хўракхона хожаси билан унинг дастёри шкомда ток тараш билан машғул. Улар Алишербекнинг саломига алик олиб, «Хуш келибсиз, сафо келибсиз», деб қўл қовуштиришди. Йўлак ёнидаги катта чорпояда ўтирган хўрандаларга Алишербек салом бериб ўтар экан, нариги чорпоядаги танишлар ҳузурларига таклиф қилишди. Алишербек уларга тавозе билан узрини билдирди-да, холи турган кичкина чорпояга бориб ўтирди. Ҳозир унинг кўнгли танҳоликни истар эди.

Дастёр Алишербекнинг олдида дастурхон ёзиб, лачурий нон билан ҳолва қўйди. Сўнг қўл қовуштириб, Алишербекнинг юзига итоаткорона боқиб:

— Не нав чой нўш этурлар, хожам?— деди.

— Тар чой<sup>1</sup> дамлаб кетиринг, иним,— деди Алишербек.

Дастёр кумуш суви билан зеб берилган хитойи чойнакда чой дамлаб келтирди-да, елкасидаги сочиқни олиб, унинг устига ёпиб қўйди.

Алишербек ноннинг бир бурдасини энди еган ҳам эдики, азон овози эшитилди: муаззин аҳли муслимни намозга чорларди. Алишербек оғзидаги луқмани ютиб, азон айтилиб бўлгунча қимир этмай ўтирди. Сўнг, фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

□

Алишербек хаёлида боя кўргани малакнинг сувратини тикламоққа уринар, аммо тиклаганида нимадир кам бўларди... Еноғига тегиб ғашини келтираётган дасторининг печини зарда билан ўрама қатига шитиб қистирди-да, адрасмон исли рўмолчасини олиб, юз-кўзларини артди. Дилидан тилига кўчган мисраларни пичирлади:

<sup>1</sup> Кўк чой.

«Яна не ўт эдиким, гушти хонумонимға,  
Яна не шуўла эдиким, туташди жонимға.

Яна не барқ эдиким, тушгач ўртади хасдек,  
Бир ўт шарорасидин жисми нотавонимға.

Яна не новаки мужгон эдики, қатлим учун  
Ўкилди кўнглума, яъники кирди қонимға...»

Орқадан карвон қўнғироқларининг овози эшитилдию мисралар узилиб қолди. Алишербек орқасига қараб, эшак етовида келаётган тўрт-беш туяни кўрди. Қўй баррасидан ағдарма кулоҳ кийган киши остидаги эшакни халачўп билан ниқтаб ҳайдайди. Икки ёнда биттадан суворий карвонни кузатиб келмоқда. Туяларнинг икки ёнбошидаги қопларда аллақандай талқонсимон юк, орқадаги икки туянинг икки ёнбошидаги кажавалар қаймоқ ранг мрамар тошлар.

Шундоққина муюлишда иморат қурилмоқда эди. Ўша жой яқинида туялар чўктирилди. Улар юкларидан бир-бир халос этилдилар.

Алишербек иморат қурилиши манзарасини томоша қилиб маҳлиё бўлиб қолди. Деворзанлар ҳавозалар устида эркин ҳаракат қилишади. Бири чиғириқни айлантириб пастдан челақларда қоришма — лой тортади, бири бу қоришмаларни девор устига силлиқ қилиб ёяди, бошқаси пастдан ирғитилган 'мураббаъ'<sup>1</sup> шаклидаги ғишларни моҳирлик билан қўлида илиб олади-да, қоришма устига ҳавасланиб текис қилиб теради. Иморатнинг нариги томонида ҳам бир гуруҳ деворзан худди шу ишни бажармоқда. Пастда, ҳов нарида, бир-икки сангтарош қаймоқ ранг ва сурма ранг мрамар тошларни қирқиш билан банд, ҳақкоклар<sup>2</sup> эса қирқилган бўлақларни пардозлаб, уларга чўкич билан қандайдир шакллар ўймоқдалар. Омонатгина ясалган ўчоқ устида дошқозон, ундан паға-паға буғ чиқади. Ер остига ўйиб кириб борган ўра ичидаги хумдондан тутун бурқирайди.

Алишербек шотут остидаги катта харсанг тошга ўтириб, усталарнинг ишини астойдил томоша қила бошлади.

Шу вақт кўчада тўрт нафар ҳабаш қул кўтарган тахтиравон пайдо бўлди. Орқасида икки маҳрами билан саман бедов минган улугсифат киши. Отнинг устига қизил сахтиён жул ёпилган, ундаги кумуш қўнғироқчалар отнинг юриш маромига мос жиринглайди. Отнинг ёлпўши ва эгар кумушу садаф қадаб безатилган. Суворийнинг ҳам эғнида қизил абришим тўн, бошида жиға қадалган сувсар бўрқ. У ёш; шунга қарамай, ҳеч қайёққа боқмай, икки қўли билан эгар қошига таянганича виқор билан нописанд ўтиб кетди. Мутакаббир зодагоннинг бу вазияти табиати нозик Алишербекнинг энсасини қотирди.

Унинг ёдига беихтиёр «Хисрав ва Ширин» достонидаги ажойиб заҳматкаш ва ҳунарпеша йигит Фарҳод тушди-ю, ўрнидан туриб кетди. Иморат сари борди. Бинокорларга эҳтиром билан салом берди. «Ҳорманглар» деб ҳол сўради. Яшил абришим тўнини, мухтасар ўралган дасторини ечиб, дарахтга илди. Қайси ишга уннашини билмай, бирпас тараддуланиб турди. Ғишт уюми олдига келди-да, ундан битта-битта олиб, устанинг қўлларини мўлжаллаб икки қўллаб ота бошлади. Унинг бу хатти-ҳаракатини кўрган бинокорлар бир-бирига қараб қўйишди. Ғишт ирғитаётган ёш йигит:

— Ман ўзим отиб улгурамен, қўйинг, — деди унга хижолатли боқиб.

Деворга ғишт қўяётган мўйсафид уста эса:

— Энгил-бошингиз чангланиб кетур, махдум, — деди кулиб. — Хумдондин янги чиққан хишт дағи илкингизни чақа қилур... Жаноб-

<sup>1</sup> Квадрат.

<sup>2</sup> Тошга гул ўювчилар.

лари ўзи қайдин? Фозилсифат кўринурсиз. Бизни маъзур тутгайсиз, сўрогоннинг айби йўқ, ўғлим.

— Ман бир толиби илммен, устод,— деб жавоб берди Алишербек ва ихлосу эҳтирос билан ишини давом эттираркан, устага қараб.— Не иморат бўлғуси бул?— деб сўради.

— Работ бўлғай, иншооллоҳ.

Алишербекнинг хаёлига кейинги кунларда унга ҳеч тинчлик бермай қўйган достони келди, устанинг: «Работ бўлғай, иншооллоҳ» деган иборасида достоннинг асосий қаҳрамони Фарҳоднинг у ўйлаб юрган фазилатларидан бири намоён бўлгандек туюлиб кетди-да, уни яна хаёл олиб қочди:

«Ман битмак бўлгон достоннинг марди майдони Фарҳод бўлур. Шириндек дилдорнинг муҳаббатин оёқ ости қилгон, Фарҳоддек ошиқи содиқни, заҳматкашни маҳв этгон Хисрав нечук достоннинг асос мояси бўлсун? Фасонанинг туб марди майдони Фарҳод, ахир. Ул бояги зодагондек такаббур, нописанд бўлмас. Хокисор ва камтар бўлур. Ҳеч муддат қаро меҳнатдин қочмас, борча ҳунарлардин воқиф бўлур. Худ Ширинга лойиқ киши бўлмоғи керак. Иншооллоҳ, бул фасонани ман ўз ҳолимча битурмен...»

Хаёлидан ногоҳ ўтган фикр Алишербекнинг ғайратига ғайрат, рағбатига рағбат қўшар, унинг ғайрат билан ишлаши бинокорларнинг ҳайрат ва ҳурмати оширар эди.

Шу яқин-атрофдан муаззиннинг намози асрга чорловчи овози янгради. Ҳамма ишдан тўхтади. Пастда ишлаётганлар эса ўз жойларида дарҳол чўнқайиб ўтирдилар. Ҳамма қўлини очди. Кўча юзида эшак миниб кетаётган киши ҳам пастга ирғиб тушди-да, чўнқайди. Лекин эшак қурғур нўхтасини тортиб юлқинар, эгасини ўтиргани қўймас эди. Қаердадир нола қилаётган чарх ҳам инграшдан тўхтади.

Ҳамма юзига фотиҳа тортиб, ўрнидан турди.

Алишербек ҳам белидаги фўтасини<sup>1</sup> ечди-да, бинокорлар қавати-га кирди. Фўтасини ёзиб, аср намозини адо этди.

Намоз адосидан сўнг Алишербек бинокорлар билан илиқ хайр-хўшлашиб, кулбасига йўл олди.

## 2

Алиёр бобо Алишербекни мунтазирлик билан кутар, кўнглида ғулу. Унинг кечикканидан безовта бўлиб, пешайвондаги супада хавотирланиб ўтирар эди. Хожасини кўрди-ю, истиқболига шошилди. Алишербекнинг баҳор офтобида сезиларли даражада қорайган чеҳрасида ҳорғинлик бор эди. Алиёр бобо уни соғ-омон кўриб, тилига дарҳол шукроналик каломи келди:

— Алҳамдулиллоҳ. Ўзунга шукр, худоё худовандо, қатла-қатла шукр...— У Алишерни тавоф қилди: икки қўлини унинг кифтига уриб, юзига фотиҳа сурди. Кўзларини унга бир муддат жавдиратиб турди-да, мис офтобани олиб, қўлларига сув қуйди.

Пешайвон ўчоғидаги чўғни кул боса бошлаган. Ўчоққа осилган декчанинг қопқоғи четидан билинар-билинемас буғ кўтарилади. Алиёр бобонинг хатти-ҳаракатидан Алишербекнинг кўнгли алланечук бўлиб кетди. Тақдирга тасанноки, Алиёр бободай содиқу мушфиқ ҳамдами бор. Ғариблигини билдирмайди. У йўлга ва тилга кирибдики, Алиёр бобони билади. Бечора офтобда соя бўлади, совуқда пўстин. Кўнглига келган истакни кўзидан билади. Раҳматли падари бузругвори Кичкина Баҳодир Алиёр бобони ўзига жуда яқин кўрар, ундан пинҳон ҳеч

<sup>1</sup> Урама белбоғини.

қандай сир-асрори йўқ эди. «Алишербекни санга, сани халлоқи оламга топширдим» деб қўйғучи эди. Ўз қавмидан бўлгани учунми, ҳар нечун, унга ихлоси ортиқ эди.

Алиёр бобонинг хатти-ҳаракатлари, юз-кўзларида бир тараддуд сезилиб турар, хожасига нимадир демоқчи бўлар, аммо уни қандай изҳор қилишни билмас эди. Алишербек бу кунги воқеалар таассуроти билан шу қадар банд эдики, бободаги тараддудни пайқамасди.

Овқатланиб, дастурхонга фотиҳа қилишгандан сўнггина, Алиёр бобо дастурхонни йиғиштиришга шошилмай, Алишернинг юзига қарай-қарай сўзга кирди:

— Пешин асноси жойнамоз устида ўлтирсам, биров эшик қоқадур. Намозни бўлмадум. Ўбдон қоқадур. Намозни бот-бот охирига еткиздим, ўрнимдан кўпуб, ташқари чиқдим. Икки отлиқ сипоҳий<sup>1</sup>. Хужраи хосни ҳалос айлангиз, шаҳар доруғасининг<sup>2</sup> ҳукми бул», — дейдур.

Алиёр бобо бу сўзларни айтиб, бошини ҳам қилганича индамай қолди. Фақат секингина «Валаддуз-зино»<sup>3</sup> деб сўкиниб қўйди. Алишербек, шундай бўлиши керакдай, бу ҳодисани кўпдан кутиб юргандай индамади. Алиёр бобо бу ҳолни ўзича тушунди-да, Алишербекка, кўпроқ ўзига-ўзи тасалли бера бошлади:

— Не илож. Қобили бедодмиз<sup>4</sup>, ўғлум. «Инналлоҳо массоби-рин»<sup>5</sup> дейдилар. Бу кунлар ҳам ўтиб кетар.

Шаҳар доруғасининг буйруғи Алишербекнинг нотавон ва ошуфтаҳол туйғулар билан лиммо-лим кўнглига қаттиқ зарба эди. Аммо бу зарба кутилган зарба бўлгани учун у ўзини тезда ўнглаб олди. Кундузи анҳор бўйида бошидан кечирган ҳодисасини хаёлида янгилади. Кўргани малакнинг сиймосини тасавурида сувратлашга уринди. Булар ҳозиргина еган зарбасининг захрини дилдан сиқиб чиқарди.

Дарича тоқчасидаги шамни олиб, хонтахта устига қўйди. Давот ва пат қалам олди. Кундузи хаёлида туғилган сатрларни қоғозга тушира бошлади:

«Яна не ўт эдиким, тушти хонумонимға,  
Яна не шуъла эдиким, туташди жонимға...

Яна не барқ<sup>6</sup> эдиким, тушгач ўртади хасдек,  
Бир ўт шарорасидин жисми нотавонимға.

Яна не новаки мужгон<sup>7</sup> эдики, қатлим учун  
Тикилди кўнглума, яъники кирди қонимға».

Тайёр сатрларни қоғоз узра нақшлагач, қалам тўхтади. «Дарвоқе, эмди не қилгаймен? Қаён боргум? Вақф хужрасига кўчса не бўлур. Борча талабалар онда тириклик қилурлар охир. Фақирона мадраса хужрасининг неси ёмон. Мунга дағи ўй, таважжухму. Мавлоно Султонали билан мударрисни акобир мавлоно Сайид Ҳасан Ардашер билан кенгашиб кўрайин... Йўқ, Ҳирийга кетгум. Не бўлса бўлсун, кетгум».

Нохуш ўйларни узиб диққат-эътиборини қоғозга қаратди: ғазални давом эттирмақча уринди, аммо уни ниҳоясига етказа олмади.

Алишербек бугунги кўрган-кечирганларидан ниҳоятда толиққан эди. Шундай бўлса-да, у анчагача ухлай олмади. Воқеалар ичидан анҳор бўйида рўй берган воқеа ажралиб чиқар, хаёлини банд қилар, жисми-жонига шу чоққача ҳеч бир кўрилмаган тароват бахш этар эди.

<sup>1</sup> Подшолик хизматчиси.

<sup>2</sup> Шаҳар ҳокимининг.

<sup>3</sup> Ҳарам.

<sup>4</sup> Зулмга кўнувчанмиз.

<sup>5</sup> Оллоҳ сабрли бандага ёр.

<sup>6</sup> Чақмоқ.

<sup>7</sup> Киприк ўқи.

Ул қизнинг исми не? Қимнинг қизи?.. Қизнинг жамолини хаёлида жонлантириб, унда янги-янги гўзаллик қирраларини топар, уни эслаши билан ёдидан бошқа барча озору аччиқликлар кўтарилиб кетар эди.

Мана шундай ўй-хаёллар билан Алишербекнинг кўзи илинди. Кўзи илиндию, туш кўрди. Анҳор бўйида кўргани ўша малак, бошида кашмирий ҳарир чодра, ҳовучида бир бош ҳусайни узум билан Алишербекнинг рўбарўсида пайдо бўлур эмиш. Алишербекка тутиб олинг, дегандай имо қилар эмиш. Алишербек тортина-тортина қўл узатар эмиш. Қўли етмас, яна узатар, ҳеч етмас эмиш. Қиз ноз-истиғно билан, олинг, дегандай имо қилар эмиш. Алишербек шунчалар қўл узатар эмиш-у, қўлини узумга етказа олмас эмиш... Шу пайт Алишербекнинг ҳовучида чарос пайдо бўлар эмиш. Алишербек уни қизга тутар эмиш. «Олинг» дер эмиш. Қиз қўл узатиб, узумдан ола олмас эмиш. Алишербек бу ҳолдан хижолат тортиб, ҳовучини чўзиб узатар эмиш. Бари бир қиз узумдан ола олмас эмиш.

...Шу чоғ бирдан қизнинг боши узра яланғоч қилич пайдо бўлди. «Тўхта ман бу дастасиға садафлар қадалғон ҳайбатли қилични қайда кўрганмен?.. Дарвоқе, бу «Ҳазрат Алининг қиличи!» Шаҳзодалар они шундоқ дебон, тавоф қилғучи эдилар. Темурийлар саройида кўрганмен. Тиғида битиги бор: «Мусулмоннинг иши — итоат». Бу фикр миясида яшиндек барқ урди-ю, Алишербек ўзини қиз томон отди. Қилич қиз қаддини иккига бўлиб ташлади, учи Алишербекнинг бошига келиб тушди.

Алам ва изтиробнинг зўридан Алишербек уйғониб кетди. Томоғи қақраб, аъзойи бадани жиққа ҳўл бўлиб кетибди. Хужра қоп-қоронғи, фақат куббадор дарича ўрнигина оқариб кўринар эди.

Тушнинг таъсиридан анчагача ўзига кела олмай ётди. Кўнглига гашлик инди. Ўрнидан турди. Қоронғида пайпаслаб қозикдан жуббасини<sup>1</sup> олиб кийди. Пешхонадаги Алиёр бобони уйғотиб юбормаслик учун эшикни секин очиб, эҳтиёткорлик билан қадам ташлаб ташқарига чиқди.

Сокин тун. Ҳаво салқин. Ҳов, узун бўйли сарв дарахтининг учида, ўнг томонга бир озгина оғган ҳолда, исиргадеккина ҳилол ой қўниб турибди. Қаердандир узоқдан итнинг ҳазин улиши, чақалоқнинг ҳорғин йиғиси эшитилади.

Тун салқинидан вужуди ором олиб, айвон супасига бориб ўтирди. Отхонадан отнинг пишқириви, кейин депсингани эшитилди.

Алишербекнинг кўнгли анҳор томонга талпинар: ақлу шуурга бўйсунмовчи бир куч кўнгилнинг даъватига қўшилиб, ўша томонга судрар эди. Бу куч анҳор томонга бор, у ерни томоша қил, тавоф айла, дер эди.

Ўша мўъжизали жойни кўрмаса бўлмайдигандай туюлди. Ғалати бир рағбат, қизиқиш билан йўлга тушди. Анҳор томонга бурилгандагина кавуш билан кетаётганини билди. Тўхтади. Энди орқага қайтиш жоиз эмаслигини тушунди-ю, илгари босди. Қаердадир, орқада ит во-вуллади. Унга бошқаси қўшилди; учинчиси қўшилди, хуллас, кўпайиб кетди. Алишербек ерга шартта чўнқайиб ўтирди-ю, итлар овозининг тинчишини кута бошлади.

«Ул пари кўйида ман девонани банд айлангиз,  
Банди-бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.  
Телба кўнглум топсангиз, эй ёри кўйи итлари,  
Тўш-тўшидан тишлабон парканди-парканд айлангиз.

<sup>1</sup> Устки кийим.

Қилсангиз тасвир Лайли хуснин, ул ойдек сизинг,  
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз»,—

дея кўнглидан ўтказди.

Итларнинг овози тингач, яна йўлга тушди. Бирдан таққа тўхтади. Анҳор ичида чархпалак инграб айланар, юқорига кўрачаларда сув олиб чиқиб, новга қуяр эди. Яна инграб айланиб, шу ишини такрор бажарарди...

Қоронғилик анчагина қуюқ бўлишига қарамай мўъжиза юз берган жойни дарҳол таниди. Қирғоққа яқинлашиб, кундузи чўнқайган жойини топиб чўнқайиб ўтирди. Пастга қаради. Ўзанда қоронғиликдан бошқа ҳеч нарса кўринмас эди. Атрофга қаради. Қиз кириб кетган дарвозани нигоҳи билан тахминлаб топди-да, унга термилиб ўтирди.

Қанча ўтирди, билмайди. Ўз ҳолидан ўзи ўсал бўлиб кетди-да, ўрнидан турди. Атроф-теваракдан хўрозларнинг қичқириқлари эшитилла бошлади.

Маскани томон келар экан, орқадан, жомеъ масжиди томондан муаззиннинг эринчоқ овози ҳаволанди. Ундан кўра яқинроқдан бошқаси қўшилди унга.

Алишербекнинг кўзлари қоронғиликка кўникиб қолдими ёки тун қоронғиси ўзи ёриша бошладими, — энди теvarак-атрофдаги нарсалар боягидан аниқроқ кўрина бошлади.

Алишербек ҳужраи хосга кириб келганида Алиёр бобо ўрнидан турган, айвонда ўчоққа ўт ёқиш билан машғул эди. Хожасининг кўча томондан келганини кўриб, таажжуб ичра қараб қўйди-ю лекин сабабини сўрамади.

### 3

Алишербек Ҳиротга қайтиш ҳақидаги ўй-режаларини вақтинча унутди. Уч кун мобайнида мадрасадан қайтишда анҳор ёқалаб ўтадиган айланма йўл билан юрди. Лекин учар юлдуздек бир кўриниб йўқолган малакка тўқнаш келмади. Тўртинчи куни эса энди эрталабоқ анҳор ёқалаб мадрасага йўл олди. Мўъжизакор жойга яқинлашганда Алишербек аввал қадамини секинлатди, кейин тўхтади. Бзовта юрагини босиш учун атрофни нигоҳи билан тавоф қилди. Ваҳимали туш эси-га тушди-ю, кўнглига ғашлик суқилди.

Қизни учратиб қолиш эҳтимолидан умидини узиб, жузвдонини бзовта кўкси устига босганича шахдам қадам ташлаб борар экан, ўша муқаддас дарвоза остонасида ўша малак кўринди. Алишербекка нигоҳи тушди-ю, таққа тўхтади. Парпираб очилган кўзларида нимадир учқунланди, оппоқ чеҳраси қизарди. Чеҳрасида, мийиқларида гунча очилишини эслатувчи оний бир ҳолат намоён бўлди. Нима қилишини билмай бир зумгина саросимада туриб қолди. Сўнг бўйнидаги чодрасини ияклари узра юзига тортди, тисарилиб ўзини ичкарига олди.

Юришдан тўхтаб қолган Алишербек эса жойидан жиламан деб мувозанатини йўқотиб гандираклаб кетди. Ҳис-ҳаяжондан ғовлаб кетган боши, қулоқлари ғувиллар эди...

Алишербек мадраса дарвозасидан киргач мулоҳаза қилиб ўтирмай, тўғри суюкли устози Сайид Ҳасан Ардашернинг дарсхонаси сари йўл олди. Устознинг аруз фани хусусидаги мазмундор ва мароқли сабоғини тингламоқчи бўлди. Эшикдан кириб, кавушини кавушандозда қолдирди-да, шерозий гилам узра юриб бориб, дарича дарпардаларини очиб юборди. Танобий хонага гур этиб субҳий сабо кирди. Дарича остидаги якандозга чўккалаб ўтирди. Жузвдонидан аруз тўғрисидаги рисолаини олди-да, лавҳ устига қўйди.



Бошини орқага ташлаб хонанинг қуббасимон шифтидаги туйнукка боқди. Унда бир парча ложувард осмон кўриниб турар эди.

Алишербек уч-тўрт талаба билан устозни кута бошлади. Мударрис мавлоно Сайид Ҳасан Ардашер кириб келганида талабалар устознинг ҳурмати учун ўринларидан туришди, саломига таъзим билан жавоб қилишди.

Мавлононинг арузнинг мураккаб баҳрлари ҳақидаги суҳбати Алишербекнинг қулоқларига кирар эди-ю, аммо зеҳнига кирмас, у ўз ўй-хаёллари билан банд эди. Фақат мисол тариқасида келтирилган айрим байтларгина унинг эътиборини тортар, бир зумгина ўй-хаёлларидан ажратар эди. Умуман, устознинг кўплаб байтларни ёд билиши, туркий лафздаги шеърятга алоҳида майли Алишербекни ҳар вақт ҳам қойил қолдирад ва ихлосини оширад эди.

Мавлоно Сайид Ҳасан мисол қилиб келтирган Атойининг ушбу матлаъи Алишербекка хусусан манзур бўлди:

«Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,  
Ғояти нозуклигинин сув била ютса бўлур».



<sup>1,2</sup> Ғазалнинг биринчи ва охириги байтлари.

Бу матлаъ унинг кўнглидаги фикрни, туйғуни ифодалар эдиким, шунинг учун байтни ичида бир-икки бор такрорлаб қўйди.

Кўнглида ажиб ва ғаройиб фикрлар пайдо бўлар, бу фикр, туйғулар назм қиёфасига киришга чоғланар, ўз соҳибини қийнар, тўлғонтирар эди. Қани энди ҳозир ҳужран хосда бўлса, хонтахтаси олдига ўтирса-ю, бари-барини қоғоз юзига тизиб қолса!.. Ушбу матлаъ билан мақтаъни тилга келтириб, ёдида муқим тутиб қолди:

«Эл парию ҳурни дегай гумон қилғонча хўб,  
Лек эрур ҳуру паризодим манинг юз онча хўб.  
Эй Навоий, кўйининг хори кўзумга гулча бор,  
Ким эрур оллимда кўйи равзан ризвонча хўб».

Воиз «туркий» дейилувчи халқ қўшиқлари вазни хусусида тўхталиб, уларнинг шўх, ўйноқи ва мусиқийлигини таъкидлади-да, яна Атоийнинг қўшиқ вазнида битилган байтларидан замзама қилди:

«Эй орази шамсу қамарим, нетти, не бўлди?  
В-эй тишлари дурри гуҳарим, нетти, не бўлди?»

Умрумни санинг қуллуғунга сарф қилибмен,  
Эй ўз қулидин беҳабарим, нетти, не бўлди?»

Бир зарра сучук сўзни Атоийдин оёрсен,  
Эй лаблари шаҳду шаккарим, нетти, не бўлди?»

Ҳазалдаги шоирлик ҳунарини шарҳлар экан, бирдан Нуриддин Муҳаммад устознинг сўзини бўлди, калласини бир томонга эганича:

— Туркий алфоз ғайри шеърдур, монанди шеърият эмас,— деди.— Ҳазални форсийда демак жоиз-бажоиз.

Ҳазалга сеҳрланиб ўтирган Алишербек устозга ҳамдардлик билан боқиб деди:

— Маъзур тутғайсиз, устод. Ман...

Сайид Ҳасан Ардашер бошини ирғаб розилик билдирди:

— Мақбул, мақбул.

— Туркий тилни ўқсутмак хато эрур. Мавлоно Атоий, Саккокий, Лутфий киби устодларнинг ашъори ҳеч бир форсий ҳазалдан кам эрмас. Аввал лафзни хўб ўрганмак, билмак керакким, ондин сўнг бу бобда дам урса бўлур. Оғойи Нуриддин Муҳаммад, иқроор бўлингким, неча бора мунозара қилдуқ, зеро, сиз юза хаёл қилурсиз...

Устоз Алишербекка мамнун боқди-да, худди Нуриддин Муҳаммадга ўчакишаётгандек:

— Навоийе, охирги кунларда битгон, биз уқмаган шеърларингиздин ўқуб берингким, аларни биз вазн жиҳотидин шарҳ этурмиз,— деб сўраб қолди.

Бундан руҳланиб кетган Алишербек қўлларини тиззалари устига қўйиб, томоқ қириб бир оз тарадудланиб турди-да, икки ҳазални шарҳ рос ўқиди. Устозга, айниқса, кечагина битилган икки ҳазал маъқул келди. Ҳатто унинг матлаъини қайта-қайта ёддан ўқиб шарҳлади.

Ул паривашким бўлубмен зору саргардон анго,  
Ишқидин олам манга ҳайрону ман ҳайрон анго».

Устоз ҳазалдаги Навоийнинг маҳорати, шеърий санъати тўғрисида эҳтирос билан узоқ гапирди ва бу тўғридаги гапини:

— Туркий алфозда ҳам яхши шеър айтмак мумкин эконму охир!— деб якунлади.

Сўнг шеърда таҳаллус қўллаш борасида сўзлаб, таҳаллус олиш шоирликни бўйинга олиш эканлигини, таҳаллус шоир шеърларининг руҳини ифодалашни лозимлигини уқтирди. Алишербекнинг туркий тил-

даги «Навойи», форсий лафздаги «Фоний»<sup>1</sup> тахаллусларини шарҳлаб, олқиш айтди.

Шу кун и оқшомда Алишербек дўсти аржуманди Ҳусайн мирзони завжаи ҳалоли билан қутлаб жавоб номаси ёзди. Унда жони ишқ бодасидан маст, бода ишқидин майпараст эканига, ошиқлик кўчасида ажойиб ҳолатларни бошидан кечираётганига ишорат қилиб ўтди.

#### 4

Алишербекнинг янги ошиёнга — мадраса ҳужрасига кўчиб ўтганига анча бўлган, бу ерга кўникиб ҳам қолган. Ҳиротга қайтишга шошилмас, чунки кўнгли Машҳадга боғланиб қолган, бу муқаддас шаҳарни тарк эта олмас эди. Энди маъшуқасининг отини билади: Гулижон. Бироқ ўзининг ошуфта ҳолини бировга ошкор қилгани йўқ. Отанинг қизини чақиритишдан маъшуқаси исмини билиб олди, холос. Анҳор бўйи унинг доимий қиблагоҳи. Кун ора, гоҳо ҳар кун и ўша ерни зиёрат қилиб ўтади.

Шунча кунлар ичида ўша кўнглини фатҳ этган қизни бир мартагина учратди, холос. Ҳар бир кўрувни бутун тафсилотлари билан хаёлида қайта-қайта жонлантиради, шу шавқли машғулоти билан умр онлари ўтади. Шу машғулоти билан овунади, рағбат олади. Назм жиловида итоат этган фикр ва туйғуларини қоғозга туширади. Баъзан қалбида фикр ва туйғулар шундай тўлиб-тошадики, уларни назмга бўйсундира олмай шошиб қолади. Шу билан бирга, кўнгил уйида ҳаммиша бир ғашлик ҳам изғийдики, уни ҳеч қувиб чиқара олмайди.

Работ қурилишида усталарнинг ишига маҳлиё бўлиб, уларга қарашиб оқшомгача ўша ерда қолиб кетди.

Иморат энди бутун борлиғи билан қаддини тиклаган. Сурма ранг мрамар пиллапоярларга ўрнатилган олтита азамат устун иморатнинг олд томонидаги маҳобатли пештоқни кўтариб турар эди. Энди бу ерда асосан дурадгор усталар, ганчкор ва сиркор, наққош ва мусаввирлар ишлар эдилар. Икки киши катта ҳанпада қуймоқ хамиридек қилиб ганч қоради, наққошлар пешхариларга турли асбоблар билан гул ўяди, уч киши ўроқ-рандалар билан васса йўнади. Сиркорлар тош талқонини ишқор гиёҳининг шарбатига қориб сир тайёрлашади. Ҳар хил шаклдаги идишлар орасида юрган киши эса турли бўёқларни араштираиб, уларга сут ва олтин, кумуш, мис кукунларини қориштириб турфа ранг бўёқлар ҳосил қилади...

Айниқса, ганч ёпиштирувчилар билан мусаввирларнинг ишини томоша қилиш мароқли эди. Ганчкорлар қўлларининг моҳир хатти-ҳаракати натижасида қуббадор даричалар, кунгирали тоқчалар ҳосил бўлар эди. Мусаввирларнинг мўйқаламлари шундай текис, латиф ҳаракат қилар эдики, улардан ҳосил бўлаётган гулларнинг мураккаб чизиқлари ва турфа рангларига қараб Алишербекнинг кўзлари қамашади. Алишербек уларга ганч ва бўёқлар ташиб берди, узатиб турди. Гоҳо идишдаги бўёқни мусаввир мўйқаламига тутди...

Оқшом палласи. Алишербек бугун ҳам маъшуқасини кўра олмаганидан ичи ачишиб келар эди. Бир от қўшилган арава унинг орқасидан етиб келди-да, олдинга ўтиб кетди.

Буни қарангки, арава... ўша муқаддас дарвоза олдида тўхтади. Ундан яшил хилъатли биров тушди. Уша... ўша малак! Алишербекка кўзи тушди-ю, дарвозага кирмай тўхтаб қолди. «Фақирни ҳам таниди.

<sup>1</sup> Уткинчи.

Таниб қолмишу, ёдда сақлаб қолибдур», Алишербекнинг кўнглидан лип этиб шу ўй ўтди.

Қиз ичкарига кириб кетди. Дарвоза ҳадеганда очилмади шекилли арава томондан эркак кишининг:

— Гулижон, дарвозани очмайсанму? Қаён ғойиб бўлдинг, қизим,— деган овози эшитилди.

Алишербекнинг миясида «Атоси! Атоси экан» деган фикр барқ урди. Араванинг қаватига етганда, овоз соҳибини кўрди: мўйсафид киши отнинг тумшуғи тагида тизгинидан ушлаб турар эди. Араванинг ичида аёл кишининг шарпаси кўзга чалинди. Алишербек мўйсафидга ҳаяжон ва яширин бир меҳр, эҳтиром билан салом берди. Салом берар экан, ланг очилган икки табақали дарвозанинг бир четида юзига ҳижобини тутиб олган ҳолда турган маъшуқасини кўрди.

«Гулижон!»

«Гулижон!»

«Гулижон!..»

Алишербекнинг бутун вужудига шу бир оғиз сўз ҳукмронлик қилиб олди. Нафақат Алишербекнинг вужудини, балки бутун оламни шу сўз банд қилиб қўйди.

«Гулижон! Гули! Биласенму, ман булбулингмен! Фақир булбулинг бўлайин!» Кўзларидан сизиб чиққан севинч ёшларини тута олмай қолди. Кейин уларни ўз эркига қўйиб берди.

Қуёш аллақачон уфқ ортига ботиб кетган. Ундан бир парча алвон ранг шафақ нишона бўлиб қолган. Буни қарангки, сўниб бораётган шафақ устида сур рангга кира бошлаган осмонда бир юлдуз ожизгина милтираб турибди. Алишербекнинг миясида фикр чақмоғи барқ урди ва «Чеҳрасин ёпгандан сўнг, кўзларимда ёш пайдо бўлди. Тўхта!.. Ҳов-ҳа!.. Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш... Бале, бул эмди мақбул ҳол! Кейинги байти эмди...» Кейинги байтлари ҳадеганда ёдга келавермади.

Ҳужрага кира солиб, Алишербек ўша ғазални дарҳол ахтаришга тушди.

## 5

Кунлар тобора узайиб ва исиб борарди. Мева-чева ва полиз экинлари пиша бошлади. Келиб-кетувчилар кўпайиб, шаҳар гавжумлашиб қолди. Кечасию кундузи ғир этган шабада эсмайди; кечалари, айниқса, ҳаво дим бўлади. Алишербекнинг бахтига унинг ҳужраси кунга тескари томонда. Ҳужрада, хусусан, кундузлари салқин бўлади.

Мадрасалар ҳувиллаб қолган. Таътил бошланиб, айрим талабалар вақф экин майдонлари, боғларида ишлаш учун чиқиб кетишган. Узоқ-яқиндан келган талабалар эса ўз юртларига, ота-оналари бағрига йўл олганлар.

Эл-улус орасида аввал, шаҳзода Иброҳим мирзо Хуросонга ҳукмдор бўлибди, деган овоза тарқалди. Кўп замон ўтмай, Самарқанд султони Абусаид мирзо Хуросонни ҳам ўз қаламравига олмиш ва тахтини Ҳиротга кўчирмиш, деган хабар эшитилди. Алишербекнинг кўнглида бу хабарларнинг бири Ҳиротга қайтмоқ умидини уйғотса, бири бу умидни сўндирар эди.

...Улар Машҳадга субҳу саҳарда кириб келдилар. Маймана работидан буён тинимсиз чопиб келаётган отларни ўз ҳолига қўйдилар. Енгил тортган отлар ўзини кўп ҳам койитмай йўртишга тушди. Али-

шербек Маймана ёмхона<sup>1</sup>сида ўзининг суюкли оқ бедовига мингандан кейин отининг яна ўз илкига кирганидан суюниб кетиб, завқидан йўл бўйи чоптириб келди. Ҳиротга борарда отларни алмаштирар экан, ёмхона эгасига пул тўлаб, оқ бедовни яна қайтариб олажагини айтган эди. Ўзининг садоқатли оқ бедовига мингач, Алишербек Ҳиротда кўрган озорларини бир оз унутган бўлди.

Индамай, ҳар ким ўз хаёли билан келар. Алиёр бобо хожаларининг қўраси қўлдан кетганига, дорул-қурблари<sup>2</sup> йўқ бўлганига ачиниб ичидан эзилиб боради. Ичида султон Абусаидни «Язид<sup>3</sup>, Шумри<sup>4</sup>лаин» деб сўкади.

Кўрадан, ота-оналарининг изи ва иси бўлган дорул-қурбдан маҳрум бўлганига Алишербекнинг ҳам ичи ачиб, кўнглини мунгли ҳислар қуршаб олар, лекин кўра вақф ихтиёрига ўтибди, хонақоҳ бўлибди, эмди унда аҳли дил, аъни дарвишлар яшайди деган фикр ачиниш ҳисларини тарқатиб юбориб, тасаллоий дил бўлар эди. Айниқса, мавлоно Лутфий билан бўлган учрашув таассуроти унга ўзгача нашида бағишлар, бу учрашувни эслаган сари кўнгли мамнуният ҳисларига тўлибтошарди. Нуруний шоирнинг унинг ғазалларига берган баҳоси, «Оразин ёпқоч, кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш, Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуеш» матлаъини таъкидлаб такрорлаши, қўл очиб, ҳақиқа қилган дуоси қулоқларида такрор-такрор янграб эди. Кўнгли шеър айтиш иштиёқига тўлар, бу иштиёқ ички тўлғоққа айланар эди. Бир томони, Машҳадга қайтиб келаётганидан мамнун. Чунки унда кўнглини ром этган малак бор. Руҳафзо бу малакни ташлаб Алишербек ҳеч қаёққа кета олмайди. Шунда у чуқур энтикиб олади, ҳислар мисралар қиёфасига беихтиёр киради:

«Кўнгулнинг ҳажр аро жондин малоли,  
Ки йўқ сансиз тириклик эҳтимоли...»

Оқ бедовга етиб юраман деб Алиёр бобонинг тўриғи ҳарсиллаб қолган, нуқул сувлигини чайнаб пишқираб, беўхшов лўкиллар эди. Бунини сезган Алиёр бобо остидаги оқ ва қора йўлли жун хуржуннинг кўзларини тақимлари билан орқага суришга ҳаракат қилади. Эғнидаги жигар ранг хирқасининг<sup>5</sup> ҳилпираган барларини қайта-қайта тақимига қистиради. Бир оз олдинда кетаётган хожасига боқиб, кўнгли яйрайди. Хожаси энди камолга етиб қолган, қадди-басти мавзун ва пишқ. Эғнидаги нилий ранг ипак абоси<sup>6</sup> гавдасига ёпишиб турар, худди шу рангдаги даройи<sup>7</sup> салласи ҳам, чап елкаси узра силкиниб бораётган унинг печи ҳам шундай ярашиб турар эди...

Ҳали барвақт бўлишига қарамай, жума куни бўлгани учун кўчаларда арава, от ва эшаклар кўринади. Четан аравалар, эшакларга ортилган сават ва кажавалардан қовун-тарвуз, турли-туман мева-чеваларнинг муаттар ҳиди анқийди. Аравалар устида, эшаклар орқасида гоҳо чодраларини кўзигача тортган аёллар, болалар кўриниб қолади. Шаҳарга кирилгандан кейин икки отлиқ — Алишербек билан Алиёр бобо ҳам бу умумий оқимга сингиб кетди ва беихтиёр равишда шаҳар марказига, бозор майдонига қараб йўл олди.

Кўча соқчилари тош фонуслардаги чироқларни бир-бир ўчиришмоқда. Фаррошлар дастаси узун бурган супургилар билан кўча су-

<sup>1</sup> От алмаштириладиган бекат.

<sup>2</sup> Доимий яшаш жойи.

<sup>3,4</sup> Имом Ҳасан ва Имом Ҳусанларнинг қотиллари, уларнинг исмлари лаънат сўзларига айланиб кетган.

<sup>5</sup> Қалин уст кийим.

<sup>6</sup> Енгил уст кийими.

<sup>7</sup> Юпқа матоли.

пуришади: супургини бири ўннга сурса, иккинчиси чапга суради. Меш-кочилар фаррошларнинг орқасидан қаватма-қават туриб олиб сув сепишади.

Бозор расталарида жонланиш бошланган. Дўконлар бирин-кетин очилмоқда. Ҳов, расталар этагидаги катта майдонда сурув-сурув қўй-эчкилар, сигирлар, сал нарироқда от, туя, хачир ва эшаклар кўринади. У томондан савдо-сотиқ сурони эшитилади.

Устида катта-кичик меш ва саночлар<sup>1</sup> ётган пештахта олдида Алишербек билан Алиёр бобо отдан тушишди. Қамчи билан у ёқ-бу ёқларини қоқишди, салларини тузатишди. Алишербек отининг жilовини Алиёр бобога тутқизди-да, оби худойичилар<sup>2</sup> олдига бориб сўради:

— Ассалому алайкум. Қай бирингизда чалоб бор?

Саночдан икки косага чалоб қўйдирди. Косаларнинг бирини Алиёр бобога узатди.

Салқин чалоб уларнинг уйқусизлик ва йўл азобидан ланж бўлган жисму жонларига роҳат бағишлади... Алишербек ҳаменидан танга олиб саноч олдида турган тангаларга қўшиб қўйди. Отларининг жilовларидан ушлаган ҳолда расталар ичра йўналдилар.

Бозорнинг говур-гувори тобора кўтарилиб бормоқда. Расталардаги турфа-турфа моллардан, ғимир-ғимир қилаётган одамлар, оқимидан кўзлар қамашади, бош айланади. Алишербек билан Алиёр бобо отларини етаклаган ҳолда саххофлик растасига<sup>3</sup> келдилар. Қип-қизил сахтиён жилдли катта қалин китоб Алишербекнинг эътиборини тортди. Отининг жilовини Алиёр бобога бериб, китобни қўлга олди. Низомий-ал-Ганжавийнинг «Ҳамса»си. Китобни варақлашга тушди. Хати шикаста билан Бағдодда китобат этилган мукаммал нусха. Алишербекнинг ўзида мавжуд нусхадан бу мукаммаллиги билан фарқ қилади. «Хўб бўлди. Андоғким, Мир Хисравнинг маснавийлари ила чоғиштира бўлур эмди. Туркийда ҳамса битмак даркор. Зинҳор базинҳор иқтибос эмас. Ҳоло, мустақил ҳамса битмак керак», — деб қўнглидан ўтказди.

Китобдан бош кўтариб тунд қиёфали, бароқ қошли саххофга қаради:

— Ушбу китобга қанча тилайсиз, оғо?

Саххоф томоқ қирди-да, Алишербекка синовчан боқиб:

— Эллик кепак<sup>4</sup>— деди.

Алишербек ўнг қўлини чап қўлтиғига тиқиб, ҳамойилга осилган ҳаменидан бир тўп олтин танга олиб, ундан бир нечасини ажратиб, саххофга узатди ва қўшиб қўйди:

— Қирқ кепак.

Саххофнинг тунд қиёфаси равшанлик тортиб:

— Орий, иним, — деди. — Мутолаа этиб, баҳра олинг, иншооллоҳ, бизга ҳам савоб тегар.

Китобни Алиёр бобо билан икковлашиб хуржуннинг кўзига жойладилар-да, чап томондаги узун кетган пешайвонли работ сари нонушта қилиш учун юзландилар.

□

Алишербек отининг бошини анҳор ёқалаб кетган кўчага бурди. Отни жадал юришга қистади. Қулоқларида «Гулижон» садоси янгради. Жисму жонига орзиқиш туйғулари тўлди. Оҳанрабо дарвозага яқинлашганида отини секинлатди. Алиёр бобонинг тўриғи ҳам етиб

<sup>1</sup> Эчки тулупи.

<sup>2</sup> Ташналикни қондирувчилар.

<sup>3</sup> Китоб растасига.

<sup>4</sup> Пул бирлиги.

келди. Алишербек отининг жиловини тортиб, дорулмеҳрга<sup>1</sup> бир зумгина тикилиб қолди. Алиёр бобо буни сизди, албатта. Лекин у, Алишербек дарвозага шунчаки қизиқсиниб қаради, деб ўйлади, холос.

...Хожасининг дафъатан бошини ҳам қилиб ўй-санога ботиши уни ҳайрон этар эди. Алишербекнинг кўнглида унинг умр тариқатини белгиловчи, ҳаётининг шиорига айланиб қолувчи шеър туғилаётганини Алиёр бобо қаёқдан билсин! Бу шеър маъшуқага шайдолик туфайлими ё шеърятга шайдолик оқибатида туғияптими,— буни Алишербекнинг ўзи ҳам била олмас эди.

«Кўргали ҳуснунгни зори мубтало бўлдум санго,  
Не балолиғ кун эдиким, ошино бўлдум санго.

Ҳар неча дедимки: «Кун-кундин узай сандин кўнгул»,  
Ваҳки, кун-кундин батарроқ мубтало бўлдум санго.

Ман қачон дедим: «Вафо қилғил манго», зулм айладинг,  
Сан қачон дединг: «Фидо бўлғил манго», бўлдим санго.

«Қай пари-пайкарга дерсен, «Телба бўлдунг бу сифат?»  
Эй пари-пайкар, не қилсанг, қил манго бўлдум санго.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,  
Юз бало етмасму, ман ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам бирла хизр суйи насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб, гадо бўлдум санго.

Ғусса чангиндин навое топмадим ушшоқ аро  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго».

## 6

Ёз охирлаб, бошқа мадрасалардаги каби Имом Ризо мадрасасининг ҳам ҳужралари, таълимхоналари толиби илмлар, мударрислар билан гавжумлашиб қолди. Ҳамсабоқлар, қадрдонлар дийдор кўришиб, таътил чоғларида йиғилиб қолган гапларини бир-бирларига изҳор этишга ошиқишади. Бир-бирларини узоқ-яқиндан келтирилган нозу неъматлар билан сийлашади.

Алишербекни ҳам ҳоли қўйишмас. Кун ҳоли бўлмаски, албатта, бирор ҳамсабоғи унинг олдига кирар эди. Лекин Алишербек бутун вақтини «Хамса» мутолаасига берар, ўзигача яратилган хамсаларга кирган дostonларни: Абулқосим Фирдавсий «Шоҳнома»сидаги Хисрав ва Ширин нақлидан тортиб то ўша зўраки битилган мавлоно Али Оҳийнинг «Хамса»сигача ўзаро чоғиштирар, Низомий ва Хисрав Деҳлавийларнинг маҳоратига, шеърини санъатига қойил қолар, лекин уларнинг ўз қаҳрамонларига муносабатидан, ҳикояларнинг мантиқидан кўнгли тўлмас эди. Шунда у ўзича: «Ўзгачароқ бўлмоғи керак» деб қўяр эди. Шоирлар билан баҳсга киришар, қаҳрамонлар билан дардлашар, уларнинг ҳар бирини ўзича тасаввур этар эди. Айниқса, кечалари ёстиққа бош қўйганда хаёлини «Хамса» қаҳрамонлари банд қилар эди. Ўжар шоҳ Баҳром ва унинг қилмиш-қидирмишларини жонли равишда кўраётгандай бўлар, худбин Эрон шоҳи Хисравнинг хатти-ҳаракатлари, феъл-атвори, бир маъшуқани қўйиб, бошқаси билан бўлиши, Шириннинг меҳру вафосини поймол қилиши энсасини қотирар, нафратини қўзғир, ўзи билган темурий шаҳзодаларнинг хатти-ҳаракатлари, феъл атворларини ушбу шоҳлар тимсолида кўрар эди. Темурий шаҳзодалар орасидан фикран ўз дидига мосини қидирар, шунда Хисрав ва Ширин орасида пайдо бўлган заҳматкаш фақир йигит

<sup>1</sup> Луғавий маъноси «күёш маскани»га.

Фарҳод эътиборини тортарди. Алишербекка у аламноқ табассум билан боқиб: «Мани танийсенму, назми таъб йигит? Эл-улус гамини егувчи заҳматкашмен! Ҳоло, манда ҳунар, маҳорат. Манда ишқда садоқату вафо, фидойилик. Манда борча одамийлик» — деяётгандай бўлар. Хаёллар босқини уйқу бермас, кўнглига изтироб, тўлғоқ соларди. Шунда Алишербек беихтиёр ўрнидан туриб, шам ёқиш, қўлига қалам олишга мажбур бўлар, кўнглидаги туйғуларининг айримларини назмга солар, маъшуқага бўлган шайдойилик билан шеърга бўлган шайдойилик, «Хамса» қаҳрамонларининг хаёлоти — ҳаммаси қоришиб кетарди. Шунда дафъатан тангрига муножот қилар, шундай дарди мусаффога мубталло бўлганига шукрона айтар, хаёлига қачондир, қардадир эшитгани қўшиқ келар эди:

«Мажнун айтур: манга даво керакмас,  
 Ёр ишқидин ўзга савдо керакмас.  
 Тилим куйсин, десам Лайло керакмас,  
 Лайло керак! Ўзга барно керакмас!..»

Таътилга чиқишгандан буён кўришмаган устози ва дўсти мударрис Султонали Машҳадий билан дийдор кўришув, суҳбатлашув Алишербек учун, айниқса, мароқли ва мазмунли бўлди. Кўнглига умид уруғларини қадади. Алишербекдан ёши анчагина улуғ, оилали бўлган бу кўнгли очиқ дилкаш йигит эрталаб Алиёр бобонинг бошловида ҳужрага кириб келди. Тим қора соқол-мурти илгаригидан кўра сезиларли даражада ўсиб, ияк ва чакакларини тутиб кетган. Қора мовут қулоҳ устидан зангори тусли салла ўраган. Устида энгилгина энгсиз тўн. Порлаб турган кўзлари, мийиқларидаги табассум кўркем чорпахил юзини яна ҳам катталаштириб кўрсатар эди. «Ассалому алайкум, мавлоно Навоий», — деди (Султонали Алишербекка ҳамма вақт шундай мурожаат қилар, Алишербек ҳам ҳар гал бундай улуғлашдан бир қизариб олар эди). Шоша-пиша кавушини ечар экан, Алишербек томон талпиниб қулочини ёзди. Тунда кийиб ётадиган тепчима оқ дўппи билан ўтирган Алишербек шошиб қолди. «Марҳабо» деб ўрнидан турди. Устоз ва шогирд — икки дўст қўлларини қўлтиқларидан ўтказишиб кучоқлашишганича елкаларига қоқишиб узоқ туришди. Бир-бирига гал бермай омонлашишди. Алиёр бобо ёзган якандозга ўтиришди. Пойгакка чўнқайган Алиёр бобонинг дуосига «Омин, ё раббул-оламин» деб фотиҳа қилишди.

Султонали Алишербекка кулиб боқиб:

— Бағоят мамнунменким, сизни бул ошиёнда яна кўрдум. Ҳиротда мақом этиб қолурму экин дебон чўчиган эрдим. Хайрият, — деди.

Чехрасидан ғам кўланкаси лип этиб ўтди-ю, Алишербек бошини ҳам қилиб индамай кўя қолди. Жавоб ўрнига Султоналига савол берди:

— Шаҳр ичра сокин бўлдингизму, оғойи Султонали?

— Кентда бўлдум. Талабалар ила вақф<sup>1</sup> боғига қарадук. Мева чева, зироат тердук.

Алишербек дарров сўради:

— Хатқа машғул бўлмадингизму? Китобат битмадингизму?

— Мунингсиз манга тириклик тотурму, иним, — деди-да, Султонали қўлтиғидан ихчамгина китоб чиқарди. — Устод мавлоно Лутфийнинг маснавийсин китобат қилдим.

Алишербек китобни қўлга олди-да, муқовасини очиб зарвароғини ўқиди: «Гул ва Наврўз». Бошини мамнуният билан ликиллатиб, таҳсин айтди:

<sup>1</sup> Вақфия — жамоат мулки.



— Ажаб хатингиз бор, биродар, воҳ-воҳ. Бул не хатки, таълиқ, насх, шикастада машқларингизни кўрибмен, аммо бу янглиқ хатни илк маротиба кўрувим.

— Янги нав. Дастлабки иншойим. Ўзумча они туркича деб номладим.

— Тоза тилагим шулки, қиблатул-куттоб<sup>1</sup> бўлинг, оғойи 'Султонали Машҳадий— деди Алишербек, китобни варақлар экан.

Султонали мақтовдан хижолат тортиб:

— Ўзунгиз дағи назм машқ қилмакдасизму?— деди-да, тахта лавҳдаги китобга, хонтахта остидаги қоғоз ва давот-қаламларга кўз югуртириб қўйди.

Бу орада Алиёр бобо хонтахта устига дастурхон ёзиб, мис баркашда кунжутли гижда нон, кейинидан тақсимчаларда мевалар олиб кирди. Меваларни дастурхонга қўяр экан: «Султонали кетирмиш»,— деб қўйди.

Алишербек Султоналига чой қўйиб узатгач, ўрнидан туриб, тоқчанинг юқориги қаватидан кийик терисидан тикилган ўйма нақшли жузвдонни олар экан:

— Фақирда ҳам баъзи машқи назмлар бор,— деди ва жузвдонни очиб, бир тўп қоғозни ажратиб олди-да, Султоналига узатди. Султонали ўқишга тутинди, Алишербек мавридсиз тезоблик қилганини биллиб нам тортиди:

— Аввал таом, баъдаз қалом. Хўрак қилиб олайлик, сониян ўқурмиз,— деди ва устозини еб-ичишга қистади.

Қайда, Султонали қўлига теккан бу оташин мисраларни ўқимай қўйиб қўя олармиди?! Сабр қила олармиди?!

Айрим ғазалларни қайта овоз чиқариб ўқиди. Чехрасида ним табассум билан Алишербекка юзланиб:

— Бори ишқ-муҳаббат бобинда эрурким, бас, мавлоко Навоий, мунча ўртанмасангиз, ёнмасангиз!

Алишербек шаррос жавоб берди:

Бале, табиб табиб эмас, бошидин ўткарган табиб деюрлар, оғойи Султонали. Декчада бори чўмичга чиқур. Ғазал кўнгул оинаси эрур.

— Шундоқ денг?— деди Султонали муғомбирона боқиб.— Анда сўзлангиз. Дардингизни бизга ҳам сўзлангиз, ёлғиз қағозга сўзлай бермай. Эҳтимол, дардга малҳам бўлурмиз.

Алишербек пинҳоний дардини беихтиёр ошкор этиб қўйганидан қизариб кетди, ичида ўзини койиди. Еқимтой қўй кўзларини пирпира-тиб, гапни бошқа томонга бурмоқчи бўлди:

— Ҳоло, шоирлик экан, биродар. Кўнгулга нелар келмас.

— Йўқ-йўқ, мавлоно Навоий, кўнгулунгизни ошкор этингиз. Манга айтмасангиз, кимга айтасиз ахир!

— Несини айтай, ҳақуллоҳ. Тўғри, кўрдум. Нетонг, мубтало бўлдум. Исимини биламен: Гулижон. Вассалом.

— Бул эмди шоён сўз. Қайда ошиёни, биласизму?

— Биламен.— Алишербек бу гапларни айтар экан, истиҳола билан эшик томонга бир неча марта қараб қўйди.

Султонали ғазалларни титкилаб, уларга тикилганича сукут қилиб қолди. Бошини кўтариб:

— Қўрасини манга кўрсатиб қўюрсиз,— деди. Кейин кулиб қўшиб қўйди:— Таваккалту алоллоҳ, ман сизнинг Шопурингиз бўлурмен.

— Шопур бўлсангиз, майли, бўлинг. Ва лекин Хисравга эмас, Фарҳодга хизмат қилинг,— деди Алишербек ҳам.

<sup>1</sup> Ҳаттолар қиблагоҳи.

Алиёр бобо олиб қирган зирворлар сепилган хушхўр кобулий шўрвани ичишгач, ҳозиргина бўлиб ўтган суҳбат натижасида эсига тушдими, Султонали қишлоқда эшитган бир воқеани ҳаяжон билан ҳикоя қилиб берди.

Завжаи ҳалоли ва уч фарзанди бўлгон бир киши бўлак бир аёлга сийға<sup>1</sup> тариқасида уйланибди. Бояги кишининг завжаи ҳалоли аввал завжига бул номақбул ишдин қайтмагини айтибди. Сўнг қозиул-исломға бориб арз этибди. Қозиул-ислом бирор жўяли чора кўрмагач, не қилибди денг? Уртаниб куйгон хотун Эрининг олдиға, сийғаси тарийқасида олган хотун билан ётган хонаға болту кўтариб кирибди. Эрининг бўйниға болту солибди. Эр ўшал заҳоти-ўқ дорул-қазоға йўл олибди...

Устоз-шоғирд хотиннинг қилмишини тўғри деб топдилар, унинг жасоратини олқишладилар, ҳаддидан ошган эрни лаънатладилар.

Алишербекнинг хаёлиға дарҳол Ширин тимсоли келди. У сувратлайдиган Ширин ана шундай жасоратли, ориятли бўлади, иншооллоҳ. Ўзини хўрлатиб, номусини поймол эттириб қўймайди.

Шу куни икки ажойиб инсон намозгаргача суҳбатлашиб ўтиришди.

□

Оқшом. Ҳаво дим, ғир этган шабада йўқ. Кўзга илашмас искаб-топарлар қулоқлар остида ғинғиллаб нағма қилади. Бирпас бепарво қолсангиз қулай фурсат топиб чақади.

Юқорига қараб қубба тортиб кетган токчадаги шам атрофида парвоналар айланишади, эҳтиётсизлари ўзини порпираб турган алаңгага уради. Эрмак тоға олмаган Алиёр бобо миқроз билан шамнинг сўхтасини қиртишлайди.

Дарича олдида лўла болишга беҳолгина ёнбошлаб ўтирган Алишербек тоқатсизланиб ўрнидан турди. Ташқарига чиқди. Қавушлари ерга ётқизилган ялпоқ ғиштларга тегиб ҳорғин овоз чиқаради.

Алишербек битта-битта босиб Имом равзаси томон юрди. Ойсиз тун. Кўк гумбазида беҳисоб юлдузлар живир-живир қилади.

Шу пайт енгил бир эпкин қўзғолди-да, Алишербекнинг юзига урилди. Сўнг гулзор оралаб кетди. Гуллар бошларини аста тебратиб, ҳузурбахш сабога миннатдорлик изҳор қилди. «Бу чоғ Гулижон қайда экин, не била машғул экин? Хаёли не фикрлар ила банд?» Алишербек бу ўйлардан энтикиб, ҳозиргина юзига урилиб гуллар оралаб кетган сабога ҳаваси келди. «Чу сабо қандоқ эркин, ҳур. Риндфеъл сабо истаган жойға, масканға бора олғай, истаган кимсасининг васлиға восил бўла олғай». Ногоҳ кўнглидаги дарду аламларини сабога илтижо қила бошлади:

«Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,  
Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосин эрканин —  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт...»

Алишербек ҳужраға қайтиб, мазкур ғазални қоғозға туширди. Сўнг дўсти мирзо Ҳусайн Бойқароға мактуб ёзди.

«Номанги манга муждаи жоне эрди,  
Ҳижрон ғамидин хатти амоне эрди.  
Зулматқа саводи гар нишоне эрди,  
Мазмун анга оби зиндагоне<sup>2</sup> эрди».

<sup>1</sup> Маълум бир муддатга олинган хотин.

<sup>2</sup> Тирилтирувчи сув.

Мактубнинг юқоридаги туро — дебочасини битиб, фикрлар гужгонидан боши қотиб анча ўтирди. Бир оз тарадудланиб тургач, мактубни бошлади:

«Биродари меҳрибоним Ҳусайн мирзо бин Мансур мирзо ва бинни Бойқаро мирзога маълум бўлғайким, кўп замондин буён Сиздин номаи хушхабар олмадим. Икки мактубимга дағи жавоб ола олгоним йўқ. Урдугоҳингиз ҳамон падари арусингиз<sup>1</sup> Санжар мирзо салтанатидаму? Чу Сиз хусусдаги айрим хабар биз тарафга ҳам келиб турибди. Сихҳатингиз нечук? Истиқболдаги мақсадингиз нечук? Бизга мужда юборинг. Фақирингиз ҳануз Машҳадда сокин эрур. Мадрасада ўқуб-ўрганув ва хусусий мутолаа билан машғулмен.

Ҳиротдаги қўрамиз вақф тасарруфига берилмишким, дорус-салтанага бориб, мақом тутмоққа ҳозирча имкон йўқ. Тағойим Мирсаидбекни Сиз била бирга деб эшитамен. Ул саргардони жафокаш ҳақинда ҳам хабар бергайсиз. Айрим ғазалларимни мактубга илова этдим. Номаи нусратингизга муштоқ бўлуб қолғучи содиқ биродарингиз Алишербек Навоий бинни Ғиёсиддин Баҳодир».

## 7

Мезон кунлари эди. Мадрасада қизгин дарслар бораётган бир пайтда вақфия ишлари мутасаддиси Султонали бошчилигида Алишербек ва Нуриддин Муҳаммад бир гуруҳ талабаларни олиб шаҳар ташқарисига — вақф ерларига чиқдилар. Улар вақф ерларидаги ҳосил — зироатни йиғиб-териб олишлари керак эди. Икки кундан сўнг Султонали арава ва эшакларга юкланган дон-дун, мева-чева, сабзавотни олиб талабалар билан бирга мадраса омборига жўнади. Нуриддин Муҳаммад билан Алишербек эса ҳосилнинг мударрислар ҳайъатининг сарфи учун ажратилган қисмини пуллаш учун бозорга тушдилар.

Айни ҳосил кўтарилган мавсум бўлгани учун бозорда дон-дун ҳам, нозу неъмат ҳам, сабзавот ҳам сероб. Дастлаб улар чаканалаб савдо қила бошладилар. Кун пешиндан оған бўлса ҳам савдо юришмас, харидорлар кам, бори ҳам жуда суст. Нуриддин Муҳаммаднинг хатти-ҳаракати, савдолашишини кўриб турган Алишербекнинг тоқати тоқ бўлди-да:

— Улгуржи сотиб қўя қолайлук, оғойи Нуриддин Муҳаммад, — деди. Халифаи мударрис Нуриддин Муҳаммад Алишербекдан уч-тўрт ёш чамаси улугроқ эди. Нуриддин Муҳаммад Алишербекнинг кўзига маъноли боқиб:

— Сабр айланг, тақсир Алишербек. «Инналлоҳо маассобирин» демиш. Ҳали бозори шаб<sup>2</sup> бор. Бозори шаб чаққон бўлур. Эrsa эрталики кун ҳам бор. Оллоҳнинг куни кўп, — деди.

Нуриддин Муҳаммад ўзининг айтганини қилди: чаканалаб сотишда давом этди, ўлчов челақларини Алишербек ҳали дон, ҳали сабзавот билан тўлдириб турди. Бозори шабнинг чаққон бўлиши қайда. Деярли савдо бўлмади.

Эртасига пешинга яқин Алишербекнинг қистови билан улгуржи савдо қилишга ўтдилар.

Зироатни сотиб бўлишиб, хўракхонага кирдилар. Хўракдан сўнг чой ичишар экан, Нуриддин Муҳаммад ҳамённи ўртага кўйиб, дирҳамлар — кумуш тангаларни титроқ қўллари билан санашга тушди. Уюлган қовоқлари остида кўзлари кўринмас, рангпар пешонасида реза-реза тер.

<sup>1</sup> Қайнотангиз.

<sup>2</sup> Оқшомги бозор.

Тангаларни ҳамёнга қайтариб солди. Бир тўпи гилам устида қолди. Ундан бир сиқимица олиб, санади-да, Алишербекка узатди:

— Олинг, чойи чақа қилурсиз. Муниси каминага,— деди гилам устидаги қолган тангаларни кўрсатиб. Алишербек Нуриддин Муҳаммаднинг жилвасиз кўзларига қаради.

— Бул ахир вақф маблағи. Жамоа ҳақиға хиёнат қилмам, оғойи,— деди овоз синиб Алишербек.

— Кўп хизматимиз бадалига ончалик истифода этмакка<sup>1</sup> ҳаққимиз йўқму, бек?— деди зарда билан Нуриддин Муҳаммад.

— Ўзунгиз билурсиз, — деди Алишербек. — Фақир истифода этмам.

Алишербекнинг кўнглида нафрат туйғуси кўзғалиб, бўшашиб кетди. Хаёлидан «Кишини беобрў қилғучи, мартаба поясидан туширғучи ваҳждардин бири тамаъ ва шаҳди нафс кўйига кирмак эрур» деган фикр кечди.

Икковининг муносабати, муомаласи бузилди. Улар то мадрасага етгунларича деярли сўзлашишмади.

□

Сабоқ туганиб, талабалар қўлларини кўксига қўйиб дарсхонадан чиқишар экан, минбарда ўтирган воиз — мударрис мавлоно Сайид Ҳасан Ардашер Алишербекни тўхтатди.

— Алишербек, биз томон келинг.— Алишербекнинг юраги шувиллаб кетди. Қўлларини кўксига қўйиб тавозе билан яқинлашгач, Сайид Ҳасан хонтахта ёнидан жой кўрсатиб:— Бу ён ўлтиринг,— деди.

Алишербек ўнғайсизланиб, кўрсатилган жойга тиз чўкди. Дасторининг ечилиб кетган печини қайта қистирди. Устоднинг юзига қарай олмай бошини солинтириб ўтирди. Сайид Ҳасан Алишербекнинг юзига зимдан қараб, ўйлади: «Улғайиб қолибди, кирови йигит бўлмиш. Сабз уриб қолгон хушандом муртини кўринг. Кўзлари мунглуқ ва ўйчан». Устод томоқ қириб йўталиб олди-да, гап бошлади:

— Сизга айтар сўзим шулки, шоири даврон... Дарвоқе, ҳолоти айшингиз қандоқ? Нимарсага эҳтиёж сезсангиз, каминага бемалол айтинг. Камина кўмакка ҳозир.— Ранги қув ўчиб, Алишербекнинг ўнғайсизлиги баттар ортди.— Ғазаллар битмоқдасизму?

— Эмди баҳоли қудрат, устод.

Алишербекнинг жавобини олгач Сайид Ҳасан Ардашер давом этди:

— Воқиф бўлсангиз керакким, султон Абусаид мирзо Боғи Сафидда сарой бино қилмакда. Сарой учун шуарога<sup>2</sup> китоба<sup>3</sup> буюрмиш. Сиз дағи ўзунгизни бир синаб кўринг. Камина мун сизга маслаҳат кўрамен.— Алишербекка синовчан боққанича туриб қолди. Анчадан кейин меҳрибонлик билан:— Бахайр, ўғлум,— деди.

— Борсам майлиму?— деди Алишербек юрак ҳовучлаб. Устоднинг розилик ишорасидан кейин ўрнидан турди.— Худо ҳофиз, устод,— деб, қўлларини кўксига қўйганича ташқарига йўл олар экан, ичида калима келтириб, кўнглидан ўтказиб борар эди: «Воҳ, ҳайрият, ман шайдолиғим борасинда сўзларму дебон чўчиб турган эрдим. Устод тараддудланди-ю, илло сўзламоққа жазм этмади, шекилли. Оғойи Султонали устод Сайид Ҳасан Ардашер ила маслаҳат қилдим, дилрабойингизнинг зоти шарифини аниқладим — Қосим Анвар исмлиқ кишининг қизи эркан деб эди».

<sup>1</sup> Фойдаланишга.

<sup>2</sup> Шоирларга.

<sup>3</sup> Хотира хати.

Хужрага чиқиб, тушлик хўрак билан оворалиғида ҳам Алишербек ўйлар калавасини йиғиштириб ола олмас эди.

Анҳор ёқасидаги кўчага қадам қўймаганига ҳам мана икки ойдан ошибди. Малакваш қизни охириги марта кўриш бахтига восил бўлганига эса роппа-роса уч ой бўлибди. Ушанда Алишербек қизни қўшни дарвозадан кўчат кўтариб чиқиб келаётган ҳолда кўрди. Қизнинг юзида ҳижоб — дийдорига тўя олмади. Шунда озурда жони ўртаб кўнглида деган эди:

«Чеҳра ёпиб мани куйдурма, ахий',  
Важҳсиз жонима ўт урма, ахий.  
Дами ўлтурмас эсанг ёнимда,  
Бори эл ёнида ўлтурма, ахий...»

Қиш ҳам, узоқ туюлган ҳут ойи ҳам чиқиб бормоқда. Орадан ўтган фурсат ичида қалби билан ақли мудом олишиб келди. Қодир ақли ошуфта, мажнуншиор қалбга ўз ҳукмини ўтказмоқчи бўлди. Лекин ўтказа олмади. Чорасиз қолди. Юракдаги ўтни ўчиришга, малакваш қизни унутишга қодир эмаслигига энди Алишербекнинг ақли ҳам иқдор. Зотан:

«Эй Навоий, кўнглума амр этма тарки ишқким,  
Ул самандар<sup>2</sup> дур, эмас ўт фуқрати имкон анго».

## 8

Оқсарой учун ёзган китобаси султон Абусаид томонидан рад этилиб, Ҳиротдан қайтар экан, Машҳадда Алишербекни бошқа бир нохуш хабар кутар эди.

Эрталаб эзилган, руҳсиз бир ҳолатда сабоққа чиққанида унинг қўлига Ҳусайн мирзонинг пайғирномасини тутқизишди. Дарҳол хужрага қайтди-да, номани очиб, ўқишга тутинди.

«Ваҳки, кўнглум ноласи ҳар дам бузулгон жон аро,  
Гўё бир чуғз<sup>3</sup> эрур, фарёд этар вайрон аро...»

Ушбу номам бот етиб маълум бўлсунким, — деб ёзар эди Ҳусайн мирзо, — бошимизга мусибат тушмиш. Бу мусибатдин субҳу шом ичу тошим ўртанур. Тағойингиз Мирсаид — Кабулийдин, каминанинг содиқ сипоҳим, оқили пандкашимдин айрилиб қолдук... Оғойи Мирсаид саркардалигида бир гуруҳ навкарлар Сараҳс қалъасида қуршовда қолиб, рақиб қўлига тушмиш. Язиди лаин Абусаиднинг ҳукми ила бошқа навкарлари қатори ул зоти шариф ҳам қатл этилмиш. Жаноза ўқуттириб, ул зоти бобаракотни ўз илким ила туфроққа қўйдум. Жоиз бўлгон борча расмларни бажо айладим.

Халлоқи оламнинг қудрати улўғ, карами кенглигини кўрингким, бул кўнгулни яғмо этган<sup>4</sup> машъум воқеадин уч кун ўтқач, бизга ул бир ўғул ато қилмиш. Хиргоҳ<sup>5</sup> ичра йироқ замон нозук товушларни унутгон қулоқимга гўдак уни қуюлди.

Бизга дағи рўшнолик кунлар келур, дорул-амонлиқ топурмиз. Иншооллоҳ, ҳукмдорлик илкимизга киргуси.

Тангру таоло Сизга тоқат берсун. Кўнглум ғаму андуҳга тўлиб сиқтаниб қолурмен.

Номани Ҳусайн мирзо битти».

Алишербек хатнинг охириги сатрларини кўзларини тўсган ёш пардаси аро аранг ўқиди. Изтиробдан қақшаб турган хаёлига бирдан тоғасининг бир пайтлар битган ушбу туюғи тушди:

<sup>1</sup> Яхши.

<sup>2</sup> Афсонавий олов қуши.

<sup>3</sup> Бойқуш

<sup>4</sup> Вайрон этган.

<sup>5</sup> Чодир.

«Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,  
Гул адоқинда хумори ёзасиз.  
Гар ман ўлсам, турбатимнинг тошига,  
Куштан<sup>1</sup> бир шўх эрур»,— деб ёзасиз».

Сўзсизгина юзига фотиҳа тортди. Кафтлари жиққа ҳўл бўлди. Ёноқларини, майсадек хатти мийиқларини ювиб тушаётган кўз ёшлари селобини салласининг печини босиб тўхтатмоқчи бўлар, сийнасига тўлиб бораётган ўлкасини боса олмас эди. Рўпарасида чўнқайиб ўтирган Алиёр бобонинг «Не хабар, хожам?.. Сўзланг ахир, Алишербек?..»— деган сўроқларига жавоб бера олмас, кўксини ёриб юборгудай бўлиб ичига тўлиб бораётган оҳу фарёдни босишга ҳаракат қилар, ўкириб юборишдан ўзини аранг тияр эди. Чуқур хўрсиниқдан кейин ҳиқиллаб:

— Тағойим Мирсаид...— шаҳид бўлмиш,— деди.— Вой, вовайло!.. Кўргулик устига кўргулик, эвоҳ. Тағойиларимдин жудо бўлдум,— деб ўкириб юборди.

Бечора чол ҳам бирдан мунғайди, мошгуруч соқол-мўйлаби орасидаги лаблари бурилиб, титради-да, унсизгина йиғлаб юборди.

— Не илож, ўғлум. Бани одам қисмати оқибат шул. Шаҳид бўлса, гуноҳлардин, ёруғ дунё губорларидин фориг бўлмиш, худо раҳматиға сабий-гўдакдек мусаффо бормиш,— дер, бу билан Алишербекка ва ўзига тасалли бермоқчи бўлар, бундай пайтда ҳар қандай сўз ҳам тасалли бера олмаслигини билса ҳам эҳтиёж юзасидан сўзлар эди. Қибла томонга қараб чўккалаб ўтирди-да, ўзи билган бир оятни тиловат қилди. Кейин фўтасининг учи билан кўзларини арта-арта ташқарига юзланди. Анчадан кейин Султонали, Сайид Ҳасан Ардашер, Нуриддин Муҳаммад ва бошқа бир неча мударрис, талабаларни эргаштириб кириб келди. Ҳамманинг юз-кўзида мунг аломати. Улар Алиёр бобо шоша-пиша ёзган якандозларга чўккалаб ўтиришди. Хужра одам билан тўлди. Алишербек билан Алиёр бобо эса кавушандозда чўнқайишди. Сайид Ҳасан Ардашер кафтларини тиззалари устига қўйиб хазин овозда «Хаста таборак» оятини тиловат қилмоққа киришди. Бошқалар эса қўлларини қовуштириб, бошларини эгганларича жим ўтирдилар. Тиловат охирида Сайид Ҳасан Ардашер «Омин» дея қўлларини кўтариши билан бошқалар ҳам такрорлаб қўлларини очишди. «Худо-раҳмат қилсун. Оллоҳу акбар»,— деб юзларига фотиҳа тортишди.

Султон Абусаиднинг тутмишлари, Ҳусайн мирзо, умуман, Хурсонда бўлаётган воқеалар тўғрисида паст овозда сўзлаша-сўзлаша тарқалишди.

Сайид Ҳасан Ардашер билан Султонали чиқувчиларни кузатиб, ўзлари қайта ўтиришди. Ҳамма сўзга чоғланган Сайид Ҳасан Ардашернинг оғзига қаради. У пайшанба кунини нима қилиш кераклиги тўғрисида йўл-йўриқ берди. Сўзини охирлатиб, киссасидан бир туп кумуш танга — дирҳам олди-да, ундан ўн чоғлигини ажратиб, хижолатчиликдан нигоҳини қаёққа қаратишини билмай қолган Алишербекнинг «Йўқ-йўқ, устод. Не қилғонингиз бул», — дейишига қарамай, хонтахта устига қўйди. Юзига фотиҳа тортиб ўрнидан турди.

□

Алишербек хонтахтадан бошини кўтариб, пат қаламнинг учи билан лаби устидаги майсадек сабз урган мўйлабини сийпалаб ўйнаганича бир нуқтага тикилиб ичида сўзланди: «Дўсти содигим сенсен, дўсти бебадалиму дўсти дилкашим сенсен. Кўнглум сирини санга айтгум, сен билан баҳам кўргум. Дарду малолимни яхши онгларсен, дард-

<sup>1</sup> Қотили.

кашим қоғаз. Печу тоб<sup>1</sup> бўлгон умримнинг иншоси санда. Покдомон, мусаффо кўксунгни тутарсен манга ҳар чоғ. Биласен: шеърларим — поллонларим. Аларни санга сипориш қилурмен, алар санда ҳаволанур... Аларнинг хулқи — манинг хулқум, аларнинг сифати — манинг сифатим. Шукрилиллоҳким, сан бор экансен бу фоний дунёда. Қатла-қатла шукрим, таҳ-батаҳ қон бўлгон дилимга дорул-қурбсен. Манинг номус-орим, шаъним, рутбам ҳам сандин топилур...»

Мамнуният ва фахр билан кечқурунги жўралар мажлисини эслади. «Аҳли аҳбоб қандоқ ҳурмат-эътибор, иззату икром шоён қилди. Бул эҳтирому эътиборга сиз боис, шеърларим».

Гўшанишин<sup>2</sup> бўлаёзган маъюсу хомуш Алишербекни Султонали қўярда-қўймай кеча иккинчи марта жума кунги жўраларнинг ўтиришига олиб борди. Султонали орқади шеърлари билан ошино бўлган жўралар Алишербекни жуда яхши қарши олдилар, зўр ҳурмат ва илтифот кўреатдилар. Айниқса, кечаги гал Алишербек билан жўралар ўртасидаги бегоналик кўтарилиб, суҳбат, шеърхонлик жуда қизиди. Бир-икки киши Алишербекнинг ғазалини ўзининг ҳузурида айтиб, уни ҳайратда қолдирди. Айрим жўралар унинг ўзларига ёққан ғазалларини меҳру ихлос билан кўчириб олдилар. Алишербекнинг танбурда куй машқ қилиб бериши жўраларни яна ҳам ийдириб юборди.

Бу ҳолдан таъсирланган Алишербек ҳужрага кечқурун алламаҳалда қайтган бўлишига қарамай, эрталаб руҳи бардам ҳолда кўнгли равшан тортиб турди. Хожасини илҳоми ғайб устида кўриб, Алиёр бо-бо ҳам хонтоҳта устига нонушталик қўйишга шошилмади. Алишербек кўнглида уйғонган янги фикр, янгича туйғуларни қоғозга туширди. Сўнг наридан-бери нонушта қилиб, дарсхонага чиқди.

## 9

Алишербек сабоқдан чиқиб келар экан, нариги дарсгоҳ эшиги олдида турган халифан мударрис Нуриддин Муҳаммадга кўзи тушди. Ҳалиги воқеадан кейин Нуриддин Муҳаммад Алишербекдан ўзини олиб қочар, рўбарў келганда ҳам кўришибгина қўя қолар эди. Бу гал нимагадир Алишербекни қутиб турди. Юз-кўзида ним кулги. Иблисшиор кўзида рўё йилтирар эди. Дарҳол гапга тушди:

— Аҳволи руҳлари нечук, Алишербек? Ман сизни шоири Фоний десам, шоири шайдой ҳам экансиз,— деб ошкора кулди. Кейин бир томонга қийшайган бошини ликиллатиб танбеҳ бера бошлади:— Шайдолиқ ҳам кимга денг, иффатмаоб бир мастурага, Хожа Баҳоваддин жамоасининг мастурасига, яна бул жамоанинг ақобири Қосим Анвар ҳазратларининг ожизасига.— Нуриддин Муҳаммад овозини баралла қўйиб сайраб борар, у ёқ-бу ёғидан салом бериб ўтаётган кишиларга ҳам эътибор бермас эди.

Алишербекнинг миясида барқ урган чақиннинг тезкор шуъласи бутун жисму жонига тарқалган. Мулзамликдан тер босиб мажолсизланган тани нотавонини қаерга қўйишини билмас эди.

Елимлашиб кетган тилини зўрға айлантириб:

— Мақсадингиз мани худ илзом этмоқму, оғойн Нуриддин?— дея олди, холос.

Нуриддин Муҳаммад эса бу гапдан баттар авжига чиқди.

— Сизда диёнат намунача бисёр бўлмаса, шоири шайдой. Чун

<sup>1</sup> Чигал.

<sup>2</sup> Хилватчи.

бисёр бўлғонидин бировнинг номзодига<sup>1</sup>, номзоди бокирасига кўз солибсиз? Не қадар пастлик! Мундин кўра байтул-лутфга бош уринг.

Чорасиз қолган Алишербек илдамлаб кетди. Кўз олди қоронғилашиб, нигоҳига ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмас эди. Хужрага кира солиб, ўзини якандозга ташлади, юзини парқуга буркади... Бу қадар маломат, дарду ҳасратни бирданига қандай кўтарсин навқирон қалб?!

Бутун ички олами алғов-далғов бўлиб, зеҳни-шуури карахт бўлиб алламаҳалгача ётди. Доғу аламдан қақшаган шуури ростланар экан, уни бир савол қийнай бошлади: «Во, оллоҳ, бул дарди бедавони қайдин билди халифан мударрис? Наҳот Султонали, мавлоно Султонали, оқили даврон бул сирри пинҳонни ҳар кимга фош этиб юрган бўлса? На ҳожат эди. Манга имдод<sup>2</sup> берамен деб бадномлик келтирарини наҳот онгламаса!»

Султоналини топмоққа жазм қилди-да, ўрнидан турди. Мадрасага югурди. Хайрият, ўз таълимхонасида мавлоно Султонали танҳо хат кўчириб ўтирар эди. Алишербекнинг авзойини кўриб қўрқиб кетди.

Дарҳол сўроққа тутди:

— Яна не ҳол? Нечук шум хабар?

Алишербек титраб-қақшаб саволга савол билан жавоб берди:

— Сирри пинҳонимни нега Нуриддин Муҳаммад ила баҳам кўрдунгиз? Нечук фош этарга ҳад қилдингиз, биродари боқадр?

Султонали гап нимада эканлигини англаб, бирдан маъюс тортди-да, ёнидан жой кўрсатиб, Алишербекни ўтиришга ундади. Алишербек ўтиргач, анча вақтгача гапира олмай турди. Сўнг синиқ ва дилҳоҳ бир товушда деди:

— Сабру тоқат қилмоқдин ўзга чорамиз йўқ, иним. Инналлоҳо маассобирин. Худонинг иродаси шул йўсин бормиш. Қиз Хожа Баҳоваддин сулукига мансуб Қосим Анвар отлиқ кишининг ожизаси бўлуб, бировга номзод эркан. Биллоҳилазимким, муни маълум қилмақдин ўзумни зўр ила тийиб юрган эрдим. Бул жон ўртагучи хабарни эшитганимдин буён тортгон азоб-азиятларимни худ биру борнинг ўзи билгай. Мандин гина қилмангиз. Эҳтиётсизлик мандин содир бўлмади. Мударриси ғамхўримиз Сайид Ҳасан Ардашер манга бул наҳс хабарни айтар чоғда Нуриддин Муҳаммад дағи бор эрди. Жосусул-қалблиқ қиларин ман не билай.

Бу сўзларни айтар экан, Султонали Алишербекнинг юзига қарай олмади, бошини ҳам қилганича нуқул панжаларини эзғилар эди.

Кошки шу чоғ бул дориюл-беҳуш бўлса, уни ичса-ю, Алишербекнинг кўзи кўрмаса, қулоғи эшитмаса, ақли фикрламаса. Бағрида туташган ўт бошига чиқар, ғовлаб кетган боши ғувилларди. Нима қилишини билмас, лекин у бир нарса истар эди. Шундай нарсаки, у ўртанаётган бағрига сув урса, тасаллоий дил бўлса, онг-шуурини, озгина бўлса ҳам фикрлашдан маҳрум қилса! Дарвоқе, маъжун<sup>3</sup>! Бирдан талла-тўп бўлаётган хаёлига бир вақтлар султон Абулқосим Бобир мирзонинг белмларидан бирида Ҳусайн мирзонинг қистови билан ичгани бода келди-ю, истаган нарсаси топилганидан ғалати бўлиб кетди. Қоғоз-қаламини йиғиштириб жузвдонга солаётган Султоналига:

— Ўрнингиздин кўпунг, такъяга бошланг: маъжун тотғали борурмиз,— деди. Ажабсинаб қараган Султонали унинг чеҳрасидан азму қарорнинг қатъий эканини англаб, ичида «Афиюллоҳ»<sup>4</sup> деди-ю, аста ўрнидан турди.

<sup>1</sup> Унаштирилган қизига.

<sup>2</sup> Мадад.

<sup>3</sup> Асалга турли гиёҳларни аралаштириб тайёрланган кайф берувчи нарса.

<sup>4</sup> Оллоҳ кечирсин.





Майхона бугун ҳар вақтдагидан кўра гавжумроқ бўлиб, хоналар турли тоифадаги, турли ёшдаги кишилар билан тўлиб кетган. «Эл бу янглиғ кўп бўлмаса. Чу борча мунда эрур гўий»,— кўнглидан ўтказди Алишербек. Кираверишдаги танобий хонанинг ҳам икки томонига сўриллар қўйилган. Тўриси пештахта билан ажратилган бўлиб, унинг ортидаги токчаларда турли хил идишлар териб қўйилибди. Токчалар ўртасида ташқарига чиқиладиган дарича кўзга ташланади.

Султонали бу ерда майхона борлигини билса ҳам унинг очиқ ёки ёпиқ эканини билмас эди, шунинг учун Алишербекни бу ерга саросима ичида бошлаб келди. Чунки шарият маҳкамаси ва муҳтасиби шаҳр<sup>1</sup> майхоналарни ман этиб тез-тез ёпиб қўяр эди. Хайриятки, очиқ экан.

Майхона эшигига яқинлашишлари билан маъжуннинг муаттар, шаробнинг ачимсиқ ҳидига яна аллақандай ҳидлар қўшилиб, Алишербек шу чоққача билмаган аралашма ҳид димоққа урди. Кўнглида «Афиюллоҳ»,— деди оллоҳ таолога тавалло қилиб.

Дайр пири — майхона бошқарувчиси уларни кўриб, ҳушёр тортгандай бир чимрилиб олди. Кейин чехраси равшанлашиб кулимсиради. Пештахта орқасидан чиқиб, уларга пешвоз келди, тавозе билан кўришди.

— Хуш келибсез. Қадам ранжидангез бош устого,— деди, ҳадикдан ранги ўчиб. Алишербекка термилиб сўради. — Ҳамдастингез шаҳзодаи жувонмард қане, бек йигет?— Бу саволдан Алишербекнинг гангиб қолганини кўриб, қўшимча қилди:— Ушал бодани хуш кўргучи, ондин қайтмагучи шаҳзода, айтамен?

Шаҳзода Ҳусайн мирзони сўраётганини англаб, Алишербек:

— Ул киши бул ерда эмас,— деб қисқагина жавоб берди ва дайр пири султон Абулқосим Бобир мирзонинг айшу тараб мажлисларида хизмат қилганини, ўзини таниётганини тушунди.

— Хизматенгезга ҳозир у нозирмез,— деб дайр пири олдинга тушиб қўлларини қовуштирганича ёнбоши билан юриб йўл бошлади. Уларни чоққина, остига қирмизи гилам тўшалган ҳужрага олиб кирди. Ўртада муаттар ис таратувчи сандал ёғочидан ясалган хонтахта, унинг икки томонида бахмал якандоз.

Дайр пири якандозларни тузатган бўлиб, улар устига биттадан лўла болиш қўйди-да, мижозларни ўтиришга таклиф қилди. Фотиҳа ўқилгач, ўрнидан туриб, орқаси билан юриб, чиқиб кетди.

Анчагина ўзини босиб олган Алишербек бошидаги дасторини олиб болиш устига қўйди, деворлардаги байтларга кўз югуртирди. Аксарияти Умар Хайём ва Паҳлавон Маҳмуд рубоийлари. Тепаси қуббасимон нақшинкор токчада шам, икки китоб ва давот-қалам. Токчага яқинроқ турган Султонали китобларни олиб, хонтахта устига қўйди. Хожа Ҳофиз Шерозий билан мавлоно Атойининг ушланавериб кирланиб кетган девонлари.

— Ассалому алейкум,— останада бошига каштали оқ дўппи кийган, елкасига сочиқ ташлаб олган муғбача — майхона дастёри пайдо бўлди.— Не тилайдилар, меҳмони азизлар?

— Бизга маъжун ила яхна эт кетир,— деб буюрди Султонали.

Ҳадемай баркаш кўтариб муғбача кириб келди. Дастурхон ёзиб, тўрт дона кунжутли лачурий нон, биллурий ликопда маъжун, чинни товоқда устига ўлдирилган тоғ пиёзи билан турли зирavorлар: мурч,

<sup>1</sup> Шаҳар терговчиси.

қалампирмунчоқ, долчин, зира, жавзобобо, халила, занжабил ара-лашмаси сепилган қирғовул гўшти қўйди.

Дастлабки «Қани, олинг-олинг» билан бир кесимдан маъжун олиб оғизларига солдилар, узоқ чайнадилар. Кейинги улушлар такаллуфсиз ўз-ўзидан олинди. Тўртинчи улуш маъжун чайналар экан, Алишербек чой кўтариб кириб келган муғбачага:

— Бир аёқдин чоғир<sup>1</sup> кетир,— деб юборди. Улфатининг аҳволи руҳиясини сезиб турган Султонали унинг бу журъасига монелик қилмади. Шу ундовни кутиб турган муғбача ўрдак шаклида ясалган идишда май ва бир жуфт кумуш қадаҳча келтирди.

Қадаҳчаларга май қуяр экан, Султонали: «Пеший намози қазо бўлгон эрди, эмди намози аср дағи қазо бўлғуси»,— деб ўйлади, лекин ошкор айтишга Алишербекдан истиҳола қилди. Алишербек эса бу фикрни аллақачон хаёлидан ўтказган эди.

Қадаҳларга қуйилган майи гулгун даричадан тушган ёруғда жилва қилиб, ажиб товлана бошлади. Алишербек қадаҳни қўлга олиб, жилваланаётган майи нобга бир оз қараб турди-да, шарт кўтариб юборди. Буни кўриб Султонали ҳам қадаҳ бўшагунча ичди. Завқланиб кетган Алишербек ушбу байтни ўқиди:

«Соқие, тут бодаким, бир лаҳза ўзумдин бораё,  
Шарт буким, ҳар неча тутсанг, лабо-лаб сиқорай».

Газак учун келтирилган барра кабоб уларнинг иштаҳаларини қўзгаб юборди.

Бу гал эмди ман соқийлик қилайин,— деб, қадаҳларни Алишербек тўлдирди.

Сихдан кабоб жазларини битта-битта чиқариб еб, оз-оздан ича бошладилар. Қадаҳлар бўшагач, Алишербек яна бир байт ўқиди:

«Соқий чу ичиб, манга тутар қўш,  
Томший-томший они қилай нўш».

Султонали бошини мароқ билан тебратди-да, деди:

— Туркий тил, туркий лафз ажаб-ажаб. Бул фархунда<sup>2</sup> иборат, муболағани кўрингким, алфоз ва ишоратда форсийдин қолишмас. Биллоҳ, тулпор жилови эмди туркигўй назм аҳлининг илкинда. Салотин<sup>3</sup> туркий. Аларнинг ўзлари туркий алфозда назм битурларким, соҳибқирон Темур Қўрагоний бошламиш бул шевани. Ул жаннатмакон хон шул тил била девон ишларин<sup>4</sup> юритмиш.

— Биродари азиз, зеро, соҳиби тож ким бўлса, онинг эли мумтез, тили сарафроз эрур. Бурунғиларни хаёл айланг: бир замон араблар тождор эрди, араб тили равноқ топмиш, бир неча вақт сортлар ҳукмдори мамлакат бўлдиким, форсигўй шуаро зуҳур қилдилар. Форсигўй назм аҳлининг таърифини айтмоқ ҳожат эрмас. Эмди майдонда туркигўй шуаро от сурур,— деди Алишербек.

Султонали ўз қадаҳини Алишербекка сунди, яъни дўстгоний қилди. Алишербек ҳам қистатмай, «Дўстгоний денг»,— деди-да, ичиб юборди.

Эшик тирқишидан кириб келган дилрабо куй суҳбатни узиб қўйди. Улар ўз-ўзидан куй сарбонлигига ихтиёрларини топширдилар. Шу пайт дайр пири остонада пайдо бўлди-да, сўзсиз таъзим бажо қилиб, деди:

<sup>1</sup> Бир косадан май.

<sup>2</sup> Гўзал, ифодали.

<sup>3</sup> Султонлар.

<sup>4</sup> Идора ишларини

— Мусиқа, қўшиқу рақсга майлинgez не? Бул ақшом кашмирий муғаннийлар меҳмоннавозлик қилурларким, шояд сизнингдек айшу тараб аҳли хушдил бўлса. Яна айтеб қўймак жоизким, танобий хонага халойиқ бисёр.

Иккови бир-бирларига қараб олдилар-у индамай ўринларидан турдилар.

Кашмирлик созандалар бурчакдаги сўрида чордона қуриб ўтиришар, бирининг олдида кўс ногора, бошқаларининг қўлларида сорангий<sup>1</sup>, сетор, қонун, сурнай. Кенг танобий хонани қоплаб олган куй кўнгилларни аллалар, ундаги гина-кудуратни сиқиб чиқаришга уринар, дунёда фақат эзгулик абадул-абад яшайди дер, кўнгилларни унга эътимод қилишга ундар эди. Куй узоқ янгради, ўз сеҳри оқимида сархуш дилларни узоқларга, беғубор, доруламмон масканларга олиб кетди. Куй алмашди-ю, куйга нолакор инсон товуши эргашди. Алишербек хона шифтининг ўртасидаги туйнукдан кўриниб турган бир парча юлдузли осмонга боқди. Куй гоҳ инграр, гоҳ фарёд кўтарар, ғазабкор пардаларда итоб қилар; инсон овозининг ҳиддату шиддати пешравлик қилиб уларни босиб кетар эди.

Сархушлиги тарқаб, Алишербек ногаҳон ҳушёр тортди. Куй тўхтади. Уйноқи, кўнгилда шўх-шанлик кўзғовчи фусунсоз куй бошланди. Майин жаранг-журунг товуш эшитилди-ю, ўртада заъфарон ранг ҳарир сорийсини елкасига ташлаган раққоса пайдо бўлди. Бирдан илондай буралиб тўлғонди, сўнг икки томонга ташланиб жавлон ура бошлади. Икки фаттон<sup>2</sup> кўзи атрофга жоду сочади. Қошлари ўртасидаги дона холи тақдири азал қалами билан қўйилгандай, чидасанг ҳам шу, чидамасанг ҳам, деган каби қимирламас, пасту баланд бўлаётган қошларга парво қилмас. Хинадор чингилинг оёқлардаги қўнғироқчалар жиринглаб, бу ҳаракатга ажиб уйғунлик касб этар эди.

Раққосанинг имо-ишоралари, рамзларидан Алишербек бутун бошли севги қиссасини ўқир, ўзининг ишқ қисмати хаёлига ёпирилиб келиб, юрагини эзар, ўкситар, доғи аламларга тўлдирарди. Рақс тобора авжлана бориб, раққоса Гулижон қиёфасига кирар, у ҳам бутун дарду аламларини сўзсиз ифодалашга ҳаракат қиларди.

Томоғини алам бўғган, кўзларини қонли ёш пардаси қоплаган Алишербек ўрнидан туриб кетди. Унг қўли билан мушт-бўлиб тугилган чап қўлининг билагидан тутганича ҳужра сари йўналди...

Алишербек алламаҳалда ҳужрага Султонали билан бирга қайтди. Алиёр бобо солиб берган ўринга кириб ётдилар. Султонали кўп фурсат ўтмай уйқуга кетди. Алишербек ухлай олмади. Ухлаш қаёқда. Унинг навжувон қалби бугун юз берган бир умрга татирли воқеалар таассуротини кўтара олмас, ўзига сиғдира олмас эди. Ҳар хил ҳолатда ётиб кўрди: у ёнбошидан бу ёнбошига ағдарилди, чалқанча ётди, юз тубан ётди, бўлмади. Ўрнидан турди, шарпасиз юриб, ташқарига чиқди. Кўнгли май тусаб қолди. Не қилсун. Невчун бирор хум май ола келмади. «Филҳақиқат, ҳужрага кетириб қўйса бўлмасму?»

Ариқча ёқасига бориб ўтирди. Қўлини чайқади, сўнг юзини ювди. Муздек сув мисдек қизиб кетган пешонасига хуш ёқди. Енгларини шимариб, калима ўгириб таҳорат ола бошлади. Муздек сув ловуллаб турган ҳолсиз танига таровату дармон бағишлади.

Бугунги эшитгани маъшуқаси тўғрисидаги шум хабарни, дашном-маломатларни эсламасликка, хаёлидан нари ҳайдашга ҳаракат қилар, лекин бу кўнгилни ғарот этувчи<sup>3</sup> хабар бир зум, бир зум ҳам

<sup>1</sup> Кўп торли чолғу.

<sup>2</sup> Шўх уйноқи.

<sup>3</sup> Бузувчи.

хаёлидан нари кетмас, жисму жонини ўртар, денгиз тўлқинлари сингари гоҳ кўтарилар, гоҳ ювошланар эди...

Ногоҳ фикрига аламли мисралар қуйила бошлади. Улардан айримларини қайта-қайта такрорлаб, эсида сақлаб қолишга уринади:

«Ман чу зоҳир қилмадим, не нав улусқа бўлди фош —  
Ишқ аро ошуфта кўнглумнинг бу сирри мубҳами.

Эй Навоий, ишқ сиррин ҳеч маҳрамга дема,  
Ким бунинг ҳам маҳрами бўлғай, анинг ҳам маҳрами.

«Невчун элдек йўқ манга меҳринги, сарву гул уза —  
Тушса, хору хасни ҳам маҳрум қўймас офтоб.

«Боди пойинг<sup>1</sup> йўлида ҳоки таним гард айладим,  
Ваҳким, ул гард — ўқ муродим юзига бўлди ҳижоб».



Пажмурда бир ҳолатда бўлса ҳам эрталаб Алишербек Султонали билан бирга сабоққа чиқди. Улуми раббоний<sup>2</sup> дарсхонасига кирди.

Ички олами остин-устин бўлиб кетган Алишербек воизнинг ҳавоий мушоҳада, мулоҳазаларидан энсаси қотиб ўтирди. Дафъатан хаёлига келган фикрни қоралади-да, ёнбошидаги ҳамсабоғининг хонтахтаси устига қўйди:

«Зоҳид, санга ҳур, манга жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсин, манга майхона керак.  
Майхона ичра соқию паймона<sup>3</sup> керак,  
Паймона неча бўлса, тўла ёна керак».

Мазкур сатрларни ўқиган ҳамсабоғи маъноли кулимсиради ва бошини ҳам қилганича Алишербек томонга хиёл қийшайиб:

— Ғаройиб фикр, ғаройиб, — деди.

Алишербек жавобан деди:

— Зотан, шоҳбайт ногаҳон пайдо бўлур.

Ҳамсабоғи боягидай қийшайиб:

— Манга қолса, ҳозир-ўқ мударрис мусалламга ўқуб берурмен, — деди шивирлаб.

Алишербек кафтини унинг тиззасига босиб қўйди.

## 10

Индинига, Султонали кўнгили истаб, Алишербекни такъяга олиб борди. Бир кун ўтказиб Алишербекнинг ўзи шом намозини адо қилгач, ҳужрадан чиқди-да, Алиёр бобога ҳам айтмай, анҳор томон талпинаётган кўнглига қарама-қарши тескари ёққа юзланди. Машҳур Маҳмуд Ризо такъяси рўпарасидан чиқди. Таваккал қилиб унга кирди.

Бу ердагиларнинг аксарияти ёш-яланглар бўлиб, тоифа-тоифа бўлиб олишиб; турли нав кўнгилхушлик қилишади: бировлар сархонасини бурқситиб галма-гал чилим тортишади, уларнинг кўзлари дуд ва кайфдан қизарган; бировлар асаблари таранглашиб ошиқ отишади; бировлар булбула<sup>4</sup>ни ўртага қўйишиб олиб, ундан хитойи қадаҳларга қул-қуллатиб гулгун шароб қўйишиб, шавқ билан сипқориша-

<sup>1</sup> Оёғинг шамоли.

<sup>2</sup> Диний билимлар.

<sup>3</sup> Пиёла.

<sup>4</sup> Май идиши.

ди; ашкол<sup>1</sup> билан фол очаётган хитойнинг атрофида, айниқса, йигитлар кўп, улар хитойнинг сухандонлигига маҳлиё бўлиб тикилишади; Алишербекнинг ёнидаги сўрида ўтирганлар аста тебранишиб мусиқа тинглашади...

Алишербек олдига келтириб қўйилган хуштаъм сарандиб чойидан босиб-босиб ичди... Атрофга разм солиб таниш-билиш йўқлигига қаноат ҳосил қилгач, май сўради.

Булбуладан май қўйиб қадаҳчани тўлдирди, шартта сипқорди-да, бир бўлак гулқандни оғзига солди. Кўнглига ушбу сатрлар келди:

«Эй Навоий, ҳам замондин, ҳам замона аҳлидин  
Ҳар замон ғам етса, юзлан кулбаи хамморға».

Таъсирини сезгач иккинчи қадаҳни ҳам бўшатди. Бу гал яхна гўштдан газак қилди.

Мусиқа оҳанги алмашди-ю, Алишербек ҳеч қачон эшитмаган нота-ниш бир куй садо бера бошлади. Оҳиста бошланган куйга хонанданинг мунгли хаста овози эргашди. Алишербек бирдан сергакланди. Бу унинг ўз ғазали эди. Қўшиқдаги сўзлар унинг дил сўзлари, ўпка-гина унинг ўпка-гинаси; нола, фарёд унинг нола, фарёди эди!

Алишербек хонанда ва созандаларга диққат билан разм солди: йўқ, таниш эмас.

Оҳанг тобора авжланиб борар, хонанданинг ёниқ фиғони хонанинг шифтидаги тўйнуқдан йўл топиб кўкка яирмашарди:

«Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади,  
Кўзларимга кеча тонг отқунча уйқу келмади.

Лаҳза-лаҳза чиқдим, чекдим йўлида интизор,  
Келди жон оғзимга-ю, ул шўхи бадху келмади.

Оразидек ойдин эрконда гар этти эҳтиёт,  
Рўзгоримдек ҳам ўлғонда қоронғу келмади.

Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор,  
Кимса бормуким, анга кўрганда кулгу келмади.

«Кўзларингдин неча сув келгай» деб ўлтурманг мани —  
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.

Толиби содиқ топилмас йўқсаким қўйди қадам —  
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқа ўтру келмади.

Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин,  
Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади».

Қўшиқ тингач Алишербек ўрнидан туриб машшоқлар қаршисига борди, қўлларини кўксига қўйиб салом берди-да, деди:

— Эшитганимиз бул не нав қўшуқ, онинг номи не дурур?

— Бул қўшуқнинг назми Навоий нишон навжувон туркигўй шоир-ники дурурким, анга нақш боғлаб «Муножот» деб атадик,— деб жавоб берди ғижжак ушлаб турган созанда.

— Толиби содиқингиз фақирнинг матлаби шулким, ўшул қўшуқни такрор эшитсак.

Қўшиқ такрор ҳаволанди. «Номини «Муножот» қўймиш. Бале; бу муножот; чу алампеша ёрга тавалло, илтижо! Хўб билиб қўймиш!»— ичида сўзланди Алишербек. Қалбини завқнок бир фахр туйғуси қуршаб олди. «Алҳамдулиллоҳ ал-ила азим, манинг шеърларим бор,— умрим зироати. Ишқ — манга шеър, демак, шеър, яъни ишқим ҳосили. Қодир оллоҳ, ишқдин ҳалос эт демасмен санга, ишқ ўтуни кам қил десам, тилим кесулсун. Неча ишқинг бўлса, бори ишқинг бер манга. Токи ишқдин бир дам ҳоли бўлмай. Токи қалбим ишқ саҳни бўл-

<sup>1</sup> Шакллар.

сун. Йўқ-йўқ, ишқ жисмимда жон бўлсуну, эҳтирос онда оқғучи қон бўлсун!»

Қўшиқни жон қулоғи билан тинглади, токи унинг оҳанги ёдида қолсин.

Қўшиқ битгач, завқ-шавқ ғайратига чидамай ёнини пайпаслади: бирон-бир қоғоз борми? Хайрият, икки варақ қоғоз бор экан. Биринда ёзув бор — чала қолган ғазал:

«Бўлса иккимизнинг юзи акси сувда пайдо,  
Ул сув не тараф борса очилғай гули раъно.

Зулфунг ғами кўнглумни белинг фикрига солди,  
Кўрким, не таҳайюлға солибтур ани савдо.

Ғавғо қилур эл маҳвашлар кўйида, лекин  
Маҳвашлар иши қилмоқ анинг кўйида ғавғо».

Ғазални охирига етказиш иштиёқи туғилди-ю, дастёрдан давогалам сўради. Ғазалнинг давоми қоғозга равон қуйила қолди:

«Аҳволима Фарҳод ила Мажнунға таажжуб,  
Ишқ этти хирад аҳли қошида мани расво.

Ҳар сори тамошоғаким ул шўх қилур азм,  
Йўқ анга тамошоки эрур элга тамошо.

Даврон санга зулм этса қадахлар тўла май ич,  
Қон ютсанг аёғлар тўла давронға не парво.

Ул шўхки майдон аро кўрганга солур тийғ,  
Кўрмасга солур етса Навоий сори эмдо».

## 11

Бир қур севалаб ўтган сунбула ёмғири ҳавони тозалаб, кўчалар чангини босиб қўйган. Ҳавода тупроқ ҳиди бурқираб турибди. Шомдан кейинги ғира-шира пайт. Ер бетини аста тун зулмати босиб келмоқда. Осмон кўринмайди.

Шом намозидан сўнг кўнгил ғашлигини босиш учун кўчага чиққан Алишербек анҳор ёқасидаги қадрдон йўл билан келмоқда. Уша дарвоза — дорул-меҳр/қаршисида бир оз туриб, уни тавоф айлагач, энди уч-тўрт қадам юрган эди ҳамки, орқадан биров:

— Буродар, ҳэй буродар! — деб чақириб қолди. Алишербек орқага ўгирилганича тўхтади. Шу асно унинг олдига икки нафар кўча қоровули етиб келди, қўлларида тўқмоқ, белларида дудама пичоқ.

— Мунда бемаврид не қилиб юрибсиз?

— Кўча файзидин баҳраманд бўлуб юрибмен.

Алишербек жавобини тугатмасдан туриб иккинчи қоровул сўради:

— Невчун бул дарвозага ёмон назар қилдинг?

Қоровулнинг сансираб сўраши дилига нишдек ботса ҳам Алишербек ўзини босиб, ётиғи билан жавоб беришга ҳаракат қилди:

— Назаримни қандоқ кўрдингиз қоронғуда, жаноб?

— Бул жонибда сани кўп маротиба кўрдук. Ниятинг бизга аён. Биз бирла қадам бос. «Назар»ингни маҳкамайи шаръийда қозилу-исломнинг ўзи сўраб билиб олур.

— Маҳкамайи шаръийда не бор? Ҳозир мунда тафтиш қило берингиз.

— Кўп сўз дема. Додхоҳ анда сўралур. Қосим Анвар жанобларини, анинг сан кўз солғон қизини дағи чорлағаймиз. — Бу сўзлар ай-

тилар экан, Алишербекнинг хаёл кўзига Нуриддин Муҳаммаднинг истеҳзоли қиёфаси кўриниб ўтди-ю, шоша-пиша сўзга киришди.

— Ҳеч бир доҳилим бўлмагон бегубор бир кишини, анинг покдомон қизини чорламоқ не даркор. Вожиб экон, манинг ўзум борурмен маҳкамаи шаръийга, мани тафтиш айлангиз, — дея йўлга тушди.

Алишербек бир кечани тутқинликда ўтказди. Бу кеча Алишербек учун бутун ўтган умрига ҳисобот берадиган, истиқболи тўғрисида ўйлаб оладиган кеча бўлди. У ҳар қандай жазога, бадномликка тайёр, фақат ўзи танимаган-билмаган, эшитган ва кўрган иззатли Қосим Анвар ва унинг мастурасини бу ерга чақирилишдан, бошини нигун, ҳолини забун, отини бадном қилишдан сақлаб қолса бўлди. Маҳкамада рўпара келган ҳар бир кишидан шуни сўрар, шуни ўтинар эди.

Эвоҳ, унинг яккаю ягона истагига қарама-қарши ўлароқ Қосим Анвар ва унинг қизи маҳкамага келтирилди.

Эрталаб, тергов бошланмасдан олдин, Алишербек, чиқмаган жондан умид дегандек, ўзига илоҳият вакилларидек бўлиб туюлаётган бу икки шахс билан бақамти бўлмасликка яна бир бор ҳаракат қилиб кўрди. Шу мақсадда уни шаҳар қозиси олдига олиб чиқмоқ бўлган ясовулга сўз очиб кўрди:

— Бу не маломатким, унум етмаган, илким тегмаган икки мўминни кетурмак...

Ясовул унинг сўзини ҳатто эшитишни ҳам истамасди.

Танобий хонанинг тўридаги супада, катта нақшинкор хонтахта орқасида шаҳар қозиси, унинг икки ёнида икки муфтию котиб ўтирар, супанинг пастида кечаги қоровулларнинг иккаласи тикка турар эди. Пойгаҳдаги эшикнинг икки ёнидаги супаларнинг бирида Қосим Анвар ва унинг қизи ўтиришибди. Алишербек ясовул етовида ёнбошдаги эшикдан бу ерга кириб келар экан, Қосим Анвар унга диққат билан қараб қолди. Алишербекнинг кўзлари унинг кўзлари билан тўқнашди. Тўқнашди-ю, Алишербекнинг аъзойи бадани бўшашиб мувозанатини йўқотди, қалқиб кетди. Эшик рахти, яхшики, жонига оро кирди: ўзини аранг тутиб қолди. Қаршисида кечаги кўча қоровулларини кўрди.

Мардум Қосим Анвар шаҳар мухтасибининг сўрови билан шундай деди:

— Бул муллабаччани ман танимаймен, ният-мақсудидин ҳам огоҳ эмасмен. Алоҳозал-қиёс, манинг даъво дастурим йўқ.

— Мазлуманинг арзин тингламак керак, — луқма қилди кўча қоровулларидан бири.

Алишербекка разм солиб турган Қосим Анвар ўз жавобига қўшимча қилди:

— Биноидек йигит кўринадур, беҳуда бадгумон бўлубсиз.

Бу сўзлар дориюл-бахушдек таъсир қилди-да, Алишербек тетикланди. Қосим Анварга нисбатан бутун жисму жонида миннатдорлик ҳисси уйғонди. Бу сўзлар учун Алишербек энди қодир қобил эди.

Шаҳар мухтасиби чўзиб томоқ қириб олди-да, деди:

— Ожизаи Қосим Анвар, бул кимсани сизга кўз солгон ва олиб қочмоқ бўлгон деб байтул-адлга<sup>1</sup> олиб келдилар. Сиз не дейсиз? Бул кимсани танийсизму? Ул кимса сизга нечук сўзлади, нечук саъйҳаракат қилди? Борчасини рост баён қилинг?

Мухтасиб бу сўзларни айтар экан, котиб бериги супага, қизнинг олдига қоғоз ва давог-қалам келтириб қўйди. Қиз бошига писта магиз рангли узун шол ҳижоб ташлаб олган. Узун енглари орасидан қўллари, ҳатто қалам тутган панжалари ҳам кўринмас эди. Қаламни

<sup>1</sup> Адолат уйи.

тутган ҳолда қиз қоғоз устида анча ўйланиб туриб қолди. Кейин ёза бошлади.

Орага оғир сукунат чўкди. Бу сукунатда Алишербекнинг миясига не-не фикрлар урилиб қайтмади: «Бу дилсизлар Лайли ила Мажнунни шу янглиқ қийнамишлар, таҳқир этмишлар». «Кўнгулни ошкор этса не бўлур бу разил жаҳолатпешаларга? Зинҳор-базинҳор!» «Эвоҳ, ошиқ ишқ туфайли балога гирифтор, у туфайли офатга дучор».

Қиз узатган қоғозни олган котиб унга бир карра кўз югуртириб олди, кейин, қиз хушхат бўлса керак, баралла дона-дона ўқиб берди.

«Таниймен десам бўлмас, кўрганмен. Манга яхшилиқдин ўзга нарса қилгони йўқ. Ола билмай турган сув тўла кўзамни бийикка олишиб берди, холос. Ёмон сўз сўзлагони йўқ. Нолойиқ таважжуҳин сезгоним йўқ. Рост баёним шул».

— Эҳтимолким, сизга анинг нияти, таважжуҳи сезилмагон бўлса...— деб кўча қоровулларининг бири луқма ташлади.

Қиз яна ўз жавобини котиб қайтариб келтирган ҳалиги қоғозга ёзди.

Котиб жавобни бояги йўсинда ўқиб берди:

«Бул иштибоҳ қайдин пайдо бўлди!? Бул кимнинг иши!? Кимга даркор мунча оворалиқ?! Бу нечук бедодлиқким, яхшилиқдин ўзга тилаги бўлмаган бир кишига неча ийзо, неча танбеҳ берасиз?! Илтижойим шулким, бул кишига ҳеч бир озор етмаса. Эрса байтуладлга ҳам, сиз азизларга ҳам биз ожизаларда ихлос қолмас».

Қизнинг сўнги сўзлари Алишербекнинг сеҳнида

«Сан тортибон оташолуд,

Ман ўт ёқибон чиқармайин дуд», — деяётгандай туюлди.

Энди «айбдор»ни сўроқ қилишга ўтдилар. Муҳтасиб савол берди:

— Невчун ўшал кўйга қадам қўйуб, ўшал дарвозага ўтру бордингиз? Мун қандоқ шарҳ этурсиз?

Кўча қоровули сўроқни тўлдирган бўлиб деди:

— Невчун бул кўйга лаҳза-лаҳза қадам қўюрсиз?

Анча ўзини ўнглаб олган Алишербек ички бир нафрат билан дадил жавоб берди:

— Кўча-куй бормоқ-келмоқ учун бор бўлса керак, онглашимча.

Бояги қоровул тагин сўради:

— Невчун мардум Қосим Анвар дарвозаси олдида сокин туриб қолурсиз, узоқ-узоқ боқиб қолурсиз?

Алишербек «Бул жаноблар ишқдин тийғдин ҳайиққандай қўрқурлар» деб кўнглидан ўтказди-да:

— Бул — кўнгул иши,— деб юборди дангал. Шу пайт Алишербекнинг назарида қиз бир тебраниб тушгандай бўлди.

Шу билан мунозара тугади. Маҳкамайи шаръий ҳақи тариқасида жарима тўлашга, жарима тўлашни «айбдор» зиммасига юклашга ҳукм этилди.

Бу воқеани Алишербек фақат устози ва дўсти Султоналига айтиб берди, холос ва у иккисининг орасида қолиб кетди.

## 12

Ҳай, ёр-ёр айланаман.

Отма мани тошлар билан, ёр-ёр, айланаман,

Учиб-ўқ кетай ҳушлар билан, ёр-ёр, айланаман,

• Кўй келади кўзи билан ҳай ёр-ёр, айланаман,

Бир-бирининг изи билан, ҳай ёр-ёр, айланаман...»



Куёв навкарларининг ёр-ёр қўшиғи хуфтон намозини адо этиб, жойнамос устида хаёл суриб ўтириб қолган Алишербекнинг ўйини бузди. Қиз кўчиришга бормоқдалар. Йигитлар ёр-ёр қўшиғини эҳтирос билан ёниб айтиб, ноғора ва карнай-сурнайга шитоб берадилар... Баргирез фасл — бу тўйлар мавсуми. Деярли ҳар куни шаҳарнинг гоҳ у ерида, гоҳ бу ерида тўй; эрталабда тўйлик олиб кетаётган аравалар кўринади, кечалари ёр-ёр садоси эшитилади.

Ёр-ёр садоси анҳор сари узоқлашгандай бўлди-ю, Алишербекнинг юраги шувиллаб кетди. Урнидан тура солиб дарича олдига борди. Араваларни таъқиб этиб бораётган машъалалар анҳор ёқасидаги кўча бўйлаб борар эди. Уч арава, ўртадаги соябонли арава. Икки ёнда машъала тутган отлиқлар. «Гулижон учун келдилар. Аё, Гулижон эмди борур». Бу фикрнинг ларзаси бутун вужудига тарқалди-ю, Алишербек каловланиб кетди. Дарича рахтини тутароқ чўккалаб қолди.

Машъалалар кўринмай қолди, лекин ёр-ёр садоси тинмади. Ожизроқ бўлса ҳам эшитилиб турар, тобора авжга чиқиб, ноғора ва карнай-сурнай садоларини ҳам кўмиб кетар эди.

Сурнайчию карнайчи чолгуларни эмас, гўё ўпкасига пуфлаётгандай, Алишербекнинг кўкси қабашиб, энтикиб-энтикиб нафас оларди. Назарида, ноғорачи чўпларни ноғора кўксига эмас, гўё Алишербекнинг сийнасига урарди. «Нетонг, майли, завқ билан дам ур, нағмасоз. Ноғорабоз, чўпларингни қаттиқ-қаттиқ ур. Андоқ урғилки, то кўксум ёрилиб кетсун, пора-пора бўлсун!.. Воҳ ажаб, бул тағофилпешалар манинг ҳолимни на билсун!.. Чархи гардуннинг шевалари, ойинлари<sup>1</sup> ажабдин ажаб!» Алишербек ошкора сўзланар, ўзини қаерга қўйишни билмас, ҳужра ичра юриниб, ғудранар эди, холос. Қани энди кўзлари кўрмаса, қулоқлари эшитмаса! «Е раббийул-оламин, қудратинг не чоғ, они шоён эт! Мани кўрувдин, эшитув имконидин маҳрум қилғил! Воҳ, оллоҳ! Ман невчун қолдим ҳужрада? Невчун бирон бир такъягаму ё майхонагаму йўл олмадим! Яна нучук кўргуликларинг бор?! Андоқ дору бўлсаким, карахту беҳуш ўлсанг. Чархи гардун бошингни янчса,— билмасанг...»

У қулоқларини бармоқлари билан беркитди. Шу ҳолда қанча ўтирди, билмайди. Бармоқларини олганида, олисдаги ноғора садолари тинган эди.

Бир неча кундан бери йўталиб, акса уриб, хасталаниб ётган Алиёр бобо Алишербекнинг норозилигига қарамай жой ҳозирлади-да, ўзи ёнбошдаги ҳужрага чиқиб кетди.

Алишербек ўринга кириб ётди. Йўқ-йўқ, ёта олмади! Ётиб бўлармиди, бундан кўрасига жаҳаннам қаърига кириб ястангани ўнғай эди унга! Ёстиқ гўё харсанг тошу, кўрпа — тиконзор.

Урнидан туриб кетди. Шаъми ёқди. Қўлига қалам олиб, қоғоз устига энкайди. Кўз ёшлари унга мунчоқдай тўкила бошлади. Юрагидан сизиб чиқаётган аламли фикр-туйғулар назм либосини кийиб, қоғозга нақшлана бошлади...

«Сан зулоли васл ичиб, ман захри ҳижрон ичкучи,  
Оғу ичкондин не воқиф оби ҳайвон ичкучи.

Ул юзин гулранг этиб, ман ашк хунобин тўкуб,  
Ким эзур ул бодаи гулгуну ман қон ичкучи.

Ичса гулгун бода, оламдур гулистон юзидин,  
Буйла йўқ олам гулистонида имкон ичкучи...»

<sup>1</sup> Одатлари.

Тағин ёр-ёр товуши эшитила бошлади. Зиёфатдан сўнг куёв навкарлари каниз қизлар билан бирга қизни олиб қайтишар, энди ёр-ёрни йигитлар эмас, канизак қизлар айтишарди:

«Сарв қадлар сарвари гулчеҳрадур, ёр-ёр,  
Дилраболар дилбари гулчеҳрадур, ёр-ёр.

Гулчеҳралар бирла боғ гулшан эрур, ёр-ёр,  
Гулшан аро сиз мудом гулхан эрур, ёр-ёр.

Гулчеҳралар исидин тўлди жаҳон, ёр-ёр,  
Бошдин оёқ муаттар бўлди жаҳон, ёр-ёр...»

«Ёр-ёр эмиш... Ёр-ёр нимаси! Ағёр-ағёр<sup>1</sup> денглар, эй ғофил бандалар. Алфироқ<sup>2</sup> эмди, Гулижон! Алфироқ!..»

Ёр-ёр товуши кўнгил уйини вайрон қилгудай бўлиб яқинлашди-ю, кейин узоқлаша бориб, Алишербекнинг юрагини ҳам ўзи билан олиб кетаётгандай бўлди. Товуш узоқлаша-узоқлаша тинди. Алишербекнинг юраги ҳам шип-шийдам бўлиб хувиллаб қолди.

□

Алишербек ташқари чиқди. Кузнинг сарин ҳавоси ловуллаб турган юзига урилди-ю, алам оташида ўртанаётган танига ором бағишлади.

Отхонага кирди. Отларга беда солган бўлди. Отхонадан чиқиб келиб арғувон остида тўхтади. Дарахт танасига суяниб туриб қолди. Бандидан чирт-чирт узилган япроқлар мажолсизгина тебрана-тебрана оёқ остига ястанади. Улар салқин кечада жунжикиб турган арғувоннинг қонли кўз ёшларига ўхшайди. Алишербекнинг кўнгли «мисли султони йўқ мулк. Султони йўқ мулк не эмиш, балки қоронғу кечаким, моҳи тобони<sup>3</sup> йўқ... Дарвоқе, кеча, ярим кеча, моҳи тобонсиз кеча...» Дарахтлар остидан чиқди-да, бошидаги духоба аврали кулоҳини бостириб қўйди. Осмонга қаради. Жилвагар шаффоф юлдузлар нуқра ранг учқун сачратиб, жимирлашади. Қаердадир кўкка қараб маҳзун улиётган итнинг товуши ғариб кеча сукунатини бузади.

Кўксига шу чоққача сезилмаган бир ҳис уфуриб кирди, — гўё жисми ичра жон кирди. «Чархи гардун не, байтул-аҳзанму!<sup>4</sup> Ҳудудсиз фалак, жилвагар юлдузлар... Арғувондин узилиб тушаётган сариқ япроқлар... Қулоққа урилаётган унлар, садолар... Инчунун, буларни кўрмак, сезмак, эшитмакнинг худ ўзи сурурли, завқнок. Шул неъматлар — саодат. Зотан, яшамоқнинг ўзи — саодат».

Бу таскинбахш ҳисдан кўзлари ўткирлашган Алишербек сезилар-сезилмас оқлик югурган машриқ уфқига боқди. Бу оқлик порпирай-порпирай осмоннинг учдан бир қисмини эгаллади. Алишербек таҳорат олмоқ тараддудидида ҳужра сари юзланди.

□

Алиёр бобонинг ҳолидан хабар олгач, Алишербек кўчага чиқди. Кўча бўйида андак тараддулланиб тургач, шимол томон кетган катта кўчадан илдам юриб кетди. Кўчалар гавжум. Намозхонлар бамдоддан қайтишмоқда. Айримлари уйга шошилади, кўпчилиги нонушта учун хўрақхона, такъяларга бурилади.

У қачондир кўзи тушган майхонани топиб борди. У ерда ходимлар ва ҳайҳотдай танобий хонада бир мижоздан бошқа ҳеч ким йўқ

<sup>1</sup> Рақиб.

<sup>2</sup> Алвидо.

<sup>3</sup> Чароғон ой.

<sup>4</sup> Ғам уйими.

эди. Алишербекнинг сўрига чиқиб ўтиришини кузатиб турган, ҳорғин кўзлари қизарган хушрўй муғбача дарров қаршисига келди ва қўл қовуштириб зўраки табассум билан деди:

— Сабухий<sup>1</sup> тилайдиларму, хоҷам?

— Ҳов-ҳа, хумморлиқни ёзар нимарса ва икки сих кабоб кетиринг,— деди Алишербек. Кетмоқчи бўлаётган муғбачани тўхтатиб қўшимча қилди:— Аввал хом чой кетирсангиз.

Нон билан ичилган хуштаъм кўк чой заъф танга тетиклик берди. Бир сих кабобни егач, соғардаги майни икки бўлиб иккинчи сих кабоб билан ичди. Бу орада сабуҳий истаб келганлар сони кўпайиб қолган эди. Кунни мақсадсиз бўлгани учун Алишербек бу ерда алламаҳалгача ўтирди. Унинг кўнгли «Муножот»ни яна бир бор эшитишни жуда-жуда истар эди.

## 13

Алишербек бир ҳафтани мақсадсиз, лоқайд, ҳеч қандай машғулотсиз ўтказди. Ҳатто қўлига на қалам, на китоб олди. Зеро, қўлига қалам олмаган кунини умри саноғига қўшмас эди. Фақат Алиёр бобога табиб қақриб келди, унинг дори-дармонига қарашди. Алиёр бобо яхши бўлиб, ўрнидан туриб ҳам кетди.

Кунлари бесамар ўтаётгани охири ўзига қаттиқ таъсир қилиб, Алишербек ҳушёр тортиб кетди. Ички бир куч уни шу кунларда тушиб қолган ҳолатини таҳлил қилишга ундади.

«Ҳошолиллоҳ, бул ишим тўғрилиқдин бўлмас. Ҳар кун ёхуд кун аро дайри фано ва такъя эшикига бош урмоқ. Ман фақирга муносибму бул саргузашт?..» деган хулосага келиб, Алишербек майхонага ҳам, шаҳди айш маскани такъяга ҳам қатнайдан ўзини тийди.

Бир фикрга келди-ю, шу фикри бешловида Алиёр бобони олиб Ҳиротга отланди. Бундан унинг кўнгли равшан тортиди, юраги дармон топди.

Алиёр бобо нонушталик олиб кирганида Алишербек оинага қараб кулоҳ-салласини тузатиб ўтирар эди. У ҳар кунгидан кўра бўлакча кийиниб олган: бошида қизил аврали кулоҳ устидан кўпдан ўрамагани симобий салла, эгнида туя жунидан тўқилган чакмон. Бу саруполар келишган қоматига ярашиб турар эди. Мурти ҳам қайчилашга яраша бўлиб қолибди. Қадди-қомати ҳам баркамоллик касб этган. Буни кўриб, хоҷасининг айрим хатти-ҳаракатларидан кўнгли тўлмай ташвишланиб юрган, сўрагани истиҳола қилаётган Алиёр бобонинг вужудини қувонч туйғуси эркалади, кўнглини фахр ҳиси тўлдирди.

Алишербек чой қайтараётган Алиёр бобога бурилиб қараб деди:

— Ноҳаракдин сўнг отларни эгар-жабдуқланг, сафар ҳозирлигини кўринг. Ҳиротга бориб келурмиз.

— Мақбул...— деб қўл қовуштирди-ю, сабабини билгиси келса ҳам сўрашга Алиёр бобонинг тили бормади.

Ҳиротга бора-боргунча ҳам Алишербек тузган режаси юзасидан мушоҳада қилиб борди. «Атоси Қосим Анвар Ҳожа Баҳоваддин Нақшбандий тарийқатининг толиби содиқларидин эркон. Одоби тарийқат сулуқининг нуфузли, мусаллам кишиси. Гулижон дағи бул жамоага мансубким, манга маънавий васл имкони шул кўйда эмасму? Аҳли дил тарийқатиға кирмоқ менга имкон эрур. Аҳли дилнинг пири муршиди ва назм аҳлининг пири комили Махдуми Нуран дурур. Ҳар нав ила шогирдлик зарурат манга».

<sup>1</sup> Бош оғриғига ичиладиган май.

Бутун йўл бўйи отини қичаб келган Алишербек Ҳиротга яқинлашгач, жиловни тортиб отни секинлатди. Ийманишга ўхшаш бир нарса шаҳду шаштини сусайтириб қўйди. Мавлоно Абдураҳмон Жомий билан бир мартагина учрашган. «Менинг тилагимни не нав қабул қилар экин? Ихлосу садоқатимга инонарму экин?» Мавлоно Абдураҳмон Жомий билан бўладиган мулоқотни тасаввурида жонлантириб, унинг режасини туза бошлади. Абдураҳмон Жомийнинг Ҳиротга кираверишда, Ироқ дарвозаси яқинида, ўзининг пиру устои Саъдиддин Қошғарий дахмаси қошида яшашини билар эди. Устоднинг бу ерда иқомат қилиши боисининг бири — устозига меҳру садоқат бўлса, бири — фоний дунё гавғоларидан этак қоқиб, ижоду ибодат билан шуғулланиш эди. Алишербек шошмай, бўладиган учрашувни яхшилаб ўйлаб мулоҳаза қилиб олиши керак эди.

Ақл-шуурини ўйлар гирдобидан аранг халос қилиб атрофга боқди. Она шаҳри Ҳиротни обдан соғинибди. Кўчада юрган-турганлар кўзига иссиқ кўринади, дилига дилкаш туюлади. Алишербек юрт ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олади.

Ҳирируд наҳри устидан — кўприкдан ўтишаётганда, чуқур ўздан оқаётган бу наҳр ва унинг атрофидаги манзара Алишербекка Машҳаддаги анҳор ва унинг ёқасини эслатди. Анови самбитолнинг новдасидай нозик-ниҳол қаддини бир томонга хиёл эгиб кўза кўтариб наҳр қирғоғидан узоқлашаётган қиз-чи? Ихтиёрсиз равишда жиловни тортди, от тўхтади. Алиёр бобонинг тўриғи олдинга ўтиб кетди. Алишербек дафъатан кўрмаган экан: ҳув ишком орасида бир йигит ток зангини тутганича қизга термилиб турибди...

Алишербекнинг ишқ яраси янгиланди. Ўзининг кажрафтор ишқ қисматининг ёдидан аъзойи баданига совуқ бир титроқ югурди-да, нчида: «Астағфируллоҳ, астағфируллоҳ, кўз тегмасун. Сизнинг қисматингиз некқадам бўлсун»,— дея ошиқ-маъшукқа тилак тилади...

Ҳа, ҳаёт боқий, башарият узлуксиз. Умрлар ариқдаги сувлардек оқиб ўтади, баъзан тақдирлар ҳам такрорланади.

...Икки қанотли ўймакор дарвозани кўрганида, Алишербекни баттар ҳаяжон чирмаб олди-ю, ўзини жуда ожиз, нотавон сеза бошлади. Алиёр бобога бир қараб олиб, отдан тушди. Отнинг жиловини унга тутқизди. Дарвоза ҳалқасини қоқар экан, терлаган кафти ҳалқани ҳўл қилиб юборди.

Ичкаридан чиқиб келган киши дарвозанинг бир қанотини очиб, қўл қовуштирганича ўзини четга олди. Бу эгнига эски хирқа кийиб, белига фўта боғлаган, бошига ўнгиб кетган кулоҳ қўндирган дарвиш эди.

— Пойи қадамингиз қутлуғ,— деди-ю, Алиёр бобога кўзи тушгач, Алишербекни ўтказиб юбориб, ташқарига шошилди. Алиёр бобони бошлаб кирди-да, чапдаги узун кетган отхонага ишорат қилиб:

— Бул томон етакланг,— деди. У ерда икки от охур олдида турар эди. Ўзи рўпарадаги пешайвонли меҳмонхонага кириб кетди. Айвонда ўтирган икки дарвишдан бири дарвоза очди, иккинчиси елкасига сочиқ, офтоба кўтарганича салом бериб Алишербекка пешвоз келди. Алишербекнинг хаёлида биринчи гал келганидаги ҳолат жонланди. Ушанда ҳам худди шундай кутиб олишган эди. Ички-ташқили ҳовли. Ташқи ҳовлида ҳовли соҳиби каби иккита улкан, умри узоқ сояпар чинору хазонак бўлган гулзордан бўлак ҳеч қандай ўсимлик йўқ. Ичкари ҳовли эшигидан кўшк ва катта боғ кўзга ташланади.

Очиқ эшик олдида бояги дарвиш қўл қовуштириб турар эди. Алишербек қўлларини кўксига қўйганича «Ассалому алайкум»,— деб остонадан ҳатлади. Остонадан қараган кишига кенг танобий хона кимсасиз бўлиб кўринади, чунки ўртада хонтахтаю, унинг атрофидаги

якандозлар бўм-бўш. Алик жавоби эшитилгач, Алишербек товуш келган томонга — ўнгга қаради. Махдуми Нуран<sup>1</sup> ҳазрат қўл қовуштириб турар эди. Эғнида шайхлар жуббаси кўкишга мўйил, оқ ичида камзул, бошида симобий ранг салла, у кулоҳ кўринмас даражада қават-қават қилиб ўралган; салла ва оқ оралаган соқол-мўйлови ёноқлари қип-қизил думалоқ кўркам юзини нуронийлаштириб турибди. Усиқ қошлари остидан тийрак кўзлари норасидалар кўзидай самимий боқадди. «Ташрифингиз муборак!» — деди-ю, уй тўрига ишора қилиб, ўтиришга таклиф этди. Алишербек чап томондаги якандоз устига чиқди-да, кўрсатилган жойга ҳазратларининг ўзларини ўтишга қистади. Лекин ҳазрат хонтахтанинг у бошига — Алишербекнинг қаршисида тиз чўкди. «Ҳазокаллоҳи ҳайран касиран-касиро», — дея фотиҳа қилди. Икковлари ҳовучларини юзларига тортишди...

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлишгач, бирдан мавлоно Абдурахмон Жомий:

— Мақомингиз Ҳиротдаму? Невчун биз фақирни йўқламайсиз? — деб сўраб қолди соф туркий тилда. Форсий тилда сўрашган Алишербек хижолат тортиб, қизариб кетди. «Зеро, Ҳиротда форсий билмас турк, туркий билмас сорт йўқ дурур». Миясига келган бу фикрдан ўзини ўнглаб олди-да, жавоб берди:

— Бул фурсат мақомин Машҳадда, пирим. Имкон бўлса-ўқ, иқоматимни бул ерга кўчирмоқчимен.

— Имкон невчун бўлмасунким, чу сиз, бекзода, султонларнинг сарой аъёнларидин бўлсангиз? — сўради Жомий мулозим узатган чойни олар экан. Ҳазратнинг хоотири барқарорига тан берган Алишербек жавобига қийналди:

— Мақом тутарға Ҳиротда дорул-қурбим йўқ, пири муршид, — дея олди, холос. Хайриятки, Махдуми Нуран ҳазратларининг ўзлари гап нишобини бошқа ёққа буриб юбордилар:

— Яхши айтилгон абётларингиз бор. Хусусан, туркий тилда биткон ғазалларингиз улус ичра шухратланибдур. Камина ҳам мажлисларда бир-иккисини эшитибмен. Навоий дебон алматухаллис қилур эконсиз. Форсийда дағи шеър айтурсизму?

— Ҳов-ҳа, пирим, форсийда дағи онча-мунча ғазал битурмен. Аларда Фоний дебон нишон қўйғамен.

— Зуллisonайнмен<sup>2</sup> денг? Зотан, ҳозир Хуросонда зуллisonайнлик расм бўлмиш. Невчун эмди Фоний нишони даркор бўлди. Мундин не мақсад?

— Манинг мўлжалимда мунинг икки жиҳоти бор: бири дуний<sup>3</sup> борар-ўтар маънисида, иккинчиси — форсиғўйликда ман дағи вақтинча, борғучи шоир деган маънида.

Алишербекнинг бу сўзларидан Махдуми Нуран ҳазрат жилмайиб қўйди-да, дастурхонга қистади. Пиёласидаги тоби чиқиб қолган чойни симириб ичди-да, яна тўлдирди.

Орага тушган бир муддатли сукутдан чўчиган Алишербек мақсадга кўчишга шошилди:

— Фақир бу даргоҳи олийга шогирдлик арз этиб келдим. Шогирдликнинг дағи ики жиҳоти бор. — Махдуми Нураннинг тасбеҳнинг қора марварид доналарини ўтказаётган қўллари ҳаракатдан тўхтаб, чехрасига яна табассум югурди. Бир оз энқайиб Алишербекнинг сўзларини астойидил тингламоққа чоғланди. — Бири, шеърят бобинда бўлса, иккинчиси, тасаввуф тарийқати<sup>4</sup> бобиндадур.

<sup>1</sup> Жомийни шундай аташган.

<sup>2</sup> Икки тиллиман.

<sup>3</sup> Дунё.

<sup>4</sup> Сўфийлик йўли.

Ҳушёрланиб олган Махдуми Нуран бошини ҳам қилиб андек туриб қолди.

— Онглаганим андоқки, муродингиз — фақирга ихлосму!

— Ҳов-ҳа, пирим, бале. Андоқ-андоқ,— деб юборди ниятини тушунтира олганидан, Махдуми Нураннинг тушунганидан суюниб кетиб Алишербек.

— Назм бобиндаги устозликка аввалий дастуримиз шулким, зуҳур бўлгон ашъоримиз. Сиз аларни ўқурсиз, биз сизнинг абётларингизни ўқурмиз. Қандоқ зуҳур бўлгонига фикр айтурмиз... Тасаввуф тарийқи хусусинда эса, азму жазмингиз устивор, муродингиз барқарор бўлса, бас. Одоби тарийқатнинг таомил — расмлари, талабларини бирин-бирин шарҳ этурмиз. Ҳақ-ҳақиқат лоямутдур<sup>1</sup>. Ишқ-муҳаббатнинг ҳақиқийси — халққа муҳаббат, онинг бандалари эл-улусга муҳаббат дурур. Эл-улусга яхшилик қилмоқ муддаосини дилга жо этмоқ дурур. Шул эрур бул сулукнинг ғояйи амоли. Шарти асосийси — камолот касб этмоқ. Пировард натижаси эса инсони комилликдур, ўғлим. Жисмимиз фоний, руҳ эса лоямутлигига иқрор бўлмоқ. Бани одамга худ яхшилик қилмоққа камарбаста бўлмоқдур,— деди-да, чап қўлтигини пайпаслади. Худди тумор сингари елкаси билан қўлтигидан ўтказилган ҳамойилдаги калитни чиқарди-да, ташқарига йўналди. Бир оздан кейин чарм жилдли бир китобни кўтариб кириб келди. Бояги жойига ўтириб китобни очар экан:

— Бул шажараи жамоати Хожа Баҳоваддин Нақшбандия,— деди.

Одоби тарийқат сулукига мансуб ўтганларнинг ҳақиға дуо қилиб, китобни очди. Сўфийларнинг номлари, улар тўғрисидаги маълумотларни ўқий бошлади. Марҳум ва барҳаёт, таниш ва нотаниш номлар ичида мавлоно Лутфий ва шайх Қосим Анвар исми шарифларини эшитиб, Алишербекнинг кўнглини мамнуният ҳисси тўлдирди, у ўз тутмишига яна бир бор қаноат ҳосил қилди. Хаёлида Гулижоннинг суврати жонланди. Ичида қайд этди: сан ила бир тарийқатдамен, руҳан санга ҳамроҳмен.

Ҳосили умр, эй кўнгул, чун ишқ эмиш, ўрган они,  
Ўзга умримда неким ҳосил қилибтурсен, унут».

Шайх Қосим Анвардан кейинги ўқилган исмлар, маълумотлар Алишербекнинг қулоғига кирмади...

Тез-тез йўқлаб туришга ваъда бериб, Алишербек ўрнидан турди. Дилкаш устоз билан қуюқ хайрлашди. Шайх Абдурахмон Жомий уни то кўчагача кузатиб чиқди.

## 14

Алишербекнинг кўнгли беқарор бўлиб, бир ерда муқим тура олмас, сайру саёҳат истар эди. Аввал Шерозга сафар қилди. Айланиб Тусга келди. Буюк салафлари Фирдавсий — Тусий, Шайх Саъдий, Шерозий ва Ҳофиз Шерозийлар яшаган қадамжоларни зиёрат қилди. Бу сайру саёҳатлар унинг ўртанган нотинч қалбининг ҳоврини босар, таскин берар эди, лекин она шаҳри Ҳиротни соғиниш ҳисларини баттар кучайтирар эди.

Машҳадга, кулбаи хонасига келди-ю, эндиликда Астрободда ҳокимлик қилаётган дўсти аржуманди Ҳусайн Бойқаронинг мактубини олиб, шунингдек, омад ва муваффақиятлари ҳақидаги хушхабарлардан кўнгли кўтарилиб, унга жавоб хати ёзишга тутинди.

<sup>1</sup> Абадийдир.

«Ул нишонким, келди сиздин, танда жон бўлди манга,  
Улмиш эрдимким, тирикликдин нишон бўлди манга.

Куллуқ дуодин сўнгра арзимиз шулким, Тус сафаридин қайтқоч иноятномангизни олдук. Астрободдин иноят нишони била бу қулингизни ёд этибсиз — кўнглумиз сарафроз, бошимиз сарбаланд бўлмиш.

Баъзи ишларингиз, зафарларингиз ахбори бизгача етиб келди. Оллоҳга ҳамду саноким, Сизни омад ва саодат йўлига солмиш. Омад бардавом ва саодат жовидон бўлсун.

Чу Сиз каримут-тарафайнсиз<sup>1</sup>. Иншооллоҳ, тез кунлар соҳиби тож бўлғайсиз. Бу нотавонга ҳам ижодга берилмак учун шароит бунёд бўлса шояд.

Ошуфта хаёл фақирнинг Машҳадда мақом тутарга қарорим йўқ. Гоҳ у сари-гоҳ бу сари гузарим тушар. Сихҳатим, рўзгорим хусусинда хотирингиз жам бўлсун, бир нав иложи бордур.

Ҳар саҳар то қуёш чобуксувори<sup>2</sup> зулмат черикин<sup>3</sup> дафъ этгай, қаро туннинг гулчехралар сунбул зулфидек паришон хайлин<sup>4</sup> тору мор қилиб, фалак ҳисорин<sup>5</sup> фатҳ қилгай. Чу ул саҳархандалик, қуёшройлик чобуксуворлар шоҳи учун тенгри таоло муҳолиф черикининг зулмин мунҳазим этсин ва хоксор адувнинг<sup>6</sup> туфроғин кўкка совуриб, кишвару мулк ҳисорининг фатҳин насиб қилсун деб,

Дуо бирла оғоз қилдум<sup>7</sup> калом,  
Керакким, дуо бирла қилсам тамом.  
Оллоҳ, токи ҳар шаҳки ком истагай,  
Жаҳон мулки тахтин мақом истагай.  
Машаққат эса ибтидоси онинг,  
Мурод ўлғуси интиҳоси онинг.

Куллуқ нишон панжшанба кунни битилди. Дуои хайрингизни қилиб қоламен.

Алфақирук-ҳақи Алишерил-мутахаллис Навоий».

Ёзган хатини кўздан кечирар экан, Алиёр бобо кириб: «Сизни биров йўқлайдур»,— деди. Хужра эшигидан чиқиши билан бошига тулки телпак, эғнига йўл-йўл беқасам тўн кийган, қоп-қора соқол-мўйлови буғдой ранг юзини тартибсиз қоплаган бодом қовоқ, тийрак кўзли йигит ўзини бирдан Алишербекнинг оёқлари остига отди. Жуббасининг барини юзига босиб сўзлай кетди:

— Сизнинг шарофатингиз ила бошим омон қолди, тақсири олам. Сўраб-сўраб аранг топиб остонангизга бош уриб келдим. Рози бўлиб қабул қилсангиз, ўлғунимча хизматингизни қилсам.

Алишербек елкасига даъватона оҳиста уриб, садоқат кўрсатувчини ўрнидан турғизди, қўлини олиб кўришди. Бу одамни қаердадир кўрган, лекин қаерда кўрган? Эслашга ҳаракат қилиб киприк қоқди. Буни пайқаган бегона йигит:

— Айнул-ҳаётдан яёв, кечаю кундуз юра-юра бу кун тонгда Машҳадда бўлдум. Амир Иброҳим Машҳадий ўлумга ҳукм қилғонда, тақсири олам, сиз арога тушиб, бизни, яъни шеригим билан мени амир Юсуф Розий ихтиёрига, айнул-ҳаётга жўнаттирган эдингиз. Насиб экан, бошим омон қолди. Яратганга минг қатла шукр. Бу — сизнинг шарофатингиз. Онинг-чун бу бош эмди сизнинг ихтиёрингизда...

Алишербекнинг ёдига бундан олти-етти ойлари чамаси илгари рўй

<sup>1</sup> Икки томондан султон фарзандисиз.

<sup>2</sup> Чопқир кўшини.

<sup>3</sup> Қўшинини.

<sup>4</sup> Гуруҳини.

<sup>5</sup> Кўрғонини.

<sup>6</sup> Душманнинг.

<sup>7</sup> Бошладим.

берган амир Иброҳим Машҳадий ўрдасидаги воқеа тушди. Ушанда амир банди қилиб келтирилган Ҳусайн мирзонинг икки навкарини ўлдириб, каллаларини мақтаниш учун Амир Юсуф Розийга элтиб кўрсатишни буюрган эди. Алишербек орага тушиб, навкарларни Айнулҳаётга тириқлай жўнатишни, сўраб-тергаб жазоламоқни Амир Юсуф Розий ихтиёрига ҳавола этишни таклиф қилган эди.

— Маъқул, маъқул... Марҳамат, фақир била ҳамдам, ҳамхона бўлинг,— деди Алишербек паришонхотирлик билан ўзи тенги бу истараси иссиқ йигитни ичкарига бошлар экан.— Исмингиз не?

— Убайдулло.

Алишербекнинг хаёли бу чоғ ўшанда Амир Иброҳим Машҳадийникида кўрган-кечирганлари билан банд эди. Палов ейилиб бўлингандан кейин Амир Иброҳим Машҳадий меҳмонларга мурожаат қилиб:

— Эмдигина тановул қилинган таомда не хосиятни пайқадингиз?— деб қолди. Барча меҳмонлар палов тотли, хушхўр бўлганини бир оғиздан айтишди.

Мезбон маккорона кулги билан деди:

— Бул таом тирик қўйнинг мойидан тайёрланмиш.

Меҳмонларнинг айримларида ҳайрат, ҳаяжонланиш кўринди, айримлари илгари ҳам қаердадир шу хил таом еганини айтиб, унинг хосиятларидан сўзлади.

Шундан кейин мезбон меҳмонларни бошлаб қўтонга олиб кирди, бўрдоқига боқиладган ҳисорий қўйларни кўрсатди. Айрим қўйларнинг қучоққа сиғмас думбаларининг икки-уч жойи тилиниб, ўша жойларга махсус идишчалар осиб қўйилган. Идишларга тилинган жойдан ёғ сизиб томчилаб турар эди. Бу ҳол Алишербекнинг ғазабини кўзгади. Унинг нозик табиати бундай тўқликка шўхликни, ваҳшийликни ҳазм эта олмас эди. Катталарда бу ҳолга нисбатан очиқ норозилик аломатларини кўрмагани учун ғазабини базўр ютди. Лекин кўз олдида икки банди навкарнинг беҳуда ўлдирилишига эса чидаб тура олмади...

Алишербекнинг сукутидан ўзича маъно чиқарган Убайдулло унга илтижоли тикилиб турар эди. Бу нохуш хаёлотдан кўнгли ғашланган Алишербек, ниҳоят, бош кўтариб:

— Ул зоти шарифга ончадин бери навкарсизму?— деди.— Мирзони кўргонингизга неча вақт бўлди?

— Ҳусайн мирзо жанобларига навкарликка кирганимга икки йилдан ошиқроқ вақт бўлди, тақсири олам,— деди Убайдулло жонланиб.— Сиз мени Амир ўрдасида кўрганингиздан уч кун илгари кўрган эдим ботир Мирзони.— Сўнг ийманиброқ қўшиб қўйди:— Сизнинг тўғрингизда Мирзо кўп гапирар эдилар.

Алишербек миннатдорона бош силкитди-да:

— Иншооллоҳ, ул зоти шариф билан амонлиқда дийдор кўришгаймиз,— деб қўйди. Жойида қўзғалиб олиб сўради:— Меҳмон, маъзур тутасиз, сўрамоқнинг айби йўқ: қайдин сиз ўзунгиз? Лафзингиз ажаб равон ва туркона.

— Мен Андижон тарафданман, тақсири олам. Юртим Андижондан ҳам нари, Уш деган жой. Эшитганмусиз? Нон-насиб экан, бу томонларга келиб қолдим.

— Нечук қисмат, нечук йўл била, билсак бўлурму, тақсири олам Убайдулло Уший?— «Тақсири олам» мурожаатини ҳозиргина Убайдуллодан ўзлаштириб олган Алишербек ўзи истамаган ҳолда бу сўзни ургули қилиб айтди. Бундан ўзи изза тортиб қизарди.

— Ҳавас қилиб Самарқандга таҳсил олгани келган эдим. Уч йил мадрасада ўқидим. Энам... оғамнинг қўлида турар эди. Онинг қазо қилганини эшитиб, Ушга бордим. Икки ой туриб марҳумага тегишли



расм-русмларни ўтказдим. Тағин мадраса қўйнига қайтдим. Аммо-лекин камбағал тириклик жонимга тегиб кетди. Аксарият муллаваччалар ё ул, ё бул мирзога навкарликка киришар эди. Мен ҳам тўрт ҳамсабоғим билан таваккал қилиб Ҳусайн мирзо даргоҳига келиб, навкарликка кирдим, — дея Убайдулло бармоқларининг учи билан пешонасини ишқаб, чуқур энтикиб қўйди.

— Биз фақир киби толиби илммен денг. Қисматимиз монанд эркон.

## 15

Сайид Ҳасан Ардашер тортиқ қилган отни охурга, бошқа икки от олдига боғлаб ҳужрага йўл олган Алиёр бобо билан Убайдулло ичкаридан Алишербекнинг уд жўрлигидаги хиргойисини эшитдилар. Ашулага халақит бермаслик учун даҳлиздаги деворга суяб қўйилган уч ола хуржун олдига чўнқайишди. Янгигина ёзилган ғазал мусиқа билан гоҳ уйғунлашиб, гоҳ унга итоат қилмай ҳаволанар эди.

«Ишқ аро ҳолимга бир ҳамдам тараҳхум<sup>1</sup> қилмади,  
 Ёр ҳолим билмади, гар билди, кўзга илмади.  
 То ул ой ағёр ила нўш айлади жоми висол,  
 Қайси ҳижрон нишиким бағрим аро санчилмади.  
 Не ажаб гар билмасам ҳолимни бу ғамдинки, ёр,—  
 Ўлғали еттим ғами ишқида, ҳолим билмади.  
 Қон ёшимнинг саргузаштин ким ёшурсун эмдиким,  
 Қолмади ерким, бу рангин можаро айтилмади.

Эй Навоий, сандин ўту сув ародур халқким,  
 Ёғмади ашқинг суйи то оҳ ўти чақилмади».

Ашула тугаши билан юраги тошиниб кетган Убайдулло кира солиб, салом беришни ҳам унутиб:

— Тасанно! Ҳовва ила хўб!— деди.— Асл туркона ғазал бўлибди. Имло-иншосяда ҳеч қандай саҳв-хатолар йўқ. Фикр — рост ва равшан. Сўзларнинг сарфи, навҳи ҳам<sup>2</sup> жойида. Барчага баробар англашилади.

Кўнгли очик, ўз фикрини бетакаллуф рўйи-рост изҳор қилувчи Убайдуллонинг бу гапдонлигига Алишербек мамнун жилмайиб қўйди-да, кавушандозда қўл қовуштириб турган Алиёр бобога юзланиб, деди:

— Улов келтирилдиму?

— Тақсир...— деб, Алиёр бобо қўйнидан ҳамён олиб Алишербекка тутди.— Тақсир мударриснинг ўзлари ҳам эртага азонда келмоқчи бўлдилар.

— Субҳоноллоҳ,— деди Алишербек ҳамённи тутган ҳолда.— Биздин қайтмаса ул кишига худодин қайтсун.— Кўзларида ёш пардаси йилтиради.

Дарвоқе, бу ерда кечадан буён йўл ҳозирлиги кўрилмоқда. Ҳиротни қўмсаб, ғурбатда қийналиб кетган Алишербекнинг қарори қатъий: Машҳаддан бутунлай кетади. Она шаҳри Ҳиротга сиймай қолмас, бир ғарибона кунини ўтказар. Кўч-кўронлар хуржунларга жойлаштириб қўйилди. Уч кишига уч от ҳам тайёр. Фақат қадрдонлар билан хайрлашиб қолди, холос.

Тушлик чоғи мударрис Султонали Машҳадий кириб келди. Утириб, фотоҳа ўқиғач, жилмайганича ғалати хатти-ҳаракат билан ёнбо-

<sup>1</sup> Раҳм-шафқат.

<sup>2</sup> Морфология, синтаксиси ҳам.

шидаги тугунни қучоғига олиб ечди. Ундан қизил сахтиён жилдли китоб олиб, Алишербекка узатар экан, деди:

— Хушнамолик<sup>1</sup> қилиб, камина сиздин беизн газалиётингиздин девон тартиб қилибмен. Маъзур тутасиз. Мазкур бир ёднома бўлсунким, токим, исмимиз ҳазрати Навойнинг хоотири шарифларида юрғай.

— Девонга ҳали барвақт эди-ку, ахир. Невчун беқадр нимарсаларга машаққат тортиб рақам чекмак, устод?— деди Алишербек ва китобни иккала қўлида тутиб, силаб-сийпалади, ўзича беихтиёр шукроналик билдирди:— Субҳонлоқ, субҳонлоқ. Минг-минг раҳмат, оғайи Султонали. Миннатдорлигимнинг баёнига сўз ожиз.— Алишербекнинг кўзларида ёш пардаси йилтиради.

— Кўнгулнинг рағбати бул, холос, Алишербек,— деди Султонали.

Алишербек китобни очиши билан димоқларга гуп этиб анбар ҳиди урилди.

— Оё, ўзингиз ижод этган хати туркичада битибсиз, воҳ-воҳ,— деб юборди девонни варақлар экан Алишербек. У қувончини яшира олмас, кўзларини пирпиратиб Султоналига миннатдорона қараб-қараб қўяр эди. Ниҳоят, у дуога қўл очди:

— Илоҳо омин, ҳунарингиз мундин дағи зиёд бўлсун. Қиблатул-кутуб бўлинг. Умрингиз узун бўлуб, кўп-кўп китобларни битмак на-сиб этсун. Олгун қўлунгиз дард кўрмасун. Оллоҳу акбар.

Бошқалар ҳам қўлларини юзларига тортдилар. Султонали ерга қараб ўтирар, думалоқ савлатли юзи олқишлар таъсиридан қизариб кетган, олқишларга фақат бошини ликиллашиб қўяр эди.

— Мазкур девон мухлисларнинг истак-майли натижаси, холос. Уч нусха битибмен. Бирини мавлоно Сайид Ҳасан Ардашерга инъом қилғум, бири каминанинг ўзи учун,— деб сўзланди.

— Бул фақирнинг Машҳаддин топган дурри ятимасиким, умр бўйи қўйнумизда бўлғай,— Алишербекнинг бу сўзидан кейин китоб қўлдан-қўлга ўтди.

Султонали кечга томон эртага тонг-саҳарда келиб кузатиб қўйишини айтиб уйига жўнади.

## 16

...Рўпарасида эгри қилич тақиб, отларининг жиловидан ушлаб турган икки сипоҳини кўриб Алишербек дафъатан каловланиб қолди. Хаёлига «Ҳусайн мирзодин!» деган фикр келди-ю, ўзини ўнглаб олди. Ҳусайн мирзо ўз қўшини билан дорус-салтанани қамал қилиб, орқага чекинганига бир ҳафта бўлган эди.

— Сафо келибсиз, марҳабо.

— Алишер бинни Ғиёсиддин Баҳодур сиз бўласизму?— деди сипоҳилардан бири.

— Топдингиз, фақир...

— Сизни давлатпаноҳ сўратур. Биз била қўша юрингиз.

— Нечук? Не ҳол?

— Биз не билайлик,— деди совуққина қилиб иккинчи сипоҳи.

Алишербек бир он тараддуланиб турди. Шу бир он ичида унинг миясига минг бир фикр урилиб қайтди: «Невчун чақирур? Фақирни ожизнинг не гуноҳи бор? Ҳибс қилурму? Ехуд инсофга келиб, падари бузургворим мулкин қайтариб берурму?..»

<sup>1</sup> Узбошимчалик.

— Ҳозирланиб чиқайин,— деди-ю, ҳужра оғзида ўзини кутиб туришган Алиёр бобо билан Убайдуллога:— От ҳозирланг,— деб тайинлади. Ўзи ҳужрага кирди, апил-тапил бошига салласини қўндирди, эгнига жуббасини ташлади, этикни қўлантаёқ кия қолди.

Сипоҳилар ҳамроҳлигида пойтахт сари борар экан, хаёлидан не-не ўйлар кечмади дейсиз.

Вақт чоштвоҳ бўлиб қолган. Қўзларига куз қуёшининг нурлари илашади, қамаштиради. Нурлар Алишербекнинг назарига одатдагидан кўра сариқроқ туюлади...

Мана Боғизоғон. Уша таниш маҳобатли қуйма биринж дарвоза. Икки томонида туғли найза тутган икки ясовул тошдай қотиб турибди. Уларнинг қўнғир хазон тусли қалқонлари қуёшнинг заъфарон нурларида беқут йилтираб, кўзни қамаштиради, қўнғилга ғашлик солади. Дарвоза ёнларидаги буржларда соқчилар ғимирлайдилар.

Дарвозадан дафъатан кирган кишига Боғизоғон ловуллаб ёнаётгандай кўринади. Баргирез бўлаётган дов-дарахтлар аланга тусига кирган. Аллақерда қандайдир бир қуш аъзойи баданни жунжиқтирадиган бир товушда «хув-хув» қилиб қўяди. Отнинг туёқлари ғиштга тегиб, ваҳимали тақиллайди. Хиёбон бошига чиқилгач, отлардан тушдилар, тизгинлар тайёр турган жиловдорларга тутқазилди.

Икки ёндаги мис ҳовузларда кумуш фавворалардан майда гавҳар доналарига ўхшаб сув отилади, унинг майда зарралари юзга келиб урилади. Ана балиқли ҳовуз, унда Хитойдан келтирилган балиқчалар жавлон уради...

Хув, ана Хуросон ҳукмдорларининг қирқ оқ мармар устунли салобатли қасри. Бир вақтлар Алишербек бу ерга истаган пайтида бемалол кириб-чиқар эди. Анави икки ошиёнали иморат янги бино қилинибди. Тарабхона деганлари шумикин? Бай-бай, чакки эмас!

Зиналардан юқорига кўтарилар экан, Алишербек оёқларининг мадорсизланиб бораётганини сезди. Бунга ичида ғижиниб қўйди.

Рахтларига кумуш тасмалар қадалган қўш қанотли эшик ёнларидаги эгри қилич таққан ясовуллар келаётганларни кўриб, супада ўтирган саройбонга қараб қўйишди. Бунга жавобан саройбон бошини билинар-билимас силкитиб ишора қилди...

Мана таниш саломхона. Оёқ остига яшил чинни ётқизилган. Шифтида нилуфар гул шаклидаги кумуш қандиллар. Уларда шамлар порлаб турибди. Алишербек бу ерга кўп кирган. Тахт ўрнатилган ичкаридаги танобий хонада ҳам бир неча марта бўлган.

Алишербекни эшик оғасига топшириб, сипоҳилар орқага қайтишди. Эшик оғасининг ишораси билан зарҳал эшикдан киргач, Алишербек олти қадам юриб, таъзим билан тиз чўкди. Султон Абусаид мирзо қўлларини икки ёнга қўйиб орқага суянганича ўтирар эди. Чокларига ипак дуранг қўйиб тикилган гулдор этикли оёғи бир маромда ликиллаб, тахт супасига урилиб турар эди. Бу унинг фикрлаётганидан далолат беради. Олтин тахт чилчироқ — қирқ шамли қандилнинг ёруғида товланади. Алишербекни кўриб султон қаддини тиклади. Қўли ҳаракатланди, узукларнинг ёқут, феруза кўзлари учар юлдузлардек шуъаланди.

— Мақоминг қайда, Ғиёсиддин Кичкинанинг зурриёти?— Гарчи билса ҳам Алишербекнинг номини атагиси келмади. Буни пайқаган Алишербекнинг миясига «Мундин яхшилиқ чиқмас» деган фикр келди. Шу фикр таъсирида гарангсиб деди:

— Р-работи Суҳайлда, давлатпаноҳ.— Истагига қарама-қарши дудуқланишидан ғижиниб, ўзини қўлга олишга ҳаракат қилди.

— Қай чоғдин дорус-салтанада муқим турасен?

— Бир йилдин ошди, давлатпаноҳ.

«Хисрав Фарҳодни айни шул нав сўроқ айлаган бўлса керак»,— ўйлади Алишербек.

— Мақсадинг не? Саъй-ҳаракатинг қайға? Ҳусан-шайтон бола-сининг хуфиясимусен?<sup>1</sup>

— Йўқ. Салтанатнинг равноқи, юртнинг амонлиғидин ўзга мақсадим йўқ, давлатпаноҳ.

— Нега мен ул шайтон боласини, Самарқандда илкимга тушғонда, қатл қилмадим? Энаси Феруза — урғочи шайтоннинг сўзларига инондим.— Султоннинг диккайган дағал сийрак қўнғир соқоллари қимирлади, тарғил кўзлари учқунланди, бўзарган юзлари баттар оқарди.— Мақсади не онинг? Осойишта маош айласа бўлмасму? Ёинки до-рул-бақоға<sup>2</sup> бормоқчиму?— Бирдан бутун гавдаси билан энкайди-да, Алишербекка тикилди:— Қай чоғ мулоқотда бўлғонсен онинг била? Ман санинг мақсадингни биламен, қуролингни биламен.

— Ҳаққуллоҳ, юрт-улуснинг амонлиғидин, салтанатнинг мустақимлиғидин ўзга не мақсадим бўлсун, қалам-қағоздин ўзга не қуролим бўлсун. Гўшанишинлик қилиб хилватга кирибмен. Одоб тарийқат йўлини тутибмен. Мундин ўзга йўлни йўл демасмен.

— Зоҳиринг — аҳли дил, шоир! Ботининг — хуфиялик. Мундин тонма.— Бу сўзларни Абусаид сокин тортиб айтди-да, тагин бирдан тутоқиб кетди:— Ас-салотин зиллаллоҳу фил — арз!<sup>3</sup> Биласенму мун, музир осий?<sup>4</sup> Шоирларнинг аълоси, пири комили Фирдавсий — ал — Тусийму. Ақчаси учун султонларга юкуниб, аларға маддоҳлик қилмиш... Санинг ато-бобларинг дағи куфрони неъматлик қилғонлар. Темурхон наслига хиёнатпешалик қилғонлар. Тақвопеша амаким Шоҳруҳ мирзо таъзияси чоғи Ироққа қочмишлар. Сан дағи алар йўлидан бормоқдасен, айғоқчи-и-и!..

— Аъло ҳазрат, биллоҳилазимким, бул сўз...

— Тонма, иқрор бўл!— Шундай деб султон қарс урди. Дарҳол ҳозир бўлган парвоначига имо қилган эди, у устига кумуш қутича қўйилган баркаш келтириб тутди. Султон қутича ичидан бир қоғозни олиб, ўрнидан турди.— Бу санинг хатингму?— деди қоғозни силки-тиб. — Ҳусайнга ёзғон нишоингму, осийи зиёнкаш?

Алишербек ўзининг Машҳаддан туриб Ҳусайн мирзога ёзган охириги хатини таниди.

Султон тахт супасидан туриб, ўша шиддат, ўша шитоб билан деди:

— Анда ҳам бизнинг дилҳоҳ кишиларимиз бор. Мун унутма-гайсен,— Алишербекнинг хаёл кўзгусида Нуриддин Муҳаммаднинг унутилаёзган истеҳзоли қиёфаси лип этиб аксланиб ўтди. Ҳукмдорнинг ғазаб-итоби авжида эди.

— Кўп ўрнунғдан! Бор, дафъ бўл! Кўзумга кўринма. Қаламравимдаги ерда кўрмайин сани.

Алишербек ташқарига қай тахлит чиққанини билмайди. Отининг жиловидан тутганича Боғизогон дарвозасидан чиқиб, ўнгга — кўчага бурилганда, Алиёр бобо билан Убайдуллога кўзи тушгандагина ўзига келди.

Алиёр бобо билан Убайдуллонинг куйиб-пишиб берган саволларига тузук-қуруқ жавоб бермай отга минар экан, қуйидаги сатрлар миясига қуйилиб келди:

<sup>1</sup> Жосусимисан?

<sup>2</sup> Яъни у дунёга.

<sup>3</sup> Султонлар оллоҳнинг ердаги сояси.

<sup>4</sup> Ифлос гуноҳкор.

«Ҳикмат аҳли шоҳни дарёга ташбеҳ эттилар,  
Ким ҳам ондин кўп зиёнлар элга, ҳам кўп суд<sup>1</sup> эрур.

Гоҳ топар ғоввос бир соатда юз дурри самин,  
Гоҳ наҳанг оғзида юз ҳасрат била нобуд эрур».

## 17

Шу куни оқшомда Алишербек хайрлашиш учун Убайдулло билан бирга Абдураҳмон Жомийнинг ҳовлисига борди. Зийрак устод Алишербекнинг авзойиданоқ кўнгилсиз вазиятни дарров пайқади. Ҳар галги мулоқот қизгин шеърхонлик, тарийқат расм-русумлари, одамийлик ҳақидаги баҳсу мунозаралар билан кечар эди. Бу гал эса...

Алишербек бўлган воқеани бутун тафсилоти билан ҳикоя қилиб берди-да, сўзининг охирида бошини солинтириб ўтириб қолган устодга қараб:

— Нечук маслаҳат берурсиз, дилимнинг ҳакими ҳозиқи устод?— деди.

Сукутга кетган устод вазиятини ўзгартирмай қуйидаги байтни замзама қилди. Алишербек уни хаёлида дарҳол туркийга айлантириб олди.

«Адолат бирла машҳур бўлгон кофир  
Диндор золимдин юрт учун яхшидур».

— Ғаддор мутаассибдин ҳар нени кўтса бўлурким, эҳтиёт шарт, ўғлум. Фирдавс монанд<sup>2</sup> Самарқанд волийси Амир Аҳмад Ҳожибек мирзо хуштаб, ақли салим киши эрур. Аҳли илмга рағбату муруввати бисёр. Бас, зеро, муваққатан Самарқандга бориб тургон яхши. Валлоҳи аълам, бул таважжўҳнинг яхши жиҳотлари кўп. Анда аҳли урфон<sup>3</sup> бисёрким, алар аросинда бўлиб, таҳсили том<sup>4</sup> олурсиз...— Алишербек Аҳмад Ҳожибек тўғрисида айтилган яхши сўзларни эслади. Устод бир тўхталди-да, томоқ қириб давом этди:— Анда, эҳтимолким, ёзув-чизувга имкон яхши бўлгай. Дарвоқе, дўсти аржумандимиз мударриси комил Хожа Фазлуллоҳ Абуллайсий номига бир мактуб битиб берайин.

Қоғоз-қалам олиб, устод дарҳол ёрлиқ битиб берди.

Сўнг, хат ёзишиб турмоққа келишиб, устод билан шогирд ота ва ўғил каби хайрлашишди.

□

Алишербек, Алиёр бобо ва Убайдулло учун бу Ҳиротда ўтказиланган охирги кеча эди. Ҳамхоналар деярли киприк қоқмадилар. Ҳар ким ўз ўй-туйғулари билан банд бўлди. Алишербек йигитлик фасли саҳифаларини хаёлан бир-бир варақлаб чиқди. Улар ичида дилни яйратувчи дамлар ҳам, кўнгилни ўкситувчи онлар ҳам бор. Юзлаб саҳифалар, ранго-ранг лаҳзалар ичида Гулижонни биринчи дафъа учратган онлари билан сўнгги дафъа янги ошиёнда кўрган дақиқалари йигитлик фаслининг зарварақлари каби товланади.

Алишербек Гулижоннинг янги ошиёнини билмас, билишни жуда-жуда истар, лекин бу истагини базўр тийиб келар эди. Гулижон билан дийдор кўришув тасодифан рўй берди. Алишербек Ёнбулоқ мавзеи томондан келар эди. Истаган китоби топилганидан хурсанд.

<sup>1</sup> Фойда.

<sup>2</sup> Жаннатга ўхшаш.

<sup>3</sup> Фан кишилари.

<sup>4</sup> Етук маълумот.

Кечки пайт, қуёш ғарб уфқига яқинлашиб қолган. У Пули Нигор кўп-ригидан ўтгач, қадамини жадаллатди. Ва лекин кўча бўйидаги уй болохонасининг даричасида кўринган шарпа ноғихон унинг эътиборини тортди. Шарпа ажиб ҳаракат билан дарича панжарасини чангаллаб ушлаб унга ёпишди. Алишербек кўнгил сезгиси билан таниб олди: Гулижон! Қизнинг порпираган кўзларининг нуруни панжара тўрлари тўса олмади. Алишербек билан Гулижон бири пастда, бири тепада — болохонада, панжара орқасида унсиз — нидосиз туришар эди. Буни қаранги, товушсиз — сўзсиз ҳам улар сўзлашишади. Кўнгилларидаги бор дардларини тўкиб солишади, ҳамма-ҳаммасини айтишади. Бир-бирини муфассал англашади!

Алишербек оламни, ўзлигини унутганича қаққайиб турар, андиша қилиш даражасида эмас эди. Кўксининг қабашиб-пучайиши, кўзларининг пирпираши унинг соппа-соғлиғидан нишон беради... Қўллар панжара тўрларидан узилгандагина, у ҳушёр тортди. Панжара тўрлари Гулижоннинг қиёфасини аниқ кўрсатмас эди. Алишербекнинг ғаши келди: қани энди қўллари шундай узун бўлса-ю, бундоқ узатса-да, панжара тўрларини юлқиб ташласа!..

Ботаётган қуёш нурида дарича панжараси заррин тусда товланади. «Олтин қафас!» — кўнглига келди Алишербекнинг. Шарпа даричадан узоқлашган, энди кўринмас эди. Бир-икки қадам илгари босган Алишербек ошкор пичирлади: «Олтун қафас ичра қизил гул!»

Бу сўнги дийдор кўришувга ҳам аллақанча замон бўлибди. Аммо бу кеча у Алишербекнинг хаёлида худди бу кун бўлиб ўтгандай янгиланди.

Азонга яқин уч отлиқ Ҳиротнинг Самарқанд дарвозасидан чиқиб, шимолни кўзлай йўлга тушди.

Алиёр бобо чуқур хўрсинди-да, ўз-ўзига айтгандай: «Банданинг боши — оллоҳнинг тоши», қайда бўлсак ҳам, ўзунгнинг ҳифзи ҳимоятингдамиз, парвардигори олам, — деб қўйди. Алишербек нигоҳи билан Машҳади муқаддас томонни тахминлаб, Гулижондан яна ҳам узоқлашаётганига юраги ачишар экан, кўнглига қуйидаги мақтаъ келди:

«Чун Навоий кўзи боғлиқ қуш эрур олам аро,  
Бу чамандин анга учмоқни насиб эт, ё раб».

Ўш шаҳри. 1978-79 йиллар.

Ғулом Исмоилов

## Раққоса

Ажиб гулхан гуриллар  
елда,  
Зар аланга ёзар қулочин.

Юксакликка интилган дилдай  
Чарх уради оташин лочин.  
Гоҳ у бўлиб ёниқ бир хитоб,  
Тўлқин отиб чорлар парпираб.  
Қуюн ичра гоҳ кулиб офтоб,  
Ишва қилар бирдан ярқираб.  
Толпинади гулхан шарори,  
Лек жисмида гуркирар наврўз.  
Гўё ўтли севги баҳори  
Оғушини очмоқда бесўз.

Гуриллайди бу оташистон,  
Тонгда эсган шамол шаштида.  
Юраклардан ғамни қорсимон  
Эритиб у қалбин тафтида.  
Ёқиб у ғам шабистонини,  
Дилдан учқун учираяпти.  
Кўнгилдаги гулистонини  
Юракларга кўчираяпти.  
Жисму жонлар ўт олиб ундан,  
Шу гулханда борлиқ ловиллар.  
Нур сачратиб, қалбий тўлқиндан  
Алангали денгиз гувиллар.

## Она қалби

Селу бўрон гувиллайди  
Ҳасанқули портида.  
Қочмиш ҳатто чағалайлар  
Ҳарсангларнинг ортига.  
Радист қанча уқтирмасин,  
«Алоқа йўқ» демасин,  
Тонгдан бери кутар она  
Балиқчилар кемасин.  
Жонгинаси темирми ё  
Тошми? Билиб бўлмайди.  
Шариллаган жалада у  
Жойидан ҳеч жилмайди.  
Соҳил сари от сапчитиб  
Қутирганда пўртана,—  
Шум тўлқинлар қаршисида  
Тик туради қартона.  
Сочи тўзган. Жиққа хўлу,  
Ёмғирни ҳам сезмайди.

Фақат дард-ла қўрғошин ранг  
Уфқдан кўз узмайди.  
Уфқ эса ёзаяпти  
Шомнинг атлас чодирин.  
Қампир ҳамон оҳ уради:  
«Қайда қолдинг, Қодирим?!»  
Борлиққа у ёлворади  
Олов сачраб оҳидан:  
«Асра кўпни, ҳам ўғлимни,  
Асрагил паноҳингда!»  
Гар қўлидан келса ҳозир  
Қутбга ҳам еларди.  
Кемаси-ла бирга ўғлин  
Опичлабон келарди.  
Минг мушукдай таталайди,  
Дилгинасин минг хаёл.  
Лаҳзада минг қатла ўлиб,  
Минг тирилар бу аёл.

Гоҳ кўнглига тун ўрмалар,  
 Ўз-ўзила олишар,  
 Гоҳ чеҳраси чўнг умиднинг  
 Ёғдуси-ла ёришар.  
 Тўнғиллаб дер: «Ул начайник  
 Бекорларни айтади.  
 Юраккинам туйиб турар,  
 Ўғлим ҳозир қайтади».  
 ... Ёмғир тинди, довул тинди  
 Ҳориб-толган девсимон.  
 Ҳатто уммон тинди-ю, лек —  
 Тинчимади бу инсон.  
 О, мўъжиза! Билмам шу он  
 Кучли сабо елдими?  
 Ё фусункор она қалби  
 Оҳанрабо бўлдими?  
 Аммо, денгиз чайқаларкан —  
 Оқ туманга ўралиб,  
 Олислардан чопган отдай  
 Дуд кўринди буралиб.  
 Янги эртак туғилгандай  
 Қирмизи уфқ бағридан,  
 Сузиб чиқди қай бир кема  
 Оби офат қаъридан.

Гўё қайта қўзғалгандай  
 Бунда денгиз довули,  
 Гуриллашиб қалқди бирдан  
 Балиқчилар овули.  
 Тоғдан оққан шалодадай  
 Халқ югуриб келмоқда.  
 Қимдир шу чоғ қийқирарди,  
 Қимдир шу чоғ кулмоқда.  
 Оҳ, не қувонч! Она қалбин  
 Ғулғуласи бир уммон.  
 Кўзларида ёш мўлтираб,  
 Талпинади қушсимон.  
 Зафар туғин тиккан каби  
 Минг бир ўлим устидан,  
 Оловталъат кема сузар  
 Шом шафағи кўксидан.  
 Кема келар. Шўх тўлқинлар  
 Жилоланар кўзгудай.  
 Кема келар, кулиб боққан  
 Афсонавий орзудай.  
 Қаршида — нур гиламин  
 Тўшаб Хазар қирғоғи,  
 Онаизор юрагидай  
 Ёнар маёқ-чироғи.



Жўра Алимардон

## Кутуш лаҳзалари

Ой нигоҳи ярқироқ.  
Борлиққа тушган оқшом.  
Елда тебраниб япроқ  
Олмоқда гўё ором.  
Лаҳза ўтар чалиб тор,  
Мен йўлингга интизор.

Юлдузлар жимир-жимир,  
Сузишади кўкдан кўз.  
Майсалар шивир-шивир,  
Иккимиздан очар сўз,  
Гоҳо сархуш, гоҳ хушёр,  
Мен йўлингга интизор.

Мажнунтоллар эгиб бош,  
Уйчан боқар бир терак.  
Барчаси менга сирдош,  
Аммо сендан йўқ дарак.  
Куйлашиб бирга ашъор,  
Мен йўлингга интизор.

Тўда-тўда оқ булут,  
Кўкда кеза бошлади.  
Ойга ҳам солиб човут,  
Ерга соя ташлади.  
Кўз очса ҳам тонг саҳар,  
Мен йўлингизга интизор.

Қашқадарё.

# НАЖОТ

АФСОНА ҶИССА<sup>1</sup>

11

Чўпон ота ҳам, унинг ўғиллари ҳам умрларида бунчалик иззат-икром кўрмаган эдилар. Уларни подшонинг махсус меҳмонлари дейишиб, энг ҳашаматли бир боғнинг тўридаги тиллакори кўшкка туширдилар. Боғдаги чаманзорларда ранг-баранг капалаклар қанот қоқяпти, мрамр ҳовузларда оққушлар сузиб юрибди. Меҳмонларнинг қўлларига сув қуйишаётганда қарашса, обдаста қуйма олтиндан, дастшу соф кумушдан. Тагларига тўшалган кўрпачалар зар иплардан тўқилган. Утирган хоналарининг эшик-деразаларига тutilган ипак дарпардаларига қимматбаҳо дурлар, ёқутлар қадалган. Дастурхонга бедана қовурдоқлари, кийик кабоблари, бошқа энг тансиқ нозу неъматлар тортилди.

Мезбонлик вазифасини вазир Зухурбек бажармоқда эди. У тилидан бол томиб, гоҳ Чўпон отага, гоҳ ўғилларига энг илиқ сўзларини айтади:

— Азиз Чўпон ота! Азиз меҳмонларимиз Тўлан ботир, Ўктам ботир, Кенжа ботир! Шаҳаншоҳимиз номидан сизларга қизгин саломлар, энг яхши тилаклар айтишга рухсат этингизлар! Бугун пойтахтда биз учун сизлардан улуғ меҳмон йўқ! Қани, кабобдан энглар, қо-

<sup>1</sup>Охири. Боши ўтган сонда.

вурдоқдан олинглар! Мана, зарур бўлса, анор шарбати ёки майноб, ҳаммаси муҳайё: Кечқурун подшо ҳазратлари сизлар учун махсус зиёфат бермоқчилар.

— Унгача мен бир пешин намозига чиқиб келсам,— деди Чўпон ота.

— Дарвоқе, бугун жума,— деди вазир.— Бўлмаса сиз биз билан бирга масжиди жомега юринг. Жума намозини бирга ўқийлик.

Чўпон ота бу гапни маъқул кўрди.

— Ҳали пешингача бир оз фурсат бор,— деб давом этди вазир.— Энди меҳмонлар кечқурун подшоҳ қабулида нима қилишлари кефаклигини ўйлашиб олайлик.

— Қабул пайтида биз бирон иш ҳам қиламизми?— ҳайрон бўлиб сўради Кенжа ботир.

— Иш эмас, шунчаки одоб, ҳурмат юзасидан... подшо ҳазратлари қаршисидан... Таъзим бажо келтириш... Яъни мана бундай тиз чўкиб, ер ўпиш лозим.

Вазир зарбоб кўрпача устига тиз чўкиб, Чўпон ота чўк тушган жойга юзини қўйиб, ер ўпгандай қилди ва тушунтиришда давом этди:

— Ер ўпганда айтиш лозимки, «ҳазрат шаҳаншоҳ, бугундан эътиборан мен сизнинг содиқ қулингизман, қандай ишни буюрсангиз сўзсиз адо этгайман! Агар шу сўзимдан қайтсам, сиз менга ҳар қанча жазо берсангиз ҳам ҳақлисиз!»

Ака-укалар ҳайрон бўлиб бир-бирларига қарадилар. Уларнинг ҳеч қайсиси ҳали бирон киши олдида бундай тиз чўкмаган ва ҳеч кимга бундай қулларча ваъда бермаган эди.

— Шунисини қилмай қўя қолсак-чи?— деди Тўлан ботир.

— Кенжа куёв бўлмоқчи, ўзи билади,— деди Уктам.— Лекин мен бунақа ер ўпиб қуллуқ қилмайман.

— Мен ҳам шу!— деди Кенжа.

— Азизларим, бу бир удум, урф-одат, холос!— кулиб эътироз қилди вазир.— «Қулингизман» деган билан қул бўлиб қолмайсиз. Фуқаро орасида пасту баланд гап қўзғолиб қолибди. «Подшодан кўра уч оғайнилар баланд» деяётган одамлар бор эмиш. Бундай гаплар икки орага ғубор солиши мумкин. Ана шундай ғубор бўлмаслиги учун кўп қатори сизлар ҳам подшонинг ҳурматини жойига қўйиб, таъзим бажо келтирсаларингиз — олам гулистон!

— Уғилларим, зиёфат пайтигача буни яна ўйлаб кўринглар,— деди Чўпон ота ва вазир билан бирга масжиди жомега кетди.

Йўлда бораётганларида вазир Зухурбек Чўпон отага ҳам сўз ўргата бошлади:

— Сиз кўпни кўрган ўтоғасисиз. Оғзига кучи етмаганлар «ғалаба уч оғайниники, подшо тайёрига айёрлик қияпти» деб ҳазратнинг гашига тегяпти. Подшо-подшо-да! Шу мамлакатда яхши иш бўлса ҳам, ёмон иш бўлса ҳам, подшо ҳаммасига мутасадди, ҳаммасининг гуноҳу савобига шерик. Тўғрими? Намоздан кейин масжид ҳовлисида мен халойиқни тўхтатаман. Сиз айтинг, «Камолхон ҳазратлари ғалабанинг раҳнамоси бўлдилар» денг! Уғилларингиз унга содиқ хизмат қилишини айтинг! «Подшомиз ўз тахтида яна юз йил турсин!» деб дуо айтинг.

Чўпон ота бу гапларни ёқтирмай:

— Жаноб вазир, бўйнидан боғлаган този овга ярамайди,— деди.— Бизни ўз ҳолимизга қўйсангиз яхши бўлар эди. Дилимизда борини ўзимиз айтамыз.

— Хўп, хўп, ота, хўп, мени маъзур тутинг,— деб вазир дарров ён берди.

Вазир билан бирга юрган Чўпон ота масжиди жомега йиғилган

мингга яқин одамнинг эътиборини тортди. Намоз тугаб, халойиқ масжид ҳовлисига чиққанида одамлар Чўпон отани ўраб олишди:

— Мард ўғиллар ўстирган экансиз, кам бўлманг, ота!

— Раҳмат сизга!— дея бошлади. Кимдир ҳатто унинг қулоғига шивирлаб:

— Қани шундай мардлар давлат тепасига келса-ю, биздай бечоралар ҳам яхши кун кўрса!— деди.

Бу гапни вазир эшитиб қолди. Кўпчиликка мурожаат қилиб:

— Одамлар, шаҳаншоҳимиз Камолхон ҳам мард подшолардан!— деди.— Мана, Чўпон ота айтсинлар! Подшомиз ўзи дарё бўйига бориб, уч оғайнини табриклагани мардлик эмасми? Қизини Кенжа ботирга бермоқчи бўлгани мардлик эмасми?

Издихом орасидан кимдир:

— Подшонгиз менинг темирчи акамни бугун нега зиндонга ташлади?— деди.— «Ғалабага подшо эмас, уч оғайни ботирлар эришди» деган гап учун бечора этикдўзнинг тилини кесдирибди!

— Рост гап учун жазо бериш мардликка кирадими, Чўпон ота, сиз айтинг?!

Чўпон ота аввал одамларга, сўнг вазирга қараб:

— Рост гап учун жазо бериш тўғри эмас,— деди.— Агар бунга бир чети биз ҳам сабабчи бўлган бўлсак, мен бориб подшодан шафоат сўрайман, ноҳақ зиндонга ташлаганларни бўшатсин. Лекин, халойиқ, менинг ўғилларимда тожу тахтга ҳавас йўқ, улар ҳеч ким билан давлат талашмоқчи эмас. Бизни подшога қарши гиж-гижламоқчи бўлганлар бекор овора бўлади. Биз бу йўлга юрмаймиз. Бир кун-ярим кун саройда меҳмон бўламизу, қишлоғимизга қайтиб кетамиз. Ўғилларим тоғу чўлда, кенг жойларда эркин яшаб ўрганган. «Ғалаба кимники?»— деган гап билан бошни кўп қотирманглар. Ғалаба бутун халқники. Шу халқнинг ичида подшо ҳам бор, сизу биз ҳам бормиз. Гапим шу! Яхши қолинглар.

Вазир Чўпон ота билан бирга саройга қайтар экан: «Ғалаба халқники эмиш!— деб ичида такрорлаб қўйди.— Мен подшога бунинг фақат мана шу сўзларини етказишим керак. Бошқа гапининг аҳамияти йўқ. Чўпон ота халқ томонда. Халқ эса подшодан норози! Ана шуни айтсам бўлди!»

## 12

Уч оғайни турган кўшк ва унинг боғи малика Юлдузхон турадиган боғдан унча узоқ эмас эди. Маликага хизмат қиладиган қирқ каниздан ташқари уни қўриқлайдиган юздан ортиқ соқчи йигит ҳам бор эди. Соқчиларнинг бошлиғи Қўрчибек маликага жуда садоқатли йигит эди. Юлдузхон канизи орқали Қўрчибекни чақириб бир хат берди.

— Мана шуни Кенжа ботирга етказинг-у, жавобини олиб келинг. Қўрчибек ўрам қилинган хатни авайлаб қўйнига солди-да, таъзим қилиб чиқиб кетди.

Оталари масжидга кетгандан сўнг Тўлан ботир билан Уктам ботир кўшкнинг салқин хоналарига кириб ухлаб қолдилар. Фақат нимадандир хавотири ошиб, кўнгли безовталанаётган Кенжа ботир ташқарига чиқиб, боғнинг йўлкаларида бирпас айланди.

Ана шу қулай пайтдан фойдаланган Қўрчибек дарахтлар панасидан секин чиқиб келди-да, маликанинг хатини унга топширди. Сўнг орқаси билан юриб бориб, яна дарахт панасига ўзини олди. Кенжа ботир олтин боғичли хатни авайлаб очди:

«Хуш келибсиз шаҳримизга, халоскорим Кенжа ботир!

Қизлик ҳаёси менга йўл берганда, ўзим йўлингизга пешвоз чиқиб кутиб олар эдим. Лекин ҳаёлим, қалбим, меҳрим сизга парвона бўлиб, атрофингизда учиб юрганига мана шу мактуб гувоҳдир. Сиз саройга биринчи марта келгандирсиз. Эҳтимол, нималарнидир тушунмаётгандирсиз ёки хуш кўрмаётгандирсиз. Агар мени кўришни истасангиз, ёки бирон маслаҳат сўрамоқчи бўлсангиз, мен жон деб ҳузурингизга бораман. Менга қилган яхшилигингиз учун умрбод хизматингизда бўламан, деган ваъдамда ҳали ҳам маҳкам турибман. Агар истасангиз, Сиз турган боғнинг тўридаги шийпончага боринг. Бизнинг боғдан у ерга ўтадиган махфий эшик бор. Мен ўша эшикдан ўтиб бораман. Қайлигингиз Юлдуз».

Хатни ўқиган Кенжанинг борлиги яйраб кетди. Кўзларида олов ёниб, атрофга аланглади. Уни зимдан кузатиб турган Қўрчибек таъзим қилиб секин дарахт панасидан чиқди. Кенжа ботир ҳаяжонини унга билдирмасликка тиришиб, босиқ товуш билан деди:

— Маликага менинг миннатдорчилигимни айтинг. Бир соат ичида буюрган жойларига етиб бораман.

— Раҳмат, Кенжа ботир. Мен бу сўзларингизни ҳозироқ маликага етказаман.

Қўрчибек қандай сездирмай келган бўлса, шундай сездирмай ғойиб бўлди. Кенжа ботир йўлкаларда секин сайр қилиб юриб, ахийри боғ тўридаги шоҳона шийпонни топди. Икки боғ орасидаги деворни қалин печакгуллар ўраб турар эди. Бир вақт шу печакгуллар ҳаракатга кирди. Деворнинг шу жойида махфий эшик бор экан. Шу эшик секин очилди-ю, аввал Юлдузхоннинг учи қайрилган этикчаси кўринди, кейин хино қўйилган нозик бармоқлари кўзга ташланди. Ниҳоят, унинг хипча қомати, қайрилма қошлар орасидан ибоб билан қараётган шахло кўзлари, ҳаяжондан пушти гулдай қизарган тиниқ юзлари кўринди. Кенжа ботир Юлдузхонга тез пешвоз чиқиб, икки қўлини унга чўзди:

— Юлдузхон!

— Кенжа ботир!— деб, Юлдузхон қўлларини йигитнинг қўлларига қўйди. Кенжа унинг нозик қўлларини авайлаб сиқимига олди.

— Мен сизни ўз боғимга таклиф қилмоқчиман,— деди Юлдуз.— Бемалолроқ гаплашармиз.

— Жоним билан.

Улар иккови ўша махфий эшикдан ўтиб, нариги боққа кирдилар. У ерда куёв учун ипак поёндоз тўшалган эди. Кенжа ботир поёндоздан юриб, улкан садалар соясида жимирлаб турган мрамор ҳовуз бўйигача борди. Икковларидан бошқа ҳеч ким йўқ. Юлдузхоннинг буйруғи билан ҳамма канизу хизматкорлар уларни холи қолдирган эдилар.

Ипак поёндоз ҳовуз бўйидан ўтиб, унда нардаги нақшин уйнинг эшигигача борган эди. Кенжа билан Юлдуз қўл ушлашган ҳолда ўша уйга кирдилар. Дастурхон тузалган, кимхоб кўрпачалар солинган, аммо икковидан бошқа ҳеч ким йўқ. Кенжанинг завқи келиб, Юлдузхонни бағрига босди-ю, юзларидан, кўзларидан ўпиб-ўпиб олди. Юлдузхон ийманиб ўзини четга тортди:

— Ботирим, дастурхонга марҳамат. Қани, ўлтиринг. Май ичасизми, шарбатми ёки қимиз?

— Сиз нимадан ичсангиз мен ҳам шундан ичаман, Юлдуз!

— Ботирим, сиз тоғда қимиз ичиб ўргангансиз. Шунинг учун менинг ҳозир қимиз ичким келяпти.

— Раҳмат, Юлдузхон. Менинг кўнглимдагини топдингиз.

Улар олтин жомларда қимиз ичганларидан сўнг, дастурхондаги кийик гўшларидан, қази-қарталардан оз-оз едилар.

— Ботирим, кўнглингизда бирон ғашлик ёки ташвиш бўлса мендан яширманг.

— Хўп, битта ташвишимни сизга айтай, бўлмаса. Оқшомги зиёфат пайтида подшо олдида тиз чўкиб ер ўпар эмишмиз. Вазир шуни айтгандан бери ҳаммамизнинг кўнглимиз ғаш. Биз умримизда бундай ишларни қилган эмасмиз.

— Энди бу сарой томонидан, ўйлаб чиқарилган бир одат, ботирим. Агар бу одатга бўйсунгиларингиз келмаса, мен отамга айтиб кўрай, сизлардан унақа ер ўпишларни талаб қилмасин.

— Отангиз хафа бўлмасмикинлар, Юлдузхон?

— Отамнинг ўзини кўндириш мумкин, лекин атрофида ёмон одамлар кўп. Тахт вориси бор, акам Абусаид. Ҳалиги вазир. Булар кўпчилик.

— Ундай бўлса... Мен сизни бу саройдан олиб чиқиб кетай. Тоғларда кийиклардай эркин юринг.

Малика кулимсираб, нақшин деворларга, мрамр ҳовузларга ишора қилди-ю:

— Мен мана бу гўзалликлар орасида ўсганман,— деди.— Насиб бўлса, подшоҳ отамдан илтимос қиламиз, ажойиб устаю меъморлари бор, ўшаларга буюрсалар, тоғда ҳам, дарё бўйида ҳам мана шунақа бинолару боғлар барпо этармиз. Бунинг учун сиз менинг отам билан иноқ бўлишингиз керак, ботирим.

— Биз ҳам иноқ бўлайлик, деймиз. Лекин вазир биздан иноқлик эмас, қулларча итот талаб қиляпти.

— Вазирнинг гапини кўнглингизга олманг. Ҳазрат отам билан мен ўзим сўзлашаман.

Кенжа ботир деразадан тушаётган офтобга қараб кун анча оғиб қолганини сизди, отаси масжиддан қайтса уни йўқлаши мумкинлигини ўйлади. Ҳушёр Юлдузхон унинг кўнглидан ўтган нарсани сезиб:

— Ботирим, мен энди сизни кузатиб қўяй,— деди.

Улар дастурхонга фотиҳа ўқиб ўринларидан турдилар ва ипак пойандоз билан юриб печак гуллар яшириб турган махфий эшик олди-га келдилар. Шу ерда Кенжа ботир ўзини тутолмади-ю, Юлдузхонини яна бир қучиб ўпди.

Иккови хайрлашганларидан кейин Юлдузхон орқасига қайтди. Ботирнинг ўпичидан бутун вужуди оловланиб, юзи қизиб кетаётганини сизди-да, мрамр ҳовуздан оқиб чиқаётган тиниқ сувда юзларини ювди. Шундан кейин канизлари ва хизматкорларини чақирди-ю, шоҳона соявон аравани қўшдириб, отасининг хонайи хосига йўл олди.

## 13

Вазири аъзам Чўпон отани ўғиллари турган кўшкнинг дарвозасидан киргизиб юборди-ю, ўзи подшонинг ҳузурига шошилди. Чўпон ота боққа кириб, йўлка билан кўшк томонга бораётганда қаршисидан ёши олтмишларга борган кекса боғбон қўл қовуштириб чиқди:

— Азиз меҳмон, сизга бир оғиз гапим бор.

— Гапиринг, ўтоғаси.

Боғбон бирдан кўзига ёш олди:

— Йигирма ёшар ёлғиз ўғлим бор эди. Кеча сиз ўғилларингиз билан тимнинг тагидан ўтаётганларингизда қувониб олқиш айтган экан. «Қирондевдан бизни халос қилган мана шулар, подшо-ю вазирлар халқнинг жонига оро кирмайди, уч оғайни ботирлар оро қиради» деган экан.

— Энди шу гапнинг кераги йўқ эди-да, ўтоғаси.

— Ахир гапнинг рости ҳам шу эмасми, Чўпон ота?

— Ҳуда-беҳудага подшога тил теккизиш ҳам одобдан эмас.

— Ҳа, ўғлим тилини тийиб юргани яхши эди. Ёшлик қилиб қўйди ўзи ҳам. Лекин подшо деганингиз кўнглини сал кенгроқ қилмайдими, ахир? Ҳар нарсадан ҳадиксираб «Ос! Кес!» деяверадингми? Суяксиз тил нималар демайди. Яхши подшо арқонни узунроқ ташлаб қўйгувчи эди. «Гапи бундай бўлса, иши қалай экан, ишини бир кўринглар» демайдингми? Ахир менинг ўғлим қўли гул қосиб эди. У-бу дегани билан подшога қарши бирон иш қиладиган йигит эмас эди. Одамнинг ишига қараб баҳо берса бўлмайдими?

— Утоғаси, биз подшонинг меҳмонимиз, унинг нон-тузини ичиб, ўзини ёмон дейишга тилимиз бормайди.

— Мен сизга дардимни айтяпман-да, Чўпон ота. Жуда тўлиб кетдим. Беку аъёнлар подшога қарши иғволар, фитналар қилади, оғизларидан оқ ит кириб, қора ит чиқади. Лекин подшонинг хуфялари уларнинг гапини етказиб бормайди. Нега десангиз, улардан пора олишади. Ҳаром пулдан бойиб кетган ҳаммаси. Биз бечоралар бу хуфияларга пора беролмаймиз. Шунинг учун бизнинг тўғри гапимизни ҳам «подшою вазирларга туҳмат қилди» деб нотўғри қилиб айтиб боришади. Чақимчилиги учун подшодан олтин олиб, яна бойишади. Бу подшо билан Зухурбек қанча одамни ана шунақа айғоқчиликка ўргатиб, халқни бузятти.

Чўпон ота подшою вазирни ич-ичидан суймаса ҳам, ҳамон боғбонга қўшилиб уларни ёмонлагиси келмасди.

— Энди, ўтоғаси, подшоликка хизмат қиладиган махфий одамлар ҳам ўз ўрнида керакдир-да. «Душманнинг сиртида бўлма, ичида бўл», дейдилар. Душманнинг ичида юриб, унинг сирини билиб турадиган хуфялар эл-юртни хавф-хатардан барвақт хабардор қилади.

— Бунақа ҳалол хуфяларга мен ҳам тан бераман, Чўпон ота!— деди боғбон.— Лекин Зухурбекнинг хуфялари ҳаром йўлга кириб кетган. Айтдим-ку, булар жиноятчилар билан тил бириктириб, кўпроқ пул топишнинг пайига тушган. Ана шулар менинг ёлғиз ўғлимни ёмонлаб бориб зиндонга ташлатдиришипти. Подшо жаллодларига айтиб, тилини кесдирибди. Ахир шунчалик бераҳм бўлишадими?!

Пиқ-пиқ йиғлаётган боғбонга қараб, Чўпон отанинг ҳам юраги эзилди.

— Тавба!— деб қўйди.

— Э, сиз билмайсиз, ота, бу подшо душмани қолиб, дўстининг кетига айғоқчи қўйиб қўяди. Сизлар унга шунча яхшилик қилдиларингиз. Лекин бари бир кетларингизга хуфялардан қўйган бўлишса керак. Эҳтиёт бўлинг, ота, ўғилларингизга ҳам айтиб қўйинг. Иложи топилса, биздай бечораларни бу подшонинг зулмидан қутқаринглар. Жуда жонимиздан тўйганмиз!

«Қаёқдан бу беҳосият жойларга келиб қолдим,— деб ўйланди Чўпон ота.— Уғилларимни шу ердан эсон-омон олиб чиқиб кетсам, худога минг қатла шукр қилар эдим-да».

Боғнинг ҳашаматли мрамар ҳовузларидаги оққушлар, кўшкдаги гулгун нақшлар, зарбоф кўрпачалар-у, бошқа юз хил зебу зийнатлар Чўпон отанинг кўзига жуда омонат, ҳатто хатарли кўрина бошлади. Ота боя вазир билан ўтирган хоналарига кирса, ўғиллари ҳам алланечук хомуш ўтиришибди. Намоздан қайтган оталарининг ҳурмати учун уч оғайни баробар ўринларидан туриб, салом берди.

— Ваалайкум, ўғилларим, қани ўтиринглар. Мен йўғимда бирон ҳодиса бўлмадимми?

Кенжа ботир қайлиғи билан учрашганини айтишга тортиниб, кўзини ердан узмади. Акалари ухлаб олганларини айтдилар.

— Болаларим, шукрки, сизлар менинг орзу-умидларимни рўёбга чиқаряпсизлар. Мен сизларни қўрқитмай ўстирдим — довюрак бўлдиларинг. Мен сизларни яхши мадрасада ўқитдим — доно бўлиб оққорани танидиларинг, эл-юртга жонкуяр бўлдиларинг. Мен сизларни ростгўйликка, тўғрилиқка ўргатдим. Тўғрисўз, ҳалол одам бехавотир кун кўради. Чин ботирлар ҳеч нарсадан хавотир олмайдиган, ҳадиксирамайдиган кўнгли бутун ёшлардан чиқади. Сизлар ана шунақа ботир бўлиб етилдиларинг. Катта ишлар кўрсатиб, мана, подшога азиз меҳмон бўлиб келдиларинг. Лекин биз ҳозир оқсуякларнинг орасига тушиб қолдик: Аслзода беклар билан муомала қилиш жуда қийин, ўғилларим. Мен сизларга ўргатган кўп яхши одатлар олий табақа орасида иш бермай қоладиганга ўхшайди.

Чўпон ота ўйчан товуш билан ўғилларига айтаётган бу гаплар маҳфий туйнук орқали қўшни хонага баралла эшитилиб турарди. Саройдан ер остидаги маҳфий йўл билан шу хонага яширин келиб олган Камолхон подшо ва унинг вазири қулоқларини динг қилиб, ичкарида бўлаётган ҳар бир сўзни диққат билан эшитмоқда эдилар.

— Чўпон бўлса ҳам гапга чечан чол экан,— деб шивирлаб қўйди вазир. Шу пайт Тўлан ботирнинг товуши эшитилди-ю, подшо вазирга «жим!» деган ишорани қилди.

— Мен ҳам сезиб турибман, ота. Биз — бир дунё бу сарой — бошқа бир дунё экан. Бу ерда тўғри сўз, ростгўй бўлиш хатарли экан. Бўлмаса, бечора боғбоннинг ўғли биз тимнинг остидан ўтаётганда рост гапни айтган экан. Қирондев ҳужум қилганда подшо билан вазир қўрғонига бекиниб олгани ёлғон эмас-ку, ахир!

— Аждаҳо ҳужум қилганда ҳам булар ўзларининг молу жонини асрашдан бошқага ярамаган эди,— деди Уктам ботир.

— Кейин хатар ўтганда дарров «биз отлантирдик, биз йўл кўрсатдик!» деб майдонга чиқишади,— деб қўшиб қўйди Кенжа.— Одамлар шуни ўз кўзлари билан кўришди. Энди шу рост нарсани айтса, нега бу подшо ҳаммасини қамайди, бегуноҳ одамларнинг тилини кесдиради?

□

Туйнукнинг нарёғидан бу гапларни эшитган подшо Камолхоннинг юзидаги тиришлари кўпайиб кетди, кўзлари бақаникидай бўртиб чиқди. Вазир унинг ғазабини баттар ошириш учун:

— Сиз яна шу Кенжани куёв қилмоқчи эдингиз-а, ҳазратим?— деди.— Буни лашкарбоши қилмоқчи ҳам бўлган эдингиз-а?!

— Э, мен илонни қўйнимга солмоқчи бўлган эканман!— шивирлади Камолхон бўғилиб.

□

«Хонада ўзимиздан бошқа ҳеч ким йўқ» деб ўйлаётган уч оғайнилар кўнгилиларида борини оталарига баралла айтмоқда эдилар.

— Бу подшо бахил одамларнинг гапига кирадиган одам экан,— деди Тўлан ботир.

— Боя боғда бир мўйсафид менга йиғлаб гапириб берди,— деди Кенжа.— Ҳалиги вазир Зухурбек ҳамманинг кетига айғоқчи қўйиб қўйган экан. Ким бир нарса деса, дарров подшога тескари қилиб етказиб борармиш. Ана шу чақиқ билан одамларни қамаб, зиндонга ташлармиш. Тилини, қулоғини, бурнини кестирармиш.

Уктамнинг ғазаби қайнаб кетди:

— Яна ўша вазир золим подшонинг қаршисида бизни тиз чўқтирмоқчи бўлди-я! Ер ўпиб «қулингизман» дермишмиз! Тушини сувга айтсин!



— Лекин, ўғилларим, бу саройдан эсон-омон чиқиб кетгунимизча ўзларингни оғир тутинглар! Бу ерда ростгўйлик қиламан деб, кейин зиндонга тушиб қолманглар. Кенжажон, подшонинг қизи Юлдузхон ихтиёрини сенга берган. Насиб бўлса, уни келин қиламиз. Тўй ўтгунча сен куёвлик одобини ўрнига келтириб туришинг керак.

— Юлдузхон отасига ўхшаган эмас, дада,— деди Кенжа.— Мен ишонаман. Юлдузхон бизга ён босади... Отасига бориб айтадиган бўлди...

— Сен у билан гаплашдингми?

— Хат орқали... гаплашдик...— деб Кенжа у ёғини айтмади.— Отасининг олдида тиз чўкмоқчи эмаслигимизни айтдим. Бориб тушунтирадиган бўлди. Кейинчалик... саройни ташлаб... биз билан тоғларда яшашга ҳам рози бўлди.

— Ундай бўлса бахтларинг очилсин, ўғлим. Энди ана шу келинимиз туфайли подшо билан ҳам муомалани илиқ қилинглар. Яхши гапга илон инидан чиқар экан...

□

Тўйнок орқали бу гапларни эшитаётган вазир подшога шивирлаб:

— Сизни илонга ўхшатмоқчи-я, имонсиз!— деди.

— Ҳм... яхши гап билан авраб қизимни олиб кетишмоқчи эканда!

— Лекин буларнинг асл мақсадлари бошқа. Ана, қулоқ солинг, ана...

□

Тўлан ботир подшо томонидан ноҳақ қамалган одамларга ачиниб:

— Бечоралар, бизга ён босганлари учун жабр тортиб қолишаверадимиз? — деди.— Уларни шу аҳволда ташлаб кетавериш мардликка кирадими, ота?

— Ҳақиқатдан,— деди Кенжа,— ўшаларнинг қамалишига бир чекаси биз ҳам сабабчи бўлдик.

— Подшодан талаб қилиш керак, биз туфайли нговога учраб қамалганларни бўшатсин,— деди Уктам.— Агар бўшатмаса, унда подшони ҳам, аъёнларини ҳам Қирондевга ўхшатиб йўқ қиламиз, зиндондагиларни ўзимиз бўшатамиз!

— Ҳали шошманглар, ўғилларим, бунча қаттиқ кетманглар!— деб Чўпон ота ўғилларининг ҳовурини босишга интила бошлади.

Лекин тўйнокнинг нарёғида ўтирган подшо билан вазирнинг бошқа гап эшитишга тоқатлари қолмади.

— Бас, ниятлари бузуқлиги аниқ! Булар менга дўст бўладиган эмас!

— Ҳазратим, булар сизни Қирондевга ўхшатиб йўқ қилиб юбормоқчи-я!

— Ким-кимни йўқ қилишини ҳали кўрамиз! Юринг саройга! Содиқ одамларни тўплайлик!

Вазир билан подшо ер остидаги йўл билан саройга қайтар эканлар, махсус одамлар машъала тутиб, уларнинг йўлини ёритиб бордилар.

## 14

Юлдузхон отасини саройдан тополмай, хонайи хоснинг қабулхонасида уни кутиб турган эди. Подшо ер тагидан чиқиб, қабулхонадан ўтаётганда, қизи унга таъзим билан мурожаат қилди:

— Ҳазрат отажон, рухсат беринг, бир илтимосим бор.

— Яна қандай илтимос?

— Уч оғайни ботирлар бизнинг саройдаги удумларни ҳали яхши билишмайди. Уларни ер ўпиб таъзим қилиш мажбуриятидан озод қилсангиз...

— Сен бу Кенжаси билан аллақачон учрашибсан-да, қизим? Ҳали фотиҳа бўлган йўқ, тўй бўлган йўқ. Бу қанақа уятсизлик? А?!

— Биз фақат хат орқали аҳвол сўрашдик, холос.

— Кенжа мени Қирондевга ўхшатиб йўқ қилмоқчилигидан ҳам хабаринг борми?

— Йўқ, йўқ, бу тухмат, ҳазратим! Кенжа бизга шунча катта яхшилик қилди! Ифвогарларнинг гапига ишонманг! Утинаман сиздан, ҳазрат отажон!

— Қанақа ифвогарни айтяпсан? Мен ҳозир ўз қулоғим билан эшитдим ҳаммасини!

— Ифвогарлар бегуноҳ одамларни сизга ёмонлаб қаматтирибди, отажон! Балки Кенжа ботир шунга эшитиб хафа бўлгандир? Балки сиз уни бошқача тушунгандирсиз!

— Сен яна ўшаларнинг тарафини оляпсан, сенга отангдан ҳам чўпонбаччалар азиз, шекилли?!

— Ахир бу ботирлар бўлмаганда ҳозир аҳволимиз нима кечарди, отажон? Қирондевни бир эсланг! Бу дев аллақачон ҳаммамизни йўқ қилиб, тожу тахтни эгалламасмиди?

Камолхон бу мантиқли гапга жавоб тополмай қолди. Шунда вазир Зухурбек унга ёрдамга келди:

— Бу тожу тахт баҳодир Камолхон ҳазратларига худо томсондан ато қилинган! Худодан бошқа ҳеч ким — на Қирондев, на уч оғайни — ҳеч бири бу тожу тахтни ҳазратимдан тортиб ололмайди!

— Лекин уч оғайнилар ҳам мени тахтимдан ағдармоқчи экан-ку!

— Бу тухмат, отажон! Уч оғайни ботирлар тоғда яшаб ўрганган, улар қалъада туролмайди! Тожу тахтнинг уларга кераги йўқ! Мен ўзим эшитдим! Кенжа мени қишлоғига олиб кетмоқчи бўлди! Тоғда, дарё бўйида кўшк қуриб бераман деди!

Отасининг ёнида шаҳзода Абусаид пайдо бўлди. Синглисига зугум қилиб:

— Сен Кенжанинг шў гапига ишониб ўлтирибсанми?— деди.— Бу ҳаммаси ёлғон! У сени лақиллатган. Чўпонбаччаларнинг асл ниятини отам билан вазир жаноблари уларнинг ўз оғизларидан эшитиб келган!

Отасининг важоҳатидан уч оғайнига қарши бирон чора кўрмоқчи эканини сезган Юлдузхон:

— Отажон, яхшиликка ёмонлик қилманг!— деди.— Уч оғайнини тинч қўйинг!

— Тинч қўймасам-чи?

— Унда... унда... Мен бориб Кенжага айтай... Қишлоқларига жўнаб кетишин!

— Жўнаб кетиб бўпти! Сен биздан эшитган гапларингни уларга бориб айтсанг, кейин улар менга қарши отланади. Нарёқда учқун тушса ёнаман деб турган қанча исёнчилар бор. Ҳаммаси кўтарилади. Ундан кўра, шаҳзода, сиз синглингизни саройдан чиқармасликнинг чорасини кўринг. То чўпонбаччаларни бир ёқлик қилгунимизча Юлдуз ҳеч ким билан учрашмасин, ҳеч кимга хат-пат ҳам бермасин!

Шаҳзода «лип» этиб ташқарига чиқди-ю, иккита бичилган ҳабаш қулни бошлаб кирди. Улар Юлдузхонни икки билагидан тутиб, подшо қабулхонасидан олиб чиқар эканлар, Юлдузхон йиғлаб:

— Бу қандай ноинсофлик?!— деди.— Наҳотки ота ўз қизини ҳам ҳибсга олса?! Юзсиз оғам Абусаид наҳотки мени зиндонга ташласа?

— Додлама, сени ҳеч ким зиндонга ташламоқчи эмас!— ғазаб билан шивирлади шаҳзода.— Саройнинг тўридаги битта хонада бекиниб турасан. Нону сувингга мана шу иккита ҳабаш қарайди.

— Менинг ҳам қўрчиларим, канизларим бор!

— Уларнинг ҳеч қайсиси сени тополмайди! Ҳозир бориб канизларинг билан қўрчиларингга айтаман, икки кунгача ўша боғдан қўзғалмай сени кутади. Сени сафарга кетган дейман, қидиришмайди!

— Қаллоб, ёлғончи оғам! Бир кун эмас, бир кун бу ёмонлигинг ўзингга қайтар! Кўрарсан ҳали!

Абусаид синглисининг йиғлаб айтган гапларига жавобан истеҳзо билан кулди-ю, уни ўша бурчакдаги бинонинг деразасиз, туйнуксиз ички хонасига қамаб, эшикни ташқарисидан қулфлади ва калитни ҳабаш қулларга берди. Сўнг бинонинг ташқарисига ўзининг ишонган йигитларидан йигирматасини қоровул қилиб қўйди:

— Ҳеч ким кирмасин, малика билан ҳеч ким гаплашмасин!— деб қаттиқ тайинлади. Сўнг Юлдуз турадиган боққа бориб, подшонинг номидан буюрдики, маликанинг канизлари-ю, қўрчиларидан бирортаси икки кун давомида шу ердан бир қадам ҳам жилмасин, кимдаким буйруқни бажармаса боши кесилади. Шаҳзода бу буйруқнинг бажарилишини назорат қилиб туриш учун ишонган йигитларидан яна йигирматасини бу ерга қоровул қилиб кетди.



Шаҳзода Абусаид отасининг хонайи хосига қайтиб борса, подшо билан вазир маҳфий ишлар амирини чақиришиб, уч оғайнини қандай қўлга олишнинг маслаҳатини қилишяпти.

— Зиёфатга келганда овқатларига заҳар қўшиб бериш мумкин,— деди амир маҳфий.— Таъмидан мутлақо билиб бўлмайдиган заҳарлар бор.

— Йўқ, зиёфатда одам кўп бўлади,— деди вазир.— Уч оғайни ҳам отаси билан тўрт киши. Заҳар қўшилган нарсани бири еб, бири емаслиги мумкин. Адашиб бошқа одам еб қўйиши мумкин.

— Агар бу уч оғайнидан бирортаси соғ қолса тамом!— деди подшо.— Ҳамма ёқни тўполон қилиб ташлайди.

Шаҳзода Абусаид ўз фикрини айтди:

— Буларни зиёфатга чақириб юриш жерак эмас. Уша турган жойларида бирон чора кўрган маъқул.

Вазир уларга «бугун кечқурун подшо саройида сизлар учун зиёфат берилади» деб айтиб қўйганини эслади.

— Яна вазири аъзам бориб айтсин,— деди подшо, зиёфатга яхшироқ тайёрлик кўрадиган бўлдик, эртага қолдирилди» десин. Бирон маъқул кўрган овқатларини ўша тушган жойларида қилиб бериш керак. Ана унда иш анча осон кўчади.

Вазир Зухурбек подшонинг шу фикрини ёқтириб:

— Бўлди, топдим!— деди.— Мен бу чўпонбаччаларни уйқусида қўлга оламан. Амири маҳфий менга иккита энг чаққон одамини берсин. Уйимда наша бор, ишонган ошпазим бор. Бир қўй сўйиб, бир қозон ош дамлатамиз. Нарёғи қандай бўлишини ҳазратимга кейин айтаман.

## 15

Кечки пайт вазири аъзам Чўпон ота ва унинг ўғиллари тушган жойга бир бўрдоқи қўйни олиб келиб сўйдирди. Меҳмонларнинг олди-га кириб:

— Азизлар, зерикмай ўлтирибсизларми?— деди.— Подшо ҳазрат-

лари сизларга қуюқ салом айтдилар. Саройдаги зиёфат эртага қолдирилди. Подшо сизларнинг ҳурматларингиз учун тоғдаги улар деган қушнинг гўшtidан кабоб буюрган эдилар. Овчилар шу уларнинг гўштини бугунга етказиб, келишолмапти. Эртага албатта топиб берамиз, дейишипти. Шунинг учун зиёфатни бугун шу ерда есак. Мен зўр бир ошпаз олиб келдим. Девзира гурунч бор.

Чўпон ота вазирнинг ошпазини бир кўриб қўйгиси келди-да, ташқарига чиқди. Ошпазнинг лаблари илжайиб турган бўлса ҳам, кўзлари жуда совуқ кўринди.

Кекса боғбон нарироқда юрган экан. Чўпон ота уни имлаб чақирди:

— Утоғаси, девзирадан ош дамлаб кўрганмисиз?— деди.

Боғбон қўлини кўксига қўйиб:

— Ҳа, ҳа, сизлар учун бўлса бажонидил ош дамлаб бераман!— деди.

Чўпон ота қовоғи осилиб қолган вазирга юзланди:

— Ҳар жойнинг тулкисини ўзининг тозиси билан овла деган мақол бор, жаноб вазир. Сизнинг ошпазингиз саройга борганимизда ош пишириб берар. Бу ерда масаллиқни мана шу боғбон инимга беринг. Биз бу одам билан қадрдон бўлиб қолдик.

— Хўп, хўп, азиз меҳмон, хўп!— деб вазир Чўпон отага дарров ён берди.

Ошхона боғнинг ичида, меҳмонлар ўтирадиган кўшкдан анча четда эди. Сарой ошпази қайтариб юборилгандан кейин вазир Чўпон отани ичкарига бошлаб кирди.

Боғбон бир ўзи ўчоққа ўт ёқиб, сабзи-пиёзни тўғраб, ёғни доғлагунча қош қорайиб қолди. Вазир кўшкдан чиқиб дарвозахона томонга ўтди. У ерда маҳфий ишлар амирининг иккита чаққон одами наша солинган халтачани тайёр қилиб туришган эди. Вазир уларга шивирлаб буйруқ берди:

— Ошнинг зирваси пишаётганда биттанг боғбонни бир баҳона билан четроққа чақириб, гапга тутасан. Ана шу пайтда иккинчинг бориб, билинтирмай зирвакка наша қўшасан.

Вазир яна меҳмонларнинг олдига кириб кетди. Ошхона томондан капгирнинг қозонга урилиши ва хушбўй зирвак ҳиди келиб турар эди. Оқшом қоронғисига боғ тўрида кимдир:

— Вой-дод, боғбон ака, ёрдам беринг!— деб хитоб қилди. Боғбон капгирни қўйиб қулоқ солган эди:— Мен ўғри эмасман! Қўйворинг! Урманг!— деган изтиробли товуш келди.

Боғбон ошнинг оловини тортиб, зирвакни куймайдиган қилиб қўйди-ю, овоз келган томонга шошилди.

Йўлкада катта-катта анорлар сочилиб ётибди. Боғда сувчи бўлиб ишлайдиган йигитни бошига дубулға кийган йўғон бир қоровул ёқасини бўғиб:

— Сен ҳали подшонинг анорини ўғирлайдиган бўлдингми?— деб кўчага қараб судради.

Сувчи йигит:

— Мен ўғирлаганим йўқ, анорлар ўзи сочилиб ётган экан,— деди.— Увол бўлмасин деб териб белбоғимга солдим.

Шу жанжалнинг устига етиб борган боғбон сувчини таниб:

— Э, йўғ-е, бу йигит ўғирликни билмайди,— деб орага тушди.

Дубулға кийган қоровул дўқ урди:

— Бўлмаса бу анорларни ким узган?!

— Мен қаёқдан билай!— бақирди сувчи ҳам.— Қайси бир қўлинг сингур узиб йўлкага сочиб кетибди.

Бу ишни вазирнинг одамлари жўрттага қилганини боғбон ҳам, сув-

чи ҳам билмас эди. Қоровул сувчи йигитни ўғри деб туриб олди, боғбон унинг бегуноҳлигини исботлашга тиришиб, жуда кўп далиллар келтирди. Бу орада амири маҳфийнинг чаққон бир йигити халтачадаги нашаи секин ошхонага олиб кирди, уни зирвакка қўшиб, кафгир билан яхшилаб аралаштирди. Боғбон келгунча зирвак куйиб кетмасин деб, ўчоқ четида қайнаб турган чойдишдан қозонга бир пиёлача қайноқ сув ҳам солиб қўйди. Қозон тагида шамдеккина олов ёниб турар эди, унга тегмади. Кейин ошхонадан чиқиб, дарвоза томондаги йўлга ўтди. Унинг оқшом қоронғисида қилган бу ишларини ҳеч ким сезмади. Кейин бу хуфя дарвоза томондан чиқиб келиб жанжални босди-босди, қила бошлади:

— Майли, энди, боғбон орага тушган бўлса, сувчи йигитни қўйиб юборинг. Иккинчи бундай қилмайди.

Сувчига жавоб берилгач, боғбон орага тушган ҳалиги одамга раҳмат айтиб, шоша-пиша ошхонага қайтди. Зирвак билинар-билинемас қайнаб турибди. Кафгир билан уни бир-икки аралаштирди-ю, кейин илиқ сувга ивтиб қўйилган девзира гурунчи ювишга тушди.

Ош дамлангунча вазир Зухурбек яна бир марта ичкаридан чиқиб, дарвоза томонга ўтиб келди. Маҳфий одамлари унинг буйруғини яхши бажаришганини, боғбон ҳеч нарсани сезмаганини шивирлаб айтиб беришди. Ош дам егунча вазир яна Чўпон оталарнинг олдига жириб, бирпас ўтирди. Зухурбек ҳар қанча илиқ гаплар айтса ҳам, уч оғайнилар унга очилиб сўзламас эдилар.

Ош сузилишига яқин қолганда вазир қўлини кўксига қўйиб:

— Меҳмонлар, энди менга рухсат берасизлар,— деди.— Мени подшо ҳазратлари чақирибдилар. Етиб бормасам бўлмайди.

Чўпон ота тил учиди:

— Жаноб вазир девзиранинг ошидан емайдиларми?— деди.

— Энди сизлар мана бу боғбон ота билан еб турунглар. Илҳом бўлса мен кейинроқ қайтиб келаман. Саройда жуда зарур иш чиқиб қолди.

Вазир одоб билан қўл қовуштирганча чиқиб кетди. Унинг қадам товшуллари тингач, уч оғайнилар анча енгил тортишди:

— Кетгани яхши бўлди,— деди Тўлан ботир.— Ўзимиз бир яйраб ош ейлик.

— Лекин қоринлар ҳам роса очқади-да,— деди Ўктам ботир.

Ҳадемай боғбон катта чинни лагани девзиранинг ошига тўлдириб кирди. Ошга зира, беҳи, қорақанд солинган, ҳар битта гурунч олтиндай товланиб турар эди. Ошда нашаинг таъми билинемас, қандайдир иштаҳани қитиқловчи ва кулгини келтирувчи бир маза пайдо бўлган эди.

□

Подшо билан вазир уч оғайни ўтирган уйнинг маҳфий туйнуги олдига шаҳзода Абусандни қўйиб қўйган, ўзлари юзтача энг бақувват навкарни кўшк ёнига олиб келиб, кутиб туришар эди. Зиндонлар бошлиғи энг йўғон занжирларни тайёрлаб олиб келган эди.

Ичкарида Чўпон ота, боғбон ва уч оғайни ошдан роса тўйиб ейишди.

— Антиқа ош бўлипти!

— Баданни яйратади-я!

Уч оғайнилар шунақа дейишиб, бўлар-бўлмасга кулишар эди. Уларнинг ҳеч бири умрларида наша қўшилган ош емаган эдилар. Шунинг учун гап нимадалигини сезишмай, кулишиб-чақчақлашиб, ошни охиригача ейишди-ю, кейин бирин-кетин кўрпачага чўзилиб ухлаб қо-

лишди. Ҳеч нарсадан беҳабар боғбоннинг ўзи уларнинг орасида тар-ракдай қотиб ухлаб ётар эди.

Хуфялар подшога бунинг хабарини етказган заҳоти занжир кўтарган зиндончилар нариги юз навкар билан секин ичкарига кирдилар. Қаттиқ уйқуга чўмган уч оғайнининг аввал оёқларига йўғон кишанларни урдилар. Сўнг қўлларига занжир боғладилар. Шунда Чўпон ота кўзини очиб, сал ҳушёр тортди:

— Болаларим, туринглар, болаларим!— деб хитоб қилди.

Отанинг ўзи ҳам ўрндан кўтарилмоқчи бўлди. Лекин нашанинг кайфи устига оёқ-қўлидаги оғир занжирларнинг асорати қўшилиб, оёққа туролмади.

Боғбонни ҳам занжирбанд қилдилар. Сўнг ҳар бир ботирни йигирматадан навкар маҳкам тутиб, уларнинг қўл-оёқларига урилган занжирларни бўшатмасдан зиндонга томон кўтариб кетдилар.

— Буларни энг чуқур зиндонларга солинг!— буюрди подшо зиндонлар амирига.— Ҳар бири алоҳида зиндонда ётсин. Олдиларига бошқа одам қўймаг!

Агар уч оғайнидан бирортаси бўшаб кетса боши омон қолмаслигини сезиб турган зиндонбонлар амири уларнинг ҳар бирини ўн газ чуқурликдаги энг мустаҳкам зиндонларга жўйлади.

Ботирлардан бири отасининг наърасини эшитганда, иккинчиси навкарлар зиндонга олиб бораётганда, учинчиси кишан қўлини қисганда ҳушига келиб, занжирдан бўшамоқчи бўлиб талваса қилиб кўрди. Лекин нашанинг кайфи ҳали кетмаган, зиндон девори кўзларига зовдай баланд кўринар, баданларида аввалги куч йўқ, қалбларида кутилмаган ваҳима.

— Уйнинг куйгурлар бизни ҳийла билан қўлга туширибди, болаларим!— деб қичқирди Чўпон ота.

— Яхшилиқни билмаган номард подшо!— деб сўкинди Кенжа ботир.

— Буларга ишониб хато қилдик!— афсус билан бақирди Тўлан ботир.

— Саройига ўт қўйиш керак эди бу малъунларнинг!— интиқомга тўлиб наъра тортди Кенжа ботир.

Лекин уларнинг бу сўзлари чуқур зиндон ичидан ташқарига чиқолмай, ер қаърига сингиб кетди.

## 16

Эртаси кўни подшо Камолхон уйқудан анча тетик уйғонди. Қабулхонада вазир уни кутиб турган экан. Нонуштадан сўнг подшо хазиначини чақириб, Чўпон ота ва ўғилларини усталик билан қўлга олишдаги хизматлари учун вазирга бўйи баробар олтин мукофот беришни буюрди:

— Катта тарозида аввал вазири аъзамнинг ўзларини тортинг, вазилари қанча келса, ўшанча олтин беринг!

Олтинга ўч Зухурбек подшонинг оёғи тагидаги гиламни ўпиб миннатдорчилик билдирди, сўнг хазинадаги катта тарозида вазини тортиришдан олдин ўзининг маҳкамасига кириб, оғир барра пўстинини кийиб чиқди. У ўз вазини мумкин қадар оғир чиқаришга интилаётганини сезган қув хазиначи тарозининг бир муртигардонини шундай бураб қўйдик, Зухурбекнинг вазни мўлжалдагидан анча кам чиқди. Шундай бўлса ҳам, унинг бугун хазинадан олган олтини етти пуштига етадиган даражада мўл эди.

Подшо Камолхон ўғли Абусайднинг хизматларини ҳам тақдирлаб, уни ўзидан кейин тахтга ўтирадиган валиаҳд, деб эълон қилди. Қизи

Юлдузхонни ўз боғига қайтарди, ammo боғдаги барча қўриқчиларни ўзгартирди, маликанинг атрофига ўзининг энг ишонган одамларини қўйиб, уни ҳеч қаёққа чиқармасликка ва унинг олдига ҳеч кимни киргизмасликка буйруқ берди.

Ишларнинг боришидан кўнгли анча кўтарилган Камолхон боққа чиқиб, булбуллар ва беданаларнинг сайрашига қулоқ солиб дам олиб ўтирганда патлари камалакдай товланган Тўтиқуш тепасидан учиб ўтди.

Таниш овоз:

— Ассалом, ҳазратим!— деб қолди.

— Эй тўтиқушим, келдингми?— деб Камолхон қувониб ўрнидан турди.

Подшога соядай эргашиб юрадиган вазир Зухурбек ҳам шу боғда эди. Тўтиқушнинг товушидан сергакланиб, дарахт панасидан секин чиқиб келди.

Тўтиқуш дарахтга қўниб:

— Ҳазратим, менга берган ваъдангиз эсингиздами?— деди.

— Ҳа, аввал сен ўз ваъдангни бажарасанми? Мени ёшартирадиган мўъжиза мевадан топиб келдингми?

— Бир эмас учта мўъжиза мева олиб келдим. Мана, олинг ҳазратим.

Подшо Тўтига яқинлашди, унинг патлари устида майин япроққа ўралган ва сунбул толалари билан патларга боғлаб қўйилган уч дона антиқа мева бор эди. Ҳар бири дўланадай келади, лекин ранги ниҳоят-да тиниқ, олтиндай товланади.

— Э, раҳмат, ойтўти! Айт-чи, бу мевани қанақа қилиб ейиш керак?

— Ҳар бирини олтин пиёлага солиб, бир кеча илиқ сувда ивита-сиз. Эртага эрталаб есангиз мўъжиза содир бўлади.

— Ешариб кетаманми?

— Ҳа, яна йигирма яшар йигит бўласиз. Ажинларингиз йўқолади. Тишларингиз қайтадан чиқади. Сочларингиз аслига қайтади. Қадди-қоматингиз ҳам йигирма ёшингизда қандай бўлса, ўша ҳолатга қайтади! Ҳазратим, ваъдага биноан энди менга рухсат беринг. Ота-онам кутиб турибди.

— Яна бир-икки кун шошмагин, Ойтўти. Мана, қафасинг ҳувиллаб бўш турибди. Яна бир-икки кунга қайтиб киргин, менинг ёшарганимни ўз кўзинг билан кўрасан. Уйлайманки, сен ҳам хурсанд бўласан. Ана ундан кейин иззатингни жойига қўйиб кузатамиз.

Тўти маъюсланиб қолди, лекин подшонинг сўзини ерда қолдиришга журъат этолмай, қафасга қайтиб кирди.

## 17

Подшо Камолхон уч оғайни ботирлар шарафига саройда зиёфат бермоқчи экани жарчилар<sup>1</sup> орқали бутун халққа маълум қилинган эди. Кейин бу зиёфатнинг қолдирилгани ҳақидаги маълумот бек ва аёнларга етказилди. Одамлар бунинг сабабига тушунолмаб ҳайрон бўлиб юрган пайтда «Уч оғайнилар оталари Чўпон ота билан бирга подшонин тахтдан ағдармоқчи экан, Камолхон буни сезиб қолиб, тўртталасини ҳам зиндонга ташлабди» деган овоза тарқалди. Миш-мишлар оғиздан-оғизга ўтган сари шишиб, ўзгариб, «уч оғайниларнинг боши кесилибди», деган гаплар ҳам пайдо бўлди.

Шунча аслзода оқсуяклар, беку аёнлар турганда подшо қаёқдаги чўпоннинг ўғлига қизини бермоқчи бўлгани юқори табақа вакилларининг фашига тегиб юрган эди. Энди улар уч оғайнининг зиндонга ташланганидан астойдил хурсанд бўлишди. Подшо Камолхонни ва

вазири аъзам Зухурбекни табриклашиб, уларга қимматбаҳо совғалар олиб келишди. Уларнинг олдида вазир Зухурбек кўкрак кериб:

— «Ғалаба уч оғайниники» деб юрган авбошлар ҳақиқий ғолиб кимлигини мана энди кўриб қўйишсин!— деди.— Деву аждаҳони енгган чўпонбаччаларни биз шаҳаншоҳим билан бирга енгиб, занжирбанд қилдик! Демак, энг улкан ғалаба Камолхон ҳазратларига мансуб бўлди!

Маҳфий ишлар амири подшога мурожаат қилди:

— Ҳазратим, сизнинг бу улуг ғалабангиз тарих саҳифасига олтин ҳарфлар билан битилгусидир. Лекин авом халқ орасида яна хунук овозалар тарқалмоқда. Гўё сиз яхшиликка ёмонлик қилган эмишсиз. Гўё уч оғайнилар хиёнат йўли билан зиндонга ташланган эмиш!

— Бундай, дейдиганларни битта қолдирмай қўлга олинг! Тилларини кесинг!

— Фармонингизни бажонидил бажараман! Аммо бир таклифим бор. Халқ орасидаги нохуш овозаларни тугатиш учун чўпонбаччаларнинг айби нимадалигини очиқ айтмоқ керакмикан?

Подшо ўз аъёнлари билан кенгашиб, шундай хулосага келди:

— Барча аъёнлар, беклар ўз қўл остидаги фуқарога шуни маълум қилсинки, чўпонбаччалар бизнинг ҳокимиятимизни йўқотмоқчи бўлганликлари учун жазоландилар. Уларнинг фикрлари бузуқлигини, бизни тахтимиздан ағдармоқчи эканликларини биз, мана, вазири аъзам, маҳфий ишлар амири, шаҳзода валиаҳд — тўртталамиз ўз қулоғимиз билан эшитдик. Демак, уларнинг оғир жиноятларини исбот қиладиган далиллар керагидан ҳам ошиқ. Бундай кўрнамалар жиноятчиларни биз дорга осиб ўлдирсак ҳам ҳақли эдик. Биз яна уларнинг аввалги хизматларини ҳисобга олиб, раҳм-шафқат кўргаздик, қонларидан кечдик, оёқ-қўлларига занжир уриб, зиндонда тирик сақламоқдамиз. Агар улар астойдил тавба қилсалар, фуқаро орасидаги уларга хайрихоҳ кишилар ҳам бизга содиқлигини исбот этсалар, уларга бериладиган жазони енгиллатмоғимиз мумкин. Йўқ, агар аксини қилсалар, уларнинг ўзлари ҳам, тарафдорлари ҳам аёвсиз қатл эттирилади!

Подшонинг бу фармони мингбошию юзбошилар орқали бутун аҳолига маълум қилинди. Одамларнинг бир қисми «суюнган тоғимиз шу уч оғайни ботирлар эди, энди улар ҳам зиндонга ташланган бўлса, аҳволимиз чатоқ, подшо билан мураса қилишдан бошқа илож йўқ», дейишди. Сўнг улар ўзларининг подшога содиқлигини айтишиб, амалдорларга совғалар беришиб, «Уч оғайнилар ҳам тавба қилишсин, шаҳаншоҳимиз уларнинг гуноҳидан кечсин!» деган илтимоснома юборишди.

Аммо одамларнинг кўпчилиги подшонинг уч оғайнига нисбатан номардлик қилганини сезиб, Камолхонга қарши нафрат ва лаънат ёғдирар эди. Маҳфий ишлар амири уларни қамаб адо қилолмас, зиндонлар маҳбусга тўлиб кетган, халқ орасида норозилик тўбора авжланиб борар эди.

□

Малика Юлдузхон ўз кўшида қамоққа тушган маҳбус каби яшамоқда энди. Унинг илгариги қирқ канизи ўрнида иккита бичилган ҳабаш қул хизмат қилар, илгариги юзта содиқ қўриқчи йигитлари ўрнини маҳфий ишлар амирининг икки юзта бадбин соқчилари эгаллаган эди. Малика уларнинг кўзини шамғалат қилишнинг иложини тополмас, бирорта яқин одами билан учраша олмас эди. Уни аввалгидай яхши парвариш қилишар, истаган кийимларини кийдиришар, боғда сайр қилишига ҳам руҳсат беришар, лекин дарвозадан ташқарига чиқаришмас, унинг олдига ҳам четдан ҳеч кимни киргизишмас эди.



Бир кун пешинда Юлдузхон боғда ёлғиз сайр қилиб юрганда юқоридан бир ёй ўқи учиб тушди-ю, ерга қадалиб туриб қолди. Юлдузхон атрофига қараса, ёни-берида ҳеч ким йўқ. Секин энгашиб, ўқни ердан суғуриб олди. Ёй ўқининг юқориюғига бир оқ қоғоз ўралган ва ингичка тасма билан боғлаб қўйилган эди. Малика тасмани секин ечиб, қоғозни олиб қараса, унга нимадир ёзилган. Дарахт панасига ўтиб, атрофига яна бир кўз ташлади, пойлоқчилар йўқлигига амин бўлгач, хатни очиб, аввал имзосига қаради. «Сизнинг садоқатли Қўрчибегингиз», деган имзони кўриб, қувониб кетди.

«Маликам!— деб ёзган эди Қўрчибек.— Мен умримнинг охиригача сизга туғишган одамингиздай содиқ хизмат қиламан деб қасам ичган эдим. На қилайки, мени Сизнинг хизматингиздан олиб, шаҳзоданинг қасрига қўриқчи қилиб қўйдилар. Ҳар дардим ичимда, айтсам тилим куяди, айтмасам — дилим. Лекин шаҳзода оғангиз Сизга ҳеч ҳам ўхшамас эканлар. Жуда ҳам қийналиб кетдим. Таваккал қилиб қўшни боққа келдим. Менга бирон топширигингиз бўлса, ўша махфий эшик олдида кутиб тураман».

Юлдузхон боғ тўридаги печакгуллар бекитиб турган деворни ва ундаги махфий эшикни эслади. Қўшк атрофларида юрган махфий пойлоқчиларда шубҳа уйғотмаслик учун аввал нариги йўлгага ўтиб секин сайр қилди-да, айланма йўллар билан боғ тўрига борди. Бу ерда Кенжа ботир билан учрашган пайтини эслаб юрагини алам аралаш соғинч чулғаб олди. Қалин ўсган ва деворни қоплаб ётган печакгуллар орасига секин кирди-ю, махфий эшикни очди.

Эшик нарёғида турган Қўрчибек унга таъзим қилиб:

— Ассалом!— деб шивирлади.

Юлдузхон кўзлари ёшланиб алиқ олди-ю, Қўрчибекка миннатдорчилик билдирди.

— Ёлғизликда юрагим «торс» ёрилгудек бўлдим. Қўрчибегим! Мени бу ердан олиб чиқиб кетишнинг иложи йўқми?

— Ўйлаб кўрайлик. Балки кечаси иложи бўлар. Лекин бу ердан қочиб қаерга борасиз, маликам?

— Кенжа ботирнинг олдига бораман! Майли, мени ҳам, у ётган зиндонга ташласинлар!

Қўрчибек бошини чайқади.

— Йўқ, уч оғайнилар ётган зиндонларга яқин бориб бўлмайди. Отангиз у ерга энг ишонган соқчиларини қўйган. Сизни таниб қолиб, яна отангизнинг қўлларига топширишади. Аҳвол аввалгидан баттар бўлади.

— Бўлмаса нима қиламиз, Қўрчибегим? Отам уч оғайнининг яхшилигига шундай ёмонлик қилди! Бу қора доғни қандай ювамиз? Кенжани қандай қутқарамиз?

Қўрчибек ён-верига аланглаб, яқин орада одам йўқлигига амин бўлса ҳам, маликанинг қулоғига шивирлади:

— Бизнинг маҳалладаги темирчию мисгарлар ботирларни қутқарадиган зўр бир сим чилвир ясашяпти. Зиндондагиларга нон-пон олиб борса, киритиб юборишар экан. Ўша сим чилвирни нонга қўшиб пишириб киритишмоқчи. Лекин юқоридан кимдир бу чилвирнинг учини бақувват қоziққа илиб бериши керак. Ана ўшанда бу чилвирга осилиб зиндондан чиқиш мумкин. Подшонинг зиндонбонларидан бирортасини қўлга олиб бўладими, йўқми, билмадим. Ҳозирча бунинг йўли топилмаяпти.

Малика қўлидаги гавҳар узукни ва қулоғидаги ёқут сирғани апилтапил ечиб, Қўрчибекка узатди:

— Мана шуларни маҳаллангиздаги темирчи-ю, мисгарларга беринг, заргарга элтиб сотсинлар. Буларга жуда кўп олтин беради. Ке-

йин ана шу олтинларни ишга солинлар. Мен биламан, отамнинг хизматида юрганлар ҳаммаси порани яхши кўради, олтинга жуда ўч. Бирорта зиндонбонни олтин билан албатта қўлга олиш мумкин.

Қўрчибек Юлдузхон берган узук билан сирғани авайлаб қўйин чўнтагига жойлади.

— Яхши маслаҳат бердингиз, маликам. Биз худди сиз айтгандай қиламиз.

— Яна қачон келасиз? Қачон кўришамиз?

— Икки кундан кейин худди шу пайтда шу ерда сизни кутаман, маликам.

— Хўп, унга мен яна олтинми, гавҳарми, қиммати баланд нарсалардан топиб, олиб чиқаман. Кенжа ботирни қутқариш учун борибудимни, жону жаҳонимни аямайман! Мен бир хат ёзиб қўяман, индин қўлингизга бераман. Нонга қўшиб пиширибми, бир йўлини топиб Кенжа ботирга етказасизлар.

— Бош устига, маликам! Мен сизнинг ҳамма топшириғингизни бажаришга тайёрман!

Улар хўшлашдилар-у, иккови деворнинг икки томонига секин қайтиб чиқишди. Печакгуллар орасида маҳфий эшик борлигини ўнлаб пойлоқчилардан бирортаси ҳам сезмади.

## 18

Уч оғайнилар зиндонда ётгани ҳатто қафасдаги Тўтиқушнинг ҳам қулоғига етиб борган эди. Эрталаб подшо Камолхон хонайи хосга Зухурбек билан кириб келганда Тўтиқуш:

— Ассалом, шаҳаншоҳим! — деди.

— Салом, Тўтиқушим! Яхши ухладингми?

— Ухлай олмадим. Бевозта бўлиб чиқдим.

— Нега энди, Тўтиқушим?

— Уч оғайни зиндонда экан. Ёмон бўлади, ҳазратим. Уч оғайинини бўшатиш. Фалокат юз бермасин!

Камолхон «уф!» тортиб бошини ушлади. Вазир Тўтиқушга заҳарханда қилди:

— Сени доно қуш десак, кўчадаги авбошларнинг сўзини такрорлаб ўтирибсан-ку! «Тўтиқуш бировнинг сўзини такрорлайди» деганлари рост экан-да!

— Уч оғайинини бўшатиш, ҳазратим! — деб яна такрорлади Тўтиқуш.

— Тўтиқушим, сен бу ишга аралашма. Мени тахтимдан ағдариб ташламоқчи бўлган одамларни бўшатиш мумкин эмас. Яхшиси, мен бугун сен олиб келган меваларни олтин пиёлаларга солиб қўяй-да, эртага еб кўрай. Зора яшариб кетсам!

— Ана унда сен ҳам хурсанд бўласан, Тўтиқуш! — деб гап қўшди вазир. — Ҳазратим ёшариб кетсалар, сени қафасдан бўшатадилар. Сен озод бўлиб ватанингга қайтасан. Бундан катта қувонч борми?

Вазир ичида «мен ҳам шу тўтиқушдан қутулар эдим-да», — деб қўйди. — Мен подшога бирон маслаҳат берсам, Тўтиқуш бунинг аксини гапирди. Кошки подшо унинг гапини эътиборга олмаса! Дарров Тўтиқушга ишонгиси келади! Агар бунинг олиб келган мевасидан подшо ёшариб кетса, Тўтиқуш унга мендан ҳам яқинроқ маслаҳатчи бўлиб олиши эҳтимолдан узоқ эмас. Қутулиш керак бу Тўтиқушдан ҳам!»



Подшо Камолхон Тўтиқуш олиб келган мўъжиза меваларни олтин пиёлаларга солиб, илиқ сувга ивитиб қўйганини, эртага уларни еб ёша-

риб кетиши мумкинлигини шаҳзода Абусаид ҳам эшитиб қолди. У тахт вориси деб эълон қилингандан бери тез орада подшо бўлишини ўйлаб кўнгли кўтарилиб юрар эди. Отаси саксонга кирди, яна беш-олти йил яшаса яшайди, бўлмаса ундан олдинроқ оламдан ўтиши мумкин. Ана ундан кейин йигит ёшидаги Абусаид бошига тож кийиб, тантана билан тахтга чиқади. Бу мамлакатда ундан зўр, ундан обрў-иззати баланд одам бўлмайди.

Бироқ Тўтиқуш келтирган мўъжиза мева подшони ёшартириб юборса, Қамолхон яна ўғли тенгли йигитга айланиб қолади, унда Абусаид тожу тахт бўшашини яна эллик-олтмиш йил кутиши керакми? Унғача қариб-чуриб кетмайдами? Йўқ, бу лаънати Тўтиқушнинг мевасини бир амаллаб йўқ қилиш керак!

Шаҳзода Абусаид отасининг ухлайдиган хоналарига кирмоқчи бўлган эди, эшикда турган соқчилар ўтказмади.

— Ҳазратим ором олмоқдалар, ҳеч ким кирмасин деб амр қилганлар!

Шаҳзода Абусаид бу ишни бир ўзи эплолмаслигини сезди. Қимни ёрдамга чақирса экан? Шу ўй билан саройнинг пастки қаватига тушган эди, вазири аъзам Зухурбек қаршисидан чиқиб қолди. Ер тагидан илон ўтса пайқайдиган Зухурбек шаҳзоданинг алланарсадан изтиробда эканини сезди.

— Шаҳзодам, тинчликми?

— Ҳозирча тинчлик. Лекин эртага...

— Бирон хавф борми?

— Ҳа, сиз учун ҳам хавfli бир ҳодиса юз бериши мумкин.

— Тушунмадим, шаҳзодам. Очиқроқ гапиринг.

Шаҳзода овозини пасайтириб деди:

— Агар ҳазратим мўъжиза мевани еб яшариб кетсалар, кейин Тўтиқушнинг обрўси қанчалик ошйшини ўйлаясизми? Сиздек вазир бир четда қолиб, дадам нуқул Тўтиқушнинг гапига қулоқ соладиган бўлади. Тўтиқуш эса нуқул уч оғайнини ёқлайди. Агар дадам уч оғайни билан тил топишса, сизу бизнинг аҳволимиз нима бўлади, вазири аъзам?

— Менинг бошқа бир илинжим бор, шаҳзода. Ҳазратим ёшариб кетсалар, Тўтиқушни қафасдан бўшатмоқчилар. Тўтиқуш ватанига қайтмоқчи.

— Э, жаноби вазир, дадам берган ваъдаларининг ўндан бирини ҳам бажармайди. Тўтиқуш унга жуда ёқиб қолса, «Мен сенсиз яшай олмайман, шу ерда қол, маслаҳатгўйим бўл, вазирлик қил!» деса, Тўтиқуш «йўқ» дермикин? Вазирлик катта лавозим!

Зухурбекнинг кўнглини ҳам худди шундай бир ҳадик алғов-далғов қилмоқда эди. У шаҳзоданинг сезгирлигига тан бергандай бўлиб:

— Хўш, шаҳзодам, сиз бу мўъжиза мевани нега ёмон кўриб қолдингиз? — деди.

— Сабабини ўзингиз фаҳмлаб тургандирсиз, жаноби вазир.

— Ҳа, шаҳзодам, сиз йигит бўлиб қолдингиз. Тожу тахтнинг лаззатини одам йигитлигида татиб кўрса бошқача бўлади. Қариганда бунинг қизиғи қолмайди. Агар ҳазрат отангиз ўша мўъжиза мевани есалар, ким билсин, яна юз йил тахтда ўлтирадиларми? Тўтиқушнинг айтишига қараганда, ўша мевани еб яшарган одам камида юз эллик ёшга кирар эмиш!

Шаҳзода қўрқиб кетди:

— Юз эллик ёш?! Унғача сизу бизнинг суякларимиз ҳам чириб битади-ку, жаноб вазир! Мен дунёга келиб, бир умр бошимга тож киёлмай ўтиб кетаманми-а? Наҳотки бу адолатсизликка қарши бирон чора топилмаса?!

Вазир пешонасини уқалаб, ўйланиб қолди. Шаҳзода унинг қулоғига оғзини яқинлаштириб:

— Ўша лаънати мевани йўқ қилиш керак! — деди.— Жаноб вазир, сиз тадбиркор одамсиз. Бир йўлини топинг!

— Мени жуда хатарли йўлга бошляяпсиз, шаҳзодам!

— Ахир сиз ҳам ўша Тўтиқушдан қутулишни истаб турибсиз-ку.

— Менинг истагим подшо отангизнинг истаги олдида ип эшолмайди!..

— Сизнинг истагингизга валиаҳд шаҳзоданинг истаги қўшилса-чи? Ахир мен ҳам бир кун подшо бўламан-ку! Ўшанда сиз менинг суянган тоғим, энг азиз устозим, раҳномом бўласиз!

— Яхши ниятларингиздан миннатдорман, шаҳзодам. Бироқ подшо отангиз ҳам менга жуда қадрдон бўлиб қолганлар. У олий зот яқиндагина менга бўйим баробарли олтин мукофот берганларидан ўзингиз хабардорсиз.

— Отам ҳазратларига қилган хизматларингизнинг озгинасини менга ҳам қилсангиз нима бўпти, жаноб вазир? Майли, мен сизга отам берган олтиндан икки баробар ортиқ олтин мукофот берай!

Вазир Зухурбек шаҳзоданинг олтини кўплигини, Камолхон ўз ўғлига ҳар йили сандиқ-сандиқ тилла беришини биларди.

— Сиз менга жуда мушкул хизматни юкламоқдасиз. «Йўқ» дейишга тилим бормади. Фақат... ўша мукофотни қачон бермоқчисиз?

— Сиз ўша меваларни бугун йўқ қилсангиз, бугуноқ мукофот оласиз!..

— Ундай бўлса, секин менинг кетимдан юринг.

Вазир ўзининг қабулхонасига кирди. Ҳозир бу ерда ҳеч ким йўқ. Шоҳнишинга тўшалган гиламнинг бир четини кўтарган эди, эшикнинг ҳалқасига ўхшаш ҳалқа кўринди. Уни ушлаб тортган эди, ер тагига тушиб кетган бир зинапоянинг эшикчаси очилди. Зухурбек машъала ёқди ва шаҳзодага «кетимдан юринг» деб ишора қилди. Улар зинапоя билан уч-тўрт газ пастга тушдилар-да, ер тагидан ўтган йўлакдан ўттиз-қирқ қадам юрдилар. Қаршиларидан яна битта зинапоя чиқди. Зухурбек олдинда, шаҳзода кетинда шу зинапоя билан юқори кўтарилдилар. Зухурбек бояги зинапоянинг қопқоғига ўхшаш эшикчани секин юқорига кўтарди. Улар шу эшикча орқали подшо Камолхон дам олаيدиган ва ухлайдиган хоналардан бирига чиқдилар. Шаҳзода Абусаид дадасининг тўшаги икки хона нарида — ичма-ич кетган бўлмаларнинг тўрида эканлигини биларди. Улар Зухурбек иккаласи турган хонада жавонлар, олтин-кумуш идишлар кўп эди, подшо гоҳо бу ерда шарбат ёки чой ичарди. Зухурбек қимматбаҳо жавонлардан бирини секин очган эди, иккита олтин пиёлада илиқ сувга солиб қўйилган мўъжиза мевалар кўринди. Шаҳзода уларни олмоқчи бўлиб қўл чўзди:

— Шошманг! — деб шивирлади Зухурбек.— Бу меваларни ўғирлаб бўлмайди.

— Нега?— деб пичирлади шаҳзода.

— Отангиз бу ерга мендан бошқа ҳеч ким киролмаслигини биларди. Айб менинг бўйнимга тушиб қолади...

— Бўлмаса нима қиламиз?

Зухурбек шаҳодат бармоғидаги кўзи катта олтин узукни чиқариб олди-да, шаҳзодага тутди. Оғзини унинг қулоғига тақаб шивирлади:

— Мана шу узукнинг кўзида антиқа заҳар бор. Таъми мутлақо сезилмайди. Пиёлага ўзингиз... оз-оздан солинг...

— Йўғ-е! Мен ўз отамга заҳар бераманми. Йўқ-йўқ! Падаркушлар олти ойдан ортиқ умр кўролмаслигини биламан! Мен яна қирқ-эллик йил яшаш умидидаман!

— Шаҳзодам, қўрқманг, бу заҳарни отангиз ичмайдилар. Камол-

хон ҳазратлари ҳали менга ҳам кераклар. Заҳарланган мевани биз бошқа ёмон одамларга едирамиз. Подшо ҳазратлари бунни ўз кўзлари билан кўрсалар бас.

— Чини билан шундай қила оласизми?

— Менга ишонмасангиз, нега кетимдан келдингиз?

— Сизга ишонаман! Фақат жуда қалтис-да...

— Сиз ўзингиз мени шу хатарли ишга бошладингиз-ку, шаҳзода.

— Хўп, хўп! Майли, узукни беринг.

Вазир узукнинг кўзини бош бармоғи билан секин ишқаган эди, бир чети очилди.

— Мана, мана бундай тутинг... Энди очиқ томонини пиёладаги сувга секин тўнкаринг. Ҳа, ана, бўлди! Энди иккинчи пиёлага солинг... Етар бас! Ўзингизни босинг, шаҳзода! Мунча титрайсиз?!

— Қалтис иш бўлди-да! Худо кўрсатмасин!...

— Энди бўлари бўлди!

Зухурбек жавон эшигини аввалгидай зичлаб ёпди. Зинапоя эшикчаси ҳам уларнинг кетидан яхшилаб бекитилди. Улар ҳеч бир из қолдирмай вазирнинг қабулхонасидан юзага қайтиб чиқдилар.

— Шаҳзодам, энди бориб ухланг,— деди Зухурбек.— Қилган ишимизнинг натижасини эртага нонуштадан кейин кўрасиз.

## 19

Осмонда чақмоқлар чақнаб, момақалдироқ гулдираётган бу қоронғи тунда зиндон ичидаги Кенжа ботир нажот йўлини изламоқчи эди. Темирчи ва мисгар косиблар ингичка симлардан пишиқ, ихчам чилвир ясаб, уни катта обинонга қўшиб пишириб, Кенжага бугун кундуз етказиб берган эдилар. Юлдузхоннинг содиқ йигити Кўрчибек гавҳар узук ва ёқут сирғани сотиб топган олтинларини порахўр зиндонбонлардан бирига бериб, сим чилвирнинг юқорига учини илиш учун зиндон лабига бақувват темир қозиқ қоқиб беришга кўндирган эди. Ҳозир момақалдироқ шовқинидан фойдаланган зиндонбон бу темир қозиқни белгиланган жойга қоқаётганини Кенжа пастдан эшитиб турарди.

Шунинг устига чуқур зиндоннинг ён томонидан ғалати бир «тириқ-тириқ» яқинлашиб кела бошлади. Ўша томонда тошнинг тошга урилиб «чиқ-чиқ» қилганини Кенжа бундан тўрт кун олдин биринчи марта эшитган эди. Балки акалари ёки отаси ётган зиндон ўша томондадир? Кенжа шу ўй билан ўзи ҳам бир тошчани зиндон деворининг ўша томонига қаланган тошларга уриб чиқиллатди. Нарёқда кимдир бу чиқиллашни эшитди шекилли, хурсанд бўлгандай тез-тез, устма-уст чиқиллата бошлади. Бу чиқиллаш тўрт кундан бери ҳар замонда бир такрорланиб турди. Кенжа ҳам тошни тошга уриб чиқиллатиш билан жавоб берарди.

Ҳозир Кенжа ингичка сим чилвирни ўрам қилиб, юқоридан зиндонбоннинг қозиқ қоқиб беришини кутиб турганда ён томондан келаётган шарпа кучайиб, зиндоннинг ўша томон деворидан тош-тупроқ кўчиб туша бошлади. Зим-зиё қоронғида нима бўлаётгани кўзга кўринмас эди. Кенжа тош-тупроқлар кўчиб тушган деворга яқин борди. Бирдан девор тешилди-ю, аллакимнинг боши кўринди.

— Тўлан?! Кенжа?! — деб ҳаяжон ичида сўради тешиқдан кўкрагигача чўзилиб чиққан одам. Кенжа акаси Ўктамнинг овозини таниб унга томон интилди.

— Ўктам ака! Сизмисиз?!

Кенжа оёқ-қўлларидаги занжирни шалдиратиб, акасини қучоқлаб тешиқдан тортиб олди.

— Кенжажон! — деб Ўктам оёққа туриб, укасининг юзини юзига

босди. Икковининг ҳам кўзидан ёш чиқиб кетди. Кўз ёшлари юзларига сирқиб тушиб, бир-бирларига қўшилиб оқди.

— Хайрият тирик экансиз, акажон! — деди Кенжа йиғи аралаш.— Яхшиликка ёмонлик қилиш шу даражада бўладими, а, ака?! Камолхон бизга бунчалик аблаҳлик қилади, деб ҳеч ҳам хаёлимга келтирмаган эдим!

— Ҳе, укажон, дунёда одамнинг ёмонидан ёмонроқ маҳлуқ йўқ экан! Уша биз енган аждаҳою Қирондевлардан ҳам мана шу подшою вазирлар даҳшатлироқ экан! Биз соддалик қилиб, буларнинг тузоғига тушиб қолдик! Аслида ўша Қирондегга қўйиб бериш керак экан, буларни йўқ қилиб, тожу тахтидан ағдаргандан кейин Қирондевнинг ўзини асфалософинга жўнатсак бўлар экан!

— Ким билибди, дейсиз, ака, унгача халқ ҳам қирилиб кетиши мумкин эди-да!

— Хайр, энди, бу ёғини ўйлайлик. Тўлан, отамдан хабар йўқми?

— Йўқ. Айтмоқчи, Уктам ака,— деб Кенжа ўртанчи ботирнинг қўлларини пайпаслаб кўрди.— Занжирингиз қани? Қандай қутулдингиз бу лаънатиларнинг кишанидан?

— Кесиб ташладим. Қайлиғимиз Муаттар нонга ўткир бир аррачани яшириб юборибди. Отаси заргар-да, бошлаб ясаган экан. Шу аррача билан занжирларни қирқиб чиққунимча улар яна нонга қўшиб уч-тўрт бўлак темирчалар юборишди. Бир-бирига бураб киритадиган жойлари бор. Тешанинг тиғига ўхшаш тиғи ҳам бор. Бир-бирига бураб киргизиб қарасам, ер қазийдиган жажжи тешачага айланди. Шу билан лаҳм қазिशга тушдим. Лекин қаёққа қараб қазишимни билмайман. Тўрт томондаги тошларнинг ҳаммасини чиқиллатиб чиқдим. Ахири сен томондан жавоб келди. Уша пайтдаги хурсандчилигимни кўрсанг эди, ука! Ахири, мана, қазий-қазий, сенга етиб келдим. Худога шукр!

— Яхши пайтда келдингиз, ака. Менга ҳам қайлиғим Юлдузхон ёрдам юборибди. Ўзимизга ўхшаган темирчи мисгарлар ҳам бизга қайишиб, мана бу сим чилвирни ясаб юборишти. Юқоридаги зиндонбонлардан биттаси олтинга сотилибди. Ҳозир ўша одам қозиқ қоқиб, мана бу чилвирнинг учини илиб берса, юзага чиқиб оламиз!

— Қанийди-я! Кейин отам билан акамни ҳам қутқариб олар эдикку!

Юқоридаги қозиқ қоқаётган одамнинг қораси кўринмай қолди. Ака-ука бирпас қулоқ солиб турдилар. Жимлик. Фақат икки юракнинг қаттиқ дукиллаши эшитиларди, холос. Уктам қуруқшаган лабларини ялаб:

— Жуда чанқаб кетдим,— деди.— Сувинг борми?

— Бор. Ҳозир!

Кенжа ҳар қадам қўйганда оёқ-қўлидаги занжирлар шақир-шуқур қилар эди. У зиндоннинг нариги бурчагини қўли билан пайпаслаб, сув солинган кўзачани топди-да, акасига олиб келиб берди. Уктам кўзачанинг лабини лабига қўйиб, ютоқиб сув ичди. Сал нафасини ростлагандан сўнг:

— Кел, ука, сенинг занжирларингни ҳам қирқиб ташлайлик! — деди ва этигининг қўнжидан латтачага ўроғлиқ ингичка аррачани олди.

— Улгурармикимиз? — деди кўзини юқоридан олмай, зиндонбоннинг ишорасини кутиб турган Кенжа.

— Улгурамиз! Бирпасда кесади. Билмадим, заргар отамиз буни қанақа пўлатдан ишлаган. Темирни худди ёғочни кесгандай тез арралайди.

Уктам укасининг қўлидаги занжирнинг бир ҳалқасини арралаб бўлганда, зиндон устида улар қутган шарпа кўринди. Зиндоннинг

тепаси ёпиқ бўлса ҳам, ён томонидаги очиқ дарчалардан озгина ёруғ тушар эди. Ҳозир осмонда устма-уст яшин чақнаётгани учун зиндон тепасидан энгашиб пастга қараётган одамнинг боши бир кўриниб, бир ғойиб бўлмоқда эди.

— Чилвирнинг учини бер! — деб шивирлади тепадаги одам. Кенжа ўрим қилинган сим чилвирнинг бир учини акаси Ўктамга тутқизди-да, иккинчи учини тепадаги одамга отди. Бироқ қўлига урилган кишан халақит бериб сим чилвирни мўлжалдаги баландликка етказиб ташлай олмади. Шундан кейин Ўктам чилвирнинг бир учини Кенжанинг ўзига тутқизди-да, симнинг қолган қисмини ўрам қилиб, юқорига отди. Сиртмоқни кўп отиб мўлжалга тушириб ўрганган мерган йигитнинг ҳаракати бекор кетмади. Сим чилвирнинг сиртмоқли учи юқоридаги зиндонбоннинг пастга чўзган қўлига бориб илинди. Кейин зиндонбон қаддини тиклаб сиртмоқни темир қоziққа илиб берди.

Шу пайт зиндонлардан хабар олиб юрган вазир Зуҳурбек ҳалиги одамга машъала ёруғини тўғрилаб қаради. Кўзи ўткир вазир зиндон лабидаги темир қоziқни ва унга илинган чилвирни ҳам кўрди. Ён-бегидаги навкарларига:

— Тутинг буни! — деб буюрди. — Бу аблаҳ Кенжани қочирмоқчи. Қоziқни суғуриб ташланг!

Зиндонбон қоронғиликка қараб қочди. Лекин унинг кетидан отилган ёй ўқи икки курагининг орасига санчилди-ю, уч-тўрт қадам қўяр-қўймас гандираклаб йиқилди.

Ўктам сим чилвирнинг учини энди Кенжанинг белига боғлаб, уни юқорига чиқармоқчи бўлиб турганда Зуҳурбекнинг навкарлари юқоридаги қоziқни суғуриб ташладилар.

— Чилвирни қирқ!

Навкарлардан бири ханжарини суғуриб, чилвирни бир зарба билан қирқмоқчи бўлди. Лекин бақувват симлардан эшилган чилвир тезда кесилмади. Шунда иккинчи навкар ўткир қиличини ишга солиб, сим чилвирни қирқиб ташлади. Унинг кесик учи шартиллаб пастга тушди-да, Кенжанинг пешонаси аралаш бошига қамчидай урилди. Зуҳурбек навкарларига буюрди:

— Қочиб қутулмоқчи бўлган аблаҳнинг устига тош ёғдиришлар! Ёниб турган олов ташланглар! Тошбўрон тагида қолиб ўлсин, мурдаси кул бўлсин!

Тепадан ташланган тошлардан бири сув солинган кўзани чилпарчин қилди. Ўктам ўзи кавлаган лаҳмга тез Кенжани киргизди-да, кейин ўзи кирди. Юқоридан тушган тошлардан бири унинг оёғига тегиб, борлиғини зирқиратиб ўтди.

— Шу вазир бирор кун бизнинг қўлимизга тушармикин-а! — деди Кенжа, ғазаб ва армон билан. — Одам зоти бу даражада бераҳм, бу даражада разил бўлади деб ҳеч ҳам ўйламаган эдим!

Бошига урилган сим чилвир Кенжанинг чаккасини ёриб юборган, сирқиб оққан илиқ қон бўйнигача тушган эди.

— Ҳайрият, мен бу лаҳмни қазиган эканман, ука, — деб Ўктам Кенжанинг таптани олишга интилди. — Бўлмаса ҳозир икковимиз ҳам тамом бўлар эдик.

— Қутулай деб турганимизда келиб қолганини қара бу ялмоғизнинг!

— Ҳе, ука, бу ялмоғизнинг хизматида шундай искович итлар борки, қаерда нима бўлаётганини юз чақирим наридан сезади. Сарой ҳаммаси айғоқчига тўлиб кетган экан. Бири бўлмаса бири ҳидини сезиб қолиб, вазирга етказган-да.

— Энди нима қиламиз, ака? Булар қўриқчини аввалгидан беш баттар кўпайтирса керак.

— Насиб қилганини кўраверамиз. Юр, мана бу лаҳм билан менинг зиндонимга ўтайлик.

— Юринг, ўша ерда мен ҳам оёқ-қўлимдаги занжирдан қутулиб олай. Кейин сизга қўшилиб яна лаҳм қазиймиз. Бир кун эмас бир кун ёруғ дунёга чиқармиз, ахир!

— Лаҳм қазишдан кўра ундан чиққан тупроқни яшириш қийин экан. Мен ётган зиндоннинг таги тупроққа тўлиб кетган.

— Энди зиндонимиз иккита-ку. Биттасига тупроқни уйиб, иккинчисида бирга тураверамиз!

— Шошма! Чиққан тупроқни уйиб, зиндоннинг бир четини кўтариб, тош-пошлардан зинапоя қилиб чиқиб кетсак бўлмасмикин?

— Уйлашиб кўрамиз. Лекин энди юқоридагиларга ҳеч нарсани сездирмаслигимиз керак. Бу аблаҳлар ҳид олишга қанчалик уста эканини кўрдингиз-ку.

— Лекин биз ҳам энди аввалгидай содда эмасмиз, ука. Буларнинг усталигидан ҳам устароқ бўлишимиз керак биз энди!

Энг муҳими, улар энди ёлғиз эмас эдилар. Зиндондан қутулиб чиқиш учун биргалашиб ҳаракат қилсалар, бирон илож топилиши мумкинга ўхшарди.

## 20

Эрталабки сарин шабада боғдаги гулларнинг хуш бўйини Қамолхон подшо ётган хобгоҳ<sup>1</sup>га олиб кирган. Уйқудан кўзини очган подшо бу муаттар ҳидни сезиб ва очиқ деразадан қушларнинг басма-бас сайраётган товуши ҳам келаётганини эшитиб, мамнун жилмайиб қўйди.

У бугун нонуштадан кейин Тўтиқуш келтирган мўъжиза-мевани еб, йигит ёшига қайтиши мумкинлигини ўйлаганда мамнунлиги янада ошди. Унинг тўртта хотини бор. Булардан бири — шаҳзода Абусаиднинг онаси ҳозир қирқ ёшлардан ошиб қолган. Қамолхоннинг ўртанча хотини Юлдузхонни туққан. Бу ака-сингил бир-бирига ўғай бўлганликлари учун ҳам қий-пичоқ. Қамолхоннинг қолган икки хотини йигирма уч ва ўн тўққиз ёшлардаги жувонлар, лекин фарзандлари йўқ, ҳарамда ёлғиз туришади. Саксон ёшлик Қамолхон анчадан бери уларнинг олдига бормай қўйган, ёлғиз ўзи мана шу боғ тўридаги хобгоҳда ухлайди.

Агар Тўтиқуш келтирган мева уни ёшартириб юборса, Қамолхон ҳар куни ҳарамда ўша ёш хотинлари билан қайфу сафо қилган бўларди. Йигитлигида қилган шўхликларини такрор этиб, бошқа жононлар билан ҳам ўйнаб куларди.

Қамолхон мана шу ширин орзулар билан ўрнидан турди. «Офтобачи» деб аталадиган махсус хизматчиси унинг қўлларига сув қуйиб, ювинишига ёрдам берди. «Дасторпеч» деб аталадиган бошқа хизматчиси салласини чиройли қилиб ўраб бошига кийдирди, зар ёқалик кимхоб тўнини эгнига солди. «Бовурчи» деб аталадиган ошпаз унга бугун сўйилган қўйнинг жигаридан қовурдоқ қилиб берди.

Нонуштадан сўнг Қамолхон хонайи хосга чиқиб, олтин билан зийнатланган тахтига ўтирди-ю, энг аввал вазири ва ўғлини чақиртирди.

□

Кечаси зиндонлардан хабар олиб юриб уйқудан қолган вазир Зухурбек кечроқ уйғонди. Подшо ясовули уни йўқлаб келганда, Зухурбек энди бет-қўлини ювиб, нонуштага киришган эди.

<sup>1</sup> Хобгоҳ — ухлайдиган махсус хона.



Подшо эрталабдан уни йўқлагани бежиз бўлмаса керак деб, нонуштасини чала қолдирганича ўрнидан турди. Ун беш яшар қизига:

— Гулноз, салламни бер! — деди.

Хизматкори унга тўнни кийдириб, қимматбаҳо кавушини оёғи тагига тўғрилаб қўйди. Номи Гулноз бўлса ҳам, ўзи жуда кўримсизгина қиз ёқут қадалган саллани икки қўллаб авайлаб кўтариб келди ва таъзим билан отасига тутди. Зухурбекка қизининг таъзими жуда хуш ёқди:

— Баракалло! — деди саллани унинг қўлидан олиб бошига кияркан. — Подшоларга келин бўладиган одобингу, назокатинг бор, қизим!

— Раҳмат, дадажон! — деди Гулноз. Унинг қувончдан балқиган кўзларига «айтганингиз келсин!» деган бир маъно бор эди. Зухурбек ўзича «айтганимизни амалга ошириш қўлимиздан келади, қизим!» деб қўйди.

Аркака кириб борар экан, ҳозир у ўзини ҳар қачонгидан ҳам қудратлироқ сезар эди. Кечаси агар у хушёрлик қилмаганида Кенжа қочиб чиқиб, акалари ва отасини ҳам қутқариши, сўнг бутун подшою шаҳзодаларнинг додини бериши мумкин эди.

Зухурбек кечаси бўлган ҳодисани подшога қанақа қилиб айтиб берса зўр чиқишини ўйлаб боғ йўлкасидан ўтаётганда, қаршисидан шаҳзода Абусаид чиқди. Одатда, Зухурбек унга аввал салом бериб, таъзим бажо келтирар эди. Ҳозир эса шаҳзода кечаси қилган ишидан ва мўжиза меваларга ўз қўли билан заҳар қўшганидан изтиробга тушиб, гўшт ўғирлаган мушукдай бошини кўтаролмай турар эди. Зухурбек буни Абусаиднинг мўлтираган кўзларидан сезиб, унга шундай ҳокимона назар ташладики, шаҳзода беихтиёр эгилиб, вазирга таъзим қилди.

— Мунча кеч қолдингиз, вазири аъзам? Сизни кутавериб тоқатим тоқ бўлди. Ахир нонушта ўтди. Ҳазратим мўъжиза мевани еб қўйишлари мумкин!

Абусаид отасининг қотилига айланишдан қўрқиб, ич-этини еб тургани вазирга энди сезилди. Зухурбек шаҳзодани янада қаттиқроқ изтиробга туширгиси келиб:

— Шаҳзода, мен бугун туни билан ухлаганим йўқ, — деди.

— Тинчликми ўзи?

— Ҳаммамиз яна бир нақд ўлимдан қолдик.

— Яна нима бўлди?

— Ҳали подшо ҳазратларига айтиб берганимда эшитасиз. Лекин... шаҳзода... — Зухурбек қўйин чўнтагидан кўзига заҳар солинган кечаги олтин узукни олиб шаҳзодага секин кўрсатар экан, шивирлаб сўради: — Бу узукда ўша заҳарнинг юқи қолган. Тафтиш қилсалар бирпасда исбот этишлари мумкин.

— Бўлмаса тезроқ йўқ қилайлик бу балони...

— Йўқ, шаҳзода, бу узук менда туради. Ким билади, фалакнинг гардиши ҳали бизни не кўйларга солади.

Шаҳзода саросима бўла бошлади:

— Ахир, вазир жаноблари, мен айтдим-ку, отам берган мукофотдан икки баробар кўпроқ олтин бераман...

— Олтин яхши-ю, аммо бевафо...

— Мен ўзим сизга вафо қилсам-чи? Ахир тахтга ўлтирсам, устозим сиз бўласиз, дедим-ку!

— Эсимда бор. Камолхон ҳазратлари у кунни ажиб бир истакларини айтдилар... Қизимиз Гулнозни кўрган эканлар. Жуда ёқтириб қолптилар... «Сиз билан куда бўлсак арзир экан» дедилар...

Камолхон Зухурбекка бунақа гапни умрида айтмаган эди. Лекин ҳозир подшони ҳам, шаҳзодани ҳам ўз ногорасига истаганча ўйнатишга

кучи етишлигини сезиб турган Зухурбек Абусаидни синаш учун шу гапни ўйлаб топди.

Вазир ҳозир истаса мана бу узукни далил қилиб, Абусаидни отасига қарши суиқасдда айблаб, тутиб бериши мумкин эди. Бунини ўйлаб, вужудини ваҳима босаётган шаҳзода:

— Албатта, дадам ҳақ бўлсалар керак,— деди. — Мен... сиз... ҳазратимга нима жавоб қилганингизни билмоқчиман...

— Шундай улуғ подшога қуда бўлишнинг шарафи беҳад зўр,— дедим.— Лекин шаҳзоданинг кўнгилларига ҳам қарамоқ керак,— деб айтдим.

— Доно гап айтибсиз. Миннатдорман...

Зухурбек шаҳзоданинг кўзларига тик қараб: «Қани, кўнглингни айт, менга куёв бўлгинг келадими, йўқми?» деган бир маъно билан жилмайди. Қўрқувдан юраги увишиб кетаётган Абусаид Зухурбек нимани истаса шуни бажо келтиришга тайёр эди. У вазирнинг қизиди жозоба йўқлигини билар, унга уйланишни хаёлига ҳам келтирмасди. Лекин ҳозир мана шу машъум иш бир ёғлиқ бўлгунча тилёғламалик қилиб туришга мажбур эди.

— Мен сизни устозим бўласиз деган эдим... Агар менга ота ҳам бўлсангиз... албатта... бошим кўкка етади... Менга сиз доим раҳнамо бўласиз...

— Илоҳим, шу гапга фаришталар омин десин!.. Мен бу узукни,— деб Зухурбек олтин узукни шаҳзодага яна бир кўрсатди,— тўйларинггача асраб юраман... Тўй бўлса, кейин, унинг кўзини заҳардан тозалаб, бошқа тоза гавҳар кўз қўйдираман-у, ўзингизга совға қиламан.

Абусаид энди бу одамдан умрбод қутулолмаслигини, отаси емоқчи бўлган мўъжиза мевага қўшган заҳри то ўлгунча вазирнинг қўлида фош қилувчи бир қурол бўлиб хизмат қилишини сезиб, бўғинлари бўшашиб кетди. Тезроқ бу оғир ҳолатдан қутулгиси келиб:

— Мен сиздан қарздорман, жаноб вазир,— деди.— Энди тезроқ дадамнинг ҳузурига кирайлик. Агар бу фалокат мевани еб қўйсалар, кейин кеч қоламиз! Тезроқ юринг!

Зухурбек ҳамон шошилмай салобат билан қадам ташлаб борар экан:

— Шаҳзодам, сиз менга ишонаверинг,— деди.— Мен ҳаммасини олдиндан ўйлаб қўйганман. Ҳазратим у мевани бизсиз емайдилар.

Улар подшо қабулхонасига кириб, тахтда ўтирган подшога эгилиб таъзим қилдилар. Вазирни кўп кутиб асабийлашган подшо:

— Фафлат уйқусидан мунча кеч турдингиз, вазири аъзам? — деди.

— Шаҳаншоҳ, мен бугун тунни уйқусиз ўтказдим. Энг хатарли жиноятчилар кечаси зиндондан қочмоқчи бўлганда ўз қўлим билан тутдим. Зиндонбонлар орасида ҳам уч оғайнига сотилган хоинлар пайдо бўлибди...

Вазир Зухурбек кечаси бўлган воқеани бир-бир айтиб берар экан, ўзини шундай сезгир, шундай ботир, подшо ҳазратларига шундай содиқ одам қилиб кўрсатдики, подшо ийиб кетиб:

— Доно вазиримга минг раҳмат! — деб юборди.— Зарбоб тўн келтиринглар! Вазири аъзамга тўн билан яна битта олтин камар ҳам инъом қилинсин!

Мукофотлаш маросими ўтгандан сўнг Камолхон зиндонлар бошлигини янгилаш ҳақида, уч оғайни ва уларнинг оталарига ташқаридан бирор бурда нон ҳам, бирор қошиқ овқат ҳам киритмаслик тўғрисида буйруқ берди.

— Очликдан ўлсин! Силласи қурисин, кейин қочишни ўйламайдиган бўлади!... Об-бо, жаноби вазир-ей, сизнинг шарофатингиз билан бугун яна бир балодан қутулибмиз-да.

— Ҳа, шаҳаншоҳ, бугун яна бир катта ғалабага эришдингиз.

— Тўғри, бу биз учун янги бир ғалабадаи муҳим. Энди шу ғалаба муносабати билан яна битта хайрли иш қилсак. Мен Тўтиқуш келтирган мўъжиза меваларни олтин пиёлаларга солиб ивтиб қўйибман. Шунини бир татиб кўрсам, а, жаноб вазир?

— Шаҳаншоҳим, биз сизнинг йигит ёшига қайтишингизни жон дилимиз билан истаймиз. Фақат подшолик удумига биноан, мўъжиза меваларни аввал бир синаб кўрмоғимиз лозим. Биттасини кимгадир едириб, натижасини билайлик.

Камолхон таажжубга тушди.

— Сиз шундай бебаҳо мевани мендан олдин кимга едирмоқчисиз?

— Ҳазратим, хабарингиз бор, сизнинг дастурхонингизга тортилдиган ҳар бир таомни аввал махсус одамлар татиб, текшириб кўрадилар. Бирон хатари бўлмаса, кейин сизга берадилар.

— Рост, бу одат азалдан бор.

— Қулингиз ана шу одатга риоя қилайлик демоқчиман. Фақат бу гал мўъжиза мевани ошхонадаги одамлар эмас, кекса маҳбуслардан бирига едириб кўрайлик. Қани, агар, у ёшариб кетса иккинчисини шаҳаншоҳим бемалол ейверишлари мумкин.

Зуҳурбек бу тадбирни ҳам подшога ғамхўрлик намунаси қилиб кўрсатгандан кейин Камолхон зиндондан кекса бир маҳбусни олиб келишни буюрди. Зуҳурбек ясовулга:

— Ҳалиги, туҳматчи чолни олиб келинг,— деб қайсидир бир одамнинг номини паст товуш билан айтди.

Кўп ўтмай олтмиш ёшлардаги соч-соқоли оппоқ бир маҳбусни иккита навқар икки энидан тутиб олиб келишди. Қўл-оёқларидаги йўғон кишанни шалдир-шулдир қилиб қабулхонага кирган маҳбус энг аввал тахтнинг ўнг томонида турган Зуҳурбекни таниди. Сўнг подшога таъзим қилиб:

— Вазирингиз ҳам шу ерда экан, подшо ҳазратлари! — деди.— Ҳақиқат қилинг! Менинг катта бир боғим Зуҳурбекнинг боғи билан ёнма-ён эди. Бу вазир менга қарши иғво қилиб, хуфяларини ишга солиб, мени зиндонга ташлатди. Кейин билсам унга менинг боғим керак экан. Боғимизни дарров ўзининг боғига қўшиб олибди.

Камолхон подшо савол назари билан вазирга қаради:

— Шаҳаншоҳим,— таъзим билан гап бошлади вазир,— бу чол эл орасида туҳматчилиги билан машҳурдир. Мен унинг боғини сотиб олганман!

— Ёлғон! Тортиб олгансан! Гувоҳлар бор!

— Подшо ҳазратлари, бу чол фақат менга туҳмат қилса, кечиршим мумкин эди. Лекин бу ноинсоф сиздек улуғ подшога ҳам бўҳтон ёғдирган. Мана, махфий ишлар амирининг одамлари берган маълумотга биноан, бу одам ҳалиги уч оғайни чўпонларни сиздан баланд қўйган! Тожу тахтга ўшаларни муносиброқ деган! Мана, хуфялардан келган ахборотни ўзингиз ўқинг.

Подшо вазир узатган қоғозни олиб, кўзойнагини тақди-ю, ўқий бошлади. Шунда маҳбус чол унга илтижо қилиб деди:

— Ҳазратим, мен содиқ қулингизман! — деди.— Мен сизнинг даврингизда бою бадавлат бўлиб, катта бир боғ қилдим. Шунинг учун ҳеч вақт сизга қарши гапирган эмасман! Лекин бу Зуҳурбек шундай одамларни хуфя қилиб тайинлаганки, улар оқни ҳам қора қилиб кўрсатавердилар. Зуҳурбек боғимни олиш учун шу хуфяларга ёлғон маълумот ёздириб берган. Бўҳтончи, туҳматчи — Зуҳурбекнинг ўзи! Мен у чўпонзодаларни билмайман, суймайман! Мен сизга содиқман. Бу хуфяларнинг маълумотига ишонманг, ҳазратим!

Камолхон хуфяларнинг ахборотидаги «подшомиз уч оғайнини зиндонга ташлаб номардик қилди, илоҳим бу аблаҳлигининг жазосини тортсин, омин!» деган жойини ўқиганда, бирдан ғазаби қўзғаб кетди:

— Сен, боғдор чол, менга қарши дуоибад ҳам қилибсан-ку! Мен шунча садоқатли одамларимга ишонмай, сенга ишонайми?

— Ахир одамларингиз ўз манфаатлари учун ёлғон-яшиқ бўхтонлар тўқиётган бўлса қандоқ қилай, ҳазратим!

Камолхон подшо истехзоли қулимсираб туриб сўради:

— Гапинг ростлигини исбот қилишни истайсанми?

— Жони дилим билан истайман!

— Бўлмаса, мана шу олтин пиёладаги мевадан биттасини егин. Ростгўй бўлсанг, бирдан ёшариб йигит бўлиб кетасан.

— Ҳазил қилмаяпсизми, ҳазратим?

— Йўқ, чин! Қани, баковул, пиёладаги мўъжиза мевадан биттасини шу одамга едиринг.

Баковул пиёлани икки қўллаб ушлаганча маҳбусга яқинлашди.

— Қани, бисмилло деб олиб, оғзингизга солинг.

Маҳбус чол олтин пиёладаги мевани «бисмилло» деб олди-ю, лекин оғзига солгиси келмади:

— Қўнглим тортмаяпти-да.

Баковул уни уришиб берди:

— Жон демаясанми, одамзот, подшонинг табаррук совғаси-ку, бу!

— Хайр, майли, таваккал!

Кекса маҳбус олтиндай товланиб турган мевани оғзига солди-ю, бир-икки чайнаб, ютиб юборди.

Ҳамма унда қандай ўзгариш бўлишига қизиқиб тикилиб турарди. Бирдан кекса маҳбуснинг кўзлари ёшланди, афти буришиб кетди.

— Вой, ичим куйиб кетяпти! — деб ихради: — Бу нима бало эди? Дод! Жигар-бағрим ёниб кетяпти! Сув бер! Сув! Бутун вужудимга оғриқ кирди. Войдод! Заҳар бердингми менга, золим подшо?!

Маҳбус қўл-оёқларидаги кишанларни шақирлатиб, вужуди қалтираб кетди, гавдаси жингак бўлиб эгилди, оғзи кўпириб, кўзлари олайди, тили оғзида айланмай қолди, сўнг ерга гурсиллаб йиқилди-ю, ияк қоқиб, жон берди.

Буни кўрган подшонинг ҳам ранглари қўрқувдан оқариб кетди. Орқасига ўгирилиб, Тўтиқушнинг қафаси турган томонга кўз олайтирди:

— Тўтиқуш, сен қанақа мева олиб келган эдинг?! Мен еганимда мана шу маҳбуснинг аҳволига тушармидим, а?! Қандай даҳшатли фалокат бўлар эди, а?!

— Мен айтдим-ку, ҳазратим! — деб Зухурбек қўл қовуштириб гап қўшди: — Синалмаган нарсани еманг, дедим-ку, сизга!

— Сиз мени яна бир балодан қутқардингиз, вазири аъзам!

Юз берган ҳодисанинг сабабини тушунолмаб ҳанг-манг бўлиб турган Тўтиқуш энди тилга кирди:

— Шаҳаншоҳим, айб мевада эмас! Биров унга заҳар қўшган! Мева тоза эди! Уни заҳарлашган!

— А?! — деб подшо атрофига шубҳа билан аланглади.

— Э, ҳазратим, — деди вазир, — бу гапга ишонманг! Сизнинг хобгоҳингизда турган меваларга ким заҳар солиши мумкин? Ишониб бўлмайдиган ҳадик!

— Бу мевадан яна биттаси бор-ку, — деди шаҳзода Абусаид. — Уни си шубҳали бўлса, бунисини синаб кўрайлик.

— Бизга тўхмат қилиб қамалган яна битта кекса маҳбус келтирилсин! — деб амр берди Камолхон.

Зиндонбонлар ерда ўлиб ётган биринчи маҳбуснинг мурдасини кўтариб олиб чиқиб кетишди-ю орадан кўп ўтмай ўсиқ қошлари оппоқ

оқарган, сочлари ва тишлари тўкилиб кетган озгин бир маҳбусни бошлаб келишди.

Бу маҳбуснинг ўн беш ёшлик гўзал қизи бундан ўн йил олдин Камолхоннинг ҳарамига зўрлаб олиб келинган эди. Суюкли қизининг етмиш ёшлик чол ҳарамиди руҳий азобларга чидай олмай касал бўлиб қолганини эшитган ота ғазабини ичига сиғдириб, подшони кўпчиликнинг олдида «номард, ноинсоф, имонсиз!» деб сўқди. Бу гап албатта, «Подшо ҳазратларига қарши тухмат ва ҳақорат» деб баҳоланди-ю, қизнинг отаси зиндонга ташланди.

Ҳозир оёқ-қўли кишанланган маҳбус тахтда савлат тўкиб ўтирган подшога тикилиб туриб:

— Ҳа, куёв ҳазратлари! — деди. — Мен сиздан ёш бўлсам ҳам, қайнаталик ҳаққим ҳаром. Бахти қора қизимнинг аҳволи қалай?

— Қизинг ҳарамда, роҳат фароғатда шоҳона кун кечиряпти!

— Менга ўхшаб-а? — истеҳзо билан сўради маҳбус. — Ёшим энди эллик бирга кирди-ю, бошимда соч, оғзимда тиш қолмади. Бу ҳаммаси сизнинг марҳаматингиз туфайли бўлди, куёв тўра!

— Қайната деган сал одоб сақлаб, тилини тийиб юриши керак эди-да! — деди Зухурбек. — Сиз ҳазратимга тухмат қилганлигингиз учун жазолангансиз.

— Тухматни сизчалик сув қилиб ичган одам дунёда бўлмаса керак, жаноб вазир! Лекин сизга жазо берадиган одам ҳали онадан туғилмаганга ўхшайди! Илоҳим сизнинг жазойингизни худон таолонинг ўзи берсин!

— Машмаша бас! — деб подшо маҳбуснинг сўзини кесди. — Сиз «қайнатаман» деб гина қилиясиз. Майли, бўлмаса, куёвингиз сизга битта яхшилик қилсин. Мана шу олтин пиёладаги мўъжиза мевани енг. Тишингиз, сочингиз қайтадан ўсиб чиқади. Йигирма яшар йигит бўласиз... Баковул, беринг!

Баковул икинчи пиёладаги мевани маҳбусга бераётди:

— Бисмилло деб олинг! — деди.

— Э, мен бу ерда бисмиллони ҳаром қилмайман! — деди маҳбус. — Ҳаромга ўрганган сиздай одамлардан яхшилик чиқишига ҳам ишонмайман!

Шунда Тўтиқуш сўз қотди:

— Мен бу мевани Ҳиндистондан олиб келганман, енг, умрингиз узун бўлади!

— Э, жонивор Тўтиқуш, сен ҳам маҳбусга ўхшаб қафасда ўлтириб сан-ку! Майли, сен буни шундай узоқ юртдан олиб келган экансан, еганим бўлсин!

Тишлари йўқ маҳбус олтинранг мевани милклари билан эзиб, чала-чулпа чайнади-ю, ютиб юборди. Шу заҳоти унинг ҳам вужуди оғриқдан тўлганиб кетди. Оёқ-қўллари тиришиб, жингак бўла бошлади.

— Оҳ, газандалар, менга берган заҳарларинг ўзларингга қайтсин! Э, худо! Бор бўлсанг бу аблаҳликларга қандай чидаб турасан?! Нега ёмонларга жазо бермайсан, э парвардигор?! Вой, вой!! Бу қандай азоб! Уйинг куйсин, подшо! Боланг ўлсин, подшо...

Иккинчи маҳбус ҳам гурсиллаб йиқилди-ю, жон берди.

Подшо «мўъжиза мева» деб ўйлаган нарсанинг турган битгани заҳар эканига энди астойдил ишонди. Агар уни еганда ўзи ҳам мана шу икки маҳбуснинг аҳволига тушишини ўйлади-ю, даҳшатдан сочлари тикка бўлиб кетди.

Вазир Зухурбек билан шаҳзода Абусаид алланарсадан енгил тортгандай қувонишиб:

— Хайриятки сиз буни емадингиз, ҳазратим!

— Худога шукур, аввал синаб кўрдик! — дейишди.

Қамолхоннинг ўзи ҳам:

— Бир худо деганим бор экан! — деб хиёл енгил тортди, сўнг қафасда безовта питиллаётган Тўтиқушга қараб:

— Сенинг менда қасдинг бор эканда-а?! — деди.

— Ҳазратим, бу мевага ҳам кимдир заҳар қўшган! — деди Тўтиқуш саросима билан бидиллаб.

— Балки ўзинг заҳар қўшгандирсан? — деб Қамолхон ғазаб билан ўрнидан турди. — Сен менга шунчалик душманмисан?

— Мен эмас, ҳазратим, вазирингиз қўшган бўлиши керак!

— Аблаҳ, тухматчи! — деди вазир. — Ахир мен ҳазратимни ҳозир юз бериши мумкин бўлган фалокатдан қутқариб қолдим-ку!

— Кечаси зиндонда юз бераётган фалокатдан ҳам бизни вазири аъзам қутқариб қолди, ҳазратим! — деди шаҳзода Абусаид.

— Ҳа, бу Тўтиқуш ўз айбини бошқага тўнкаяпти! — деди Қамолхон. — Вазири аъзам сизга яна бир карра миннатдорчилик билдираман. Аммо мана бу Тўтиқушни...

— Сизга суиқасд қилганларнинг жазоси ўлим! — деди вазир.

— Улим! — деб такрорлади шаҳзода Абусаид.

Қамолхон уларнинг ҳукмини бош ирғаб маъқуллади-ю, қафасни шартта очиб, Тўтиқушнинг патларини тўзғитиб, бошини танасидан узиб ташлади..

Ҳансираб, қонли қўлини кимхоб тўнининг этагига артар экан, Зухурбекка томон ўгирилди:

— Вазири аъзам бугун бизга шундай катта яхшилик қилдингизки, бунин олтин-кумуш билан баҳолаб бўлмайди. Сиздаги донолик — подшоҳ оилаларига ярашадиган даражага етибди. Шунинг учун мен энди сизга қуда бўлмоқчиман. Қизингиз Гулнозни шаҳзода Абусаидга уйаштирмоқчиман! Ана ўшанда сиз ҳам подшоҳ оиласига мансуб бўласиз, вазири аъзам!

Зухурбек учун чиндан ҳам энг улкан мукофот худди мана шу эди. Келажакда агар Абусаиддан невара кўрса, уни болаликдаёқ тахтга чиқариш орзусида эди. Мана бу Қамолхон билан унинг ўғлини олдинмакетин йўқ қилиш Зухурбекнинг қўлидан келади. Агар бўлажак неварасини беш-олти ёшлигидаёқ тахтга чиқариб олса, асли подшоҳлар наслидан туғилган боланинг тахтига бошқалар даъво қилолмайди. Зухурбек эса бу ёш гўдакнинг номидан юрт сўраб, ҳақиқий подшоҳга айланади ва янги сулолага асос солади. Унинг энг катта орзуси ана шу эди. Ҳозир бу орзусига етказадиган йўллар «ярқ» этиб кўзига кўриниб кетди-ю, вужудига чексиз бир шодлик таралди.

У подшонинг оёғи остига тиз чўкиб, Қамолхоннинг этагини кўзига сурди:

— Мен умрбод содиқ қулингиз бўлиб қоламан, ҳазратим!

Шаҳзода Абусаид Зухурбекнинг сўхтаси совуқ қизига уйланишга мажбур эканини, дадасининг ҳозирги ваъдасидан ташқари орадаги машъум сир ҳам уни вазирга тобе қилиб қўйганини ўйлаб, таъби жуда тирриқ бўлди. У отасининг ҳузуридан ёлғиз чиқиб кетмоқчи эди. Лекин Зухурбек шаҳзодага оталарча илиқ назар ташлаб:

— Шошманг, шаҳзодам, — деди-да, қабулхонадан у билан бирга чиқди. Боғ йўлкасидан бораётганларида: — Ҳўш, қалай, мўъжиза-мева-лардан қутулдикми? — деб сўради.

— Сиз Тўтиқушдан ҳам қутулдингиз...

— Юз чумчуққа бир кесак деб шунини айтадилар-да. Иккита тухматчи маҳбусдан ҳам қутулдик.

Шунчалик разил ишлар қилиб, яна бунин шундай сурбетларча мамнунлик билан эслаётган Зухурбекнинг қай даражада ёвуз одам экани шаҳзодага энди бор бўйича кўрингандай бўлди. У Зухурбекдан беихти-

ёр ҳайиқа бошлади. Вазир эса унинг биллагидан олиб деди:

— Қани, энди, шаҳзодам, сизнинг ваъда қилган мукофотингизга мунтазирмиз!

Абусаид сандиқларида бор олтинларининг ярмини шу одамга беришга мажбур эканини ўйлаганда, борлиғи зирқираб кетгандай бўлди. Лекин Зухурбекнинг дийдоридан тезроқ қутулгиси келиб:

— Ҳозир ишончли одамингизни менинг кўшкимга юборинг, олиб кетсин,— деди.

— Афсуским, бу мукофотни яшириқча олишга тўғри келади,— деб хихилаб кулди Зухурбек.— Лекин, шаҳзодам, мен бу олтинларни кейин сизнинг ўзингизга икки баробар кўпайтириб қайтараман.

— Қанақасига? — дея ишонмай сўради Абусаид.

— Ҳазратимиз айтдилар-ку. Қизимизга жуда катта сеп йиғаяпмиз. Сепига кўшиб сандиқ-сандиқ олтинлар ҳам бермоқчиман.

Шу топда Абусаид Зухурбекнинг қизидан ҳам, ўзидан ҳам ҳазар қилар эди, лекин бўғма илоннинг ўрамига тушган қуён унинг сиртмоғидан чиқиб кетолмагани каби, шаҳзода ҳам энди вазири аъзамнинг қопқонидан чиқиб кетолмаслигини сезиб, вужуди ваҳимага тўлиб борар эди.

## 21

Бирдан бу ваҳима устига зиндонлар томондан эшитилган кўрқинчли хитоблар ҳам кўшилди.

— Қора халқ галаён кўтарди!

— Авбошлар аркка бостириб келяпти!

— Уч оғайнини зиндондан бўшатишмоқчи!

Бу гапларни бақириб айтиб, боғ йўлқасидан чопиб келаётган хуфялар вазир Зухурбекнинг ҳам кайфини учириб юборди. У дарҳол ўзининг кўриқчи навкарларига қараб югурди:

— Сафланинг! Довул чалинсин! Шаҳзода, сиз ҳам бор навкарларингизни отлантинг! Ҳамма зиндон томонга ҳимояга борсин! Тез! Мен подшоҳ ҳазратларига хабар бераман! Аркда бор ҳамма аскарлар ҳимояга чиқади! Авбошларни аямай қиринглар! Зиндонга яқин келтирманглар!

Хатарли пайтда ҳаммани сафга чақирадиган зўр довуллар чалинди. Хаял ўтмай икки юзга яқин қуролли соқчи ва навкар тўпланди. Абусаид уларни зиндонлар томон бошлаб кетди. Зухурбек тўртта соқчини ёнига олиб, подшо қабулхонасига чопиб кирди.

— Шаҳаншоҳим! Авбошлар гулу кўтарди! Уч оғайнини бўшатиб олишмоқчи! Ҳимояга одам керак!

Камолхон ҳассасига суяниб, саросима бўлиб сўради:

— А?! Энди нима қиламиз?!

— Буйруқ беринг! Барча хос соқчиларингиз жангга чиқсин.

— Жангга? Ҳаммаси кетса, мени ким ҳимоя қилади?

— Э, беш-ўнтасини олиб қолиб, қолганларига фармон беринг-да!

Камолхон қарсак чалиб, ўзининг кўриқчисини чақирди.

— Сен йигирмата соқчинг билан шу ерда тургин. Қолган тўрт юз саксон соқчи вазир Зухурбек бошчилигида зиндонларни ҳимоя қилишга чиқсин!

— Бош устига!— деб Кўрчибек чопиб чиқиб кетди.

Хаял ўтмай Камолхоннинг қуролланган соқчиларидан тўрт юз саксонтаси Зухурбек бошчилигида зиндонлар томон шошилди.

Галаён кўтарган оломон бу орада арк дарвозасини бузиб кирди. Абусаид бошчилигидаги икки юз аскар уларнинг қаршисидан чиқди.

Шаҳзоданинг буйруғи билан аскарлар ёйларини ғалаёнчиларга тўғри-лаб, кетма-кет ўқ ёғдирдилар. Ёй ўқлари юпун кийинган бечораҳол одамлардан анчасининг баданларига санчилиб, уларни сафдан чиқарди. Лекин ғалаён кўтарган одамлар жуда кўп, минглар кетидан минглар келмоқда эди. Қўзғолончилар орасида палахмондан тош отади-ганлари ҳам бор эди. Улар отган тошлар Абусаид бошлиқ соқчилар-нинг устига дўлдай ёғилди. Навкарлардан бир қанчасининг бошига ва кўкрагига қарсиллаб урилган тошлар уларни беҳуш қилиб ерга йиқитди. Исёнчилар буни кўриб дадилландилар. Қўлларидаги кетмон-лари, паншаха ва болталарини ўқталиб, навкарларга томон селдай ёпи-рилдилар. Уларнинг орасида хотин-қизлар ҳам бор эди.

— Камолхон подшо уч оғайнини бўшатсин!

— Бегуноҳ одамларни очдан ўлдиришга ҳақлари йўқ!

Кучли ғала-ғовур орасидан узук-юлуқ эшитилаётган бу хитоблар аскар йигитларга ҳам эшитилиб турарди. Оломон отаётган тошлар яна бир қанча соқчиларни сафдан чиқаргандан сўнг қолганлари орқага че-кинишга тушди.

Исёнчилар орасида Тўлан ботирнинг қаллиғи Санобар ва Уктам ботирнинг қаллиғи Муаттар ҳам бор эди. Улар суюкли ёрларининг зиндонда оч ўтирганларини эшитиб, нон ва бошқа керакли нарсалар со-линган тугунчақлар кўтариб олган эдилар.

— Ноинсофлар, ҳеч бўлмаса мана бу қизларни ўтказинглар, қўл-ларидаги тугунчақларини қаллиқларига берсин! — деди ўрта яшар бир одам зиндон дарвозаси олдида турган соқчиларга қараб.

Лекин соқчилар найзаларини оломонга ўқталиб, ҳеч ким киргизил-маслигини айтдилар. Шундан сўнг исёнчилар орасидан отилган тош-лардан беш-ўнтаси зиндон соқчиларига бориб тегди. Улардан иккитаси йиқилди, учтаси орқага чекиниб, ўзини панага олди. Санобар билан Муаттар мана шу пайдан фойдаланиб, зиндонлар жойлашган бостир-ма дарвозасидан ичкарига оғилиб кирдилар. Худди шу аснода Зухур-бек бошлиқ подшо аскарлари етиб келишди. Улар аввалги икки юз соқчи билан қўшилгандан кейин қуроли одамлар уч баробар кўпайиб кетди. Буларнинг аксарида қилич ҳам, болта ҳам, найза ҳам, ханжар ҳам, ўқ-ёй ҳам бор эди. Тиш-тирноғигача қуроланган ва подшо хизма-тида шафқатсизликка ўргатилган бу хос аскарларнинг ҳаммасида кат-та-катта қалқонлар ҳам бор эди. Улар оломон отган тошларга қалқон-ларини тутиб, паншаха ва кетмонларни болта билан уриб қайтариб ва барча қуролиларини ишга солиб, исёнчиларнинг уч-тўрт юзини ўроқ би-лан ўргандай қириб ташладилар. Буни кўрган бошқа исёнчилар орқага чекинишга мажбур бўлдилар.

Отлиқ Зухурбек аскарларнинг орқароғида — дўнгроқ бир жойда туриб буйруқ бермоқда эди:

— Халойиқ, жонинг керак бўлса зиндонга яқин борма! Чекин ор-қага, чекин, авбошлар! Ҳозир яна минг-минг аскар бизга ёрдамга ке-лади! Авбошлар, бекорга қирилиб кетасан! Орқага чекин, уй-уйингга кет. Чекинмаганларни аямай уринглар! Ҳей, зиндонлар томонга ўтган аёллар кимлар? Тутинглар уларни! Ушланглар!

Санобар ва Муаттар уч оғайнилар ётган зиндонлар қаердалигини тополмай бостирма ичидан чопиб ўтар эканлар:

— Тўлан ботир!

— Уктам ботир!

— Қаердасизлар?!

— Овоз беринглар! — деб устма-уст қичқиришарди.

Ниҳоят, овзи ўнгирга ўхшаб турган четки зиндондан Тўлан ботир-нинг бўғиқ овози эшитилди:

— Санобар! Мен бу ердман! Санобарим?!



Шу пайт Зухурбекнинг тўртта қуролли соқчиси қизлар томонга чопиб кела бошладилар. Санобар ҳозир уларнинг қўлига тушиши мумкинлигини сизди, лекин бир лаҳзагина бўлса ҳам Тўланни кўриб қолиш учун зиндон лабидан энгашиб пастга қаради:

— Ботирим! Бардам бўлинг! Мана сизга нон!

Тўлан ботир Санобар ташлаган тугунчакни икки қўллаб ушлаб олди-ю, унинг ўзини кўриб, кўзидан тирқираб ёш чиқиб кетди:

— Санобарим! Хайрият, сени яна бир кўрдим!

Шу пайт Зухурбекнинг соқчилари Муаттарга чанг соладиган даражада яқин келдилар. Қиз улардан қочиб зиндоннинг нарёғига ўтди ва қўлидаги тугунчакни Тўлан ботир ётган зиндон лабидан пастга ташлади. Соқчилардан иккитаси унинг изидан чопди. Муаттар уларга чап бериб, бостирмадан қочиб чиқди-ю, исёнчилар тўдасига қараб югурди. Қолган иккита соқчи Тўлан билан гаплашаётган Санобарни сочидан ушлаб тортдилар:

— Йўқол бу ердан, ҳаёсиз қиз! — деб ўшқирди ўрта ёшли соқчи.

Санобар оёққа тургач бошини бир силтаб, сочларини жирканч соқчиларнинг қўлидан бўшатиб олди. Шунда соқчилар унинг билакларига чанг солдилар. Қиз энди буларнинг темир панжаларидан бўшаб чиқиб кетолмаслигини сизди.

— Қўйвор! — деб қиз зиндонга қараб талпинди. Улар зиндоннинг лабгинасида туриб олиша бошладилар. Санобар учун Зухурбекдай разил одамнинг соқчилари қўлига тушгандан кўра, суюклиси Тўлан ботир қатори зиндонда ётиш афзал туюлди. Қиз бор кучини тўплаб, зиндон томонга сакради. Соқчилар агар уни қўйиб юбормасалар, ўзлари ҳам зиндонга қулаб тушишлари мумкинлигини сиздилар. Улар кўрқиб, қўлларини сал бўшатишлари билан Санобар зиндон тубига қараб отилди-ю:

— Мени тутинг! — деб қичқирди Тўланга.

Тўлан кишан урилган қўлларини юқоридан учиб тушаётган қизга беланчак қилиб тутди. Санобар елкаси билан унинг қўлларига келиб тушди. Илгариги кучи бўлса, Тўлан ботир уни бемалол тутиб қолган бўлар эди. Лекин бир ҳафтадан бери қоронғи зах зиндонда ётиб, яна уч кундан бери оч-наҳор туз тоتماй ётгани таъсир қилди-ю, қизнинг қулаб тушиш зарбига бардош беролмади. Охирги кучларини билакларига тўплаб, Санобарни қўлидан туширмади, лекин ўзи ҳам қиз билан бирга зиндон тубига тўшалган похолга мук тушиб йиқилди. Ётган жойида қизнинг елкаларини пайпаслаб:

— Санобар, ҳеч жойинг лат емадимиз? — деди.

— Йўқ, сиз-чи?

— Мен ҳам соппа-соғман.

— Худога шукр-ей! — деб, Санобар қўлларини йигитнинг бўйнига солиб, унинг соқоллари ўсиб кетган юзига нозик лабини босди.

Тўлан ботир ҳам уни энди бағрига босиб:

— Мунча мардсан, Санобар! — деди. — Мени деб ўзингни зиндонга ташладинг-а!

— Сиз ҳам мени деб шу подшою, шаҳзодалар билан қанча олишдингиз. Энди тақдиримизда нима бўлса, шу ерда бирга баҳам кўрамыз!

— Қиз боланинг бунчалик танти бўлишини умримда биринчи кўришим. Менга сендай қаллиқ берган тақдирга минг-минг шукур!

Улар бир лаҳза жим қолиб, юқоридан келаётган товушларга қулоқ солдилар. Подшою аскарлари билан исёнчиларнинг олишуви зиндонлар олдидан узоқлашиб кетган эди. Жон аччиғида қичқирган одамларнинг фарёдлари фақат Санобарга эшитилар, Тўлан ботирнинг қулоғига чалинмас эди.

— Аблаҳ Зухурбекнинг қўли яна баланд келди! — деди Санобар армон билан.— Қанча бегуноҳ одамлар ҳалок бўлди!

— Енгилиш навбати Зухурбекка ҳам келиб қолар!

— Кошки шу кунларга етсак!

— Биз энди биргамиз, Санобар! Қутулиш йўлини биргалашиб топамиз. Қани, мана бу тугунчақда ниманг бор?

— Вой эсимдан чиқибди-я. Нон, сомса, майиз. Олинг, енг.

Тўлан ботир нонни қўлига олиб, аввал кўзларига сурди-ю, кейин уни синдириб, Санобар икковларининг ўрталарига қўйди.

— Ол, сен ҳам!... Мунча тотли бу нон! Сомса ундан яхши. Майиз ундан ҳам ширин!

— Енг, енг, ош бўлсин. Мана бу Муаттарнинг тугунчагида нону сомсадан бошқа ғалати нарсалар ҳам бор.

— Қани, қани?...

Санобар шивирлаб айтди:

— Пулатни кесадиган аррача. Қўлингиздаги кишанни қирқади. Мана бу тешача билан лаҳм қазилса бўлади.

— Об-бо, Муаттар ҳам омон бўлсин-е!

Шу пайт тепада асабий қадам товушлари ва ҳансираб айтилган асабий сўзлар эшитилди:

— Аҳмоқ қиз ўзини-ўзи зиндонга ташлади-я!

Зухурбек зарда қилиб деди:

— Баттар бўлсин! Эрта-индин икковини бирга қушмозор қиламиз! Нон ҳам, сув ҳам, ҳеч нарса берманглар! Соқчилар аввалгидан икки баробар кўпайтирилсин!

Вазирнинг гап оҳангига қараганда, исёнчилар аркдан суриб чиқариб ташланган, жанг чиндан ҳам унинг ғалабаси билан тугаган эди. Энди бу ёвуз одам зиндондагиларга қарши яна бирон бало, (балки, ўлим жазоси) ўйлаб топса керак. Санобарга ичи ачиб:

— Пешонамиз шўр экан-да! — деб қўйди Тўлан ботир.

Санобар унга тасалли берди:

— Ётиб қолгунча отиб қол, дейдилар, ботирим. Келинг, аввал қўлоқларингиздаги кишанни арралаб ташлайлик.

Улар жим қолиб, юқорига қулоқ солдилар. Зухурбек кетиб бўлган, зиндонбон ҳам ўз ҳужрасига кирган бўлса керак, ҳеч қандай шарпа сезилмади. Шундан кейин улар Муаттарнинг заргар отаси ясаган ниҳоятда ўткир аррачани навбатма-навбат ишга солиб, Тўланнинг қўлоғидаги кишанларни қирқиб ташладилар.

— Уктам ботирга ҳам шунақа арра юборишган экан. Тешачасини ҳам беришган экан. Укангиз лаҳм қазийётган бўлса керак. Сизга ҳеч нарса эшитилмадими?

— Йўқ,— деди Тўлан ботир.

У ётган зиндон Уктам ва Кенжаларнинг зиндонидан хийла узоқда эди. Уктам тошларни кўп чиқиллатган бўлса ҳам, Тўлан эшитолмас эди. Лекин қулоғи оддий одам эшитолмайдиган паст товушларни ҳам эшитадиган Санобар дамба-дам такрорланаётган чиқиллашни эшитиб қолди.

— Ана! Уктам ботир ер тагидан сизни қидираётганга ўхшайди.

— Қани? Мен нега эшитмаяпман?

— Сиз кейин эшитасиз. Мени биласиз-ку. Қулоғимда кийикнинг фазилати қолган. Укангиз лаҳм қазиб келаётганга ўхшайди.

Санобар ўткир тешачани қўлига олди-ю, зиндон деворининг товуш келган томонини ўйиб, лаҳм қазий бошлади. Ора-чора у ҳам тешачани тошга уриб, чиқиллатиб қўяр эди. Бир вақт буни нарёқдагилар ҳам эшитишди, шекилли, чиқиллаган товуш қувончли тус олиб, тез-тез такрорлана бошлади. Ниҳоят, буни Тўлан ҳам эшитди. Қувониб, тешани

Санобарнинг қўлидан олди-да, ўзи ҳам лаҳм қазишга тушиб кетди.

Икки томондан бир-бирига қараб яқинлашиб келаётган ер остидаги бу йўл кўп ўтмай бир-бирига туташishi энди аниқ. Санобар ўзича «агар уч оғайни бир жойга йиғилса, подшонинг саройини тагидан кўпориб чиқишга ҳам кучлари етади!» деган ўйни хаёлидан ўтказди-ю, енгил бир сўлиш олди.

## 22

Исёнчиларни зиндон эшигидан ва аркдан суриб чиқаришга муваффақ бўлган Зухурбек ва Абусаидлар подшодан олтин қилич мукофот олдилар.

— Лекин бу авомларнинг ғулуси ҳали бери босиладиганга ўхшаймайди,— деди Камолхон, вазир билан ёлғиз қолганда.— Бугун неча юз одам ўлдирилипти. Қанча уйларда йиғи-сиғи, аза. Яна қанча одам бизга хундор бўлади. Шунинг ҳаммасига сабабчи ким?

— Ўзингиз биласиз, ҳазратим. Бунинг ҳаммасига ўша чўпонбаччалар сабаб бўляпти. Энди уларни тезроқ қатл этдирмасак, бошимиз балодан чиқмай қолади!

— Қатл этдирсак қора халқ баттар қўзғалиб, портлаб кетадими деб қўрқаман. Зиндонга ташлаганимиз учун шунчалик ғалаён қилишяпти-ю! Ўлдиртирсак, оловга мой куйгандай, бўлмайлик тагин, жаноб вазир.

— Э, шаҳаншоҳим, ўлдиртирганингизни халққа билдириш шартми? Бу қора халқ ёш болага ўхшайди. Болани эса алдаш осон. Таги паст чўпон билан унинг ўғилларини кечаси битта-биттадан махфий қатл этдирамиз. Лекин унгача афти-башараси ўшаларга ўхшаб кетадиган тўртта одамни тайёрлаб қўямиз. Отасининг соқол-мўйловига ўхшатиб соқол қилдириш ҳеч гап эмас. Бунақа ишларни ими-жимиди боллайдиган махфийларимиз бор. Ушаларни саҳар палла тўртта отга миндирамиз. Енларига беш-олтита отлиқ «нажоткорлари»ни ҳам қўшамиз. Ҳаммасини аркдан қочирамиз. Кетларидан бизнинг икки юз-уч юз суворийларимиз қувган бўлиб от қўйишади. Уша Такасақратки деган жойгача қувиб боришади-ю, тутолмаган бўлиб қайтиб келишади. Кейин халқ орасида «Чўпон ота уч ўғли билан қочиб кетибди» деган овоз тарқатамиз. Ҳатто жарчингизга буюрасиз, фуқаро орасида юриб, «Қимда-ким Чўпон ота билан унинг ўғилларини тутиб берса, подшо ҳазратлари ўн минг тилла мукофот берадилар», деб эълон қилади. Шу билан қора халқ уларнинг қочиб қутулиб кетганига ишонади. Биз ҳам тинчиймиз.

Камолхон мамнун бўлиб:

— Доно вазирим, яна йўл топдингиз-а,— деди.— Мен сизга қойилман! Аввал тўртталасини ҳам махфий равишда қатл этдирамиз, шундайми?

— Албатта-да. Бунинг махфий ишлар амири, сиз, мен, шаҳзода Абусаид билсак бас. Уларнинг қиёфасига кириб қочадиган одамларни мен ўзим энг содиқ кишиларимга топшираман.

— Бўлмаса, вазири аъзам, унгача бир иш қилайлик.

Камолхон қарсак чалиб, Қўрчибегини чақирди-да, унга буюрди:

— Чўпон отани ер ости йўли билан менинг олдимга олиб келинглар. Лекин ҳеч ким кўрмасин.

Вазир Зухурбек ҳайрон бўлиб сўради:

— Нима қилмоқчисиз, ҳазратим?

— Менга шунча ташвишу таҳлика келтирган бу чолнинг ўлимини ўз кўзим билан кўрмоқчиман.

— Майли-ю, лекин...

— Сиз ташвишланманг, вазири аъзам. Ўзингиз синовдан ўтказиб берган зўр бир қурол бор... Унгача сиз бориб, одамларингизга буюринг; кечасиги ишларга яхшилаб тайёрлик кўришин.

— Бош устига, ҳазратим. Лекин... Чўпон чолнинг қатлини мен ҳам кўраманми?

— Ҳа, энг қизиқ жойини сиз қайтганингиздан кейин бошлаймиз.

Вазир таъзим қилганича чиқиб кетди. Шаҳзода Абусайд кирган эди, Камолхон уни тахтининг ўнг томонига ўтқазди.

Бир вақт иккита навкар Чўпон отани икки қўлидан маҳкам тутиб, подшонинг қабулхонасига олиб кирди. Чўпон ота оёғига ва бўйнига урилган оғир кишанларни кўтаролмаётгандай букчайиб, оёқлари судралиб, зўрға қадам босмоқда эди. Бужмайган юзи, хира тортган кўзлари Чўпон отани Камолхон подшодан ҳам кексароқ қилиб кўрсатарди.

Зиндонлар амири Чўпон отага яқин келиб:

— Подшо ҳазратларига таъзим қил, оёқларига йиқилиб тавба айт, зора гуноҳингдан кечса! — деб шивирлади.

Чўпон ота хиёл ҳушёр тортиб, тўхтади, қаддини тиклаб подшога юзланди:

— Мен қайси гуноҳим учун тавба қилай, ҳазрат? Қани, айбимни бўйнимга қўйинг!

— Сен ўғилларинг билан тил бириктириб, мени тахтимдан ағдармоқчи бўлганинг кичкина гуноҳми?

— Ё тавба! Ахир сизни Қирондев тахтингиздан ағдармоқчи бўлганда, менинг ўғилларим жонини жабборга бериб, тожу тахтингизни асраб қолди-ку?

— Мен бу тожу тахтни худои таолонинг инояти билан олганман. Мени парвардигорнинг ўзи асрайди! Лекин сени ўғилларинг билан меҳмонга чақирсам, дастурхонимдан нон-туз еб ўтириб, мени ёмонлабсан. Мачитга борганда намозхонларнинг орасида «ғалаба халқники» деб авомни менга қарши гиж-гижлабсан!

— Об-бо, вазирингиз сизга ҳамма гапни тескари қилиб етказипти-ку, ҳазрат. Мен мачитда бизни сизга қарши гиж-гижланганларнинг дамини қайтарадиган гаплар айтган эдим. «Ғалаба халқники, шу халқнинг ичида подшо ҳам бор, биз ҳам бормиз», дедим. Мана, тепамизда худо турипти!

Подшо сўз тополмай безовта бўлаётганини кўрган шаҳзода Абусайд Чўпон отага қарши хезланди:

— Катта боғнинг меҳмонхонасида ўғилларинг ҳазратимни «золим подшо» деб тўхмат қилганида, нимага индамадинг? Тўлан деган чўпонбачча «подшо ҳақ гап учун қамаган одамларини бўшатмаса, тахтидан ағдарамиз» деганини биз ўз қулоғимиз билан эшитганмиз!

Чўпон отанинг нафрати келиб:

— Э, ҳали сиздай шаҳзода ҳам чақимчилик қиладиган бўлдимиз? — деди. — Менинг Тўланим сизни арслоннинг чангалидан қутқариб олмаганда ҳалигача қора ерда чириб тамом бўлар эдингиз-ку! Яхшиликка бунчалик ёмонлик қилишингиз — кўролмасликдан эмасми, шаҳзода? «Бир чўпоннинг ўғли мендай шаҳзодадан ҳам яхши бўладими?» деб, бахиллигингиз келиб, шу ёмонликларни қилмаяпсизмикан? Лекин билиб қўйинг: қасос қайтади, бахилнинг боғи кўкармайди!

— Бас қил, эй, паймонаси тўлган чўпон! — деб бақирди Камолхон подшо. — Мен ўз ҳокимиятимга чанг солган одамларни йўқ қилмагунча тинчимайман!

— Ҳокимиятингиз ўзингизга буюрсин, ҳазрат. Ўғилларим билан меҳмонхонангизда ўтирганимизда қишлоғимизга эсон-омон қайтишининг маслаҳатини қилдик, холос. Хуфяларингиз-у, мана бу ўғлингиз сизга ҳаммасини чаппа қилиб етказганга ўхшайди.

— Сен менинг ўғлимга туҳмат қилма! Мен ҳаммасини ўз қулогим билан эшитганман!

— Е алҳазар! Ўғилларим қизишиб у-бу деганда мен уларни «оғир бўлинглар» деб босиб қўйганимни ҳам эшитганмидингиз?

— Ҳа, эшитдим, яхши муомала билан бизни алдаб, қизимизни олиб кетмоқчи экансан. «Яхши гап билан илон индан чиқади» деб бизни илонга ҳам ўхшатганинг эсимда бор!

Чўпон ота кишанини шиқирлатиб, ҳайрат билан ёқасини ушлади-ю.

— Е тавба! — деди.— Деворнинг ҳам қулоғи бор дер эдилар. Сиздай подшо ҳам деворнинг қулоғига айланиб хуфялик қиласизми а,?

— Қиламан! Мен одамларимни фақат ташидан эмас, ичидан ҳам билишим лозим. Ташқи дунёга подшо бўлишим етарлик эмас. Мен одамларимни ички дунёсига ҳам ҳоким бўлишни истайман. Бу икки дунё бир продага бўйсунмоғи керак! Менинг ота-боболариму етти пуштим подшо ўтган. Уларнинг энг донолари кечаси қаландар кийимини кийиб, шаҳарда ўзини танитмай юриб, эл-юртнинг гапига қулоқ солган. Мен ҳам ана ўша донолардан ибрат оламан!

— Бунақа доною одил подшоларнинг ўзини кўрмаган бўлсак ҳам, ривоятларини эшитганмиз. Қанийди, ҳазрат, сиз ҳам ўша ривоятлардаги одил подшолардан бўлсангиз! Улар қаландар кийимида эл орасида юриб ўзлари тўғрисидаги ҳақиқатни билганда кўнгилни кенг қилган, кечиримли бўлган. Ахир, тўғри гапнинг тўқмоғи бўлади. Хуфя қўядиган подшо тўғри гапга жиззакилик қилмайди. Бу ҳам чидаганга чиқарилган нарса. Эл оғзига элак тутиб бўладими? Яхши одамлар аччиқ ҳақиқатни айтганда, доно подшо мулоҳаза қилиб кўради, халқ ростини айтса тан беради; чакки қадам босаётган бўлса, эл-юртнинг раъйига қараб қадамини тўғрилаб олади, алдамчи вазиру амалдорларининг жазосини беради. Бунақа доно подшонинг ўзига яраша ҳалол, ростгўй хуфялари бўлади. Сиз бўлсангиз фақат мақтовни «ҳақиқат» деб биласиз, сал айбингиз очилса, «туҳмат!» деб, жиззакилик қиласиз, рост гапни айтганларни зиндонга ташлайсиз, тилини кесдирасиз. Хуфяларингиз ҳам ҳаром йўлга кириб кетган қаллоб, бахил одамлар экан, жиноятчилар билан тил бириктириб, нуқул халқ суядиган яхши одамларнинг пайини қирқади. Агар аҳвол шундай бўлаверса, атрсфингизни ўраб олган ёмон одамлар бир кун эмас бир кун сизнинг ҳам бошингизга етади, ҳазрат!

— Қаёқларда юрган бир чўпон келиб-келиб мендай подшога ақл ўргатмоқчимисан?!

— Хайр, майли, буни ақл ўргатиш деб ўйлайдиган бўлсангиз, энди гапнинг пўст калласини айтай. Сиз мени қишлоғимдан зиёфатга чақириб олиб келган эдингиз. Сизнинг «зиёфатингиз» зиндонсиз бўлмас экан, ҳазрат, мен шунча кун зиндонда ётдим, уч ўғлим учун куйиб, ёниб, нариги дунёнинг дўзахига тушгандан баттар бўлдим. Худо хайрингизни берсин, бизни энди бўшатиш. У дунёю бу дунё — икки дунёнинг олдида онг ичиди айтаманки, мен билан ўғилларим сизга ёмонлик қилганимиз йўқ, бундан кейин ҳам қилмаймиз. Бизга жавоб беринг, ўғилларим билан бирга қишлоғимга қайтиб кетаман! Шундан кейин бу жойларни елкамнинг чуқури кўрсин!

Шаҳзода Абусаид отасига таъзим бажо келтириб, яна сўзлаш учун ижозат олди.

— Ҳазратим, агар буларни бўшатадиган бўлсангиз, бутун қора халқ кетларидан эргашади. «Зиндондаги ҳамма маҳбуслар озод этилсин» деб талаб қилади. Озод қилмасангиз, ғулу кўтарилади. Ғулуга, албатта, бу чўпонбаччалар бош бўлади!

— Биламан,— деди подшо ўғлининг гапини маъқуллаб,— буларнинг дунёси бошқа, қайнаса қони қўшилмайди!

— Лекин худойимиз битта-ку, ҳазрат подшо! Осмон битта, офтоб битта! Ҳаммамиз битта тилда сўзлашамиз. Халқимиз битта! Дунёни иккига бўлиб, бирини бирига уриб, пачақлаб нима қиласиз?!

— Дунёни иккига бўлиб ташлаган менми, сенми? Агар ҳамма битта подшога бўйсиниб, ихлос қўйганда олам гулистон эди-ку. Сенлар халқнинг ихлосини мендан қайтариб ўзларинг баландга чиқиб олмоқчи бўлдиларинг. Ҳамма бало шундан бошланди!

— Ҳазрат подшо, яна айтаман, тожу тахтингиз, ихлосу имонингиз — ҳаммаси ўзингизга буюрсин. Бизни қўйиб юборинг, тоққа чиқиб кетайлик. Қайтиб буёқларга қадам босмаймиз. Агар эл-юрт бизга эргашмасин десангиз, тунда эл ухлаб ётган пайтда секин жўнатиб юборинг.

Камолхон ўғли Абусаид билан маъноли кўз уриштириб олди. Сўнг кулимсираб:

— Биз ҳам шу бугун кечаси сени ўғилларинг билан бирга секин «қочириб» юбормоқчи эдик. Вазири аъзам шунинг тайёрлигини кўришга кетди. Сенга саройда зиёфат берамиз деб беролмадик. Шунинг эвазига мен сенга битта мўъжиза мева едирмоқчиман. Баковул, олтин пиёлани келтиринг!

Шаҳзода Абусаид олтин пиёлада тиниқ сув ичида олтиндай товлашиб турган мўъжиза мевани кўрди-ю, қўрқиб кетди:

— Ие, бундан яна бормиди?!

— Ҳа, учинчисини яна бир «яхши кўрган» одамимга бераман деб олиб қўйган эдим... Баковул, шу мевани Чўпон отага едиринг.

— Ҳазратим, шошманг! — саросима бўлиб илтижо қилди Абусаид. — Вазири аъзам келсинлар! Сиз у кишига ваъда берган эдингиз...

Шу пайт эшикдан шоша-пиша Зухурбек кириб келди.

— Ана, вазир жаноблари ҳам вақтида ҳозир бўлдилар. Баковул, фармонни бажаринг.

Зухурбек ҳам олтин пиёладаги мўъжиза мевани кўриб, ранглари оқариб кетди?

— Нега? Аввалги иккитасини синондан ўтказган эдик-ку.

— Аммо бу гал бошқача бўлиши мумкин...

— А, нега бошқача бўларкан? — Қани, айтинг-чи, вазири аъзам, аввалги иккита мевага сиз бирон бало...

«Заҳар қўшганмидингиз?» деган маънони сезиб, Зухурбек талвасага тушди:

— Йўқ, йўқ, ҳазратим! Наҳотки сиз мендай содиқ вазирингизга ишонмасангиз?

— Ишонганим учун учинчисини мана бу одамга бердирмоқчиман. Яна бир марта кучини кўрайлик!

Вазир билан Абусаид иложсиз жим туриб қолдилар. Баковул мўъжиза мевани пиёладан олиб, Чўпон отанинг лабига яқинлаштирди.

— Қўлингиз кишанда. Мен едира қолай. Қани, бисмилло деб оғизни очинг.

Чўпон ота вазир билан подшонинг орасидан ўтган гаплар бежиз эмаслигини, бу мевада катта бир сир борлигини сизди. Подшодан яшилик кутмагани учун мевани егиси келмади. Баковулдан:

— Бу нима ўзи? — деб сўради.

— Э, бу кекса одамни яшартирадиган мўъжиза — мева. Ҳиндистондан Тўтиқуш олиб келган. Олинг.

Чўпон ота энгашиб, мўъжиза мевани ҳидлаган эди, бирдан ёшлиги эсига тушди. Тоғда қийғос гуллаган наъматаклар орасида севикли қаллиғи билан учрашган пайти кўз олдига келди.

— Егин! — деб буюрди подшо.

Вазир билан шаҳзода «емасин-да!» дегандай қотиб туришибди.

— Майли, есам ейқолай! — деб Чўпон ота мевани оғзига олиб, шопилмай бир чайнади. Меванинг шарбатидан баданига шундай бир ёқимли нур, ҳарорат, қувват ва завқ таралдики, қиқирлаб кулгиси келди. Яна чайнади. Кўкраклари, елкалари йигитлик пайтидагидай кучга тўлиб таранглашиб кета бошлади. Яна чайнаб, меванинг шарбатини ичига ютди-ю, ўзида шундай бир қудрат сездики, қўлидаги кишанинг йўғон занжирини бир силтаб узиб юборди.

Унинг заҳарли мевадан додлаб жон беришини кутиб турган Камолхон энди кўзларига ишонмай ағрайиб қолди. Чўпон отанинг юзидаги ажинлари бирпасда йўқ бўлди, оқ сочи ва соқоли ўрнига юзида, бошида йигирма беш яшар йигитларга хос қалин ва майин қора мўйлар ўсиб чиқди. Йигитчасига кулганда оғзи тўла оппоқ янги тишлари кўриниб кетди. Қараб турганлар ақлини йиғиб олишга улгурмасларидан Чўпон ота йигирма беш яшарлик Алп Чўпон қиёфасига кирди.

Камолхон подшо:

— Ие, а, бу чини билан ёшариб кетди-ку! — деб вазирга қаради.

— Берманг демабмидим, сизга?! — Қаҳр билан бақирди Зухурбек.

— Ҳей, навкарлар, маҳбусни маҳкам тутинглар!  
Подшо гап нимадалигини энди пайқади.

— Нариги мевалар заҳарланган экан-да, а, жаноб вазир?! Сиз мени ёшартирмаслик учун шундай қилган экансиз-да, а?!

— Э, бунинг сирини шаҳзодадан сўранг!

— Вой, мен аҳмоқ! — деб Камолхон ўз бошига мушт урди. — Ўзим яшаришим мумкин экан-а! Бунинг ўрнига душманганимни яшартириб қўйдим-а! Вой малъун вазир!! Вой хоин ўғил!!

— Дада, дод-вой қилиб ўлтирадиган пайт эмас! Тезроқ бу чўпонни даф қилиш керак! Соқчилар! Найза санчинг бунга! Қилич уринг!

Алп Чўпон бу орада оёғидаги ва бўйнидаги кишанларни шарт-шарт узиб ташлади. Узилган кишанларнинг узун занжирларини қўлида сермаб айлантириб, ўзига ҳамла қилган тўртта навкарни уриб йиқитди. Бошқа соқчилар қўрқиб орқага чекинди. Алп Чўпон кишан занжири билан вазирни урмоқчи бўлиб интилди. Вазир подшо ўтирган тахтнинг орқасига ўтиб паналашга улгурди. Алп Чўпон подшони тахти билан бирга даст кўтарди-ю:

— Емонлигинг бошингни есин-е, номард Камолхон! — деб тахтни эгаси билан бирга ерга қарсиллатиб урди. Олтин билан зийнатланган тахт чил-парчин бўлиб синди. Подшонинг бошидаги тожи юмалаб бориб, остонадан ўтди-ю, зинапоя четида туриб қолди. Камолхон тахтнинг синиқлари орасида ағанаб ётган жойидан бошини кўтарди:

— Ердам беринглар! Вой, атроф мунча қоронғи? Кўзимга нима бўлди? Кўзимни қора босди!

Лекин унинг нидолари энди ҳеч кимнинг қулоғига кирмас эди. Алп Чўпон занжир зарбидан қулаган навкарлардан бирининг қиличини, бирининг қалқонини қўлига олди, бирининг дубулғасини бошига кийди. Фақат эгнида зирҳли кийим йўқ, яхтаклари ёш тананинг мушакларини сиғдиrolмай, чок-чокидан сўкилиб кетган.

Зухурбек билан Абусаид бирпасда ўзларига энг содиқ қўриқчилару, хуфялардан икки юзтасини йиғиб келишди. Алп Чўпон олдидан келган соқчилардан бир қанчасини қилич уриб йиқитди.

— Навкарлар! — деб қичқирди. — Мен билан жанг қилманглар! Бекорга қон тўкилмасин! Йигитлар! Бас қилинглар!

— Менинг буйруғимни бажаринглар! — Хитоб қилди вазир узоқдан.

— Биз кўпчиликмиз, бу чўпонни ҳозир ер тишлатамиз! — Ҳансираб қичқирди Абусаид.

— Эй, йигитлар, отасига вафо қилмаган бу шаҳзода сизларга ҳам

вафо қилмайди! Навкарлар, соқчилар, четга чиқинглар! Мен Зухурбек билан яккама-якка олишаман! Шаҳзода, чиқ сен ҳам майдонга! Икковларинг билан баробар беллашаман! Бегуноҳ навкарларнинг қонини тўқим келмайди!

Алп Чўпон бу гаплар давомида деразага яқинлашиб борди.

— Соқчилар! Навкарлар! — чинқирди Зухурбек. — Бу Чўпон бари бир енгилади! Қаранглар! Эғнида зирҳли кийими йўқ! Орқасига ўтиб найза отинглар! Уқ отинглар!

Зухурбек билан Абусаидга сўзсиз итоат этиб ўрганган садоқатли соқчилар Алп Чўпоннинг кийимлари йиртиқ, танаси ҳимоясиз эканига энди эътибор бердилар.

— Бу чўпонни ўлдирсаларинг ҳар бирингга минг тангадан олтин бераман! — деб бақирди Абусаид.

Олтинга ўч соқчилар ҳам энди дадилландилар ва ёйларини Алп Чўпонга тўғрилаб ўқ ёғдирдилар. Алп Чўпон қалқонни кўкрагига, белига тутиб, танасининг юқориги қисмини ҳимоя қилишга улгурди. Лекин унинг сони ва болдирига ёй ўқларидан иккитаси қадалиб туриб қолди. Оёғидан қон оқаётганига қарамай талпиниб, деразадан ташқарига ошиб тушди. Зухурбек билан Абусаид йигитларини эшикдан ва деразалардан ташқарига бошлаб чиқиб, Алп Чўпонни боғда қуршовга олдилар...

## 23

Бу тўполонлар туфайли Камолхон подшо ҳамманинг эсидан чиққан эди. Хизматкорлар ўқ ейишдан қўрқиб пана-панага қочган. Фақат подшонинг офтобачиси зинапоя четида юмалаб ётган тожни кўрди-ю, секин писиб бориб, тожга қадалган гавҳар ва ёқутларни юлиб, ситиб олди. Тожни жойига қайтариб ташлади-да, ёқут ва гавҳарларни кўйин чўнтагига урди ва боягидай писиб, узоқлашиб кетди.

Бўмбўш қабулхонада тахт синиқлари орасида ётган Камолхон бир амаллаб ўрнидан турди. Боши ғувулларди, кўзи кўрмасди, қулоғига алланима шовқинлар эшитиларди.

— Ҳой, ким бор? Кўзим кўрмай қолди! Ердан беринглар!

Жавоб бўлмади. Камолхон асабий қарсак чалди. Ташқарида бўлаётган жанг шовқинида бу қарсак унинг ўзига ҳам зўрға эшитилди. Камолхон қўлини олдинга чўзиб, оёғини кўрлардай судраб босиб, олдинга юра бошлади. Улиб ётган бир навкарнинг жасадига қоқилиб йиқилиб тушди. Юзи шилимшиқ суоқлиққа бориб урилди. Бу — қон эди. Камолхон ўрнидан турмоқчи бўлиб қўлларини ерга тиради. Шунда қўллари ҳам қонга беланди. Ерда ётган ўлик ҳаракатга келиб, уни оёғидан тутиб олаётгандай бўлди. Камолхон қўрқиб:

— Дод! — деди. — Ердан беринг! Қутқаринг!

Жавоб ўрнига тепасидан «пир» этиб қуш учиб ўтгандай бўлди. Бирдан бегуноҳ ўлдирилган Тўтиқуш унинг эсига тушди. Шунча оқилона маслаҳатлар берган, одамни чинакам ёшартира оладиган мўъжиза мевани топиб келган Тўтиқушни Камолхон ўз қўли билан ўлдирган пайти хаёлида гавдаланди. Тўтиқушни қафасдан юлқиб олиб, бошини узиб ташлаётганда унинг қони Камолхоннинг юзига ва қўлига сачраган эди. Ҳозир ўша қон унинг юзи билан қўлига қайта илашгандай вужудини даҳшатга тўлдирди. Қўрққанидан:

— А-а! А-а! — деб, қўлини олдинга чўзиб, яна бир неча қадам юрди. Кўзларини Тўтиқуш қайрилма тумшуги билан чўқиётгандай жазиллаб оғриди. Эси кирди-чиқди бўлиб қолаётган Камолхон йиғлаб туриб:



— Тўтиқушим! Кўзимни чўқима! — деб ялина бошлади. — Мени Зухурбек алдади! Уғлим алдади! Мен жуда ёмон алдандим! Раҳм қил!

Яна Тўтиқуш Камолхоннинг тепасида пириллаб айланаётгандай бўлди. Бир вақт унга Тўтиқушнинг овози ҳам эшитилгандай туюлди:

— Сен шундай алданишга муносиб эдинг, Камолхон. Сени ўз бахиллигинг алдади! Яхши одамларни кўролмаганинг учун кўр бўлдинг!

— Йўқ, йўқ, кўзим вақтинча кўрмай турибди! Ҳали кўзим очилди! Яхши табиблар бор! Ҳой, хизматкорлар! Табибни чақиринглар!

Камолхон қўлини олдинга чўзиб, тусмол билан эшик томонга борар экан, хизматидаги ҳамма одамларни бир-бир чақириб чиқди. Лекин ҳеч қаердан жавоб бўлмади. Остонага етганда оёғи яна бир ўликка қоқилиб йиқилиб тушди. Бошидаги шовқин кучайиб кетди. Бу шовқин орасидан яна бояги товуш эшитилди:

— Ҳозир сенга фақат қизинг Юлдузхон ёрдам бериши мумкин эди! Лекин сен ўзингнинг энг яхши фарзандингга ҳам ёмонлик қилдинг. Юлдуз сен қамаб қўйган жойдан чиқолмай ётибди.

Камолхон бошини ердан кўтариб талваса қилди:

— Йўқ, мен ўзим ўрнимдан тураман! Мана, турдим! Лекин қаёққа борай? Эшик қаёқда? Ким бор? Ҳей!..

Жавоб йўқ. У оёғи билан пайпасланиб, остонани топди. Остонадан нарида баланд мрамар зинапоя бор эди. Лекин Камолхон уни кўрмади, зинапоя томонга яна бир-икки қадам юрди. Шу пайт остонадан нарида юмалаб ётган ўз тожигга қоқилиб кетди. Оёқда зўрға турган Камолхон яна йиқилди-ю, бу гал баланд, тик зинапоядан пастга юмалаб кетди. Афғар-тўнтар бўлиб, зинадан-зинага ағанаб тушаётганда боши мрамар тошларга урилиб пачақланиб кетди...

## 24

Зухурбек билан Абусаид саройдаги бутун соқчиларни Алп Чўпонга қарши солиш учун йиғиб кетгани зиндондаги уч оғайнининг иштини осонлаштирди. Улар ер тагидан лаҳм қазиб, учовларга аллақачон бир жойга тўпланиб олган эдилар. Санобар ҳам уларга ёрдам бериб, тупроқ уюмидан ва тош-ғиштлардан кўтарма ва зинапоя ясаган эдилар. Зинапоя ер юзига икки одам бўйи яқин кўтарилганда Тўлан укаси Кенжани елкасига чиқарди. Кенжа акасининг елкасидан бўй чўзиб, зиндондан секин бошини чиқарди. Атрофда зиндонбонлар кўринмади. Арк дарвозаси томондан одамларнинг шовқин-сурони:

— Ботирларни бўшатмасаларинг халқ қўзғолон кўтаради! — деган хитоблари эшитилади.

Сарой ичидаги боғдан эса:

— Найза от! Ур! — деган буйруқ товуш келади.

Зиндонбонлар йўқ — икки томондан бир варакайига кўтарилган тўполон уларни ҳам ўз домига тортиб олиб кетган эди.

Кенжа қоронғи зиндонда кўп тургани учун кўзи ёруғдан қамашиб ёшлана бошлади. У бирпас кўзини юмиб туриб яна очди. Атрофда соқчилар кўринмади. Кенжа қўлини зиндоннинг лабига тиради-ю, бир сакраб ташқарига чиқди. Кейин Уктам ҳам Тўланнинг елкасига чиқди. Кенжа уни тортиб олди. Охирида Санобар Тўланнинг елкасига чиқди. Уни ҳам юзага тортиб олганларидан сўнг Тўланнинг ўзи сим чилвирни белига боғлади. Икки укаси уни ҳам юзага чиқариб олдилар.

Уч оғайни бирпас атрофга қулоқ солиб олдилар. Ташқарида издиҳом шовқин қилади. Ичкари боғда жанг, тўполон.

— Бир бало борга ўхшайди, бўлмаса соқчилар кетиб қолмас эди! — деди Тўлан. — Кенжа, сен отам ётган зиндонни қидириб топ. Мана, сим

чилвирни ол, тез тортиб чиқар. Санобар, сен ҳам Кенжага кўмаклаш. Биз Уктам иккаламиз арк дарвозасини очамиз, халқни ичкарига киргизамиз!

Ботирларнинг қўлларида қурол йўқ, фақат қўйинларини тошга тўладириб олишган эди. Арк дарвозасига яқинлашганларида узун найза кўтарган, қилич таққан иккита қоровул кўринди. Тўлан билан Уктам мерганларча тош отиб, қоровуллардан бирини йиқитдилар, иккинчиси найзасини ташлаб қочди. Ака-укалар ерда йиқилиб ётган қоровулнинг қилич ва найзаларини қўлларига олдилар-у, дарвозани ланг очиб юбордилар.

Ташқарида ғазабга тўлиб ҳайқириб турган беҳисоб оломон ичкарига пўртанадай отилиб кирди. Бир қанча одамлар Тўлан билан Уктамни таниб, қучоқлаб ўпа бошладилар.

Оломон орасида Уктамнинг қаллиғи Муаттар ва ботирларнинг оналари ҳам бор эди. Улар қувонганларидан йиғлаб юбордилар.

— Чолим қани, Тўланжон? — деб сўради она. — Кенжа уканг қаерда?

— Кенжа отамни зиндондан чиқаргани кетувди.

Шу пайт сарой ичидаги боғдан Алп Чўпоннинг жон аччиғида наъра тортгани эшитилди:

— Уғилларим! Қайдасанлар. Уғилларим! Тўланжон! Уктамжон! Кенжажон!

— Отамнинг овози-ку! — деди Тўлан. — Бир хавф бўлмаса отам бундай наъра тортмас эди!

Ака-укалар сарой ичидаги боққа — оталарининг овози келган томонга югурдилар...

## 25

Боғда ҳамон Алп Чўпон Зуҳурбек ва Абусаидларнинг юзлаб аскар билан жанг қилмоқда эди. Дарахтлар орасида, гулзор йўлкаларда Алп Чўпоннинг зарбасидан йиқилган йигирма-ўттизта навкар ағанаб ётибди. Алп Чўпоннинг ўзи ҳам елкасидан ва сонидан ярадор бўлган, ҳаракатлари аввалгидай тез ва эпчил эмас. У орқасини сарв дарахтига бериб, олдидан бостириб келаётган навкарлар билан қиличбозлик қилаётганда Зуҳурбек дастаси узун бир найзани унга тўғрилаб, орқадан писиб бора бошлади. Сарв панасидан яқинлашаётган Зуҳурбек Алп Чўпонга кўринмас эди. Зуҳурбек найзани унинг икки кураги орасига санчмоқчи эди. Қилич сермаётган Алп Чўпон бирдан ўнгга бурилди. Зуҳурбек бор кучи билан санчган найза унинг ўнг биқинига тўғри келди, баданига ғарчиллаб кирди-ю, сопиғача ботиб кетди, найзанинг нариги учи қорнининг бир четидан туртиб чиқди.

Алп Чўпон инграб, гандираклаб йиқилаётганда боғ дарвозасидан ёпирилиб кириб келаётган мингларча исёнчиларни кўрди.

Ҳаммадан олдинда ўғиллари Кенжа, Уктам, Тўлан қилич яланғочлаб ҳайқириб, чоппиб келмоқда эдилар. Чўпон ота йўлкага йиқилган заҳоти шаҳзода Абусаид қилич яланғочлади, узун бўйинини қузғундай чўзиб, ҳушсиз ётган Алп Чўпоннинг бошини кесмоқчи бўлди.

Бироқ Тўлан ботир узоқдан наъра тортиб, қўлидаги найзани Абусаидга қараб отди. Ора анча олис эди, найза Абусаидга тегмади-ю, лекин беҳисоб исёнчилар бостириб келаётганини кўрган Зуҳурбек:

— Шаҳзода, ичкарига! — деб қичқирди ва саройдаги ўз хонасига қараб қочди.

Сарой соқчилари Тўлан ботир бошлиқ оломонга бас келолмасликларини сезишиб, бир қисми Зуҳурбек ва Абусаиднинг кетидан ичкарига қочди, бир қисми қуролини ташлаб, таслим бўлди.

Уч оғайинлар қонига беланиб ётган оталари томонга югурдилар, Тўлан унинг бошини ердан кўтариб:

— Отажон, кўзингизни очинг, отажон! — деди.

Отасининг сочлари қорайиб, елкалари йигитникидай тўлишиб, бутун вужуди ёшариб кетганидан ҳайрон ҳам бўлди, «бошқа одам эмасми» деб хиёл иккиланди. Лекин Алп Чўпон кўзини очиб ўғилларини таниди. Бу орада ботирларнинг онаси ва қаллиқлари ҳам етиб келдилар.

— Вой, мен ўлай! Оталарингга нима бўлди? Вой, ярасини боғланг!

Кимдир оқ мато берди. Шоша-пиша Алп Чўпоннинг биқинидаги ярани боғлашди. Лекин унинг оёғига ҳам; елкасига ҳам ёй ўқи теккан, бутун бадани яра бўлиб кетган эди. Алп Чўпоннинг ҳаёти сўниб бормоқда эди. Фақат ўғиллари, кампири, келинлари Санобар, Муаттар — ҳаммаси соғ-омон йиғилиб келганлари унга хиёл қувват берди. Қуруқшаган лабларини қийинлик билан очиб:

— Хайрият... ҳаммаларинг қутулибсанлар, — деди.

— Бизни сиз қутқарган экансиз, дадажон! Бор соқчилар сиз билан жангда банд бўлгани учун биз нажот топдик!

— Ўғилларим... Энди халқ сизларга... ота бўлсин... Элдан айрилманглар... Зухурбеклар... ҳали кўп... Бепарво бўлманглар... Хотин... мендан ўтган бўлса... кечир... Мен розиман... Сизлар ҳам...

Охирги сўзларни айтишга мажоли қолмай кўзи секин юмилди. Тўлан ўкириб йиғлаб юборди. Уктам билан Кенжа ҳам йиғлаб, оталарининг таналарини қучоқладилар.

— Шундай одамни ўлдирган қотиллар тирик юрадимиз? — деди издиҳом орасидан кимдир йиғи аралаш.— Ҳалойиқ, ичкарига ҳамла қилайлик, малъун Зухурбекни ерга кирса қулоғидан, осмонга чиқса оёғидан тортиб оламиз!

Ўғиллари унинг жасадини кигиз устига олиб, боғ ўртасидаги кўшкка кўтариб кирдилар.

Сарой ичига ёпирилиб кирган исёнчилар оломони соқчилардан бир қанчасини тутиб чиқди. Аммо Зухурбек билан Абусаидни тополмадилар. Кейинроқ Тўлан ботир укаларини бошлаб келиб, саройнинг ичташини ағдар-тўнтар қилиб қидирди. Ниҳоят сарой хизматкорларидан бири Зухурбекнинг хонасидан ер тагига тушиб кетадиган яширин йўлакни кўрсатди. Машъала ёқиб, ҳамма йўлакларни тинтиб чиқдилар. Ер ости йўлларининг бир шохчаси қўрғон деворининг тагидан ўтиб, ташқаридаги чакалакзор ўрмонга олиб чиқди.

Шунда ботирлар Зухурбек билан Абусаиднинг энг содиқ одамлари билан бирга мана шу махфий йўл орқали қочиб қутулиб кетганини фаҳмладилар.

— Ҳа, бу ғаламисларни ўзларига ўхшаган одамлари қутқарган, — деди Тўлан.— Ҳали улар шаҳзода Абусаидни тахтга чиқариб даврон суриш учун бизга кўп ҳамлалар қилади.

— Қилсин, майли! — интиқомга тўлиб деди Кенжа.— Майдонга чиқсин. Отамнинг қасди учун ҳам бу шумғияларнинг уруғини қуритмагунча қўймаймиз!

Уч оғайини шу аҳдни кўнгилларига маҳкам тугиб йўл олишди-ю, ер ости йўли билан орқага қайтиб, Камолхоннинг ухлайдиган хоналаридан юзага чиқдилар.

Подшонинг жасади унинг шоҳона тўшагига келтириб ётқизилган, Юлдузхон ёлғиз ўзи битта шамни ёқиб, хомуш ўлтирарди.

Уч оғайини пастдан чиққан заҳоти Юлдузхон ўрнидан туриб уларга таъзим қилди ва йиғлаб гапирди:

Биз туфайли бошларингизга шунча кулфат тушди! Мен шундай одамнинг қизи-ю, Абусаиддай аблаҳнинг синглиси бўлганим учун ўз тақдиримга лаънатлар айтаман!

Тўлан ботир Юлдузхонга яқинлашиб:

— Ундай деманг, синглим, сиз ҳали ҳам бизнинг келинимизсиз, — деди. — Кенжадай йигитга қаллиқ бўлганингиз учун тақдирга шукр қилинг!

Юлдузхон ёшли кўзларини Кенжага тикиб, мунғайиб турар эди. Кенжа Юлдузхоннинг қўлларини кўлига олди:

— Сиз шу қўлларингиз билан зиндонга юборган ёрдамларингиз бизга катта далда берди, Юлдузхон! Мен бунинг учун сизнинг пок қўлларингизни кўзимга сураман!

Кенжа Юлдузхоннинг қўлларини кўзига олиб бораётганда қизнинг кўнгли бузилиб, ўкириб йиғлади:

— Олижаноб ботирим! На қилайки, отам сизга муносиб бўлолмади! Ўз ақли билан яшолмай, нуқул Зухурбекнинг қутқусига учди!

— Ўтган ишга саловат, Юлдуз. Майли, нима бўлса ҳам, фарзандлик бурчингизни охирига етказинг. Биз ҳам отамизнинг ёнларига бораем.

— Мен ўз отамдан кўра Чўпон отага минг марта ортиқ куйинман! — деб, Юлдуз ботирларнинг кетидан юм-юм кўзёши тўкиб қолди.

Сўнг Қўрчибекни чақириб, ўзига садоқатли одамлардан беш-олтита сани топдириб келди. Сахар пайти отасининг жасадини ювдириб, кафанга ўратиб, жанозасини ўқитди-да, қабристонга кузатиб қўйди. Камолхоннинг дафнига беш-олтитагина одам борди.

Кун ёйилганда Чўпон отани тобутга солиб кўчага олиб чиққанларида бутун шаҳар оёққа қалқди. Атроф қишлоқлардан ҳам тумонат одам йиғилиб, халойиқ кўча-кўйга сизмай кетди.

Олдинда бели боғланган уч оғайни ғамгин юз, ёшли кўзлар билан битта-битта одимлаб борадилар. Кимхоб тўн ёпилган тобут қўлдан-қўлга ўтади. Чўпон отанинг тобутига қўлини тегизиб қолиш орзусида беҳисоб одамлар орқадан эргашиб келадилар.

Минг-минг одам Чўпон отанинг тобутини тоғ этагидаги қишлоғига елкасида кўтариб борди. Кейин уни улкан дарё ва обод водий оралиғига тушган баланд тепаликнинг устига дафн этдилар. Шундан бери эл-юрт бу жойни «Чўпон ота тепалиғи» деб атайдиган бўлди. Фидокор, мард отанинг қадами теккан бундай жойлар Тошкент, Самарқанд атрофларида ва юртимизнинг бошқа жойларида ҳам бор. Халқимиз уларни ҳам ҳалигача «Чўпон ота» деб атаб келади...

Шаҳарлик мисгар, темирчилар ва қишлоқлардан келган деҳқонлар уч оғайнини ўртага олишиб, улардан бирини подшо қилиб кўтармоқчи бўлдилар.

— Отам раҳматли битта подшони тахтидан улоқтирди, энди бошқасининг кераги йўқ, — деди Тўлан ботир. — Шунча подшо ўтиб, бирортаси халққа нажот, бахт келтирмади.

Халойиқ орасидан саксон ёшлик нуроний бир мўсафид чиқди.

— Тўланжон, нажот — халқнинг ўзида, — деди. — Нажот ҳам, бахт ҳам — халқнинг шу уч оғайнидай мард, асл фарзандлари борлигида. Ўғилларим, агар подшо зотидан кўнгилларинг қолган бўлса майли. Энди учовинг ҳалол меҳнати билан кун кўрадиган одамларга жонкуяр элбоши бўлсаларинг бас.

Уч оғайнилар бу таклифга рози бўлдилар ва оталарининг васиятига биноан халқни ота ўрнида эъзозлаб яшадилар. Чўпон отанинг йил ошини берганларидан сўнг учовлари бир кунда тўй қилдилар. Тўлан ботир Санобарга, Ўктам ботир Муаттарга, Кенжа ботир Юлдузхонга еттидилар.

Халқ ижодининг афсонавий дунёси билан ўтмишнинг воқеий дунёсини бир-бирига чапиштиришдан пайдо бўлган бу қисса ҳам ниҳоясига етди.

Ҳабиб Раҳмат

## Ширин қиз

Қизчасини эркалаб,  
«Оҳ, оҳ!»— деди онаси.  
Мунча ширин бўлибсан,  
Қантак ўрик донаси...

Шўх-шўх кулар қизалоқ:  
— Вой, вой ширин эканман.  
Биласизми, нимага,  
Ҳм... мураббо еганман.

## Еганим йўқ

Гапга тутдим Солини:  
— Витаминли дорини  
Укангдан алдаб олиб,  
Нима қилдинг, хўш, бориб?

Айбдордай бўшашиб,  
Секин деди бош қашиб:  
— Ҳа, қўлидан тортволдим,  
Еганим йўқ, ютвордим.

## Айб мендамас

— Кундалигинг кўрдим, болам,  
«Икки», «уч» ҳаммаёғи.  
Кўринмайди битта «беш» ҳам,  
Қандоқ бўлди буёғи?

— Айб мендамас,— дер-у Олим  
Қовоғини уяди.—  
Муаллим-чи менга доим  
«Беш»ни бўлиб қўяди.

Николай Куликов

# АВЛОДЛАР



ПОЭМА

**М**енинг аждодимда барон, князь йўқ.  
Ибтидо — омондан бошланган йўлим!  
Унда бор — буғдойзор, дарё қўлтиғи,  
Мусаффо юрак бор, ҳам қадоқ қўлим!  
Похол томли ўлка боболардан то  
Набиралар қадар ялангоёқ, хор...  
Деҳқон бор — солиқдан бош тортган ҳатто,  
Нафрат бор — ҳар зумда портлашга тайёр!

□

Охири бўлмади, бодринг, ароқдан,  
Мунгли қўшиқлардан воз кечди деҳқон —  
Қўлга қурол олди: қилич, таёқдан,  
Ямоқ совут кийиб, кўтарди исён!  
Жанг авжига чиқди, титради само,  
Ер ёнди, ол қонга бўялди ҳар ён!  
Ғалаба! — дилёқар афсона гўё,  
Ботирлар шаънига тўқилди дoston!  
Қимлар қурбон бўлди, ким омон қолди,  
Куликовлар дея аталди шу он.  
Русь бўйлаб мағрур ном шундай тарқалди,  
Ҳар жанг — Куликово ўшандан буён!  
... Саҳарлар оқарди соҳир ва зилол,  
Ризқ-рўз инъом этди ер деҳқон учун...  
Россия осмони остини, алҳол,  
Куликово ери аташди бутун!  
Бошдан-бошга ўтди неча бора тож,  
Ибодат қилинди: «Омон бўлсин тахт!»

Кўшчи судрайверди оҳиста омоч,  
 Кўлга қилич тутди келганда фурсат.  
 Сен — Готард, Полтава, Синопада ойлаб,  
 Бородинода ҳам чодирлар қурдинг.  
 Ўтли Европада жанггоҳлар бўйлаб,  
 Русни юрагинга жо айлаб юрдинг.



Қошқа матрос билан Тимофей бобом  
 Турган Севастополь ҳимоясида.  
 Икки собиқ кўшчи қозонганди ном  
 Даҳшатга тик боқиб жанг палласида:  
 Замбарак тинмасди, ўқ ёмғирига  
 Бош эгмай, Тимофей қилганди орзу:  
 Куликово медали таъсис этилса,  
 Жуда ярашарди солдатларга у...  
 Снаряд визиллаб учар экан, бас,  
 Бобом ҳам эгилган пайтлари бўлган.  
 Хўш, нима қилибди, ўлимга эмас,  
 У она заминга саждалар қилган!  
 У кемтик шуҳратни қилмаган орзу,  
 Георгий нишони гарчи — шуқуҳи.  
 Буюк Россияни орзу қилган у,  
 Ҳам боқий бўлишин Куликово руҳи!



Уфқлар қизарди, тонг отди секин.  
 Вақт кечди: гоҳ сокин, гоҳида шитоб...  
 Тўққиз юз ўн етти!.. Питерда Ленин!  
 Яшасин Советлар!.. янгради хитоб.  
 Смольний гумбурлар кундуз ҳам, тун ҳам,  
 Ишлар — йўқсилларнинг ўчмас вулқони.  
 Ўзига қаратмиш ул буюк одам  
 Солдат, матросларни, қўйки, дунёни:  
 — Шу дамдан болға ҳам, ўроқ ҳам, эрк ҳам  
 Яшар Октябрь руҳига пайванд!  
 Смольний гумбази тебрани гўё,  
 «Аврора» лангарин кўтарди баланд...  
 Балки тўртинчидир, тўққизинчи ё,  
 Сиқик қаторларнинг силсиласида  
 Серсоқол солдат-ла отам Артём  
 Ултирган Лениннинг рўпарасида.  
 Гўё нон, ер ҳақда минбардан туриб  
 Фақат отам билан сўзлашган доҳий.  
 У Куликовларни билиб ва кўриб —  
 Юргандай, гўёки, танир нигоҳи.  
 Артём шод, зўр ишга кўшганди улуш,  
 Турарди боққанча «Декрет» — варақча!  
 Смольнийдан Куликово — бошлайди юриш  
 Шимолга, жанубга, ғарбга ва шарққа!  
 Доҳий фикрлари равшан қуёшдан,  
 Ҳар бир сўз юракдан жой олар шундоқ.  
 Орёл ва Коховка! Бўлмас бошқача!  
 Инқилоб мандати — замонга маёқ!



Россия ярмин жанг аравасида  
 Артём ўлчаб чиқди қадам-бақадам.  
 Елкадан ўқ еди у Одессада,  
 Ҳамшира кор келди шунда яхши ҳам!  
 Сўнг эса, Суматра — зангори уммон,  
 Фирқа йўлланмаси — Курилга, яна!  
 Уфил кўрганида черковда эмас,  
 «Пушкин театри»да бўлди тантана!  
 Тилак билдирдилар: матрос фарзанди,  
 Шамол йўлдош бўлсин сенга ҳамиша!  
 Музыка янграсин, рақсга, қани,  
 Уғлон шарафига очилсин шиша!  
 Кейин-чи, Магнитка, Турксиб йўллари,  
 Саҳрони уйғотган паровоз саси.  
 Унга Куликово майдони бари  
 Йўлда ҳам, ишқда ҳам — собит компаси!



Уфқлар қизарди, тонглар ёришди,  
 Дунёни жалб этди олис бир ватан.  
 Яна газеталар хитоб қилишди:  
 Испания! Гренада! Но посаран!<sup>1</sup>  
 Ишқий қўшиқларнинг тинч маконида  
 Тўқнашди тун ва тонг — иккита жаҳон!  
 Отам Артём интербригадада  
 Шай турди кўксини этгали қалқон!  
 Отишди, ошкора паролни айтиб,  
 Хиёнат изғиди — тиглар учида.  
 Отам гижинганча, қайтиб ва қайтиб  
 Русия қутбини кўрди тушида!  
 Қўшини окопларда, бомба ўринда,  
 Зайтун шоҳларининг остида, ул дам —  
 Жанг қиларди йўқсил солдати билан  
 Курашда тобланган Хемеңгуэй ҳам!  
 Узиюрар тўплар оғзини очиб,  
 Бўри галасидай ўрмалар гоҳ-гоҳ.  
 Қўнғироқ садоси борлиқни босиб,  
 Ташвиш-ла хатардан айлайди огоҳ.  
 Ким ўйлабди дейсиз, чириган дунё  
 Уруш машинаси синар бу замон.  
 Олам бундай сиртмоқ кўрмаган асло,  
 Тарих қайтди қаро кунларга томон...



Яна тунлар чўкди, тонглар ёришди.  
 41 йил. Июнь. Тонг саҳар.  
 Буғдойзор далага ракета тушди,  
 Бомбалар остида қолди шаҳарлар.  
 Уқлар чийиллаши, ёнғин ва фиғон,  
 Кўзёши ва ўлим, бола фарёди —  
 Эшелон қўзғолди машриққа томон,

<sup>1</sup> Испанча: улар ўтолмайдилар, дегани.



Майдонда қон сингган темирлар қолди.  
 Заводлар кўчмоқда, йўллар четида  
 Эвакогоспиталь, эвакопункт.  
 Нон, тузга «карточка» район советида  
 Баъзан қайноқ сув ҳам энг танқис овқат...  
 Райкомда дедилар: завод келмоқда!  
 Куликов, сен учун фронтдир шу жой.  
 Завод ўрнашади экинзор ёқда,  
 Ер ости йўллари битган, ҳойнаҳой!  
 ... Бобом ғазабидан эгарди нағал,  
 Отам ҳам столни муштлаган ёниб:  
 — Буйруқ! Юрт тақдири қайда бўлса ҳал,  
 Мен учун ўша ер — кураш майдони!  
 Қирка, белкурак-ла завод тикланар,  
 Ҳамма ишлаётир — ким ёш, ким қари.  
 Оташин қалбларда гулханлар ёнар!  
 Биз, ўша йилларнинг комсомоллари! —  
 Не тонг, бетон қордик, вагон бўшатдик,  
 Станок судрадик — ишладик тун-кун.  
 Оқшомлар сайр қилмай, вақтида ётдик,  
 Эрталаб барвақтроқ турмоқлик учун.  
 Камчиликлар бўлди, тортишувлар ҳам,  
 Бизга абжир қўллар етишмади гоҳ —  
 Таянч нуқтаси бор лек Куликовларда,  
 Ҳаёт тегирмонин юргизмас оллоҳ!  
 Дастгоҳ ишга тушди очиқ ҳавода,  
 Снаряд ташидик совуқ, қор, демай.  
 Менинг Куликовам, сўрсанг мабодо,  
 Сенга қалб оловин не учун бермай?!

□

Милтиқдан оочлар ясалар экан,  
 Она ер унутар танклар ваҳмасин.  
 Авлодлар топурақлар, муаррих битган  
 Уруш йилларининг сўнгги саҳфасин.  
 Ушанда, қайдадир ёзилур аён  
 Бизнинг оғир, кирза этиклар ҳақда!  
 Ёзилур, биз қандай кезганмиз ўрмон,  
 Ботиб кетмаганмиз нечун ботқоққа!  
 Биз ўтган йўлларда юздан оққан тер,  
 Шам қолдиғи мисол дарҳол музлагай.  
 Ул кирза этиклар, бизлар очган ер,—  
 Остоналар ҳақда қисса сўзлагай.  
 Дўстларим! Тақдирдан нолимасман ҳеч,  
 Бор бўл, афсонага эгиз замона!  
 Қирза этик кийдим мен ҳам эрта-кеч,  
 У бўлгани учун менда ягона!  
 Қандай ёқимлийди, полиз ортида  
 Алвон лолаларнинг мавжланган чоғи.  
 Қандай гўзал эди, баҳор пайтида  
 Озод Осиёнинг очиқ қучоғи...  
 Мен кирза этикда ташладим қадам  
 Эзгу умидларим уфқига томон.  
 41 йилнинг ўғлонлари ҳам  
 Шундай этикларда жанг қилган, аён!

Ва қўшиқ олдинги маррада юрган,  
 Фронтгача оғир йўл босган яёв.  
 Солдатлар қўшиқда куч, қудрат кўрган,  
 Уни олиб юрган бамисли ялов!  
 Оқ мрамар юзига зар, олтин рангда  
 Битмоқ даркор не-не ўтли қўшиқни.  
 То авлодлар билсин, ишда ва жангда  
 Мангуликка ёрлик олган этикни...



Уфқлар қизарди, тонглар оқарди,  
 Турналар осмонга солди аргимчоқ.  
 Қуёш ҳам шиддат-ла бошин кўтарди,  
 Сандонга тушмоқчи темирдай шу чоқ.  
 ... Заминда яшайди безовта одам,  
 Шу ҳаёт устидан танҳо ҳукмрон!  
 Унинг қўлларида яшнайдди олам,  
 Орзуга эш бўлса номус ва виждон!  
 Орзуга эш бўлса яратмоқ ишқи,  
 Ишчининг болғаси, деҳқон ўроғи —  
 Эш бўлса авлодлар оташин меҳри —  
 Гулларга буркангай замин қучоғи!  
 Русь учун жанглар-у, космик парвозлар  
 Ҳеч қачон хотирдан соқит бўлмайди.  
 Замона Ленинга қадамин мослар:  
 «Ҳеч нарса ва ҳеч ким унутилмайди!»  
 Йўқ, унут бўлмагай, хотира нурын  
 Муқаддас билади бу қадим башар.  
 Куликово жангин ўлмас гурури  
 Қодир халқим билан абадий яшар!

Аҳмад ТОШХУЖАЕВ таржимаси.

Григорий Марьяновский

# Бир тақдир

Ҳайдарали НИЁЗОВ таржимаси.

ҲУЖЖАТЛИ ҚИССА

## II ҚИСМ

МУАЛЛИФДАН

Бундан тўрт йил аввал, «Минг бир тақдир»нинг сўнгги бобини ёзиб битирганимда, китобнинг давоми бўлишини ўйламагандим.

Китобхонларнинг архив материалларини бошқатдан қовлаштиришга рағбатлантирувчи хатлари, уруш бўрони Ўзбекистонга келтириб ташлаган етим, бошпанасиз юз минг гўдак ва ўсмирни қутқариб қолиш эпопеясининг янги топилган бемисл қаҳрамонлари билан учрашувлар, қутқариб қолинганларнинг ўзларининг ҳикоялари—буларнинг барчаси биргалашиб, оқибат натижада мени ўша ўтмиш воқеаларининг кўп қирралари, ҳодисалари, фактлари китобда гарчи ўз мазмунлари билан ўша ўтмиш манзараларини кўп жиҳатдан кенгайтиришлари, уларни янги чизги ва бўёқлар билан жонлантиришлари мумкин бўлса ҳам, етарлича ёритилмай қолган, деган фикрга олиб келди.

Бундан тўрт йил муқаддам нашр этилган китобни биринчи қисм деб қараб, қиссани яна давом эттириш, ўша ном билан иккинчи — охириги қисмини ёзиш эҳтиёжи ана шу йўсинда туғилди.

Бу қисмда ҳам китобнинг биринчи қисмидаги принципга, ҳақиқий бўлиб ўтган воқеалар, ҳодисалар, фактлар, ҳужжатлар билан тасдиқланган, ҳозирги кунда аксарияти орамизда биз билан бирга яшаб келаётган қаҳрамонларга қатъий амал қилдим. Узрли айрим истиснолардан ташқари, улар ўзларининг номлари билан ҳаракат қиладилар. Худди шунингдек китобда замон, воқеа содир бўлган макон 1941—1945 йилларда Ўзбекистон, деб аниқ кўрсатилди.

## 38-хона

Гувоҳ гапиради:

«Энг оддий концелярия дафтари. Унинг кўп саҳифаларида қандайдир исм ва фамилияларнинг зерикарли рўйхати.

Дафтарни ҳорғин аёл, мунгайиб варақлаб ўтирарди. У бирдан қичқириб юборди, қўлларини силкитди, кулди, йиғлади, ўрнидан туриб кетди-да, ўзининг бутун азобдийда гавдаси билан столга беҳуш йиқилиб тушди...

Ўзига келгач, у яна йиғлади, дафтарга ишора қилиб, қувонч билан шивирлади:

— Менинг Вовам шу ерда экан!

Кейин у тутилавериб, муқоваси ҳилвираб қолган концелярия дафтари, худди илоҳий бир нарсани тавоф қилгандай, ихлос билан ўпди-да, севиниб кетганидан яна йиғлаб юборди.

Бу — мелодрама ҳам, кинокартина ҳам эмас, бу — яқинда Маориф халқ комиссарлигида рўй берган ҳақиқий воқеа. Аёл ўзининг йўқолиб қолган ўғлини Володяни Иттифоқдаги турли шаҳар ва колхозлардан бир неча ой овора бўлиб излай-излай, охирида Тошкентга етиб келди-ю, бу ерда, мана шу дафтарда, бошқа ёзувлар орасида бирдан қуйидаги сатрга кўзи тушади:

«Қардонский Владимир. 13 ёшда. Тошкентнинг 149-мактаби тарбиясига топширилди».

Аёл учун бу кўримсизгина дафтар унинг бутун умри давомида ўқиган барча китобларидан энг ажойиби, энг доноси бўлиб кўринганлигига ажабланмаса ҳам бўлади. Фронт яқинидаги ерлардан кўчириб келтирилган ва булар қаерларда турганлигини уларнинг ота-оналари билмайдиган гўдаклар ҳамда ўсмирларнинг рўйхати ёзилган дафтарни ўз жигаргўшасини излаб топиш умидида сарсон-саргардон, оч-ноҳор кезиб ниҳоят варақлаб, истаган исмини топган ҳар қандай ота ёки она шундай аҳволга тушиши аниқ. Бу дафтар бизнинг кўз олдимизда инсонга энг буюк саодат бахш этди: унинг шарофати билан кўзичоғини йўқотган она ўз дилбандини, етим бўлиб қолган бола эса онасини топиб олган эди!..

— Ўттиз олтинчиси!— деди менга ходимлардан бири секин. Демак, кейинги кунларда ўттиз олти она Маориф халқ комиссарлиги рўйхати ёрдами билан ўз боласини топиб олганди.

Гарчи бу ерда амалга ошириладиган ишларни расмий суратда оддийгина қилиб: «Кўчириб келтирилган болаларни рўйхатдан ўтказиш» деб айтилса ҳам, мен бу тор хонани яхши кўраман, чунки инсонпарвар совет жамоатчи аёллари унга шунчалик самимият бахш этган эдиларки, бу хона кўзимга Маориф халқ комиссарлиги қошида Болалар адрес столини ташкил қилиш ғояси кимдан чиққанлиги, бунда ким бош-қош бўлганлигини мутлақо ишончи қилиб аниқлаш бугунги кунда орадан сал кам қирқ йил ўтгач, ғоят мушкул. Маориф халқ комиссарлигининг собиқ ходимлари — Наталья Павловна Крафт, Фрида Абрамовна Триерс—бу ҳақда шундай хотирлайдилар:

— Ҳаммаси «Комсомольская правда»нинг қўли энгил мухбири Евгений Мардан бошланди. 41-йўлнинг кузагида у Тошкентда бўлиб, Марказий болалар эвакуункти, эвакуация пайтида ота-оналарини йўқотиб қўйган болалар ҳамда ўсмирларнинг қандай қабул қилиб олинаётгани, болалар уйларига, шифохоналарга, колхозлар ҳамда муассасаларга тақсим қилинаётгани ҳақида мақола чоп эттирди. Ана шу мақола босилиб чиққандан кейин бир неча кун ўтгач, Марказий болалар эвакуунктига юзлаб, минглаб, юз минглаб хатлар селдай

оқиб кела бошлади — ҳаммасида кўнгилни вайрон қилиб юборадиган фарзанд доғи, ғам-алам, кўз ёши ифодаланганки, тош юрак ҳам эриб кетади. Рўйхатни кавлаштириш (улар эса уюм-уюм бўлиб кетганди), бола бизнинг пунктимиздан ўтган ўтмаганлигини билиш, бордию ўтган бўлса, қаерга йўлланма олганлигини аниқлаш керак эди. Хатларни ўқиш у ёқда турсин уларни санашга ҳам қўл тегмаётган, ҳали эшелонни кутиб ол, болаларни ҳаммомга олиб бор, едир, ичир, белгиланган ерига зудлик билан кузатиб қўй — хуллас чопти-чопти вақт. Бу учбурчак аламноқ мактублар МБЭПга ўша пайтда Тошкентда яшаб турган Екатерина Петровна Пешкова—Алексей Максимович Горькийнинг беваси—келгунига қадар қандай қаровсиз бўлса шундайлигича ётарди. У биттасини, кейин бошқасини ўқиб чиқди-да, хўрлигича чи-долмай, йиғлаб кетиб қолди. Бир неча кундан сўнг эса, республика Маориф халқ комиссарлигидаги 38-хонада Болалар адрес столини ташкил қилди.

Республика марказий Болалар адрес столининг юзага келиш ривояти шунақа.

Лекин бошқаси ҳам бор. Эслатиб ўтаман.

**ЎзССР ХКС ВА ЎЗБЕКИСТОН Қ(Б)П МКНИНГ  
1758-СОНЛИ ҚАРОРИ**

15—26 ноябри, 1941 й.

Тошкент шаҳри.

**ФРОНТГА ЯҚИН ЖОЙЛАРДАН КЎЧИРИБ КЕЛТИРИЛГАН БОЛАЛАРНИ  
ЖОЙЛАШТИРИШ ҲАҚИДА**

Фронтга яқин жойлардан кўчириб келтирилган, кўчириш пайтида ота-онасини йўқотиб қўйган ёки болалар уйи ҳамда ўқув юртларидан қолиб кетган болаларни жойлаштириш мақсадларида

**ЎзССР ХКС ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН Қ(Б)П МК ҚАРОР  
ҚИЛАДИЛАР:**

13. ЎзССР ХКС қошидаги Эвакобошқармага ИИХКнинг тақсимлаш қабулхоналарига, Маориф ХК ёки собес ХК лиги болалар уйлари ва бошқаларга қабул қилиб олинган, ёки ишлаб чиқариш корхоналари ва қишлоқ хўжалик ишларига жойлаштириб қўйилган балоғатга етмаганларнинг марказлаштирилган рўйхатини ташкил қилиш, бу норасидаларнинг ота-оналарини СССР ХКС қошидаги Кўчириш бошқармаси ҳамда милиция органлари орқали қидириб топиш топширилсин.

Бу вазифани бир гуруҳ жамоатчи аёллар билан биргаликда республика Маориф халқ комиссарлигининг фақат битта ходими—дугоналари ва ходимлар ўша пайтда Катя деб атайдиган Шамсиқамар Салоховна Сибғатуллина ихтиёрий равишда ўз гарданларига олишди ва бутун уруш давомида сидқидиллик билан адо этишди.

Балким, бирон кимса: яна ўша гап, яна иккиёқлама жавоб, деб айтиши мумкин. Адрес столининг пайдо бўлиши — пастдан кўрсатилган ташаббус самараси эканлигини тасдиқлашади гувоҳлар. Архив бўлса, адрес столи юқоридан бўлган декрет оқибатида вужудга келганлигини тасдиқлайди. Тўғри, жавоб икки ёқлама. Лекин бундай икки ёқламалик олдинга мени хижолатда қолдирган бўлса-да, энди кўрқитмайди ҳам, таажублантирмайди ҳам. Аксинча, мен унда алоқа диалектикасининг аниқ намоён бўлганини, партия ва ҳукуматнинг ўша йиллардаги қарорлари омма ичидан келиб чиққан ташаббус билан қўшилиб кетганини ва бу қарорларда мазкур ташаббуслар юри-

дик жиҳатдан қонунлаштирилганлигини кўраман. Худди мана шу икки ёқламалик, ана шу ажойиб бир тан-бир жонлилик 1941—1945 йиллар мобайнида Ўзбекистонда болалар ҳаётини сақлаб қолиш учун кенг қулоч ёйиб кетган катта жанг натижасини ва шунингдек яхлит олиб қараганда, бизнинг Галабамизни олдиндан белгилаб берди.

Бироқ ўшанда, айтганимиз ўша кунларда, галабага ҳали узоқ эди. Уни фақат орзу қилинарди. Уни сув келса симириб, ўт келса ўчириб, қон тўкиб, очлик қийноқларига бардош бериб, етилтирардик.

Болалар адрес столи нимадан бошланган? Бир томондан, МБЭПдан, болаларни қабул қилиш бўйича шаҳар қабулхоналаридан, вагон қабулхоналардан, болалар касалхоналари ҳамда гўдаклар уйларидан олинган рўйхатлардан: иккинчи томондан, сўроқловчи мактублардан бошланган. Кейинроқ ЎзССР Маориф халқ комиссарлигининг махсус буйруқ-қўлланмаси билан болалар уйлари раҳбарлари зиммасига ҳар олти ойда бир мунтазам суратда Болалар адрес столига —38-хона — болалар контингентининг мавжуд рўйхатини, «асрандиликка берилганлар» ҳақида, улар кимга ва қачон, гўдак энди кимнинг фамилиясида бўлиши тўғрисида, касаллик, ўлим ва қочиб кетганлиги хусусида оператив маълумотлар бериб туриш юклатилган.

Аввалига рўйхат юзасидан алифбо бўйича картотека тузиш, уларни ота-оналарнинг сўровлари билан солиштириб чиқишга тўғри келди. Бундан осони борми, бунинг нимаси қийин бўлибди? Аслида бундай эмас экан. Биринчидан. Болалар адрес столининг ягона ходими Катя Сибгатуллинанинг бир ўзи бундай картотекани тузиб чиқиши учун ойлар талаб қилинарди. Бунақа вақт йўқ эди. Адрес столи дарҳол, пайсалга солмай ўзининг хайрли ишини бошлаши —бир-бировини ва ота-оналарини йўқотиб қўйган болаларни излаб топиши, ака-укалар ҳамда опа-сингилларни бир-бирови билан учраштириш, дала почтаси орқали отасига ўгли ёки қизи соғ-саломат, палон болалар уйда тинч-хотиржамгина ўйнаб-қулиб юрибди, деб хабар бериши лозим эди.

Бу мушкулни тезда удалашди. Е. П. Пешкованинг чақирғи билан Маориф халқ комиссарлигининг 38-хонасига ихтиёрий-жамоатчи аёллар келишди; М. Горькийнинг келини Надежда Максимова Пешкова, Тошкентга эвакуация қилинган машҳур совет ёзувчиларининг хотинларидан Людмила Ильинична Толстая, Анна Никандровна Стукалова-Погодина, Ирина Ивановна Вирта, Тамара Владимировна Иванова шулар жумласидан эди. Кейин бу марказ бошқа беминнат ёрдамчилар билан тўлди. Анна Алексеевна Малинина-Терентьева, Людмила Здиславовна Непомняшая, Ольга Владимировна Лебедова, Галина Васильевна Анохова, Анфиса Владимировна Лазаревская — уларни санаб, саноғига етиб бўлмайди — улар ҳам келишиб, ишга киришиб кетишди.

Шундай қилиб, битта мушкул гўё ўз-ўзидан, чет кишиларнинг кўмагисиз ҳал қилинди. Бошқаси қийинроқ бўлиб чиқди.

Қоғоз. Нюмайи-аъмол ёзилган карточкани йўлга қўйиш учун, энг ёмон бўлса ҳам майли, керакли қоғозни ўша қийинчилик йилларида қаердан олиш керак. Ун эмас, юз эмас, минг ҳам эмас, балки юз мингта карточкани болалар уйларига амалий сўроқ билан юбориш, ота-оналарнинг кўз ёши билан битилган хатларига жавоб қайтариш лозим эди. Бу қоғозни уйларидан олиб келишди; мактабларга бориб тўплашди. Кимдир гулқоғозларни ишлатишни ўйлаб топди. Лекин бу яхши фикр ҳам мушкулни ҳал қилмади. Бошланган хайрли ишнинг қоғоз етишмаганлигидан тўхтаб, чиппакка чиқиш хавфи туғилди. Шунда, ўша оғир, фожейи дам — 1942 йилнинг қишида — ҳукуматга озгина қоғоз сўраб мурожаат қилиш жамоатчи аёллар учун қанчалик ноқу-

лай бўлиб туюлган бўлса ҳам, йўқчилик уларни мажбур этди — му-рожаат қилишларига тўғри келди.

ЎзССР ХКС  
5732-Р СОНЛИ ФАРМОЙИШИ

1942 йил, 8 дэкабрь.

Тошкент шаҳри.

ЎзССР Госпланига Ўзбек республикаси ХКС фондидан ЎзССР Маориф халқ комиссарлигига:

1. Эвакуация қилиб келтирилган болаларни рўйхатга олиш ва картотека жорий этиш учун 150 кг миқдорда муқовабоп қоғоз ажратиш топширилсин.

Кўп йиллардан кейин республика Маориф ХКлиги қошидаги Адрес столининг собиқ ходимларидан бири, Людмила Здиславовна Непомняшая, эски карточкаларни саралаб ўтириб, шундай ҳикоя қилган эди:

— Ўзгалар учун бу нарса—қоғоз, унда кўрсатилган исми, фамилияси, ёши, туғилган ери орқали уларга ҳеч нима демайдиган оддий қоғоз холос. Мен учун бу қоғозларнинг ҳар биридан ўлим ваҳшатларини, вайроналарни кўравериб зада бўлиб қолган болаларнинг азоб-дийда, паришон, илтижоли юзлари, ҳуркак кўзлари қараб туради. Мана шунинг учун ҳам рўйхатларни ва мактубларни, булардан биронтасининг исми бирдан лоп этиб карточкадан чиқиб қолармикан деган умидда соатлаб, кунлаб, ҳафталаб ковлаштирган пайтларимиз бўлган. Излаганимизни топган онлардаги қувончимизнинг чеки бўлмасди. Эсимда, старший лейтенант Медведов ўзининг укалари Ваня билан Васяни изларди. Мен унисини ҳам, бунисини ҳам бошқа-бошқа болалар уйдан излаб топдим. У менга шундан кейин миннатдорлик сўзлари билан тўлиб тошган откритка юборди. Мен уни шу кунгача асраб желаман.

«Хўрматли ўртоқ Непомняшая! (Агар сизнинг отангизнинг исмини нотўғри тушуниб, бинобарин, хато ёзаётган бўлсам, афв этишингизни сўрайман.)

Сизнинг укаларим Вася ҳамда Ваня Медведовларни излаб топганлигингиз ҳақида 24. X. 44 й. да ёзган хабарингизни олдим. Бунинг учун сизга самимий миннатдорчилик изҳор этаман. Сиз кўрсатган адресларга сўров хати ёзиб юбордим. Агар у ерда ҳам Сизга ўхшаган меҳри дарё, оқибатли совет кишилари ишласалар, укаларим билан яқин орада алоқа ўрнатишимга умид қиламан.

Сизга соғлиқ ҳамда бахт-саодат тилайман.

Сизнинг олдингизда бир умрга қарздор

Старший лейтенант *Медведов С. М.*  
Полевая почта 10480 «А»

Анна Алексеевна Малинина-Терентьеванинг ҳикоясини ҳам эшитайлик:

— Қизиқ: болани қанча узоқ изласанг, бунга қанча куч сарфласанг, гарчи уни кўзинг билан ҳеч қачон кўрмаган бўлсанг ҳам, у сенга шунча яқинроқ ва азизроқ бўлиб қолади. Баъзан шунчалик яқин бўлиб қоласанки, кечаси ётиб ухлаганингда ҳам бутун ўй-хаёлинг унда бўлади, эрталаб уйғонганингда ҳам у ҳақда ўйлайсан. Одатланиб қолганингданми? Ҳамдардликданми? Билмайман. Билмайман. Ушанда билолмагандим, ҳозир ҳам тушунмайман. Сизга фақат рост гапни... чинимни айтяпман. Мана, масалан, шундай воқеа бўлган эди. Горький областидан кетма-кет хат олдим. Лидочка Войновскаяни излашарди. Отаси фронтда эмиш, онаси қизалоғи билан урушнинг бош-

ларидаёқ биз томонларга жўнаб кетишган экан. Ушандан бери хат-хабар йўқ эмиш... Мен рўйхатлардан, картотекадан излай бошладим, ҳар хил йўл билан суриштирдим. Натижа бермади. Бир кун кундузи энди ҳафсалам пир бўлиб хонадаги столда ёлғиз ўзим бўшашиб ўтиргандим, Тошкентдаги 33-болалар уйи рўйхатида бирдан кўзим «Ванновская Лида» деган ёзувга тушиб қолди. Худди бир нарса мени туртгандай бўлди: «Бу ўша жондан азиз Лидусям-ку, у менинг қизалоғим-ку», деб юбордим-да, болалар уйига, Зайнитдин Асомовнинг олдига югурдим. У директор эди. Қизалоғимни олиб келишди, ҳали ҳеч нарсани сўраганим йўқ, ўзим эса сезиб турибман, кўнглим айтиб турибди: Лида Войновская!

«Ҳурматли ўртоқ Малинина!

Бизга юборган откриткангиз учун раҳмат. Бизнинг Лидочкамиз топилганлигидан шунчалик бахтиёрмизки, буни сўз билан ифодалашга ожизмиз. Уруш бошланиши билан онаси иккови фронтдан узоқроққа қочиб кетишди-ю, шундан кейин бир оғиз ҳам хат-хабар бўлмади. Мана, ниҳоят, Сиз Лидочка соғ-саломат деб хабар қиляпсиз. Сизга чексиз миннатдорчилигимизни изҳор қиламиз. Қўлларимизни кўксимизга қўйиб таъзим бажо этамиз.

Сиздан илтимос қилиб сўраймизки, Лидочкани бизниқига олиб келсангиз. Уни олиб келишга ўзимиз боролмаймиз, чунки менинг (унинг холасиман) қўлимда эмизикли болам бор, бувиси эса жудаям қариб қолганлар. Лидочкани олиб келадиган адрес мана: Горький шаҳри, Карл Маркс кўчаси 7-уй, 5-квартирада, Арбеков Василий Профирьевич. Бу Лидочканинг тоғаси, уни бизниқига, яъни Лида бувиси билан бирга турадиган қишлоққа у олиб келади. Иложи бўлса тезроқ олиб келишингизни илтимос қиламиз. Лидочка билан тез орада юз кўришишимизга шу пайтгача ҳеч ишонгимиз келмайди.

Лида истиқомат қиладиган жойнинг адреси шундай: Горький области Д-Константиновский район, Борисо-Покровское қишлоғи, Шумилова Наталия Васильевна.

Бизнинг қизчамизга салом айтиб қўйинг. Уни ғойибона қаттиқ ўпамиз ва сабрсизлик билан кутамиз.

Қачон кутиш кераклигини хабар қилишингизни қаттиқ ўтинамиз. Самимий салом билан

*Елисеева.*

Р. С. Сиздан яна шуни сўраймиз, агар мумкин бўлса, Лиданинг онасига нима бўлганлигини, қандай бахтсизлик юз берганлигини билсангиз. Бизнинг Лидочкамизнинг отаси фронтда ҳалок бўлди».

Саша Юлишнинг кейинги қисмати нима бўлганлигини билмайман. Яхши бўлган деб ўйлагим келади. Александр Юлиш улғайиб, кап-катта киши бўлиб кетган, уни етимликдан қутқариб қолган одамларнинг қилган яхшиликларига яхшилик қайтараётгандир, деб ўйлагим келади.

Минг-мингдан бири бўлган бу воқеа ҳақида Болалар адрес столининг собиқ жамоатчи инспектори Ольга Владимировна Лебедева шундай хотирлайди.

— Эсингизда бўлса керак, Лев Толстойда шундай бир гап бор: барча бахтиёр оилалар бир-бирига ўхшаркан, ҳар бир бахтсиз оила ўзича бахтсиз эмиш. Урушда бахтли оила бўлганми-йўқми, билмадиму, лекин ҳар бир бахтсиз оила ўзича бахтсизлиги, бу — ҳақ гап... Менга нотаниш бўлган Юлишнинг дастлабки хатлари фронтдан, кейин фронтнинг орқа томонидаги шаҳарлардан — госпиталлардан ва ниҳоят, Челябинскдан келди. Хатда уй ва квартирасининг номери кўрсатилганди — демобилизация қилинган бўлса керак. Шу тариқа унинг



адреси бўйича кўз олдимда инсон тақдири гадалана борди. Кейин батафсил билиб олдим. Урушга қадар уларнинг оилалари Украинанинг қаеридадир турган. Қочишган. Йўлда хотини қаттиқ бетоб бўлиб қолади. У беморни шифохонага топширади, ёлғизгина ўғлини болалар уйига жойлаштиради-да, ўзи армияга кетади. Бир неча ойдин кейин фронт ўша шаҳарга яқинлашиб келадию, болалар уйи билан касалхонани турли томонларга кўчириб олиб кетилади. Ушандан бери у ҳам хотинини, ҳам ўғилчасини излайди. Хотинини топганми, бир нима деёлмайман. Ўғилчаси Сашуляни мен унга Тошкентдан топиб бердим, ўнинчи болалар уйида тарбияланаётган экан.

«Хурматли ўртоқ Лебедова!

Мактубингизни ҳозиргина олдим. Унда Сиз менинг азиз ўғилчам турган жойнинг аниқ адресини маълум қилибсиз. Ўғлини энди топишдан кўнглини узиш даражасига келиб қолган отанинг сўз билан ифодалаб бўлмайдиган қувончи ва чексиз хурсандчилигини Сиз тушунасиз деб ўйлайман. Сизга ва Сизнинг меҳрибонлигингиз, ғамхўрлигингиз учун миннатдорчилигимни, бутун теранлиги билан ифодалайдиган сўз, ибора тополмайман. Мактуб мени яна руҳлантириб юборди. Менинг энг азиз ва яқин уруф-аймоқларимдан фақат биргина ўғлим қолган. Хотиним фожиали суратда ҳалок бўлди. Яқин орада Сашани олиб келиш учун Тошкентга боришга ҳаракат қиламан ва ўшанда ўз миннатдорчилигимни Сизга шахсан изҳор этаман.

Бошингизга тушган мусибат туфайли Сизга чин қалбимдан ҳамдардлик билдираман. Менинг табиий қувончим учун кечирингизни сўрайман.

Чуқур ҳурмат билан.  
Қўлингизни қисаман.

Юлиш М. А.

Хатлар, открыткалар, расмий аризалар бир уюм, ҳаммасидан ҳижрон азобида эзилган юрак фарёди эшитилиб туради.

«Хурматли жамоатчи инспектор ўрт. Малинина!

Менинг 1935 йилда туғилган ўғлим Вова Песинни ахтариш юзасидан ёзган хатимга жавобингизни олдим-у, кўнглимда уни топаман деган кичкина умид учқуни пайдо бўлди, чунки, ҳар қалай, Воронеждан кўпроқ Сизлар томонларга эвакуация қилишган. Бу нарасадан: гўдак ўз фамилиясини унутиб юборган ва Незвановлар рўйхатида турса-я, деб қўрқаман. У кўк кўз, пешонаси ва қорнида, ўнг қобирғаси остида чандиғи бор—асколкадан ярадор бўлган. Ўғлимни топишда менга ёрдам берсангиз Сиздан гоят миннатдор бўлур эдим. Балким, Сиз ҳам онасиз, боласини йўқотиб қўйиш нима эканлигини тушунасиз, ахир.

Умидворлик билан  
Катя Песина.

Бахтга қарши бу қидириш нима билан тугаганлигини аниқлай олмадим—архивда бундай маълумотлар йўқ. Шунингдек А. В. Кунцевичнинг мактуб-аризасида келтирилган аянчли воқеанинг ечими билан ҳам қувонтиролмайман.

### • А Р И З А

Фарзандларим—Михаил (Миша) ҳамда Женя Тревойларни (улар эгизак, тўрт ярим ёшда) ва Сергей (Сергутни, бир ярим ёш) ахтариб топишда менга ёрдам беришингизни сўрайман. Улар Брест

шаҳаридан, Сергей Иванович Тревой (ҳарбий хизматчи) унинг фарзандлари. Ҳозир у фронтда.

*Онаси Кунцевич А. В.*

Болалар адрес столи ходимларининг хотираларида болалари ота-оналарига қайтган ўнлаб ёрқин қувончли воқеалар фожеий, айтишга гил бормайдиган қайғули ҳолатлар билан алмашиб туради. Баъзан улар, бу ҳодисалар, агар кўзёши тўкиш керак бўлса, кўзёши тўкилган жойда содир бўларди. Мана шулардан бири ҳақида Ольга Владимировна Лебедова гапириб берди:

— Тарбиялаш учун асранди қилиб берилган, кейин эса онасининг илтимосига кўра биз томонимиздан излаб топилган ўғил боланинг фамилияси эсимда йўқ. Бола яхши оилада экан, ҳамма унга ғамхўр, уни севади. Мана, бир куни иккала она бизнинг хонамизда учрашишди. Бола ҳам шу ерда эди. Асраб олган она болани ўзида қолдиришни сўраб ҳўнг-ҳўнг йиғлади, туққан онага болага энг яхши тарбия беришини, у истаган пайтида келиб, боласини кўришига ижозат этишини ваъда қилди. Туққан она унинг гапини эшитишни ҳам хоҳламади—ўзининг кичкина жигарпорасининг халоскори бўлган онага кўзларидан дув-дув ёш оқизиб миннатдорчилигини билдирад, раҳматлар айтарди-да, худди шу заҳоти иккинчи онанинг барча таклифларини қатъиян рад этарди. Гўдак эса, билмадим, тушунбми-тушунмайми, уни асраб олган онанинг тирсагидан тортқилаб, нуқул хархаша қиларди: «Ойи, юринг ойи, кетамиз...» Бу манзаранинг охирини мен кўрмадим — асабим бардош беролмади, чиқиб кетдим. Кетдиму, ҳўнграб йиғлаб юбордим, ёмонлик қилган одамга жазо берилади, ўшанга ҳам одамнинг раҳми келади, яхшилик қилгани учун азоб чекишга мажбур қилганларида бунга қандай тоқат қилиб бўлади?.. Она-чи? Унга бундай азоб нима учун?.. Уруш, ҳаммасига мана шу даънати уруш сабабчи...

Республика болалар адрес столи вужудга келган дастлабки ойларда унинг «манфаатлари» доираси, ахтариш зонаси Ўзбекистон тупроғи, унинг болалар уйлари, болалар қабулхоналари, муассасалар, колхозлар ҳамда мақтаблар, болаларни ўз тарбиясига олган оилалар, уларни асраб олганлар билан чекланарди. Бироқ, тез кунда, бундай чекланганлик ахтаришлар имкониятини сиқиб қўйиши маълум бўлиб қолди. Шунда 38-сонли хонанинг солиқ штатсиз ходимларининг хотирлашларича, Маориф халқ комиссари Исҳоқ Раazzoқович Раazzoқовнинг ҳамда Екатерина Павловна Пешкованинг ташаббуси билан Бугурусландаги Марказий адрес бюроси, Москва, Свердловск, Куйбишев ва бошқа кўп шаҳарлардаги еправка бюрolari, қардош республикалар маориф халқ комиссарликлари билан оператив суратда алоқа ўрнатишга қарор берилган эди. Алмашиш учун рўйхатлар, сўров хатлари юборилди, иш юзасидан яқин алоқалар ўрнатилди.

Натижада болалар ота-оналарини топиб олишди, ака-укалар, опа-сингиллар бир-бирлари билан юз кўришдилар, ўнлаб ва юзлаб оилалар тикланди, уларнинг бағирлари бутун бўлиб қолди.

Солдат Михайловнинг илтимосномаси билан Республика Болалар адрес столи қисқа вақт ичида унинг катта қизи Люба Тбилисига яқин Кажар қишлоғидаги болалар уйида, кичик қизи Галя Иваново областининг Вязника қишлоғидаги Гўдаклар уйида турганлигини аниқлайди.

1943 йили Максимовлар оиласи Болалар адрес столи орқали уларнинг эвакуация пайтида йўқотиб қўйган ўн яшар Тамаралари Пенза яқинидаги Кузнецка болалар уйида яшаётганини билиб олишади.

Тошкент заводларидан бирининг Армавирдан келган ишчиси Х. М. Ткач 38-хона ходимларидан бундан бир ярим йил олдин йўлда йўқолиб қолган қизи Роза Ставрополдаги колхозлардан бирида тарбияланаётганлиги ҳақида аниқ маълумот олади.

Бунга ўхшаш мисоллар миқдорини бир неча баробар кўпайтириш мумкин. Урушнинг охирларига яқин жамоатчи аёлларнинг ҳаракатлари билан мингдан зиёд болалар ўз оилаларига қайтарилди.

Аммо ахтариш ҳамма вақт ҳам она билан ўғилнинг, ака билан сингилнинг қувончли учрашуви билан тугайвермаган, йўқ. Ҳафталар, ойлар ўтган бўлса ҳам, ота ёки онанинг илтимосномасига жавоб берилмаган ҳоллар ҳам содир бўлиб турган. Нима, расмиятчилик, одамларга бепарво муносабатда бўлинган дейсизми? Начора, яшириб ўтирмаймиз — шунақаси ҳам бўлиб турган.

**ЎЗСР МАОРИФ ХАЛҚ КОМИССАРЛИГИ**  
**259-СОНЛИ БУЙРУҚ**

1946 й. 26 март.

...Болалар уйларининг айрим директорлари томонидан болаларни ахтариш ва уларни ота-оналарига қайтаришнинг аҳамиятини тушунмаслик шунга олиб бормоқдаки, болаларни излаётган турли ташкилотлар ва айрим граждандарнинг илтимосномаларига жавоблар ўз вақтида юборилмаётди.

Чунончи, 1937 йилда туғилган Коляскин Вячеслав онасининг илтимосномаси бўйича Маориф халқ комиссарлигининг Адрес столи ходимлари томонидан Самарқанддаги 6-болалар уйидан (директор ўртоқ Б.) топилган. Адрес столининг 1945 йил, 17 май, 7 июнь, 2 август, 25 сентябрь ҳамда 10 октябрда боланинг мазкур болалар уйида эканлигини тасдиқлаш ва уни Тошкент эвакопункти орқали онасига қайтариш ҳақида юборган телеграммаларига жавоб келмади. Фақат 1946 йилнинг 16 февралда бола МХКдан махсус командировка қилинган киши томонидан болалар уйидан олинди.

Одамларга нисбатан йўл қўйган ўзибўларчилик ҳамда раҳмсизларча муносабати учун 6-сонли Самарқанд болалар уйининг директори ўрт. Б. га огоҳлантириш билан қаттиқ ҳайфсан эълон қилинсин.

Буйруқ республикадаги барча болалар уйларида муҳокама қилиб чиқилсин.

Буйруққа «Болалар уйларидаги болаларни рўйхатдан ўтказиш ва касаллик, ўлим ҳамда қочиб кетишлик ҳоллари юзасидан ўз вақтида ҳисобот бериб туриш ҳақида» ЎзСР Маориф халқ комиссарлиги томонидан 1943 йил 18 июнда тасдиқланган муфассал қўлланма илова қилинганди.

Ҳа, ота-оналар, қариндош-уруғлар, расмий ташкилотларнинг илтимосномаларига бериладиган жавобнинг тўхтаб қолишига тўрачилик, тошбағирлик, баъзан болалар муассасаларининг айрим раҳбарларининг ялқовликлари сабабчи бўлган ҳоллар ҳам юз бериб турган. Лекин ҳар қалай, бошқа сабаблар ҳам тез-тез учраб турарди.

...Бухородан Ромитонга қараб кетган йўлнинг четида кичкина тепача бор. Эрта баҳорда у қалин барра молақизғалдоқлар билан қопланади. Қизғалдоқ гуллари аста тебранади, нозик ниҳолларни ел эмас, балки аллақандай оғир мусибат тебратиб, қадларини букаётгандек туюлади кишига гўё.

Йўл ёқасидаги тепачадаги гиёҳларни ҳам, гулларни ҳам июль куёши куйдириб қовжиратиб қўяди, шунда бу тепача яланғочланиб қолиб, сарғиш-бўз рангда ажин босиб мунгайиб туради.

Бу қабр. Аммо у ерга дафн қилинган одамнинг исми йўқ. Унинг исмининг ҳеч ким билмайди.

Бутун умри шу ерда ўтган кекса аёл шундай ҳикоя қилади:

Урушнинг дастлабки қишида уни бошқа гўдаклар билан бирга олиб келишди. Уларнинг қаерлик эканликлари бизга аниқ маълум эмас. Биров Гомелдан, деди, бошқаси — Ленинграддан. Қаерданликларини суриштириб ўтирадиган пайтмиди? Уларга қарасанг бас — уруш бўлаётган томонлардан эканларини дарҳол тушунасан. Ҳаммасининг рангига қараб бўлмайди, ориқ, биттасининг баданида эса жароҳат. Уни қўлингга олиб кўтарасан, шунчалик енгилки, пармикан дейсан... Лекин бошқаларини бир амалладик, айтиш мумкинки, ёруғ оламга қайта келтирдик. Буни эса йўқ, уддасидан чиқолмадик — жудаям рамақижон эди. Қичқирришга, йиғлашга ҳоли келмасди — инграрди, фақат ҳиқилларди холос... Борган бўлса, бир ярим ёшларда эди дафн қилган пайтимизда. Шу-шу номаълум бўлиб қолди борақши...

Урушнинг яна битта қурбони. Номаълум гўдак қабри.

Ота-оналари қаерларга неча-неча марталаб илтимосномалар юборишмасин—жавоб бўлмайди. Бўлган тақдирда ҳам...

1973 йилнинг бошида Полтавадаги район милиция бўлимларидан бирига 1940 йилда туғилган Александр Николаевич Уткинни қидириш ҳақида унинг акаси Михаил Васильевич Трошков илтимоснома билан мурожаат этди.

Тошкентдан жамоатчи-аёллар гуруҳи аъзоси Ф. А. Триерснинг Полтава милициясига берган жавоби мана:

«...Қидирилаётган гўдак бундан анча вақт олдин оламдан ўтиб кетган бўлса, бундай пайтда илтимосномага жавоб қайтариш қийин бўлади. Агар Михаил Васильевич шу ерда бўлганида, унинг қайғусига бир она сифатида ҳамдард бўлар, қисман сақланиб қолган архив материалларини кўрсатиб, батафсил гапириб берар, укаси Сашанинг ўлими хабарини айтиб, кўнглини бундай жароҳатламаган бўлардим.

Михаил Васильевичга даҳшатли ўтмиш ҳақида, бошларидан эвакуация азоб-уқубатларини икки марта (дастлаб Кавказ ёки Кубанга, сўнгра Урта Осиёга) кечирган ленинградлик болаларнинг фожиасини, бу болаларни асраб қолишга ҳатто энг яхши шароитлар ҳам, парваришлар ҳам ёрдам беролмаганлигини у тушуна олиши учун батафсил гапириб бериш зарур.

Ленинград области Крестецкий район, Амосово қишлоғининг фуқароси, 1940 йилда туғилган Александр Николаевич Уткин билан ҳам шундай ҳол юз берган (бу маълумотларнинг барчасини мен Амосово қишлоқ советининг 1942 йил 6 июлда ёзган справкасидан кўчириб олганман).

Амосово қишлоқ совети хат орқали Крестецкий район соғлиқни сақлаш бўлимига Саша Уткиннинг онаси вафот этганини, отаси фронтда ҳалок бўлганлигини, акаси ҳарбийга сафарбар этилганини маълум қилган ва шунинг учун қишлоқ совети болани болалар муассасасига жойлаштиришни сўраган.

Ҳужжатларга қараганда, Саша Уткин 1942 йил 9 июлда Ленинград областидаги Боровича шаҳар Гўдаклар уйига қабул қилинган, у ердан 1942 йил 25 декабрда кетган, яъни эвакуация қилинган.

Боровича Гўдаклар уйидаги медицина карточкасига шундай деб ёзиб қўйилган: Саша Уткин икки ёшда II—III даражали дистрофия, II даражали рахит. Уйга келганидан буён кўкйўтал, сувчечак, кўз шиллиқ пардасининг шамоллаши, қичима, қизамиқ билан оғриди. Ўпкасида қуруқ хириллаш эшитилади, нафас олиши — қаттиқ.

У Тошкентга 1943 йилнинг бошида Ленинград областидаги Гўдаклар уйининг бир гуруҳ мактабгача ёшдаги болалари билан келди. Бу болаларнинг ҳаммаси Тошкент Гўдаклар уйига 1943 йил 15 январида келишди.

Саша Уткиннинг саломатлиги, даволаш учун белгиланган чоратadbирлар юзасидан шу уйнинг бош врачлари қайдлар қилиб борган.

Мўъжиза билан сақланиб қолган бу эски ҳужжатларни кўриш керак! Замон оғир эди. Қоғоз, ҳар бир парчаси анқонинг уруғи. Врачларнинг қайдлари санитария плакатларидан йиртиб олинган парчаларга, қандайдир ҳужжатларнинг орқа томонига, гулқоғозларга қилинган.

Лекин бу ҳол боланинг соғлиги ҳақида атрофлича ва чуқур кундалик ёзиб боришлари учун шифокорларга монелик қила олмаган. Мана шу кундаликдан ҳамма нарсани билиб оласан—Сашанинг кайфияти қандай бўлгани, ҳарорати қанақалиги, иштаҳаси, юзининг ранги, ахлати... Гоҳо, у жуда суст, рангсиз, йўталади, деб қайд қилинса, гоҳо соғлигидаги баъзи яхшиланиш ёзилган. Кундаликдаги қайдлар изчил, деярли ҳар куни олиб борилган, фақат бола тузалаётгандек кўринган пайтлардагина икки ёки тўрт кун оралатиб қайд қилинган.

Уруш, бомбардимон даҳшатлари, очлик, қамал пайтида ёпишган касалликларнинг авж олиши, эвакуация машаққатлари ўзининг машъум ишини қилди — мурғак организмни енгди. Малакали тиббий ёрдам ҳам, ғамхўрлик билан қилинган парваришлар ҳам, кучайтирилган озиқ-овқат ҳам боланинг саломатлигини тиклашга энди ожизлик қилди. «Қаттиқ гипотрофия, бош ва бутун баданидаги ҳадеб намиқаверадиган қичима, иккала кўзидаги шиллиқ парданинг шамоллаши, ўпкасидаги қуруқ ва намчил хириллаш, тез-тез ич кетиш, йўғон ичакнинг чиқиб кетиши, афтозли стоматит, бўйин лимфа безлари ловиядек, гардон қисмида ёнғоқдек каттарган, юқори ва пастки милклари гангивит бўлган».

Боланинг соғлиги ёмонлашади. 31 июлда уни касалхонага ўтказишади.

Мана, энди сўнги ёзув: «1943 йил 31 августда номадан ўлди».

Ҳали кун кўрмаган инсоннинг қайғули тақдири ҳақидаги бу мактуб уруш ҳамда фашизмга нисбатан янада оғир айбнома. У 1973 йилда ёзилган. Қидирув тугади. Лекин бу Тошкентга келган энг охириги илтимоснома эмас: ҳали урушнинг акс садоси сўнгани, тингани йўқ, бугунги кунда ҳам юракларни тирнайидиган илтимос-мактублар келиб турибди. Аммо уларга ким жавоб қилади?

Республика Маориф халқ комиссарлиги бўйича чиқарилган 389-сонли буйруқ билан Республика болалар адрес столининг штатда кўрсатилган ягона ходими Ш. С. Сибгатуллина бу лавозим тугатилганлиги муносабати билан МБЭПнинг мураббияси вазифасига ўтказилади. Энди ота-оналарини йўқотиб қўйган болаларни рўйхатга олиш ва уларни ахтаришдан иборат бутун ишлар мутлақо жамоатчи аёлларнинг зиммасига юклатилади. Бу вақтга келиб, Е. П. Пешкова, Н. А. Пешкова, Л. И. Толстая, К. Н. Стукалова-Погодина ва бошқа фаол аёллар Москвага кўчириб олиб кетилгач, унга Лидия Яковлевна Беленкая бошчилик қилади. Уруш тугагандан кейин Болалар адрес столи маълум вақтгача ишини давом эттиради. Кейин одамларнинг бахти учун шундай кўп хайрли ишлар қилган 38-хона аста-секин бўшаб қолади: баъзи ходимлар бошқа ишга ўтиб кетадилар, қолганлари меҳнатлари роҳатини кўриш учун дам олишга чиқадилар. Ахтариш гашвишларини республика Маориф халқ комиссарлигининг бир гуруҳ собиқ ходимлари — пенсионер аёллар — Е. В. Рачинская, Е. Г. Самойленко, Ф. А. Триерс, Н. П. Крафт, С. А. Журавская ва бошқалар ўз зиммаларига оладилар. Лекин умр боқий эмас — Е. В. Рачинская, С. А. Журавская, Ф. А. Триерслар оламдан ўтадилар. Н. Т. Крафт Тошкентдан жўнаб кетади. Кексалик, касаллик Е. П. Самойленкони илгари куч-ғайрат кўрсатиб, эҳтирос билан ишлаш имкониятидан

маҳрум қилади. Иш ўпирилишга юз тутади. Уруш вақтида Ўзбекистонга кўчириб келтирилган болалар ҳамда ўсмирларнинг бебаҳо рўйхатлари турли архивларга ва ҳатто хусусий уйларга жўнатиб юборилади. Яна кўп хайрли ишлар қила оладиган, шу кунгача номаълум бўлиб келаётган кўпдан-кўп тақдирларни ёритиш мумкин бўлган картотека, инсон тарихи драмаларининг чинакам камёб хазинаси, жамоатчи-аёлларнинг катта меҳнати ва бемисл ҳиммати билан яратилган бу тақдирнома, уни мен охириги марта кўрган пайтимда, юмшоқ қилиб айтганда, аянчли аҳволда—ҳаммаси аралаш-қуралаш ҳолда уюлиб ётарди.

Хатларнинг эса ҳамон кети-узилмасди. Мана сўнггиларидан биттаси. Аслида, мактуб-ку учта-я, лекин уларнинг тақдири битта.

## Лариса Адикова тақдири

### БИРИНЧИ МАКТУБ

«Сизга ушбу мактубни Ларисани асраб олган онаси Глазкова ёзмоқда (асраб олганимда Корнева эди, ҳозир Адикова). Мен унинг ота-онаси ёки қариндош-уруғларини топишда ёрдам беришингизни илтимос қилиб мурожаат этяпман.

1941 йилда Тошкентга фронтга яқин жойлардан кўчирилган болалар билан эшелонлар келди. Менинг ўғлим, Валентин Корнеев, ўша пайтда ҳали мактаб талабаси, бошқа болалар билан бирга бу гўдакларни вагондан машиналарга ташишда ёрдам берган. Нима бўлдию, унга уч-тўрт ёшлардаги бир қиз бола жуда ёқиб қолади-да, ундан сўрайди: «Отинг нима? У: «Лалиса» деб жавоб беради. «Менга сингил бўлишни хоҳлайсанми Лалиса?» — «Хоҳлайман».

Валя ўша заҳоти мен ишлаётган ерга югуриб келди:

— Ойи! Мен сенга қиз бола топиб қўйдим. Ҳали жудаям кичкинагина қиз бола. Ахир сенинг қизинг йўқ, фақат ўғилларинг бор. Юр, уни уйимизга олиб келамиз. У вокзалда ўтирибди.

Шундай қилиб 41 йилнинг 2 декабрида бу қизалоқни паноҳимизга олдик.

Бир неча йиллар давомида Республика болалар комиссияси вакиллари уйимизга келиб, биздан хабар олиб кетиб туришди, Лариса бизникида қандай яшаётганлиги, биз уни қандай тарбиялаётганлигимиз билан қизиқишди.

Биз эрим В. Т. Корнеев билан бирга Маориф Халқ Комиссарлигидан бир неча бор хабар олдик, Лариса Глазковани ота-онаси ёки қариндош-уруғи суриштириб хат ёзган-ёзмаганлигини сўрадик. Бунақа хатни ҳеч ким кўрдим демади.

49 йилда биз Ларисани қиз қилиб олдик. У Корнеева Лариса Васильевна бўлиб қолди. Ўша оғир йилларда ҳам биз Ларисанинг яхши ўқиши ва яшаши учун барча шароитларни яратиб бердик, деб ўйлагим келади. Ларисани ва у билан бирга ўзимизни фақат битта балодан асраб қололмадик: қиз еттинчи синфдалигида битта шум ният хотин, бизнинг собиқ қўшнимиз, унга «ҳақиқатни» очиб, сен ўгайсан, асрандисан, деган.

Биз Ларисани уйимизга олиб келган кунимиздан буён ахир бир кун бу сир «фош бўлишидан» ҳадиксирардик. Биз гувоҳларни кўпайтирмаслик учун ҳатто квартирамизни алмаштирдик. Бироқ, афтидан, квартирангни алмаштирганинг билан ёмон одамнинг юрагидаги кин, унинг пасткашлигидан — йўқ, қочиб қутулолмас экансан.

Бу нарса эрим билан мени оғир инфаркт қилди.

Бу ҳол қизалоқнинг қалбини қандай жароҳатлаганлигини хатда айтиб беролмайсан киши.

Уша эски қўшни хотинга ҳали гўдак бўлган бу қизалоққа бизнинг оилавий сиримизни очиш нимага керак бўлиб қолганлиги мен учун ҳамон жумбоқ бўлиб келмоқда. У кимдан қасдини олди? Бунақа ҳақиқат кимга керак бўлиб қолган экан?

Ўғилларим, мактаб муаллимлари, бизнинг яхши таниш-билишларимиз биргалашиб, Ларисага бир мунча тасалли беришга эришдик. Бу гапнинг турган-битгани ёлгон деб ҳам кўрдик,— унга энди бундай йўл билан таъсир кўрсатишнинг иложи йўқ эди,— лекин, у ёқ-бу ёқни ўйлаб кўриб, бунақа тўғри, очиқ гаплашиш учун қизалоқ ҳали ёшлик қилади, деган тўхтамага келгандик. Бир неча йил давомида биз индамай, бу масалани четлаб ўтдик, тасодифан унга тегиб кетишдан қўрқардик. Оғир йиллар эди. Мана, Лариса мактабни битиргач, катта оилавий маслаҳат мажлисга йиғилдик, Маориф Халқ Комиссарлиги ходимини, яқин дўстларимизни таклиф қилдик ва унга ҳаммасини очдик.

Биз Ларисани Қишлоқ хўжалик институтига кириш учун Самарқандга боришига қаршилиқ кўрсатмадик, майли ёлғиз ўзи туриб кўрсин, ўйласин, сарторози қилсин дедик. Имтиҳонларни топшириб, у Қишлоқ хўжалик институтига кириб олди, 1959 йилда эса уни тупроқшунос-агроном ихтисоси бўйича битириб чиқди.

Бутун ўқиш давомида Лариса бизнинг у ердаги қариндошларимиз билан яқин алоқада бўлди. Биз ҳам Тошкентдан унга мунгазам суратда моддий ёрдам бериб турдик. Хуллас бир-биримиздан олисда ўтган йиллар, назаримда, бизни бир-биримиздан узоқлаштирмади, балки янада яқинлаштирди ва меҳрибон қилди.

Лариса биздан узоқда турган бўлишига қарамай, ўз туғишганларини топиб олишга ақалли бир марта ҳам уриниб кўрмаганлигини мен фақат шундан деб биламан. Кўнглимиз оғриб, хафа бўлиб қолишимизни андиша қилган.

Унинг аҳволини, ичида яшириб келаётган андишасини тушуниб, мен, ахтариш фикри Ларисадан эмас, балки мендан чиқиши керак, деган қарорга келдим. Шундай ҳам қилдим. Шундан буён бизнинг қидиришларимиз бошланиб кетди. Лариса билан бирга Ўзбекистон Маориф министрлигига бордик, у ердагилар бутун ўтган йиллар мобайнида уни ахтариб ёзилган битта ҳам илтимоснома келмаганлигини тасдиқлашди. Шундан кейин Лариса Бутуниттифоқ радиосининг «Инсонни излайман» программасига, Қизил Крест ҳамда Қизил Ярим ой жамиятининг Иттифоқ Ижроия комитетига ёзди, яшаб турган еридаги милицияга мурожаат этди. Натижа чиқмади: аниқ маълумотлар етарли эмас, дейишди.

41 йили биз Ларисани восийлигимизга олар эканмиз, у ҳақда иложи борица кўпроқ билишга ҳаракат қилгандик. Ушанда бизга, эшелон кўп марта бомбардимонга учради ва кўп марта қайта тузилдики, Лариса келган вагон қаердан эканлигини ҳатто аниқлашнинг иложи йўқ, дейишди. Қизалоқ ҳақида бор-йўқ маълумот—исми, фамилияси, турар жойи (тахминан)—Калининск. (Эшелонда болаларни кузатиб келган аёл Маориф Халқ Комиссарлигига болалар билан бирга топширган дафтарчада шундай деб ёзиб қўйилганди: Калининск.)

Ҳаммаси шу. Ҳар томондан: ахтариш учун зарур материаллар йўқ, деган рад жавобини олиб, Ларисанинг у ёқ, бу ёққа ёзиб суриштиришдан ҳафсаласи пир бўлиб, ҳеч қаёққа бутунлай ёзмай қўйди. Мен бўлсам ташвишланаман. Эрим Василий Тимофеевич Корнеевнинг ўлиб кетганига анча бўлган. Ёшим 75 га борди, тез-тез касал бўлиб

тураман. Бизнинг Ларисамиз ким билан қолади? Рост, унинг ишончли акалари ўғилларим бор. Ўзининг яхшигина оиласи—эри, иккита фарзанди, ўғли ва қизи бор. Шундай бўлса ҳам, мен Лариса туғишганларидан ақалли биронтасини топиб олишини истардим. Сизга бу хатни ёзаётганимнинг сабаби ҳам шундан.

Ларисага у ҳам Сизга хат ёзиб юборишини айтдим. Бир эмас бир кун балки оларсиз.

Сиздан жавобини кутаман.  
Тошкент шаҳри.

Корнеева Мария Федоровна»

## И К К И Н Ч И   М А К Т У Б

...Қайси шаҳарда туғилганман—билмайман. Мени қиз қилиб асраб олган Мария Федоровна билан Василий Тимофеевич Корнеевларнинг гапларидан биламанки, уларниқига келган дастлабки пайтларда, «Мен ойим билан трамвайда боғчага бораман!» деб нуқул мақтаниб юрганман. На онамнинг, на отамнинг юзини эслай оламан—қандайдир ғира-шира шарпалар кўз олдимга келади. Отам, афтидан, ҳарбий бўлган. Худди тушимда кўргандек манзарани кўрганим учун шундай деб ҳисоблайман. Мен ва аллақандай гўдак унинг тиззасида — мен биттасида, гўдак бошқасида — ўтирибмиз. Дадамнинг елкаси оша кўкрагидан энсиз тасма тортиб қўйилган. Мана шундан хулоса чиқараманки, менинг укам бўлган.

Кейин шундай манзара намоён бўлади: аллақандай вайронада ётибман, устимдан тупроқ босиб қолган, ҳаммаёғим қонга беланган, чинқириб йиғлаб, ойимни чақираман. Биринчи кўрган нарсам худди дарвозага ўхшаб устимда турган иккита оёқ бўлди. Мени ковлаб олган солдатнинг оёқлари бўлса керак, балки.

Кейин дарҳол — вагон, бола-бақралар, аллақандай гумбурлаш ва қий-чув. Йўл неча кунга чўзилди—бир ҳафта, бир ой, балки икки ой-дир,—айтолмайман. Кейин 1941 йил 2 декабрда, бизнинг эшелонимиз Тошкентга келганлигини айтишди. Уша куниеқ Василий Тимофеевич билан Мария Федоровна Корнеевалар мени уйларига олиб кетишди, улар мен учун ҳаётимда энг азиз ва яқин кишилар бўлиб қолишди. Улар худди ўз қизларидек мени парвариш қилиб тарбиялашди, институтни битиришимни қаттиқ туриб талаб қилишди, энг муҳими—болалигимда «она» деган энг ажойиб сўзни қандай айтишни унутиб қўймасликдан иборат буюк бахт инъом этишди. Ўзимнинг иккинчи ота-онам, болалигим, ёшлигим ўтган хонадон, менинг ҳақиқий ватаним — ўзбек тупроғи ҳақида ўйлаганимда, қалбимда ҳамйиша илиқлик ва фарзандлик меҳри жўш уради. Бу шунчаки сўз эмас, бу факт менинг паспортимда: туғилган жойи Тошкент шаҳри деб расмий суратда тасдиқлаб қўйилган. Худди шунингдек, туғилган вақтим ҳам ғоятда рамзий маънода: «1937 йилнинг 7 ноябри» деб рақам қилинган. Бу эса Буюк Октябрнинг йигирма йиллигига тўғри келади.

Мен ўзимнинг иккинчи ота-онам ҳамда акаларим билан ҳақли равишда фахрланаман: отам Василий Тимофеевич Корнеев Тошкентдаги йирик саноат трести бошқарувчисининг муовини эди, онам Мария Федоровна, йиғирманчи йилларда Туркманистонда (Қозонжиқ, Байрамалида) хотин-қизларни қулликдан озод қилиш ҳаракатининг қатнашчиси, уруш йилларида Ўрта Осиё темир йўли ходими, ҳозир Ўзбекистон ССР республика аҳамиятидаги шахсий пенсионер. Акаларимдан каттаси Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, истеъфодаги подпол-



ковник, кичиги — мени вокзалда гўдаклар ичидан танлаб олгани — Тошкентдаги заводлардан бирининг ишчиси.

Шундай бўлса ҳам, эътироф қиламан, «мен кимман? Қайси юртданман? Мени ёруғ дунёга келтирган кишилар ким бўлишган? — деган фикр қаттиқ ёпишиб олиб, мени йилдан-йилга тобора кўпроқ таъқиб этгани-этган. Бу саволлар менга ҳеч тинчлик бермайди. Улар ҳамиша менга ҳамроҳ, ҳамдам, қалбимда. Уларга ҳеч жавоб йўқ.

Мен қаёқларга илтимосномалар юбормадим. Ҳеч қайсисидан умид йўқ. Айтмоқчи, ҳа, битта илинжим ҳали сўнмаган.

Бу самога Юрий Николаевич Глазков учирилганлиги ҳақидаги ахборотни ўқиган пайтимда пайдо бўлганди. Глазков! Буни қаранг — бу ахир менинг фамилиям-ку! Укаммикан? Мен билан отамнинг тиззасида ўтирган ўша гўдак эмасмикан? Тўғри, унинг отасининг исми — Николаевич, лекин мен ҳам асраб олинганимдан кейин Васильевна бўлиб қолганман-ку. Умидим яна шу билан зўрайдики, у Суворов ўқув юртининг талабаси бўлган, демак, ҳарбий оиладан, балким, етим ҳамдир? Бўлмаса, эълон қилинган таржимаи ҳолида ота-онаси ҳақида битта ҳам сўз йўқлигини қандай тушуниш керак?

Тушунаман: менинг умидларим, балки, Сизга мутлақо соддадиллик бўлиб туюлар. Майли. Агар хатим, оламга донг таратган одамга қариндошлигини пеш қилибди, деган маънода тушунилиши мумкинлигини андиша қилмаганимда, унга мактуб йўллаган бўлардим. Мени худди мана шу андиша тўхтатиб турибди. Мана, агарда Сиз бўлганингизда, унда ҳеч қандай бунақа шубҳа бўлмасди. Сиздан жуда ҳам илтимос қиламан. Ва жуда ҳам умидворман.

Кўришгунча!

*Лариса Глазкова-Адиқова.*

### У Ч И Н Ч И   М А К Т У Б

Одамларни ноумид қилсанг, ўзинг хафа бўлиб кетасан киши, лекин зарур бўлгандан кейин, на чора: ҳақиқат ҳақиқатлигича қолиши лозим.

Менинг опам бор, у соғ-саломат юрибди, биз ота-онадан атиги иккитамиз. Уруш пайтида биз онам билан Москвани ташлаб чиқиб кетдик ва Пенза областида бўлдик. Урушдан кейин Москвага қайтиб бордик, ҳозир ота-онам билан опам ўша ерда туришибди.

Лариса Васильевна, меҳрибон-мушфиқ рус аёли, мен сизга, эрингизга, оилангизга чин қалбимдан сиҳат-саломатлик, муваффақият ҳамда бахт тилайман!

СССР космонавт учувчиси *Юрий Глазков.*

Юлдуз шаҳарчаси  
7. 06. 79.

Бу илинж ҳам пуч бўлиб чиқди. Жумбоқ жумбоқлигича қолди. Лекин, балким, китоб босилиб чиққандан кейин муаллиф яна битта хат-хабарни ва юқорида чоп этилган учтасига ахтариш ижобий натижа билан тугаганлиги ҳақидаги тўртинчи мактубни қўшиб қўяр?.. Кутамиз. Умид қиламиз.

### Сен етим эмассан

Революциядан олдинги — «Воқеийликдан лавҳалар» — ҳикояларидан бирида М. Горький иш ташлаган ўртоқларининг болаларини бир неча

кун ўз бағрига олган жалубдаги аллақайси шаҳар ишчилари ҳақида ифтихор билан ҳикоя қилади. Адиб бу ҳимматда меҳнат аҳлининг синфий ҳамдардлигини, пролетар интернационализи туйғуларини кўради ва буни фахр билан ёзади.

Революциянинг буюк жарчиси, ўз зиммасига қўшнисининг бир гуруҳ боласини эмас, балки юз минг етимчанинг соғ-саломатлиги, тарбияси машаққатларини — бир-икки кунга эмас, кўп йилларга, яна тинчлик пайтида эмас, урушнинг алғов-далғовли йилларида — ўз зиммасига олган бутун бир халқнинг мислсиз интернационалистик жасоратини агар кўрганида, буни куйлаш ва донғини ёйиш учун қандай сўзу иборалар топар эди!

Бу ўринда бўёғинг қанча қуюқ бўлмасин, бари бир уни кўнгилдагидек қилиб ифодалай олмайсан. Бу ерда бошқа нарса—сўнги бурда нонингни кун сайин баҳам кўра боришинг, йўқ, ўзинг билан четдан келган гўдак ўртасида эмас — бу ҳали ҳимматнинг ҳаммаси эмас — ўзингнинг оч-яланғоч гўдагинг билан бегона гўдак ўртасида баҳам кўришга тайёр туриш керак бўлган! Бу ерда ҳақиқий қалб саховати, бегона одамнинг ғам-аламини, унинг мусибатини ўзининг шахсий дарди деб биладиган энг юксак даражадаги инсоний ҳиммат керак бўлган.

Мен фақат хонадонига бола олган, қорнини тўйғизган, кийинтирган ва тарбиялаганлар ҳақидагина эмас, балки уруш қурбони бўлган болаларнинг моддий ҳамда маънавий ташвишларини кўп йилларга ихтиёрий равишда, ҳеч қандай тамасиз ўз зиммасига олган бутун бир халқ тўғрисида гапиряпман.

Ҳа, етим бўлиб қолган, бошпанасиз болаларни қутқариб қолиш эпопеяси бошқа кўп нарсалар билан бирга, ўша пайтдаги шароит бўйича жуда катта моддий харажатлар эвазига амалга ошганлигини айтишдан тортинмаймиз. Агар уруш даврига келиб Ўзбекистонда болалар уйлари сони икки ярим баробар ошганлиги ҳамда уларнинг контингентлари жойлаштирилганлигини эсга олсак, бу тушунарли бўлади. Яна равшан бўлсин учун шундай қиёсани келтираман: 1937 йилда республика болалар уйларининг бюджети 33 миллион, 1943 йилда эса 99 миллион 418 минг сўм бўлган. Лекин бу ҳаммаси эмас. Бунга республика Соғлиқни сақлаш ХК ҳамда Ички ишлар ХК қарамоғида бўлган республикадаги кўп сонли гўдаклар уйларига, болалар шифохоналари, санаторийларига, қабулхоналари, вагон-қабулхоналардаги болаларни боқиш учун ажратилган маблағни ҳам қўшиш керак бўлади. Шундай қилиб — яна озгина статистика — мактабгача ёшдаги ишлар учун 1944 йилда ажратилган маблағ 77 миллион сўмни ташкил этганки, урушдан олдинги охириги йилда бу соҳага ажратилган маблағдан икки мартадан кўпроқ ошиб кетади.

Лекин ҳатто бу катта қўшимча давлат маблағи ҳам тобора ўсиб бораётган болалар муассасалари тармоқларини таъмин этишга камлик қиларди. Озиқ-овқат, кийим-кечак, турли жиҳозлар олиш ҳамда ишловчиларни ойлик билан таъмин этиб туриш, иситиш ва тиббий хизмат кўрсатиш, янги синфлар ташкил этиш ва дарсликлар сотиб олиш ҳамда маданий талабларни қондириш, яна ўнлаб шу каби ҳар кун пайдо бўлиб турадиган эҳтиёжлар эса кун сайин ўсиб борарди.

**УзССР ХКС  
1121-СОНЛИ ҚАРОР**

1942 йил, 12 август.

Тошкент шаҳри.

**БОЛАЛАР УЙЛАРИНИ КАПИТАЛ РЕМОТ ҚИЛИШГА ҚУШИМЧА  
МАБЛАҒ АЖРАТИШ ҲАҚИДА**

**Болалар уйлари биноларини, биринчи галда эвакуация қилинганларни, зарурий равишда капитал ремонт қилишни таъминлаш мақсадида УзССР ХКС ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Болалар уйлари биноларини капитал ремонт қилишга, 1942 йилда ажратилган маблағ дастлабки тасдиқланган 900 минг сўмдан 2 миллион 500 минг сўмга орттирилсин.

Ҳа, давлат маблағи етишмасди. Лекин болалар уйларини таъминлаб туришга ажратилган маблағни топиш, кўпайтириш — бу бир, фақат биринчи қийинчилик эди холос. Унинг ортидан бошқалари, бундан осон бўлмаган қийинчиликлар кўндаланг бўларди: озиқ-овқат маҳсулотлари, энг зарур саноат молларининг уруш билан изоҳланадиган умуман ва ниҳоятда тахчиллиги пайтида болалар уйлари-нинг кўпминг сонли бутун контингентини озиқ-овқат, кийим-кечак, ёқилғи, инвентар, қоғоз, дарсликлар ва болалар учун зарур бошқа нарсалар билан қандай таъминлаш керак?

Даҳшатли уруш пайтининг бошқа мушкулотлари сингари булар ҳам партия ва ҳукумат директиваларининг яқдиллиги, давлат органларининг кўрсатмаси орқали омманинг ташаббускорлиги ҳамда ижодий фаолияти билан айни чоқда алоҳида ва комплекс равишда ҳал қилинган.

Давлат ҳокимиятининг директиваси:

**ЎзССР ХКС  
187-СОНИ ҚАРОР**

1942 йил, 3 февраль.

Тошкент шахри.

**БОЛАЛАР УЙЛАРИНИНГ МАРКАЗЛАШТИРИЛГАН  
ТАЪМИНОТИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ҲАҚИДА**

**Болалар уйлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаб туришни яхшилаш мақсадларида ЎзССР ХКС ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Болалар уйлари учун асосий озиқ-овқат фондларини ажратиш 1942 йил 1 февралдан бошлаб марказлаштирилган тартибда олиб борилсин.

2. Болалар уйлари тарбияланувчиларини таъминлаш нормасини овқатлантиришнинг асосий моддалари бўйича қуйидаги миқдорда белгилансин:

ёпилган нон	— 400 г
ун	— 20 г
крупa ва макаронлар	— 70 г
гўшт, балиқ	— 56 г
мойлар	— 32 г
қанд	— 20 г
кондитер маҳсулотлари	— 15 г

5. ЎзССР Савдо Халқ Комиссарлиги ҳамда Ўзбекбирлашувга ўзларининг ёрдамчи хўжаликларидан гўшт маҳсулотларини асосан болалар уйларига жўнатиш мажбурияти юклатилсин.

7. Болалар уйлари гўшт-сут маҳсулотлари билан марказлаштирилган фондлар ҳисобидан тўла қондириб бўлмаслигини ҳисобга олиб, область ижроия комитетларига болалар уйлари улар томонидан гўшт-сут ҳамда сабзавот маҳсулотлари олиб туриш учун колхозларга бириктириб қўйиш таклиф этилсин.

8. Болалар уйлари сабзавотлар билан таъминлашни ошириш мақсадларида ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги ва область ижроия Комитетларига ҳар бир болалар уйлари қошида хизмат кўрсатувчи персонал ҳамда тарбияланувчилар кучи билан ишлов бериладиган томорқалар ташкил этиш таклиф қилинсин.

9. Савдо Халқ Комиссарлиги ҳамда Ўзбекбирлашувга болалар уйларига ажратилган фондлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қаттиқ назорат ўрнатиш вазифаси юклансин.

ЎзССР ХКС раиси  
ЎзССР ХКС ишбошқарувчиси

**А. АБДУРАҲМОНОВ**  
**П. КОВАЛЕНКО**

#### ҚАРОРГА ИЛОВА

Шаҳар савдоси ва район матлубот жамиятларининг ёрдамчи хўжаликлардан болалар уйларига гўшт бериш юзасидан 1942 йил февраль—март ойлари плани (тонна ҳисобиде).

Тошкент области	—11,7
Фарғона области	—4,8
Андижон области	—3,8
Наманган области	—3,4
Самарқанд области	—4,2
Бухоро области	—5,6
Сурхондарё области	—0,3
Хоразм области	—0,9
	—34,7

Омманинг ташаббуси ва фаолияти:

**БОЛАЛАРГА КЎПРОҚ ҒАМХЎРЛИК КЎРСАТАЙЛИК!**  
**НАМАНГАН РАЙОН ТОШБУЛОҚ ҚИШЛОҚ СОВЕТИДАГИ ВОРОШИЛОВ**  
**НОМИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК АРТЕЛИ КОЛХОЗЧИ ҲАМДА КОЛХОЗЧИ**  
**ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ МУРОЖААТИ**

...Намангандаги Крупская номли болалар уйини оталиққа олдик. Бу болалар уйини иситиш учун колхоз 5 минг боғ ғўзапой ажратди. Болалар қишда совуқ қотмасликларидан хотиржаммиз.

Ўзбекнинг эски мақолида одилона айтилганидек, «Етимнинг бошини силаган бой бўлар». Ота-оналари қутурган душман билан урушда жонажон совет тупроғини ҳимоя қилиб ҳалок бўлган болаларнинг қандай қилиб биз бошларини силамаймиз!

Оталиғимиздаги болалар уйида тарбияланувчиларга улар катта бўлгунларигача биз ўз болаларимиз сингари ғамхўрлик кўрсатамиз.

Болалар уйи учун колхозчилар бошланмачоғига 4 тонна ҳар хил ёрма, 2 тонна сабзавот, 2 қўй, 2 чўчқа ажратишди. Баҳорга бориб 12 қўзичоқ, 5 чўчқа боласи тақдим қиламиз ва 1 гектар сабзавот, 1 гектар шולי экиб берамиз.

Колхозчилар, колхозчи хотин-қизлар, биздан ўрناق олинг, болалар уйларини оталиқларингизга олинглар, уларни барча зарур нарсалар билан таъминланглар!

Республикадаги битта ҳам колхоз янги ватанпарварлик ҳаракатидан четда қолмаслиги лозим!

Болаларга ғамхўрлик кўрсатайлик!

Давлат ҳокимиятининг директивалари:

ЎзССР Х К С, 1942 йил 28 декабрдаги 6008—Р сонли фармойиш:

ЎзССР Савдо Халқ Комиссарлигига болалар уйларини таъминлаш учун 1942 й. декабрь резервидан 38 тонна ғалла — ун ҳамда ёрма бериш вазифаси юклатилсин.

ЎзССР ХКС 1943 йил 20 май. 587-сонли қарор: «Область ижроия комитетлари Қорақалпоғистон АССР ХКС га болалар уйларини, қабулхоналарини, уларни колхозлар томонидан оталиққа олиш йўли билан озиқ-овқат маҳсулотлари, ёқилғи билан қўшимча равишда таъминлаш, болалар уйлари қошида ёрдамчи хўжаликларни ташкил қилишга кўмак бериш ва озиқ-овқат ишининг қўйилиши, болалар уйларини, қабулхоналарини ФЗО мактаблари, ҳунар ўқув юртларини ки-

йим-кечак, пойабзал ва хўжалик инвентарлари билан таъминлаш устидан кундалик назорат ўрнатиш вазифаси топширилсин».

Омманинг ташаббуси ҳамда фаолияти:

«Ёзда Тошкент области комсомоллари болалар уйларига ёрдам фондига 200 гектардан зиёдроқ ерга дуккакли экинлар экидилар.

Тошкент қишлоқ райони комсомоллари Тошкентдаги болалар уйларига янги узилган сабзавот ҳамда шоли ортилган қизил карвон ташкил қилдилар. Улардан сўнг Уртачирчиқ ҳамда Қуйичирчиқ комсомоллари ҳам шаҳар болалар уйларига маҳсулотлар олиб келдилар.

Тошкентдаги болалар уйлари қўшимча равишда 9 тонна шоли, жўхори, бугдой ҳамда сабзавот олдилар. Болалар уйларига совға олиб келган колхозчиларни шоду хуррамлик билан кутиб олдилар, улар учун бадиий ҳаваскорлар концерт қўйиб бердилар, ўқиш ва турмушлари ҳақида сўзлаб бердилар.

Ҳозир Тошкент болалар уйларига жўнатиш учун Чиноз, Мирзачўл ва бошқа район комсомоллари маҳсулот тайёрламоқдалар», деб хабар беради ўзининг 1943 йил 8 декабрь сониди «Правда Востока» газетаси.

Давлат муассасалари, колхозлар, ҳарбий қисмлар, ўқув юртлари, комсомол ва турли хилдаги жамоат ташкилотлари оталиқлари ўша пайтда болалар уйларини моддий жиҳатдан таъминлашнинг иккинчи, айни чоқда бирмунча салмоқли, муҳим манбаи бўлиб қолди. Болалар уйи ҳаётида оталиқларнинг иштироки шакллари, уларнинг вазифалари шунчалик турлича эдики, барчасининг ҳатто отини атаб ўтиш, уларни бирма-бир санаш ғоятда мушкулдир.

ТОШКЕНТ. Қишлоқ хўжалик институти коллективи эвакуация қилинган бешта ўқувчи қизни бутунлай ўз таъминотига олди. Бутун уруш давомида институт ходимлари ҳар ойда ўз маошларидан 1100 сўмни қизалоқларни боқиш учун ажратадилар. Муаллимлардан Аҳмедов ҳамда Грузога восийликларидаги қизларнинг ўқишларида ёрдам бериб туриш топширилган. Олим секретарь Гуцкова болаларнинг маиший хизматлари учун жавоб беради.

БУХОРО. Ромитан район Қорачорбоғ қишлоқ совети колхозчилари кўчириб келтирилган болалардан юзтаси учун болалар уйи жиҳозладилар. Колхоз правлениелари тарбияланувчиларнинг озиқ-овқатлари учун сабзавот, мева, гўшт ажратдилар. Иссиқ кийим сотиб олиш учун маблағ берилди.

НАМАНГАН. 3-сонли пахта тозалаш заводининг комсомол ташкилоти мажлисида кўчириб келтирилган болалар уйлари учун иссиқ буюмлар тўплаш юзасидан қарор чиқарилди. Ҳозир 50 комплект иссиқ кийим сотиб олинди, кўп миқдорда болалар этиклари, пахталик, пальто, жундан тўқилган кўйлак, пайпоқ ва бошқа буюмлар тўпланди. Пахта тозалаш заводи ёшларининг ташаббуси шаҳардаги барча муассасалар ҳамда колхозчилар томонидан қўллаб-қўлтиқланди. 1941 йил 31 декабрда Наманган областидаги болалар уйларига 600 комплект иссиқ кийим топширилди.

СЕВАСТОПОЛЬ. Уруш йилларида 218 жанговар операция ўтказган, душманнинг ҳаводан қилинган 250 атакасини қайтарган Одессадан 14 минг бола, аёл ҳамда ярадорни олиб чиққан «Сообразительный» миноносеци командаси—Қўқондаги болалар уйларидан бирининг ғамхўр оталиғи, экипажнинг собиқ бошлиғи В. А. Курзаков (Ҳозир у Ленинградда туради, «Большевик» заводиди ишлайди) шундай хотирлайди:

Корабль шарқий соҳилга бориб тўхтайдиган бўлса—биринчи қилинадиган иш — почтага бориб, болалар уйига совғалар: дафтар, дарсликлар, ўйинчоқлар, хуллас нимаики йиғишга улгурсак шуни юбо-

рардик. Эртага эса яна денгизга кетамиз, яна ўқ ёмғири ичига кириб борамиз.

Уруш йилларида Фарғона шаҳар халқ маорифи мудирини бўлиб ишлаган Л. Б. Баскакова шундай хотирлайди:

41 йилнинг охирида бўлса керак, мени обкомга бюрога чақиришди. Қўриладиган масала — болалар уйларининг иши ҳақида. Ўша пайтда бизнинг областимизга Москва, Ленинград, Украина, Белоруссия болалар уйларидан анчаси кўчириб келтирилган эди. Гап оталиқ гўғрисида кетарди. Мен ҳам: ҳар бир болалар уйи жавобгарлигини область партия, совет раҳбарлари зиммасига юклансин, деган аниқ таклиф киритдим. Қўллаб-қувватлашди. Қарор қабул қилишди: 1-сонли болалар уйига обком секретари Х. И. Турдиевни оталиқ қилиб тайинлашди, 4-сонли болалар уйига область ижроия комитети раиси ўртоқ М. И. Кичановни, 3-сонли болалар уйига Фарғона райкоми секретари П. И. Братишевни бириктириб қўйишди.

Янги оталиқлар бизнинг кўмагимиз билан дарҳол ҳомийлик советларини тузишди ва бу советга саноат корхоналарининг раҳбарлари, колхоз раислари, ҳарбий қисм командирлари кирдилар, ўзларининг бош қашишга ҳам фурсатлари йўқлигига қарамай—нимасини ҳам айтасиз: уруш ҳеч кимга нафас олишга ҳам имкон бермай қўйганди!—Турдиев ҳам, Кичанов ҳам, Братишев ҳам болалар уйига келиб туришди.

Бу ўртоқлар болаларнинг аҳволини, нимага муҳтожликларини, қандай ёрдам кераклигини бировларнинг гапларидан, расмий ҳужжатлардан эмас, балки ўзлари бевосита билардилар.

Эсимда, биринчи қишда улар озиқ-овқатдан, кийим-кечакдан, ёқилғидан жудаям сиқилган эдилар. Оталиқлар бизга жуда ҳам ёрдам бердилар. Яқин атрофдаги колхоз раисларини ва улардан биринчиси—афсуски, исмини унутганман—фамилияси Назаровни, ўша пайтда Фарғонада жойлашган Харьков артиллерия билим юртининг бошлиғи полковник Лисицкийни ва бу билим юртининг снэсий бўлим бошлиғи подполковник Овчинниковни алоҳида илиқ меҳр билан эслайман. Менда ҳатто фотосурат бор, ўшандан бери сақланиб келяпти. Унда уларнинг иккаласи Кичанов билан бирга болакайлар орасида суратга тушганлар. Болаларни улар жуда ҳам яхши кўрардилар!

Болалар уйлари ҳақида ўша пайтда командирлар ва Армавир ҳарбий билим юрти курсантлари, ҳарбий қурилиш бошлиғи ўртоқ Колесниченко катта ғамхўрлик кўрсатди. У 4-сон болалар уйи биносини ремонт қилаётганларга маблағ ажратди, қурилиш материалларидан ёрдамлашиб юборди, унинг территориясини ободонлаштиришди, электр симлари тортишди.

Ёғ заводидаги бошқа оталиқлар бу болалар уйи учун ёзлик пионер лагерь қуриб бердилар. Хуллас, гапнинг ҳалоли шуки, агар оталиқлар бўлмаганида, билмадим; бундай оқиб келаётган болаларни жойлаштириш, уларни боқиш, кийинтириш ва ҳоказо муҳим ишларни қандай удалай олардик.

44 йилда биз тўртинчи сон болалар уйидан бир гуруҳ болани (ҳаммаси соғлом, бақувват; яна қандай улғайиб кетишганини айтинг) Москвага қайтардик. Бир-икки ойдан сўнг у ердан пакет келди. Очиб қарасак — Фарғона шаҳар маорифига фахрий ёрлиқ, болалар ҳаётини сақлаб қолганлиги учун, ғамхўрлиги учун, кичкинтойларга яхши таълим-тарбия берганлиги учун раҳматнома юборишибди. Уларда Моссветнинг имзоси ҳам бор. Ўша ёрлиққа ҳозир ҳам қарадим дегунча кўзларимдан ёш оқиб кетади...

1942 йилнинг бошларидаёқ эвакуация қилинган болаларга ёрдам берувчи республика комиссияси оталиқ комиссияларининг кўп томон-

лама ва хилма-хил фаолиятини аниқ тартибга соладиган пухта қўлланмасини ишлаб чиқишни лозим топди, уларнинг ҳуқуқ ва вазифаларини тушунарли қилиб белгилаб берди.

Лекин уруш касофати билан жабр кўрган болаларни қутқариб қолиш юзасидан кенг қулоч ёйган ҳаракатнинг моддий таъминот манбалари давлат томонидан маблағ ажратиш ва оталиққа олган ташкилотларнинг бераётган ёрдамлари билан чекланиб қолмаган. 1942 йилнинг бошларидаёқ республикадаги барча газеталарда эълон босилиб чиқди, кейин уни кўчириб олиб, муассасаларга, заводларнинг дастгоҳларига, аксарият уйларнинг деворларига ёпиштириб чиқилди.

ЎзССР ХКС қошидаги эвакуация қилинган болалар ҳамда етимларни жойлаштириш ва уларни тарбиялаш бўйича Республика комиссияси Давлат банкининг Шаҳар бошқармасида ўзининг

160676-сонли  
жорий ҳисобини очди.

Эвакуация қилинган болаларга ёрдам қилиш Тошкент шаҳар Комиссияси ҳам шунингдек Давлат банкининг Шаҳар бошқармасида ўзининг 60671 сонли жорий ҳисобига эга. Эвакуация қилинган болалар фойдасига эҳсонларнинг барчасини кўрсатилган сўтга топширишларингиз илтимос қилинади.

Чақириқ жавобсиз қолмади.

Тошкент область Қалинин номли колхоз аъзолари эвакуация қилинган болаларни таъминлаш учун Республика комиссияси сўтига 105 минг сўм топширдилар.

Тошкент гўшт комбинати мопрчиларининг ўтказган пулларига қуйидаги хат илова қилинган эди:

«Бу бизнинг бир кунлик иш ҳақимиз. Биз буни фашистларнинг ваҳшийликларидан жабр кўрган болаларга Ўзбекистонда ташкил этилаётган болалар уйларини жиҳози ва таъминоти учун топшираемиз. Тошкент гўшт комбинати қошидаги МОПР аъзолари Ўзбекистондаги барча мопрчиларни биздан ўрнак олишга чақирадилар!»

Пурмаъно статистика: 1942 йил 1 февралга келиб 160676-сонли жорий ҳисобга республикадаги турли ташкилотлар ва айрим гражданданлар ихтиёрий суратда 877800 сўм пул топширганлар: ўша 42 йилнинг мартига келиб эвакуация қилинган болаларга ёрдам қилиш Республика комиссияси ҳисобидаги пул энди 2 миллион 74 минг сўмни ташкил этган. 43 йилда бу фонд, 3,5 миллион сўмга етган.

Ўша пайтда болаларни қутқариб қолиш ишига совет ёзувчилари, санъатнинг барча тур арбоблари қўшган ҳисса ўзининг моддий ифодаси билан ҳам, айниқса, маънавий нуқтаи назардан ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Эвакуация қилинган болаларга ёрдам фондига ўнлаб, юзлаб концертлар кўрсатилди, чиқишлар қилинди, томошалар қўйиб берилди. Бунда энг кўзга кўринган совет артистлари, музикачилари, ёзувчилари қатнашдилар.

Бу концертлар қандай тайёрланганлигини эвакуация қилинган болаларга ёрдам берувчи Самарқанд область комиссияси мажлисининг архивда сақланиб қолган 1942 йил 10 февраль қарорига қараб тасаввур қилиш мумкин.

## ПРОТОКОЛ № 2

**ЭШИТИЛДИ:** Эвакуация қилинган болаларга ёрдам берувчи Шаҳар комиссиясининг раиси ўртоқ Долговихнинг шаҳарда болалар уйларини ташкил қилиш ҳамда уларни таъминлаш учун маблағ йиғиш ҳақидаги доклади.

**ҚАРОР ҚИЛИНДИ:** Область санъат бошқармасига шаҳар маориф бўлими билан биргаликда Самарқанд шаҳаридаги барча артист-

лик кучларининг концерт-кечасини уюштириш юклатилсин. Тушум эвакуация қилинган болаларга ёрдам бериш область Комиссияси ихтиёрига топширилсин. Билетларни тарқатиш учун маҳаллий мактаб пионерлари жалб этилсин.

Бундай концерт ҳамда томошалар қўйиб берилганлигини Ўзбекистон болалар уйларининг собиқ талабалари, фақат энди, уларга уруш даврининг афиша ва эълонларини кўрсатган пайтдагина билдилар, бу концерт катталар учун бериларди. Лекин бошқа концерт ва учрашувлар — тўппа-тўғри болалар уйида ё бўлмаса махсус эрталикларда театрларда ўтганлари уларнинг эсларида бир умрга сақланиб қолган.

Тошкент болалар уйларининг кўпчилик талабалари залда қурилган аллақандай катта амфитеатрда Алексей Толстой, Корней Чуковский, Иосиф Уткин, Ҳамид Олимжон ва Аркадий Райкинлар билан бўлган учрашувдан олган таассуротларини шу пайтгача унутмайдилар. Мен эски газета боғламларидан бу ҳикояларни тасдиқлайдиган ҳужжатни топишга муваффақ бўлдим. Бунақа учрашувни, ҳақиқатан, болалар жаёлларига ҳам сиғдирилмасдилар. У 1942 йил 12 январда Свердлов номидаги Тошкент театри биносида бўлиб ўтган. Эртасига «Правда Востока» газетаси бу ҳақда шундай деб ёзган:

«...Йиғилганлар Ўзбекистондаги барча мактаб ўқувчиларига интизомни мустаҳкамлаш, билимни чуқур эгаллаш, ўзларини Ватанни ҳимоя қилишга тайёрлашга чақирувчи мурожаат қабул қилдилар. Шундан кейин ёзувчилар ва артистларнинг чиқишлари—санъатнинг болаларга бағишланган чинақам байрами бошланди. Болалар академик-ёзувчи А. Н. Толстой сўзини нафасларини ичларига ютиб, кўзлари чақнаб тингладилар. У болаларга ўзининг «Никитанинг ёшлиги» повестидан «Желтухин» деган бобини ўқиб берди. Ўз шеърларидан ўқиган шoirлардан Иосиф Уткин билан Ҳамид Олимжонни болалар гулдурас қарсақлар билан олқишладилар. Ёш томошабинларга Бугуниттифоқ бадийий ўқиш конкурсининг лауреати Э. Каминка улкан ҳузурбахш этди. Болалар ўзларининг эски дўстлари — нишондор ёзувчи К. Чуковскийни завқ-шавқ билан олқишладилар. Машҳур эстрада устаси Аркадий Райкинг навбат келганида зал хушчақчақ гуррос кулги билан тўлиб тошди».

Бироқ, албатта, совет ёзувчилари, санъат арбобларининг болаликни асраб қолиш юзасидан уруш пайтида ўзбек тупроғида кенг қулоч отган эпопеясидаги иштироклари тушуми болалар уйларини ташкил қилиш, уларни таъминлаш учун сарфланган концертлардаги чиқишлари, мазкур болалар уйларининг тарбияланувчилари билан учрашувлари билан бекланиб қолмаган. Бу ўша вақт шароитида минглаб болаларнинг ҳаётлари учун курашда салмоқли, яққол кўриниб турадиган ёрдам бўлган эди. Шундай бўлса ҳам, совет ёзувчилари, артистлари, санъаткорлари бу курашга қўшган асосий, энг муҳим ҳисса — улар томонидан яратилган таъсирчан шеърлар, юрак қони билан битилган ҳикоя ва очерклар, ўқувчи қалбини ларзага келтирадиган нидодан иборат минбар публицистикалари, саҳна ҳамда экранда яратган, кишиларни буюк ватанпарварлик жасоратларига ундовчи, уларда инсонпарварлик ҳамда интернационализм туйғуларини жўштирувчи образлардир.

Дадил айтиш мумкинки, қонли жанглар даҳшатини бошидан кечирган болаларнинг маънавий саломатлигини тиклашда Корней Чуковскийнинг болаларга атаб Тошкентда махсус яратган ва чоп этилган «Бармалейни енгамиз» шеърлари, Эди Огнечетнининг «Михасик» деган поэтик тўплами, яна унинг бастакор Л. Шварц билан ҳамкорликда ёзган, 1944 йилда Тошкентдаги мактаб ўқувчилари, Пионерлар



саройи ҳамда Болаларни бадий тарбиялаш уйи ҳаваскорлари томонидан саҳнага қўйилган «Жаннат» опера-эртаги, ўзбек болалар шоирларининг ўша пайтдаёқ рус тилига таржима қилинган шеърлари гоят муҳим аҳамият касб этган эди. Лекин ўша йиллари ва ўша вазиятда болалар учун эмас, катталар учун болалар ҳақида яратилган асарлар юқоридаги айтиб ўтилган асарлардан кам ижтимоий аҳамият касб этмаган. Бу турдаги кўп сонли асарлар орасида биринчи навбатда атоқли ўзбек шоири, Ленин мукофоти лауреати Фафур Гуломнинг «Сен етим эмассан» шеърини тилга олиш лозим бўлади. Мана ўша шеър:

СЕН ЕТИМ ЭМАССАН

(Улуғ Ватан урушининг ота-онасиз қолган гўдакларига)

Сен етим эмассан  
 Тинчлан жигарим.  
 Куёшдай меҳрибон  
 Ватанинг — онанг,  
 Заминдай вазмину  
 Меҳнаткаш, мушфик,  
 Истаган нарсангни тайёрлагучи  
 Халқ бор—отанг бор.  
 Чўчима, жигарим,  
 Ўз уйингдасан.  
 Бу ерда  
     на ғурбат,  
             на офат,  
                     на ғам.  
 Бунда бор;  
     Ҳарорат,  
             Муҳаббат,  
                     Шафқат.  
 Ва меҳнат нонини кўрамиз баҳам.  
 Сен етим эмассан,  
 Ухла, жигарим.  
 Бу ерда музлаган  
 Аждар ҳалқумли  
 Ваҳшат тўпларининг  
 Қаҳқақаси йўқ.  
 Бу ерда —одәмзод  
     шаклида юрган  
             лаънати девларнинг  
 Манфур, юқумли  
     мараз намоиши  
             тополмас ҳуқуқ.  
 Улуғ жанг кунидир  
 Жангки беомон.  
 Лашкар деган ахир  
 Бехатар бўлмас.  
 Отанг ўлган бўлса  
 Қайғурма, кўзим,  
 Кўзим усти  
 Миннатинг бошимга дурра,  
 Шу соғлом ҳавода  
 Саломат — омон,  
 Хўрсинмай, эркинлаб  
 Олабер нафас.  
 Эй улуғ наслимнинг  
 Юраги, жони,  
 Кипригингга илинмас  
 Йиғидан зарра.  
 Сен етим эмассан,  
 Ухла, жигарим.

Етимлик Ҳимадир —  
 Бизлардан сўра.  
 Учинчи йилларнинг  
 Саргардонлиги;  
 Иситма аралаш  
 Кўрқинч туш каби  
 Хаёл кўзгусидан  
 Учмайди сира.  
 Мен етим ўтганман.  
 Оҳ у етимлик...  
 Вой бечора жоним,  
 Десам арзийди.  
 Бошимни силашга  
 Бир меҳрибон қўл,  
 Бир оғиз ширин сўз  
 Нондек арзанда.  
 Мен одам эдимку,  
 Инсон фарзанди...  
 Сен етим эмассан,  
 Ухла, жигарим.  
 Кўзимга уйқунинг  
 Мудроқ овчиси  
 Турин солмасдан,  
 Биринчи гудокка  
 Икки соат бор,  
 Оталик ҳиссининг  
 Бебаҳо, лазиз  
 Тўлқинлари ичра  
 Ғарқ бўлиб кетиб,  
 Азиз бошинг устида  
 Телмурмоқдаман.  
 Сен етим эмассан,  
 Ухла, жигарим.  
 Нега чўчиб тушдинг?  
 Мурғак тасаввур,  
 Гўдак хаёлингга  
 Нималар келди?  
 Балки Одесс даҳшати,  
 Керчь фожиаси,  
 Еввойи махлуқлар,  
 Қонхўр ваҳшийлар...  
 Маммаси кесилган  
 Шўрлик онанинг  
 Пажмурда гавдаси  
 Кўзинг ўнгида  
 Бутун даҳшат-ла  
 Акс этар энди:  
 Онанг хўрландими,  
 Отанг ўлдими,  
 Сен етим қолдингми?

Қайғурма, кўзим,  
 Кўзим усти,  
 Миннатинг бошимга дурра.  
 Ота-онасининг  
 Тайини ҳам йўқ,  
 Сут кўр қилгур, ҳароми  
 Гитлер оқпадар —  
 Фарзанднинг қадрини  
 Қаердан билсин?  
 Бир кўнғиз мўйловли  
 Бароқ соч малъун,  
 Жигарранг бир мундир  
 Истаги учун;  
 Наҳотки еримиз  
 Чаппа айланиб,  
 Наҳотки дарёлар  
 Оқар тескари,  
 Наҳотки одамлар  
 Кезар дарбадар...  
 Ахир, жуда яқин  
 Қонли интиқом  
 Алҳазар,  
 алҳазар,  
 Кўпирар  
 томирларда қон  
 Ва портлар ҳадемай  
 Бу ўтли вулқон.  
 Сен етим эмассан,  
 Ухла жигарим.  
 Сен кулаётибсан,  
 Балки бу кулги  
 Сўнги ойлар ичра  
 Биринчи чечак.  
 Лаъли лабингдаги

Ғунча табассум,  
 Албат толенинга  
 Мухр бўлади.  
 Ва бунда акс этар  
 Порлоқ келажақ.  
 Тонг яқин,  
 тонг яқин,  
 оппоқ тонг яқин.  
 Бир нафас ором ол,  
 Ухла, жигарим.  
 Оқ ойдин  
 тонг олди  
 ухламоқдасан.  
 Лабларинг шивирлар,  
 Изланмоқдалар...  
 Балки бир эркалаш,  
 Бир она бўса.  
 Улуғ оиланинг  
 гўдак фарзанди,  
 билиб қўй энди:  
 Сен тезда улғайиб  
 Олам кезасан.  
 Манглайда порлаган  
 Бу бўса — қуёш  
 Бутун ер юзини  
 Қилур мунаввар.  
 Ҳақорат емрилур,  
 Зулм янчилур,  
 Жаҳонда бўлурмиз  
 Озод, музаффар.  
 Сен етим эмассан,  
 Менинг жигарим.

Шеър айни мен ҳикоя қилаётган минг бир тақдир ҳақидаги умум-халқ ҳис-туйғуси, юз минг гўдакни ўзининг иссиқ бағрига олиб, бало-қазолардан омон асраб қолган меҳри дарё ўзбек халқининг бемисл ватанпарварлиги, инсонпарварлиги ҳамда интернационалистлиги ифодаси эканлиги учун, китобхонда юксак олижаноб туйғулар уйғотишнинг ажойиб намунаси бўлганлиги учун, ниҳоят, қиссанинг асосидаги мен ифодаламоқчи бўлган улкан ғояга жуда ҳамоҳанглиги, бугина эмас, мазкур ғоянинг моҳирона шеърый ифодаси бўлганлиги учун, зеро, ундаги асосий гап менинг қаҳрамонларим ҳақида айтилганлиги учун уни бутунисича келтирмасликнинг иложи бўлмади.

Бу шеър 1941 йилнинг ўрталарида яратилган. Кўп йиллардан кейин, ўлимидан бир оз олдин, Ғафур Ғулом бу шеъри қандай ёзилганлигини айтиб берган эди:

«Сиз урушда етим бўлиб қолган, Тошкентга кўчириб келтирилган болалардан ўн тўрттасини хотини билан бирга ўз тарбиясига олиб, катта қилган машҳур темирчи Шоаҳмад Шомаҳмудовни билсангиз керак, албатта. Бир ердаги учрашувда гапириб, болаларни у менинг «Сен етим эмассан» шеъримни ўқиб, асраб олганлигини айтди. Мен бу гапидан таъсирланиб кетдим—лекин буни рад қилишга тўғри келди. Аслида, аксинча бўлган эди.

Урушнинг дастлабки кунлари эди. Ҳаво зах, киши юрагини сиқади. Шундай кунларнинг бирида республика газетаси редакциясига кириб бордим. Уша ерда менга Шомаҳмудовлар ҳақида гапириб қолишди. Юрагим тўлқинланиб кетди... Кўз олдимга бало-қазоларга, ҳақсизлик, ўлимга қарама-қарши турадиган шундай инсоний яктанлик

келдики, бунақаси менинг болалик пайтларимда ҳатто хаёлга ҳам сиғмасди...»

Ҳа, Шоаҳмад Шомаҳмудов томонидан бола асраб олиш ҳақидаги биринчи шартномага имзо чекилган вақт билан «Сен етим эмассан»нинг дастлаб эълон қилинган вақтини солиштириб, ҳаммаси худди Ғафур Ғулом айтган хронологик изчилликда воқе бўлганлигини белгилаш қийин эмас. Бу ўринда, албатта, у ҳақ. Аммо Ғафур Ғулом шеърларининг кучли таъсири билан кейин тузилган ўнлаб, юзлаб шартномалар Шомаҳмудовнинг юқорида келтирилган гапи ҳам тўғри эканлигига асос беради.

Шундай бўлса ҳам, ўз-ўзидан англашиладики, бу ҳиммат нафақат Ғафур Ғулом яратган ажойиб шеърларининг минглаб кишилар қалбига эмоционал таъсири натижасида пайдо бўлган, бу шеърлар билан биргаликда айни чоқда кўпдан-кўп қалбларда худди шундай эзгулик гуйғуларини, одамгарчилик ҳисларини жўш урдириб, ўша пайтда Қорней Чуковскийнинг 1942 йилда ЎзССР Давлат нашриёти томонидан рус ҳамда ўзбек тилларида нашр этилган публицистик китоблари, шунингдек, В. Луговской ва С. Сомова томонидан тузилган, ўша нашриётда чиққан «Бизнинг болаларимиз» деган коллектив тўплам, Ефим Дорощининг Андижоннинг «Коммунист» газетасида эълон қилинган «Қайтарилган болалик» очерки ва ўша пайтда Ўзбекистонда яшаб турган рус, украин, белорус ёзувчиларининг бошқа кўплаб газета материаллари бирга қўшилиб қудрат билан янграганди.

1942 йил охирида машҳур рус носир ва драматурги Николай Вирта «Правда»да шундай деб ёзган эди:

«Совет Осиёси—нафақат жанг майдонларидаги шафқатсиз жангчи, қурол-аслаҳа ишлаб чиқараётган заводларнинг нафақат стахановчиси, нафақат ҳосилдорлик аълочиси, нафақат озиқ-овқат, пахта, отулов, витаминлар ва шу сингари зарур маҳсулотлар етказиб берувчиси—у фашистлар томонидан ватани, бошпанаси, ота-онасидан жудо қилинган кўпдан-кўп кишиларнинг опаси ҳамдир.

Фашистлар вақтинча босиб олган областлардан Ўзбекистонга кўп миқдордаги болалар етиб келди. Улар етимчалар ёки киндик қонлари тўкилган қишлоқ ва шаҳарларидан қочиш пайтида ота-оналаридан адашиб қолган болалардир. Улар ташкилий суратда гуруҳ-гуруҳ бўлиб, баъзан эса ўзларича якка-якка келганлар.

Ҳукумат болаларни қабул қилиб оладиган ва тақсимлайдиган махсус комиссия тузди... Комиссия томонидан жойлаштирилган болаларнинг миқдори, ҳар ҳолда, ўн минглаб рақам билан ҳисобланади.

...Аксарият болаларнинг оталари ўз ерларида, фронтда жанг қилишарди. Ўзбекистон ва унинг халқи бошлаган иш шу жиҳатдан хайрли эди.

...Қўқонда турадиган танишим шундай ҳикоя қилган эди:

«Биз ўртоғим билан кинотеатр олдида туриб, радиодан берилаётган ахборотни тинглардик. Диктор фронтдаги мухбирнинг мақоласини ўқирди. Унда фашистларнинг испанлардан тузилган қисми бизнинг фронтимизда тор-мор қилинганлиги баён қилинарди.

— Менинг уйимни улар вайрон қилишди,— деди ёнимиздагилардан кимдир, бегона тилдаги талаффуз билан.— Улар олдин уйимизни талашди, кейин ўт қўйиб юборишди. Мана ўч олишибди-ку!

Мен ёнимга қараб, буғдой ранг, чиройли қизга кўзим тушди. У русга ҳам, ўзбекка ҳам ўхшамасди—бу испанлар хилидаги аёллардан эди.

— Испанмисиз?— деб сўрадим ундан.

— Ҳа,— деди у,— мен мадридликман, исмим Рамона Санга Зува-

лия. Фашист исёнчилари унинг яқинига кириб келганларида она шахримдан чиқиб кетганман. Менинг бир ўзим чиқиб кетганман, онам эркаклар билан бирга жанг қиларди, у фашистларга асир тушиб қолди, уни дорга осиди. Ушанда мен ўн икки ёшда эдим.

Рамона Санта Зувалия ўзи ва дугоналари ишлайдиган ерга мени таклиф қилди.

Мен рус ҳамда ўзбек аёллари билан ўша испан аёли дастгоҳда ёнма-ён туриб ишлаётган тикувчилик устахонасига бордим. Уларнинг ҳаммаси жуда ёш бўлишса ҳам, фашизм нималигини яхши билади. Улар устахонага яқинда, бундан бор-йўғи бир йил олдин келишибди, лекин устахонадаги тажрибали эски усталарнинг ҳурматини қозониб олишибди.

Рамона Санта Зувалия мени дугоналари билан таништирди. Лола Бордо рус ёзувчилари асарларини ўқиётганлигини, рус тилида эса бемалол гаплаша олишини айтди. Фаустина Санчес ҳозиргина битирган буюртмани кўрсатди. Буюртма муддатидан ўн соат олдин бажарилганлигини ифтихор билан гапирди. Пила Гарсия, Тереза Родригес, Роза Вильяскалар Москва тўғрисида жуда кўп сўраб-суриштиришди, лекин ишларини бир нафасга ҳам тўхтатишмади.

Испан аёллари Ўзбекистонни яхши кўриб қолишибди.

— Бу ердагилар,— деди Рамона,— фронт ҳақида кўп ўйлайдилар ва фронт учун кўп ишлар қиляптилар. Биз янги ватанимиз билан фахрланамиз».

Бу ерда гап юритганимиз қиз-жувонлар уруш йилларида Ўзбекистондан бошпана топган испанларнинг кичик гуруҳи холос. Уларнинг 150 кишидан иборат асосий қисми Самарқандда жойлашган. Келишлари билан уларнинг ихтиёрига дарҳол 29-сонли мактаб биноси берилган. Кичик ёшдаги болалар бутун уруш йилларида, то Москвага қайтгунларига қадар мана шу мактабда ҳаёт кечиришди. Катталар учун...

### ЎзССР ХКС

#### 1794-СОНЛИ ҚАРОР

1943 йил, 10 декабрь

Тошкент шаҳри.

#### САМАРҚАНДДАГИ ИСПАН ЁШЛАРИ УЧУН ЁТОҚХОНА ТАШКИЛ ҚИЛИШ ҲАҚИДА

1. Самарқанд шаҳаридаги олий ўқув юртлари ва техникумларда гаълим олаётган испан ёшлари учун Самарқанд шаҳрида 80 кишилик ётоқхона ташкил қилинсин.

2. Шу йил 15 декабргача ётоқхона учун зарур бино топиб, уни каравот ҳамда ўрин-кўрпа билан жиҳозлаб бериш Самарқанд шаҳар ижрокомига топширилсин...

Руслар, ўзбеклар, украинлар, белоруслар, литваликлар, молдаванлар, яҳудийлар, поляклар, руминлар, испанлар — чинакам каттакон оила. Унда сара-пучак бўлмаган, у «ўзимизники» ва «бегонага» бўлинмаган. Бу интернационал оилада она халқнинг оналик меҳри, бағри ва ҳиммати ҳамма болалар учун, у қаерда туғилган, болалар уйига қаердан— Жиззах ёки Полтава қишлоғи, Ленинград, Бобруйск, Мадрид, Краков, Бухарест ёки Олтиариқданми бари бир — келганлигидан қатъи назар, барчасига баб-баравар бўлган. Гарчи — нимасини бекитамиз—бу оила ҳам замоннинг қаттиқ шароитига кўра ўзининг мушкулотларини, кундалик қийинчиликларини билиб, кўриб турган.

Булардан энг асосийлари ҳақида тармоқлари бир неча баробар ортиб кетган болалар уйларини, уларнинг контингентларини озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак, ўтин-кўмир билан таъминлашдаги

қийинчиликлар ҳақида айтиб ўтгандим. Эсингизда бўлса, бу мушкулларни ҳал қилишнинг асосий манбалари энди мавжуд эди. Чунончи ажратиладиган маблағ бирмунча ортган, болалар уйларининг марказлаштирилган таъминоти вужудга келган—бу бир томондан бўлса, бошқа томондан, оталиқққа олган муассаса, жамоат ташкилотлари ва колхозлар кўп томонлама ёрдам бериб турар, меҳнаткашлар коллективлари ҳамда айрим кишилар ёрдам фондига ихтиёрий равишда пул топшириб турардилар. Лекин вақти келиб, болалар уйларини озиқ-овқат маҳсулотлари ва қисман ўтин-кўмир билан таъминлашнинг яна бир, учинчи манбаи юзага келди. Мана ўша манба.

### ЎзССР ХКС

#### 745-СОНЛИ ҚАРОР

1943 йил, 17 июнь

Тошкент шаҳри.

#### **БОЛАЛАР УЙЛАРИНИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИН ЭТИШНИНГ ҚЎШИМЧА МАНБАИНИ ЮЗАГА КЕЛТИРИШ ТЎҒРИСИДА**

...1943 йилда ҳар бир болалар уйи ҳамда болалар интернатлари қошида ёрдамчи хўжаликлар ташкил қилинсин ва уларни давлат фонди ҳамда совхозларнинг директорлари билан келишилиб, совхозларнинг ери ҳисобидан экин-тикинга яроқли ер участкалари билан таъминлансин.

Болалар уйларига 1943 йил 1 июлгача 200 бош чўчқа боласи, 200 бош соғин сигир, 1 августгача 10000 дона жўжа сотилсин, икки ой муддат ичида 750 бош от тайёрлансин ва болалар уйлари ҳамда интернатларга берилсин, болалар уйлари ва интернатлари қошидаги ёрдамчи хўжаликларга қурилиш ишларига ёғоч материаллари тайёрлаш учун зарур бўлган ёғоч кесадиган асбоб-ускуналар ажратилсин.

Архивлардан йиғилган маълумотларга қараганда, 1943 йил кузга келиб республика болалар уйлари қошидаги ёрдамчи хўжаликларнинг умумий майдони 1039 гектарни ташкил этган. Бу ернинг катта қисмига донли экинлар экилган, қолганларида сабзавот, полизчилик экинлари ўстирилган. Дастурхонга келиб қўшилган қўшимча ноз-неъмат уни сезиларли даражада безаган, шундай бўлса-да, ҳукумат қароридида кўрсатилганидек, бу ҳам ҳали етарли эмас эди. Шунинг учун ўша йили ноябрь ойида ЎзССР ХКС ана шу масалага яна қайтди ва «Болалар уйлари ишини яхшилаш ҳақида» қарор қабул қилади, уларнинг марказлаштирилган таъминотидан кўнгил тўқ бўлиши учун озиқ-овқат саноати Халқ Комиссарлиги, Балиқ саноати, Гўшт-сут саноати халқ комиссарлиги, ЎзССР Ўзбекбирлашувига болалар уйларининг озиқ-овқат ҳамда саноат моллари фондларига мол бериб, белгиланган нормада тўла таъминлаш юклатилади, барча област ижрокомларига, Қорақалпоқ АССР ХКС ва Тошкент шаҳар советига шу йил 1 декабр гача ёрдамчи хўжаликлари бўлмаган барча болалар уйларига улар турган жойдан 5 кмдан узоқ бўлмаслик шарти билан ер участкаси ажратиш юкланади. Болалар уйларига ер участкаларини ҳайдашда, уй ҳисобига камида 2 гектардан кузги дон экишда МТС ҳамда колхозлар орқали ёрдам бериш топширилади.

Архивлар (бу ишга бош қўшган шахсларнинг хотиралари тасдиқлашади) республика партия-ҳукумат органлари муайян фойдали қарор қабул қилиш билан чекланиб қолмай—«имзо чекиш билан елкамдан соқит қилдим» қабилидаги тўраларча принципга зид ўлароқ— қабул қилган қарорларини амалга ошириш учун ўзларининг ташкилот-

чилик фаолиятлари билан амалий шароитлар барпо этганликларидан далолат беради. Мана фақат биргина яққол мисол.

**ЎзССР ХКС**  
**764-Р СОНЛИ ҚАРОР**

1944 йил, 1 март

Тошкент шаҳри.

ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги болалар уйларидаги иш ҳайвонларини боқиш учун:

1. ЎзССР МХКга ЎзССР ХКС ҳисобидан Янгийўлдаги ёғ заводидан 10 тонна шулха бериш ўзбек ўсимлик ёғ-мой конторасига юклатилсин.

2. ЎзССР МХКга ЎзССР Тўқимачилик ХКга ажратилган фонд ҳисобидан 2 тонна кунжара ўтказишга Ўзбек ўсимлик ёғ-мой бош конторасига рухсат этилсин.

Мен китобхонда, Ўзбекистон Коммунист (большевиклар) партияси Марказий Комитети, ЎзССР ХКС, эвакуация қилинган болаларга ёрдам берувчи Республика комитети болалар уйларидаги тарбияланувчи болаларга катта, кундалик эътибор берибдию, «асранди қилиб берилган», одамлар хомийликларига олганларга ғамхўрлик кўрсатишни унутиб қўйишибди-да, деган тушунча пайдо бўлмаслигини истардим. Йўқ, ундай эмас. Болалар комиссиясининг жамоатчи вакиллари уларнинг аҳволидан мунтазам суратда хабар олиб туришганини, бу тиним билмас аёллар янги ота ва она асрандисига қандай муносабатда бўлаётганидан хабардор бўлиб боришганини, агар бирон бир нохушликни сезиб қолгудек бўлишса, ўша заҳоти болани олиб қўйишганини юқорида айтиб ўтгандим. «Уй» болаларига бериладиган 10 мингта нонуштадан 6 мингтаси бепул берилишини ҳам гапиргандим. Бу фикримни яна бир ҳужжат билан тасдиқлайман.

**ЎзССР ХКС**  
**481-СОНЛИ ҚАРОР**

1943 йил, 26 апрель

Тошкент шаҳри.

**ЭВАКУАЦИЯ ҚИЛИНГАН ГРАЖДАНЛАРНИНГ БОЛАЛАРИНИ ОВҚАТЛАНТИРИШНИ**  
**ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА**

...ЎзССР Савдо ХКга саноат моллари бўйича II квартал планида ҳомийликка олинган болаларни ҳам назарда тутиш топширилсин:

оёқ кийимлар	— 1 минг жуфт
пайпоқлар	— 2 минг жуфт
устки кийим бош	— 750 дона
трикотаж буюмлари	— 1500 комплект
машина ип	— 1500 ғалтак

Чулки, носки, ғалтак ип... Майда-чуйда дейсизми? Бугунги кунда эслаб, гапиришга арзийдими бу нарса?— дерсиз балки.

Арзийди. Чунки бу ерда ҳиқоя қилинаётган жасоратда ҳам худди фронтдаги аскарнинг жасоратидай, кўтаринки ҳолат онлари билан бирга, шундоқ қараганда оғир, майда-чуйда бўлиб туюладиган кундалик ишлар билан куйманилган, чунки жасорат поэзиясининг ўзи оқилона ҳисоб-китоб прозасидан, сермашаққат, кенг кўламли бухгалтериядан ўсиб чиққан, унинг томонидан тайёрлаб берилган ва таъминланган. Балким, кўтаринки туйғулар поэзиясининг оқилона ҳисоб-китоб прозаси билан, бухгалтериянинг қуруқ рақамлари билан доноларча мосланиш — буюк Ғалабамизнинг, фронт ва фронт орқасида қўлга ки-

ритган улкан ютуқларимизнинг шарт-шароитларидан бири худди мана шунда бўлса керак. Мен ҳатто китобхонларнинг қизиқиши йўқолишидан чўчимай, мазкур саҳифаларда баён қилаётганим тарихнинг насрий томонларини ғурур билан эслатиб ўтишга ҳаққим бор деб ҳисоблайман.

Дарвоқе, 42 йилнинг шундай архив ёзувини қайси бўлимга—поэзиягами, прозагами киритишни ким айтади?

«Ленинград областинининг босиб олинган қисмида, немис армиясининг орқа томонида совет партизанларининг кўпсонли довурак отрядлари операция ўтказмоқдалар. Улар фашистларнинг поездларини ағдариб ташламоқдалар, кўприк ҳамда омборларни портлатмоқдалар, гитлерчиларга тинчлик бермай юк ортган карвонларининг кулини кўкка совурмоқдалар.

Совет ҳукумати партизанларнинг бола-чақаларига ғамхўрлик кўрсатди: болалар ва қари-қартанглар фронтнинг орқа томонига ўтказиб юборилди. 98 та партизаннинг бола-чақаси яқинда Тошкентга етиб келди. Болалар дам олдирилиб, шифоланганларидан сўнг Тошкент атрофидаги энг яхши болалар уйларида бирига ўтказилди.

Болалар уйи флигеллари хушманзара ердаги мевазор боғда жойлашган. Болаларни яхшилаб овқатлантириш учун болалар уйи қошида чорвачилик базаси барпо этилмоқда. 5 та қўй, 2 та ғунажин, 5 та чўчқа сотиб олинди. Соғин сигир сотиб олиш учун 70 минг берилди. Болалар уйи маъмурияти қишга ўтин-кўмир ва сабзавот ғамлашга киришди.

Ҳозир ленинградлик болаларни таниш қийин. Улар сезиларли даражада семириб, соғломлашиб қолди».

Етим, эвакуация туфайли Ўзбекистонга келиб қолган болаларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатишда, шубҳасиз, уларнинг соғлиқларини ўйлаш биринчи ўринда турган. Бу ҳақда ўша даврдаги расмий ҳужжатлар халоскорлар ҳамда халос бўлганларнинг хотиралари ҳам далолат беради.

1942 йил 24 мартдаёқ ЎзК(б)П МК қарор қабул қилади:

«ЎзССР Соғлиқни сақлаш ХКга, маҳаллий партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларига болалар саломатлигини сақлашга асосий эътиборни қаратиш, мактаб ва уйлارга бориб, айниқса фронтга яқин жойлардан кўчириб келтирилган болаларга мунтазам равишда медицина хизмати кўрсатиб туришни таъминлаш топширилсин...»

Уша 1942 йилнинг июль ойи бошларида ЎзК(б)П МК ва ЎзССР ХКС «1942 йилнинг ёзги соғломлаштириш кампанияси ҳақида» маҳсус қарор қабул қилиб, бу масалага яна бир бор қайтади.

«Областлардаги соғломлаштириш Комиссияларига,— дейилади унда хусусан,— пионер лагерларга соғломлаштиришга муҳтож, биринчи навбатда — эвакуация пайтида ота-онасини йўқотиб қўйган болаларни, фронтчи-қизил аскарлар ҳамда Улуғ Ватан уруши инвалидларининг фарзандларини жалб этиш топширилсин. ЎзЛКСМнинг ижрокомлар томонидан ташкил қилинган пионерлар таъминотига турли оммавий-томоша тadbирларидан йиғилган 500 минг сўмни бериш ҳақидаги таклифи маъқуллансин».

Санатория типдаги болалар уйлари замон талаби тақозоси билан вужудга келган муҳим шакл бўлиб қолди. 350 кишига мўлжалланган, мактабгача ёшдаги 10 ҳамда мактаб ёшидаги 33 болалар уйлари қўшиб юборилиб ташкил қилинган бундай соғломлаштириш уйи Тошкентда, 100 кишилиги Самарқандда ва бошқа шаҳар ҳамда қишлоқларда ҳам барпо этилди. Эвакуация қилиб келтирилган болалардан заифлашиб қолганлари учун барпо этилган энг йирик соғломлаштириш шаҳарчаси Наманган яқинида эди.

Унинг тарихи бундай:

**ЎзССР ХКС**

**1011-СОНЛИ ҚАРОР**

1942 й. 14 июль

Тошкент шаҳри.

**«Ғова қишлоқ Советида болалар шаҳарчасини ташкил қилиш ҳақида»**

**ЎзССР ХКС ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Наманган область, Чуст район Ғова қишлоқ советидаги Ўзпром-союзкасса дам олиш уйига қарашли биноми мебеллари, инвентарлари билан 116 ўринли мавжуд болалар уйи составида эвакуация қилинган болалардан 250 кишига янгитдан ташкил этилаётган болани соғломлаштирадиган болалар шаҳарчаси ташкил этиш учун Ўз ССР МХКлигига вақтинча, уруш тугагунча берилсин.

2. Болалар шаҳарчасини унга зарур маҳсулотлар билан таъминлаш шarti билан ҳайвонлар ва ёрдамчи хўжалик Ўзпромсоюзкасса ихтиёрида қолади.

3. Соғаяётган гўдак уйидаги овқат нормасини болалар уйларидагига қараганда 50 фоиз кўпайтирилсин.

4. ЎзССР МХКга болалар шаҳарчаси контингентини 400 кишига етказиш топширилсин.

5. Янгитдан ташкил этилаётган соғломлаштириш уйини шу йил 30 июлга фойдаланишга топширилсин.

Ишлар жадаллашиб кетди. 1942 йил 22 июлида республика Маориф ХК лиги бўйича чиқарилган 745-сонли буйруқ билан болаларни соғломлаштириш Ғова шаҳарчасининг биринчи навбатдаги ташкилий ишлари — биноларни ремонт қилиш, от-арава ҳамда буларга асбоблар, сигирлар ва уларга ем-хашак сотиб олиш учун 110 минг сўм берилади. Шаҳарчининг контингенти 400 киши қилиб белгиланади. Намангандаги 3-сонли болалар уйи директори лавозимидан (бошқа жойга ўтганлиги сабабли) озод этилган Павел Сафронович Медведов директор қилиб тайинланади. Болалар шаҳарчасининг собиқ ходимларидан бири менга яқинда шундай гапириб берди:

Болаларнинг биринчи гуруҳи келган куннинг эртасига Павел Софронович бизларни тўплаб, ўзига хос қатъият билан, «Бизга ишониб қўлимизга топширилган болалар — уруш болалари, касалдан турган, ҳатто ярадор бўлган — жисмоний жароҳатланмаган бўлса, бошқа ери, қалби жароҳатланган нимжон болалар. Бу ердан улар болалар уйларига соғлом бўлиб қайтиб кетишлари лозим. Шуни огоҳлантириб қўяманки, ўлим чангалидан биз асраб қололмаган ҳар бир болани врач, медҳамшира, санитар мен билан бирга қабрга кузатиб боради.

— Ғова бежиз танланмаган эди — атрофи тоғ, салқин, Россия марказидан, Украина, Белоруссиядан келган, бизнинг ёзги иссиғимизга одатланмаган нимжон болалар учун бу ер ҳаётбахш бир жой эди, — деб эслайди Павел Софронович. — Бизга миллион, ҳатто ундан ортиқ пулга смета тузилди, лекин бу билан бирга, врачлар назорати ва даволаш, санаторийлардагидек озиқ-овқат, маданий ҳордиқ, уйдагидек бемалоллик каби шароит ҳам яратиш назарда тутилди. Уша оғир пайтни назарга олинса, бу вазифа осон эмасди. Тўғри, область ҳам бизни қўллаб юборди: область соғлиқни сақлаш бўлими энг яхши шифокорларини, область халқ маориф бўлими энг одамохун педагоглари бери. Ҳаммаси бўлиб, техперсонал билан бирга, олтмиш кишини бизга ишга юборди. Тўғриси айтиман, агар биз ўшанда ўз вазифамизни бажарган бўлсак, бунинг учун раҳматимизни биринчи навбатда облторг ходимларига изҳор этамиз. Улар бизни деб қанча елиб-



югуришмади. биз учун нималар қилишмади! Сариф ёғ, ўсимлик мойи, ҳар хил ёрмалар, ун, қанд, тухум, сабзавотлар, мевалар, ҳатто какао — барчаси биз учун, биринчи навбатда биз учун бериларди. Бошида гўшт билан таъмин қилиш ёмон бўлди. Июлнинг иссиқ кунда шаҳардан қирчанғимизда етказиб келгунимизча гўшт ҳидланиб, айниб қоларди. Намангандан Ғовагача ҳар қалай етмиш километр йўл, яна тоғ йўли. Ҳар қанча янги бўлмасин, ҳаммаси бузилиб бўлади. Облторгдагилар ёз мавсуми учун бизга бериладиган бутун емишни тирик вазнида бир йўла ажратишни ўйлаб топишди. Шундай қилиб бутун бир подани Ғовага ҳайдаб келтиришди, биз эса бу ёғига ўз билгимизча иш тутдик: семиз молларни сўйишга ажратиб, қолганларини яйловга ҳайдадик. Шундан берисига бизда ҳамшиша янги гўшт бўлиб турди.

Биринчи партия — турли болалар уйларидан тўрт юз бола — келгани эсимда. Қасал, бедармон, рамақижон. Баъзиларини аравалардан ётадиган каравотигача қўлда кўтариб, баъзиларини кўрпага ўраб олиб боришга тўғри келди. Медицина кўригидан ўтказдик, группаларга бўлиб чиқдик. Шунчаки бедармон, ориқлаб силласи қуриганларини бир ёққа, тўппа-тўғри касалхоналардан келганларини бошқа ёққа ажратдик. Ҳар бир группанинг ўз корпуси, ўзининг алоҳида режими, ейдиган овқати менюси, кун тартиби белгиланди. Қасалларга дори-дармон бериш, турли машқлар — столда ўтириб ўйналдиган ўйинлар, овоз чиқариб ўқиш тадбирлари қўлланди, бошқаларига озиқ-овқат кучайтирилди, очиқ ҳавода ўйин, кейин эса походлар, гулханлар, спорт мусобақалари; бадний ҳаваскорлик каби машғулотлар йўлга қўйилди. Буларнинг барчаси врачларнинг назоратида, мураббияларнинг раҳбарлиги остида бўларди, албатта.

Биз қарамоғимиздаги болалардан бақувватроқларини хўжалик ишларига жалб этишни керакли ҳамда фойдали деб ҳисоблардик, баъзилари ошхона, баъзилари томорқада ва баъзилари спорт майдончалари барпо қилишда қўлларидан келганча ёрдамлаша бошладилар.

Келган пайтида улар учун ажратилган беморлар группасига белгиланган болаларни соғлар группасига ўтказилган кун бизнинг ҳаммамиз учун — болалар учун ҳам, биз учун ҳам катта байрам бўларди.

43 йилнинг ёз фаслида бизнинг шаҳарчамизга 1200 бола — июнь ва июль ойларида мактаб ўқувчилари икки сменада, августда мактабгача ёшдаги болалар — келиб, соғломланиб кетди. Улар Ғовада бўлган муддатлари ичида ҳар бири ўрта ҳисобда беш-етти килограммгача семирди, келган пайтида қўлда кўтариб ётоғига олиб борилганлари ўз оёқлари билан юриб, ўйноқлашиб чиқиб кетишди.

Башарти жуда заиф ҳолатда бизга келган бўлса, бола бир сменада соғлиғи ва куч-қувватини тиклаёлмасди, бунақалар иккинчи сменага, борди-ю зарурат туғилса, учинчига, демак, бутун сезонга қоларди. Ҳарҳолда шунини биламанки, қувватга кирмаганларга жавоб бериб юборилган ёки яна касалхонага қайта ётқизилган биронта ҳам ҳодиса бўлмаган бизда. Бунақаси юз берган эмас.

Биз, 44-ва 45-йилларда, яъни уруш тугаганда ҳам соғломлаштириш кампаниясини шундай ўтказдик.

Билмадим, ҳозир ёшлари қирқдан ошиб кетган ўша болалар бизни эслашармикан. Биз уларни ҳамма вақт эслаймиз.

1944 йилдан олдинги учта ёз мавсумида республика Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги санаторийлари ҳамда болаларни соғломлаштириш шаҳарчаларида 10 минг бола саломатлигини яхшилади. Болалар уйларида тарбияланувчилардан 17 мингтаси шаҳардан ташқаридаги боғларда ва пионер лагерларида дам олди.

Бироқ бу билан, Ўзбекистондан паноҳ топган етим болаларга кўрсатилган бутун ғамхўрлик фақат уларни едириш, ичириш, уст-боши-

ни, оёғини бут қилиш, уларга бошпана бериш, жисмоний соғлиқларини, куч-қувватларини тиклашдангина иборат экан, деган фикрга бор-маслик керак.

Архивларни ўрганиб чиқиб, ўша пайтда болаларни қутқариб қолиш ишида иштирок қилганлардан кўпчилигининг гаплари мағизини чақиб, Ўзбекистон болалар уйларида тарбияланганларнинг мактубларини ўқиб, бу ҳаракат болаларни фақат жисман, уларнинг жонлари ҳамда саломатликларинигина сақлаб қолиш учун эмас, балки, бу ҳаракат аини чоқда, ҳатто ўша вақтда, ҳатто ўша мураккаб, ғоят оғир шароитларда болаларнинг юракларидаги жароҳатларни тузатиб юбориш учун, маънавий соғлиқларини сақлаб қолиш учун ҳам кураш бўлганига амин бўласан киши. Ўша пайтда катта харажат сарфлаш талаб қиладиган ташкилий, молиявий, хўжалик вазифалари ҳеч нарсага қарамай, яхши кунларгача пайсалга солмай амалда отряд ва группа билан коллектив меҳнатда, болалар уйининг ҳар бир тарбияланувчисига алоҳида ёндашиб — ижтимоий ҳамда индивидуал педагогика ва психологиянинг улкан проблемалари, шахснинг ғоявий, ахлоқий ҳамда эстетик шаклланиши масалалари билан биргаликда параллель равишда ҳал қилинганлигига амин бўласан.

Бу ҳақда кейинроқ ҳикоя қиламиз.

## Бедарак йўқолганлар

Агар эсингизда бўлса, собиқ Сталин области Харцизский районидаги Воровский номи Зуев болалар уйи тарбияланувчиси Леня Поклонскийнинг номи китобнинг биринчи қисмида тилга олинган эди. У ҳақда батафсилроқ гапириш фурсати келди...

1970 йил ёзда Ўзбекистон МХКнинг собиқ ходимлари — жамоатчи аёллар комиссияси адресига бирин-кетин учта хат келди. Уларнинг мазмуни бир хил, бир хил ўтинчдан иборат эди.

МОСКВА ОБЛАСТЬ, ПОДОЛЬСКИЙ РАЙОН,  
ШЕРБИНКА СТАНЦИЯСИДАН КЕЛГАН ХАТ

Ҳурматли ўртоқлар!

Сизларга илтимос билан мурожаат этишга аҳд қилдим: қўшним Надежда Ивановна Погорельскаянинг ўғлини топишга ёрдам берсанглар. У ўғлини уруш тугагандан бошлаб то шу кунгача қидиради, лекин ҳамон тополмаяпти.

Надежда Ивановна — Ватан ҳимоячиси, Улуғ Ватан уруши инвалиди, пенсионер.

Унинг беш яшар ўғли Леня Поклонский 1935 йилда мушкул, айтиш мумкинки, фожеали оилавий шароитда (ўша пайтда Сталин области) Зуевка қишлоғидаги болалар уйига тушиб қолади. Уруш бошланган пайтда у ўн бир ёшда эди. 1945 йили, армиядан бўшатилиши биланоқ, Надежда Ивановна Зуевкага боради. Район маориф бўлимида унга, ўғли турган болалар уйи Ўрта Осиёнинг қаеригадир эвакуация қилинганини айтишади. У Тошкентга келади. Ундан кейин Самарқандга, Фарғонага, Наманганга боради. Лекин ҳамма ҳаракати зое кетади — на ўғлини ва на унинг изини топади у ерлардан. 47-йили Донбассга иккинчи марта боради. Кейин тўғри келган томонга — милицияга, Қизил Крест жамиятига, радионинг «Инсонни излаймиз» программасига, йўқолган ўғлининг тасодифий фамилиядошларига хат, мурожаат, талабномалар йўллади. Ҳамма томондан — йўқ, йўқ, деган битта жавоб келди. Шундай қилиб шўрлик она шу пайтгача ёлғизгина боласининг тақдири юзасидан ҳеч нарса билолмай келяпти, тирикми, бирон фалокат бўлганми — номаълум.

Қимматли ўртоқлар! Балким, сизларда уруш пайтидан сақланиб қолган рўйхатдан Лёня Поклонский ҳақида бирон нима чиқиб қолар? Балким, бир вақтлар у билан бирга Зуевкадаги болалар уйида тарбия кўрган бирон кимса жавоб берар? Ёрдам қилинглар, барака топқурлар. Она бечора тортаётган азоб-уқубатларга қарашга юрак бетламайди.

*Гуськова Елизавета Михайловна,*  
икки боланинг онаси.

#### МОСКВАДАН КЕЛГАН ИККИНЧИ ХАТ

...Балким, уруш йилларида кўчириб келтирилган болаларни қутқариш иши билан шуғулланган сизларга ўн бир яшар Лёня Поклонскийнинг исми бирон жойда дуч келгандир? Балким, сизлардан биронтангиз Воровский болалар уйи билан бирга ўлкаларингизга бориб қолган малласоч, кўк кўз болани эсида сақлаб қолгандир? Уша йилларнинг болалари, Лёня Поклонский ёшидаги дастёрликка яраб қолган болаларни балким, алоҳида эсларсизлар, ахир.

Бутун йиллар давомида, менинг билишимча, Надежда Ивановна Погарельская ўғли билан учрашиш умиди билан яшаяпти. Унинг бутун ўй-хаёли, бутун гап-сўзи ўғли. Ҳатто тушида ҳам унинг тимсолидан ажрамайди. Уни саккизга кирганида сўнгги бор кўрган. Унинг тортаётган азоб-уқубатини ҳеч ким тортмасин илойим. Мана шунинг учун ҳам сизлар қўлларингдан келадиган барча ишни қилишларинг, яъни Лёня Поклонскийни излашларинг ёки ақалли унга нима бўлганлигини айтишларинг лозим. Бизлар газетада ўқиб билган сизларнинг комиссияларингиз энди азобдийда она умид боғлаган сўнгги сомон парчаси бўлиб қолган.

Билмадим, менга бутунлай нотаниш кишиларга бундай деб ёзишга ҳаққим бормикан, шундай бўлса-да, ёзаяпман: азиз ўртоқлар, бир одамнинг ҳаёти сизларга боғлиқ бўлиб қолган. Уни қутқариб қолинглар!

*Потехина Ирина Валентиновна,*  
503-сонли мактаб ўқитувчиси.

#### ДОНЕЦКДАН КЕЛГАН УЧИНЧИ ХАТ

Ҳурматли ўртоқлар — комиссия аъзолари!

Сизлардан жуда ўтинаман: бир вақтлар оғир пайтларда мен учун меҳрибон она, ҳозир эса туғишган опам бўлиб қолган аёл Надежда Ивановна Погорельскаяга ёлғизгина ўғлини топишда ёрдам беринглар.

Надежда Ивановна ва ўғли Лёня Поклонский билан мен урушга қадар танишганман. Бу шундай содир бўлганди. 1931 йилда мен, Анастасия Федоровна Сердюк, ўн ёшда эдим, укам Павлик еттида, синглим Мария беш ёшда эди, биз ота-онамиздан ажралиб етим бўлиб қолдик. Қариндош-уруғимиз ҳам йўқ эди. Учаламиз оч, бошпанасиз, чуруқ-чариққа беланиб, Макеевкада хайру эҳсон тиланиб дарбадар юрардик. Тўғри келган ерда — йўлакдами, гоҳо аллақандай кулбаларда, баъзида эса шундоққина кўчада ётиб ухлардик. Кунлардан бир куни — қиш эди — ҳовлига кириб бордик, бир-икки эшикни қитирлатдик — очишмади. Бирдан қаердандир ён томондан — биз у томонда одам турмаса керак деб ўйлагандик — битта аёл пайдо бўлиб қолди. Ёш, чиройли, кўзлари, худди бўтакўздай, кўм-кўк, фақат ўзи жудаям ориқ эди. Эғнидаги кийим-боши ҳам бизникидан яхши эмас. Биз унга қараб қолдик, одатдаги сўзимизни айтолмаймиз. У бўлса бизга кўз югуртирди: совқотган, очликдан қоқ суяк бўлиб қолгандик, кейин кимлигимизни, қаерда туришимиз, бу уйда нима қилиб юргани-

мизни мулойимлик билан суриштирди. Мен катта бўлганим учун ҳаммасини айтиб бердим, охирида одат бўйича тиландим: холажон, худо йўлига хайр қилинг!.. Шу пайт кичкиналар ҳам менга жўр бўлишди. Унинг мулойим юзида нимадир титраб кетди. Ҳаммамизни тўдалаштириб эргаштириб олиб кетди. Бу аёл турадиган хона қачондир ёзги ош-хона бўлган бўлиши керак. Плита, катта каравот, устига газета ёпиштирилган столча. Каравотда увадаси чиқиб кетган кичкина кўрпага бир ёшлик гўдак ўраб, ётқизиб қўйилибди. Ушанда бизларни ҳайратга солган нарса деворлардаги қиров бўлди. Плитага яқин ерда у эриб кетган, сал нарироқда пастга сизиб оқарди. Дераза ва эшик ойналари атрофига қор каштасини солиб ташлаган. Хона шунчалик тор эдики, аранг жойлашдик. Меҳрибон аёл бизни овқатлантди, мен укаларимни, юринглар, кетадиган вақт бўлди, дегандек турткилай бошладим. У эса: «Қаёққа борасизлар? Қола қолинглар! Яхши кунлар келгунча бирга тураверамиз», дейди. Шундай қилиб биз Надя хола билан унинг ўғли Ленининг олдида қола қолдик.

Уша пайтда Надежда Ивановна Макеевкадаги қандайдир шахтада кўмир ташувчи бўлиб ишларди. Тонгда кетади, қош қорайганда ҳам кайтмайди. Келди дегунча, қопу челак оламиз-у, вагонга кўмир юклайдиган майдончага биқиниб бориб, қоп билан челакни тўлдириб, орқамизга қайтамыз. Яқинда дайдиб юрган биз, дайдиларга бу турмуш худди эртақлардагидек сеҳрли бўлиб туюларди. Уйғонганимизда баъзан девордаги қиров бир неча энлик қалинлашиб қолганини кўриб, уни ўйнаймиз. Бизнинг умумий онамиз хавотирланиб оқ-воҳ қилишига ҳеч ақлимиз етмайди. Онамизнинг ўзи эндигина йигирмага кирганди холос!

Надежда Ивановнаникида қанча яшадик — аниқ эсимда йўқ. Қиш бўйи бўлса керак. Эсимда, у бизларни бир неча марта горонога олиб борди, у ерда нималардир деди, ниманидир исботлади, кейин аччиқланиб ҳаммамизни қайтариб олиб кетди. Кейин билсам Надежда Ивановнадан у ердагилар бизларнинг метрикамизни, справка талаб қилишган экан. Биз боқимсиз болаларда қанақа справка, яна қандай метрика бўлсин! Бари бир Надежда Ивановна айтганини қилдирди — бизларни болалар уйига жойлаштириб қўйди. Харцизекка ўзи олиб борди, болалар уйи ўша ерда эди. Мен билан Павлушкани катталар группасига, уни кейин Нижний Кринкага ўтказишди. Марияни биздан ажратиб, бошқа ёққа, мактабгача ёшдаги болалар уйига йўллашди. Уни мен кейин ҳеч қачон кўрмадим. Укам Павел Сердюк урушнинг охирларида Ватан учун, Венгрияни озод қилишда мардларча ҳалок бўлди.

Урушдан кейин биз Надежда Ивановна билан топишиб олдик, чин кўнгулдан борди-келди қилиб турамыз.

Ун ёшлик қиз болалигимда, ўзи бир амаллаб кун кўраётган, қўлида касалманд гўдак, ҳали қиз бола ёшидаги аёл яна учта болани бағрига олиши нима эканлигини, бунда қандай саховат ва инсоний эзгулик ётганини унча тушунмасдим, албатта. Энди тушунаман. Агар ўшанда у менга онамдай бўлиб қолган бўлса, энди Надежда Ивановна мен учун туғишган опам. Мен то тирик эканман, ундан кечиб кетмаман. Мана шу меҳр-муҳаббат, доимий миннатдорлик менга ушбу хатни Сизларга ёзишни эсимга солди.

Бизларни Надежда Ивановна болалар уйига жойлаштириб ҳам тинчимади, тез-тез келиб хабар олиб турди, ҳар келганида совға-салом олиб келар, аҳвол-тирикчилигимизни суриштирар эди. Ўзи бўлса, тобора сўлиб, ориқлаб, қоқ суяк бўлиб борарди. Афтидан, у жуда қийналиб қолган эди. 35 ёшга кирган пайтида у ҳеч иложини тополмай, ўғли Ленини, ташландиқ бола экан, кўчадан топиб олдим, деб улар

яқинидаги Зуевка болалар уйига топширганини, ўзи эса Ростовга кўчиб ўтганини урушдан кейин билдим.

Кейинги сафар биз 45-йилда, Надежда Ивановна фронтдан сўнг ўглини излашга келганида кўришдик. Лекин унинг изи топилмади.

Мен она сифатида Надежда Ивановна юрагида қандай оғир дард-ни кўтариб юрганини яхши тушунаман ва у билан бирга қийналаман. Утиниб сўрайман сизлардан, ўртоқлар, Лёня Поклонскийни излашда бизга ёрдам беринглар. Бутун илинжимиз энди сизлардан.

*Ковалевская Анастасия Федоровна.*

Бирин-кетин келган бу учта хатдан олижаноб, меҳрибон, қисмати сирли аёл қиёфаси, азобдийда она тимсоли, хира бўлса ҳам, умумий чизгиларда гавдаланади. У тортаётган гамига шерик бўлмаслик мумкин эмас. Аини пайтда эса, бу туйғуларга қарама-қарши ўлароқ, бошқа бир нарса, беихтиёр равишда — ўз жигарпорасини, гўё раҳмдил она бўлиб, кўчадан топиб олдим деган баҳона билан болалар уйига топширишга қандай алоҳида вазият мажбур қилди экан? Ва умуман онага хос бўлмаган бундай ишга қўл уришни оқлайдиган, борингки энг даҳшатли ҳам дейлик, вазият бўлармикан ўзи?— деган саволлар туғилиши турган гап. Шуниси ҳам борки, шундай олижаноб, бегоналарнинг болаларига шунча раҳм-шафқатли бу аёл ўз боласига нисбатан қандай қилиб тошюраклик қилиб қўйгани ақлга сиғмайди...

Надежда Ивановнанинг хатлари, шахсий суҳбатимиз пайтидаги ҳасрат тўла ҳикоялари бу шўрлик онанинг бундай шафқатсизликкача боришига нима сабабчи бўлганини тушунишимга ёрдам қилди. Уша қора кунлар содир бўлган бу шафқатсизлик, меңга аён бўлишича, фақат ўғлигагина эмас, балки, даставвал, онанинг ўз-ўзига нисбатан қилган шафқатсизлиги ҳам эди.

Настенька Костилева камбағал деҳқон оиласида энг кенжа, ўн иккинчи фарзанд эди. У Донецк чўлларида йўқолиб кетган қишлоқ ертўласини ҳам, туғилган уйини ҳам эслолмади. Сал улғайгач «Поля ойи»нинг сўзларидан у ўғайлигини билиб олади. 1913 йилда, қиз бола икки ёшга кирганда, тул қолган она уни қўшни қишлоқлик бефарзанд Шапаваловлар оиласига бериб юборади. Кўп ўтмай «Степа дада» қаёққадир ғойиб бўлади, бир неча йилдан сўнг қайтиб келганида, Настенька уни таниёлмайди: у ориқлаб кетган афт-башарасини оппоқ соқол қоплаб олган, нафаси қисиб йўталар, тобора букчайиб борарди. У қўшниларга найзабозлик атакалари, суви белдан келадиган окоплар, немисларнинг кўзни ачиштирадиган, кўнгилни айнитадиган гази тўғрисида айтган гапларини эшитарди. Кўпинча у оғир азоблар, шимолдаги ёғоч кесиш, у ердаги очлик, таҳқир натижасида кўплар ўлиб кетгани ҳақида ҳикоя қиларди.

Кунларнинг бирида «Поля ойи» уни ҳовлидан чақириб олиб, қовоқ-тумшуғи осилиб: «Уйга кир. Даданг ўлими олдидан сенга оқ фотиҳа бермоқчи!»— дегани хотирасига ўрнашиб қолган. Ушанда Настя ўн ёшга бориб қолган эди.

Ушандан буён у эртадан кечгача ишлаганини, «Поля ойисининг» нон, туз берганини, писанда қилган таъналарини, унинг қаттиқ муштини, текинхўр деб қарғашларини эслайди. Настенька қандай ишларни бажармаган! «Поля ойининг» кўйлак-иштонини, қўшимча пул топиш учун қўшнилардан йиғиб келган кирларни ювар, томорқани ўтоқ қилар, ёғоч уйни оқлар, сувар, обкашда сув ташир, уй паррандаларини боқар, молларни ўтлоққа олиб чиқиб ёйиб келарди. «Поля ойи» эса ўзидан ортмас — азонлаб туриб, бозорга бодринг сотгани жўнар, сигирининг қисир қолганидан қўшнилари хабар топмасларидан илгари уни пуллаш, қариб харом ўлиб қолган хўрозини пул қилиш сингари ташвишлардан қўли бўшамасди. «Поля ойининг» ташвиши кўп эди!..

Настянинг болалиги бамисоли тонгги йўқ тунда ўтди. Бу тун тасодифан тугади, Настя ўн тўртга кирганида, унинг учун қуёшсиз, қоронғи кундуз бошланди.

Бир куни баҳорда, чўл устидан момақалди роқ эндигина гулдираб ўтган пайтда, «Поля ойи» Настяни чўчқа болаларини боқиб келишга отлангирди. Настя қўлида говран, кўчага чиқди, у ерда эса унинг тенгдош ўртоқлари анҳор бўйида ўйнаб юришарди. Баҳор! Улар Настяни қўлидан ушлаб анҳор бўйига олиб боришди, бирга ўйнашга кўндиришди, Настя уларга эргашиб кетди. Бу орада нима бўладию, чўчқа боласи томорқани пайҳон қилади. Бу ҳолни кўрган «Поля ойининг» жони ҳиқилдоғига келиб, оғзига келганини қайтармай, Настянинг гўрига роса ғишт қалайди, ифлос иборалар билан қарғайди, қўли оғригунча дўппослайди. Настя бир амаллаб унинг қўлидан чўлга қараб қочиб кетади, чўлда ёлғиз бир-икки кун тунаб, бўрига дуч келиб, охири атрофдаги қишлоқларга чиқиб олади, қишлоқма-қишлоқ кезиб тиланиб юриб, ҳар кимларнинг кирини ювиб, дастёргарчилик қилиб, молини боқиб, ўлмасликнинг кунини кўриб юради. Шу тариқа, у бир куни туғилган қишлоғига бориб қолади, кимга дастёр кераклигини сўрайди. Кимдир Поклонскийларни кимга боришни маслаҳат кўради. Унинг яқинда хотини ўлиб, рўзғори қаровсиз қолган эди. Боради.

Рўзғор чиндан ҳам увин-тўда бўлиб кетган, мужикнинг ўзи эса ҳали ёш, ўттизларда бўлса ҳам, қовоғи солиқ, индамас, баджаҳл одам экан. Настяга бошида Григорий Семенович марҳума хотинига қайғураётгандай туюлади, кейин унинг ўзи табиатан шунақа бўлса керак, деган хаёлга борди. Лекин бу янги хўжайин бошқаларга ўхшаб, уни қил; буни қил, деб тиқилинч қилмайди, ҳамма ишни Настянинг ўзи ўз билгича бажаради. Хўжайин тонг отиши билан кетади, кечгача қайтмайди — у қаерга боради, нима иш қилади — бу билан унинг иши йўқ, у хизмат қилишини билади...

Баъзан хўжайини уйига қоронғи тушмай, аллақандай одамларни эргаштириб келар, ўтиришиб, стаканлаб самогон ичишар, ниманидир муҳокама қилиб гаплашишар, Настяни кўришлари билан жим қолишарди, бундай пайтларда Григорий Семенович қўлини силтаб, қўрқма, тушунмайди, саводсиз, дегандай ишора қилиб қўярди. Настя ростдан ҳам тушунмасди уларнинг гапларига, тўғриси, бунга қулоқ солмасди.

Ярим йил ўтган бўлса керак, бутун уй, бутун хўжаликни тартибга солиб олди Настя. Бир куни кечаси Григорий Семенович нимагадир куймаланаётган Настяга шундай деди:

— Ётиб ухласанг бўларди, Надежда. Тун оғиб қолди.

— Нега мени, Григорий Семенович, Надежда деб атаяпсиз?— деб сўраб қолди Настасья.

— Олдинги бекамнинг исми шунақа эди. Энди бу ерда сен бекасан — шунинг учун ҳам шундай атаяпман.

— Мен бека эмасман.

— Бека бўлишни хоҳлайсанми?

Бегона уйда ўчоқ, кир тоғора, томорқаю молхонадан бўлак ҳеч нарсани кўрмаган ўн олти яшар қиз бола нима деб жавоб қила олар эди бу саволга? Тўғри, Настасья тенгдош — дугоналаридан муҳаббат азобидан қийналганларини эшитган, хоровада ўзи ёқимли соғинчини изҳор этган эдию, лекин унинг қалбига кимдир росткамига кириб бормаган — бунақасини у ҳали кўрмаганди.

Хўжайини Настасья охирги жавобни беришни кутиб ўтирмади. Ўшандан бери уни Надя, Надежда деб чақиривади. ЗАГСдан ўтаётганларида ҳам шундай, Надежда Ивановна Поклонская, деб ёзиб қўйишди.

1930 йил 15 июлда унинг кўзи ёриди. Уғилларини Леня деб аташди. Лекин у бу уйга қандай хизматчи бўлиб келган бўлса, шундайлигича қолди. Унинг учун Григорий Семенович илгаригисидай бегона ва узоқ, эр эмас, балки қаттиққўл хўжайин. Қаерга кетяпти, кун бўйи нима ишлар билан шуғулланади, ярим кечада келадиган ўртоқлари қанақа одамлар Надежда сўрашга ҳадди сифмайди.

Уғли тўққиз ойлик бўлганида, эшик қаттиқ тақиллаганидан уйғониб кетди. Григорий очди. Уйга милиция шинелидаги иккита мужик билан қайтиб кирди. Индамай отланди, кетаётганида Надеждага қараб бошини силкди-да, чиқиб кетди. Кейин у уни ҳеч қачон кўрмади.

Бир неча кун ўтгач, Григорий Семеновичнинг қариндошлари келишди. У ёқ, бу ёқни айланиб кўришди, уйни кўздан кечиришди, ташқарини, молхонани назардан ўтказиб, шундай дейишди:

— Григорий йўқ энди, шундай бўлгач, хизматчининг ҳам ҳожати қолмади. Ҳисоб-китобга қанча ҳоқлайсан?

Ҳисоб-китобнинг ҳожати бўлмади. Надя боласини индамай ўради-да, уйни ташлаб чиқиб кетди. Кўчага чиққач, қаерга боришни билмай, гангираб қолди.

Кейин опасининг уйи томон юрди, у ерга бориб, кўча эшикни қўрқа-писа тақиллатди.

Лекин бу ерда ҳам кўп турмади. Йўқ, уни опаси ҳам, эри ҳам уйдан ҳайдашмади, берган нонларини юзига солишмади. Шундай бўлса ҳам, уларга малол келаётганини юраги сезди, бир яшар ўғлини олиб, тугунчасини кўтарди-да, ёнида на ҳужжат, на пул бор, Макеев-кага йўл олди. Опаси уни йўлдан қайтармади ҳам.

Олдинига у қандай оғирликларни бошидан кечирмади, буларни ҳозир эсласа, йиғлаб юборади. Ишга кириш учун қаерга борса, эрини ўртага солиб, рад қилишади. Одамлар, эрингдан ажраш, деб ўргатишди. Ажрашди. Ҳужжатига бари бир, Анастасия Ивановна Костилева, ҳуқуқдан маҳрум қилинган, деб ёзиб беришди. Бундай одамни ким ҳам юрак ютиб ишга олсин? Ҳар қалай шундай одам бор экан — Оржоникидзе номидаги шахтага кўмир ташувчи қилиб расмийлаштирди.

Биринчи маошини олгач, Надежда шахта ёқинидаги аллақандай ҳовлидан ёзги ошхонани ижарага олди...

Баҳорга чиқиб, Анастасия, Павлик ва Мария Сердюкларни болалар уйига жойлаштирди, ўғлини эса, шахта қошидаги болалар боғчасига берди. Надеждага биринчи бор ҳаёт кулиб боққандек бўлди. У ўқишга кириб, бирон ҳунар орттиришни орзу қилди. Келажак унинг кўз олдида ёрқин бўёқларда намоён бўла бошлади.

Бироқ тез орада бу бўёқлар ўчиб қолди. 1934 йил кимдир Анастасия Костилева, гарчи ажрашган бўлса ҳам, бир вақтлари жиноятчининг хотини бўлганлигини эслаб қолди. Кимдир унга ўхшаган одамларга ишониб бўлмаслигини, ҳамма балого шулар сабабчи бўлаётганлигини юзига солди. Қўшни хотинлардан биттаси ичи қоралигиданми, кўролмаганиданми, унинг қулоғига: «Ўғлингни яширсанг бўларди! Сенга ўхшаганларнинг болаларини тортиб олиб, давлатнинг алоҳида уйларида боқишармиш, ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилишармиш», — деб шивирлади.

Деярлик саводсиз, оддий қишлоқ қизи эмасми, Надежда қўшнисининг гапига лақ этиб ишонди. Уйлаб-уйлаб ўғлини болалар уйига топширадиган бўлди ва уни кўчадан топиб олган ташландиқ бола сифатида болалар уйига топшириб юборди.

У болалар уйига тез-тез бориб, ўғлидан хабар олиб турди.

Кейин, орадан кўп ўтмай, Ростовга кўчиб кетди. Ростсельмашда ишлади, айна пайтда рабфакда ўқиди. 1941 йилда заводдаги рабфакнинг учинчи курсини битирди.

Халқ турмушини ўзгартириб юборган 22 июнь Надежда Ивановнанинг ҳам ҳаётини ўзгартириб юборди.

У ўғлининг олдини етиб олиш учун Ростов вокзалида бир неча кун поезд кутди. Поездлар ҳарбий қисмлар билан техника ортиб ўтар, у эса, қоронғилаштирилган перронда қолиб кетаверар эди.

Бу ҳол Ростов вокзалига оғир ярадорларни ортган биринчи эшелон келган даҳшатли тунгача давом этди.

Олдинига, эшикка суяниб, санитар-қизлар вагон зинасидан бинт билан боғлаб ташланган, оёқ-қўллари гипсланган, соқоллари анчадан бери олинмаган, оғриқнинг зўридан юзлари бужмайган эркакларни олиб, замбилда залга ташишларига қараб турди. Кейин — бунини ўзи ҳам сезмай қолди — оғир замбилни қилтиллаб кўтариб кетаётган нимжонгина қиз боланинг олдида борди, унинг қўлидан замбил дастасини олиб, ишга киришиб кетди. Сўнги ярадорни Надежда новча санитар аёл билан залдан олиб ўтиб кетаётганларида тонг отиб келарди.

Шундай қилиб, Надежда Ивановна 623-эвакогоспиталнинг санитаркаси бўлиб қолди ва госпитал билан бирга Кавказ тоғларигача борди, доводан ўтаётганларида оғир ярадор бўлиб, Боржомидаги госпиталда ётди.

1942—1943 йилнинг қишида Надежда Ивановна Ленинкада хизмат қилди. Кейин Қора денгиз флотининг 42-авиабазасида ишлади. Майкопда, Геленжик, Одесса, Руминияда бўлди. 1945 йилнинг февралда иккинчи марта операция қилиниб, ўпкасидан осколка олиб ташланди. 15 мартда иккинчи группа инвалид бўлиб, Надежда Ивановна, бу пайтда энди Погорельская — фронтчи офицернинг хотини + ҳарбийдан бўшатилади. Шундан буён ўғлини излайди.

1946 йили Надежда Ивановна Харцизскка боради, у ердагилар Зуевка болалар уйи 1941 йилда Ўрта Осиёга кўчириб кетилганини айтишади. У Тошкентга йўл олади, кейин Самарқандга бориб, Зуевка болалар уйининг изини Наманган яқинидаги Попдан топади. Лекин бу пайтда кўпчилик мураббийлар жойларига қайтиб кетишган, тарбияланувчилар, катта бўлишиб, болалар уйини тарк этишган, ҳар томонга тарқаб кетишган эди. Надежда Ивановна Попдаги болалар уйининг янги директори билан биргаликда 1941 йили Зуевкадан, Нижний Криндан келган болалар рўйхатини қараб чиқишади. Бу рўйхатда Леня Поклонский номини топмайдилар.

Надежда Ивановна Намангандан яна Донецкка қараб йўл олади, Харцизскка, Зуевкага боради. Ҳеч қандай ном-нишон топмайди, ҳеч ким билдим, кўрдим демайди. Бедарак йўқолган эди ўғли.

Эри билан Москва яқинидаги Шербинкага кўчиб бориб, ўрнашиб олгач, Надежда Ивановна қидиришни илтимос қилиб, ички ишлар министрлигига мурожаат этади, Қизил Крест ва Қизил Ярим ой жамиятига, «Инсонни излаймиз» радиопрограммасига хатлар юборади. Ҳаммасидан бир хил — рўйхатдан топмадик, маълумот йўқ», — деган жавоб олади.

#### ИТТИФОҚ ИЧКИ ЭШИТТИРИШИНING ХАТЛАР БУЛИМИ

№ 11924/30

1968 йил, 8 апрель.

Ҳурматли Надежда Ивановна!

Шу йил 29 февраль кунини қариндошларини излаш бюллетенида «Маяк» радиопрограммаси орқали Сизнинг ўғлингиз Ленини қидириб ёзган хатингиз эшиттирилди. Бу эшиттиришга ҳозирча жавоб келмади. Агар келиб қолса, биз Сизга зудлик билан маълум қиламиз.

Ҳурмат билан

Редактор Т. Яковлева.



Шундай қилиб, Леня Поклонскийни қидириш ишига болалар уйларининг собиқ мураббийлари, ўша вақтда мазкур уйларда тарбияланган, ҳозир эса жамиятда ўз ўрнини топиб, бола-чақали бўлиб кетган одамлар ҳамда жамоатчиликнинг зўр бериб бош қўшишига қарамай, унинг дараги чиққани йўқ. У бедарак йўқолганлар ичида ҳамон қолиб келаётир. Шунинг учун ҳам қиссаси ниҳоясига бормай, узилиб қолди. Леня Поклонскийнинг дараги чиқар, Надежда Ивановнанинг ҳам кўнгли жойига тушар, фарзандини тирик йўқотиб қўйиб, оҳ деса ўпкаси кўринадиган мушфиқ онанинг кўнгли охирида таскин топар, деган умид билан бу чала бобга ҳозирча нуқта қўйишга мажбур бўлдик.

## Учинчи, алоҳида

1943 йилга келиб республикадаги болалар уйининг сони 267 тага етди. Булардан ҳар бирининг тарихи бор, улар ҳақида материал ҳам етарлича сақланиб қолган. Узоқ ўйлаганимдан кейин алоҳида режимли 3-болалар уйи ҳақида ҳикоя қилишга қарор бердим. Бу болалар уруш даврида Оржоникидзе район Чингелди қишлоқ советида жойлашган бўлиб, унда алоҳида режим жорий этилганди.

Мен нега худди мана шу болалар уйини танладим? Аввало, шаҳардан четда, қишлоқда, айни чоқда пойтахтда — Чингелди билан Тошкентнинг орасидаги масофа 18 чақирим, ундан ортиқ эмас. Иккинчидан, у «алоҳида режимли», худди бирон бир хусусиятнинг — ижобийми ёки салбийми — аҳамияти йўқ — кўтаринки, тўйинган ёки ҳатто ўша тўйинган характерларда тўпланиши натижасида маълум инсоний тип намоён бўлганидек, воқеа-ҳодисаларнинг ҳақиқий моҳияти шиддатли шароитларда, вазиятнинг кескин қирраларида тўлароқ ва чинакамга юзага келишини ким билмайди дейсиз. Алоҳида режимли болалар уйида шундай характерлар билан учрашиш мўлжали ҳам тасвир қилиш учун объект танлашимда қатъий қарорга келишимга туртки бўлди.

Лекин бунга киришишдан олдин, мен «алоҳида режимли» деган ибора остида нима яшириниб ётганини тушунтириб ўтишим лозим, деб биламан.

Бошларидан кўп азоб-уқубатларни кечирган етим, туғилиб-ўсган ерларидан минглаб чақирим узоқларга келтириб ташланган, оч-яланғоч, касал, кўпинча ярадор болаларни ўйлаганингда, кўз олдинга ногоҳ, беихтиёр суратда, умуман, табиий равишда босиқ ва мўмин, итоаткор ва ювош, беозор болалар келади. Албатта, бунақалари ҳам бўлган, аксарияти шундай бўлган. Лекин уларнинг ҳамма-ҳаммаси фақат биргина мўмин-қобил болалар ва итоаткор қизчалардангина иборат бўлмаган, албатта. Тийиб бўлмайдиган қочоқлар, тўполончилар, бири уруш касофати билан содир бўлган очликка чидамай, бошқаси эркин тўда «романтикасига» берилиб, майда ўғрилар бўлиб қолган ўсмирлар — «тийиқсиз болалар» ҳам учраб турарди. Худди мана шундай бузуқ ва тийиқсиз, болалар уйидаги одатий ҳаётни бузадиган, унга ёмон таъсир ўтказадиган, кичик ёшдаги тарбияланувчиларнинг бутун коллективига зулм ўтказадиган, уларга даҳшат соладиган безорилар учун 1941 йилда ташкил этилган эди Чингелди болалар уйи. Бу болалар уйининг кундалик ҳаёти, унинг тақомили, авжига чиққан ташқи ва ички воқеа-ҳодисалар уни ларзага солган, оқибат-натижада ўзгартириб юборилган яширин жараёнлар ҳақида кўп йиллардан кейин унинг собиқ директори Александра Александровна Кордова гапириб берди.

У учун бу воқеа 1942 йилнинг январь ойида, ЎзССР Маориф Халқ комиссарининг ўринбосари Е. В. Рачинская ҳузурига шошилинич

чақирилиши билан бошланади. Гап қисқа бўлади: Чингелди болалар уйи тафтиш қилингандан кейин унинг раҳбарлари ишдан олиб ташланади. Тафтиш коллектив бутунлай бузилиб кетганини, тарбияланувчиларга нисбатан педагогикага зид, золимларча муомала қилиб келинганини фош этади, атрофдаги колхозчиларнинг боғлари ҳамда томорқаларига қилинган қирғин-барот босқинлардан шикоят қилиб ёзган арзномалари очилади. Александра Александровнага галга солмай болалар уйига бориш, у ердаги аҳвол билан танишиш, бутун шароитни сартарози қилиб, Наркоматнинг мазкур корхона директорлиги вазифасини ўз зиммасига олиш ҳақидаги таклифига жавоб бериш топширилади.

Эртасига шилтаси чиқиб ётган тош йўлдан аравада тебраниб борар экан, Александра Александровна ўзича ўйларди: «Бекорга «алоҳида» дейилмайдиган бу болалар уйига директор бўлишни Рачинская нега унга таклиф қилди экан? Гражданка Кордованинг ўтмиши, номаи-аъмолидаги маълумотлардан хабар топган бўлса керак».

Аср билан тенгдош бўлган бу аёлнинг эсига ўн етти яшар қиз болалигида қандай қилиб қишлоқ ўқитувчиси бўлиб қолгани, қишлоқ йиғилишларини ўтказиб, уларда Совет ҳокимиятининг биринчи декретларини камбағал-деҳқонларга тушунтирганлари, кейинроқ гражданлар уруши йилларида, кўча болаларини тутишда қатнашиб, уларни қандай ювиб, тараганлари, болалар колониялари, мактаблар, баъзи бировларини касалхоналарга жойлаштирганлари тушиб кетди. Ҳа, у ёш бўлса ҳам, бошидан анча-мунча ишларни ўтказди: 18—19 йилларда ўзи тенги йигит-қизлар билан бирга хилват қишлоқларга бориб, доридармон йўқ, нон эса осмонда, лампамай йўқ, терламага қарши курашди, кечалари қўйнида тўппонча, тонг пайтида қирчанғи, ориқ бурул байтали билан жар-жулғами ёки дарё кечувдами — ваҳшийлашиб кетган оқ каллакесарларга етиб олиб, уларни қўлга тушириш учун ўз ихтиёрлари-ла отилиб чиққан чончилар билан бирга ўрмонлар оралаб от қўяр эди. 20 йилларнинг бошида уни большевиклар партиясига қабул қилишганини ҳам эслади. Ушандан буён йигирма йил ўтиб кетди. Александра Александровна олий ўқув юртини битирди. Урушдан олдинги йилларда ЎзССР Маориф халқ комиссарлиги мактабларининг илмий-текшириш институтида методист-инспектор бўлиб ишлади. Бунда ҳам, Александра Александровнанинг тахминича, бошқа, иккинчи сабаб ҳам бўлган, нимага деганда, фақат алоҳида режимли болалар уйига янги директор керак бўлиб қолган пайтдагина Кордовани эслаб қолишган. Бу ерда ажабланарли ери йўқ — мантиққа тўғри келади. Тўғри-да, тарбиянинг ҳозирги замон воситалари, энг янги педагогик методларнинг барчасини мутахассис — олима, яъни у яхши эгалламаган бўлса, бошқа ким ҳам эгаллаган бўлсин! Одатга кириб қолган бу назариялар нимага арзишини ўзи кўрсатсин, уларни амалда ўзи бир синаб кўрсин-чи, дейишганда.

Шу пайт, силкиниб-силкиниб бораётган аравада Александра Александровна болалар уйидаги тарбияланувчилар билан қандай қилиб учрашиш, уларни умумий иш ҳамда машғулотларга қандай қизиқтириш, ҳаваскорлик тўғарақлари ва ўзи ишқивоз, яхши кўрадиган опера театрига коллектив бўлиб бориш ишларини қандай қилиб йўлга қўйиш ҳақида хаёл суриб кетди. Энг муҳими, болалар уйининг олдинги раҳбарларининг қаттиқ, кескин тарбия усулларига, билишича, бутун коллектив ҳаётини остин-устун қилиб, уни бузиб ташлаган методларига қарама-қарши ўлароқ, у бақириб-чақирмай, зўрламай, юмшоқ муомала қилади. Ахир болалар оналик меҳрига, эркалашга жудаям зорку, шунинг учун ҳам умуман болалар, айниқса уй-жойсиз етимлар, шўрлик уруш қурбонлари, албатта, бўйсундилар.

Александра Александровна мана шундай яхши ниятлар билан, ўзининг тарбияланувчиларининг пешоналарини силаш, уларнинг кўнгилларини эритиш иштиёқи билан Чингелди болалар уйининг ланг очик дарвозасидан кириб борди.

Ўвлининг кўриниши ва узун кетган бир қаватли иморат, унинг ён-ёқасига қўшимча солинган паст томлар кўнглини хира қилди. Дераза ойналари синдирилган, баъзилари фанер-тахта, тунука билан беркитилган, баъзилари хом гишт билан уриб ташланган, ҳатто жўхориюя тутиб қўйилган. Хўжасизлик, ҳамма нарса увин-тўда, дея кўнглидан ўтказиб қўйди Александра Александровна, лекин, умуман олганда, сал ҳафсала қилинса осонгина тузатиб юборса бўлади. Шунингдек, деразалар олдига экилган кўчатлар босилиб-янчилик, пайхон бўлиб ётибди, девор анча жойидан нахра бўлиб қолган, ярим вайрона ҳолга келган, ҳовли атрофини ўраб турган ёш терак, акация ниҳоллари шафқатсизларча синдириб ташланган. Бунинг устига ҳовли ивирисиб ётибди, уни супуришмаса, ҳафталаб сув селишмаса, тозалашмаса керак. Булар уни унчалик хафа қилмади: ҳечқиси йўқ, шанбалик ўтказамиз, навбатчиликни йўлга қўямиз, бу ерни жаннатдек қилиб юборамиз, деб қўйди фикран. Лекин уни чинакамига ҳайратга солган нарса — бу тарбияланувчиларнинг ўзлари бўлди.

Сочлари устарада қиртишлаб олинган (кейин тушунтиришларича, битлаб кетмасликлари учун шундай қилинган экан), чувриндиларга ўхшаб ҳар хил иштон кийиб олишган, эгнилариди бировларнинг костюмлари, оёқ кийимларига қараб бўлмайди — йиртиқ, таги тушган. Булар унинг ҳафсала-ҳафсаласини пир қилиб юборди. Бирови деворга елкасини тираб суяниб турибди, биттаси чўнқайиб, офтобда исиниб ўтирибди. Юзлари ғамгин, қовоқлари солиқ. Кишига ёвқараш қилишади. Нигоҳларида қандайдир ёвузона таранглик, агар бирон кимса тегиб кетгудай бўлса борми, сўкишга, туплашга, ғажиб ташлашга тайёрдай улар. Шунинг учун ногоҳ уларга яқинлашиб қолган кишининг аҳволига вой. Шундай бўлса ҳам, аравадан сакраб тушиб ва шу билан, албатта, тарбияланувчилардан биттаси ҳам уни қарши олишни ўйламаганини, ақалли жойидан қимирламаганини сезиб турган бўлса-да, Александра Александровна сир бой бермай, жилмайиб, бу ғалати болалар олдига борди ва очик чеҳра билан тетик саломлашди:

— Салом, болалар! Танишиб олайлик: Александра Александровна Кордова. Сизлар-чи... сенинг отинг нима, отангнинг оти-чи?

Ҳеч кимдан садо чиқмади. Нафрат билан кинояомуз нигоҳ ташлаб тураверишди. Ниҳоят аллақандай бир ўсмир бола, пиқ этиб кулиб, сурбетлик билан жавоб қилди:

— Биз, холажон, оддий одамлармиз — бизларни отамизнинг исми бўйича аташмайди...

У бир фурсат каловланиб қолди, яхшиси, ўзини эшитмаганликка солиш, деб ўйлади, ҳалиги болани кўрмаганликка олди. Лекин бошқа ҳаммаси ҳам бурнини тортганича индамай тураверди, шундай бўлиб чиқдики, гапни давом эттириш, суҳбатлашиш учун бирдан-бир сўнги восита ҳалиги довурак ўсмир қолган эди.

Боланинг елкасига наридан-бери қўлини гашлаб, мумкин қадар соддадиллик билан сўради:

— Хўш, сенчи, оддий одам, сенинг отинг нима?

Болакай, худди бу ишора уни тоб ташлатиб қўйгандек, елкасини силкитиб, тўнглик билан жавоб қилди:

— Нима бўларди дейсиз! «Муму» деб атайверинг, зора, жавоб қилсам.

Александра Александровнанинг болакайлар билан алоқа ўрнатиш йўлидаги биринчи синови шундай тугади. У жаҳл билан бурилиб, жў-

наб қолди. Лекин шуниси қизиқки, бу душманлик билан кутиб олиш Чингелди болалар уйи раҳбарлигини зиммасига олиш ниятидан қайтариш ўрнига, аксинча, уни узил-кесил қатъийлаштирди ва мустаҳкамлади. Шундай қилиб, унинг аҳди кишини ранжитадиган, ўйлатиб қўядиган янги-янги омилларга қарамай, тобора қатъийлаша борди.

Тарбияланувчилардан мағлубиятга учраб, у иккала ходима кузатувда уйни кўриб чиққани кетди. Машғулотлар ўтказиладиган кенг-мўл хонада ўйиб ташланган стол, бир оёғи калта бир неча курсича, битта этажерка — унда на китоб, на бирон бир ўйинчоқ ёки кўргазмалли қурол бор. Деворлар яп-яланғоч. Ҳар хил ажи-бужи шакллар чаплаб ташланган, бўлмағур сўзлар чизилган голланд печи бир ҳолатда мунғайиб турибди. Худди ғордаги ибтидоий расмларни, у ердаги ҳаётни эсга солади.

Ётоқхона ундан ҳам баттар. Битта ҳам чойшаб йўқ. Ёстиқлар жилдсиз. Болалар уйининг ётоқхонаси эмас, қандайдир мусофирхона дейсиз. Бунга қандай тоқат қилиб бўлади? Наҳотки қашшоқлик ҳам шунчалик бўлса?

— Йўқ, бунга йўқчилик сабаб эмас,— дея тушунтирди ходима.— Бизнинг уйимизда чойшаб тўшаб, ёстиқларга жилд кийгизиб бериб боқинг — иш пачава бўлишини ўз кўзингиз билан кўрасиз. Турса бир кеча туради — эртасига бозордан топасиз. Ҳаммасини ташиб кетишди, сўнги ипгача сотиб битиришди, сотиб, алмаштириб улгурмаганларини бузишди, ёқиб юборишди, синдириб ташлашди. Бекорга алоҳида режимли деб аташмайди буларни.

Александра Александровна худди шунақа гапни каптеркада ётоқхона анжомларини асровчи юзлари гўштдор гавдали аёлдан ҳам эшитди:

— Нега ҳайрон бўляпсан, яхши қиз. Ҳа, бу ерда, бизда ҳар бир одамга жундан тўқилган иштон ҳам, соф ипакли кўйлак ҳам бор. Янги йилдан олдин юборишди. Ҳар куни бир саноқдан ўтказаман. Бўлмаса-чи? Менинг бўйнимда-да, улар. Уларга бериб кўргин — тамом! Мени эса оёғимни ерга теккизмай судга беришади. Қилғуликни улар қилади-да, балосига мен қоламан.

Иситилган каттакон саройда иккита стол, токарлик ва бурғи дастгоҳи, эгов ғилдираги турар, уни айлантирадиган қайиши йўқ эди. «Шилиб кетишганди». Нимага қўл теккизма, барчасини қалин чанг босиб **ётар**, баъзилари занглай бошлаганди. Бу устахонада ҳеч ким ҳеч вақт ишламаганлиги кўриниб турарди. Александра Александровнага шундай алам қилиб кетдики, столни мушталари билан уриб, тўполон кўтаришдан ўзини аранг тийиб қолди. Кимни ҳам койир, кимни ҳам урарди? Уни бошлаб юрган нимжон мураббияними? Унинг ўзи ҳам бу ерга яқинда келган. Бунинг айбдорлари бўлса — бирлари судда жавоб беришти, бошқалари ишдан бўшатиб юборилган.

Александра Александровна ўша куниеқ болалар уйининг ёрдамчи хўжалигини ҳам бориб кўрди. Кичкина хўжалик эмас экан. Ун гектар суғориладиган ер, отхонасида рамақижон ўнта от — эти бориб устихонига ёпишиб кетган, улар тирик отдан кўра, от скелетига кўпроқ ўхшаб кетади, чўчқахона, ундаги урғочи чўчқалар худди қутургандай у ёқдан бу ёққа зир югуришади, агар хизматчининг гапи рост бўлса, азбаройи оқ қолганларидан ўзлари туққан болаларини битта қўймай ўзлари еб қўйишибди.

— Нега қараб турмадинглар ахир?

— Бориб ўзинг қараб тура қол. Болалар уйининг бутун хўжалиги-га штат бўйича атиги уч киши қарайди. Ҳаммасига улгуриб бўларканми?— дея ўзини оқлади чўчқабоқар. У болалар уйининг қоровули ҳам экан.

— Қандай қилиб уддалаяпсиз?

— Шундоқ, ўрганиб кетганмиз. Одамлар билан келишиб олганмиз.

Уларга ҳақ тўлаш керак-ку, ахир? Кейин шундай тўхтамга келдик: отхона ва чўчқахона учун қанча кўп ҳосил етиштирса тенг ярми экканники. Бу бизга ҳам фойдали, экан-тиккан ҳам зарар кўрмайди.

— Шунинг учун экан-да,— деди Александра Александровна ниҳоят ёниб кетиб,— бу ўринда жиноят содир бўлаётганини ўйламаганларинг!

— Ҳар қалай хўжаликдан у-бу келиб турибди-ку. Тартибга бўйсунадиган бўлсак, ҳеч нарса ололмаймиз. Шундоқ қилсак яхши бўлармиди?!

— Тарбияланувчилар қаерда қолган ахир? Уларни нима учун ишга жалб қилмайсизлар?

Чўчқабоқар унга ҳайрон бўлиб қараб турарди.

— Нима, сиз ҳазил қиляпсизми? Биз ҳайвонларни бу киссавурлардан қандай қилиб асраш ғамида юрсак-ку, сиз бўлсангиз бунақа дейсиз-а. Ақлданмас бу, бекам. Эшикдан ҳозир кириб келиб ақл ўргата-сиз-а?

Бугун кўрган-кечирганлари ҳам бир бўлди-ю, тушлик манзараси ҳам бир бўлди. Кордова бу манзарани четдан кузатиб турар эди.

Қизил юзли, нимаси биландир қор хотинга ўхшаб кетадиган, гавдасига ярашмаган ингичка, чийилдоқ овозли ёш ошпаз аёлнинг командаси билан мураббиялардан бири эшик иллагини суриб қўйди-да, ўзи дарҳол орқага тисарилди. Эҳтиёткорлик бежиз эмас экан. Ўша лаҳзадаёқ юқори синф болалари галаси бир-бирини уриб-суриб, ҳақорат қилиб, ошхонага ёпирилди. Улардан кейин кичикроқ болалар ёпирилишди. Эшик олдида бир муддат тиқилиб қолишди. Кимдир йиқилиб тушди. Унинг устига бошқалари йиқилиб, ёш болаларнинг уюми ҳосил бўлиб қолди. Ниҳоят болалар сўкишиб, йиғлашиб, қий-чув қилишиб ва ҳаммаёқни гулдиратиб, устига ҳеч нарса ёпилмаган узун столга ўтиришди-да, ҳаммаси бир бўлиб, алюмин товоқларни қулоқни қоматга келтириб тақиллатишга тушиб кетишди — ким столга, кимдир қўшнисининг кўзини шамғалат қилиб, унинг пешонасига урарди. Бу ҳол ошпаз хотин билан яна иккита мураббия қўлларида катта кострулка, стол атрофини айланиб, товоқларга овқат солиб чиқмагунларича давом этди. Лекин биттаси ҳам овқатга нима учундир қўл урмади. Болақайлар ниманидир сабрсизлик билан, бетоқатланиб кутар эдилар. Мана ўша лаҳза келди: ошпаз хотин билан мураббиялар бўшаган кострюллари бир четга қўйиб, пешгирларига олдиндан кесиб қўйилган нонни солиб, тарбияланувчиларнинг орқа томонидан ҳар бирининг товоғига ўзига тегишли нонини чаққонлик билан ушоқлаб солиб чиқишга кирилишди. Шу пайт, деб эслайди Александра Александровна, ақлга сиғмайдиган, хунук ҳодиса юз берди. Биров бу нон ушоқни илиб олиб оғзига солиш учун кафтини очса, бошқалари ошпаз хотин ёки мураббияларнинг қўлидан «ўзининг қонуний» улушини тортиб олиб, қўйнига тикарди. Каттароқ ёшдаги аллақандай бир ўсмир бола бирваракайига икки ҳисса нонни юлиб олди-да, сапчиб турарман деб қўшнисининг тўла товоғини ағдариб юборди, ошпаз хотинни туртиб юбориб, эшик томон чопиб кетди. Шўрва тўкилган бола қаттиқ йиғлаб юборди. Унга бошқа аламзадалари қўшилишди.

— Нега сиз бунди... Нега ахир сиз бундай? — деб тўлқинланиб кетди Александра Александровна ва у ҳам сал бўлмаса, йиғлаб юбораёзди.— Бу ахир... Ахир бу...— дедию муносиб сўз тополмай жимиб қолди.

— Бошқа иложи йўқ,— деди унинг ёнида турган кийим-кечак берадиган аёл.— Буларга нонни майдаламай бутун бериб кўринг — ё қартага тикади, ё катталари кичкиналаридан тортиб олиб қўйишади. Шунинг учун ҳам шундай қилишга тўғри келади.

Тушликдан кейин Александра Александровна, ўзини бутунлай йўқотиб, ҳамма мураббийларни тўплади.

— Қани, айтинглар-чи, сизлар болаларни қандай қилиб бу аҳволга олиб келдинглар, шуни эшитмоқчи эдим.

— Биз?— дея қаддини силкди норозилик билан қуруқ ва асабий юзли аёл.— Сиз биласизми ўзингиз бизнинг уйга кимни юборишларини? Энг ёмонларни, ашаддийларни, одамгарчиликдан чиққанларни. Ҳамма республикалардан бизга йўллашади. Бу ерда улар ҳақида эмас, биз ҳақимизда ҳам емоқ керак: бу ҳайвонотхонада бизнинг ўзимиз ақлдан озиб қолмайлик тагин!

Унинг гапидан кейин қолганлари дадилланиб, шикоят қилишга тушиб кетишди: бир кун йўқки, бирон кор-қол бўлмаса, ўғирлик ёки муштлашиш, атрофдаги аҳоли билан уриш-жанжал, милицияга чақирилмаса, деб бири олиб, бири қўйди, бир-биридан даҳшатли воқеаларни айтишди. Ўзларини жабрдийда қилиб кўрсатишди.

— Сизларча нима қилса бўлади? Болалар уйини қандай қилиб тузатса бўлади?— шикоятчиларнинг гапларини тоқат билан эшитиб сўради Александра Александровна.

— Нима ҳам қила олардинг. Ҳозирча вазифамиз шуки, буларни едириб, ичириб, соғ-саломатликларига қараб турамиз, унгача уруш ҳам тугар, яхши кунлар келиб, буларнинг тарбияси билан бемалол шуғулланилар.

— Унда кеч бўлади. Буларнинг қуруқ танасини асраб қоласиз, қалбларида тузалмас жароҳатнинг заҳри қолади!

— Назарияда шундай бўлса бордир-у, лекин амалда ҳеч нарса билан ёрдам бериб бўлмайди — бу ўринда, айтишганидек, медицинанинг қўли калта,— деди қаттиқ ва очиқдан-очиқ эътироз билан гап қайтариб, ҳалиги қуруқ, асабий юзли мураббия. Кордова бурчакдан кимнингдир: «Макаренкони эзибички қилиб олган экан», деб мингирлаганини эшитиб қолди...

Дарҳақиқат, Рачинскаянинг ҳузуридан уйига қайтиб келгач, Александра Александровна «Педагогик поэма», «Миноралардаги байроқлар» ва «Ота-оналар учун ёзилган китоб»ни бошқатдан, алоҳида диққат билан ўқиган ҳамда Пантелеев ва Белийларнинг «Шкид республикаси»ни қайта кўриб чиққан эди. Бу китобларни ўқиб, ўзини болалар уйи билан, ўзгалар учун қийин, умид қилиб бўлмайдиган, бўлса ҳам майли, учрашувга тайёр, деб ўйлаган эди. Энди, оқшом ғира-ширасида ўша шалтоқ тош йўлдан Тошкентга қайтиб келар экан, унда олдинги ишончдан асар ҳам қолмаган эди. Таъби хира, кўнгли ғаш, ички бир садо: рад эт, бари бир уддасидан чиқолмайсан, бу вазифани бажаришга қурбинг етмайди, дерди. Уйига шу кайфиятда қайтиб келди.

ЎЗСР МХК  
2119-сонли буйруқ

1942 йил, 14 февраль

Тошкент шаҳри.

Бугундан эътиборан Тошкент область Орджоникидзе районидаги алоҳида режимли 3-сон болалар уйи директори вазифаси Александра Александровна Кордова зиммасига юклансин, уни ЎзСР МХК мак-

таблар Институтининг методист-инспектори лавозимидан озод қилинсин.

ЎзССР МХ Комиссарининг  
муовини *Е. В. Рачинская*.

Энг муҳими — қарорга келиш, нимадан бошлаш, биринчи қадамни қандай қўйиш лозимлиги эди.

Эрта билан келибоқ, ҳамма мураббийларни тўплади.

— Бугунги кун иш плани билан танишмоқчиман,— деди. Кўпчиликда план-млан деган нарсанинг ўзи йўқ экан: айтганларидек кун чиқдию, кеч бўлди — бир кеча-кундуз ўтди. Бошқаларида план бор эди. Лекин бу планлар аллақандай ўлик босма қолиплардан, бориб турган хўжакўрсиндан иборат эди.

«Етоқхонага навбатчилик». «Бинони супуриб-сидириш», «Китоб ва газеталар ўқиш», «Бўш вақтдаги ўйинлар». Александра Александровна чидаб туролмай, мураббияларнинг биридан сўради:

— Нимадан бўш пайтда?

Мураббия кўзларини пирпиратиб, янги директорга ҳайрон бўлиб тикилиб қолди.

— Нимадан бўларди?

— Сиз ўз тарбиянгиздагиларни шу соатда нимадан озод қиласиз?— деб сўрапман.

— Нимадан бўларди, умуман... Ҳар бир бола нимани хоҳласа шу билан шуғулланади.

— Шундай, менимча, сизнинг тарбиянгиздагилар бутун кун бўйи — эрталаб ўрнидан тургандан то ётишга занг чалингунча, ундан кейин ҳам — бўшлар, хоҳлаган ўйинларини ўйнайдилар. «Алоҳида режим»... Бу ерда ҳеч нима, ҳеч ким алоҳида бўлолмайди!— Александра Александровна бир нафас тўхтаб, қўшиб қўйди.— Ҳамма ўртоқлардан илтимос — эртага муфассал, маълум мақсадга қаратилган план тузиб келишсин. Мавжуд ҳолатни ўзгартириш эмас, портлатиш керак, вассалом,— мана, биз нима қилишимиз керак!

— Олдин уларни бундоқ қоринларини тўйғазиш керак, ичаклари чулдираб тургандан, кейин қулоқларига гап кирармиди,— деди болалар уйининг врач, кампир.

— Тўйғазамиз!— деб жавоб берди Кордова, гўё озиқ-овқат базасининг калити унинг чўнтагида тургандек.

— Фақат, эшитган бўлсанглар керак, биргина ноннинг ўзи билангина эмас... Дарвоқе, бугундан бошлаб нон майдаланмасин — бу бе-маънигарчилик. Ўз тегишларини бутун ҳолда беринглар.

— Нима деётганингизни ўйлаб гапиряпсизми, нима бўлишини биласизми ўзи?— дея қўлини чайқатди кампир.

— Ўйлаб гапиряпман. Нон тикиб қарта ўйнаш, шунга ўхшаш ҳамма нарса билан, ҳар қалай бошқачароқ курашиш керак. Жиноятчилик-ка қарши жинояткорона йўл билан курашиш ярамайди.

Мураббийлар тарқалиб кетишгач, Кордованинг қулоғига аччиқ кулги чалинди:

— Ҳали кўрамиз... Ким кимни портлатар экан...

Албатта, бошқа яхши кунлар бўлганида, Александра Александровна мана бу сингари болалар уйи раҳбарлигини қабул қилиб олиши биланоқ МХК олдига, ишни кўнгилдагидек яхшилашни истасаларинг, бу эски, ачиб қолган, ноумид, лоқайд мураббиялар ўрнига бошқа, ташаббускор ва тажрибалиларини беринглар, деб масалани кўндаланг қўяр эди. Лекин ўша пайтда, ўша ғоят оғир шароитда бунақа масала қўйишни хаёлга ҳам келтириб бўлмаслигини Кордова биларди. 1942

йилнинг февралаи ўтиб борарди. Борлари билан кифояланишга, болаларнигина эмас, балки мураббийларнинг ўзларини ҳам зиён-заҳмат етказмай аста-секин тарбиялаб боришга аҳд қилди.

Болалар уйига келган дастлабки кунларидан бошлаб, сузиш бўйича собиқ тренер, Севастополдан эвакуация қилинган, ярадорлиги учун армиядан бўшатишган, унга ўхшаб яқинда бош мураббий қилиб тайинланган Иван Леонидович Кривенко, хўжалик мудирини Улаев (исми, отасининг исмини Александра Александровна эслолмайди, хужжатлардан фақат исмини аниқлашга муяссар бўлинди — И. А.), анча бақувват, болажонли қария, собиқ ҳаваскор — боксчи тимсолида Кордова ўзига ҳамфикр, туган йўлини қўллаб-қувватлайдиган серғайрат ёрдамчилар орттирди. У буларга суяна олар, шулар билан биргалишиб туриб режимдаги болалар билан катталар, мураббийлар ўртасида пайдо бўлган, уларни бир-биридан тўсиб қўйган баланд девордаги қандайдир раҳналарни излай олар эди.

Болалар билан қандайдир алоқа ўрнатиш йўлида биринчи уринишда учраган аламли мағлубиятидан кейин Александра Александровна уларга қайта ва қайта, ҳар сафар янгича йўл билан яқинлашаберди. Лекин қанча уринмасин, натижа бир хил — ҳеч нарса чиқмади. Бамисоли ўтиб бўлмас қалъа эди улар. Кечаларни тонгга улаб хаёл сулар, нега бундай бўляпти, наҳотки бир юз йигирмата боланинг ҳаммаси — унинг қарамоғида шунча бола бор эди — бир хил ёмон бегоналашиб кетган, наҳотки улар катталардек душман, деган даҳшатли тасаввурга эга бўлиб қолган. Ахир улар орасида — у буни кўриб турибди — яхшилари, гарчи кеккайиб кетган, кўнгли совиб қолган бўлса-да, беғуборлари ҳам бордир? Уларнинг кўнглини қандай қилиб топса бўлади?

Ўзининг болалар билан ишлаш бўйича олдинги тажрибасидан у, бундай пайтларда ҳаммасини бирдан, бутун коллективни бир зарб билан қўлга олиш деярлик мумкин эмаслигини билади. Бу ерда танлаб, бирма-бир муомала қилиш керак. Педагогика — медицина сингари, касалликни эмас, балки беморни даволаган тақдирда фойда келтиради, деб бекорга айтишмайди-да, ахир. Гарчи, бошқа томондан, ҳар битта болага бундай ўзига муносиб гап топиб, ниҳоятда эҳтиёткорлик билан алоҳида-алоҳида муомала қилиш фан сифатида педагогикада бўлмаса ҳам керак, бинобарин, оқибат-натижада бир хил воқеа-ҳодисалар учун умумий ва мажбурий қонуниятларни ўрнатмаган фан қанақа фан бўлди?

Шуниси ҳам борки, ўша кунларда Александра Александровна Кордованинг кўнглига мавҳум назариябозлик сиғмасди. Уни директор қилиб тайинлаш учун имзо чекилган дақиқадан бошлаб у ўз қарамоғидаги бир юз йигирма боланинг ҳаёти ва соғлиғи — нафақат жисмоний саломатлиги, балки руҳий соғлиғи учун шахсий жавобгарликни бутун салмоғи билан ҳис қилди. У кимдан бошлаш кераклигини қайта-қайта ўйлади, болаларни ёт қилиб қўйган руҳий қалъаларига қандай кириб бориш йўллариини ўйлади. Ювош, индамас, кўккўз Коля Трояндан бошласами? Ҳаммаёғи қандайдир юлиб-юлқинган, биров хафа қилса, жон-жаҳди билан жазаваси тутадиган, кўзлари катта, негадир ҳамиша у ер-бу ери кўкариб юрадиган, Смоленскданми, Псков атрофиданми келган Коля Леоновни гапга солсинми. Ёки бошқаларга қараганда башанг, тоза, уятчанглигиданми, яширин мулойимлигиданми, ё бўлмаса такаббуруна беадаблик, золимлик ва қаттиқликданми лабидан доимо кулги аримайдиган Жора Дошленкони гапга солар балким?

Кутилмаганда бир тўхтамага келди. Аслида, йўқ, унинг ўзи келмади — уни директор кабинетига худди ўша Жора Дошленко бошлаб



кирди. У бошқа биров эмас, юзлари ўликникидай оқариб кетган Коля Леоновнинг ўзгинаси эди.

— Мана сизга латта ўгрисини олиб келдим!— деди башанг Дошленко ғазаб ва гурур билан ва шу лаҳза жирканиб афтини буриштирди-да, ўзини тутолмай Колянинг гарданига қўйиб юборди.— Хўш, бўйнингга ол, итвачча: этикни сен ўмардингми?

— Мен,— дея бўйнига олди, ерга тикилиб турар экан, овози эшитилар-эшитилмас Леонов.

— Мана! Уни ёрилишга мен мажбур қилдим!— деди ғазаб ва гурур билан Дошленко. У ўзидан мамнун эди.— Қаерга гум қилдинг?

— Бозорга олиб бордим. Овқатга алмаштирдим,— дея жавоб берди йигитча, тутилмасдан, лекин кўзларига ёш тўлиб, гилтиллаб ерга қаради.

— Хўш бунақаларни нима қилиш керак?!— деб хитоб қилди Дошленко, унинг овозидаги таҳқирни сезиб қолди Қордова. Кимни таҳқирларди у: бўйнини эгиб, енги билан кўзёшини артаётган, ўсал бўлган Коляними, балким унинг ўзинидир? Билиб бўлмасди. Хотиржамлик билан деди:

— Ёрдам қилганинг учун раҳмат, Дошленко. Энди сен бўшсан. Бор. Биз бу ерда Коля билан ўзимиз...

Дошленко орқасига ўгирилиб, йўлига кетди. Остонага етганида, Леоновга дўқ урибми, ё унга далда берибми:

— Энди эҳтиёт бўл, Мустафо, ишқалаб қўйишади!— деди.

Дошленко чиқиб кетиб, эшик ёпилгач, Александра Александровна сўради:

— Нега у сени Мустафо дейди?

— Билмадим... У ҳаммага, кимда кеки бўлса ўшанга лақаб қўйиб олади.

— Сенда қанақа ўчи бор? Этикни олиб кетганинг учунми?

Коля сочи тақир қилиб олинган бошини янада пастга эгиб, индамай турарди.

— Қанақа қилиб қўлинг борди? Ахир ваъда берган эдинг-ку... Худди мана шу жойда, бир ҳафта олдин ўзинг қасам ичгандинг энди қилмайман деб!

У бурнини тортиб, пиқиллаб йиғлаб турарди. Александра Александровна хона ичида ҳафсаласи пир бўлиб у ёқдан-бу ёққа бориб келарди. Наҳотки тузатиб бўлмасликлари чиндан ҳам рост бўлса? Олдинги гал шундай воқеа муносабати билан қанча тушунтирдим, уялтирдим, тўғри бўлишга насиҳат қилдим! Тушуниб, пушаймон бўлганга ўхшаб кўринган эди, пул тўла ҳамён, бир буханка нонни шундоқ қўйиб қўйсанг қайрилиб ҳам қарамайдигандек, қўлини теккизмайдигандек эди. Мана яна ўша-ўша қилиқ. Аччиғини босиб, этикни нега, қандай қилиб ўғирлаганини суриштира бошлади. Нега бўларди, деб жавоб берди, бозорга олиб бориб, туршакка алмаштириш учун. Қандай вазиятда, деб уни чалкаштира, фикрини чувалаштира бошлади. Унинг гапига қараганда, этикни у турган жойидан (у қаерда турганлигини директор биларди) ўғирламаган бўлиб чиқарди. Буни пайқаб қолиб, Александра Александровна қаерда, қачон, қандай турганлиги ҳақида янгидан-янги саволлар бера бошлади. Леоновнинг жавоби этикни бу йигитча ўғирламаганини, бўйнига олиши — ўзига тўхмат орттириш, бировнинг айбини ўз зиммасига олиши эканлигига тобора ишонч ҳосил қиларди. Лекин кимнинг айбини оляпти, нима учун оляпти? Бунда қандай сир яшириниб ётибди? Бу ҳақда ундан тўппа-тўғри сўралса, болакайни қўрқитиб юбориш мумкинлигини у тушунарди. Сўрасанг — у бутунлай тумтайиб олади-ю, кейин ўлдирсанг ҳам бир

сўз демайди. Бошқача йўл тутди — қаерда туғилганлиги, ота-онасини қаерда йўқотиб қўйганлиги, болалар уйига қандай келиб қолганлигини суриштирди. Бу ерда яширадиган ҳеч нарса йўқ эди, шунинг учун Коля гўё жонланиб кетди. Александра Александровна Леонов чиндан ҳам Псковга яқин қишлоқда туғилганини, отаси темир йўл станциясини немислар бомбардимон қила бошлашлари билан ихтиёрий равишда фронтга кетганини, шундан бери ундан хат-хабар йўқлигини, онаси туғиш пайтида касалхонада вафот этганини, у қаердалигини эслол-маслигини билди олди.

— Демак, буёғи қандоқ бўлди, Коля. Отанг фронтда жанг қилпти, сен бўлсанг?.. Орден билан, балки яраланиб қайтиб келар, сени излаб топиб олиб, менинг ўғлим қалай, фронтга нима билан ёрдам берди, деб сўраб қолса, унга нима деб жавоб берамиз — этик ўғирлади деймизми?

Коля яна индамай қолди, бошини қуйи эгиб, дами ичига тушиб кетди.

— Отанг қандай қўшинда?

— Менинг дадам тракторчи. Кетаётганида менга станцияда: тракторчиларни ҳамма вақт танкка ўтқазишади, деб айтган.

— Танкчи экан-да! — деди ҳурмат билан Александра Александровна. — Хўш, сен ким бўлмоқчисан?

— Мен ҳам, яна озгина катта бўлай, мен ҳам фронтга жўнайман. Мана кўрасиз, танкчи бўламан!

— Сени қандай қилиб танкчиликка олишади ахир? Ўзинг ҳозир айтдинг, тракторчиларни олишади деб. Тракторда ишлашни хоҳлайсанми? Бир нечтангизни олишлари учун МТС билан гаплашаман, энг интизомлилар тракторчиликка ўқишади. Борасанми?

Коля бошини кўтарди, кўзлари чақнаб кетди.

— Мен тракторни унча-мунча биламан, отам ҳайдашга рухсат берарди!

Эски директор вақтида бола бирон ношоён иш қилиб қўйса, қатиқ жазоланар эди: ахлатхонага қамалар, овқат берилмас, ҳовли, ҳожатхонани тозалаттириларди. Коля ҳозир ҳам шундай бўлишини кутиб турарди. Узоқ суҳбатлашгандан кейин директор унга ҳеч қандай жазо бермай, ҳатто пўписа ҳам қилмай қўйиб юборганда, ҳамма ҳайрон бўлиб қолди. Директорнинг бу ишига нима деб баҳо беришларини билмай қолишди, бошқа тарбияланувчилар ҳам, мурабийлар ҳам ҳайрон бўлишди.

«Бунақада болалар жуда ҳам талтайиб кетади-ку», — дейишди баъзилари. «Ҳали кўрамиз, охири нима бўларкин», — деб кулишди бошқалари тагдор қилиб. Бундай юмшоқкўнгиллик қилганидан Александра Александровнанинг ўзи ҳам хижолатда эди. Чунки мана шу Коля Леонов билан бир ҳафта олдин қилган биринчи суҳбати кўнгилдагидек натижа бермаганди. Лекин у бир нарсани, яъни қаттиққўллик ёмон тарбиячи, болаларни баттар қашқатаёқ қилиб юборишини биларди. Ҳақиқат, ҳамма вақтдагидек, унинг назарида, ўртача муносабатда бўлишда, ўртаб юборадиган даражада заҳар ҳам, кўнгилга тегадиган даражада чучмал ҳам бўлмаслик лозим эди.

Сўзнинг устидан чиқиш керак. Эртаси куни Александра Александровна болалар уйидан унча узоқ бўлмаган машина-трактор станцияси идорасига йўл олди. Суҳбат, у ўзи ҳам ўйлаганидек, оғир бўлди. Ишга яроқли тракторлар оз, эҳтиёт қисмлардан ҳеч қанақаси йўқ, илгари ишлаб турган тракторчилар, механикларнинг ҳаммаси фронтга кетган экан. Ўз ташвишимиз бошимиздан ошиб-тошиб ётибди, шуни удаласак ҳам катта гап, болаларга, тагин бутун округга донги кетган «алоҳидаларга», тракторни ишониб топшириш, уларни ўр-

гагиш, тарбиялашга вақтимиз йўқ, урушдан кейин, деган гап бўлди. Лекин Кордова, ҳар қалай сўзини ўтказди: уларни ишонтирди, ўрни келганда савдолашди ҳам: МТСнинг эҳтиёжи учун ўз устахонасидан фойдаланишни таклиф қилди. Шу билан иш юришиб кетди. Коля Леонов ва у билан бошқалар ишга шундай берилиб кетишдики, болалар уйғонмасданоқ гоҳ устахонага югуришар, гоҳ далага бориб, у ерда кечгача қолиб кетишарди.

Патак ўғриси Леонов билан бўлган суҳбат Александра Александровнада яна битта фикр туғдирди, яъни у бу болаларнинг занг босган қалбларига ҳеч нарса даҳл қилмаган, гард юқмаган, ахир бир кун келиб ривожланиб, бошқаларини қайта ишга солиб юборадиган яғона туйғу, бу ҳам бўлса, ўша йиллар шароитида айниқса кескин, жонли, қизғинлашиб кетган ватанпарварлик туйғуси сақланиб қолганлигига ишончи комил бўлди. Бу кузатишидан Кордова хулоса чиқарди ва ўша ондаёқ амалда қўллади.

Даставвал ҳарбий ташкилотлар билан олдиндан келишиб олди, кейин катта ёшдаги болаларни сафга тизиб, Тошкентдаги госпиталлардан бирига бошлаб борди. Жангчилар билан учрашув, ярадорларнинг (улар бу болаларнинг қанақа болалар эканлигини билар эдилар) ҳикоялари, савол-жавоблари — буларнинг ҳаммаси, Александра Александровна қулганидай, болаларга қаттиқ таъсир қилди, уларда чуқур таассурот қолдирди. Кордованинг қаттиқ туриб қилган илтимоси билан алоҳида, учинчини ҳарбий қисмлардан бири оталиқчи олгандан кейин бу нарса яна ҳам мустаҳкамланди. Болалар уйига командирлар, сиёсий ходимлар келиб турадиган бўлишди ва ҳар бир учрашув, болаларнинг занг босган, кўпчилигининг одамгарчиликдан асар ҳам қолмаган деб ҳисобланган қалбларини қайта тиклашда олдинга босилган яна битта қадам бўлиб қолди.

Кордова директор бўлиб келганидан кейин бир ой ўтар-ўтмас болалар уйига фронтдан бирин-кетин учбурчак хатлар кела бошлади. Бу ҳам катта, хайрли хизмат кўрсатди. Солдат ва офицерлар ёзишарди буларни. Болалардан мактабда қандай ўқиётганликларини, турмушлари қандайлигини сўрашар, хатларига жавоб қайтаришни илтимос қилишарди. Бу хатлар оқимини, маълумки, Александра Александровнанинг ўзи ташкил этганди: болалар уйига келган дастлабки кунларида Леонов билан қилган биринчи суҳбатидан кейиноқ, у фронтга бутун бир даста хат юборганди. Уларда гап кимлар ҳақида кетаётганини айтган, алоҳида режимли болалар уйининг контингенти ҳақида батафсил ҳикоя қилган, ёрдам сўраган эди, шунинг учун фронтдан келган гап жуда катта ёрдам беришидан умид қиларди. У янглишмади.

Мактубни ўқиш учун ҳамма йиғиларди, бу, Кордованинг хотирлашича, тарбияланувчилар ихтиёрий равишда ва ҳеч қандай буйруқсиз, кечикмай ҳаммаси йиғиладиган яғона ҳодиса эди. Жавоб қайтарадиган болалар белгиланар, улар ёзган жавоб яна коллектив ўртасида муҳокама қилинарди. Лекин болалар уйи ҳаётида юз берган бурилишни Александра Александровна бир куни худди шундай йиғилишлардан бирида катта ёшдаги тарбияланувчилардан кимдир фронтга совға-салом юборишни таклиф қилган онидан деб ҳисоблайди. Воқеа шундай бўлган эди.

Фронтдан келган хат муҳокама қилинар эди. Каттароқ ёшдаги болалардан бири жаҳл билан ўрнидан дик этиб турди-да, хитоб қилди: — Бу нима, биз ҳадеб қуруқ хат ёзаверамизми? Солдатга чайнаш учун бирон бир нима ёки иссиқроқ бир нарса — қўлқопми, қулоқчинми юборсак яхши бўлармиди. Биз бўлсак, «Салом! Сизга палончилар салом йўллайди...» деб нуқул хат ёзамиз. Бундан унга нима наф, бу саломлардан на қорни тўяди, на танаси исийди!

Атрофдан луқмалар ташланди. Баҳс яна қизиб кетди. Шу пайт кимдир бирдан:

— Қулоқчинни биз қаердан оламиз — Шура хола бир кунга Тошкентга.... бориб келишга рухсат берармиди? Унда, албатта, бир амалини қилардик. Фақат шу йўл билан топилган нарсани юбориш қанақа бўларкин... А, укажонлар, айтинглар?! Мен шундай ўйлайман: ўн гектар еримиз бор. Тойчоғимиз отхонада турибди. Ерни ҳайдаб, экин эккан бўлганимизда, кузга бориб, ўз хирмонимизни кўтарар, ундан юборар эдик. Ҳаром-харишсиз, қонуний бўларди бу. Фронтга ҳам, ўзимизнинг озигимизга ҳам ярарди. Нима дейсизлар, оғайнилар?— деб қолди.

Ҳа, тарбияланувчиларни яктан қилган ўша кунни Александра Александровна болалар уйи тарихида бурилиш деб ҳисоблайди. У кўнглига тугиб юрган асосий нарса — меҳнатга интилиш, болаларнинг ўз-ўзини бошқариши — ана шундан бошланганди.

Қанчалик ғалати бўлмасин, лекин буни ҳамма мураббийлар ҳам ҳис қилишмади. Бугина эмас: отхонани ҳам, чўчқaxonани ҳам, асбобускуна ва уруғлик ғаллани ҳам болаларга ишониб топшириш мумкин ва топшириш кераклигини Кордова анча вақтгача амалда кўрсатишига тўғри келди. Кимларга исботлаб кўрсатди, кимларни ўзининг директорлик амали билан мажбур қилди.

Баҳорда МХКлигидан унга ёрдам бериш учун янги илмий мудир ва бош мураббий қилиб Ғани Қаюмович Қаюмовни юборишди. (Иван Леонидович кичикроқ ишни — физруклик ва битта группа мураббийлигини ўзи илтимос қилди.) Қаюмовнинг келиши билан болалар уйида мактаб программасидаги машғулотлар янгитдан бошланиб кетди, адабиёт ва тез орада театр тўғраклари иш бошлади.

Энди янги йилдан бери омборда сақланиб келаётган жундан тўқилган кўйлак-иштонларни болаларга бериш ҳақида кийим-кечак мутасаддисига қўрқмай буйруқ қилаверса бўларди. Кўрпа-ёстикларнинг жилдлари ҳақида Александра Александровна бу ерга келган кунидек кўрсатма берганди.

Ҳаёт изга тушаборди. Кордова бир неча бор гоҳ у группани, гоҳ бошқасини Тошкентга бориб кино ёки театр томоша қилиш, комсомол кўли ёки циркка туриш учун бир кунга рухсат бериб турди, рухсат берганда ҳам таваккал қилди, мураббийларнинг назоратсиз, болаларнинг ўзлари сайлаган старосталарга ишониб юборди уларни шаҳарга. Ҳар сафар болалар тайинланган вақтда қайтаверишмаса ташвишланиб хавотир олар, асабийланиб, уни ҳар хил хаёлотлар олиб қочар, худди хунук воқеалар юз бериб, болалар унинг ишончини оқлашмагандек тинчини йўқотар, энди уларни бирон ёққа ҳеч юбормайман, деб дилига тугиб қўяр эди. Лекин улар белгиланган соатда болалар уйи дарвозасида пайдо бўлишганида, уларни омон-эсон ўйчаб-кулиб, қатордан хато бўлмай кириб келганларини кўрганида, секинча ичига сиғмай кетарди!

Қўшни боғларга, товукхоналарга, томорқаларга ўғирликқа бориш деярлик тўхтади. Мушглашиш, бирон нарсанинг ғойиб бўлиб қолиш ҳодисаси камайди. Бу ғойиб бўлиб қолиш, содда қилиб айтганда, ўғирлик Александра Александровнага кўпроқ ва қаттиқроқ алам ўтказарди. Айниқса бу ҳол ювош, мўмин-қобил, бошқалардан юраги тоза болалар томонидан содир бўлишига чидолмасди у. Жора Дошленко ёки унинг шерикларидан биронтаси тутиб келтирган бола Александра Александровнанинг олдида бўйинини эгиб турар, қилиб қўйган ишидан пушаймон ер, иккинчи қайтармасликка сўз берарди, булар Коля Леонов ёки Петя Хоботовми бари бир, не-не машаққатлар билан шаҳардан олиб келинган гитарани бу болалар илиб кетиб, бозорда пуллаб

юборишганига ишонмасди, қандайдир ички сезги булар гуноҳкор эмасликларини айтиб турарди. Айниқса, очиқ кўнгил, соддадил, кўк кўз Петя Хоботовнинг қўли бундай ишга боришига ишонгиси келмасди. Бироқ уларнинг ўзлари келиб бўйинларига олиб турганларидан кейин қандай қилиб ишонмайсан? Беихтиёр ишонасан. Шундай бўлса-да, Кордова бу ерда бир сир борлиги, нимадир яшириниб ётганини сезиб қолди.

Бир куни Кордова, Қаюмов, Кривенко ва Улаевлар болалар ётганларидан сўнг икки ёки уч соат ўтгач, болалар уйини бир айланиб чиқмоқчи бўлишди.

Кеча сутдек ойдин эди. Ётоқхона деразалари қоп-қоронғи. Ҳеч қандай ҳаракат йўқ. Бир ерда жим туриб, қулоқ солишди. Шу пайт тўсатдан — олдин Кривенко, кейин Қаюмов ҳам ҳушёр тортишди: қаердандир узоқдан, аламли йиғи овози қулоқларига чалиниб қолди. Бу йиғи катта ёшдаги болалар ётоқхонасидан келаётганига тезда ишонч ҳосил қилишди. У ерга сас-садосиз яқинлашишди. Кўзига фанер тахта қоқилган ним очиқ дераза олдига бориб туришди. Ҳа, йиғи овози шу ердан чиқаётган эди.

Улаев қоронғи дераза олдида қолди. Қолганлари эшик томон йўналишди. Мудраб ўтирган энага олдидан овоз чиқармай йўлакка ўтишди; эшик дастасини итаришди. Эшик ичидан берк, афтидан, бир нима билан тўсиб қўйилган эди. Бир-икки бор тақиллатишди. Уша лаҳза хонада тапир-тупур бошланди, кимдир қаҳр билан бўғиқ сўкинди, нимадир ерга гурсиллаб йиқилди. Кейин дераза роми гичирлади. Кимдир додлади, олишув овози эшитилди.

Ниҳоят, эшик очилди, Кордова, Қаюмов ва Кривенколар кириб бориб, серсоқол Улаев ким биландир олишаётганини кўриб қолишди. Улаевнинг рақиби буларни кўриб қолиб, бир қадам орқага чекинди-да, қўлидаги узун ялтироқ нарсани ҳавола қилиб, силтади. Кривенко ўқдай отилиб, икки қадам сакрашда унинг олдида пайдо бўлди-да, ҳавола қилган қўлини шаппа ушлаб, сиқиб, қайирди. Нимадир ерга тақ этиб тушди.

— Ҳа-а, Дошленко,— деди фақат шундагина таниб ҳайрат билан Иван Леонидович.— Мана энди бемалол гаплашиб олиш мумкин — асабийлашмай, хотиржам. Ҳўш, Улаевга нима ўқталаётган эдинг?

— Ҳе.....! Ифлос фиръавнлар! Уртоқларимни чақираман — ҳаммангни битта қўймай сўйиб ташлаймиз. Ичак-чавоқларингни бошларингга салла қилиб илиб қўямиз!— деди ваҳшийлашиб, қутуриб Дошленко.

— Сал бўлмаса, жуфтакни уриб қоларди. Деразадан, биласанми, ғойиб бўлмоқчи эди, шунда мен рўпара келиб қолдим-у, қардошлардай қучоқлашиб олдик,— дея изоҳ берди кулиб Улаев. Кейин у ёқ-бу ёғини қоқди, чақмоқ тошни чақиб, пуфлади-да, керосин чироқни ёқди. Бурчакдаги каравот орқасида калтакланган Коля Леонов йиғлаб ётарди.

Хонанинг бошқа бурчагида каравотлар ўртасига тортиб қўйилган кўрпа тагида ўчириб қўйилган пиллилон чироқ турарди. Унинг ёнида ерга тўшалган одеял устида қарта чочилаб ётарди.

— Боплаб дўкон қуриб олган экансизлар-да, болакайлар,— деди Иван Леонидович. — «Жун одеял остида» қиморхона очиб олибсизлар, Сизлардан қайси бирингиз банкага отди?

Ҳеч ким жавоб бермади, ҳамма миқ этмай ўтираверди.

— Сенми, Дошленко?

Жора энди совиб қолган, ўзини босиб олган эди. Ҳақорат қилинган гуноҳсиздай минғирлади.

— Нима ҳам дердим, энди ҳамма нарсани, албатта, Дошленкога

тўнкайберишади. Қиморбоз ҳам, ўғри ҳам, қотил ҳам — майли, майли ҳаммасини менга тўнкайвер!

— Хўш, бўлмаса ким?

— Майли, сотмоқчи эмасдим — мажбур қиялпсизлар. Ана у бизнинг бошлиғимиз — деди Дошленко Леоновни кўрсатиб. — Унга бўшанг деб қараманглар. Унинг шаҳарлик болалардан ўртоқлари бор, бутун бир тўда улар! Гапим тўғрими, укажонлар? Ким қўрқмаса, гапимни тасдиқлайди.

Яна ҳамма индамади. Фақат Коля Леонов ўрнидан турди, Жоранинг олдига яқинлашиб келди, ундан жирканиб, нафрат билан деди:

— Ёлғон айтяпсан, ифлос! Бу — сенинг ўзинг! Сен бизнинг ҳаммамизни қарта ўйнаб ютиб олгансан, ким ўғирлик қилади, ким бориб бўйнига олади, ўзинг бўлсанг бир чеккага чиқиб, ҳеч нарса кўрмагандек бўлиб турасан!.. Ким яхши — фалончи? Нонга ўйнашга сен мажбур қилгансан!.. Унинг.. мана кўринглар! — Коля битта каравот тагига чаққонлик билан шўнғиб, у ердан битта қопни тортиб чиқарди-да, одеял устига силкитди, ундан бир неча бўлак яп-янги нонни қоқиб туширди. — Мана, шу бугунги! Тунда тортиб олади, эрталаб бозорга олиб боради. Нима, ёлғонми, ёлғонми? Сен айт, Шалпонқулоқ! Гапир, Бўз!

Уша куни кечаси билан у ухлолмади чиқди. Қордовани қийнаб келган сир очилди. Болақайлар ҳаяжон билан, қасоскорона шиддат билан, гоҳ тап тортмай Дошленконинг зулми, ўжарлик қилган болалардан қандай ўч олганликлари ҳақида гапиришди. Бу кичкина золим уйда айтгани-айтган, дегани-деган ҳокими мутлоқ экан, бировга шафқат кўрсатса, бировни шафқатсизларча жазоларкан. Ўзи эса бир четда турган — ўғирлик қилмаган, синфдошларини калтакламаган ва бировнинг томорқасига тушмаган, бўлиб қолавераркан, бунақа ишларни унинг буйруғи билан бошқалар — тобелар, гапини иккита қилмайдиганлар, қўрқоқлар амалга оширишаркан.

Аввалига Дошленко ҳамма нарсадан тонди. Кейин, болалар унинг қилмишларини, бу ишларнинг оқибати нима бўлганлигини эсига солишга тушишгач, индамай қолди, фақат ҳар замон-бир замонда сирини очиб ташлаётганларга худди еб юборгудай қилиб, оғир, даҳшатли ўқрайиб қараб қўярди.

Эртасига эрталаб Дошленкони милицияга топширишди. Болалар уйи худди байрамга тайёргарлик кўриляётгандек қайнаб-тошарди. Тарбияланувчилардан ағдариб ташланган диктатурага ёрдам бериб келганлари қандайдир бўйинларини қисиб, жим бўлиб қолишди. Булардан бошқалари ундан юз ўгиришди. Умуман эса, мураббийлар ва тарбияланувчиларнинг ўзлари ҳам ўша кундан эътиборан алоҳида режимли болалар уйида бошқача қандайдир янги ҳаёт бошланганини сезишди.

Бу воқеа баҳорда бўлган эди. Бир неча ой ўтгач эса...

ЎзССР МХК  
1158-СОНЛИ БУЙРУҚ

1942 йил, 20 октябрь

Тошкент шаҳри.

1. Тошкент область Оржоникидзе районидаги алоҳида режимли 3-сон болалар уйи оддий типдаги мактаб болалар уйи деб ҳисоблансин.

2. Бошқа жойлардаги болалар уйларидан 10—14 ёшли 60 нафар қиз бола 3-болалар уйига ўтказилсин.

ЎзССР МХК муовини Е. В. Рачинская.

(Давоми бор)

## УСТОЗНИ ЭСЛАБ

Устоз Ойбек ҳам шеърятда, ҳам насрда, ҳам илмда, ҳам таржимада баланд чўққиларни эгаллаган улуғ адиб эди. Унинг фазилатлари ҳақида кичик бир хотирада гапириш ниҳоятда мушкул. Айниқса қирқ йилга яқин уни таниган, унинг давраларида шогирд ва ҳамфикр сифатида иштирок этган киши учун бу жуда ҳам қийин.

1932 йилнинг баҳор пайтлари эди, бу вақтларда Ойбек домла Урта Осие Давлат университетида дарс берарди. У кишининг уйига бориб узоқ суҳбатлашдим. Устознинг рафиқаси Зарифа опа (У киши ишчи мактабида бизларга химия фанидан дарс берган эди) ўз укасидай жуда яхши қарши олиб, меҳмон қилди, дастурхон атрофида ўтириб Ойбек домла билан аввал адабиёт, шунга алоқадор масалалар ҳақида узоқ сўзлашдик. Кейин асосий мақсадга ўтдик. ВКП(б) Марказий Комитетининг ҳамма фанлардан, жумладан адабиёт фани бўйича ҳам барқарор дарслик тузиш тўғрисидаги қарорини Ўзбекистонда амалга ошириш ҳақида бафуржа маслаҳатлашдик. Ойбек домла жуда яхши маслаҳатлар берди. Ўзбек адабиёти фани юзасидан тузилаётган дарслик ва қўлланмаларга яқиндан ёрдам беришини айтди. Қўлланма ва дарсликка киритилиши мўлжалланган шеърларини олиб борган эдим. Уларни дарҳол кўриб, айрим ўзгаришлар киритиб берди.

Ўқиш программаси асосида тузилган қўлланмада муҳим бир мавзуга оид шеър етишмас эди, мен бу ҳақда Ойбек домла билан гаплашмоқчи бўлиб, яна уйларига бордим.

— Домла, хрестоматиямизда икки давр — инқилобдан илгариги ва инқилобдан кейинги даврдаги болаларнинг турмушини тасвирлаган шеър керак, — дедим. Домла ўйланиб қолди. Яна таржимаи ҳол, сурат кераклигини айтдим.

Домла бир оз ўйланиб тургач:

— Эрта ўтиб индинга келгин, — деди.

— Шеър ҳам, таржимаи ҳол ҳам тайёр бўладими? — деб дадил сўрадим.

У киши менга, ушлаган ерингдан кесиб олар экансан, дегандек, назар билан кулиб «ҳа», дедилар. Мен ваъда қилинган вақтда Ойбек домланинг олдига бордим. Домла «Эски ва янги болалик» деган шеър билан

таржимаи ҳолнинг қўлёзмасини бердилар. Шеър жуда чиройли, болаларга мос содда, раvon тилда ва ўйноқи руҳда ёзилган бўлиб, унда ҳар икки даврнинг жонли картинасини бадиий ифодаларда гавдалантирилган эди.

Ҳеч қачон эсимдан чиқмайдиган нарса, 1934 йилда Ўзбекистон фан комитети қошидаги Тил ва адабиёт институтига аспирантурага кирганимда мени Ойбек домла ўзига шогирд қилиб олгани бўлди. Бу вақтларда у киши мазкур институтда илмий ходим эди.

1937 йилда аспирантурани битириб, УзССР Ўқув-педагогик нашриётига ишга кирган эдим, орадан кўп ўтмай мени директор лавозимига тайинлашди, Ойбек домлани Ўқувпеднашрга таклиф қилдим, у киши муҳаррир ва бош таржимон бўлиб ишлай бошлади. Уша вақтларда Ўқувпеднашр Ўзбекистонда энг катта нашриёт бўлиб, миллион-миллион нусхада дарсликлар, қўлланмалар нашр қиларди.

Ойбек домланинг ушбу нашриётда ишлаган даври ижодининг сермахсул йиллари бўлди. Машҳур «Қутлуғ қон» романи ҳам шу ерда ишлаган даврида тугалланди. «Қизил Ўзбекистон» газетасининг ўша даврдаги редактори Обид Абдурахмонов (мактабдошим) билан гаплашиб нашриётимиз ва газета редакциясининг қўшма мажлисида «Қутлуғ қон» романини муҳокама қилдик. Мажлисида Обид Абдурахмонов, Ҳамид Олимжон, Тўхтасин Жалолов, Юнус Латифий ва бошқалар иштирок этдилар. Сўзга чиққан ўртоқлар романга юксак баҳо бердилар. Биз ёзувчини йирик муваффақият билан табриқладик. Роман 1940 йилда босилиб чиқди. Адиб бу даврга келиб машҳур таржимон сифатида ҳам танилган эди. 1937 йилда Пушкиннинг шоҳ асари «Евгений Онегин»ни таржима қилиб нашр эттирди. Маданиятимиз ва адабиётимиз тарихида биринчи бўлиб мураккаб катта асар «Антик адабиётни» хрестоматиясини тилимизга ўгирган ҳам Ойбек домла бўлди.

Ойбек домланинг Ўқув-педагогик нашриётида ишлаган давридаги таржималарининг рўйхатини тузсак катта бир дафтар бўлади.

...Дам олиш кўни Ойбек домланикига борган эдим. У киши жиққа терга ботиб

ғишт ташиётган экан. Мени кўрган заҳоти:  
— Кел, кел, Жуманиёз, — деб ғишт ташишда ёрдам бераётган рафиқаси Зарифа опага чой кўйиб юборишни буюрди.

— Чой ичмаган, овқат емаган уйимизми, ҳашарга ҳам айтмасиз-да, ёш келса ишга, қари келса ошга дегандай, ёрдамлашиб юборамиз, — дедиму билак шимариб ишга тушиб кетдим.

Кўчадаги ғишларни катта замбилда таший бошладик. Иш тугагач, биргалашиб овқатландик.

— Жуманиёз, мен катта бир ишга кўл урдим, осилсанг баланд дорга осил, деган мақолга амал қилдим, — деди Ойбек домла кўк чойни ича туриб.

— Домла, сиз доим улуғ ишларни бошлайсиз, сир бўлмаса...

— Сендан яширадиган сирим йўқ, бунинг ўзи ҳам сир эмас, ҳазрати Навоий ҳақида роман ёзмоқчиман, — деди ва устоз узоқларга қараб ўйланиб қолди.

Мен адибнинг катта бир ижодий дардда ёнаётганини сездим.

Орадан кўп ўтмай, 1940 йил баҳорида мени Марказком аппаратида ишга олишди. Маданият сектори республиканинг маориф, маданият, фан, санъат ва ижодий союзларнинг ишлари билан шуғулланарди. Иш ниҳоятда кўп эди. Кўпинча командировкаларда бўлардим. Шунга қарамасдан Ойбек домла билан учрашиб туришга вақт топардим.

Манфур Гитлер Ватанимизга бостириб кирган пайтда ҳамма Ватан мудофаасига отланди. Кўплар кўлларига қурол олиб фронтга кетдилар, шоир, адибларимиз эса қаламни найза қилиб душманга қарши курашдилар. Босқинчиларга қарши мардона курашган авлодларимизнинг қахрамонликлари ҳақида асарлар ёздилар. Ойбек Торобий, Ҳамид Олимжон Муқанна, Шайхзода эса Жалолиддин ҳақида сахна асари ёзиш каби фахрий вазифаларни ўз зиммаларига олишди.

Ватанимиз немис-фашист босқинчиларига қарши курашаётган бир пайтда ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг кўрсатмасига биноан Тошкентда Ўзбекистон ССР фанлар академияси ташкил қилинди. Адиблар орасида Ойбек домла ва Ғафур Ғулом шу академияга ҳақиқий аъзоликка сайланди.

Улуғ Ватан уруши тамом бўлгандан кейин Ойбек домла билан яна бир неча йил бирга ишлашдик. 1945 йил август ойида Ўзбекистон ёзувчилари Ойбекни Ёзувчилар Союзига раис, мени эса мисъул котиб қилиб сайлашди. Устоз билан бирга ишлаш йиллари мен учун жуда ҳам завқли бўлди, у киши раҳбарлигида жуда катта ижодий ишлар қилиниб, союз атрофига ёш ва тажрибали ёзувчилар жалб этилди, областларда ёзувчилар союзининг бўлимлари очилди. Уруш йилларида вақтинча тўхтаб қолган Ўзбекистон Ёзувчилар Союзининг органи «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари қайта тикланди. «Шарқ юлдузи» журналининг муҳаррири қилиб Ойбек

домла тайинланган эди. Ёзувчилар союзига бир қанча ёш истеъдодли шоир, адиблар қабул қилинди.

Бу вақтларда академик Ойбек Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ташкил этилгандан бошлаб ижтимоий фанлар бўлимининг раиси лавозимида ҳам хизмат қиларди, шу билан бирга у СССР Ёзувчилар Союзининг раисининг ўринбосари вазифасини ҳам бажарарди. Шунча кўп вазифаларга қарамай устоз ўз ижодий ишини сира унутмас, шеър, дoston, романлар ёзарди.

1946 йил 10 февраль Ойбек домла учунгина эмас, Ўзбекистон ёзувчилари учун ҳам қувончли кун бўлди. Шу куни устоз СССР Олий Советига депутат қилиб сайланди, бу тарихда биринчи марта ўзбек ёзувчисининг олий даргоҳга сайланиши эди. Орадан кўп ўтмай шу йили 27 июнда Ойбек домланинг «Навоий» романига биринчи даражали СССР Давлат мукофоти берилди. Шу муносабат билан 11 августда Муқимий номидаги театр биносига адабий кеча ўтказилиб, Ойбек домланинг ижоди ҳақида академик Тошмуҳаммад Саримсоқов доклад қилди. Ойбек домланинг «Навоий» романи ўзбек ва рус тилларида қайта-қайта нашр қилинди. Устоз 1946 йилда «Светский писатель» нашриёти чиқарган «Навоий» романининг менга такдим этган нусхасида шундай сўзлар ёзганди: «Қимматли дўстим Жуманиёзга! Севги ва ҳурмат билан бағишлайман. 10. II. 47 йил». Бу ёдгорлик мен учун энг нодир совға эди. У 1947 йил август ойида коммунистик партиёга аъзо бўлиб кирди. Мен домланинг партиё сафига киришида тавсиянома ёзиб беришим билан ўзимни бахтиёр ҳисоблайман.

Ойбек домла Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш учун жуда катта ишларни амалга оширишда қатнашди. У Навоий юбилейи комитетининг раис ўринбосари сифатида ҳаммамизга муҳим топшириқлар берарди. Алишер Навоий номидаги театрнинг қурилиши ҳам шу тарихий санага тайёр бўлиб, ишга тушган эди. Ана шу театрда Навоийга бағишланган мажлис бўлиб, унда Ойбек домла шоирнинг ижоди ва унинг оламшумул аҳамияти ҳақида доклад қилганди.

Тантанага қатнашиш учун жуда кўп меҳмонлар ташриф буюришган эди. Уларнинг кўпчилиги Ойбек домланинг уйига меҳмон бўлишганди. Ҳали-ҳали ёдимда. Ойбек домла билан бирга ҳукумат боғига бориб, Николай Тихонов ва Константин Симонов биргаликда ширин суҳбат қилиб, тонг оттирардик. Устознинг Россия ва қардош республикаларнинг ёзувчилари билан бўлган дўстлигининг жонли гувоҳиман, улар уни дилдан севишарди. Устоз сўзлаганда тингловчилар сира ҳам зерикмасди, яна қайта-қайта эшитишни орзу қилишарди.

Ойбек домла адабиётимизнинг жонқуяри эди, ҳар бир шоир, ёзувчини қадрлар, уларга меҳрибон ва ғамхўр эди. У ёш ниҳолни авайлаб ўстирадиган боғбонга ўхшаб адабиёт чаманзоридида гулларни бақувват ўсишлари ҳақида қайғурарди. Бир мисол:



Болалар ёзувчиси Қудрат Ҳикматнинг шеърларини ўқиган Ойбек домла мени ўз кабинетига қақриб:

— Қудратнинг шеърларида ҳикмат кўп. Уни ўзимизга жалб қилишимиз керак, у Олой бозорида ишлар экан, бозорда Қудратнинг таланти сўниши мумкин, сен унга ёрдам бер, редакция ишларига жойлаштириб қўй,— деди. Мен домланинг илтимосини тезда бажардим. Қудрат Ҳикматни нашриётга ишга жойлаштирдик. У чиройли шеърлар ёзиб, болаларнинг энг севимли шоири бўлиб етишди.

Устоз менинг асарларимни ўқиб кўп маслаҳатлар берган. Бир куни устознинг уйига борганимда, ўз ижодий тажрибалари ҳақида шундай деди:

— Мен «Навойи» романини бошладан илгари «Навойи» поэмасини ёзгандим. Навойи ҳазратнинг образини шеърда яратиб, юрагимга сингдиргандим.

Ойбек домланинг бу гаплари мени ўйлантириб қўйди. Уша вақтларда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари Усмон Юсупов ёзувчиларни йиғиб бир қанча масалалар тўғрисида тўхталиб, илгор колхоз раиси Адолатхон ҳақида ҳам гапирган эди. Шундан сўнг мен у ҳақида «Саодат» номли повесть ёзмоқчи бўлдим. Ойбек домланинг гаплари эсимга тушиб аввал «Саодат» поэмасини ёздим, кейин шу номда повестни тугаллаб, уни биринчи марта у кишига ўқиб бердим.

— Повестинг дуруст чиқибди, энди роман ёзишга ўтишинг мумкин,— дея менга оқ йўл тиладилар. — «Саодат» повестингни нашр қилиш ҳақида раҳбарлар билан гаплашаман.

— Домла, ўқиб берганингизнинг ўзи етади, овера бўлманг.

— Кишиларга яхшилик қилишнинг овораси бўладими, қолаверса менинг энг яқин дўстимсан.

Менга роман ёзишда оқ йўл тилаган Ойбек домлага миннатдорчилик билдириб, Хоразм мавзусида қалам тебратишга сўз бериб, уйларидан хурсанд бўлиб чиқиб кетдим. Роман ёзишдан аввал «Хоразм» поэмасини ёздим. У «Шарқ юлдузи» журналида бир неча сонда чоп этилди. Хоразм юрагимга шеър билан кирганди. У вужуд-вужудимга сингиб кетди. Бир куни Ойбек домла билан Зарифа опа уйимизга келганда «Хоразм» романининг қўлёзмасини (у минг бетга яқин эди) устозга кўрсатдим. Уни варақлаб кўриб — катта ишни бошлабсан, — деди.

— Домла, бу биринчи варианты...

— Ҳали кўп вариант қилсан, биламан ишдан чўчимайсан.

— Сизнинг маслаҳатингиз билан оғир ишга қўл урдим.

— Бу роман хоразмликларга катта совға бўлади, — Ойбек домла ҳамон қўлёзmani варақларди, — архив материалларини топганинг яхши бўлибди, ижодий ишингда муваффақиятлар тилайман.

Ойбек домланинг бу сўзлари юрагимни тўлқинлантириб юборди, ишга янада қаттиқ киришдим.

1949 йилда улуғ рус шоири А. С. Пушкиннинг туғилганига бир юз эллик йил тўлиши муносабати билан биринчи марта тўрт томлик асарларини чиқариш мўлжалланди. Тўрт томликнинг қўлёзмасини нашрга тайёрлаш вазифасини Ўздавнашр дирекцияси менга топширган эди. Жуда қисқа мuddат ичида шоир асарларини таржима қилиш, мавжуд таржималарни қайта кўриб чиқиб, таҳрир қилиш керак эди. Ойбек домла таржима этган ва 1937 йилда чиқарилган Пушкиннинг «Евгений Онегин» шеърый романини қайта ишлашга киришди, биринчи нашрида рўй берган камчиликларни тuzатди, таржимага янги бўёк, жило берди, маълумки «Евгений Онегин» шеърый романи 5004 сатр бўлиб, Ойбек домла улاردан 2057 мисрани қайта кўрди қаранг, домла икки ойга яқин қисқа мuddат ичида катта асарнинг ярмидан ошқроғини тuzатиб чиқди. Бу катта жасорат эди. «Евгений Онегин»нинг қайта ишланган нашри ҳам Пушкиннинг бошқа китоблари қатори шоирнинг юбилейи арафасига чиқиб, китобхонларни хурсанд қилди.

Ҳали-ҳали ёдимда: ўзбек адабиёти тарихида биринчи марта яратилаётган «Ўзбек поэзияси антологияси»ни рўёбга чиқаришда Ойбек домла бош-қош бўлди. Минг йиллик адабий ёдгорликларни илмий асосда тўплаб, чиройли безаклар билан, энг яхши қоғозда чоп қилиш осонмас, албатта. Ойбек домла антологияни тuzувчи ўртоқлар: М. Афзалов, М. Бобоев, С. Иброҳимовлар билан бирга планин кўриб чиққач, уларга йўл-йўриқлар кўрсатиб берди. Антология ўз ичига I—Эпос (халқ дostonлари), II—классик поэзия, III—октябргача бўлган халқ поэзияси, IV—совет поэзияси, V—совет давридаги халқ поэзияси қисмларни оларди. Ойбек домла ҳар бир материални ўзи кўриб чиқар, тuzатиб тартибга соларди. Антологияга эллика яқин шоирнинг ғазал, шеърлари, дostonларидан парчалар кирган эди. Устоз антологияга «Ўзбек поэзиясининг тарихий тараққиёти тўғрисида» катта кириш сўзи ёзди. Ушбу монументал асарни русчага таржима қилиш ва уни Москвада нашр эттиришда Ойбек домланинг хизматлари беқиёс. Антологияга кирган асарларни рус тилига ўгиришда Иттифоқимизнинг етакчи шоир ва таржимонлари жалб қилинди. Ҳар бир таржимонга Ойбек домла алоҳида хат билан мурожаат қилиб, ушбу шарафли ишда ўз улушларини қўшишларини илтимос қилди. Бир неча йил муттасил иш олиб борилди. Антология тайёр бўлгач, қўлёзмасини Ойбек, В. Луговской, С. Сомова ўртоқлар кўриб, таҳрир қилиб чиқдилар. Л. И. Климович бу ишда бевосита йўл-йўриқлари билан ёрдам берди. «Ўзбек поэзияси антологияси» чиройли безаклар билан 1950 йилда Москвада нашр қилинди.

Кўп ўтмай Ойбек домла ҳақида Ҳомил Ёқубовнинг монографиясини чиқардик. Республикамизда Ойбек домла юбилейига тайёргарлик ишлари қизиб борарди. Колхоз, совхоз, завод ва ўқув юртларида Ойбек домла билан мароқли учрашувлар ўтказилди, бунда унинг шеърларини шоирлар ўқиб

беришарди. Устоз ўзининг жавоб нутқини ўқиб беришни менга топширарди. У кишининг оташ қалбидан чиққан жавоб нутқини ўқиб берганимда халқимизнинг устозга бўлган буюк ҳурматини ўз кўзим билан кўрадим.

1955 йил 26 майда Ўзбекистон Фанлар академиясининг мажлислар залида Ойбек домла туғилганига 50 йил, ижодий фаолиятига 30 йил тўлиши муносабати билан илмий сессия очилиб, унда Ҳомил Ёқубов «Ойбекнинг ижод йўли» деган мавзуда доклад қилди. Орадан беш кун ўтгач, 31 майда Алишер Навоий номидаги катта опера ва балет театрида юбилей тантанаси бўлди, кечани Комил Яшин кириш сўзи билан очди. Ойбек домланинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида Абдулла Қаҳҳор доклад қилди. Бу тантанали кечага қардош республикалардан, Москва, Ленинград шаҳарларидан жуда кўп меҳмонлар келганди. Улар юбилейни самимий ва қизгин қўтладилар.

Ойбек домла шу тантанадан кейин ўз уйида катта зиёфат берди. Бу ерда устознинг энг яқин дўстлари, азиз меҳмонлар келишганди. Ойбек домланинг уйи катта байрам тусини олганди. Бир томонда аския кетар, бир томонда ашула, рақс авжга чиққанди. Буларни кўрган устоз ва Зарифа опа чексиз хурсанд. Атоқли санъаткорлар Ҳалима Носирова, Аброр Ҳидоятлов, Олим Ҳўжаев, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурҳонов, Наби Раҳимов, Тамарахоним, Мукаррама Турғунбоева, Карим Зокировлар ўзларининг санъатларини намойиш қилишарди. Кеча қизиб борарди. Мен ҳам Ойбек домланинг бошқа яқин дўст, шоғирдлари қатори енг шимариб хизмат қилардим.

Бир пайт устоз мени чақириб шундай деди:

— Ҳамма санъаткорлар келибдию, фақат Комилжон йўқ.

— Бугун Муқимий театрида «Азиз ва Санам» спектаклининг премьераси бор. Комилжон унинг куйини ёзган, бўлмаса албатта келар эди, — деди артистлардан бири.

Ойбек домла ўйланиб қолди. Кўрдимки, Комилжон Отаниёзов шу кечада бўлиши керак.

— Домла, мен ҳозир театрга бораман, — дедим дарвоза томон йўналиб.

— Премьераси бўлса келмас, — деди Зарифа опа.

— Гаплашиб кўраман.

Кўз очиб юмгунча Бешёғочдаги театрга кириб бордим, тўғри директор ложасининг эшигини очдим.

У ерда пьеса муаллифи Аҳмад Бобожон билан композитор Комилжон Отаниёзов спектаклни кузатиб ўтиришган экан. Саломалиқдан кейин секингина «гап бор» деб икковини фўэга чиқишни илтимос қилдим.

— Бугун Ойбек домланинг ўтириши борлигини биласизлар-а?

— Билар эдик-ку лекин премьераси... — дейишди улар.

— Кўряпман, спектакль яхши ўтпти,

музикаси ҳам ажойиб, яна янги пьесалар ёзиб янги премьерасини ўтказасизлар. Аммо Ойбек домла ярим асрлик умр тўйини бу кун нишонлапти, хўш нима дейсизлар, қуруқ қайтиб кетаверайми?

Улар ўйланиб қолишди.

— Аҳмаджон, — деди Комилжон Отаниёзов, — мен борай, сиз премьерани кузатиб туринг. — Сўнг менга ўгирилиб, — шеригимни топишимиз керак, асбоблар уйда.

— Топамиз, машина ҳам бор.

...Комилжон Отаниёзов ҳовлига кириб устозни табриклар, кўчоқлар кўришди. Ойбек домла хурсанд бўлганидан «яхши», «жуда яхши» дерди холос.

Комилжон Отаниёзов ҳали ўтиргани ҳам йўқ эди. Кимдир ўртада «Лазги» га ўйинга тушаётганини кўриб, «Хоразмча лазги мана бундай бўлади» деб шу замон рақсга тушиб кетди. У дуркин, тўладан келган бўлишига қарамай, худди қўшдай учарди. Кеча ниҳоятда қизиб кетди. Рақслар кетидан рақслар, кўшиқлар кетидан кўшиқлар янграрди. Ҳаммадан кўп Комилжон Отаниёзов кўшиқ айтди. Ҳали эсимда, кеча тонгга улиниб кетди.

Бу вақтларда мен Ойбек домланинг таржимаси бўлмиш «Евгений Онегин» шеърый романи устида илмий иш олиб борардим. Бу иш юзасидан баъзи бир саволлар билан устозга мурожаат қилардим. Диссертацияни ёзиб бўлгач, уни даставвал Ойбек домлага олиб бориб кўрсатдим. Устоз ишимни жуда тез ўқиб, тақриз ҳам ёзиб берди. Бу мен учун энг катта, қимматбаҳо тўхфа эди.

Мен бу қимматбаҳо ҳужжатни кўз қорачиғимдай сақлайман ва устоздан умрбод миннатдорман.

Кейинчалик докторлик диссертацияси мавзуини аниқлашда ҳам Ойбек домла билан маслаҳатлашдим. У киши «Ўзбекистонда таржима тарихидан» деган мавзуни мақбул кўрди. Шу мавзуда 1965 йилда босилиб чиққан монографиямни биринчи бўлиб устозга тақдим этдим. Китобни варақлаб туриб: «Катта иш қилибсан, табриклайман» дедилар. Шу йил Ойбек домланинг олтинчи йиллик юбилейи муносабати билан кўплаб мақолалар эълон қилинди. Мен ҳам «Ойбек моҳир таржимон» деган туркум мақолалар ёздим.

Машъум ўлим Ойбек домлани орамиздан олиб кетди.

Ойбек домланинг вафотига ўн йилдан ошди, лекин унинг хотираси ҳамон дилимизда! Адибнинг номини абадийлаштириш учун кўчалар, мактаб, техникум, институт, музей, колхоз ва совхозларга устознинг номи қўйилди. Ажаб эмаски, Ойбек домла номига шаҳар ҳам қўйилса. Мен ҳаёлан устоз номига қўйилган ўша шаҳар ўртасида қад кўтариб турган ҳашаматли ҳайкал олдига келиб, пойига гуллар қўйар эканман. «Салом устоз, авлоду аждодимиз Сизни абадул-абад унутмайди» дейман.



ТАНҚИД  
ВА  
АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бегали Қосимов,

филология фанлари кандидати

## ҲУРРИЯТГА ЧОРЛАГАН ШЕЪРИЯТ

(Биринчи жаҳон уруши ва ўзбек шеърияти)

Ҳассос шоиримиз Аваз Утар асримиз бошидаги рутубатли йилларни сарҳисоб қилар экан, дўстлар ва биродарларига шундай бир замонда эркин куйлаганини ифтихор билан айтган эди.

Дарҳақиқат, биринчи жаҳон уруши ўзбек адабиёти, жумладан, шеъриятимиз учун ҳам синов йиллари бўлди.

Бу даврда Туркистонда аҳвол бениҳоя оғир эди. Чор ҳукумати рус бўлмаган чекка ўлкаларда «тартиб сақланишига» алоҳида аҳамият берди. 1914 йилнинг 24 июлида подшонинг шахсий фармони билан Туркистон ўлкасида «фавқулодда қўриқланадиган» ҳолат эълон қилинди. (Қаранг, Ўзбекистон ССР тарихи, 4 томлик, 2-том, Т., «ФАН» 1971, 534-бет). Туб аҳолига нисбатан хилма-хил чекланишларни татбиқ этиш, «ватанпарварлик»ни мажбурий жорий қилиш чоралари кўрилди. Губернатор ва уезд бошлиқларига «аҳолининг ўй-фикрини кузатиб бориш», «ватанпарварлик кўрсатганларни рағбатлантириш», «озгина бўлса ҳам душманлик-ниятда бош кўтарилгудек бўлса», «ғоят шафқатсизлик билан дәрҳол бостириш» ҳақида кўрсатма берилди. Ҳамма мачит ва мадрасаларда подшо ва унинг хонадони шаънига хутбаи давлат ўқитиб турилди. (Уша китоб, 535-бет).

Булар исзис кетмади. Урушнинг асл моҳияти жуда кўп ўзбек зиёлиларининг назар-эътиборидан четда қолди. Улар ҳодисанинг ташқи томонинигина кўра олдилар. Газета ва журналлар саҳифаларида «оқ подшоҳ», «ҳазрати императўр» шаънига битилган «дуо»лар кўпайди: бир қадар де-

мократик позицияда турган Сидқий, Тавалло каби шоирлар, ҳатто даврнинг энг пешқадам зиёлиларидан ҳисобланган Мирмуҳсин Шермуҳамедов, Абдулла Авлонийдек адибларимиз ҳам бу хил сохта «ватанпарварлик» руҳидан бирданига халос бўла олмадилар.

Лекин кўп ўтмади. Уруш ўзининг бутун зиддияти билан ижодкор зиёлиларимиз асарларида намоён бўла бошлади. Уруш фожиаларини реалистик идрок этишга мойиллик пайдо бўлди.

Масалан, Авлонийнинг уруш бошларида ёзилган бир шеъридаги мана шу сатрларга разм ташланг:

Оврупода ўт чиқди рақобат  
асариндан,  
Милйўнлаб айилди азамат жон  
жигариндан,  
Инсон на замон ал чекадур қон  
ичариндан,  
Не вақт ўсонур ер талашуб жон  
чекариндан.  
Ер куррасининг маҳвари чиқди  
учариндан,  
Оврупо оловланди бу ёнгин  
сафариндан.

(Авлоний, кўлэзма. Ҳ. Авлоновада сақланади).

Шоирнинг позицияси аниқ. У урушни инкор этмоқда, уни инсониятнинг офати сифатида кўрсатмоқда. Муҳими шундаки, у урушни келтириб чиқарган сабабларни, унинг мазмун-моҳиятини ҳам белгилашга уринади. Эътибор қилинса шоир диққатни

бу «ўт»нинг «рақобат» натижасида «чиқ» қанига, «қон ичиш» ва «жон чекиш»ларнинг замирида «ер талашиш» турганига қаратганини сезиш мумкин. Бир сўз билан айтганда у ҳодисага реалистик ёндашмоқда. Авлоний бир томонда «Англетар» (Англия) иккинчи томонда «Олмониё» (Германия) бош бўлган бу уруш «олама ҳоқимлиғ» мақсадида бошланганлиги ва у бутун Европани ўз қаърига олганлиги ҳақида сўз юртади.

Мирмуҳсин Шермухамедовнинг қуйидаги сатрлари эса ҳали Россия урушга кирмаган, лекин уруш жазаваси мамлакатда авж олган бир пайтда, 1914 йилнинг бошларида ёзилган эди:

Аъламу муфти ҳама фатвофуруш,  
Зоти шариф дерки, кўпайсун уруш.  
Ман на қилай йиғламайин аҳли ҳуш.  
Варча бу ишларга ҳамоно хомуш,  
Кўзларини очди, кўринг қилди соғ,  
Эчкини жон қайғуси, қассобни ёғ.

(Туркистон вилоятининг газети, 1914 йил, 19-сон).

Уруш чор самодержавиясининг таназулини очик-ошкор қилди, ижтимоий зиддиятларни кескинлаштириб юборди. Ленин таъкидлаб ёзганидек, «революцион кризисни жуда зўр миқёсда илгарӣ сурди» ва «миллионларни ҳаракатга келтирди». 1915 йилнинг охирида Россияда революцион вазият вужудга келди. 1916 йил мамлакатда ижтимоий норозилик ҳаракатлари билан бошланди. Унинг устига ўша йили ҳосил деярли битмади. Йил жуда қуруқ келди. Озиқ-овқат танқислиги кўп ўтмай бутун мамлакатни ўз қаърига олди. Бутун Россиядаги сингари Туркистонда ҳам қаҳатчилик юз берди.

1916 йилнинг 25 июнида Николай II «Империёдаги ғайри рус аҳолининг эркакларини ҳаракатдаги армия турган районларда мудофаа иншоотларини ва ҳарбий алоқа йўлларини қуриш ишларига, худди шунингдек давлат мудофааси учун зарур бўлган бошқа ҳар қандай ишларга сафарбар қилиш тўғрисида» фармон берди. Туркистондан 19 ёшдан 43 ёшгача бўлган 250 минг ишчи олинадиган бўлди. Кўп ўтмай, «ҳар қандай маҳаллий киши бошқа одамни ёллаши ва ўзининг ўрнига жўнатиши мумкин»лиги ҳақида кўрсатма келди. Уни суистеъмол қилиш, порахўрлик, зўравонлик авж олди. Норозилик бошланди. Оммавий репрессиялар, туб жой аҳолининг ҳар қандай ҳаракатига чек қўйиш мақсадида темир йўл билетларининг уезд бошлиғи рухсатсиз сотилмай қўйиши ҳам, Фарғона ҳарбий губернатори генерал Гиппиуснинг аҳолида ишонч уйғотиш мақсадида тўн кийиб, салла ўраб, Наманган маҳитларидан бирида «қуръон ўқиши» ҳам, «қўнғилиш»лар уюштириши ҳам ёрдам бермади. Норозилик ўлка ижтимоий ҳаракатчилиги тарихида муҳим бир босқич бўлиб қолган «мардикорлик воқеалари»ни келтириб чиқарди. 1916 йилнинг июлида бутун Туркистонни миллий-озодлик ҳаракатлари чулғаб олди. Қонли тўқнашувларгача бориб етган норозилик намоёнликлари ўлка-

нинг деярли ҳамма шаҳар ва уездларида бўлиб ўтди. 1916 йилнинг 9 августида Тошкентга келган «Вақт» газетасининг муҳбири Шаҳид Муҳаммадёроев «Мардикорлик ари уясига чўп тикқандек бўлди. Туркистонда бамисли ер ларзага келди. Халқ бош кўтариб ён-атрофига қаради. Бу Туркистон учунгинагина 1905 йил бўлди... Туркистон бирдан XVIII асрдан XIX асрга кирди десак, янглишмаймиз», — деб ёзган эди. («Вақт» газетаси, 1916 йил, 24 август).

Чор ҳукумати ён беришга мажбур бўлди. Мардикорликка олинадиганларнинг сони қисқартирилди. Уларни жўнатиш кейинга сурилди. Ўлка аҳолини текшириш учун А. Ф. Керенский иштирокидаги комиссия юборилди. Туркистонни яхши билган А. Н. Куропаткин генерал-губернатор қилиб тайинланди. Миллий буржуазия чор ҳукуматига ёрдамга келди.

18 сентябрь куни мардикорлар тушган биринчи эшелонни тантанали жўнатиш маросими бўлди. Ғоят тадбиркорлик билан иш кўрилди. Мардикорларга ош тортилди, пул ва ширинликлар улашилди. Кўчаларда оқ подшо шаънига битилган шиорлар пайдо бўлди. Мардикорларга генерал Куропаткиннинг ўзи оқ йўл тилаб қолди. 18 октябрда эса Николай II мазкур эшелоннинг «вакил»ларини ўз қароргоҳида қабул қилди. Уларнинг «ватанпарварлик» иштиёқларини тақдирлаб, муқофот берди. Хуллас, мана шундай хилма-хил тадбир ва усуллар оқибатида йил охирига келиб ўлкадаги кўзғолишлар пайсал топди. Сўнг кўзғолон қатнашчиларини шафқатсиз жазолаш бошланди. Минглаб кишилар осилди, қамалди, бадарға қилинди. Бу халқимизнинг инқилобий тарихида алоҳида босқич бўлиб қолди.

Мардикорлик воқеалари номи билан машҳур бу ҳодисалар бадий адабиётда ўз изини қолдирмаслиги мумкин эмас эди. Дарҳақиқат, шундай бўлди. Ўша кунларнинг қайноқ нафаси билан йўғрилган қўшиқлар, шеърлар, достонлар, ҳатто драматик асарлар майдонга келди. Афсуски, булар на адабий-тарихий, на адабий-проблематик нуқтаи назардан ўрганилган эмас. Ҳатто уларнинг аксарияти (масалан, Ҳамзанинг «Лошмон фожиаси» ва «Рабочий» драмалари ҳақидаги умумий маълумотлар билан бу мавзудаги қўшиқлари таҳлили, Ҳ. Қорабоев шеърлари ҳақидаги кейинги фикр-мулоҳазалар, бу давр халқ қўшиқлари, мардикорликка бориб келиб у ҳақда дoston ёзган Пўлкан ижоди таҳлили ҳисобга олинмас) шу пайтгача ўқувчиларга номаълум бўлиб қолади. Бинобарин, бу хусусдаги ишлар ҳали ибтидоий ҳолда — мавжуд асарларни аниқлаш, тўплаш, саралаш ва илмий муомалага олиб кириш босқичида турибди. Бу соҳада маълум ютуқларни қўлга киритган фольклоршуносликда эса мазкур мавзунинг маълум проблемалар нуқтаи назаридан ўрганиш вақти аллақачон келган. Бироқ ёзма адабиётдаги ишлар эса ҳали олдинда турибди. Биз бу ўринда мардикорлик воқеаларининг бадий адабиётда акс этиш кўлами ва йўна-

лишларини батафсил ёритиб бериш даъвосидан узоқмиз, албатта. У бир-икки тадқиқот имконияти доирасида ҳам эмас. Шу сабабли биз 1916 йил воқеалари билан боғлиқ биргина поэтик асарлар билан қизиқдик ва уларни ҳам ўзбек инқилобий шеърятининг тадрижий тақомили нуқтаи назаридан кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Ҳозирча, мардикорлик воқеаларига бағишланган ўнга яқин шеърий тўплам босилиб чиққанлиги маълум бўлди. Булар орасида Ҳамзанинг машҳур «Миллий ашулалар учун миллий шеърлар мажмуаси»нинг 7-бўлими — «Сафсар гул» (Қўқон, 1917), Муҳиддин Иброҳимов тузган «Лошмон» (Наманган, 1916), Авлонийнинг «Мардикорлар ашувласи», Акбарий Тошкендийнинг «Ватанга хизмат», Сидкийнинг «Рабо(т)чилар намойиши», «Рабо(т)чилар келиши», Мулла Муртазо бин Исмоилжоннинг «Ватан хизмати» каби тўпламлари бор. Шунингдек, Азмиий Азизийнинг «Янги шугуфа ёхуд Миллий адабиёт», Сидкийнинг «Русия инқилоби» (1917 й.) сингари асарларида ҳам мардикорлик воқеалари тасвири учрайди. Табиийки, булар ҳаммаси ғоявий ва бадиий жиҳатдан бир хил савияда эмас. Негакки, бу адибларнинг қараш ва интилишлари бир-биридан анча фарқ қилар эди. Лекин муҳими шундаки, уларнинг кўпчилиги қисми шундай оғир синов йилларида халқ билан ёнма-ён бордилар, унинг орзу ва ҳасратини ифода қилдилар.

Тўпламларнинг бир қисми 1916 йил сентябрь воқеаларининг акс-садоси сифатида майдонга келган. Буларни маълум даражада хайрлашув кўшиқлари деб аташ мумкин. Уларда ижодкор зиёлиларимизнинг урушга бўлган ғоят зиддиятли муносабати ўз аксини топди. Бу ҳол «Лошмон»да айниқса кўзга яққол ташланган эди. Масалан, унда сохта «ватанпарварлик» майллари, буюк туркчилик туйғулари кўпроқ ифодаланди.

Кўпчилик шеърларда «Ватандошлар, миллатдошлар, диндошлар» «подшоҳ» ва «Ватан» хизматида даъват этилади. Лекин мана шундай шеърлар орасида ҳам «ғариб ватан» манзараларини чизувчи, уни «уйғотиш»га ундовчи, унинг истиқболига умид кўзини тикувчи сатрлар йўқ эмас.

Кулгил Лутфий, чекма ҳеч ғам,  
етар, гул очилади,  
Кетар қушлар, бўрон-қорлар: бўлар  
миллат баҳори! —

деб тугатади Лутфулла Олимий ўз шеърларидан бирини (5-бет).

Акбарий тахаллуси билан шеърлар ёзган, Авлоний труппасининг фаол аъзоси, 1915 йилда Абдулла Қодирийнинг «Бахтсиз куёв»да эликбоши ролини ўйнаб, элга танилган Абдурахмон ҳожи Акбаровнинг шеърларида ғамган ва ўйчан бир кайфият, юз берган ҳодиса билан келишиб қўя қолмаслик, унинг сабабларини излаш кучли:

Сабаб недур бошимиздан кўб  
айланиб учар қуш,  
Ҳайрон бўлиб бизлар қолдик ёки,  
кўрдимизму туш?!

Шоир ҳақсизлик, адолатсизликдан сўз очади:

Не учунким, бойлар ўғлин қолдуруб,  
Минг сўмга камбағал ёллаб олдуруб,  
Оналарин юрак бағрин ёндуруб,  
Бир оллога топшурдум мен сизларни.  
Ариғ бўйини ўйдум, қўлимга хино  
қўйдум  
Бизда оқча йўқ учун бормоқга бўюн  
қўйдум.—

Унга жўр бўлгандек бўлади Мулла Муртазо ибн Исмоилжон ва:

Милдир-милдир сув оқар, сув тагида  
қум оқар  
Хизматга кетганларнинг онасини ким  
боқар?

деган саволни қўяди.

Ҳа, ҳақсизлик биргина юрт бошига мардикорлик савдоси тушиб, манман деган йигитларнинг олис томонларга олиб кетилаётганида эмас, шўрлик камбағалнинг гирибонидан тутган қимматчилик, минг бир машаққат билан рўзгор тебратаётган оила суянчигининг мардикорликка олиниб, хонадоннинг қўл-оёқсиз қолиши фожиаларнинг бири холос. Фожианинг каттаси шундаки, бой ва амалдор халқ бошида ловуллаб ёнган бу оловдан қўл иситиб олди. Очлик ва қаҳатчиликдан чорасиз қолган камбағал пул ва нон бадалига ёлланиб, бой болалари ўрнига кетишга мажбур бўлди. «Мардикорлик ҳовли бошига солинган. Ҳовлида мардикор ёшида эркак бор-йўқлиги инобатга олинмайди. 16 ёшли бола бўлса ҳам ҳисоб. Ҳатто у шарт эмас. Тул хотинлар, етим болалар ҳам мардикор ёллаб беришга мажбурлар: моллари, ҳовлилари сотдириб олинади... Бу ҳолни тасдиқ этадурган аризалар бизнинг қўлимизда», деб ёзган эди «Вақт» газетаси. (1916 й., 30 август, 2087-сон).

1916 йил воқеалари фақат бизда эмас, Туркистон таркибида яшовчи қардош халқлар адабиётида ҳам ўз изини қолдирди. Масалан, бой халқ оғзаки ижоди аъналарига эга бўлган қозоқ адабиётида ўнлаб шеър ва дostonлар майдонга келганлиги маълум.

Мардикорлик воқеалари деб ном олган халқ озодлик ҳаракати, табиийки, ўша давр вақтли матбуотида ўз ифодасини топмади. Чор цензураси бунга йўл қўймас эди. У бир оз кейин 1917 йилги Февраль революциясидан сўнг кўринди. Ҳамза Қўқон ва унинг атрофида бўлиб ўтган халқ ғалаёнларини тасвирлар экан:

На кун ўлмишди, на хил ўлмишди  
замон,  
Нечанинг қўлида дандони, тўлув  
оғзида қон.  
Неча минглаб кишилар ўлди ватан  
бирла хазон,  
Бутун овози жаҳон тутди  
мусулмонни ёмон...

деб ёзади.

Сидкий ўзининг жуда қисқа муддатда ёзиб эълон қилган «Русия инқилоби» асарида бутун Туркистонни чулғаб олган бу

ҳаракатни кенг эпик планда тасвирлади. Унда 1916 йил 25 июнь «Фармони ноҳос-та»нинг эълон қилиниши, халқдаги бесаранжомлик, маҳаллий амалдорларнинг ноҳақ хатти-ҳаракатлари элнинг «чумоли каби хор» қилиниши, қирғинбаротлар, отиш-осишлар Тошкентда «Колкин» (Галкин), «Колесникўф», «Мочалўф»ларнинг, Жиззахда эса «Иванўф»ларнинг қилмишлари, «Семиречески»да «қирғиз (қозоқ) аҳли» бошига ёғдирилган жафолар батафсил ҳикоя қилинади. Эл ва юртнинг изтиробли кунлари чинакам халқчиллик ва ватанпарварлик нуқтаи назаридан ёритилади.

Муҳими шундаки, шоир бу ҳодисани хуррият ва озодлик, ҳақиқат ва адолат учун олиб борилган ҳаракат сифатида баҳолади. Масалан, у шундай фикрлайди: зулм ва ҳақсизлик шу даражага етдики, унга чидаш мумкин бўлмай қолди. «Июнь фармони» билан халқнинг сўнги сабр-тоқати ҳам тугади. Ниҳоят у кўзгалди. Алам ва армонини байроқ қилиб, шиддатли ҳаёт ва мамот жангига кирди:

Етиб бул зулм ислом элин жонига,  
Қўшудди хурриятчилар сонига.

Демак, мардикорлик миллий ва ижтимоий кўзғалиш учун бир туртки бўлган холос. Дарди етилиб, тўлишиб қолган халқ шу ҳодиса баҳона бўлди-ю, бирдан жунбушга келди. Масалга бу хил ёндашиш Сидқий қарашларида кескин ўзгариш юз берганини кўрсатади.

Бинобарин 1916 йилдаги қонли тўқнашувлар, табиий ҳол. Негаки, ҳоким мўтеъга озодликни ўз ихтиёри билан қўш қўллаб топширмайди ва у умуман осонликча бўлмайди. Уни фақат куч билан, қон билангина енгил мумкин. Шоир бунга тарихдан мисоллар келтиради. Жумладан, 1772 йилги Пугачёв кўзғолонини эслатади.

Мардикорлик воқеаси оқибатлари Сидқийнинг кўпгина шеърларидан ҳам ўрин олган.

Мирза Олим Жавҳарийда эса шундай сатрларни учратамиз:

Биз мусулмонлардан ўн олтинчи  
йилда ҳукм ила  
Борди аскар хизматиға неча юз минг  
мардикор.  
Бермаган жой турктозу жавр ила  
ўлди хароб,  
Қолди истибдод — зулм остида чўқ  
шаҳру диёр.  
Куйди масжидлар, иморатлар,  
бувулди хоналар,  
Қатл асру ғорат ўлди анда беҳадду  
шумор.  
Ҳукмлар жорий ўлурди, дамбадам  
бизларға ҳам  
Бош сўнуб лекин қабул айлар эдук  
чор-ночор.  
Олинурди оқча чўнтақдан, пичоқ эл  
ёнидан,  
От-анжомини ҳам гар ўтса йўлдан  
бир сувор.

(Баҳриддин Азмиё Азизий, Янги шугуфа ёҳуд Миллий адабиёт, Т., 1917, 32—33-бетлар).

Мирза Олим Мирза Толиб ўғли Жавҳарий Андижонда қозилик қилган. Шундан бўлса керак, шеърда кенг меҳнаткаш халқ бошига тушган икки ёқлама зулм тасвири эмас, балки биргина миллий ноҳақлик, чор ҳукуматининг Туркистонга етказган жабру жафоси тилга олинмоқда. Бу ҳам анча умумий планда ёритилмоқда. Шунга қарамасдан, шеър 1916 йил воқеаларининг бадий адабиётда акс этишини урганишда, бинобарин, инқилобий шеърятимизнинг кўлами ва ривожини аниқлашда маълум аҳамиятга эга.

Каттақўрғонлик Мутрибанинг «Эй дўстлар, на бўлди?!» шеърисида масала бирмунча бошқачароқ қўйилган. Шоира Каттақўрғонда юз берган воқеаларни тасвирлар экан, кенг халқ қатламлари манфаати нуқтаи назаридан келиб чиқади:

Аввалда отни олди, кейин мардикор  
солди,  
Ким қилмади қабули, не-не балога  
қолди...  
Тушди эл ичра ғавғо, жамъ бўлди  
шаҳру саҳро,  
Ёғдурди ўқ ҳаводан, бир неча ўлди  
андо.  
Қамалди қанча одам, минг-минг  
десам эрур кам,  
Кетди шу нетганича, бедому беда-  
рак ҳам.  
Ҳар кимда бўлса пул кўп, қолди алар  
қутулиб,  
Бечора камбағаллар, кетти бари  
сотилуб.

Шеър инқилобий руҳ билан тўла:

Мутриба бўлди ношод, эл дардини  
этиб ёд,  
Қачон келур бахтли кун, қачон  
бўлуғмиз озод?!

Туркистондан ишчилар олиш 1917 йилнинг февралига қадар давом этди ва 123 мингдан кўпроқ киши сафарбар қилинди. Улар Қора денгиздан Болтиқ бўйига қадар чўзилган фронт орқасидаги оғир ишларда Петроград, Москва, Нижний Новгород, Қозон, Киев, Харьков каби шаҳарлардаги саннат корхоналарида, Шимолий Кавказдаги мис заводларида ишладилар. Одатда бир жойда ишловчилар тўдаси 1000 кишигача бўлар ва ҳар бир тўдага бир киши бошлиқ қилиб қўйилар эди. Бироқ Петроград, Москва, Нижний Новгород, Қозон, Харьков заводларида, Шимолий Кавказ районларида ҳам ўзбекистондан мардикорликка олинган ишчилар жуда кўп эди. Украина, Белоруссия, Урта ва Қуйи Волга бўйи районларида катта помешчиларнинг ерларида, Сухуми темир йўл қурилиш сингари иншоотларда ҳам мардикорликка олинган ишчилардан фойдаландилар. (Ваҳобов М., Тошкент уч революция даврида, Т., 1958, 143—144-бетлар).

Мардикорларнинг у ерлардаги оғир ва машаққатли ҳаёти ҳақидаги бизга сақланиб қолган асарлар у қадар кўп эмас. Бу асосан, Ҳамзанинг 1917 йилнинг апрелида бо-

силган «Сафсар гули»даги «Ватан ишчиларининг забун ҳолидан» деб номланган туркум шеърларидан машҳур «Соғиниб», «Салом айтинг» ва «Ҳой паҳлавон»да ҳамда Сидқийнинг «Рабо(т)чилар намоиши ёхуд Ватан қаҳрамонлари» билан «Рабо(т)чилар келиши» тўпламларида учрайди.

Ҳамза ўз шеърларида эрк ва ҳуқуқ учун уйғонган ўзбек меҳнаткашининг лирик образини яратишда мардикорларнинг фронт орқасидаги машаққатли ҳаётини, эл ва юрт соғинчини, профессор Лазиз Қаюмов таъкидлаганидек, кўшиқлар тили билан ифода қилди, бармоқда ёзди. Сидқийнинг Февраль буржуа революциясидан бир неча кун илгари эълон қилинган «Рабо(т)чилар намоиши ёхуд Ватан қаҳрамонлари» китобида кирган «Бир рабо(т)чи тилидан», «Фироқ намунаси» шеърлари ҳам Ҳамза сатрларига оҳангдош бўлиб, мусофирликда зор-саргардон юрган мардикорнинг соғинч ҳисларини ифода этади. «Бир рабо(т)чи тилидан» шеърига «соғиндим» сўзи радиф қилиб олинган. Шеър четдан қараганда ишқий-лирик йўлда ёзилгандай, маъшуқасидан ажраган ошиқнинг интизор кечинмаларинигина ифода қилаётгандай туюлади. Аслида ундаги мазмун анча кенг. «Адашганман» радифли иккинчи шеърда эса «фалак зулми» ҳақида гап очилади, лирик қаҳрамон — мардикор ихтиёри ўзида йўқлигидан, аҳолини «шарҳи бэён» қилолмаслигидан зорланади. Шоирнинг цензура вазидан шундай йўл тутишга мажбур бўлганини сезиш қийин эмас.

Ҳар икки шеър ҳам арузнинг оғир, вазмин вазнларидан ҳазажми мусаммани солимда ёзилган.

Сидқийнинг 1917 йил 19 март санаси билан эълон қилинган «Рабо(т)чилар келиши» китоби ҳар жиҳатдан муҳим.

Унда асосий ўринни «Ситамдийда рабо(т)чилар келиши» деб номланган 90 сатрли манзума эгаллади.

Манзумадаги мардикорларнинг жафоли ҳаёти билан танишиш жараёнида шоирнинг ўқувчи диққатини чор ҳукуматининг қабиҳ сиёсати ва кирдикорларига қаратганлигини англаш мумкин. Асар савол-жавоб асосига қурилган.

«Шоир» «сўз» сўрайди, «рабо(т)чи» жавоб қилади. Шоирнинг «рабо(т)чи»си мис кониға» борган. Гап секин-аста уларнинг нима иш билан машғул бўлгани ва уларга қандай муомала қилинганига кўчади:

Верди бир қўлга чироғу ёна бир  
қўлга темури,  
Ер тагига ушбу ҳолат бирла кирдук  
биз гаюри.  
Баъзимизга берди гурзи, мисни  
топсанг, муңда ур,  
Ер таги намноку танлар ожиз ўлди  
мисли мўр,  
Айтингиз табрик этиб: «Эй қаҳрамон,  
хуш келдингиз!

Бу ердаги қаҳрамон сўзининг маъноси ўзгача, албатта. Бу қаҳрамонлик мардикорнинг ўшундай оғир шароитда қилган хизматига эмас, балки инсон зоти чидай

олмайдиган қийноқ ва азобдан омон чиқиб келганлигидадир. Буни шоирнинг позицияси равшан кўрсатиб турибди:

Борибон мис кониға бўлдук неча  
муддат муқим,  
Зулм тоғи остида қадлар дуто  
бўлди чу мим.  
Ер тагига гоҳ туштук бир-икки, уч  
чақирим.  
Ер босиб қолғайми деб жон титраб  
эрди, оҳқим,  
Визга лойиқ десангиз: «Эй, тоза  
жон, хуш келдингиз!  
(6-бет)

Асарнинг аҳамияти ўша давр адабиётида жуда кам ёритилган фронт орқасида хизмат қилган мардикорларнинг оғир ва аянчли меҳнатини кенг халқ қатламлари манфаати ва юксак инсонпарварлик нуқтаи назаридан ёритилганлиги ҳамда чор ҳукуматининг мустабид сиёсатини фош этганлиги билангина чекланиб қолмайди. У айни пайтда умуман ҳар қандай зулм ва зўравонликни қоралаши, ҳурлик ва озодликни улуғлаши, бинобарин, инқилобий ғояларнинг шеъриятимизда чуқур томир отаётганлиги жиҳатидан ҳам муҳим ҳисобланади.

1917 йил Февраль революциясидан кейин Советларнинг қатъий талаби билан мардикорлар ўз она юртларига олмавий қайта бошладилар. Уларни кутиб олиш ўлка большевикларининг, маҳаллий, ишчи ва илғор зиёлиларининг ташаббуси билан катта тантанага айланди. Жумладан, Тошкент ишчи ва солдат депутатлари Совети ҳамда шаҳар мусулмон меҳнаткашларининг касабасоюзлари ва советлари фаол иштирок этди.

Дарҳақиқат, мардикорлик ўзбек меҳнаткашларининг миллий-ижтимоий уйғонишида ўзига хос мактаб бўлди. «Вақт» мухбири Шаҳид Муҳаммадёров «Туркистон мактаблари» мақоласида «Мардикорлик улар (туркистонлилар — Б. Қ.) учун бир мактаб бўлар. Халқ ер-сув кўрар, очилар, тил ўрғанар. Халқ бундай мактабга бениҳоя чанқаган. Туркистон учун ҳозир бешик эмас, мактаб керак», — деб ёзган эди. («Вақт», 1916 йил, 30 август).

Шундай бўлди. Олис Туркистондан борган ўзбек ишчилари жойлардаги маҳаллий рус революцион пролетариати билан тил топишдилар. Чор ҳукуматининг уларни бир-биридан ажратишга қаратилган ҳар қандай чора-тадбирлари бекор кетди. Маҳаллий рус ишчи-деҳқонлари ва солдатлари туркистонлик ишчилар билан алоқа боғлаб ўзаро ҳамкорлик қилдилар. Булар ўз самарасини берди. Мардикорлар инқилобий кураш йўлларини ўргандилар. Россиянинг мардикорлар ишлаётган районларида ҳам ғалаёнлар бошланди. 1916 йилнинг ноябридаёқ улар орасида ишга чиқшдан бош тортиш, забастовка қилиш, ўзбошимчалик билан жўнаб юбориш юз берди. Улар Кавказ мис конларида бир неча марта стачкалар уюштирдилар. Украинанинг Трубачевск шаҳридаги бир кор-

хонада 300 дан ортиқ мардикор забастовка қилди. Нижний Новгород губерниясидаги тахта заводларидан биридаги забастовкада рус ишчилари билан ёнма-ён турдилар. Улар ҳатто Гомель ва Минскдаги яшрин революцион ташкилотлар билан алоқа боғлаб, инқилобий ишларда фаол иштирок этганлари маълум. Шунинг учун ҳам улар ватанларига қайтиш биланоқ ўлка инқилобий ҳаракатчилигига киришиб кетдилар ва оғир синовларда тобланган озодлик жангчилари сифатида маҳаллий инқилобчиларимизнинг асосини ташкил қилдилар.

Мардикорларнинг қайтиб келишига бағишланган асарлар (эълон қилинганлари ва маълум бўлганлари назарда тутилади), бор-йўғи иккита. Иккаласи ҳам Сидқий қаламига мансуб бўлиб, бири юқорида номитилга олинган «Ситамдийда рабо(т)чилар келиши» манзумаси ва иккинчиси «Сизларга мужда» шеърдир. Ҳар икки асар битта китобда — «Рабо(т)чилар келиши»да берилган.

Бу шеърда ҳам манзумадаги каби қувонч ва соғинч ҳислари кенг ўрин эгаллайди. Тақдирга шукрона, висол шодийнаси бўртиб туради.

Шеърдаги туйғуларни биргина қувончу шукрона билан чеклаш тўғри бўлмас. Ундан шоирнинг дил тубида чўкиб ётган қайғу ва ҳасратини ҳам пайқаш мумкин. Хизматдан қайтган, «рабо(т)чи» тавсифланганда «чашми тарим», «дураҳшон гавҳарим», «сарварим» каби сифатлар ҳам ишлатилди. Булар шунчаки қофия учун келтирилган дейиш қийин. Назаримизда, шоир уларнинг «ўзга» юртларда чархланиб, тобланиб, оқ-қорани тушуниб келганлигига ишора қилиб, катта ишларда, буюк ўзгаришларда элга «сарвар», «раҳбар» бўлишига умид боғлайди. Буни унинг бошқа бир қатор шеърлари ҳам кўрсатиб туради. Чунончи, 1917 йил 24 мартда босилиб чиққан «Тоza хуррият» тўпламидаги «Яшасун ёшлар!» деб номланган шеърига шоир «ҳозирги намоишчи тараққийпарвар Тошканд ёшлари ҳақинда» деб изоҳ берган. Гап янги, революцион ёшлар, инқилобчи авлод ҳақида кетаётганини сезиб олиш қийин эмас. Шоир бундай ёшларни олқишлар экан, уларга хос бўлган характерли хусусиятларни ажратиб кўрсатади. Ижодкор фикрича, бу хусусиятлардан энг муҳими уларнинг эл учун фидойиликлари, миллий

айирмачиликлардан узоқ интернационалист эканликларидир:

Демаслар бу қозоқдур ё нўғойдур, ё  
бу қишлоқи,  
Бўлақлаб ё ўғайлаб четга қўймас  
ҳеч бирон ёшлар.  
Разолатпешалар ахлоқин ислоҳига  
саъй айлар,  
Туғушгондин зиёда барча элга  
меҳрибон ёшлар.

Улар инқилоб ҳавосидан нафас олиб, унинг руҳидан тарбия топса, забт этмаган кўрғон қолмайди:

Бу хуррият замонида аларни тарбият  
қилсак,  
Гумон йўқтурки солгайлар фалакга  
ошён ёшлар.

Дарҳақиқат, мардикорлар она юртига қайтгач, Туркистондаги ижтимоий-озодлик ҳаракатининг олдинги сафларидан ўрин олган инқилобий авлоднинг ўзагини ташкил қилган эдилар.

В. И. Ленин 1917 йилнинг 9 январида Швейцариянинг ишчи ёшларига қилган докладыда дохиёна башорат билан шундай деган эди:

«Европада революция яқинлашмоқда... 1905 йилда Россия пролетариатининг раҳбарлиги остида демократик республикани қўлга киритиш мақсадида подшо ҳукуматига қарши халқ қўзғолони бошланганидай, яқин йиллар худди мана шу йиртқиқлик уруши муносабати билан Европада ҳам пролетариатнинг раҳбарлиги остида, молия капиталининг ҳокимлигига қарши, катта банкларга қарши, капиталистларга қарши халқ қўзғолонларига олиб келади ва бу ларзалар буржуазияни албатта экспроприация қилиш билан, социализмнинг албатта ғалаба қозониши билан тамомланади» (В. И. Ленин, Асарлар, 23-том, 286-бет).

Шундай бўлди. Кўп ўтмай чор самодержавияси ағдариб ташланди. Сўнг эса буюк Октябрь революцияси ғалаба қозонди. Ўзбек халқи улғу рус биродари билан ёнма-ён бориб унда фаол иштирок этди. Ўзбек адабиёти жумладан, шеъриятимиз эса халқимизнинг буюк инқилоби йўлидаги қурашларида ҳамқору ҳамдаст бўлди. Айни пайтда янги-янги хусусиятлар касб этиб инқилобий шеъриятимиз тақомилида муҳим бир босқич бўлиб қолди.



# БАДИЙ АДАБИЁТ НАЗАРИЯ КЎЗГУСИДА

Адабиёт назарияси адабиёт ҳақидаги фаннинг энг мураккаб ва энг масъулиятли соҳаси. У инсон руҳий фаолиятининг ўзига хос формаси, ижтимоий онг кўришларидан бири сифатидаги адабиётнинг қоида-қонунларини ўрганиш, ғоявий-эстетик асосларини тайинлаш, турлар ва жанрлар чегарасини белгилаш, баъдий стиль ва тил масалаларини, шунингдек тасвирий воситаларни анализ қилиш билан шуғулланади.

Сўз санъатининг илмий-назарий заминини яратишга уриниш тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Эразмиздан анчагина аввал қадимги ҳинд адабиёти, хитой ва япон адабиёти намояндалари ўз миллий санъатлари хусусиятига мувофиқ назария ҳамда терминология яратишга ҳаракат қилганлар. Европада эса, адабиёт назариясига оид илк маълумотлар Аристотелнинг «Поэтика» асарида баён қилинган.

Ҳар қайси тарихий давр бу фаннинг ривожига ўз ҳиссасини қўшиб, бойитиб борди. Турли хил адабий оқимларнинг майдонга келиши ва алмашиб туриши ҳам янги-янги назарий қарашларнинг пайдо бўлишига сабабчи эди. Адабиётда реализмнинг ғалабаси муносабати билан рус революцион-демократ танқидчилари асарларида олға сурилган фикрлар, айниқса Маркс ва Энгельснинг санъат ва адабиёт ҳақидаги таълимоти, бу таълимотни В. И. Ленин томонидан ривожлантирилиши назариянинг тадрижи тараққиётида янги, юқори босқич бўлди.

Марказий Осиё регионида — Яқин ва Урта Шарқ мамлакатларида олимлар баъдий ижод жараёнига оид ва адабий турлар, жанрларга, жумладан шеърий санъатга доир қоидалар, таърифлар яратганлар. Урта асрларда етакчи адабий тур поэзия бўлганидан адабиётшунослар асосий эътиборни шеърий жанрлар ва тасви-

рий воситаларга қаратганлар. Поэзияга алоқадор ҳамма масалалар аруз, қофия, бадеъ тушунчаларида ўз ифодасини топган. Салафларимиз қолдирган мероснинг муайян қисми, баъзи схоластик хусусиятларидан қатъи назар ҳамон ўз қимматини йўқотмаган.

Шуни айтиш керакки, Октябрғача бўлган назария бобида қилинган ишларда баъдий ижодни тарихий-материалистик нуқтаи назардан идрок этиш, адабиётни мазмун ва форма бирлигида ўрганиш, унинг барча компонентлари ўзаро боғлиқ ва бир-бирини тақозо қилаганини ёрқин тасаввур қилиш етишмас эди. Шу хилдаги нуқсонлар бизда, ҳатто йигирманчи йилларда ҳам учраб эди. Мисол учун Абдураҳмон Саъдийнинг «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари» (1924), Абдурауф Фитратнинг «Адабиёт қоидалари» (1926) китобларини кўрсатиш kifоя. Бу китобларда йўл қўйилган хато ва нуқсонлар авторларнинг адабиёт ҳақидаги марксистик таълимотни тушунмаганларидан, назария борасидаги билимлари ҳали заиф эканидан, иккинчидан, ўша даврнинг умумий савиясидан келиб чиққан. Шунга қарамай, бу дарсликлардаги айрим рационал мағизлар — баъзи адабий оқимлар, ижодий жараён, жанрлар, тасвирий воситалар тўғрисида айтилган фикрлар ўз вақтида керакли хизматини ўтаган.

Социализмнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги ғалабаси фан, санъат, адабиёт ривожига ҳал қилувчи оҳамиятга эга бўлди. Кишиларимиз онгида, идеологияда жиддий ўзгариш бошланди. Адабиётшунослар бошқа ижтимоий фан намояндалари қаторида марксча-ленинча назарияни эгаллаш натижасида ўз салафларидан бир даража юқори кўтарилдилар.

Ўттизинчи йилларнинг бошига келиб илк совет адабиёти назариялари шакллана

бошлади. Л. И. Тимофеевнинг 1934 йили нашр этилган «Адабиёт назарияси»да уқдирилишича ана шу биринчи назарий тадқиқотларда: «поэтиканинг барча тушунчалар комплексини ва терминларини адабиёт ҳақидаги марксча-ленинча фан системасига киритишга, бу системада поэтиканинг ўрнини белгилашга, уни алоҳида фан сифатида ажратишга уриниб кўрилди». Яъни бадий тил, форма, стиль проблемаларини ижодий метод ва дунёқараш билан қўшиб ўрганишга асос солинди.

Орадан кўп ўтмай, қатор миллий республикаларда ҳам адабиёт назарияси китоблари майдонга кела бошлади. 1939 йили Ўзбекистонда нашр этилган биринчи марксистик адабиёт назарияси адабиётшунос Иззат Султон қаламига мансуб эди. Озарбайжонда М. Рафили, Қозоғистонда Ҳ. Жумалиев дастлабки назариячилар ҳисобланади.

Бошқа фанлардаги сингари адабиёт назариясида ҳам фактларни тўплаш ва уларни умумлаштириш муҳим роль ўйнайди. Чунки, умумлаштирилган фактлар асосида қонун юзага келади, ундан назария ўсиб чиқади. Масалан, йиғирманчи, ўттизинчи йиллар мобайнида рус совет адабиётида «Клим Самгиннинг ҳаёти», «Тинч Дон», «Сарсонлик-саргардонликда» сингари совет классикаси бўлиб қолган асарларнинг яратилиши адабиётшунослар олдида социалистик реализм нима эканини аниқлаш вазифасини қўйганидек, ўзбек совет адабиётида «Бой ила хизматчи», «Ўтган кунлар», «Сароб», «Онама хат», «Кўкан», «Жонтемир» ва бошқа бир қатор йирик асарларнинг туғилиши янги назарий умумлашмаларга замин ҳозирлади.

Назариячи — адабий тушунчаларни қонунлаштирувчи шахс. Бу жавобгарликни адо этиш учун жуда кенг ва чуқур билим, ёрқин эстетик тафаккур, тўғри методология керак. Бундай фазилатларсиз адабиёт назарияси ёзиш мушкул иш. Шуниси ҳам борки, сўз санъатида туғилаётган янгиликларни назариячи бошқалардан аввалроқ пайқаб олиши, ўткир дид билан ҳис этиши, одилонга баҳолаши лозим. Санаб ўтилган сифатлар Иззат Султонда 1939 йили эълон қилинган «Адабиёт назарияси»да сезилиб турарди. Ўрта мактаблар учун мўлжалланган бу дарсликнинг структураси ва умумий мазмуни ўша тарихий давр учун қанчалик янги ҳодиса бўлгани тўғрисида аниқроқ тасаввурга эга бўлиш учун баъзи қиёсий материалларга мурожаат қилиш мақсадга мувофиқдир.

Абдурахмон Саъдийнинг номи эслатилган дарслигида гап тилдан, унинг ўзаро алоқа воситаси ва адабиётнинг асосий қуроли эканидан бошланади. Кейин «Омма адабиёти», «Кишилик ижоди ва унинг турлари» «Шеърый ижодларни турларга ажратиш», «Шоирларда ижод кучлари ва ижодга боғлиқ бўлган хусусиятлар», «Насрий ижод ва унинг турлари» каби боблар келади. Дарслиқда илмий изчиллик, қатъий система бўлмаганидек адабий ҳодисалар-

ни тушунтиришда эклектизм таъсири сезилиб туради. Фитратнинг «Адабиёт қондалари» эса ҳеч қандай бобларсиз қатор сарлавҳаларга бўлинади. Чунончи: «Санъат», «Гўзал санъат», «Адабиёт», «Шеър», «Ёзиш қондалари», «Мавзу», «Мундарижа», «Услуг», «Сочим-тизим»... каби.

Иззат Султоннинг ўша биринчи «Назария»сиёқ структура жиҳатдан, илмий-методик жиҳатдан изчил ва мувофиқ шаклга кирган эди. Марксистик методология асосида иш кўрган муаллиф асарнинг киритиш қисмида адабиётни ижтимоий оғ формаларидан бири тарзида характерлаб, унинг партиявийлиги, принциплари нимадан иборат эканини, адабиётга партия раҳбарлиги масалаларини тушунтиришдан баҳс очади. Китобдаги 6 бобда «Адабиётда образни юзага келтириш йўллари», «Бадий асарнинг тили», «Адабий турлар ва жанрлар», «Стиль ва метод», «Шеър тузилиши» ҳақида муфассал гапирилади. Проблемаларнинг қўйилиши ҳам, талқини ҳам янғича. Материал танлашда, адабий ёдгорликларга баҳо беришда синфийлик, ғоявийликка риоя қилинади.

Адабий турлар, жанрлар, шунингдек эмоционал тасвир воситаларига берилган таърифлар қисқа. Уларнинг энг зарур асосий белгилари илиб олинган. Яна қиёслаш учун мисолларга мурожаат этайлик. Роман таърифи А. Саъдийча шундай: «Роман ҳикоядан кўп узун, кенг, тўлиқ ҳам унда тасвир этилган воқеалар кўп қатлам бўлади... Роман бир жамиятдаги кишиларнинг ҳамма қатламларининг турмушини суратлантирадир. Қисқаси, ул бир ёки бир қанча қаҳрамон орқали бир жамиятдаги чин турмушни олишга интиладир...» (154 б). Бу парчада муаллиф жанрнинг муҳим белгиларини илғаб олишга ҳаракат қилди. Аввало роман ривоя сирасига, яъни эпик формага тааллуқли экани, воқеаларнинг — сюжетнинг кўп қатламлиги, инсон тақдири мураккаб вазиятларда тасвирланиши, жамият ҳаётининг ойнаси бўлиши ва ҳоказолар асосан тўғри, бироқ тарқоқроқ ифодланади.

Фитратга кўра «Ҳаётнинг белгили бир даврини кенг суратда тасвир этиб ёзилган асарга роман дейиладир. Романда асарнинг қаҳрамони ёки қаҳрамонлари қайси замонда, қайси муҳитда, қайси жамиятда яшаган бўлсалар, шуларнинг урф-одат, қонун, тилак, ҳавас-орзу, ахлоқ, этиқодлари ингичка ҳам кенг суратда тасвир этилади» (117 б). Фитрат ҳам роман ҳажми катта, ҳаётнинг муайян даврини акс эттирадиган, марказида алоҳида шахс турадиган жанр деб тушунади. Унда одамларнинг яшаш шароити, этнографик жиҳатлар, нималарга интилиб, нималарга етишганлари тасвирланажagini айтади. Бу фикр ҳам туб моҳияти билан илмга хилоф эмас.

Энди Иззат Султонга қулоқ солайлик: «Ҳажми жиҳатидан катта воқеаларни ўз ичига олган эпик асар роман деб аталади. Роман эпик асарларнинг энг мураккаби-

дир. Унда характерлар (образлар) энг тафсилый равишда кўрсатилади. Романнинг сюжети мураккаб, бир неча мустақил воқеалар тизмасидан иборат бўлади» (65 б). Автор бу ерда ўзича бутунлай янги қоида ўйлаб чиқармайди. Мавжуд тасаввурларни ихчамлаштириб, тартибга солади ва ўқувчиларнинг ўзлаштиришини қулай шаклга келтиради.

Ёки ўхшатишга берилган таърифни олайлик. А. Саъдийча «Ўхшатишда сўз (истисорадаги каби) иккинчи маънога кўчмайди. Ёлғиз мунда икки нарса тенг бўлиб, бири-иккинчисига ўхшатилади. Шу равишда бир нарсани иккинчи нарсага ўхшатиб англатиш ўхшатиш дейилади». Фитрат айтади: «Бир сифатда, бир ҳолда ўртоқ бўлгон икки нарсани бир-бирига чоғиштириш адабиёт тилида ўхшатиш дейилади...» Ҳар икки таъриф икки нарсани ёки икки ҳодиса ва тушунчани ўзаро қиёслаш йўли билан улар орасидаги яқинликни очиб беришга ҳаракат қилади. Лекин ўхшатиш нима?— саволига берилган жавоб қисқа ва равшан эмасдай туюлади. Шунингдек, йиғиқ (қисқа) ва ёйиқ (кенг) ўхшатишлар осон тушунарли қилиб таърифланмайди.

Иззат Султон ўхшатишга таъриф беришдан аввал уни яхши англаб олишга ёрдам берадиган мисоллар келтиради, сўнг ёзади: «Бир нарса, бир ҳодисани (уни равшан тасвир этмоқ мақсадида) бошқа нарса ва ҳодисаларга солиштириш ўхшатиш деб аталади. Ўхшатиш турмуш ҳодисалари ва нарсалар орасидаги умумийликка, ўхшашликка асослангандир». Кейинги тушунтиришларда кўп ўхшатишлардан энг мувофиқини, ёрқинини олинажигани уқдиради ва бу масалада ҳаётни яхши билиш катта аҳамиятга эга,— дейди. Келтирилган характерли мисоллар қондани яхши ўзлаштиришини таъминлайди.

Агар биз шу тарика қиёслашни давом этирар эканмиз, «Адабиёт назарияси», ҳар жиҳатдан ҳақиқий, системали фан даражасига кўтарилганининг гувоҳи бўламиз. У қирқинчи ва элликкинчи йилларда ҳам амалий қўлланма бўлса-да, социалистик реализм адабиётининг тез ривожланиб кетиши, адабиётшунослик янада юқори поғонага кўтарилиши натижасида бизни қаноатлантирмай қўйган эди. Қизиғи шундаки, биринчи «назария»дан кейин 40 йилга яқин вақт ўтишуга қарамай бадий тафаккурнинг янги ютуқларини умумлаштирувчи назарий тадқиқот юзага келмади. «Адабиётшуносликка кириш» деб номланган дарслик ва қўлланмалар (улар қанчалик сермазмун бўлмасин) «назария»нинг ўрнини босолмади.

Иззат Султон адабиёт назарияси илми жиловини яна ўз қўлига олди. 1980 йили нашр этилган янги «Адабиёт назарияси» ҳозирги кунлар талабига жавоб бериши кераклигини кўзда тутиб ёзилди. «Муаллифдан» деб берилган киришда бу дарслик «адабиёт, санъат ва маданият мухлисларининг кенг доирасига керакли кўпгина

маълумотларни қамраб олишни... фақат бугунги куннинг эҳтиёжларининггина эмас, балки илм изловчилар олдига эртага қўйиладиган талабларни ҳам назарда» туггани айтилади. Дарсликнинг структураси яхши ўйлаб пухта тузилган. Ундаги 7 боб «Адабиёт назарияси фан сифатида», «Адабиётнинг ижтимоий функцияси», «Адабиётнинг спецификаси», «Бадий асар (бадий адабиёт)да мазмун ва шакл бирлиги», «Адабий турлар ва жанрлар», «Шеърый нутқ» ва «Ижодий метод ва услуб» сингари ғоят муҳим масалаларга бағишланган.

1939 йилдаги «Назария» адабий тушунчаларни «формула» ва «таърифлар» доирасида ифодалаб берган бўлса, янги «Назария» «биринчи навбатда ҳар бир масаланинг ижтимоий студентга чуқурроқ ва кенгроқ тушунтириб беришга ҳаракат» қилади. Қитоб билан танишиш шундан далолат берадики, унда келтирилган ва ҳамма манбаларда ҳам учрайбермайдиган ғоят бой маълумотлар, ҳеч шубҳасиз, адабиёт мухлислари ва илм изловчиларнинг кенг доирасида катта маърифий роль ўйнайди.

«Адабиёт назарияси фан сифатида» бобда «адабиёт» терминининг мазмуни, адабиётнинг уч хусусияти, адабиёт — инсон яратган мўъжиза, «физиклар» ва «лириклар» можароси коммунизм кишиси ва адабиёт каби масалалар атрофида фикр юритилади. Иззат Султон В. Г. Белинскийнинг бадий адабиётнинг спецификаси тўғрисидаги қарашларига суянган ҳолда уч муҳим жиҳатни алоҳида таъкидлаб кўрсатади. Улар, биринчидан, адабиётнинг жамиятдаги ҳамма табақаларга мўлжалланганлиги — оммавийлиги. Иккинчидан, унинг маълум шахслар, талант эгалари томонидан яратилиши. Учинчидан, бадийлиги, яъни унда ҳаётнинг образлар орқали инъикос этиши. Бу хусусиятларни конкрет далиллар билан тушунтиргач, улар оқибатда адабиёт ҳақидаги фаннинг бўлишини зарур қилиб қўяди, деб давом этади.

«Адабиётшунослик ва шу фаннинг бир қисми бўлган адабиёт назарияси асосан уч проблема доирасини ўрғанади: адабиётнинг ижтимоий аҳамияти, адабиётни яратишда ижодкор шахснинг роли (талант, бадий маҳорат, адабий ижод шакллари)нинг хусусиятларини эгаллаш ва ҳоказо) ва бадийликнинг ўзи нимадан иборат эканини (бадий адабиётнинг спецификасини) аниқлайди. Булар адабиётшунослик ва адабиёт назариясининг бош вазифаларидир» (11-бет).

Адабиётнинг спецификасини тушунтириш муносабати билан муаллиф «физиклар» ва «лириклар» баҳсига тўхтаб, жуда оригинал фактлар келтиради. Химия фанлари доктори Камай, академик Восил Қобуловнинг бу мувоҳасада айтганлари шулар жумласига кирди. Маълумки, студент икки хил мутахассислар ўртасида бўлиб ўтган мунозараларни турли манбалардан излаб топиб, тегишли хулосалар чиқариш-

га кўп вақт сарфлаши керак. Бу ерда энг зарур билим ихчам ифодаларда баён қилинган. Бадий сўз санъати ўзининг эмоционал таъсир кучига, инсонда чуқур ҳис-ҳаяжон уйғотиш кучига эга бўлгани сабабли ҳеч қачон, ҳатто илмий-техника революцияси асрида ҳам ўз қимматини йўқотмайди. Техник тараққиёт инсондаги руҳий-маънавий тараққиёт билан ёнма-ён бормаса, одамлар руҳий жиҳатдан қашшоқлашиб қолиши мумкин. Ҳаётдаги ҳақиқатлар фақат аниқ фанлар орқалигина эмас, гуманитар фанлар, ҳис-ҳаяжон уйғотувчи санъат орқали ҳам юзага чиқади. В. И. Ленин айтганидек, инсон эмоцияси-си эинсоний ҳақиқатни излаш ҳеч қачон бўлмаган, бўлиши ҳам мумкин эмас<sup>1</sup>.

Эмоционал ахборотларни одамлар санъат ва адабиётдан оладилар. Етук (гармоник) инсонни тарбиялашда химия, математика, физика, техникага нисбатан эмоционалликни бошқаларга юқтира оладиган адабиёт бирламчи аҳамиятга эгадир. Адабиёт ва санъат академик А. Берг фикрича «ҳар бир шахсни — у физикми, математикми, тарихчими — ким бўлишидан қатъи назар, тарбиялайди». Инглиз профессор Р. Норрим эса «Адабиёт ва санъат ўз қобилиятига яраша фан ва техникани танлаганлар учун гўё умум таълимий фан бўлиб хизмат қилади. Фанда санъатга хос хусусиятлар кўп бўлганидек, санъатда ҳам фанга хос моментлар бор» («Литературная газета», 1973 й, № 35) дейди.

Адабиётшунослик ва унинг объекти, таркибий қисмлари ва тарихига бағишланган саҳифаларда илгари учрамаган фактлар кўп. Уларда рус классик ва жаҳон прогрессив адабиёти ҳамда Октябрғача бўлган ўзбек адабиёти босиб ўтган йўл манзараси чизилиб, бизнинг давримизгача бўлган аҳволи яққол кўрсатилади. «Адабиётшуносликда марксча-ленинча босқич» сарлавҳали материални кўздан кечириб, метод ва методология, базис ва устуқурманинг алоқаси, адабиётнинг келиб чиқиши ҳақида Маркс ва Энгельс; В. И. Ленин санъат ва адабиёт ҳақида; адабиётнинг ленинча партиявийлиги; ниҳоят КПССнинг санъат соҳасидаги сиёсати эстетик назарияни ривожлантирувчи фактор,— деган масалалар билан танишамиз. Ўзбекистонда марксистик адабиётшуносликнинг майдонга келиши тарихи Иттифоқ миқёсидаги изланишларнинг мантиқий давомий тарзида талқин қилинади.

Китобдаги «Адабиётнинг ижтимоий функцияси» бобида адабиёт — ижтимоий оннинг ўзига хос соҳаси, ҳаёт ва адабиёт, адабиёт ва замонавийлик, адабиётнинг синфий курашда тутган ўрни ҳамда икки маданият ҳақида ленинча таълимот масалалари кўрилади. Ҳар бир темани ёритишда муаллиф индукция методини қўлайди ва айрим конкрет фактлардан уму-

мий хулосалар чиқаради. Айтайлик, «адабиёт ҳаётнинг инъикосидир» деган фикрни студентга осон тушунтириш учун француз ёзувчиси Анатолий Франсининг «Инсоният» ҳикояси мазмунини қисқача баён қилиб, кейин фикрини якунлайди. Ёки ҳаёт инъикосининг хилма-хиллигини исботлаш учун А. Қаҳҳорнинг «Уғри», Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи», Ҳ. Олимжоннинг «Урик гуллаганда» асарларини таҳлил қилиб, керакли натижаларга эришади. Адабиёт ҳаётни ўрганиш ва ўзгартиш, қайта куриш қуроли экани айтилган ҳам Н. Г. Чернишевскийнинг куйидаги сўзлари билан якунланади.

«...Агар ҳаётни кузатиш натижасида туғилган масалалардан қаттиқ ҳаяжонга тушган киши санъаткорлик талантига эга бўлса, у ҳолда унинг асарларида, онгли ёки онгсиз равишда, уни қизиқтираётган ҳодисалар устидан ҳукм чиқаришга интилиш ўз ифодасини топади... Унда санъаткор мутафаккирга айланади ва санъат асари, санъат соҳасида ўрин тутган ҳолда, илмий аҳамият касб этади... Санъат асарлари кўпинча бошқа аҳамиятга ҳам эга — улар ҳаётни тушунтириб берадилар; улар кўпинча ҳаёт ҳодисалари ҳақида ҳукм аҳамиятга ҳам эгадирлар». Чернишевский адабиётни «ҳаёт дарслиги» деб атайди («Адабиёт назарияси», 67-бет).

Адабиёт «ҳаёт дарслиги» эканини, унинг таъсири бениҳоялигини Иззат Султон ғоят қизиқарли далиллар орқали уқтиради. Яна М. Шолоховнинг «Очилган қўриқ» романи Руминияда қишлоқ хўжалигини коллективлаштиришда қўлланма бўлиб хизмат қилганини эслайлик. Бошқа бир таникли рус ёзувчиси В. П. Ставскийнинг «Станица» романи Ростов областида ўттизинчи йилларнинг бошида ғалла тайёрлаш бўйича қўлланма сифатида тавсия қилингани факти ҳам жуда характерлидир («Литературная газета», 1970, № 26), Ҳа, адабиёт «ҳаёт дарслиги» бўлганда ҳам энг эмоционал дарслик, ибрат мактаби.

Замонавийлик проблемаси ҳамма асарларда илғор адабиёт намояндаларининг диққатини жалб қилиб келган. Унинг тарихи антик дунёдан боғланади. Нақл қилинишича, қадимги Юнонистонда алоҳида адабий ҳакам (жюри) икки машҳур санъаткор — Гомер ва Гесиоднинг мусобақасини ўтказган. Гомер «Илиада» эпосида Юнонистоннинг қахрамонлик афсоналари ва ривоятларини маҳорат билан қўйлаб берган. Гесиод эса ўзининг «Ишлар ва кунлар» асарида замонавий воқеликни тасвирлаган. Ҳакам биринчиликни Гесиодга бериб, лауреатлик чамбарини унга кийдирган. Чунки, Гомер буюк ўтмиш мусибатларни жуда чиройли ва таъсирли қилиб, ҳаёт нақадар оғир бўлганидан дарак берган, кишиларда ҳазинлик кайфиятини уйғотган. Гесиод эса, ҳозирги замонни қадрлашга, унинг меҳнати ва тараддуллари билан яшашга қақирган (қаранг: Т. Синко. «История греческой литературы»).

Кўринадики, «Назария»да адабиёт ва

<sup>1</sup> Ленин В. И. Полн. собр. соч. Т., 25, с. 112.

замонавийлик темаси мукамал ва барча томонлари билан ёритиб берилиши бежиз эмас. Бу тема фақат ўзбек адабиёти материали орқали ечилмай, жаҳон ва рус адабиёти контекстида ҳал этилади. Замонавийликнинг моҳияти бир хил бўлмаслигини мисоллар билан тушунтиргач, муаллиф ёзади: «Шундай қилиб, адабиёт — доимо замонавийдир. Замонавий ҳаёт материалга мурожаат этиш ва тарихдан (ёки афсоналардан) тасвир предмети олиш адабиётдаги замонавийликнинг фақат икки қиррасида» (75-бет). Замонавийлик бугунги воқеа-ҳодисаларни тасвирлашнинг ўзига эмас, албатта. У шу куннинг катта ижтимоий аҳамиятга эга проблемаларини кўтариш, янги темаларни ишлаш ва янги образлар яратишдир. Демак, китобда қайд қилингандек, кашфиётчиликдир. Замонавийлики вақт чегараси билан, қандайдир янги форма билан белгилаб бўлмайди. Замонавийлик моҳиятда, ёзувчи идеалида, умумийсоний проблемалар даражасига кўтарилишда.

Талантли ва прогрессив ёзувчилар ўз даврининг виждони бўлганлар. Инсон қадри топалган, ҳақиқат букилган вақтларда, зулм ҳаддидан ошганда доимо ҳаётга актив аралашганлар. Жим туролмаганлар. Китобда келтирилган А. С. Пушкиннинг декабристларга муносабати, Л. Толстой «юз миллионли рус деҳқонларнинг адвокати» бўлгани, Абайни рус олимлари «даштлик сиёсий арбоб» деганлари, ниҳоят, ҳақгўй реалист ёзувчи И. С. Тургенев инқилобий ишларга аралашмаса ҳам ўз замонининг ҳурриятпарвар кишилари идеалини тасвирлагани учун чор ҳукумати таъқиб остига олиб, халқ ардоқлагани фактлари яхши келтирилган. Ёзувчининг воқеаларга актив аралашувини кўрсатадиган ҳаяжонли мисоллар кам эмас. Агар юқоридагилардан ташқари француз классиги Э. Золянинг ноҳақ айбланган Дрейфусни ҳимоя қилиб, ҳукумат амалдорларига қарши «Мен айблайман» мақоласи билан чиқиши, Л. Толстой чор ҳукуматининг ўлим жазосини жорий қилишига қарши «Сукут қилолмайман» айбномасини эълон қилиши ҳам айтиб ўтилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Ижодийнинг замонавийлиги ва абадийлиги проблемасига бағишланган саҳифалар нақадар мазмундор! Муаллиф турли буюк ёзувчилардан олган қисқа-қисқа кўчирмалар, ёрқин фикрлар худди шу ерда узукка кўз кўйгандек, бошқаси ниятни тўғри ифодалаб беролмагандек туюлади. Гёте, Пушкин, Достоевский асарларининг абадийлигининг сабаблари ишонарли қилиб очиб берилади. Айниқса ўзбек студенти учун ижоди мураккаб ҳисобланган Достоевский тўғрисидаги гаплар, Ч. Айтматов «...бераҳм, ориятсиз эксплуататорлар жамияти гирдобида азобу уқубатга ботиб, бўғилиб ётган инсонга чексиз ачиниш» Достоевский ижодининг энг муҳим, қимматли томони деганлари ҳақиқатанам зарур гаплар эди. Ахир ге-

ниал ёзувчи «ер юзи пўсти-қоғиғидан тортиб то марказигача одамларнинг кўз ёши билан суғорилган»,— деб бежиз айтмаган. Рус адабиётшунослари: Достоевский — тун сукунатини эшит ўтган фарёдидирки, унинг додини эшитганлар кўздан уйқу қочади, дейдилар. Бу ёзувчининг замонавийлиги, абадийлиги эди.

Адабиётнинг спецификаси тўғрисидаги боб унинг энг биринчи хусусияти — инсоншуносликдан бошланади. Чунки, Белинский таъбири билан айтганда «Инсон санъат учун доимо энг қизиқарли ҳодиса бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлади». Демак, инсоншунослик, Расул Ҳамзатов қўшимча қилгандек, инсонсеварлик адабиётдаги образлиқнинг тамал тошидир. Бадиий адабиётнинг спецификаси тушунчаси шу билан тугайдими? Йўқ. Яна ёзувчи фантазияси, ҳаётий воқеаларни, кишилар образини типиклаштириш сўз танлаш ҳам бор. Уларни анализ қилишга киришиш олдинда қуйидаги тезис берилади: «Инсоншунослик, образлиқ, тўқиманинг муҳимлиги, тасвирнинг типиклашганлиги ва сўзнинг алоҳида роли бадиий адабиёт спецификасининг жуда муҳим моментларидир» (107-бет).

«Назария»ни варақлашда давом этиб, бадиий адабиётда мазмун ва шакл бирлиги, адабий турлар ва жанрлар, шеърини нутқ, ижодий метод ва услуб ҳақидаги мулоҳазалар билан танишамиз. Лекин ўқиш жараёнида бу китоб назарий билимлар йиғиндиси, ўзлаштириш қийин деган фикр ҳаёлимизга ҳам келмайди. Чунки, барча қондасимон маълумотлар қизиқарли материалларнинг қизиқарли анализига эсосланган. Уқувчи бошқа китобларда учрамаган такрорланмаган фикрлар билан учрашади. Китобни ёпа туриб, илмий ва маърифий жиҳатдан бойиганига, муаллифнинг хизмати ҳар қандай тақдирлашга арзирли эканига қаноат ҳосил қилади.

Теран мазмунли, ўзбек адабиётшунослигида ҳозирча тенги йўқ ва асарда айрим жузъий (унинг умумий руҳига мутлақо таъсир қилмайдиган) нуқсонлар кўзга ташланади. Жумладан, конфликт ҳақидаги гаплар тўлиқ эмасдек тасаввур қолдиради. Тўғри, муаллиф конфликт ва коллизия фарқларини яхши тушунтиради. Конфликтнинг кўп учрайдиган уч хили (қаҳрамон ва шароит ўртасидаги, яъни антагонистик; бири-бирига қарама-қарши характерлар тўқнашуви; бир қаҳрамоннинг ички дунёсидаги зиддият) тўғрисида гапирди (174—175-бетлар). Бизнинг социалистик жамиятимиз ҳаётини, ҳатто ривожланган социалистик воқеликни тасвирловчи асарларда конфликтнинг бошқа хиллари ҳам учрайди. Олайлик, алоҳида шахс ва коллектив ўртасидаги; болалар билан ота-она ўртасидаги, ахлоқий ва қонуний талаблар ўртасидаги конфликтлар. Бундай зиддиятлар одатда антагонистик характерга эга эмас. Жамиятимизда социалистик ахлоқ нормаларига риоя қилмайдиган кишилар борлиги, шахсий ман-

фаатини давлат манфаатидан юқори қўйиб, гражданлик бурчини адо этмайдиганлар борлиги тўғрисида юзага келади. Улар кўрсатилса ёмон бўлмасди. «Илм изловчиларга» бу ҳам керак бўлиб қоларди.

Баъзи саҳифаларда манбаларнинг номлари ноаниқ берилган. Масалан, «Ҳибба»— арабча «калид» бўлгани учун «Ҳийбатул ҳақойиқ» «Ҳақиқатлар калити» деб таржима қилингани маъқул эди. (96-бет). Е. Э. Бертельс ҳам шундай таржима қилган. Фитратнинг китоби «Ўзбек адабиёти намуналари» 1926 й. эмас 1928 йилдир. А. Саъдийнинг «Амалий ҳам назарий адабиёт дарслари»—«Адабиёт дарслиги» (ўша саҳифа) тарзида берилган. Бобирнинг аруз ҳақидаги рисоласи «Мухтасар» деб номлангани матбуотда айтиб ўтилган эди. Шунинг учун асли номи келтирилганда дуруст бўларди (32-бет). Редакторнинг эътиборсизлиги орқасида бир қанча стилистик чигалликлар ўтиб кетган. Чунончи: «Алишер Навоийнинг **форсча** ёзган **ғазаллари**дан... мисра билан бошланган **форсча ғазали**» (69-бет) «...ҳаёт **тўғрисида** **тўғри** тасаввур беришга қодир» (71-бет), Фирдавсий Маҳмуд Ғазнавийни—«подшоҳни

**тавсифлаб** (аслида мазаммат қилиб—М. Ю.) юз байтдан иборат ҳажвия ёзади» (79-бет), «Горький каби ёзувчиларнинг синфий ижоди жамият тараққиётида катта ижобий роль кәсб этдилар» (92-бет). Кәсб этмоқ — эгалламоқ маъносини билдиради. Бу ерда ижобий роль ўйнади ёки ижобий аҳамиятга эга бўлди, дейиш керак эди. Шунга ўхшаш нотекисликлар бундан кейинги бетларда ҳам учрайди.

Энг муҳими шуки, Иззат Султон студентлар оммаси қўлига бадий адабиёт сирларини очиш учун қимматли калит берди. Ана шу калит воситаси билан бадий тафаккурнинг асрлар давомида ривожланиш тарихи, адабий жараённинг умумий манзараси, ҳар бир адабий оқим ёки методнинг шаклланиши, алоҳида таллантли санъаткорларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, юксак маҳорат билан ёзилган чуқур ғоявий асарлар «ҳаёт дарслиги» бурчини қандай ўташи каби хилма-хил муаммолар ечилади. У калит ҳар бир адабиёт ҳаваскори учун ниҳоятда зарур.

**Маҳмудали ЮНУСОВ.**

филология фанлари доктори

Ҳамид Сулаймон

## АСРЛАР ҚАЪРИДАН ҚАД КЎТАРГАН ШОИР

*Кўп қиррали олим, филология фанлари доктори, Беруний мукофоти лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор Ҳамид Сулаймоновнинг ўзбек адабиётшунослиги, навоийшунослик ва санъатшунослик фанлари ривожига қўшган ҳиссаси каттадир.*

*Олим ўз фаолиятини Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти, кечки педагогика институти ва В. И. Ленин номидаги Урта Осиё давлат университетларида ёш авлодга билим беришдан бошлади. 1948 йили Ленинград давлат университетида академик В. Ф. Шишмарев раҳбарлигида «Мериме ҳикоялари» мавзuida кандидатлик диссертацияси ҳимоя қилди. Ҳамид Сулаймоновнинг мутахассислиги чет эллар адабиёти тарихи бўлса ҳам ўзбек адабиёти тарихи, айниқса Алишер Навоий ижодига қизиқиши катта эди. Ленинградда эканида Иттифоқ фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Салтиков—Шchedрин номидаги Давлат халқ кутубхонаси фондларида сақланаётган Навоий асарларининг ноёб қўлёзмалари билан танишди, машҳур шарқшунос олимлар И. Ю. Крачковский, В. В. Струве, Е. Э. Бертельс, А. Ю. Якубовский, А. Н. Кононов, А. Н. Болдирев, А. К. Боровковлар билан яқиндан мулоқотда бўлди. Буюк устозлар ўғити ёш олим дунёқараши, келажак илмий фаолиятида ўчмас из қолдирди.*

*Ҳамид Сулаймонов 1956 йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг Пушкин номидаги тил ва адабиёт институтида Алишер Навоий лирик меросининг текстологик тадқиқоти устида катта илмий иш бошлаб юборди. Навоий лирик асарлари мажмуаларининг энг қадимий, шоир ҳаётлигида кўчирилган нусхалари копияларини Ленинград, Париж, Лондон, Вашингтон, Душанбе фондларидан тўплаб, улар асосида шоир девонлари редакцияси, уларнинг таркиби, ҳажми, «Хазойин ул-маоний» шеърларининг нисбий ва ҳақиқий хронологияси олим томонидан аниқланди. Шоирнинг ҳалигача фанда аниқ бўлмаган форсий шеърлар мажмуаси «Девони Фоний», форсий қасидалар «Ситтаи зарурия» ва «Фусули арбаа» топилди ва илмий тадқиқот объектига айлантирилди. «Ғаройиб ус-*

сиғар» «Наводир уш-шабоб», «Бадоеъ ул-васат», «Фавойид ул-кибар» девонлари чоп этилди. Навоий лирик мероси устуда олиб борган фундаментал ишлари учун 1961 йили тадқиқотчига филология фанлари доктори унвони берилди.

Олимнинг бундан кейинги фаолияти ўзбек адабиёти қўлёзмалари, бадиий безаклик қўлёзмалар, умуман аجدодларимиз яратган маънавий бойликни жаҳон фондларидан тўплашга, уларни қатор илмий ишлар ва мақолаларда марксистик методология асосида тадқиқ қилишга, энг яхши намуналарини социалистик маданиятимизга, ёш авлодни ватанпарварлик ва интернационал руҳда тарбиялашга хизмат қилдиришга қаратилди. Ҳамид Сулаймоновнинг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва унинг филиалларини яратишдаги катта хизмати ҳам ана шу хайрли ишнинг бир кўриниши эди. Олимнинг улкан хизматларидан яна бири илмий кадрлар тайёрлашдаги жонбозлигидир. Ҳамид Сулаймон қирққа яқин фан кандидатлари ва докторлари тайёрлаган.

Олим Франция, Англия ва Ҳиндистонда археографик экспедициялар уюштирди. Бу фондларда олиб борилган изланишлар натижасида Гадоийнинг «Девон»и, Бобирнинг аруз рисоласи, Навоий куллиёти, «Бобирнома», Навоий дostonларига ишланган миниатюралар, XV асрнинг биринчи ярмида яшаб, ижод этган, ҳали фанга маълум бўлмаган ўзбек шоири Саид Қосимий маснавийлари тўплами ва ниҳоят XIV—XV асрларда яшаб, ижод этган, ҳалигача на номи, на асари фанга маълум бўлган хоразмлик ўзбек шоири Ҳофиз Хоразмийнинг жаҳондаги ягона қўлёзмаси топилди ва илмий истеъмолга киритилди.

Ҳамид Сулаймоновнинг етмиш йиллиги муносабати билан олимнинг Ҳофиз Хоразмийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳамда унинг янги топилган қўлёзма девони хусусидаги дастлабки мақолани журналимизда беришни лозим топдик.

Фазила СУЛАЙМОНОВА.

**Х**офиз номи тилга олинар экан, одатда, ҳар бир китобхон дарҳол жаҳонда ўз даврининг беқиёс лирик шоири сифатида шуҳрат қозонган форс адабиёти классиги, сеҳрли ғазаллар ижодкори Хожа Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозийни хаёлига келтиради. Ҳақиқатан ҳам, Ҳофиз Шерозийнинг бенезир шеърий даҳоси уни дунё адабиётининг энг буюк шоирлари қаторига қўйди. Ҳофизнинг гуманистик ғоялар ва ҳақиқий инсоний туйғуларни тараннум этувчи ғазалиётидан, ҳамisha барҳаёт нафосат чашмасидан ҳам шарқ, ҳам ғарбдаги қанчадан-қанча улкан шоирлар баҳраманд бўлганлар, тарбия топганлар. Урта Осиёда Октябрь революциясигача мадраса ва мактаб дарсликларидан Саъдий, Жомий, Навоий, Ҳузулий, Мирзо Бедил қатори Ҳофиз Шерозий ҳам жой олган ва ота-боболаримиз шоир ғазалиётида тарбия топган эдилар. Эндликда Ҳофиз тахаллуси билан ўзбек тилида ижод этган иккинчи бир йирик санъаткорнинг тўлиқ девони Ҳиндистонда топилди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> «Правда» газетаси, 1979 йил 25 январь сони.

XV асргача Урта Осиё адабиётида форс — тожик тили ва адабиёти ҳануз ҳуқумрон мавқега эга бўлиб, ўзбек тили ва адабиёти ўз ҳуқуқини тўлиқ эгаллаш учун курашаётган бир замонда ўзбек адабий тилида улкан бадиий мерос яратган Ҳофиз Хоразмийдек шоир меросининг топилиши ўзбек классик адабиёти тарихида ўзига хос янги саҳифа очди. Адабий меросимизни тинимсиз излаш ва тўплаш жараёнида қўлга киритилган бебаҳо дурдоналар орасида фавқулодда учрайдиган «дурриятим» лардан бири, ҳозиргача фан оламига маълум бўлмаган ўзбек дунёвий адабиётининг йирик намоёндаси Ҳофиз Хоразмийнинг 37264 мисрадан иборат поэтик меросини ўзичига олган қўлёзма девони Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридан топилди. Европанинг энг бой қўлёзма хазиналари бўлмиш Лондон, Оксфорд, Кембридж, Париж кутубхоналаридаги ўзбек адабиёти, фани ва маданияти тарихига оид барча қўлёзмаларни кўриб, улар орасидан энг мўтабарларининг микрофильми ва фото нусхалари, Ватанимизга, республика Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қўлёзма фонди хазинасига



олиб келинди. Аммо, улар фан учун қанчалик аҳамият касб этмасин, ҳеч бири Ҳофиз Хоразмий кўлзма девони даражасида кашфиёт кучига эга бўлмаган эди.

Утмишда Мовароуннаҳр ва Хуросонда яратилган маданий мероснинг қанча-қанчаси феодализм жамиятига хос босқинчилик урушлари, ўзаро низо ва толон-торожлар, жаҳолат, фанатизм ва турли фалокатлар оқибатида ном-нишонсиз йўқолиб кетган эди. Лекин ҳали фанга маълум бўлмаган илм-фан, адабиёт ва санъат асарларининг айрим намуналарини чет эл китобхоналари, айниқса, олим, шоир, фозил кишиларнинг шахсий кутубхоналаридан топилшига ишончлимиз комил эди. Шу сабабдан қадимий меросимиз намуналарини тўплаш ишида диққатимизни хоржий шарқ мамлакатлари, айниқса Ҳиндистон кўпроқ ўзига жалб қилиб келди. Чунки бу кизиқиш катта тарихий ҳақиқатга асосланган эди.

Маълумки, узок асрлар давомида Ҳиндистон билан Мовароуннаҳр ўртасида давом этиб келган кўп тармоқли иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар, ҳамкорлик, хусусан, бу хил алоқаларнинг бобирийлар даврида (уч аср мобайнида) яна ҳам тараққий этиб, ривож топиши мамлакатни янги моддий ва маънавий тараққиёт босқинчига кўтарилишига хизмат қилди. Бобирийлар даврида Урта Осиёдан Ҳиндистонга борган алломалар билан бирга кўплаб кўлзма китоблар ҳам ўтиб кетганиги турли манбаларда озми-кўпми зикри этилган. Шу сабабдан Урта Осиё халқлари адабиёти, жумладан, ўзбек халқи яратиб қолдирган адабий меросимизни тўплашда Ҳиндистондан умид катта эди. Шу билан бирга, Бобир ва бобирийлар ҳинд халқи тарихида қандай роль ўйнаган, халқларимиз ўртасидаги узок асрлик тарихга эга бўлган дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари, санъат, адабиёт, маданият обидаларида қандай из қолдирган? Хуллас, ҳар икки халқ ўртасидаги маданий алоқалар прогрессив инсоният учун нималар берди? Шу проблемаларни текшириш ва Ҳиндистон тарихи, маданиятини ўрганиб, Урта Осиёлик ота-боболаримизнинг ҳинд мулкида босиб ўтган ҳар бир қадамида изма-из бориб, уларнинг фаолияти билан танишиш ва ҳар бир тарихий воқеага марксистик методология асосида чинакам илмий — объектив баҳо бериш ишида ўз ҳиссамизни қўшиш орзуси бор эди. Орзу амалга ошди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейининг хоржий мамлакатлардаги адабий меросимизни ўрганиш ва тўплаш мақсадида мунтазам рившида олиб бораётган археографик экспедицияларининг навбатдагиси 1975 йил 26 мартдан 26 майгача Ҳиндистон дорилфунунлари, кутубхоналари, давлат архивлари ва музейларидаги шарқ кўлзмалари хазиналарида ўтказилди.

Икки ой давом этган Ҳиндистон сафарида мен билан бирга шоғирдларимдан филология фанлари кандидати Саидбек Ҳасан йштирок эди. Биз Ҳиндистоннинг йирик

тарихий — маданий марказларидан Деҳли, Бомбей, Мадорас, Алигарх, Лакхнов, Ҳайдаробод, Агра шаҳарлари ва Кашмир пойтахти Сринагарда бўлиб, у ерлардаги давлат ва шахсий кутубхоналарда сақланаётган 80 мингдан ортиқ форс, араб ва туркий тиллардаги кўлзма китобларнинг номи, муаллифи билан фондларнинг ички картотекалари орқали танишдик. Ўзбек, озарбайжон, форс — тожик адабиёти ва фани тарихига оид 254 кўлзмани ажратиб, уларнинг тавсифи берилди. Бу кўлзмалар орасида шох асар Ҳофиз Хоразмий девонининг Ҳайдарободдан топилган бобаҳо нусхаси эди.

1975 йил 18 май, якшанба куни. Биз Ҳайдарободнинг машҳур ва мухташам маърифат маконларидан бири Саларжанг музейининг шарқ кўлзмалари хазинасида ишлар эдик. Музей хазинасидаги 8122 та кўлзмадан фақат 27 тасигина туркий тилда бўлиб, улардан 6 таси бадий асарлар эди. Туркий кўлзмалар сони оз бўлганидан ва бу асарларни ўрганувчи мутахассислар йўқлигидан бўлса керак, мазкур ўзбек ва озар тилидаги 27 кўлзма тавсифи Салоржанг музейи чоп эттирган беш жилдли каталогга ҳам киритилмаган. Бу кўлзмалар ҳақидаги жуда қисқа маълумотлар фақат музей картотекасида мавжуд эди, холос. Шу картотека билан танишиш асносида 4298 рақам остидаги кўлзма картотекасига «Девони Ҳофиз ба забони туркий» жумласи ёзилгани диққатни жалб этди. Мен дарҳол мазкур кўлзмани талаб қилдим. Кўлзмани хазинадан чиқариб кўлимга тутқазганларида мени ҳаяжонга солган биринчи нарса девоннинг ўзбекчалиги ва катта ҳажми эди. Кўлзманинг турли варақларини очиб, қайси бир ғазал матлаъи ёки «Ҳофиз» тахаллуслик мақтаъини ўқимайин, борган сари ҳаяжоним ёлиб кела бошлади, чунки асар ғоятда равон ўзбек адабий тилида ёзилган эди. Девонни эҳтиёт қилиб варақлар экманан, у кўлзмалар орасида жуда кам топилмаган ва менинг шарқ кўлзмаларини ўрганишдаги қирқ йиллик тажрибамда биринчи учраган ноёб жавоҳирдай бўлиб кўринди.

Китобнинг охиридан баъзи варақлари йўқолгани сабабли кўлзманинг китобат тарихини аниқ билиб бўлмади. Аммо, қоғози, сиёҳи, хат услуби ва бошқа қатор палеографик аломатларига кўра, кўлзма XIV—XV аср ўрталарида кўчирилгани шубҳасиз эди. Дастлаб ҳинд олимлари маълумотларига биноан мен ҳам мазкур кўлзма Ҳофиз Шерозий девонининг ўзбек тилига ағдарилган таржимаси бўлса керак, деган фикрда бўлдим.<sup>1</sup> Аммо, Ҳофиз Шерозий девонининг асл нусхасини топиб муқояса қилишга вақт етишмади. Кўлзманинг фо-

<sup>1</sup> Ҳофиз Шерозий лирик меросининг ўзбек тилига батафсил шарҳланган таржимасининг Хивада Муҳаммад Яъқуб Мунши томонидан 1332 (1913) йили бажарилган ва кўчирилган (623 варақ) кўлзмаси 1980 йили Ҳамид Сулаймон номидаги кўлзмалар институти фондига олинди (Ф. С.)

тонусхасини олдирадиган бўлганимдан, тўла-тўқис тадқиқот ишлари Тошкентга қолдирилди.

Ҳиндистон археографик экспедициясидан қайтгач, беш ойдан сўнг мазкур қўлёзманинг ксерографик нусхасини олишга муяссар бўлдик. Уша ондаёқ қилинган биринчи иш бу девонни Ҳофиз Шерозий девони нусхасига бирма-бир солиштириш бўлди. Натижа шунини кўрсатдики, қўлёзмадаги биронта ҳам шеър Ҳофиз Шерозийники бўлиб чиқмади. Қўлимиздаги бебаҳо асарнинг қиммати биз ўйлагандан ҳам ортиқ эди. Девонни синчиклаб ўрганиш натижасида ва шеърлардан топилган аниқ маълумотларга кўра мазкур қўлёзма девон XIV асрнинг иккинчи ярми ва XV асрнинг ўрталаригача яшаб ижод этган, ҳозиргача тарихда маълум бўлмаган, хоразмлик ўзбек шоири Абдулрахим Ҳофизнинг девони бўлиб чиқди.

Ҳофиз Хоразмий қўлёзма девонининг топилиши муносабати билан табиийдирки, шоир ҳаёти ва ижодини ўрганиш ва унинг ҳақида тарихий манбалар, қолаверса, илмий адабиётларда бирор маълумот бор йўқлигини аниқлашдек кўп машаққатли вазифани ҳал қилиш зарурияти туғилди. Ҳофиз Хоразмий ва унинг меросини аниқроқ билиш учун ўзбек, форс — тожик ва озар адабиётларига оид жуда кўп тазкира, баёзлар, Совет Иттифоқи ва хорижий Шарқ ва Ғарбда чоп этилган катта-кичик ҳажмидаги барча асосий каталоглар, шэрқ адабиёти тарихига оид турли-туман қўлёзма манбалар ва ҳар хил босма асарларни бирма-бир кўздан ўтказдим. Натижада Ҳофиз номи ёки тахаллусига эга бўлган 156 киши тарихда ўтганлиги маълум бўлди. Аммо бирор манбада Ҳофиз Хоразмий номи, қўлёзмасининг бошқа бирор нусхаси ёки шеърларидан намуналар учрамади. Дарҳақиқат, XIV—XV асрлар ўртасида яшаб, ўз даври савиясига нисбатан ўзбек тилида шу қадар улкан бадий мерос қолдирган Ҳофиз Хоразмийдек йирик санъаткор ҳақида тарихда, биз топган девон қўлёзмасидан бошқа ҳеч қандай из топилмаслиги, ҳатто Ҳофиз Хоразмийнинг Алишер Навоийдек улуғ шоирга ҳам номаълум бўлиши ақл бовар қилмаслик даражадаги ҳайратомуз бир ҳолдир!

Нима учун Ҳофиз Хоразмий бу даражада асрлар қаърига кўмилиб кетган, нима учун асарларидан бирор мисраси бошқа манбаларга кирмай қолган, нега уни тарихий манбалар тилга олмайди? Дафъатан қараган одамга унинг номи ва асари тарих саҳифасидан қасддан ўчирилгандай кўринади. Ҳофиз Хоразмий тақдирининг бунчалар шафқатсизликларга гирифтор бўлишининг боиси нимада? Бу муаммоларни ҳозирча ҳал этиш ғоятда мушкулдир.

Ҳофиз Хоразмийнинг яшаган даври, замондошлари ва ўз ҳаёти ҳақидаги қимматли маълумотларни унинг қағида, ғазал, қитъа ва рубоийларигина бера олади. Бинобарин, шоир биографиясини яратишга журъат қилар эканмиз, ҳозирча яқна-юягона ва ишончли манба сифатида фақат унинг ўз девонига суяна оламиз, холос.

Ҳофиз Хоразмийнинг асли исми Абдулрахим эканлиги девондаги еттита форсча ғазалларида Раҳим ёки Абдулрахим номи тахаллус сифатида келтирилганлигидан маълум. Фикримизча, тахаллус ўрнида келган бу оддий ном, ҳали ўзига махсус тахаллус танлашни эп бўлимаган ёш шоирнинг ўз исми бўлиши керак. Бу исми у ўзбекча бир ғазалида ҳам тахаллус сифатида ишлатди:

Хос ўз қулинга лутф этиб раҳим қилса ёр,  
Мухлис қадимий қул анга Абдулрахим эрур.  
(Девон, 157-бет)

Нима учун ёш шоир Абдулрахим кейинчалик ўзига Ҳофиз тахаллусини қабул қилган? Фикримизча, бу, икки сабабдан келиб чиққан бўлса керак: биринчидан, Ҳофиз Хоразмий ўзининг машҳур замондоши Ҳофиз Шерозий бадий даҳосидан тарбияланиб, уни ўз пири — мураббийси сифатида эътироф этиши ҳақиқатга яқин кўринса, иккинчидан, ёш Абдулрахимнинг ўзбек тили, адабиёти ва маданиятининг тўла ҳуқуқи учун курашувчи, жасоратли ва оташин ватанпарвар экани билан изоҳланади. Аниқроғи, шоир Абдулрахим ўзбек шеъриятида ҳам Ҳофиз Шерозийдек забардаст санъаткор бўлишини орзу қилган. Ўзбек халқи ҳам ўз она тилида яратилган ишқий, фалсафий шеъриятдан кенг кўламда баҳраманд бўлмоғи лозим, деган эзгу тилаклари, унинг дунёқарашдаги халқчиллик ғоялари билан боғлиқ кўринади. Кейинчалик Абдулрахим Ҳофиз тахаллусини қабул қилган. Бу ҳақда шоирнинг ўзи бир ғазалида шундай ёзган:

Ҳофизни кўрунғ ушбу замон турк тилинда,  
Ғар кечди эса форсда ул Ҳофизни Шероз.  
(Девон, 279-бет)

Бу мисраларни шу қадар баралла ёзишга Ҳофиз Шерозийдек буюк шоир билан ижодий беллашишга қодир, етук санъаткоргина журъат қилиши мумкин эди. Демак, классик адабиётимиз тарихида Навоийга қадар XIV аср охирида ўз адабиётида биринчи ўлароқ мукамал девон тартиб этган шоир Ҳофиз Хоразмий бўлган дейишимизга тўла асос бор. Ўзбек шеъриятининг Ҳофиз даъвосини қилган хоразмлик Абдулрахимнинг бизгача етиб келган улкан бадий мероси унинг ўз даъвосида ҳақли эканининг очиқ эботидир. Ҳофиз тахаллуси унинг девонидаги ғазаллар мактаида жингдан ортиқ ўринда учраса-да шоирнинг тўлиқ номи Ҳофиз Хоразмий экани фақат икки ўриндагина кўрсатиб ўтилган:

Валоёту, каромоту, карам ўзиндин издаю,  
Бўлибдур Ҳофиз Хоразмий жони бирла Кирмоний  
(Девон, 18-бет)

Иноят бирла сўз бобинда ёри кўргу-  
зур бўлса,  
Ошургай Ҳофиз Хоразмий шеърин  
фарқи шуародин.  
(Девон, 22-бет)

Мазкур икки байтдаги фактларга суянган ҳолда, шоир номини Ҳофиз Хоразмий деб юритиш мақсадга мувофиқдир ва шу ном тарихидаги «Хоразмий» сўзи уни Ҳофиз Шерозийдан ажратиб туради.

Девондаги жуда кўп мисоллардан маълум бўлишича, Ҳофиз Хоразмий Шерозийнинг кичик замондоши бўлган. Ҳофиз Шерозий 1389 йили вафот этганида Ҳофиз Хоразмий етуқ шоир бўлган бўлса керак. Агар Темурнинг Хоразмга юришлари даврида Ҳофиз Хоразмий Шерозга бориб қолган бўлса, у тақдирда, форсигўй Ҳофиз билан туркигўй Ҳофизнинг бир-бирлари билан учрашган, танишган бўлишлари эҳтимолдан узоқ эмас.

Ҳар иккала Ҳофиз умрининг кўп қисмини Шерозда ўтказганлар. Ҳофиз Шерозий, билан Ҳофиз Хоразмийнинг илғор дунёқараши, фалсафий концепциялари, гуманизм, ижодий метод ва маҳорат бобидаги қатор муштарак ҳоллари уларнинг бир давр, бир ижтимоий-сиёсий тузум ва маданий муҳитда яшаганликларидан дарак беради. Дадил айтиш мумкинки, Ҳофиз Хоразмий Ҳофиз Шерозий аъёнalarини биринчилардан бўлиб ўзбек шеърятига олиб кирган, айниқса ғазал жанрини мазмунан бойитган улкан санъаткор бўлган. Куйидаги байт бу фикримизни тасдиқловчи равшан далилдир:

Шерозий туркларга элтинг бу  
шеърниким,  
Сўрдум бу тавр узра Ҳофиз бикин  
каломе.  
(Девон, 549-бет)

Амир Темур 1379—1388 йиллар мобайнида бир неча бор Хоразмга юриш қилиб, ўлкани толон-торож этгани, айниқса 1388 йилда Урганчни ер билан яқсон этиб, у ерда маданият қайта бош кўтаролмайдиган аҳволга келтиргани тарихдан маълум. Шу пайтда вайрон бўлган мамлакат халқи ўз бошидан не-че фожиа ва мусибатларни ўтказмади. Хоразм халқининг илғор фарзандларидан қанча-қанча олим, шоир, маданият арбоблари, хунараманд, қосиб савдогарлар бошпана излаб турли хорижий мамлакатларга тўзғиб кетганларида етуқ шоир Ҳофиз ҳам даҳшатли фалокатлар азобини тортгани ҳақиқатдан узоқ эмас. Унинг:

Ҳофиз, санинг қадрингни гар, Хоразм  
аҳли билмаса,  
Азми Ироқ айлаб равон, оҳанги  
Шероз этгасен.  
(Девон, 395-бет)

Ёки:  
Ҳофизга наво тегмаса Хоразмда,  
андин  
Қилгай эди оҳанги Ҳижоз ила  
Сипоҳон.  
(Девон, 437-бет)

дея ўз аҳволи руҳиясини баён этувчи байтлари худди шу пайтда шоирнинг Хоразм-

да эканлигидан дарак беради. Чунки хонавайрон бўлган юртнинг абгор халқи Ҳофиз каби санъат эгаларининг қадрига етадиган аҳволда эмас эди.

Ҳофиз Хоразмий 1390 йиллардан сўнг, эҳтимол XV аср бошларида ўз Ватанини ташлаб кетишга мажбур бўлган, деб тахмин қилиш мумкин, ёки 1414 йили Шероз тахтига ўтирган Иброҳим Султон тақлифи билан Шерозга борган бўлса ажаб эмас. Дастлаб у қайси мамлакатларда бўлганлиги номаълум. Гарчи шоир ўз асарларида Ироқ, Ажам, Хуросон, Форс, Исфаҳон, Кирмон, Шероз, Табриз, Самарқанд, Бухоро, Хўжанд каби ўлка ва шаҳарлар номларини тилга олса ҳам, Ҳофизнинг чет элда асосий истиқоматгоҳи форс ўлкасининг пойтахти Шероз бўлган.

1405 йили Темур вафотидан сўнг унинг кенг қулоқ отган давлатини идора этиш учун меросхўрлари ўртасида кураш кетади, натижада пойтахти Ҳирот ҳисобланган Хуросон ўлкасини Шохрухнинг ўзи суради, 1409 йили Мовароуннаҳрга катта ўғли Мирзо Улуғбекни ҳоким қилиб тайинлаб, Самарқанд тахтига ўтказди. Эронда форс ўлкасини идора этишни кичик ўғли Султон Иброҳимга топширди. 1414 йили Шероз тахтига ўтирган Султон Иброҳим 21 йил форс ўлкасини идора этиб, 1435 йилда вафот этган. Ҳофиз Хоразмий Шерозга Султон Иброҳим тахтга чиқмасдан аввал бориб қолганми ёки сўнг борганми, бизга номаълум. Аниги шуки, шоирнинг.

Гулистон юзлу, эй соқий, санинг  
ишқинг манга жондур,  
Ичалим боданиким, даври Иброҳим  
Султондур.

Саноу ҳамд этадур яратган биру  
боринга,  
Ўшул Султон замонинда бу Ҳофиэким  
ғазалхондур.  
(Девон, 149-бет)

байтлари, унинг биринчидан, Шерозда яшаганини тасдиқласа, иккинчидан хронологик жиҳатдан шоир ҳаётининг сўнгги йиллари Эронда (Форсда) Султон Иброҳим ҳукмронлик қилган даврга тўғри келганини кўрсатади. Юқоридаги шеър мазмунига диққат қилинса, Ҳофиз Хоразмий ўзини Султон Иброҳим даври ғазалхон дейиши уни саройга яқин, замонасининг пешқадам шоирларидан эканига очик ишорадир.

1435 йили Султон Иброҳим вафот этганида Ҳофиз Хоразмий унга атаб махсус марсия ёзади. Шу марсия туфайлигина биз шоирни 1435 йилда ҳали ҳаёт эканини аниқлай оламиз. Ҳофиз яна қанча умр кўрган, қачон вафот этган ва қаерда дафн этилганлиги ҳозирча номаълум. Аммо Темурнинг Хоразмга юришлари даврида, Хоразм аҳли олдида қадрсизлигидан шикоят қилган Ҳофиз, шубҳасиз, XIV аср охиридаёқ етуқ шоир бўлиб, ёши 30—40 атрофларида бўлмоғи керак. Агар биз унга XV асрдан яна 35 йилни қўшсак, у Султон Иброҳим вафоти чоғида мўйсафид бўлиб ёши 75—80 атрофида бўлган деб тахмин қилиш мумкин. Шоир Шерозда турғун бўлиб қолганидан

ўша ерда вафот этиб, ўша ерда дафн этилган дейиш мумкин.

Ҳофиз ўз шеърятининг дунёвий мазмуни, гуманистик руҳи ва фалсафий теранлиги, юксак бадиияти билан бошқа замондошлари орасида ўз даврининг илғор идеологиди, сўз санъатининг мумтоз ва етук вакили сифатида қад кўтариб туради. XIV ва XV асрлар ўртасида ўтган, Ҳофиз Хоразмийга яқин даврда яшаган ўзбек шоирлари Ҳайдар Хоразмий, Сайид Аҳмад, Лутфий, Атоий, Гадоий, Сажкокий, Яқиний, Аҳмадий, Амирий, Хўжандийларнинг бизгача етиб келган адабий мероси жами Ҳофиз Хоразмий девони ҳажмидан камдир. Бинобарин, қадимий ўзбек адабиёти ва адабий тилининг ажойиб, бебаҳо ёдгорлиги бўлиши Ҳофиз девонини ҳар томонлама ўрганиш, шоирнинг адабиётимиз ва маданиятимиз тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш энди бошланажак илмий тадқиқотлар олдида турган вазифалардандир.

Абдулраҳим Ҳофиз Хоразмий девони қўлёзма нусхаси Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳридаги Салоржанг музейидан топилгани учун, манбашуносликда қабул қилинган аъёнага мувофиқ, биз уни шартли равишда Ҳофиз девонининг Ҳайдаробод нусхаси деб атадик.

Аммо девоннинг ягона қўлёзма нусхаси қандай қилиб Шероздан марказий Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрига бориб қолганлиги, қандай қилиб Салоржанг музейи қўлёзмалари хазинаси мулкига айлангани ҳақида маълумотлар йўқ.

Аниқроғи шуки, Ҳофиз ўз девонини энг кечи билан Султон Иброҳим вафоти арафаларида, яъни XV асрнинг 30-йилларида тасниф этган бўлиши керак. Девон ундан кейин тасниф этилганида 1435 йил Султон Иброҳим вафотига атаб ёзилган марсия, албатта, девон таркибидан жой олиб, кейинчалик бошқа котиб қаламида кўчирилиб қўлёзмага қўшиб қўйилмаган бўлур эди. Шунингдек девоннинг тузилиш тарихи XV асрнинг 30-йилларидан аввалроқ бўлиши ҳам ақлга сиғмайди. Чунки 1435 йилда ҳали ҳаёт, ижод этиш қобилиятига эга бўлган шоирнинг XV асрнинг 30-йилларига қадар бўлган ижодининг девондан ўрин олмай четда қолиб кетиши мантиқдан узоқдир. Девонга жамланган 18632 байт ҳажмидаги шеърларнинг ғоявий мазмуни, бадий камолоти, ранг-баранг жанрлари, девоннинг тугалланган эканлиги, қўлёзма эса ўз ичига Ҳофиз Хоразмий поэтик меросини асосан тўлиқ олганлигини кўрсатиб турибди. Демак шоир ҳаёти охириги йилларининг тарихи 1430—1435 йиллар ўрталарига тўғри келади. Сўнгра Ҳофиз Хоразмий қанча умр кўрган, қанча ёзган, қўлимиздаги девонга кирмаган шеърлари бўлса (бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас) уларнинг тақдири нима билан тугаган? Бу тўғрида бирор нарса дейишга асосимиз йўқ.

Қўлёзма кўп ўқилиб уринган, китоб охириддан рубойийлар ёзилган бир-икки варағи жувздан ажралиб, муқова билан йўқолган, 386—387 варақлар ўртасида «н» ҳарфидаги

ғазаллар бошланишидан ҳам қанчадир варақ тушиб қолган, аммо девоннинг қолган қисми мукаммал сақланган. Қўлёзmannинг қачон, ким томонидан кўчирилганлиги ҳақидаги маълумот фикримизча ана шу йўқолган сўнгги варағида бўлиши мумкин эди. Афсуски, йўқолган бет фан учун муҳим маълумотларни ўзи билан олиб кетган. Аммо шунга қарамай хат услуби, қоғози, сиёҳи ва бошқа белгиларига кўра қўлёзма XV асрнинг 30-йиллари Шерозда китобат қилинган деб тахмин қилса бўлади.

Қўлёзmannинг жиддий нуқсони шуки, у қачонлардир зах жойда сақланиб, намда қолган. Шу сабабдан жуда кўп варақларини сув ғоғлари босган. Қўлёзма ҳошияларини қурт еб, ғалвирак қилиб юборган, аммо матнга зарар етмаган. Асар Шерознинг ипак қоғозига, бошидан охиригача XIII—XIV аср Эрон китобатига хос бўлган насх хатида бир текисда диққат билан, ғоятда саводли кўчирилган. Фақат Султон Иброҳим вафотига атаб ёзилган марсия бошқа, малакали хатот томонидан, сўнгги даврнинг шалдирак новотранг қоғозига, типик настаълиқ хатида кўчирилиб, девондаги қасидалар охирига (Девон, 52—58-бет) кейинчалик қўшиб қўйилган. Қора сиёҳ билан ёзилган матн ҳар бетга икки устунда жойлаштирилган. Қўлёзmannинг барча бетларида матн оддий жадвал ичига олинди, варақлар охирига пойғир қўйилгани туфайли, кўчирувчи томонидан варақлар рақамланмаган. Мен хазина раҳбарининг руҳсати билан қўлёзmannинг бошидан охиригача қалам билан бетма-бет рақамлаб чиқдим.

Қўлёзmannинг варақлар сони 586. Умумий формати 15×26 см., ҳошиясиз фақат матн формати 12×18 см. Ҳар бетда, сатрлар сони 15 тадан 17 тагача. Қўлёзmannинг 1, 58, 59-бетлари ва ҳошиясиздаги турли ёзувлар девонга алоқасиз. Кейинчалик девоннинг тоза қолдирилган биринчи бетига «қоф» ҳарфида 30 та ўзбекча сўзлар луғати (қўпормоқ, қуймоқ, қўйдирмоқ, қовурмоқ, қочқоқ, қурсоқ в. б.) настаълиқ хатида ёзилган. Шу хат билан, биринчи саҳифа юқорисида «Девони Ҳофиз турк» жумласи ёзилган. Бундан ташқари яна шунга ўхшаш «Девони Ҳофиз ба забони турк» жумласи алоҳида қоғоз парчасига ёзилиб, 3-бетнинг юқоридаги чап бурчагига ёпиштириб қўйилган. Бу ҳар икки ёзув сўнгги асрларда бегона одамлар томонидан битилган.

Китоб оддий насх хати билан кўчирилгани учун бадий қўлёзмалар гуруҳига кирмайди. Шунисига қарамай девоннинг қасидалар ва ғазаллар бошланадиган икки бети (2, 60-бет) Шерозда кўчирилган китобларга хос икки ибтидоий даражадаги унвон ишланган. Ложувард ранг ва олтин суви билан ишланган бу икки унвоннинг XIV—XV аср ўртасидаги Эрон китобат санъатига хос услубда экани қўлёзmannинг XV аср биринчи чорағида кўчирилганини тасдиқловчи омиллалардан биридир.

Ҳофиз Хоразмий девони таркибида тўққиз қасида, бир таркибанд, уч тәржеъбанд, бир мухаммас, бир марсия, 1052 ғазал, икки мустазод, 31 қитъа ва 12 ру-


бойи бўлиб, қўлёзма ўн учинчи рубоийнинг биринчи байтида узилади.

Ҳофиз Хоразмий шеърояти билан мукамал танишиш шуни кўрсатадики, шоир Лутфий, Атоий, Саккокий каби Навоийгача бўлган дунёвий поэзиянинг йирик вакилидир. Тўғри, у ҳам даврининг вакили сифатида тасаввуфга алоқадордир. Бироқ Ҳофиз феодал жамиятининг илғор инсонпарвар, маърифатпарвар вакили сифатида Ҳофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий ва Алишер Навоий каби тасавуфнинг прогрессив ифодаси ҳисобланган пантеизмга асосланган. Катта замондоши Имоиддин Насимий каби феодал зулмига қарши ўта исёнкор бўлмас ҳам, расмий исломнинг разил вакиллари томонидан ваҳшийларча ҳалок этилган суфизм идеологларидан бўлган Мансур Халложни ғазалларида ҳурмат билан эслайди. Унинг бутун шеърояти инсон бахт-саодати, унинг эркинлиги ва дунёвий ҳаётни куйлашга қаратилган.

Бадий маҳорат ва ўзбек тилида ғоят содда ва раво ғазаллар яратишда уни Навоийгача бўлган ўзбек ғазалиётининг

беназир устози деса арзийди. Бадий маҳорат, қофия ва радифларни усталик билан танлай билиши, ажойиб лирик образлар ярата олиши Ҳофиз Хоразмийнинг етук санъаткорлигидан далолат беради. Ҳофиз тили таркибида Октябргача бўлган асарларда учрайдиган араб, форс сўзлари нисбатан камдир. Аксинча, халқ тилига яқинлик, халқ оғзаки ижодидан фойдаланишга эътибор берилган, лекин хоразм шеvasига хос элементлар кўп. Масалан, изламак — изламак; ментак — мендек; бикин — ўхшаш каби; текин-дек; сучи — чучук, ширин; казламак, гизламак — яширмак; казмак-кезмак; ичалим — ичайлик; ўш эмди — энди, кўрклу — чиройлик; тегай — дегай; теп — деб, тер-дер, тақи — яна; тўлу-тўла; орон — ёрон; ўрнамоқ — ўрнашмоқ; каракмас — керак эмас; али, эли — илги, қўли ва шунга ўхшашлар. Фикримизча, Ҳофиз Хоразмийнинг бу нодир асари ўзбек адабиёти, тили тарихи, тарихий грамматикаси, лексик бойлигини ўрганишда тенги йўқ ҳужжатдир.

# Тўққайчи



**Бўлимга  
ФАҒУР ҒУЛОМ  
асос солган**

## Кадр танлаш

**Г**азетанинг масъул котиби ички телефон орқали ўзига яқин бўлим мудирини чақирди. Мудир кириб ёнига ўтиргач, деди:

— Саъдиевнинг ўрнига бирорта одам топинг энди. Фақат тезроқ, чунки яқинда навбатдаги номерни туширишимиз керак. Шошилиб қолишимиз мумкин.

— Қанақа одам бўлсин?— сўради мудир кўзларини мўлтиллади.

— Ўзингиз биласиз-ку, ҳалигидай... ўзингиз биласиз-ку... — чайналди масъул котиб.

Мудир «хўп бўлади» дея хонадан чиқиб кетди. У барча ишларини йиғиштириб қўйиб, столга мук тушганча роса ўйлади. Ўзи таниган, билган журналистларни бирма-бир кўз ўнгидан ўтказди, баъзилари ҳақида телефон орқали қўшимча маълумотлар олди. Аммо бекаму кўст одамни топиш жуда қийин бўлди. Бировнинг қалами яхши, лекин ўзи кўпроқ «тортади», бирови ичмайди ҳам, чекмайди ҳам у, оиласига садоқатсиз, барча жиҳатлари тўғри келганлари эса яхшигина жойларда ишлаб туришибди. Мудирнинг боши қотиб қолди. Лекин, бари бир, излаган одамни топти. Мудир чуқур «уф» тортиб олгач, қувончдан ёш боладай диконлаганча масъул котибнинг ёнига югурди.

— Топдим, Аҳмаджон ака, топдим! Худди сиз ўйлагандай! Қалами жуда зўр, ичмайди, чекмайди, оиласига садоқатли, муомаласи яхши, мулоҳазали!.. Пешонасида истиқбол юлдузи чарақлаб турибди!..

— Бас!— деди масъул котиб.— Фикрими мутлақо тушунмабсиз! Йўқ, буна-

қаси бизга тўғри келмайди. Бошқасини топинг, яхшилаб ўйлаб кўринг.

Мудирнинг башараси буришиб кетди, у боягидай кулмоқчи бўларди-ю, нуқул тиржаярди холос. Хонасига кириб, бошини қўллари орасига олганча хаёл денгизга тубига ғоввосдай шўнғиди.

«Ҳамма ҳаракатларим бекор кетди-я! Котибимизнинг юрагидагини қандай топсам экан-а? Шартта-шартта айтиб қўя қолмайдим ахир! Хў-ўш, қалами яхши, бир оз ичадиган, чекадиган, оиласига бир оз садоқатли, муомаласи ўртача, сал-пал мулоҳазали кишини тавсия қилсам-чи? Бор таваккал!..»

Мудир мана шунақа одамни қидира кетди. Уринди-суринди, охири топти. Котибимиз айтган одам айнан шу киши бўлса керак, ўйлади у. Чиройли қилиб тўлғазилган анкетани кўтарганча котибнинг ёнига шошди.

— Мана энди топган бўлсам керак! Анкетани ўқиб кўринг-а!

Котиб анкетани кўздан кечирди-да, деди:

— Ҳм-м, салгина яқинлашибсиз холос. Уйланг, дўстим, яхшилаб ўйланг. Наҳотки, шу пайтгача менинг кўнглимдагини ўқиб олмагансиз?

Ўзини масъул котибнинг энг яқин одами қилиб кўрсатишга уринадиган мудир мулзам бўлиб қолди. Яна турли-туман ўйлар билан банд эди. «Ие, энди салгина яқинлашибсиз дедими!» Калласига келган бу фикрдан мудирнинг ичига чироқ ёқилгандай бўлди. «Тўғри, бизнинг ишда қалами яхши бўлса, бас-да!» ўйлади у. «Демак, бизда ишлайдиган одам мана бундай бўлиши керак: ичади, чекади, ои-

ласига садоқатсиз, муомаласи қўпол, мулоҳазасиз, лекин қалами яхши.

Мудир худди шундай одамни топти ва ўша заҳоти масъул котибнинг хонасига ўқдай отилди.

— Топдим, топдим, эҳ, каллани қаранг-а, Аҳмаджон ака! Шугина нарсага ақлим етмабди-я! Мана, ўқиб кўринг.

Масъул котиб анкетани кўздан кечира бошлади.

— Ҳм-м, ичади, чекади, оиласига садоқатсиз, муомаласи қўпол, мулоҳазасиз, лекин қалами яхши... Эҳ, яна тополмасиз! Бари бир фаҳмингиз етмабди! Қаранг, «ичади», дебсиз, бўлмайди — коллективга доғ туширади. Чекадиган одам хонани булғайди, оиласига садоқатсиз

бўлса, гувоҳ сифатида судма-суд юрасиз, муомаласи қўпол киши кайфиятингизни бир пул қилади, мулоҳазасизнинг эса сизга ўхшаб ҳеч балого ақли етмайди!.. Мана, мана бундай анкета тузамиз, ичмайди, чекмайди, оиласига садоқатли, хушмуомала, ҳар бир фикрингизни кўзингиздан ўқиб оладиган — мулоҳазали, лекин... қалами тош йўнган болтадай ўтмас... Қалами ўткирлардан жуда тўйиб кетдим. Тўрт-беш кундан кейин ўрнингга ўтиришга ҳаракат қилиб, бало бўлади. Энди тушунгандирсиз...

Ҳа, мудир ҳамкасблари Саъдиев, Валиев каби қалами ўткир ходимларнинг бушатиб юборилиб, ўзининг нега ишлаб келаётганига энди тушуниб етди.

**Ориф ФАРМОН.**



## МАДАНИЙ ҲАЁТ

14 майда Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрида атоқли ёзувчи **Мирмуҳсин** туғилган куннинг 60 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечани Ўзбекистон халқ шоири Уйғун бошқарди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раисининг ўринбосари **Г. М. Орлов** **Мирмуҳсинга** «Халқлар дўстлиги» орденини, шунингдек «Ўзбекистон ССР Халқ ёзувчиси» деган фахрий унвонни топширди.

Филология фанлари доктори **Л. Қаюмов** адибнинг ижоди ҳақида доклад қилди.

\* \* \*

20 майда В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида Ўзбекистон ССРда Тожикистон ССР адабиёти ва санъати кунларининг очилишига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди.

Кечани Ўзбекистон ССР Министрлар

Совети Раисининг ўринбосари **Р. Ҳ. Абдулаева** кириш нутқи сўзлаб очди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов** ва Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ж. Р. Расулов** нутқ сўзладилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, КПСС XXVI съездининг делегати Тошкентдаги В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесари **Н. Маннопов**, Тожикистон Ёзувчилар Союзи правленийсининг секретари, «Садои Шарқ» журналининг бош редактори **Лоик Шерали**, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик **О. С. Содиқов**, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Норақ ГЭСи қурувчилари бригадири **М. Шарифов**, СССР халқ артисти **М. Ф. Мансуров**, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат мукофотининг лауреати, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг аъзоси **М. Исоқова** ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Озеровларнинг мақолалари мана шу воқеага бағишланган.

«11-бешйиллик амалда» рубрикаси остида **М. Шаломаев**нинг «Планетанинг бош канали» мақоласи босилган.

Поэзия бўлимида **Туроб Тўла**, **Пўлат Мўмин**, **В. Шатқоқлар** поэма ва шеърлари билан қатнашганлар.

Ушбу сонда **Уктам Усмонов** «Гирдоб» романининг охирини ўқувчилар эътиборига ҳавола этилган.

Шунингдек, журналда бошқа бўлимлар ҳам ранг-баранг материаллар билан қатнашганлар.

# ЗВЕЗДА ВОСТОКА

ИЮНЬ СОНИДА

Журнал Ўзбекистонда бўлиб ўтган совет адабиёти кунларига бағишланган.

**Ш. Р. Рашидов, Г. М. Марков ва В. М.**

Бош редактор Ҳ. АБДУСАМАТОВ.

Редколлегия: С. АЗИМОВ, ЗУЛФИЯ, И. РАҲИМ, МИР-МУҲСИН, Н. НАРЗУЛЛАЕВ, Ҳ. НИЁЗОВ (бош редактор ўринбосари), У. НОРМАТОВ, Т. ТУЛА, УЙҒУН, У. УМАР-БЕКОВ, Р. ФАЙЗИЙ, Н. ФОЗИЛОВ (масъул секретарь), Х. ХУДОЙБЕРДИЕВА, Ш. ХОЛМИРЗАЕВ, Ҳ. ШАРИПОВ, Ш. ШОМУҲАМЕДОВ, Ҳ. ҒУЛОМ, И. ЮСУПОВ.

Рассом Э. Рўзибоев.  
Техредактор М. Мирражабов.  
Корректор А. Билолов.

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

(Звезда Востока)

№ 6

Орган Союза писателей Узбекистана.

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства ЦК КП Узбекистана,  
Ташкент — 1981

Редакцияга келган бир босма тобоқчага бўлган материаллар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Шарқ юлдузи»дан олинди деб кўрсатилиши шарт.

Теришга берилди 6.04.1981 й. Босишга рухсат этилди 20.05.1981 й. Р — 02011.  
Қоғоз формати 70×108<sup>1/16</sup>. Офсет босма. Физ. листи 15. Шартли босма листи 22,0+0,35 (вкл.) Нашриёт ҳисоб листи 23,06+0,3 (вкл.) Тиражи 210075 нусха. Зак. № 502.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — 700129, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

© Шарқ юлдузи, 1981.

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.

**БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ:**

700000. ТОШКЕНТ ГСП, ПУШКИН КЎЧАСИ № 1  
«ШАРҚ ЮЛДУЗИ» РЕДАКЦИЯСИ.

ТЕЛЕФОНЛАР

БОШ РЕДАКТОР — 332437, БОШ РЕДАКТОР УРИНБОСАРИ — 320828,  
МАСЪУЛ СЕКРЕТАРЬ — 330918, ПРОЗА — 332181, ПОЭЗИЯ, ТАНҚИД  
ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК — 332479, РАССОМЛИК — 330918.